

ИСТАХРИЙ

«КИТАБ АЛ-МАСАЛИК
ВАЛ-МАМАЛИК»

کتاب المسالك والممالك

Йўллар ва ўлкалар китоби



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонаси
Тошкент–2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ИСТАХРИЙ

ХУРОСОН ВА МОВАРОУННАХР

خراسان و ماوراء النهر

Тадқиқот, араб тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар
муаллифи *Р. Т. Худайбергано*



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонаси
Тошкент–2019

УЎК: 000
КБК: 000

Масъул мухаррир:

т.ф.д., проф., академик Юсупова Дилором Юнусовна

Тақризчилар:

т.ф.д. Омонулло Бўриев, т.ф.д. Шамсиддин Камолиддин

Ушбу монография сайёҳ, географ Истахрий ва унинг X аср муслмон дунёси тавсифига бағишланган «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари тадқиқига бағишланган. Унда «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг бевосита Марказий Осиё минтақаси тарихий географияси билан боғлиқ «Хуросон» ва «Мовароуннаҳр» иқлимларининг таржимаси амалга оширилган. Асар таржимаси ўзига хос тарзда янгича ёндашган ҳолда амалга оширилган. Таржима учун асарнинг араб тилидаги (11 та) ва форсий таржимасидаги (8 та) кўлёзма ва нашрлардаги матнлари жалб этилган.

Китоб Марказий Осиёнинг ўрта асрлар тарихий географиясини ўрганишда асосий манбалардан бири сифатида тарихчи мутахассислар ва умуман китобхонлар диққатига тақдим этилади.

“Китоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси сифатида ПЗ-2017092224-рақамли “Марказий Осиё тарихига оид манбалар наشري (ЎзРФАШИИ фонди ёзма манбалари асосида)” амалий лойиҳаси доирасида нашр қилинди”.

ЎзР ФА Шарқишунослик институти илмий кенгашининг 2019 йил 27 ноябрдаги 11-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 00000

© ЎзРес ФА «Фан» нашриёти
давлат корхонаси, 2019 й.

ТАРИХИЙ МАНБА ТАРЖИМАСИГА ЯНГИЧА НАЗАР

Манбашунослик тарих фанининг тадқиқот соҳаларидан биридир. Мазкур илмий йўналишнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Унинг фақат ўзигагина хос бўлган тадқиқот усуллари бор. Дунёда фан-техниканинг жадал тараққий этиши жараёнида манбашунослик илми ҳам такомиллашиб бораётир.

Асар тарихи унинг ёзилишидан бошланади. Кейинчалик унга котиб, таржимон ва гоҳида оддий ўқувчи ўзгартиришлар киритган ҳолатлар содир бўлиб туради. Оқибатда вақт ўтиши билан бир-биридан фарқ қилувчи турли нусхалар пайдо бўлади. Қадимий манбалар шундай ҳодисалар орқали бир неча аср ўтиб, турли муаммолар билан бугунги тадқиқотчи қўлига етиб келади.

Замонавий манбашуносликда тарихий манбалар факсимиле, танқидий матн, таржима, табдил шаклларида ўқувчига тақдим этилади. Асар нашри бир ёки бир нечта нусха асосида тайёрланади. Бундай нашрлар кейинги тадқиқотлар учун асосий манбага айланади, асар матнига боғлиқ муаммолар самарали ҳал этилишига хизмат қилади. Сайёҳ, географ олим Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» («Йўллар ва ўлкалар китоби») асари қўлёзма нусхалари ҳам узоқ асрлар давомида шундай муаммолар орттирган.

Шарқ Ренессанси даврида араб жуғрофия фанида юксалиш жараёни кечди, Бағдод ва Балх мактаби шаклланди. Абу Зайд ал-Балхий (ваф. 934) Балх мактабига асос солди. У асарида дунё ва X аср мусулмон оламининг йигирма иқлими харитасини тузди. Китобадаги ахборотлар Ўрта денгиз атрофи ва Марказий Осиё минтақаси билан бирга улкан минтақани қамраб олади. Балхий асари бизгача етиб келмаган, деб ҳисобланади.

Унинг асарини саёҳатлари ва янги маълумотлари билан тўлдирган Истахрий таржимаи ҳолига оид маълумотлар етарли эмас. Ибн Ҳавқал Истахрий маълумотларига қўшимчалар киритиб, ўз асарини ёзади. Мазкур икки сайёҳ асарларига оид чалқашлик икки асрдан буён турли баҳсларга сабаб бўлмоқда ва ҳануз якуний ечимини топмаган. Бу борада академик И.Ю. Крачковский ҳам жиддий тадқиқот ўтказилиши зарурлигини таъкидлаган эди.

Монографияда тавсифий жуғрофия жанрида ижод этган сайёҳларнинг Балх мактаби вакили Истахрийнинг ҳаёти ва илмий мероси билан боғлиқ муаммолар ҳал этилган, «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг бевосита Марказий Осиё минтақаси тарихий географияси билан боғлиқ «Хуросон» ва «Мовароуннаҳр» бўлимлари таржимаси амалга оширилган. Асар таржимаси ўзига хос тарзда янгича ёндашган ҳолда бажарилган. Таржима учун асарнинг араб тилидаги 11 та ва форсий таржимасининг 8 та қўлёзма нусхалари

ва нашрлардаги матнлар жалб этилган. Улардаги фарқларни акс эттириш учун танқидий матн тайёрлаш усулидан фойдаланилган. Натижада вақт ўтиши билан турли нусхаларда пайдо бўлган фарқлар нашрда сақлаб қолинди ва илмий муомалага киритишга муваффақ бўлинди.

Монография мусулмон оламининг X асрдаги Европа, Осиё ва Африка қитъалари, Марказий Осиё тарихий географиясини ёритувчи тарихий манбалар тадқиқига оид услубий ёндашувларва назарий хулосаларни мукаммаллаштиришга хизмат қилади. Бир манба тадқиқига барча нусхаларини жалб этиб, таржима қилиш тажрибасини ўтайди. Манбашунослик йўналишидаги таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорининг 3-иловасида Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг ҳам илмий изоҳли таржимасини амалга ошириш белгиланган эди. Мазкур монография Президент қарорининг амалий ижроси бўлди.

Академик Д.Ю. Юсупова

«КИТАБ АЛ-МАСАЛИК ВАЛ-МАМАЛИК» ТАРЖИМАСИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

Истахрий илмий мероси билан боғлиқ амалга оширилган манбашунослик ва матншунослик йўналишидаги тадқиқотлар натижасида «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матни тўла ва мукамаллиги, форсча таржимаси қисқа аммо «Китаб ал-ақалим»дан каттароқ экани маълум бўлди. «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг араб тилида бир-биридан фарқ қилувчи уч ва форсча таржимада икки нашри борлиги аниқланди. Энди уларнинг умумлаштирилган ягона таржимасини амалга ошириш ёки асарнинг танланган бирор арабча мукамал матнини ўзбек тилига ўгириш керак бўлади. Улардан қай бири танланса, масала тўғри ечим топади ва иш муваффақиятли ҳал этилади?

Ўтмиш манбаларини тадқиқ этиш ва таржима қилишда матншунослик илмининг фақат унгагина хос усуллари ва қоидалари бор. Иш жараёнида уларни эътиборсиз қолдириб ё четлаб ўтиб бўлмайди. «Китаб ал-ақалим» ҳар жиҳатдан мустақил асар талабларига жавоб беради. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» унинг тўлдирилган ва тузатилган мукамалроқ нусхасидир. Энди улар иккисини ягона асар деб бўлмайди. Форсча нусхалар «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг арабча матнидан афзал эмаслиги қиёслаш натижасида аниқ бўлди. Демак, таржима учун энг тўғри танлов «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг мукамал матнли арабча нусхаси асосида амалга оширилиши талаб қилинади. Улар бир нечта бўлиши мумкинлигини назардан қочирмаймиз. Асарнинг арабча мукамал матнга яқин форсий нусхалари ва «Китаб ал-ақалим» матншунослик талаблари доирасида таржимага жалб этилади.

Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи»), Табарийнинг «Тарих ар-русул вал-мулук» номли асарлари таржимасида ҳам «Китаб ал-масалик вал-мамалик» муаммосига ўхшаш ҳолат бор эди. «Тарихи Бухоро» ўтмишда бир неча марта таҳрир қилинган, араб тилидаги дастлабки асосий матни аниқланмаган. Шунга қарамай, мутахассислар томонидан унинг тарихий-илмий аҳамияти муносиб баҳоланган, бир нечта хорижий ва ўзбек тилига ўгирилган¹. «Тарих ар-русул вал-мулук» асарининг Қуртубий (ваф. тах. 370/980) таҳрири, Балъамийнинг (ваф. X аср охири) форсча таҳрир-таржимаси, Ҳамадоний (ваф. 512/1127) ўз давригача қўшимча маълумотлар билан тўлдирган таҳрири, уйғур тилига Кошғарий (XVIII аср) ва ўзбек тилига Баёний (1285/1868 – 1341/1923) таржималари ҳам мавжуд. Асар рус тилига терма таржима қилинган². Балъамий таҳриридаги баъзи қўшимчалар ҳақида алоҳида тадқиқот амалга оширилган³.

¹ Наршахий, 1966 – Б. 4-7.

² Табари, 1987; Табари, 1988; Джалилова, – С. 6-17; СВР. История, №№ 1-16.

³ Джалилова – С. 6-17.

Одатда асарнинг мукамал танқидий матнини яратиш учун «қадимги» ёки «тўлиқ» нусхалари танлаб олинади. Бу илмий доираларда кенг тарқалган усулдир. Албатта, унинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор. Айниқса, танқидий матн тайёрланаётган асарнинг нусхалари кўп бўлса. Бугунги кунда айрим тадқиқотчилар асарнинг қиёсий матнини яратиш афзалроқ эканини таъкидлашмоқда¹. Бироқ бу усул ҳам мукамал эмас ва унинг ҳам ўз мураккаблиги ҳамда муаммолари бор. Мазкур икки усулда ҳам асарнинг барча нусхаларини бир пайтда тадқиқотга жалб этиб бўлмайди. Натижада тадқиқотга жалб қилинмаган нусхаларда асар матнидаги ўзгаришлар, фарқларни илмий муомалага киритиб бўлмайди. Асарнинг бошқа тилларга қилинган таржималари навбатдаги таржима жараёнига кўмак беради ва айни пайтда ишни мураккаблаштиради. Бундай ҳолатлар таржима мобайнида фақат «қадимги» ёки «яхши» нусхалар билан чекланиб қолмасликни тақозо этади².

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг ушбу тадқиқи ва таржимаси Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихи, жуғрофияси билан қизиққан барча ўқувчилар ва мутахассислар фойдаланишига хизмат қилади.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнлари таржимасида сатрлардаги маънони тўлиқ етказишга амал қилинди. Таржима учун Ҳиний танқидий матни нашри танланди. Иш давомида Де Гук, Ирож Афшор, Феруз Мансурий нашрлари, Сулаймония кутубхонаси ва бошқа фондлар нусхаларидаги тафовутларнинг ҳар бирига тўхталмадик. Сўзлар гап маъносига таъсир қилган ва асосий матнни тўлдирган ҳолатлар, топонимлар ёзилишидаги фарқлар **матн ости** изоҳларда кўрсатилди.

* * *

Таржимада асардаги топонимлар илмий изоҳига алоҳида эътибор қаратилди. Изоҳлар ўтмишда мавжуд бўлган ва баъзилари бугунги кунда сақланиб қолмаган номларга оид маълумотларни ўқувчи аниқроқ тасаввурга эга бўлиши учун ёрдам беради. Бу йўналишда бир қанча ишлар амалга оширилган. «Китоб сурат ал-ард»нинг «Мовароуннаҳр» иқлими, муаллифи номаълум «Худуд ал-Олам» (XI), Носир Хисравнинг (1004 – 1088) «Сафарнома» ва Ибн Баттутанинг (XIV) «Сафарнома» асаридан «Ўрта Осиёга саёҳат»и таржималари биз назарда тутаётган илмий изоҳлар билан таъминланган³.

Омонулло Бўриев «Худуд ал-Олам» асари таржимасида минтақалар номига кенгроқ изоҳ беради. Шаҳар номларига: «Шакнон – ҳозирги Шуғнон, Тожикистон худуди», каби тушунтириш билан қаноатланади⁴. Ғулом Карим (Носир Хисрав «Сафарнома»си) ва Неъматулла Иброҳимов (Ибн Баттута

¹ Содиков – Б. 140-141.

² Лихачев – С. 98.

³ Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 98; Худуд ул-Олам, 2008; Носир Хисрав; Иброҳимов.

⁴ Худуд ул-Олам, 2008 – Б. 24.

«Сафарнома»си) ишларида ҳам худди шу усул қўлланган¹. Шамсиддин Камолиддинов («Китоб сурат ал-ард») тарихий топонимнинг бугунги кунда қаерда жойлашганини кўрсатиш билан чекланмайди. У топонимнинг турли манбаларда келган ёзув шакллари, унинг этимологияси, тадқиқотчилар фикрлари, баҳсли ҳолатлар, ўзи аниқлашга муваффақ бўлган барча маълумотни ўқувчига етказишга ҳаракат қилган. Унинг изоҳлари асар матни ҳажмидан уч баробар каттароқдир².

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнларида учраган турли атама ва топонимларга бугунги кун ўқувчиси матнни яхшироқ англаши учун хизмат қиладиган изоҳлар таржимадан сўнг алифбо тартибида жойлаштирилди. Изоҳлар бевосита Шамсиддин Камолиддинов томонидан Ибн Ҳавқалнинг «Китоб сурат ал-ард» асаридаги изоҳидан, унинг бугунги кунда энг мукамал бўлгани боис, тўлиқ фойдаланилди. Бу ўринда ўқувчига биринчи навбатда «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнидаги топонимларнинг барча фарқлари кўрсатилди. Кейин бошқа манбалардаги шакллари келтирилди. Манбалардаги мавжуд тарихий маълумотлар китоб ҳажмини катталаштириб юборгани учун киритилмади. Бу каби ўқувчини қизиқтирган маълумотларни ушбу нашрда берилган топоним шаклларида фойдаланиб керакли манбадан топиши осон бўлишига умид қилинди. Изоҳ охирида афсуски, асарда келган барча жойларнинг бугунги кундаги ўрни аниқланмаган, шу боис уларнинг жойлашган ўрни борасида имкон қадар ахборот берилди.

* * * *

Ушбу китобни нашрга тайёрлашда кўпчилик ҳам маънавий, ҳам амалий ёрдам бериб келди. Шу боисдан биринчи навбатда ота-онамга, аёлим, умуман барча оила аъзоларимга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ўтган узоқ вақт мобайнида уларнинг маънавий кўмаklarини, дуоларини доим ҳис этиб турдим. Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий жамоасига, ҳамхонам Абдусаттор Жуманазаровга, хусусан устозим академик Д.Ю. Юсуповага алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

* * * *

Ушбу ишимизда «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг Марказий Осиё тарихий географиясидан хабар берувчи «Хуросон» ва «Мовароуннаҳр» иқлимлари таржима қилинди. Таржима асарнинг араб тилидаги ва форс тилига таржимасининг нашрлари билан бирга уларга жалб этилмаган қўлёзма нусхаларидан ҳам фойдаланилди. Улардан 11 таси араб ва 8 таси форс тилида, жами 19 та матн. Улар қуйидагилар:

¹ Носир Хисрав – Б. 104; Иброҳимов – Б. 91.

² Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 94-321.

Араб тилидаги матнлар

1. Де Гуге танқидий матн нашридаги асосий матн – **A1**¹.
2. Болонья. Болонья университети кутубхонаси, № 3521 – **A2**².
3. Берлин. Берлин давлат кутубхонаси, № 6032 – **A3**.
4. Гота. Гота илмий кутубхонаси, Ms. orient. A 1521 – **A4**.
5. Қохира. Дар ал-кутуб ал-Мисрийя, жуғрофия бўлимида №199 – **A5**.
6. Қохира. Дар ал-кутуб ал-Мисрийя, жуғрофия бўлимида №256 – **A6**.
7. Қохира. Дар ал-кутуб ал-Мисрийя, жуғрофия бўлими №257 – **A7**.
8. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, №2613 – **A8**.
9. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, № 2971 – **A9**.
10. Лейден. Лейден университети, Or. 3101 – **A10**.
11. Гамбург. Муниципал ва университет кутубхонаси, Or. 300 – **A11**.

Форс тилидаги матнлар

1. Ирож Афшор томонидан тайёрланган асарнинг форс тилидаги танқидий матни – **Ф1**.
2. Техрон. Эрон Бостон музейи, №3515 – **Ф2**³.
3. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, №3156 – **Ф3**.
4. Гота. Гота герцоглиги кутубхонаси, №621 – **Ф4**⁴.
5. Вена. Вена миллий кутубхонаси, №1271 – **Ф5**⁵.
6. Тошкент. ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтининг асосий фонди, №108 – **Ф6**.
7. Оксфорд. Бодлеан кутубхонаси, № 396 – **Ф7**⁶.
8. Кобул. Кобул музейи нусхаси – **Ф8**⁷.

¹ Де Гуге нашридаги асосий матн Ҳиний нашрига қабул қилинган бўлиб, таржимага ҳам шу нашр асосидаги матн қабул қилинди.

² Бу нусхадан бевосита фойдаланишнинг иложи бўлмади. Шу боис Де Гуге танқидий матнида келтирилган тафовутлар орқали таржимада фойдаланилди.

³ Бу нусхадан бевосита фойдаланишнинг иложи бўлмади. Шу боис Ирож Афшорнинг танқидий матнида кўрсатилаган фарқлар асосида таржимага жалб этилди.

⁴ Бу нусха Де Гуенинг танқидий матни асосида таржимага жалб этилди.

⁵ Бу нусха Ирож Афшорнинг танқидий матни асосида таржимага жалб этилди.

⁶ Бу нусха Де Гуенинг танқидий матни асосида таржимага жалб этилди.

⁷ Бу нусха Феруз Мансурининг нашри асосида таржимага жалб этилди.

ИСТАХРИЙ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Истахрий ҳаёти ва сафарлари

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрий (954 йилдан сўнг вафот этган) муаррихлар ва тадқиқотчилар орасида шарафли «жуғрофия фани отаси»¹, номи билан шуҳрат қозонган. Унинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарини мусулмон ва дунё географлари ҳозиргача юксак қадрлайди. Шунга қарамай, маълумотлар камлиги туфайли муаллиф таржимаи ҳоли бугунга қадар етарлича ёритилган эмас. Ўрта асрларда унинг асаридан фойдаланган муаллифлар ва ҳатто, «ал-Фихрист» (Ибн ан-Надим) ва «Кашф аз-зунун» (Ҳожи Халифа) каби машҳур биобиблиографик асарларда ҳам у тўғрида ахборот топилмади². Иш жараёнида Истахрий билан бир асрда яшаб ижод этган фақат икки сайёҳ олим асарларида қисқагина маълумот борлиги маълум бўлди. Улардан бири Ибн Ҳавқалдир (ваф. 988). У ёзади: «Абу Исҳоқ ал-Форисий билан учрашдим. У Ҳинд ерининг суратини чизди ва чалкаштириб юборди. Форсни чизди, яхши чизди. Ушбу саҳифадаги Озарбайжон суратини чиздим, маъкуллади, Жазирани яхши деб топди. Мисрни нотўғри, Мағриб тасвирининг кўп қисмини хато чизди. Шунда у: «Иқтидорингни³ кўрдим, китобимда адашган ўринларимни тузатиб бергин» – деди»⁴.

Истахрий ҳақида Муқаддасий⁵ (тах. 946 – 1000) қуйидагича ахборот беради: «Иброҳим ибн Уббад кутубхонасида Абу Зайд ал-Балхий китобини унга илова қилинган хариталари билан кўрдим. Худди шундай китобни Нишопурда Абу Муҳаммад ал-Микалий кутубхонасида ҳам кўргандим. Унда муаллиф кўрсатилмаган эди. Айтишларича, муаллифи Абу ал-Марзбон ал-Кархий эмиш. Бухорода бошқасини кўрдим, муаллифи Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ва бу тўғридир. Мен у билан суҳбатлашган одамларни кўргандим. Бири – Абу Ҳамид ал-Ҳамадоний, бошқаси – Ҳаким Абу Наср ал-Ҳаририй эди»⁶.

Манбаларда Истахрийнинг тўлиқ исми «Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрий маъруф бил-Кархий» деб берилган. Бу маълумотга кўра, унинг исми Иброҳим, отаси Муҳаммад, Исҳоқ исмли фарзанди бўлган, форс миллатига мансуб, нисбаси Истахр шаҳридан эканини кўрсатиб

¹ Сомий, Ж 1, - Б. 991.

² Ибн ан-Надим; Ҳожи Халифа.

³ Матнда сўзма-сўз таржима қилинганда «буржинга қарадим» дейилган.

⁴ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 236.

⁵ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Муқаддасий география фанининг таниқли вакили, баъзи адабиётларда нисбаси «Мақдусий» шаклида ҳам ёзилади. Мусулмон шарқининг кўплаб ўлкаларини кезиб чиққан ва «Аҳсан ат-тақасим фи маърифат ал-ақалим» («Иқлимларни ўрганишда энг яхши китоб») асарини ёзган.

⁶ Муқаддасий, 1991 – Б. 5.

турибди. Кейинги «Кархий» нисбаси у мазкур жойда ҳам яшаганидан дарак беради. Ёкут Ҳамавий «Муъжам ал-булдан» («Мамлакатлар қомуси») луғатида бир нечта жой «Карх» деб номлангани қайд этилган ва улардан бири Бағдоднинг ғарбида жойлашган¹. «Карх» деб аталган жойлардан ҳеч бири Истахрга тааллуқли эмас. «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да ҳам фақат шу жой тавсифи келтирилган².

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» XIX аср бошида Европада тадқиқ этила бошлайди. Тадқиқотчилар Истахрий таржимаи ҳолига тўхталганда асосан, Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий айтганлари ҳамда «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асаридаги маълумотларга таянади.

Истахрийнинг вафот этган йили шу пайтгача баҳслидир. «Большая Советская энциклопедия»даги Истахрийга бағишланган мақолада 850–934 йиллар у яшаган йиллар деб кўрсатилган³. Бу Абу Зайд ал-Балхийнинг яшаган даврига мос тушади.

Де Гуге «Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва бошқа манбалардаги маълумотларни таҳлил қилиб, «у ҳижрий 340/951 – 952 йилдан кейин вафот этган», деб тахмин қилади⁴. Тадқиқотчи бундай хулосага келишда 331/942–943 йилдан кейин саёхатини бошлаган Ибн Ҳавқалнинг Истахрий билан ҳижрий 340/951–952 йилдан аввал учрашгани тўғрисидаги ахборотни инобатга олади⁵. Англиялик олима Кавсар Қандил 1986 йили ҳимоя қилган «A critical edition of Kitab al-aqalim by al-Istakhri» мавзусидаги диссертациясида Истахрий вафоти оид Де Гуге тахмин қилган санани қабул қилади⁶.

Эронлик олим Ирож Афшор эса Истахрий 346/957–958 йили вафот этган, деб кўрсатади⁷. Бироқ бу маълумотни қаердан олганини келтирмайди. Мазкур сана А.И.Колесников ишларидан ҳам жой олади⁸.

Голландиялик олима С. Брентйес Истахрийнинг вафот этган вақти 961 йил деб кўрсатади, бироқ бу сана манбасини келтирмайди⁹. Изланишлар натижасида асар матнида «китоб ёзилаётган пайтида» уммавийларнинг Кордова халифаларидан 929–961 йилларда ҳукмронлик қилган Абдурахмон III эслаб ўтилгани¹⁰, ёки тадқиқотчи Ҳиний унинг вафот санаси борасида «ҳижрий тўртинчи аср ўртасида, чунки у Нух ибн Наср Сомоний ёки унинг ўғли Абдулмалик (в. 350/961–962) даврида Самарқанд ҳокими бўлган Абул-Музаффар

¹ Ҳамавий, 1977, Ж. IV – Б. 427-429.

² Истахрий, 1961 – Б. 84.

³ Истахри, 1972 – Б. 546.

⁴ ДеГуге, 1971 – Р. 51.

⁵ Ўша мақола. – Б. 49.

⁶ Қандил.

⁷ Истахрий, 1368 – Б. 11.

⁸ Колесников, 2004 – Б. 49.

⁹ Брентйес – Б. 16.

¹⁰ Истахрий, 1961 – Б. 35.

Муҳаммад ибн Лукмонни эслаб ўтади», дейиши¹ сабаб бўлиши мумкин деб тахмин қилинди.

Баъзи тадқиқотлар ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари қўлёзма нусхалари тавсифланган каталогларда Истахрий яшаган давр асрлар билан кўрсатилган².

Ҳиний «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг Мисрда топилган янги уч нусхаси асосида танқидий матнини нашр эттиради. Нашр муқаддимасида Истахрий таржимаи ҳолига доир маълумотларнинг кўп учрамаслиги сабабини унинг машҳур бўлмаган оиладан чиққани билан изоҳлашга уринади³.

Истахрийнинг Самарқандда вафот этгани ҳақидаги маълумот бу борадаги энг сўнги қарашлардан биридир⁴. А.Рона-Тас муаллифнинг «мен Самарқандда бўлган пайтимда», жумласига таянаётган бўлса керак. Назаримизда бу маълумот Истахрий бу шаҳарда бўлгани ва ундан чиқиб кетганини кўрсатяпти⁵.

Тадқиқотларда Истахрий таржимаи ҳолига оид бошқа ихтилофли маълумотлар ҳам бор. XX аср бошларида Шамсиддин Сомий (ваф. 1322/1904) «Комус ал-аълум» асарида қуйидагича ёзади: «Истахрий бошланғич таълимни Истахрда олади. География фанига кизиқиб, бу фанни чуқурроқ ўрганиш ва маълумот тўплаш ниятида ҳижрий 303/915–916 йили Истахрдан чиқиб кетади. Ҳиндистондан мағрибнинг чеккаси ва Баҳри Муҳит Атласий (Атлантика уммони) соҳилигача барча Ислом мамлакатлари ва атрофларини кезади»⁶.

Муаллиф бу маълумотларнинг манбасини келтирмайди. Истахрийнинг Атлантика уммони соҳилларигача сафар қилгани ҳақидаги ушбу ахборот ҳам ҳозиргача манбаларда тасдиғини топмаган⁷. Балки шу сабабдир, айрим тадқиқотчилар Шамсиддин Сомийнинг Истахрий таржимаи ҳолига оид мазкур фикрларини қабул қилмаган. А.Т. Тагиржанов унинг маълумотини шунчаки такрорлаш билан кифояланади⁸.

Барча маълумотлар ва тадқиқотлардаги талқинлар умумлаштирилганда Истахрий таржимаи ҳолига оид маълумотлар ва қарашларда анчагина чалкашликлар мавжудлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Бу ўринда асосий эътироз Истахрий яшаган даврини акс эттирувчи саналарни “қовус” ичида, ҳеч бир тахминсиз келтиришлари борасидадир.

¹ Ўша асар – Б. 10.

² Флюгел – № 691; Миклухо-Маклай – № 1; Тагирджанов – № 281 ва бошқалар.

³ Истахрий, 1961 – Б. 6.

⁴ Рона-Тас – Б. 71.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 178.

⁶ Сомий, Ж. I – Б. 991.

⁷ Бу ҳақида Истахрий сафарлари масаласи ўрганилганида батафсил тўхталамиз.

⁸ Тагирджанов – Б. 374.

Шамсиддин Сомий маълумотлари ва Ирож Афшорнинг Истахрий вафотига оид кўрсатган 346/957–958 санасига ҳеч қандай далил аниқланмади. Шу сабабли «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнида 954 – 961 йилларда ҳукмронлик қилган Абдуллоҳ ибн Нуҳнинг номи зикр этилгани боис 954 йилдан сўнг вафот этган деб ҳисоблашни маъқул топдик.

Истахрий сафарлари. Истахрий сафарлари муаммоси ҳалигача илмий асосларда тўлиқ ва ишончли ёритилмаган. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари бугунга қадар унинг сафарлари ҳудудларини аниқлаш борасида ягона манба бўлиб қолмоқда. Асар сафарнома услубида ёзилмаган. Мусулмон дунёси 20 жуғрофий иқлимга тақсимланиб тавсиф қилиниши масалани мураккаблаштиради. Истахрий асарнинг бирор жойида ҳеч қандай санани қайд қилмагани ва муайян ҳудудга сафар қилгани ҳақида ҳар доим ҳам маълумот бермагани тадқиқотни қийинлаштиради. Истахрий сафар қилган ҳудудларни белгилаш мавзусида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Уларда кўрсатилган жойлар ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушмайди.

Де Гье ўз ишларида Истахрий сафарлари ҳақида биринчилардан бўлиб фикр билдирган. У қисқагина: «Ўзининг сўзларидан Арабистон, Сурия, Миср, Ироқ, Хузистон, Рай каби яна бир қанча шарқ ўлкаларига сафар қилгани маълум бўлади», – дейди¹. А.Т. Тагиржанов у Мовароуннаҳр, Форс, Арабистон, Сурия, Миср ва Атлантика уммони соҳилигача сафар қилганини ёзади². Кавсар Қандил тадқиқотида Истахрий сафар қилган жойларни умумий тарзда эмас, аниқ жойлар билан белгилашга уринади. У Истахрий Араб диёрида Макка, ал-Ҳижр, Мадйан, Йанбуъ ва Ваддан; Шом; Ироқда Басра, Куфа; Хузистонда Аскар Мукран ва Аҳваз; Дайламда Рай; Мовароуннаҳрда Бухорода бўлган, деб ҳисоблайди. Хулосасида Истахрий сафар қилган энг чекка жойларни ажратиб учбурчак кўринишида – Арабистон ярим ороли, Шом ва Мовароуннаҳр иқлимлари билан белгилайди³.

Истахрий сафар қилган жойларни аниқлашда тадқиқотчилар асосан унинг асаридаги маълумотларга таянишган. Бироқ улар ишларида Ибн Ҳавқал маълумотларига жиддий эътибор беришмагани диққатимизни тортди. Истахрий асарида «кўрдим», деб келтирган баъзи маълумотларни Ибн Ҳавқал ҳам китобида ҳеч қандай ўзгаришсиз «кўрдим», деб ёзади⁴. Бу ҳолат Истахрий «кўрдим», деб келтирган маълумотлар ҳам бошқа асардан олинмаганмикан, деган саволни юзага чиқаради. Шу сабабли Истахрий сафар қилган жойларни белгилашда асардаги маълумотларга танқидий ёндошиб, қиёсий таҳлил қилиш

¹ Де Гье, 1971 – Б. 49.

² Тагирджанов – Б. 374.

³ Қандил – Б. 7-9.

⁴ Ҳар бир ҳолат бўйича тадқиқотда алоҳида кўрсатилган.

орқали уларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Бу муаммога аниқлик киритиш учун қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилди:

а) «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да Истахрий борган жойига аниқ далил бўлувчи ва ишора қилувчи маълумотлар ажратиб олинди;

б) маълумотлар Истахрийники экани бошқа манбалар ва матнлар билан қиёсланиб текширилди;

в) Истахрийда келтирилган ахборот ўша давр манбаларидаги тарихий маълумотлар билан таққосланди;

г) бизгача мавзуга оид амалга оширилган барча тадқиқот ишлари хулосалари «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари маълумотлари билан изчил текшириб борилди.

Араб иқлими. *Зубайда ариғи.* Истахрий Ҳарам ҳақида: «Унда хурмодан бошқа мевали дарахт борлигини кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам», дейди¹. Сўз Макка ҳарамини ҳақида бормоқда. Ибн Ҳавқал буни бошқа маълумотлар қаторида келтиради². Сулабий (ваф. 275/888) ёзади: «Макка тоғларининг барчаси қуп-қурук, у ер-бу ердагина ўсимлик бор»³. Бу ахборотларни Ибн ал-Фақиҳнинг (280/893 – 336/947) Макка аҳолиси ташқаридан келтирилган меваларни истеъмол қилиши⁴ ҳақидаги маълумоти қувватлайди.

Истахрий: «Маккада оқар сув йўқ. Ундан чиқиб кетганимдан сўнг сув келтирилибди. Мўминлар амири Муқтадир⁵ замонасида иш охирига етказилибди», деб ёзади⁶. Бу хабардан у 908 – 932 йиллар атрофида Маккага боргани аён бўлади. Маккада ариқ қазилиши халифа Ҳорун ар-Рашиднинг хотини Жаъфар қизи Умму ал-Азиз Зубайда (149/766 – 216/831) номи билан боғлиқдир. Ариқ «Нуъмон водийси булоғидан Арафот ва у тоғнинг орқа томони»гача қазилган ва сув келтирилган⁷. Сув муаммоси билан боғлиқ ишлар кейинги асрларда ҳам ҳукмдорлар томонидан давом эттирилган⁸. Бу маълумот бошқа манбаларда тақрорланмайди. Ариқ қайси йилларда қайта қазилгани ва Истахрий қачон Маккадан чиқиб кетгани ҳақида ҳозирча юқорида айтганимиздан аниқроқ фикр билдириб бўлмайди.

Маккага сув келтирилиши тўғрисидаги ахборотни Ибн Ҳавқал бошқа маълумотлар қаторида келтиради⁹. Ибн Руста (ваф. 300/912) асаридан «Зубайда ариғи» ҳақида яна қўшимча маълумот олиш мумкин¹⁰.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 17.

² Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 25.

³ Сулабий – Б. 8.

⁴ Ибн ал-Фақиҳ, 1885 – Б. 17.

⁵ Ҳижрий 282/895-896 йили туғилган, 295/908 санада тахтга ўтирган ва 320/932 йили ўлдирилган.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 17.

⁷ Ҳамид Кураший – Б. 8.

⁸ Ибн Зийа – Б. 103.

⁹ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 25.

¹⁰ Ибн Руста, 1967, Ж. VII – Б. 56.

Ваддан воқеаси. Истахрий Ҳижоз минтақасидаги Вадданда бўлган вақтида Жаъфар ибн Абу Толиб авлодлари бошлиқ экани, хусайнийлар¹ билан хунрезликлар борлиги ва натижада Йамандан Бану Ҳарб уруғи келиб, ён атрофдаги қишлоқларни эгаллаб олганини айтади². Ибн Ҳавқал Истахрийнинг «бўлган вақтимда» иборасини тушириб қолдириб, қолган матнни айнан келтиради³. Мазкур маълумотлар тарихий китоблардан қидирилганида бу воқеани баён қилувчи бошқа манба топилмади. Фақат, Ёкут Ҳамавий (574/1178 – 622/1225) Истахрий маълумотини такрорлайди⁴. Бугунги кунда Ваддан – Саудиядаги тарихий жой. Мастура шаҳридан жануби-шарқда 12 км. ва Мадинадан 250 км узоқликда жойлашган.

Ал-Ҳижр таърифи. Истахрий Вади ал-Қурадан (ҳозирги ал-Уло) бир кунлик масофада жойлашган ал-Ҳижр (ёки Мадаин Солих) қишлоғини таърифлайди. У ўтмишда Самуд қавми яшаган жой бўлгани ва улардан қолган уйларни кўрганини айтади⁵. Ибн Ҳавқал бу маълумотни «Абу Исҳоқ менга айтди», деб келтиради⁶. Ибн ал-Фақиҳ⁷, Бакрий⁸ (405/1014 – 487/1094) ва Масъудий (283/896 – 345/956) асарларидаги маълумотлар ҳам мазкур уйлар ҳақидаги ахборотни қувватлайди. Истахрийнинг Самуд қавми уйлари ҳақидаги: «Бугунги кунимизда тоғлар атрофида бўладиган уйларимиз каби эканини кўрдим», деган маълумотини Масъудий «уларнинг манзиллари бизнинг асримиздаги кабидир» деб ёзади⁹. Мазкур уйлар бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Вади ал-Уло – Ҳижоз минтақасидаги тоғли ҳудуд.

Мадйан қудуғи. Истахрий Мадйанда Мусо пайғамбар Шуъайб пайғамбарнинг чорвалари учун сув олган қудуқ борлиги, уни ёпиқ ва тепасига уй қурилган ҳолатда кўрганини айтади¹⁰. Ибн Ҳавқал мазкур маълумотни «Абу Исҳоқ айтди», деб таъкидлайди¹¹. Бакрий ва Ҳимйарий (ваф. 900/1495) асарларида «қудуқ бошига тошдан иморат қурилган, қандиллар осилган»и ҳақидаги қўшимча маълумот бор¹². Ҳозирги пайтда Мадйан Шуъайб ўрни Арабистон ярим оролининг шимоли-ғарбидаги Ақаба бўғозининг шарқий соҳили ичкарисида, Саудия Арабистонининг Табук вилоятидадир.

¹ Али ибн Абу Толибнинг ўғли имом Хусайн авлодлари назарда тутилаётир.

² Истахрий, 1961 – Б. 21.

³ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 28-29.

⁴ Ҳамавий, 1977, Ж. V – Б. 365.

⁵ الاضطخري. المسالك و الممالك. – ص. 19.

⁶ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 27.

⁷ Ибн ал-Фақиҳ, 1302 – Б. 66.

⁸ Бакрий – Б. 97.

⁹ Масъудий, 2005, Ж. I – Б. 33.

¹⁰ Истахрий, 1961 – Б. 20.

¹¹ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 28.

¹² Бакрий – Б. 419-420; Ҳимйарий – Б. 526.

Разавий тоғи ҳикояси. Йанбуъ яқинидаги Разавий тоғини кўргани ва унга тааллуқли ривоятни сўзлаб: «Тоғ дараларини айланиб чиққан бир киши кайсонийлар Муҳаммад ибн Ҳанафия ибн Али ибн Абу Толиб (ваф. 81/700) тирик ва у ерда яшашига ишонишларини хабар берди», – дейди¹. Ибн Ҳавқал Йанбуъ ва Разавий тоғи ҳақида: «Абу Исҳоқ унинг дараларида сайр қилдим, деди», деб ёзади². Ибн ал-Вардий (691/1292 – 749/1349) асарида Арром ибн ал-Асбаг ас-Сулабийдан (ваф. 275/888–889) худди шу маълумотни келтиради³. Сулабийнинг биз кўрган «Асма жибал Тихама ва суккануҳа» асарида бу маълумот учрамади. Шунга қарамай, Йанбуъ тоғлари ва сувлари ҳақидаги маълумоти Истахрий айтганларини қувватлайди⁴. Ибн Ҳанафия ҳақидаги сўзлари Ибн ал-Мутаҳҳар (ваф. 355/965) ва Масъудий маълумотларига мос тушади⁵. Йанбуъ – Саудия Арабистони Мадинаи мунаввара минтақасидаги вилоятлардан бири, Қизил денгиз соҳилида.

Сиффин худуди ҳақида гапириб, у ерда Али ибн Абу Толиб (599 – 661) ва Муовия ибн Абу Суфён (ваф. 60/679) жанги бўлганини эслаб, уруш майдонини узоқдан кўрганини айтади⁶. Сиффин⁷ кишлоқ номи. Суриянинг (Шом) Ҳаммот мавзесида. Бу жой 37/657 йилги жанги билан машҳур. Сурия шарқида, Фирот дарёси бўйида жойлашган.

Оман ва қор. Истахрий: «Оман жуда иссиқ ўлка. Айтишларича, денгиздан анча узоқда озгина қор ёққан. Ёши улуғлардан бошқа ҳеч ким бу ҳодисанинг гувоҳи бўлганини кўрмадим», дейди⁸. Ибн Ҳавқалбу ахборотни ўзгартирмасдан келтиради⁹. Идрисий (492/1099 – 559/1164) асарида: «Шарм (Шамс) тоғида, унинг чўққисида озгина қор ёғади», дея Истахрий маълумотини қувватлайди ва аниқлик киритади¹⁰.

Ҳозирги пайтда ҳам Оман султонлигидаги энг баланд нуқта – Шамс тоғида аҳён-аҳёнда қор ёғиб туради. Ушбу тоғ Оман султонлигининг ад-Дохла вилоятида жойлашган¹¹. Кавсар Қандил Оманни Истахрий сафар қилган жойлар рўйхатига киритмаган.

Ал-Мағриб. Истахрий Ўрта денгизда ҳам, Атлантика океанида ҳам Шантриндан бошқа ерда «анбар» бўлмаслигини айтади. Шомда юрганида, Рум денгизи соҳилида бир воқеа содир бўлганини ҳикоя қилади: «Шантринда,

¹ Истахрий, 1961 – Б. 21.

² Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 28.

³ Вардий – Б. 282.

⁴ Сулабий – Б. 1.

⁵ Макдисий, Ж. V – Б. 130; Масъудий, 2005 – Б. 381.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 23.

⁷ Бугунги кунда Сафина номи билан юритилади.

⁸ Истахрий, 1961 – Б. 26.

⁹ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 33.

¹⁰ Идрисий, Ж. I – Б. 158.

¹¹ www.alwaweeblog.wordpress.com/2013/05/23/جبل-شمس،-سلطنة-عمان

йилнинг муайян вақтида бир денгиз ҳайвони қирғоқдаги тошларга ишқаланади ва ундан ранги ўчиб кетмайдиган олтин рангида ипақдек майин мўйна қолади. У озгина, қадрлидир. Йиғиб олинади ва кийим тикилади. Бир кунда турли тусда товланади. Уммавий подшоҳлар олиб қолади. Ташқарига фақат яширинча чиқарилади»¹.

Матндаги «анбар» табобат ва атир-упада ишлатиладиган, кашалотнинг ичагида пайдо бўладиган модда – анбар эмас. Истахрий у кийим тикиладиган мўй эканини айтмоқда. Мўйи олинадиган ва кийим тикиладиган у ҳайвон номи «abu қаламун» экани Муқаддасийдан аниқланди². Муқаддасий abu қаламунни Истахрийга ўхшатиб таърифлайди. У фақат Шантринда бўлишини таъкидламайди. Қазвиний (605/1203 – 682/1283) abu қаламунни Миср Тиннисда яшовчи қушлар қаторида санаб ўтади³. Муртазо ар-Ризавий (1145/1732 – 1205/1790) асарида: «Қора рангли қуш. Икки оёғи ва тумшуғи қизил. Қуёшда турли рангда товланади. Гўнг қарға эмас. Халқ тилида «abu қаламун»дир, – дейди. Бошқа бир ўринда: «Абу қаламун сув қушларидан бир қуш. Кийимга ўхшаб турли рангда кўринади», – деб ёзади⁴. Ферузободий (1329 – 1414) «Қомус ал-муҳит» китобида: «Абу қаламун – Рум кийими, турли рангда жилоланади», – дея таърифлайди⁵. Ибн Ҳавқалда «анбар» ҳақида маълумот йўқ.

Манбаларда «анбар»га турлича таъриф берилмоқда. Бу ерда «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнида чалкашлик бор. У Шантрин шаҳри билан боғлиқ. Бу шаҳар Ўрта денгизда эмас, Португалияда Атлантика океани соҳилига яқин жойлашган. Истахрий айтаётган воқеа Ўрта денгизга туташган Шом диёрида содир бўлмоқда. Бу воқеа Истахрий Мағриб иқлимига борганига шубҳа уйғотади.

Миср. *Улкан тош иморат.* Истахрий Истахрда улкан тош иморат ҳақида гапириб, у Баълабак ва Мисрда кўрган улкан иморатларга ўхшашини айтади⁶. Мисрдаги улкан иморат, деб албатта эҳромлар назарда тутилмоқда. Эҳромлар ҳақида қисқагина: «Мен билганларим ичида энг ишончлиси – унинг подшоҳлар қабри экани», – дейди⁷.

Баълабак Байрутдан 80 км шимоли-шарқда жойлашган шаҳар. Унда I – III асрларда қурилган Рим ибодатхоналари қолдиқлари бугунги кунда ҳам мавжуд.

Ўликлар тепалиги. Тиннисда бир-бирининг устига тахланган ўликлардан улкан тепалик борлиги, улар пайғамбар Мусо давридан буён ўликларни кўма-

¹ Истахрий, 1961 – Б. 42.

² Муқаддасий, 1991 – Б. 240-241.

³ Қазвиний – Б. 178.

⁴ Зубайдий, Ж. IV – Б. 530.

⁵ Фирузободий – Б. 1151.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 280.

⁷ Ўша асар – Б. 51.

диган эътиқодда эканини зикр қилади. Кафани дағал матодан экани, бугунги кунгача сақланиб қолган бош суяқларини кўрганини айтади¹.

Ибн Ҳавқал бу тепаликни «иккита эди», дейди. Аммо «кўрдим», деб айтмайди². Бу маълумот бошқа манбаларда учрамади. Тиннис Мисрнинг Порт Саид вилоятига тегишли орол. Кавсар Қандил бу маълумотларни инobatга олмаган ва бу жойларни Истахрий сафар қилган худудлар рўйхати-га қўшмаган.

Шом. *Зуғар хурмоси.* Истахрий Зуғарда «инкило» деб номланадиган пишиб етилмаган хурмо борлиги, ундан тотлироқ ва чиройлироғини Ироқда ҳам кўрмаганини айтади³. Ибн Ҳавқал бу маълумотни айнан такрорлайди⁴. Бошқа манбаларда уни учратмадик. Фақат, Ҳамадонийнинг: «Зуғар хурмо шаҳри, зуғарий хурмоси ундан», – деган хабари учради⁵. Зуғар Иордания водийсидаги булоқ номи.

Ироқ. *Басра ариқлари.* Истахрий Басра шаҳрида Билол ибн Абу Бурда (ваф. 126/744) даврида 120 000 ариқ бўлганини эшитади. Бироқ «уларнинг ўрни ва бир ўқ масофада бир нечта кичик анҳорни кўрган бўлсам ҳам...» дея бу маълумотга ишонмайди.⁶ Ибн Ҳавқал бу гапларни ўзгартирмасдан қайтаради⁷. Ёқут Ҳамавий Басра ариқлари ҳақида батафсилроқ маълумот беради⁸.

Тарихий қабр. Истахрий халифа Алининг Куфадаги қабри ҳақида гапириб: «Бу мавзеда ем сотадиган дўкончиларни кўрдим. Улардан баъзилари ишонтириб айтишича, қабр Куфадан 2 *фарсах* масофада, у ерда кўприк ва қабр қолдиқлари бор» деб ёзади⁹. Ибн Ҳавқал «кўрдим» демасдан, Истахрий маълумотини кенгайтириб ёзади¹⁰. Куфа Нажаф шаҳрининг шимоли-шарқида 10 км масофада жойлашган.

Ҳузистон. *Қайиқдаги саёҳат.* Истахрий: «Аскар Мукрамдан Аҳваз томон қайиққа чиқдим», – деб ёзади.¹¹ Бу сатрлар унинг Аскар Мукрамдан Аҳваз ал-Масруқан – Карун дарёси орқали саёҳат қилганидан дарак бераётир. Ибн Ҳавқал ҳам худди шу ахборотни такрорлайди¹². Аҳваз Эрон жанубидаги шаҳар. Аскар Мукрам мавзеси Тустар (Шуштар) ва Масруқан (Гаргар) дарёлари орасида жойлашган.

¹ Ўша асар – Б. 53-54.

² Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 105-106.

³ Истахрий, 1961 – Б. 64.

⁴ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 125.

⁵ Ҳамадоний – Б. 245.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 80.

⁷ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 159.

⁸ Ҳамавий, 1977, Ж. IV – Б. 254.

⁹ Истахрий, 1961 – Б. 86.

¹⁰ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 163.

¹¹ Истахрий, 1961 – Б. 89-90.

¹² Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 172.

Ўчмас олов. Хузистондаги Осак ноҳияси ва Форс ери чегарасидаги тоғ ҳамда унда ўчмайдиган оловни кўрганини айтади¹. Ибн Ҳавқал ҳам Истахрий маълумотини тўлдириб, мазкур тоғни кўрганини таъкидлайди². Масъудий ер юзидаги миноралар қаторида Осак минорасини ҳам санаб ўтади ва: «Бу олов тунда 20 *фарсахдан* кўриниб туради», – дейди³. Бошқа асарида: «Тунда 40 *фарсахдан* кўринади», – деб ёзади⁴. «Худуд ал-Олам» муаллифи: «Осакдаги тоғ чўққисида олов кечаси-ю, кундузи ёниб туради», – деб маълумот беради⁵. Идрисий бу тоғни Азравон деб атади⁶.

Хушбўй лимон. Сус⁷ ҳақида ҳикоя қилиб, лимоннинг бир хушбўй нави борлиги ва унга ўхшашини цитруслар ўсадиган ўлкаларда кўрмаганини айтади⁸. Ибн Ҳавқал бу воқеани «кўрмоқ» сўзини айтмасдан таърифлайди⁹. Жаҳиз (159/776 – 255/868) «Сусдан лимон олиб келинади», дейди¹⁰. «Худуд ал-Олам»да Сусдан олиб кетиладиган моллар қаторида «хушбўй лимон» ҳам санаб ўтилади¹¹.

Форс. *Сулаймон ибодатхонаси.* У Истахрда улкан тош иморат борлиги, форслар уни Сулаймон ибн Довуд ибодатхонаси ва у жинлар иши деб билиши, бу иморат Баълабак ва Мисрда кўрган улкан иншоотларга ўхшашини айтади¹². Қазвиний Масъудийдан Сулаймон ибодатхонаси деб Истахр яқинида мавжуд бўлган оташхона назарда тутилгани ва ўша ердаги тоғда доим эсиб турадиган шамолни Сулаймон қамаб кўйган деб айтилиши ҳақида маълумот келтиради¹³. Истахр Форс худудидаги қадимий шаҳар.

Шероз ўлчови. Шероз ва ундаги *манн* ўлчов бирлиги ҳақида: «Иккита – кичик ва катта. Каттаси 1040 *дирҳамдир*. Ардабилдан бошқа *манн* қўлланиладиган бирор мавзеда бундай оғирлик ўлчови борлигини кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам. Бошқа тури Бағдодда, оғирлиги 260 *дирҳам*¹⁴. Бу *манн* Форсдаги барча ва мусулмонларнинг мен борган марказий шаҳарларида ишлатилади», – дейди¹⁵.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 92.

² Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 175.

³ Масъудий, 2005 – Б. 28.

⁴ Масъудий, 1893 – Б. 61.

⁵ Худуд ал-Олам, 1999 – Б. 105.

⁶ Идрисий, Ж. I – Б. 128.

⁷ Форс тилида Шуш шаклида қўлланади.

⁸ Истахрий, 1961 – Б. 93.

⁹ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 175.

¹⁰ Жаҳиз – Б. 33.

¹¹ Худуд ал-Олам, 1999 – Б. 106.

¹² Истахрий, 1961 – Б. 280.

¹³ Қазвиний – Б. 58.

¹⁴ 812,5 граммга тенг ўлчов бирлиги. Қар.: Хинц В. Мусулманские меры и веса с переводом в метрическую систему. Москва, 1970. – С. 25.

¹⁵ Истахрий, 1961 – Б. 156.

Ёкут Ҳамавий: «Ардабилнинг бир катта *ратли* (= *манн*)¹ 1040 дирҳамга тенг», дея хабар беради². Шероз *ратлини* Муқаддасий ҳам тасдиқлайди³. Ардабил Эроннинг шимоли-ғарбида, Қорасув дарёсининг Аракс дарёсига қўйиладиган ерида жойлашган.

Ад-Дайлам. *Тог ва сеҳргарлар.* Дунбованд тоғи ва у билан боғлиқ маълумотлар ҳақида сўз юритиб, уни Рай шахридан туриб қўрганини айтади⁴. Ибн Ҳавқал уни бир оз таҳрир қилади⁵. Бакрийнинг тоққа қамаб қўйилган сеҳргар ҳақида деганлари Истахрийнинг боғлаб қўйилган Заҳҳок ва олдида жам бўлган сеҳргарлар ҳақидаги маълумотини қувватлайди⁶. Масъудий ҳам форслар Заҳҳокни шу тоғда экани ҳақида айтганларини келтиради⁷.

Мовароуннахр. Истахрий Суғдда дарвозасига қозиклар қоқилган бир уйни қўрганини айтади⁸. Ибн Ҳавқал ҳам кўрдим дейди⁹. Ёкут Ҳамавий ва Қазвиний ҳам Истахрийдан ушбу маълумотни келтиради¹⁰.

«Самарқандда йўловчилар учун деворига муздек сувли идиш осиб қўйилмаган бирор меҳмонхона, бош кўча, маҳалла ёки одамлар йиғиладиган жойни кўрмадим» дейди¹¹. Ибн Ҳавқал бу маълумотни «ишончли киши» хабар берганини айтади¹². Хуросонда йўлларга кўзаларда муздек сувлар қўйилгани Ибн Асокир (499/1106 – 571/1176) китобида ҳам учрайди¹³.

Самарқанд Суғди ҳақида гапириб, «унинг оқар сувларида сайр қилдим» дейди¹⁴. Ибн Ҳавқалда бу маълумот «унинг сувларида сайр қилинди» шаклида келтирилади¹⁵. Муқаддасий Сабур оқар сувлари ҳақида сўзлаб, уни Самарқандга ўхшатади¹⁶.

«Самарқандда бўлган вақтимда у ерда фитна кўзгалди. Кеш дарвозаси ёқиб юборилди. Табақасида химярий тилида ёзув битилган темир парчин бор эди, йўқолди. Дарвозани Абул-Музаффар Муҳаммад ибн Луқмон ибн Наср ибн Аҳмад ибн Асад (ваф. 320/932 йилдан кейин) аввалгидек темирдан, бироқ ёзувсиз тиклади» – дейди¹⁷.

¹ Хинц, Давидович – Б. 25.

² Ҳамавий, 1977, Ж. I – Б. 145.

³ Муқаддасий, 1991 – Б. 452.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 210.

⁵ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 271.

⁶ Бакрий – Б. 558.

⁷ Масъудий, 2005 – Б. 34.

⁸ Истахрий, 1961 – Б. 289.

⁹ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 339.

¹⁰ Ҳамавий, 1977, Ж. V – Б. 46; Қазвиний – Б. 229.

¹¹ Истахрий, 1961 – Б. 290.

¹² Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 339.

¹³ Ибн Асокир, Ж. VII – Б. 111.

¹⁴ Истахрий, 1961 – Б. 294-295.

¹⁵ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 347.

¹⁶ Муқаддасий, 1991 – Б. 424.

¹⁷ Истахрий, 1961 – Б. 318.

Ибн Ҳавқал асарининг биз фойдаланган нашрида мазкур маълумот ўзгартирилмай такрорланади¹. Ж. Крамерс нашрида мазкур лавҳа ҳақида Ибн Ҳавқал Абу Бакр ад-Димашқийдан (ваф. 372/982)² эшитганини айтади³.

Тадқиқотчи Кавсар Қандил Самарқанд ва Суғд ҳақидаги маълумотларни назардан четда қолдиради. У Истахрий фақат Бухорода бўлган, деб хулоса қилади.

Табиати тоза шаҳар. Бухоро табиати ҳақида «Ислом ўлкаларида бундай тозасини» кўрмагани ва бу мазкур шаҳар учун хослигини айтади⁴. Бу ахборот Ибн Ҳавқалда ҳам бор⁵. Бухорога берилган бундай тавсиф бошқа манбаларда учрамади.

* * *

Асардаги «кўрдим», «борганимда» каби эътирофлар ва таъкидлар Истахрий ҳаёти ва борган ҳудудларини аниқлашда албатта, жуда муҳим ўрин тутаяди. Улар орасида, айниқса, халифа Муқтадир Макка ҳарамига сув келтиргани (932 йилдан олдин) ва Самарқанд дарвозаси Абу Музаффар Муҳаммад ибн Луқмон ибн Наср ибн Аҳмад ибн Асадтомонидан қайта тикланиши билан боғлиқ маълумотлари Истахрий таржимаи ҳолини ёритишда унинг ўзи ёзиб қолдирган энг қимматли ахборотлардир. Улар унга суҳбатдош бўлган Ибн Ҳавқал ва унинг суҳбатдошларини кўрган Муқаддасий маълумотларига қўшилиб, ҳар қалай, Истахрий ҳаётини аниқ ҳамда ишончлироқ тасаввур қилиш учун умумий ва кенгроқ манзара ҳосил қилади. Бу ҳолат ўз ўрнида унинг ижодий мероси атрофидаги асосиз мунозараларнинг барҳам топишига ҳам хизмат қилади.

* * *

Шундай қилиб, «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асаридаги маълумотларга кўра, муаллиф саёҳат қилган жойлар ва уларга доир маълумотлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ибн Ҳавқал асарида Истахрийнинг китобидан фойдаланган айрим маълумотларни такрорлаган, баъзиларини қўшимчалар билан тўлдирган.

2. Истахрий сафар қилган жойларга далолат қилувчи маълумотларни ўзидан аввал яратилган манбалардан ўзлаштирилган бўлиши мумкин, деган тахмин тасдиқланмади.

3. Истахрий сафар қилган жойлар кўлами Кавсар Қандил белгилаганидан кенгроқ бўлиб чиқди. Ушбу тадқиқотда у борган жойлар: Араб иқлимида Оман;

¹ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 367.

² Ад-Димашқий 372/982 йилда Бухорода вафот этган муҳаддис олим. Қар.:Ибн Асокир – Б. 33.

³ Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 56.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 293.

⁵ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 346.

Мисрда Фустот ва Тиннис ороли; Хузистонда Осак ва Сус; Форсда Истахр ва Шероз; Мовароуннахрда Самарқанд ва Суғд вилояти билан кенгайди.

Истахрий илмий мероси

Истахрий илмий мероси масаласи ҳам ҳалигача якуний ечимга эга эмас. Бу муаммо юзасидан, айниқса, кейинги пайтларда баҳслар кучайди. Немис олими К. Броккелман (1868–1956) «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарини форс тилида ёзилган ва кейинчалик араб тилига ўгирилган, деб фикр билдирганди¹. Аммо бу фикрга кейинги тадқиқотчилардан бирортаси қўшилмади.

Рус шарқшуносларида Истахрий 318/930 – 321/933 йиллари асарни араб тилида ёзган ва йигирма йилча ўтиб, 340/951 йили қайта таҳрир қилган, деган қараш устувордир².

Ирож Афшор бу икки тилдаги нусхаларни алоҳида мустақил асарлар, деб ҳисоблайди³. У Истахрий ҳақида: «Икки асар ёзган – бири «Сувар ал-ақалим» ва иккинчиси «Китаб ал-масалик вал-мамалик» номи билан таҳрир қилинган. Иккиси ҳам Абу Зайд ал-Балхийнинг «Сувар ал-ақалим»идан олинган», – деган қарашни олдинга суради. Икки нусха матнини солиштиргач: «Истахрий аввал ««Сувар ал-ақалим»ни ёзган ва кейин қўшимча тафсилотлар билан тўлдириб, «Китаб ал-масалик вал-мамалик»ни таълиф қилган», – дея фикрини ривожлантиради⁴.

XX аср охирида Феруз Мансурий шу кунгача энг ишончли ва қимматли манба деб эътироф этилган мазкур асар муаллифи бошқа киши, Истахрий уни ўзлаштирган, деган даъво билан чиқди⁵.

Икки асар матни билан танишгач, Истахрий илмий мероси масаласида рус шарқшунослари фикри ҳақиқатга яқинроқ, деган тўхтама келдик. Икки асар ҳам ёзилиши жиҳатидан бир хил умумий хусусиятга эга. Бунини Ирож Афшор тадқиқоти натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Тадқиқотимизнинг асар матнлари таҳлилига бағишланган кейинги бўлимларда ушбу масала ечими тафсилоти кенгроқ берилди.

Юқорида кўрганимиздек, Феруз Мансурий тадқиқотида Истахрий ижодига оид буткул янги қарашни ўртага ташлади. У «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари бошқа муаллифга тегишли экани ҳақида даъво қила бошлади.

Феруз Мансурий 1999 йили Абу-л-Қосим ибн Аҳмад ал-Жайҳоний қаламига мансуб, деб қаралаётган «Ашқал ал-олам» асарининг форсча таржи-

¹ Крачковский, Ж. IV – Б. 198.

² Ўша асар – Б. 197.

³ Истахрий, 1368 – Б. 10.

⁴ Ўша асар – Б. 11-12.

⁵ Аҳмад ал-Жайҳоний – Б. 10.

масини нашр қилдиради. Асарни нашрга тайёрлашда қўлёзмадаги нуқсонли ўринларни «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг форсча таржимаси билан тўлдиради. Нашр тадқиқот қисм ва кўрсаткичлар билан таъминланган.

Феруз Мансурий асарнинг тадқиқот қисмида Жайҳоний ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилади ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари Жайҳонийдан кўчириб олинганини алоҳида таъкидлайди¹. У мақоласида: «Жайҳоний асарини Истахрий ва Ибн Ҳавқалларнинг (X) сохта асарлари билан солиштиришда эътиборни тортган нарса ...» иборасини ҳам қўллайди².

Ҳолбуки, Ибн Ҳавқал Истахрий билан учрашгани ва унинг китоби билан танишганидан сўнг ўз асарини ёзганини айтган³. Мазкур маълумот Феруз Мансурий даъвоси мутлақо асоссиз эканини яққол кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, деярли барча тадқиқотчилар Истахрий асарини замондоши Балхийнинг «ал-Ақалим» китоби асосида ёзган, деб ҳисоблайди.

Ч. Ръё «Ашқал ал-олам»нинг Британия музейида сақланадиган икки қўлёзма нусхасини тавсиф қила туриб, муаллиф номи географ, Сомонийлар вазири Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳоний исми билан адаштириб юборилгани ва асар бир мунча қисқа бўлса ҳам, Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик»ига ўхшашини айтиб ўтади⁴. Юқорида келтирилган мисоллар ва бошқа ҳолатлар Феруз Мансурийнинг Истахрий ижоди борасида айтган фикрини жиддий асослаши зарурлигини талаб қилади. Шу каби ҳолатларни эътиборга олиб, ишимизда Истахрий ва Жайҳонийларнинг ҳаёти ва ижодига оид мавжуд маълумотларни қиёсий тарзда ўрганиб, биринчисининг ижодий мероси ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари муаллифлиги масаласига ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик.

Аввал Жайҳоний ҳақидаги маълумотлар билан танишиб чиқамиз. Тарихий манбаларда Абул Қосим ибн Аҳмад ал-Жайҳонийдан ташқари Жайҳоний нисбаси билан яна беш нафар машҳур олим борлиги маълум бўлди. Абул Қосим ибн Аҳмад ал-Жайҳоний исми фақат «Ашқал ал-олам» асарида сақланиб қолган. Шу боис унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот мазкур китобидан изланди.

Асар мазмунига кўра, Жайҳоний X асрнинг биринчи ярмида ҳаёт бўлган. У 930 йил атрофида сафар қилгани ва халифа Муктадир (295/908 – 320/932) даврида Маккада бўлгани ҳақида асарда қуйидаги маълумот бор: «Маккада оқар сув йўк. Бир қанча *волий*лар ва масъул одамлар булоқ сувини олиб бормоқчи

¹ Ўша жойда.

² Ўша асар – Б. – 21.

³ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 236.

⁴ Ръё – Б. 417.

бўлишган. Бу иш мен у ердан қайтганимдан сўнг, Муқтадир даврида амалга оширилди».

Феруз Мансурий ушбу маълумот асосида асарнинг ёзилган даврини 320/932 йилдан сўнг деб белгилайди¹. Бироқ бу хулоса ва матндаги воқеада ҳеч қандай мантиқий боғланиш кўринмаяпти. Балки асар 942 йилдан кейин ёзила бошлангандир? Халифа Муқтадир даврида (908 – 932) ҳажга борган Абул Қосим ал-Жайҳоний ўзи ким эди? Сомонийлар вазири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний оиласига унинг қанчалик алоқаси бор? Бу каби қаторлашиб келадиган саволларнинг бирортасига Феруз Мансурий ишида жавоб топилмайди.

Афсус, айна пайтга қадар Жайҳонийнинг «Ашқал ал-олам»дан бошқа асари борлиги аниқланмаган. Феруз Мансурий нашр эттирган нусхада ҳам «Китаб ал-масалик вал-мамалик»даги каби мусулмон олами 20 иқлимга тақсимланган. Ёзилиш тартиби ва мазмунига кўра, уни ҳам X аср араб географлари Балх мактаби² намуналари қаторига қўшиш мумкин.

Тадқиқотчилар «Китаб ал-масалик вал-мамалик»даги Маккага сув келтирилиши ҳақидаги маълумотга таяниб, Истахрий яшаган даврни белгилашга уринишади³. Айна пайтда Жайҳоний таржимаи ҳолини ёритишда ҳам шу воқеа далил қилиб кўрсатилади. Икки асардаги матн қарийб бир хил мазмунни ифодалайди. Бу ҳолат масалани чигаллаштириб юборади. Муаммони бартараф этиш учун дастлаб икки асар матнлари ва уларда муаллиф тўғрисидаги маълумотларга эътибор қаратамиз.

* * *

Манбаларда шу пайтга қадар *Жайҳоний* араб тилида асар ёзгани ва уларнинг сақланиб қолган нусхалари ҳақида маълумот топилмаган. Иш шу масалага келиб тақалганда барча тадқиқотлар жим туради. «Ашқал ал-олам»нинг учта форсча қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Биринчиси – Кобул нусхасидир. Феруз Мансурий нашрида унинг кўчирилган даври кўрсатилмаган. Иккита нусха Британия музейида сақланади. Улардан бири 1251/1835 – 1836 ва иккинчиси 1256/1840 – 1841 йили кўчирилган⁴.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг араб тилидаги 16 қўлёзма нусхаси аниқланган. Қадимийси 569/1184 йили кўчирилган ва Й. Мюллер томонидан факсимиле усулида нашр қилинган⁵. Асарнинг танқидий матни

¹ Жайҳоний ҳақидаги мазкур маълумотлар китоб нашри тадқиқот қисми асосида берилди. Қаранг: Аҳмад ал-Жайҳоний – Б. 6-7.

² Крачковский – Б. 194-218.

³ Мисол учун қаранг: Истахрий, 1961 – Б. 10.

⁴ Аҳмад ал-Жайҳоний – Б. 7-8.

⁵ Истахрий, 1839.

нашри илк бор 1870 йили Де Гуге томонидан амалга оширилган ва бир неча бор нашр қилинган. Муҳаммад Жобир Абд ал-Ҳиний Мисрда «Дар ал-кутуб ал-Мисрийя» кутубхонасида «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг яна 3 нусхасини топиб, улар асосида танқидий матн тайёрлайди ва 1961 йили чоп этади¹.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари ёзилганидан юз йил ўтиб форс тилига ўгирилган. Ирож Афшор унинг 18 форсий таржима нусхасини аниқлаган ва учтаси асосида танқидий матнини нашр эттирган². Мазкур нашрга бошқа нусхалар, жумладан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида сақланаётган форсча нусха жалб қилинмаган ва у тўғрида маълумот ҳам киритилмаган³.

Асарнинг форсча таржимаси матнида Жайҳоний исми зикр қилинган. Кобул нусхасининг биринчи варағида асар номи «مسالك وممالك جيهانى» (Жайҳоний «Масалик ва мамалик») деб кўрсатилган. Таржимон муқаддимасининг икки жойида асар номи: «نسخه اشكال عالم جيهانى» (Жайҳонийнинг «Ашкали олам»)и нусхаси) ва «ترجمهء كتاب اشكال العالم از تأليف جيهانى» (Жайҳонийнинг «Ашқал ал-олам» асари таржимаси) дея таъкидланади. Асар матни «چنين گوید» «چنين گوید» (Китоб муаллифи Абул Қосим ибн Аҳмад ал-Жайҳоний шундай дейди) сатри билан бошланади.⁴

Й. Мюллер нашр эттирган араб тилидаги нусханинг 1а саҳифасида «كتاب» «كتاب» (Шайх Абу Исҳоқ ал-Форисий ан-Наҳавийнинг «Китаб ал-ақалим»)и маълумоти турибди. Кейинги даврларда кўчирилган таржима нусхалари колофонида котиб асар «Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва муаллифи Истаҳрий эканини ёзади⁶. Аё София кутубхонаси ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган икки таржима нусха муқаддимасида асар номи «Китаб ал-масалик вал-мамалик» экани кўрсатилган⁷.

Текширувлардан айрим қўлёзма нусхалардаги таржимон матнида Жайҳоний исми келтирилгани, Истаҳрий номи йўқлиги аниқланди. Феруз Мансурий асар муаллифи Жайҳоний деб хулоса қилишига қўлёзмалардаги таржимон матнлари сабаб бўлгани шубҳасиздир.

Эронлик яна бир тадқиқотчи Саййид Нафисий ҳам Жайҳоний асари ҳошияларидаги изоҳларни юқори баҳолайди ва Самарқандда содир бўлган нотинчлик ҳақида сўз юритиб: «Истаҳрий асарида бу тўғрида ҳеч қандай маълумот

¹ Истаҳрий, 1961.

² Истаҳрий, 1368.

³ СВР, Т. 1 – № 643; Худайберганов, 2009 – Б. 65-70.

⁴ Аҳмад ал-Жайҳоний – Б. 33.

⁵ Истаҳрий, 1839 – Б. 1.

⁶ Истаҳрий, 1368 – Б. 15-22.

⁷ Ўша асар – Б. 3; Истаҳрий, № 108 – В. 1б.

топмадик», – дейди. Бундан ташқари, у Жайхоний маълумотлари ўзгартирилиши ва Истахрий номидан берилиши «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг бошидан охиригача кўриниб туришини қатъий таъкидлайди¹. Феруз Мансурий ўз қарашини далиллар билан мустаҳкамлаш учун Ибн ан-Надимнинг (X) «ал-Фихрист» асарида на Истахрий ва на Ибн Ҳавқал ҳақида маълумот борлиги, Жайхоний нисбали кишиларнинг Сейистон ва Мовароуннаҳрда машхур бўлишганини кўшимча қилади.

* * *

Фан оламида Истахрий ва Жайхоний муаллифлиги муаммосининг пайдо бўлиши масалага янгича ёндошув ва ишончли талқинларга эҳтиёж келтириб чиқарди. «Ашқал ал-олам»нинг баъзи нусхаларида Жайхоний муаллиф экани қайд этилганини айтмаганда, Феруз Мансурийнинг асар муаллифи муаммосига оид қолган бирорта фикри тарихий ва илмий асосга эга эмас эди. Бироқ у ва уни ёқловчи яна бошқа эронлик тадқиқотчилар қарашларини ҳам осонгина рад этиб бўлмайди. Уларнинг илмий мулоҳазалари тўғри, деб тан олинса, Истахрий ижодий меросидан ҳеч нарса қолмайди. Унинг шу пайтгача жуғрофия илмида машхур бўлиб келган номи ҳам ўз-ўзидан ижодкор муаллифлар қаторидан тушиб қолади. Тадқиқотимизда шундай мураккаб вазиятга дуч келдик. Аниқ ва ишончли хулосага келиш учун уларнинг мавзуга доир фикрларини «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари матнлари кўмагида таҳлил қилганимизда бутунлай бошқача манзаралар намоён бўла бошлади.

Илк текширувдаёқ Самарқанд воқеалари «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарида акс этирилмаган, деганда Саййид Нафисийнинг ўзи қаттиқ адашгани кўзга ташланиб қолди.

Жайхонийлар қанчалик машхур бўлишмасин, Абу-л-Қосим ибн Аҳмад ал-Жайхоний номи ҳозиргача библиографик ва бошқа манбаларнинг бирортасида учрамади.

Таҳлилни давом эттирамиз. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» муаллифи Истахрий нисбасини олган экан, шу номни икки асардан ҳам қидирдик. Натижада, Истахр жой номи сифатида уларнинг иккисида ҳам мавжудлиги аниқланди. Уларда Жайхон жой номи учрамади. У Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжам ал-булдан» («Мамлакатлар қомуси») асаридан чиқди. Унда Ҳамза Исбаҳонийдан² (ваф. 203/915 – 916) Жайхон ҳақида куйидаги маълумот келтирилади: «Жайхон – Хуросондаги водий номи, Харун ҳам дейишади. Чеккасида Жайхун номли шаҳар жойлашган. Бу ном билан кўплаб одамлар нисба олишган»³.

¹ Истахрий, 1368 – Б. 22.

² Самъоний, 1981, Ж. I – Б. 187.

³ Ҳамавий, 1977, Ж. II – Б. 202.

Географ олим Жайҳоний асарида X асрдаги бутун мусулмон дунёсининг кўплаб йирик шаҳарлари билан бирга кичик қишлоқларини ҳам эслаб ўтади. Бироқ ўзи нисба олган Жайҳон шаҳри ҳақида бир сўз ҳам демайди. Қизик ҳолат.

Жайҳон топонимининг Хуросонда жойлашганини инобатга олиб, «Ашқал ал-олам» ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг форсча матнидаги мазкур иқлим таърифларини солиштириб кўрдик. Натижа қуйидагича бўлди:

1. Жайҳонийга нисбат берилган нусхалар матнлари жуда қисқа. Масалан, «**Китаб ал-масалик вал-мамалик**»да: «Бушанж – атрофида Харгирд, Фаргирд, Кусуйа ва Караҳ шаҳарлари бор. Улар орасида Бушанждан кейин энг каттаси – Кусуйа. Боғлари ва суви кам шаҳар. Бушанжнинг тахминан, учдан бирига тенг. Иморатлари лойдан.

Харгирд – боғлари кўп ва суви мўл, Кусуйадан кичикроқ.

Фаргирд Харгирддан кичикроқ. Оқар суви, кўплаб ҳайвонлар подалари бор. Боғлари ва суви кўп эмас. Майдони Харгирдникига ўхшаш»¹.

* * *

«**Ашқал ал-олам**»да: «Унда қишлоқлар ва Кусуйа, Харгирд шаҳарлари бор. Энг каттаси – Кусуйа»².

2. «Хуросон» иқлими тавсифида Истаҳрий маълумоти «Ашқал ал-олам»дан тўлароқ экан. Айни пайтда, у «Китаб ал-масалик вал-мамалик»ни ўндан ортиқ ўринда тўлдиради. Бу ҳолатни Ганж Рустоқ тавсифида кўрамир: «У ерда заъфарон бор ва у заъфаронларнинг энг яхшисидир»³. Ганж Рустоқда заъфароннинг ўсиши ҳақидаги маълумотни Жайҳоний асаридан бошқа манбаларда учратмадик.

«Сарахс ҳавоси тоза»лиги тўғрисидаги маълумот⁴ «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг арабча матнида учрамади, форсий таржимасида бор⁵.

Устулух⁶ тавсифи: «Уларга журжонликларнинг энг серҳосил ва яхши вилоятлари тегишли. У ерда ҳурматли фариғунлар яшашган. Бу жойни ўша хонадоннинг улуғлари бошқарган. Уларнинг тарихи ўз вақтида абадий бўлган»⁷.

Қаййин – «у ерда моҳир усталар бўлишган, ажойиб ишларни қилишган»⁸.

Бу маълумотлар «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да йўқ.

¹ Истаҳрий, 1961 – Б. 151-152.

² Аҳмад ал-Жайҳоний – Б. 167.

³ Ўша асар – Б. 168.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Истаҳрий, 1368 – Б. 215.

⁶ Бу ном бошқа асарларда «Уштурж» шаклида ҳам берилди.

⁷ Аҳмад ал-Жайҳоний – Б. 169.

⁸ Ўша асар – Б. 170.

* * *

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг биринчи таҳрири деб қараладиган Й. Мюллер нашри «Ашкал ал-олам» билан солиштирилганда биринчисининг анча қисқа экани маълум бўлди.

Муаллифларнинг тарихий манбалардаги ўрнига ҳам назар ташладик. Истахрий номи ўша даврнинг бирорта библиографик манбасида келтирилмаган бўлса ҳам Ибн Ҳавқал у билан учрашгани, Истахрий асарни ёзиш чоғида мулоқотда бўлган одамлар билан Муқаддасий суҳбатлашгани юқорида айтиб ўтилди.

Жайҳоний исми ҳам ўша даврнинг бирорта манбасида учрамади. Истахрийни кўрган ва ишидан фойдаланган муаллифларнинг ҳеч бири Жайҳоний ҳақида гапирмайди.

* * *

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг энг қадимги нусхасида 569/1173–1174, форсий таржимасида 726/1325 – 1326 санаси қайд этилган.

Таржимон матнида «Ашкал ал-олам» номи билан тақдим қилинаётган қўлёзмаларининг энг қадимийсида 1251/1835 – 1836 сана кўрсатилган.

* * *

Ушбу қисқача таҳлиллар «Ашкал ал-олам» матнида муаллиф сифатида Абул-Қосим ибн Аҳмад ал-Жайҳоний номи кўрсатилиши қўлёзманинг кейинги нусхалари тайёрланишида хатога йўл қўйилганидан дарак бераётир. Бундай хулосага келишга араб географларининг Балх мактаби муаллифлари билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар асос бўлди:

1. Муқаддасий Истахрий вафотидан ярим аср ўтмасдан Балхий ва Истахрий муаллифлиги борасида чалкашлик борлиги ҳақида гапира бошлаган.

2. Бугунги кунда дунё қўлёзма китоблар фондларида сақланаётган айрим нусхаларда муаллиф ўрнида Абу Зайд ал-Балхий номи қайд қилинган бўлса-да, асар атрофлича чуқурроқ ўрганилганда у Истахрий, ё Ибн Ҳавқалга тааллуқли бўлиб чиққан¹.

Эҳтимол, «Ашкал ал-олам» муаллифи олим ва вазир Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайҳоний ва унинг Абул Қосим куняси ҳам бўлган, деб тахмин қилинса ҳам бўлар. Бундай фараз фақат вазир Жайҳонийнинг Қосим исмли фарзанди бўлгани аниқлангач тасдиғини топади. Акс ҳолда, Абул Қосим ибн Аҳмад ал-Жайҳоний бирор бошқа манбада зикр қилинмагани боис, унинг тарихий шахс сифатида мавжудлиги масаласи очиқ қолади².

¹ Крачковский – Б. 196.

² Бу масала юзасидан алоҳида мақола муаллиф томонидан элон қилинган. Қаранг: Худайбергенов, 2016 –Б. 156 – 161.

Хуллас, тадқиқотда чиқиб келаётган тарихий маълумотлар таҳлили Феруз Мансурий ва унинг тарафдорларининг Истахрий ижодини рад қилувчи фикрлари етарлича далилларга эга эмаслигини яққол кўрсатиб берди. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари Истахрийга тегишли эканини тасдиқловчи тарихий манбалар палласи Жайҳонийникига нисбатан тобора оғирлашиб бормокда.

Айниқса, Жайҳоний асарини ўқиган Муқаддасий «Ашқал ал-олам» етти иқлим тавсифидан иборат эканини ёзиб қолдиргани масалага анчагина ойдинлик киритади. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари ҳақида эронлик олимлар билдирган фикрлар асоси жуда бўш эканини кўрсатади.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари тузилиши, мазмун ва манбалари

Ёзилиш услуби ва баён тартиби. Араб географлари мумтоз мактабининг илк вакилларида бири Абу Зайд ал-Балхийдир. У мусулмон оламида география жанрида биринчи бўлиб асар ёзгани мутахассислар томонидан эътироф этилади. Абу Зайд ал-Балхий кўп қиррали олим эди, фаннинг бир неча соҳаларига оид асарлар ёзган. Унинг биз учун аҳамиятли асари «ал-ал-Ақалим» бўлиб, ўз давридаги мусулмон оламини 20 иқлимга тақсимланган харитасини тузади ва шу харита асосида ҳар бир иқлимнинг қисқа тавсифини келтиради. Абу Зайд ал-Балхийнинг мазкур мактаб вакилларида фарқли томони у сайёҳ бўлмаган. Асарнинг тавсифий география жанридаги асарлардан фарқи эса, асарнинг тузилишидадир. Бахтга қарши, бугунги кунгача мазкур асарнинг бирорта нусхаси топилмаган. Шу сабабдан Истахрий асари мазкур мактаб йўналишдаги сақланиб қолган энг қадимги асар ҳисобланади. Тадқиқотчилар Балхий асари мазмунини «Китаб ал-масалик вал-мамалик»га таяниб тасаввур қилишади.

Ибн Ҳавқал ўзининг география фанига қизиқиши ҳақида сўзлаб: «Ибн Хўрдадбех, Жайҳоний ва Абу-л-Фараж Қудаманинг китобларидан ажралмасдим. Аввалги иккиси борасида Оллоҳга тавба қилишим керак. Фойдали илм ва зарур амалларни қилиш ўрнига у икковини қўлимдан қўймасдим, мук тушиб ўқирдим», – дейди¹.

Бироқ у асарининг кўп ўринларини Истахрий маълумотлари асосида ёзади.

* * *

Асарнинг муқаддима қисми мусулмон оламининг китоб ёзиш анъанасига кўра, қисқагина *ҳамд ва сано* билан бошланади. Муқаддимада китоб мазмуни, тузилиши баён қилинади ва мундарижа берилади. Ундан сўнг ернинг обод ва хароб қисмлари ҳақида фикр билдирилади. Мусулмонлар давлатлари

¹ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 236.

пайдо бўлгунча яқин ўтмишдаги Эроншаҳр, Рум, Ҳинд ва Син мамлакатлари дунё ўлкалари устуни бўлгани таърифланади. Мусулмонлар давлатлари кучайиб, Рум мамлакатидан Шом, Миср ва Андалус; Ҳинд мамлакатидан Мансура, Мултон, Кобул ва Тўҳаристоннинг юқори тарафигача бўлган ерлар; Син мамлакатидан Мовароуннаҳр эгаллаб олингани қайд этилади. Рум, Син ва Ҳинд мамлакати тасарруфидаги минтақалар, халқлар ва уларнинг эътиқодлари қисқагина баён қилинади. Муаллиф Африка қитъасининг ғарби ва жанубидаги қора танли халқлар, уларда мамлакат низоми, эътиқод, маданият ва бошқарув мавжуд бўлмагани сабабли уларга алоҳида тўхталмаслигини айтиб, қисқача маълумот билан чекланади.

Истахрий Ер тузилишини жануб ва шимолга ажратади. Бу тақсимланиш замонавий экватор чизиғидан фарқ қилади. Унга кўра, машриқда Син еридаги Баҳр ал-муҳит (Тинч океани) кўрфазидан мағрибга Андалус еридаги Баҳр ал-муҳит (Атлантика океани) кўрфазига чизик тортилади. Бу чизик – Син денгизи, Ҳинд ўлкаси ва Ислом мамлакатини кесиб ўтиб, мағрибда Миср еригача етказилади.

Муаллиф ўз даврида мавжуд бўлган йирик давлатлардан Ислом, Рум, Син ва Ҳинд мамлакатларининг ҳар бирини тўрт тарафдан чегаралари ва қайси давлат билан қўшни эканини кўрсатади.

Денгизлардан – Форс, Рум ва бошқа денгизлар ҳақида тўхталади. Ер иқлимларидаги турли марказлар орасидаги масофалар ва ўша жойлар ҳақида баъзи маълумотларни беради.

Турклар диёри, улардаги туркий халқлардан ғуз, тўғизғуз ва бошқалар, уларнинг жойлашган ўрни ҳақидаги маълумотлари ҳам муқаддимадан алоҳида мавзу сифатида ўрин олади.

Муаллиф муқаддимани яна Ислом ўлкалари масаласига қайтиш билан тугаллайди.

Асарда иқлимлар куйидаги тартибда кўрсатилади:

1. Араб диёри.
2. Форс денгизи.
3. Мағриб диёри.
4. Миср диёри.
5. Шом диёри.
6. Рум денгизи.
7. Жазира ери.
8. Ироқ.
9. Хузистон.
10. Форс мамлакати.
11. Кирмон мамлакати.
12. Синд мамлакати.
13. Арминийа, Аррон ва Озарбайжон.
14. Жибал.
15. Дайлам.
16. Хазар денгизи.
17. Хуросон чўли.
18. Сижистон.
19. Хуросон.
20. Мовароуннаҳр.

Иқлимлар тавсифланиши тартибига кўра куйидаги манзара ҳосил бўлади:

Тавсиф «Араб диёри»дан бошланади. Чунки унда Каъба бор, Макка шаҳарлар онаси ҳисобланади. Араблар диёрининг кўп қисмини ўраб тургани сабабли кейинги тавсиф Форс денгизи иқлимига бағишланади.

Сўнгра шимолий Африкадаги мусулмон ўлкалари жуғрофиясига навбат келади. Тавсиф Мағриб-Миср йўналишида давом этирилади ва Нил дарёсининг пайдо бўладиган ерларигача етказилади.

Кейинги кисмда Кичик Осиё қитъаси-Форс денгизи-Ҳинд уммони қирғоқлари-Синд ва Ҳинд ерларидаги мусулмонлар ўлкалари жойлашуви таърифланади.

Асарнинг сўнгги қисмларида Кавказ ва Мовароуннаҳр мусулмон ўлкалари жойлашуви баён қилинади.

* * *

Истахрий ҳар бир иқлимнинг жуғрофий тузилишини ёритаётганда аввал унинг чегараларини кўрсатади, сўнгра ундаги шаҳарлар ўрнини доиралар билан белгилаб таърифлайди.

Мовароуннаҳр тавсифида унинг умумий чегаралари, шаҳарлари ва аҳолисининг табиати ҳақида ахборот берилади. Мовароуннаҳр тузилиши, дарёлари, тоғлари, денгизи, об-ҳавоси, аҳолиси феъл-атвори, кайфияти, ҳарбий салоҳияти, давлат бошқарувига уларнинг ўзига хос муносабати, тижорат воситалари ва этнографияга оид яна бир қанча маълумотлар жуда қизиқарлидир.

Шаҳарлар таърифида бинолар қурилишида ишлатиладиган ашёлар, майдонлар, дарвозалар, қуҳандиз, рабад ва шаҳристон, бозорлар, масжидлар, саройлар, зиндон, ариқлар ва ичимлик суви тавсифига кенг ўрин ажратилади. Рустоқлар ва қишлоқлар алоҳида таърифланади. Ўрни келганда сўз бораётган иқлимда яшовчи халқлар этнографиясига оид қимматли тарихий маълумотлар ҳам бериб борилади. Муаллиф табиий бойликларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Ҳар бир иқлимнинг бошқаларида учрамайдиган ўзига хос хусусиятларини алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

Шаҳар ва қишлоқларни боғловчи йўллар ва масофалар матн ичида айтиб ўтилган бўлишига қарамай, мазкур мавзу асар сўнгида алоҳида бўлим қилиб берилади.

Асарда ҳар бир иқлимнинг махсус харитаси берилган.

* * *

Муаллиф муқаддимада иқлимларни ўрганиш ва асар тузилиши ҳақида: «Мақсад Ислом ўлкаларини ўрганишдир... Барчасини алоҳида қитъаларда зикр қилдим. Уларнинг жойлашиш ўрнини ифодаловчи суратини туздим. Иқлим чегаралари, тўрт тарафидаги шаҳарлар, машҳур жойлар, денгизлар, дарёлар ва иқлим қамраб олган одам билиши зарур бўлган барчасини айтдим. Ўқувчини зериктирадиган ортиқча тафсилотларни зикр қилиб ўтирмадим», – деб ёзганди.

Асар билан тўлиқ танишган тадқиқотчи ва ўқувчи унинг мазмунини муаллифи айтганларига тўла мос тушишининг гувоҳи бўлади.

Асар мазмуни. «ал-Масалик вал-мамалик» жанридаги асарларда турли соҳаларга тааллуқли жуда катта қўламдаги маълумотлар тўпланган. Ушбу китобдаги X асрда мусулмон дунёсида мавжуд бўлган шаҳарлар, рустоқлар¹, қишлоқлар ва уларни ўзаро боғлайдиган йўллар, баён қилинаётган иқлимнинг географик ҳолати, тоғлар, дарёлар, табиий бойликлар, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, асосий тижорат йўналишлари ва воситалари, маҳаллий аҳоли хулқ-атвори, урф-одати, кийимлари, муаллиф учун ғайри-оддий бўлиб кўринган ёки ўша иқлимда кўп тарқалган нарсалар ҳақида турли қизиқарли маълумотлар ҳар қандай ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайди. Маълумотларнинг юксак тарихий ва илмий аҳамиятга эга эканини муаллифнинг: «Бу китобдан мақсад мен билган кишиларимдан ҳеч бири бу иқлимлар борасида зикр қилмаган нарсаларни тасвирлашдир», – деб айтганлари тасдиқлайди².

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг йигирма иқлимга тақсимланиши ўша даврдаги мамлакатларнинг сиёсий чегараланиши билан белгиланмаган. Бу муаллиф Сомонийлар (819 – 1005)³ давлат ҳудудини бермай «Хуросон» ва «Мовароуннаҳр» дея икки иқлимга ажратишида ҳам кўринади. Муаллиф бу борада: «Худудларни бирига иккинчисини қўшиш ёки ажратишда у ҳақида тасаввурнинг аниқ бўлишидан бошқа шарт йўқ», – дейди⁴.

Истахрий асарда этикод ва диний масалаларга ҳар доим ҳам батафсил тўхталмаган. У бошқа муаллифлардан фарқли равишда асарни «Араб диёри»дан бошлайди. Асарни бу тарзда тузиш сабабини: «Араб диёридан бошладим. Қибла ва Макка унда жойлашган. У шаҳарлар онасидир», – дея тушунтиради. Бошқа «Масалик ва мамалик» жанридаги асарлардан Йаъқубий китобини «Бағдод» шаҳри таърифидан бошлайди. Ибн Хўрдадбеҳ «Барча шаҳарларнинг қибласи» номли бўлимидан кейин бирдан «ас-Савад» мавзуси билан давом эттиради. Ибн ал-Фақиҳ «Ер юзидаги халқлар» ҳақида маълумот бериш билан ёзишга киришади.

Истахрий ўз даврида кенг тарқалган, ҳатто, география фанидан алоҳида йўналиш сифатида ажралиб чиққан *ажойиботлар* масаласига кўп ҳам тўхталмаган. Шунга қарамай, баъзи ўринларда *ажойибот*га ўхшаш маълумотлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Орол денгизи ҳақидаги маълумот бунга далилдир. Муаллиф: «Бу денгиз чегараси менга маълум бўлишича, чамаси 100 *фарсахча* бор. Суви шўр. Атрофида очик ўрмонлар йўқ. Унга Жайхун, Шош ва у иккисидан бошқа дарёлар сувлари қуйилади. Аммо суви чучук бўлмайди, каттариб ҳам кетмайди. У ва Хазар денгизи орасида иккисини боғловчи ер ости ўзани бўлса керак, Оллоҳ билгувчироқдир», – дейди.⁵

¹ Улар кўпроқ ҳозирги «туман» маъмурий бошқарув ҳудудига мос келади.

² Истахрий, 1961 – Б. 15.

³ Босворт, 1971 – Б. 129.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 296.

⁵ Ўша асар – Б. 170.

Асар ёзилишида фойдаланилган манбалар. Истахрий «Китаб ал-масалик вал-мамалик»ни ёзишда қандай манбалардан фойдалангани ҳам осонгина аниқланадиган масалалардан эмас. Бу масалада бирорта олим жиддий тадқиқот амалга оширмаган. Акс ҳолда, юқорида кўрганимиздек, баъзи тадқиқотчилар уни шошма-шошарлик билан ҳеч тортинмай кўчирмачилик ё сохта муаллифликда айблашмасди.

Ўрта асрларда тарихий, географик ё бошқа илмлар йўналишида ёзилган китоблар муаллифлари одатда асар муқаддимаси ёки асосий матнда фойдаланган манбалари номларини қайд этади. Фойдаланилган манба номи кўрсатилмаган ҳолатлар ҳам учрайди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари муқаддимасида муаллиф асар ёзишдан мақсадини билдирган. Бироқ иш давомида фойдаланган бирорта ҳам ёзма манбанинг номини келтирмайди. Асар матнидаги «эшитдим», «менга маълум бўлди», «айтишларича» каби оғзаки ахборотларга ишоралар бор. Аммо уларнинг манбаси номи келтирилмаган. Асар мазмуни ва маълумотларнинг келтирилишига кўра, фойдаланилган манбалар тўрт гуруҳга¹ бўлинади.

1. *Китоб ва хариталар.* «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари Абу Зайд ал-Балхийнинг «ал-ал-Ақалим» китоби асосида ёзилганини юқорида айтиб ўтдик. Бироқ матннинг бирор ўрнида «ал-ал-Ақалим» китобида ёзилишича ё кўрсатилишича каби муаллиф таъкиди учрамайди. Бунинг устига «ал-ал-Ақалим» асари сақланиб қолмаган ва уларни қиёслаб кўришнинг имконидан маҳруммиз. Фойдаланилган бошқа ёзма манбаларни аниқлаш учун «Китаб ал-масалик вал-мамалик» маълумотларини ўрта асрларда ёзилган бошқа тарихий манбалар билан биттама-битта қиёслаб ўрганишга тўғри келади. Айнан такрор ахборот бошқа бирор манбадан аниқланган тақдирда, барибир Балхий асарида ҳам бўлиши мумкин эди, деган тахмин сақланиб қолаверади. Истахрий фойдаланган ёзма манбаларини кўрсатмаса-да, уларнинг бўлганига шубҳа йўқ. Улар қаторида Жайҳонийнинг бизгача етиб келмаган, деб ҳисобланадиган «Ашкал ал-олам» китоби ҳам туради.

2. *Омма орасида кенг тарқалган маълумотлар.* «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг баъзи ўринларида «айтишларича» шаклда ибора қўлланади. Айнан шу ибора кўпчиликка маълум бўлган нарса, воқеа ҳақида гап кетаётганини кўрсатиб турибди.

3. *Шахсий кузатувлар.* Истахрий бир қанча мамлакатлар бўйлаб сафарларда бўлганини кўриб ўтдик. У баъзи маълумотларни баён қилишда «кўрдим», деб ёзади. Бу ўринларда мазкур маълумотларнинг биринчи етказувчиси айнан муаллиф ҳисобланади.

¹ Қандил – Б. 22

4. *Карвонлардаги сайёҳ ёки тижоратчилар маълумотлари*. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари маълумотлари X аср мусулмон дунёсининг улкан минтақаларини қамраб олган. Истахрийнинг сафарлари борасида юқорида алоҳида кўриб чиқилди. Истахрий бормаган жойлар ҳам мавжуддир. У сафар қилмаган жойлари тўғрисида ёзма манбалардан ташқари, сўраб-суриштириш орқали маълумот тўплаган.

«КИТАБ АЛ-МАСАЛИК ВАЛ-МАМАЛИК» АСАРИ МАТНЛАРИ

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» қўлёзмалари

Тадқиқотчилар «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарини тадқиқ этишга киришган дастлабки пайтларда унинг санокли нусхаларигина маълум эди. Бугун уларнинг сони ортиб кетди ва янгиларини қидириб топиш жараёни давом этаётир. Мазкур тадқиқотимиз чоғида унинг араб тилидаги 16 нусхаси мавжудлиги аниқланди.

Араб тилидаги нусхалари

1. Болонья. Болонья университети кутубхонаси, № 3521¹.
2. Берлин. Берлин давлат кутубхонаси, № 6032. Spr. 1. Сувар ал-ақалим, Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхий, 589/1193 йили кўчирилган. В. 139, 18 харитаси бор².
3. Гота. Гота илмий кутубхонаси, Ms. orient. A 1521. В. 75. Насх хати, 20 харитаси бор. 1484 Искандар йили/1172–1173 милодий йили кўчирилган³.
4. Лейден. Лейден университети, Or. 3101. Мухтасар китаб ал-масалик ва ал-мамалик. 589/1193 кўчирилган. В. 118. Насх хати, 18 харитаси бор⁴.
5. Дублин. Честер Битти кутубхонаси, № 3007. 205 б. Насх хати, 20 харитаси бор. VII/XIII асрда кўчирилган⁵.
6. Қоҳира. Дар ал-кутуб ал-Мисрийя, жуғрофия бўлимида №199 рақами билан сақланади. Нуқсонли. 16 харитаси бор. Қўлёзма давр жиҳатидан Де Гукешнинг С нусхасига (Гота, Мюллер нашри) анча мос келади⁶.
7. Лондон. Бритиш лайбрари, MS. Or. 5305. 878/1473 йилга тегишли қўлёзмадан 930/1523 йилда кўчирилган⁷.

¹ Розен, № 421 – бу ерда қўлёзманинг кодикологик маълумотларидан ҳеч нарса келтирилмаган.

² Алварт – № 6032.

³ Перч, 1881 – №1521.

⁴ *Ворув* – Or. 3101.

⁵ Арбери – № 3007.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 11. Мазкур ва кейинги икки нусха ҳақида нашрда мавжуд маълумотгагина эгамиз.

⁷ Геральд – P. 108.

8. Қоҳира. Дар ал-кутуб ал-Мисрийя, жуғрофия бўлимида №256 рақами билан сақланади¹.

9. Қоҳира. Дар ал-кутуб ал-Мисрийя, жуғрофия бўлими №257. 878/1473–1474 йили кўчирилган. Бу икки нусха Де Гук нашрунинг А ва В (Болонья ва Берлин) нусхаларига мувофиқ келади².

10. Қоҳира. Қоҳира «Француз шарқ археология институти» кутубхонаси, № 94. В. 122. Насх хати билан кўчирилган³.

11. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, №2613 рақами билан сақланади. В. 160. 878/1474 йили Константинополда насх хатида кўчирилган, 21 харитаси бор⁴.

12. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, № 2971. В. 90. Насх хатида кўчирилган, 21 харитаси бор⁵.

13. Истанбул. Тўпқопи саройи музей кутубхонаси, Аҳмед. № 2830.

14. Истанбул. Тўпқопи саройи музей кутубхонаси, Аҳмед. № 3012.

15. Истанбул. Тўпқопи саройи музей кутубхонаси, Аҳмед. № 3348.

16. Истанбул. Тўпқопи саройи музей кутубхонаси, Аҳмед. № 3349.

Форсча нусхалари⁶

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» ўз давридаёқ илм аҳли ўртасида машҳур бўлиб кетган эди. Кейинчалик у форс ва турк тилларига таржималар қилинди.

И.Ю. Крачковский ушбу асар султон Меҳмед III даврида (1595-1603) турк тилига таржима қилингани ҳақида маълумот беради. Аммо иш давомида тадқиқотчи хабар берган ўша нусха ё у тўғрида ёзилган яна бирор қўшимча маълумот топа олмадик ва фақат ушбу сатрлар билан чекландик⁷.

Унинг форс тилига ўгирилган 28 нусхасини аниқлашга муваффақ бўлдик.

1. Техрон. Эрон Бўстон музейи, №3515. В. 138. Абул Маҳасин Муҳаммад ибн Саъд ибн Муҳаммад ан-Нахжуваний ал-маъруф ба Ибн ас-Савожий уни форс тилига таржима қилган ва 726/1325йили Исфаҳонда кўчирган. Насх хати, 20 харитаси бор⁸.

2. Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, №3156. В. 111. Насх хати, 21 харитаси бор⁹.

¹ Истаҳрий, 1961 – Б. 11.

² Ўша жойда.

³ https://www.al-furqan.com/our_is_item/manid/1480338/groupid/0.

⁴ Толмачева, Ж. XXIII. – Б. 203-205.

⁵ Ўша жойда. Мазкур фондда сақланаётган бу ва бошқа нусхалар ҳақида қўшимча маълумот олишнинг иложи бўлмади.

⁶ Асар қўлёзмалари борасида биринчи навбатда Ирож Афшорда кетма-кетлиги келтирилиб, кейин нашрга кирмаган нусхалари берилади.

⁷ Крачковский – С. 198. Яна қаранг: Тишнер – Б. 39-40.

⁸ Мазкур нусха асарнинг форс тилидаги таржимаси танқидий матнига асос бўлган. Истаҳрий, 1368 – Б. 15; Миклухо-Маклай – №№ 1 и 2.

⁹ Истаҳрий, 1368 – Б. 16-17; Толмачева – Б. 205.

3. Вена. Вена миллий кутубхонаси, №1271. В. 157. Котиб Хожа Насириддин Тусий томонидан таълиқ хатида кўчирилган¹.

4. Истанбул. Тўпқопи саройи музей кутубхонаси, Бағдод Кўшқу. №334. В. 154. 870/1465–1466йили настаълиқ хатида кўчирилган².

5. Техрон. Техрон университети марказий кутубхонаси. №1331. В. 58. Қадимий нусха. Ундаги ёзувга кўра, 650/1252 – 700/1300 йиллар оралиғида кўчирилган³.

6. Санкт-Петербург. Институт востоковедения. №С 610. В. 114.

Абу-л-Маҳасин Муҳаммад ибн Саъд ибн Муҳаммад ан-Нахжуваний ал-маъруф ба Ибн ас-Савожий таржима қилган. Котиб Қул Муҳаммад Пешоварий 1164/1751 йили кўчирган. 20 харитаси бор. Эрон Бўстон музейидаги №3515 рақамли қўлёзманинг бошқа нусхаларидан биридан кўчирилган. Нуқсонли – айрим варақлар ўрни алмашиб қолган⁴.

1. Санкт-Петербург. Институт востоковедения, №В 797. Юқорида келтирилган №С 610 нусхадан кўчирилган. Нуқсонли – матн охиригача кўчирилмаган⁵.

2. Машҳад. Остон Қудс Ризавий кутубхонаси, № 178. В. 116.

Нуқсонли нусха – охирида Мовароуннаҳр иқлими тавсифи тушиб қолган⁶.

3. Техрон. Малик миллий кутубхонаси, № 5990.

Настаълиқ хатида XVI – XVII асрларда кўчирилган, 16 харитаси бор. Нуқсонли – «Мағриб диёри» иқлимидан бошланади⁷.

4. Техрон. Мажлис кутубхонаси, №1407. Хаттот Қанбар Али ибн марҳум Мирза Аббос 1316/1898 йили кўчирган⁸.

5. Истанбул. Тўпқопи саройи музей кутубхонаси, Реван Кўшқу. №1646. 1075/1664–1665 йили кўчирилган⁹.

6. Париж. Миллий кутубхона, № 654. В. 105. Насх хати, 20 харитаси бор¹⁰.

7. Париж. Миллий кутубхона, № 655. В. 138¹¹.

8. Париж. Миллий кутубхона, № 654. В. 139¹².

9. Лондон. Индия Офис кутубхонаси, № 707. В. 95. Кўчирилган даври XIV аср, 18 харитаси бор. Нуқсонли – боши ва охири йўқ¹³.

¹ Истахрий, 1368 – Б. 18; Флюгел – №1271.

² Истахрий, 1368 – Б. 16-17; Толмачева – Б. 205; Мунзавий, Ж. VI – № 41391.

³ Истахрий, 1368 – Б. 19; Мунзавий, Ж. VI – № 41389.

⁴ Истахрий, 1368 – Б. 19-20; Миклухо-Маклай – № 1; Мунзавий, Ж. VI – № 41396.

⁵ Истахрий, 1368 – Б. 19-20; Миклухо-Маклай – № 2; Мунзавий, Ж. VI – № 41397.

⁶ Истахрий, 1368 – Б. 20-21; Мунзавий, Ж. VI – № 41395.

⁷ Истахрий, 1368 – Б. 21; Мунзавий, Ж. VI – № 41398.

⁸ Истахрий, 1368 – Б. 21.

⁹ Истахрий, 1368 – Б. 22; Толмачева – Б. 205.

¹⁰ Истахрий, 1368 – Б. 22; Блоше – № 654.

¹¹ Ўша жойда.

¹² Ўша жойда.

¹³ Истахрий, 1368 – Б. 22; Эте – № 707.

10. Виндзор. Этон коллеж, №55¹.

11. Техрон. Салтанат кутубхонаси, №1867. Бошидан охирига қадар барча саҳифаларда нуқсонлари бор. Эрон Бўстон музей нусхаси билан мос келади².

12. Эрон. Оғойи Ғулом Ризо Шаҳнавоз шахсий кутубхонаси³.

13. Тошкент. ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фонди, №108. В. 118.

Насх хати, XVI – XVII асрларда кўчирилган, 20 харитаси бор. Охириги «Мовароуннаҳр» иқлими тушиб қолган⁴.

14. Гота. Гота герцоглиги кутубхонаси, №621. В. 120. Насх хати, 1014/1606 йили кўчирилган, харитали нусха. Нуқсон: баъзи варақлар ўрни алмашиб қолган⁵.

15. Гамбург. Муниципал ва университет кутубхонаси. – Cod. Or. 300. – 1086/1675 йилда кўчирилган⁶.

16. Кобул. Кобул музейи. В. 43. 1-варақда асар номи *ممالك و ممالك جيهانى* деб қайд этилган. 2-варақ матнининг икки ерида *ترجمهء و نسخه اشكال عالم جيهانى* ва *كتاب اشكال العالم از تاليف جيهانى* деб кўрсатилган. Ҳожихон ибн Ҳожимуҳаммад Ҳусайн Қазвиний томонидан кўчирилган⁷.

Бошқалари орасида фақат шу нусхада «Ашқал ал-олам» номи ва у Жайҳоний асари экани қайд этилган.

17. Лондон. Британия кутубхонаси, № add. 23542. В. 76.

1251/1836 йили Бағдодда кўчирилган. Хати настаълиқ, 19 харитаси бор⁸.

18. Лондон. Британия кутубхонаси, № Or. 1587, В. 128. Мулла Муҳаммад Мунаввар Кашмирий 1256/1840 йили Кобулда настаълиқ хатида кўчирган⁹.

19. Оксфорд. Бодлеан кутубхонаси, № 396 – *صور البلدان*. В. 159.

Муҳаммад ибн Асъад ибн Абдуллоҳ 670/1272 йили форс тилига таржима қилган. Матн В. Аузлининг инглиз тилига ўгирган таржимасига мос тушади¹⁰.

20. Техрон. Малик миллий кутубхона ва музейи, №678/II. В. 83¹¹.

21. Машҳад. Остон Қудс Ризавий номидаги кутубхона, музей ва ҳужжатлар марказий ташкилоти, №5623¹².

¹ Истаҳрий, 1368 – Б. 22.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Бу ва кейинги нусхалар Ирож Афшор нашрига кирмаган. СВР, Ж. I – № 691; Вильданова – № 643; Худайберганов, 2009 – Б. 65-70.

⁵ Перч, 1888 – № 36.

⁶ Геральд – Р. 108.

⁷ Аҳмад ал-Жайҳоний – Б. 8; Худайберганов, 2015а – С. 96-102.

⁸ Ръё – № Add. 23,542.

⁹ Ўша асар № Or. 1587.

¹⁰ Сачау – № 396; Мунзавий – № 41390

¹¹ Асарнинг бу ва кейинги нусхалари борасида маълумот фақат Аҳмад Мунзавий каталогида келтирилган. Мунзавий – № 41394.

¹² Ўша асар – № 41392.

22. Санкт-Петербург. Санкт-Петербург давлат университети кутубхонаси шарқ бўлими, № 281. В. 88.

Убайдуллоҳ ибн Калимуллоҳ ал-Булғорий ал-Қазоний ал-Салабаший 1278/1862 йили кўчирган, хати настаълиқ¹.

Китаб ал-ақалим

Барча тадқиқотчилар фикрича, Абу Исҳоқ Истахрий дастлаб «Китаб ал-ақалим» асарини ёзган ва кейинчалик уни кўшимча маълумотлар билан тўлдирган. Кейинги таҳрир нусха «Китаб ал-масалик вал-мамалик» номи билан машхур бўлади. Буни юқорида кўриб ўтдик. Тадқиқотчилар томонидан аниқланган нусхалар орасида фақат битта қўлёзма «Сувар ал-ақалим» номи билан Берлин давлат кутубхонасида №6032 (Spr.) рақами остида сақланаётган экан. Асарнинг Абу Зайд ал-Балхийга нисбат берилиши каталог муаллифи томонидан йўл қўйилган хато бўлган. Бундай хатога йўл қўйилишини эса, Истахрий асари ҳақида муаллифда етарлича маълумотга эга бўлмагани (XIX аср охири) ва қўлёзмада асар муқаддима қисмининг боши йўқлиги сабаб бўлган. Шу боис бўлса керак В. Алварт қўлёзманинг кодикологик белгиларини келтиргач Балхий асарининг бошқа «Китаб ал-ашкал» («Шакллар китоби») номини ҳам эслаб ўтади². Фикримизни Де Гуге учун ҳам, Ҳиний учун ҳам амалга оширилган танқидий матнга асос қилиб олингани қувватлайди.

Юқорида кўрсатилган қўлёзмаларнинг барчаси бугунги кунгача аниқ бўлган нусхалардир.

* * *

Де Гуге «Китаб ал-масалик вал-мамалик» танқидий матнини нашрга тайёрлашда асарнинг кейинги даврда амалга оширилган форс тилидаги таржимаси, форсчадан инглиз тилига ўгирилгани ва Ибн Ҳавқал асари қўлёзмасини жалб этган эди. Де Гуге нусхалардаги матнларни лотинча А, В, С, D, E ҳарфлари ва Ous. қисқартмаси билан белгилайди³. У тайёрлаган нашр нусха бир неча марта (1870, 1927, 1976) қайта чоп этилди. Охириги нашр 2015 йили Ян Юст Виткам томонидан Де Гуге биографиясига бағишланган кириш мақола билан чоп қилинди⁴. Ўтган вақт мобайнида Де Гуге нашри бир марта тўлдирилди.

Муҳаммад Жобир Абд ал-Ол ал-Ҳиний асарнинг Қоҳирада «Дар ал-кутуб ал-Мисрийя» фондида сақланаётган учта нусхасининг ҳам танқидий матнини тайёрлашга жалб этади⁵. Тадқиқотчи фойдаланган қўлёзма нусхаларини

¹ Тагирджанов – № 281.

² Алварт – Б. 362.

³ Истахрий, 1839 – Б. 2.

⁴ Истахрий, 2015.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 11.

араб алифбосидаги «ا», «ب» ва «ح» ҳамда Де Гуге нашрини «ا» ҳарфи билан белгилайди¹.

Ирож Афшор «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг форсча ўн саккиз нусхасини аниқлаб, учта қўлёзмаси асосида танқидий матнни нашрга тайёрлашга киришади. Танқидий матн учун энг қадимий нусхалар танланган. Асосий таянч нусха қилиб Эрон Бўстон музейи қўлёзмаси олинади ва «а» ҳарфи билан белгиланади. Ишга жалб қилинган иккинчи Аё София қўлёзмаси «ب» ҳамда учинчи Вена нусхаси «ح» ҳарфи билан белгиланади².

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг кейинги асрларда бошқа тилларга қилинган терма ёки тўлиқ таржималари билан танишиб чиққанимизда илк ўгириклар алоҳида нусха асосида амалга оширилгани аниқ бўлди³. Асарнинг танқидий матнлари нашр бўлгач, улардаги асосий матн таржималарга асос қилиб олинди. Таржима жараёнида асар бошқа баъзи нусхалар матнлари билан қисман қиёсланган. Йиғилган нусхалар доирасида асар ва унинг муаллифи ҳаётини тадқиқ этишга уринишлар бўлган⁴. Бироқ бирорта таржима асарнинг араб ва форс тилига ўгирилган барча матнларини бир жойга жамлаш ва уларга таяниш асосида амалга оширилмаган. Бу ҳолат мазкур мавзуда турли баҳс-мунозаралар юзага чиқишига сабаб бўлаётир. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари, деб тақдим қилинаётган танқидий нусхалар ҳам муаммони бартараф қилишдан кўра, кўпроқ унинг чигаллашишига хизмат қила бошлади. Буни юқорида эронлик тадқиқотчилар ишлари мисолида кўриб ўтдик. Танқидий матнни тайёрлашда бир қанча нусхаларнинг эътибордан четда қолдирилиши асарнинг ҳақиқий тўлиқ матнини тиклаш ва танишга албатта, халақит беради. Кўп нусхаларда тарқалган тарихий асарлар матнларида қайта кўчирилиш асносида баъзи ўзгаришлар содир бўлади. Одатда кўчирувчи ё бирор ўқувчи матнга тузатиш ва қўшимча киритган ҳолатлар ҳам тез-тез учрайди. Бундай ўзгаришлар барча қўлёзма асарлар нусхаларига хос умумий ҳолатдир. Бирор асар кейинчалик тўлдирilib, муаллиф уни қайта таҳрир қилиб, янги маълумотлар билан тўлдирган ҳолатлар ҳам мавжуддир. Бироқ улар унчалик кўп эмас. Мазкур ишимизда ҳозир худди шундай вазиятга дуч келиб турибмиз.

Тадқиқотимизнинг муҳим бир қисмини «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари таржимаси ташкил қилади. Шу сабабдан «Китаб ал-ақалим» ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарлари матнлари қиёсий тадқиқига алоҳида тўхталамиз. Бу олдимизга қўйилган вазифани муваффақиятли амалга оширишимиз учун жуда самарали хизмат қилади.

¹ Ўша жойда.

² Истаҳрий, 1839 – Б. 15-23.

³ Ибн Ҳавқал, 1800 – Р. iv; Истаҳрий, 1845 – Б. 20; Истаҳрий, 2015а – Б. XII.

⁴ Истаҳрий, 1939 – Б. 26; Истаҳрий, 1973 – Б. 15; Истаҳрий, 1973а – Б. 24.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва «Китаб ал-ақалим» матнлари қиёсий таҳлили

Дунё кутубхоналарида «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг араб тилидаги ёзилган нусхалари сақланиши, шу пайтга қадар улар умумлаштирилиб, барча нусхалар матнлари қиёсий ўрганилмаганини айтдик. Кимдир бу асар Истахрий қаламига мансуб эканидан ҳеч иккиланмай фойдаланади, парчалар таржима қилади. Бошқа тадқиқотчи унинг бир нечта форсий қўл-лёмаси асосида танқидий нашр тайёрлайди. Икки ҳолатда ҳам яна кўплаб нусхалар тадқиқотга жалб қилинмай қолиб кетаверади. Иш охирига етмай қолади. Оқибатда тушунмовчиликлар, чалкашликлар пайдо бўлади, вазият мураккаблашади. Кейинги тадқиқотчилар иши қийинлашиб бораверади. Ҳолбуки, тадқиқот вазифаси чалкашликларга барҳам бериш, тушунмовчиликларни бартараф этиш, масалага ойдинлик киритишдир. Ишни яна «Китаб ал-масалик вал-мамалик» тадқиқотларига қисқача назар ташлаш билан бошлаймиз.

Тадқиқотчиларнинг асар нусхалари борасидаги фикрлари ўрганилганида фанда ҳар хил қарашлар мавжудлиги аён бўлди.

С. Волин «Китаб ал-масалик вал-мамалик» нусхалари ҳақида: «Қиёсий ўрганиш арабча таҳрир қисқартирилгани, таржималар сақланиб қолмаган тўлиқ нусхадан қилинганини кўрсатди. Ибн Ҳавқал ўша тўлиқ матндан фойдаланган», – дейди¹.

Л. З. Писаревский: «Бизгача Истахрий асарининг 930 – 933 йилларга оид деб қараладиган араб тилидаги биринчи қисқа нусхаси етиб келган. Унинг иккинчи тўлиқроқ таҳрири ҳам бўлган, ундан X аср муаллифи Ибн Ҳавқал фойдаланган», – деб ёзади².

З. Н. Ворожейкина ҳам бу борада ўз фикрини билдиради: «Истахрий асарининг форсча таржимаси 930 – 933 йиллардаги биринчи таҳририга тегишли»³.

И. Крачковский: «У биринчи китобини Абу Зайд Балхий ҳаётлик пайтида 318/930 – 321/933 йиллари ёзган. Бироқ Шарқда асарнинг 340/950 йили таҳрир қилинган нусхаси кўпроқ тарқалган», – дейди⁴.

Ирож Афшор рус шарқшунослари тадқиқ этган икки таҳрирни алоҳида асарлар, деб қарайди⁵. Н.Д. Миклухо-Маклай форс тилидаги таржиманинг учта таҳрири мавжуд деб ҳисоблайди⁶. Кавсар Қандил бу борада қандай фикр-

¹ Волин – Б. 26.

² Писаревский – Б. 15.

³ Ворожейкина – Б. 24.

⁴ Крачковский – Б. 197.

⁵ Истахрий, 1368 – Б. 11.

⁶ Миклухо-Маклай, 1971 – Б. 24-26.

да экани тушунарсиз. У диссертациясида Ирож Афшор биринчи асар деб ҳисоблаган Гота қўлёмасидаги нуқсонли ўринларни тўлдиришда Де Гуге нашридан ҳам фойдаланган¹. Тадқиқотчи асарнинг ёзилган даври ҳақида: «Де Гуге ва И. Крачковский 318/930 – 321/933 йилларни асар ёзиб тамомланган сана деб кўрсатади. Бироқ бу санани тасдиқлайдиган ҳеч қандай далил келтирмайди. Ушбу сана Истахрий асарида баён қилинган 324/935–936 йили Оманда содир бўлган воқеага асосланиб кўрсатилган. Биз кенгроқ олиб, Истахрий «Китаб ал-ақалим»ни Оман воқеасидан (324/935 – 936) олдин ёзишни бошлаган ва Ибн Ҳавқал билан учрашувидан (331/943) илгарироқ якунлаган деб ҳисоблаймиз», – дейди². Бироқ Кавсар Қандил асарнинг кейинги кенгайтирилган таҳрири тўғрисида бирор гап айтмайди.

Р. Бейсебаев китобнинг Мовароуннаҳр иқлими қисмини Қоҳира нашри ва Ибн Ҳавқал асари матнини солиштириб ўрганади. У Ибн Ҳавқал бу иқлимга деярли ҳеч қандай қўшимча киритмаган, фақат матнни таҳрир қилган, деб ҳисоблайди³.

* * *

Тадқиқотчилар қарашларини асардаги бирор воқеа матни билан асослашга уринишса-да, Истахрий илмий мероси масаласини бир иқлим мисолида аниқлаб бўлмаслиги яққол кўриниб турибди. Масалага ойдинлик киритиш учун барча нусхалар матнларининг тўла қиёсий тадқиқи амалга оширилиши талаб этилади.

Ушбу ишни амалга ошириш учун бу фаслда биринчи асар ҳисобланган «Китаб ал-ақалим» ва иккинчи таҳрир ёки мустақил асар деб қаралаётган «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнлари орасидаги фарқлар таҳлил қилинади. Тадқиқ учун Кавсар Қандил тайёрлаган «Китаб ал-ақалим» ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг 1961 йилги Қоҳира нашри матнлари қиёсланади.

Дастлабки уринишлар «Араб диёри», «Форс денгизи», «Мағриб диёри», «Миср диёри», «Шом ери», «Рум денгизи», «Ироқ», «Ҳузистон», «Кирмон ўлкаси», «Синд ўлкаси», «Арминия, Аррон ва Озарбайжон» ва «Хазар денгизи» иқлимлари матнларида деярли тафовутлар йўқлигини кўрсатди.

«Муқаддима», «Ҳазира ери», «Форс», «Жибал», «Дайлам», «Хуросон чўли», «Сижистон», «Хуросон» ва «Мовароуннаҳр» иқлимларига оид айрим матнларнинг катта қисми «Китаб ал-ақалим»да йўқлиги ёки баъзи маълумотлар ўрни алмашиб қолгани аниқланди.

¹ Қандил – Б. 17.

² Ўша асар – Б. 11-12.

³ Бейсебаев – Б. 128.

Биринчи навбатда икки матнда фарқ кам бўлган иқлимлардаги тафовутларни кўриб чиқамиз.

Асарда иқлимлар тавсифи **Араб диёри** билан бошланади. Бу иқлим тавсифида «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матни «Китаб ал-ақалим»ни куйидаги ўринларда тўлдиради.

«Араб диёри билан бошладим», маълумотидан кейин: «Қибла у томонда, Макка ундадир. У шаҳарлар онаси, араблар юрти ва ватанидир. Унда бошқалар шерик бўлиб яшамаган, денгиз билан ўралган»¹.

Фирот дарёси таърифида: «Фирот дарёси суви ортгани»².

Араб диёрининг умумий тавсифидан кейин: «Аллоҳнинг хоҳиши ва ёрдами билан унинг шаҳарлари, улардаги ва Араб диёридаги билиш лозим бўлган машхур нарсалар, тоғлар, кумликлар, барча йўллар масофаларини ақлим етгани қадар баён қиламан»³.

Сабадаги тарихий тўғоннинг бузилгани ҳақидаги маълумотдан кейин Куръон оятини келтиради ва «у сув бизнинг кунгача қолмади. Сойлари, булоклари ва мевали боғлари кўпдир» маълумотини келитради⁴.

Макка тавсифида: «Макканинг узунлиги жанубидан шимолий чегарасига қадар – Муалладан Мисфалатгача 2 милга яқин. Жийаднинг энг куйисидан Куайқиюннинг орқа томонигача тахминан, бунинг учдан биридир. Иморатлари тошдан. Масжид унинг ўртаси яқинида»⁵.

Мино тавсифида: «Мино – Маккадан Арофат йўлида. У билан Макка ораси 3 милдир»⁶.

Ҳижоз тавсифида: «Мадина билан Макка орасида Жухфадан бошқа иморатлари ва доимий яшайдиган аҳолиси бўлган жой йўқ. Мадина билан Ироқ орасида ҳам Файд каби иморатлари ва доимий яшайдиган аҳолиси бўлган жой йўқ»⁷.

Сиффин тавсифида: «У Муавия ва Али, салавотуллаҳи алайҳи, орасида жанг бўлган жой. Бу уруш унинг номи билан аталади. Бу жойни узоқдан кўрдим. Менга у ерда Аммор ибн Ёсир (ра) қабри ва Али ибн Абу Толибга, салавотуллаҳи алайҳи, ўлжалар йиғиладиган Буйтул молни кўрган киши айтди»⁸.

Тихома тавсифида: «Тихома тоғларини Араб диёри суратида тасвирладим»⁹.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 20.

² Ўша жойда.

³ Ўша асар – Б. 21.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ўша асар – Б. 22.

⁷ Ўша асар – Б. 24.

⁸ Ўша асар – Б. 26.

⁹ Ўша жойда.

Иқлим тавсифи охирина: «Булар – билиш керак бўлган масофаларнинг барчасидир. Араб диёри ичидаги қабилалар масофаларига чўл аҳолисидан бошқаларнинг иши деярли тушмайди», каби маълумотлар билан тўлдирган¹.

Мазкур нашр нусхаларда икки матн орасида бир оз тахрир қилинган, қўшимча изоҳлар билан тўлдирилган ўринлар ҳам учраб туради. Улардан айримларини келтирамиз.

«Арабларнинг рабиа ва музардан бўлган баъзи гуруҳлари Жазирада истиқомат қилдилар. У уларнинг юртлари ва ўтлоқлари бўлиб қолди. Жазиранини Араб диёрида баён қилмадик. Унга боришган. У қишлоқлари атрофлари обод, шаҳарларининг катта-катта боғ-роғлари бўлган Форс ва Рум еридир. Ҳатто, Жазирадаги рабианинг тағлаб, Шомдаги Яманнинг ғассон, бахро ва таннух каби уларнинг баъзи уруғлари насроний бўлдилар ва Рум эътиқодига кирдилар». Худди шу маълумот «Китаб ал-ақалим»да: «Арабларнинг рабиа ва музардан бўлган баъзи гуруҳлари Жазирада истиқомат қилдилар. Ҳатто, уларнинг юртлари ва ўтлоқлари бўлиб қолди. Уни музар ва рабианинг юртига қўшиб баён қилмаймиз. Улар Форс ва Рум ҳудудига борди. Жазира еридаги рабианинг тағлаб ва Шомдаги Яманнинг ғассон, бахро ва таннух каби баъзилари насроний бўлдилар», деб берилган².

Макка тавсифида «Китаб ал-ақалим»даги «Макка тоғлар орасидадир» жумласи «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Араб диёри шаҳарларини Аллоҳ шарафли қилган Маккадан бошлаймиз ва у тоғлар орасидаги шаҳардир», деб берилган³.

«Китаб ал-ақалим» матнида котиб томонидан баъзи хатоларга йўл қўйилган. Айла тумани тавсифланадиган жумла «بأرض العرب» (Араб ери билан) иборасидан бошланади⁴. Бу ерда аниқ «ويتصل» (туташади) феъли тушиб қолган⁵. Араб тили хусусиятига кўра, жумла «би» («билан») олмоши билан бошланмайди.

* * *

Форс денгизи иқлимида қуйидаги ҳолат бир неча ўринда учрайди:

«Китаб ал-ақалим»да йўқ маълумот: «Бу денгизни тасвирлаб, чегараларини айтиб бўлдим. Аллоҳ хоҳласа, ўқувчи топиши учун энди уни ўраб турган атрофидагиларни тасвирлайман»⁶.

«Китаб ал-ақалим»да: «Форс денгизи иқлимини тавсифлаймиз. У Араб диёри ҳудудини ўраб туради ҳамда бошқа ислом юртларига туташади. Сўнгра

¹ Ўша асар – Б. 28.

² Истахрий, 1961 – Б. 20 ва Қандил – Б. 7.

³ Қандил – Б. 7 ва Истахрий, 1961 – Б. 21.

⁴ Қандил – Р. 6.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 20.

⁶ Ўша асар – Б. 29.

бу денгиз соҳилидаги бошқа нарсаларни баён қиламиз»¹.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Араб диёридан сўнг Форс денгизини тасвирлаймиз. У унинг кўплаб ҳудудларини ўраб туради ва ўзи орқали араб ўлкасини бошқа ислом юртлари билан боғлайди. Сўнгра бу денгиз ўзида жамлаган барча нарсени айтамиз»².

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «У хавфли жой. Йўлида адашса, сувнинг саёзлиги сабабли кеманинг зарарланишидан қўрқишади»³.

«Китаб ал-ақалим»да: «У қўрқинчли жой. Йўлида адашса, сувнинг камлиги ва саёзлигидан кеманинг зарарланишидан қўрқишади»⁴.

* * *

«Китаб ал-ақалим» матнида «кема йўли» – «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да «қатнов йўли»⁵; «шамол бостириб келади» – «хайдаб келади»⁶; Форс денгизи «қирғоғида занжлар юрти» – «жанубида занжлар юрти»⁷; «жумла» – «жавамиъ»⁸ каби фарқлар бор.

* * *

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да **Мағриб диёри** иқлими тавсифи тўлдирилгани ва баъзи сўзларнинг синоними қўлланигани аниқланди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Мағриб икки қисмдир. Иккиси ҳам Рум денгизида давом этади. Ярми унинг шарқий томонида, бошқаси ғарбидадир». «Китаб ал-ақалим»да: «Мағриб Рум денгизида давом этади. У икки қисмдир. Ярми бу денгизнинг шарқий томонида, ярми ғарбидадир»⁹.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да Андалус чегаралари баёни «денгизда тугайди» маълумоти билан яқунланади. «Китаб ал-ақалим»да «Муҳит денгизида тугайди» деб берилади¹⁰.

* * *

Хузистон иқлимида «Китаб ал-ақалим»даги: «Рамҳурмуз ҳам Хузистон шаҳарларидандир. Унда бошқа ерларда бўлмайдиган хурмо, банан ва қор

¹ Қандил – Б. 21.

² Истахрий, 1961 – Б. 29.

³ Ўша асар – Б. 30.

⁴ Қандил – Б. 22-23.

⁵ Қандил – Б. 21 ва Истахрий, 1961 – Б. 29.

⁶ Қандил – Б. 22 ва Истахрий, 1961 – Б. 29.

⁷ Қандил – Б. 22 ва Истахрий, 1961 – Б. 30.

⁸ Қандил – Б. 23 ва Истахрий, 1961 – Б. 30.

⁹ Истахрий, 1961 – Б. 33 ва Қандил – Б. 29.

¹⁰ Истахрий, 1961 – Б. 33 ва Қандил – Б. 29.

жамланади. Лимон ҳам», – маълумоти «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да йўқ¹.

* * *

Кирмон ўлкаси иқлими тавсифида Бушт Хамм² ва Қанот аш-Шоҳ³ жой номлари «Китаб ал-ақалим»да йўқ.

* * *

Синд ўлкаси тавсифи «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Бу ўлка ва Мукрон ноҳиясида Тиз, Киз, Қинназбур, Дарк, Росак (у чикувчи шаҳар) ва Вабанд, Қасрқанд, Асфақа, Фаҳлафаҳра, Машки, Қанбали, Армоил шаҳарлари бор.

Турон шаҳарлари: Маҳали, Киз, Канан, Сура ва Қасдар. Будҳа шаҳри Қандабилдир»⁴. Бу маълумотлар «Китаб ал-ақалим»да йўқ.

«Меҳрон ғарбидаги Дайбул» тавсифида Бирун шаҳри тафсилотлари Мунҳатирий, Масвоҳий, Аннарий ва Қоларий, Балларий, Бония ва Қомуҳул шаҳарлари тавсифи билан давом эттирилади⁵. «Китаб ал-ақалим»нинг масофалар зикрида уларнинг фақат номлари келтирилган.

* * *

Шом ери, Рум денгизи ва Ироқ иқлимларида кўзга ташланарли катта фарқлар аниқланмади.

* * *

«**Хазар денгизи**» иқлимида «Китаб ал-ақалим»да йўқ матнлар:

«Унинг ер юзидаги бошқа денгизлар билан туташган жойи йўқ. Бу денгизни айланиб чиқишга киришган кўзгалган ерига қайтунича денгизга қуйиладиган суви тотли дарёдан бўлак ҳеч нарса йўлини тўсмайди. У шўр денгиздир»⁶.

Денгиздаги Сийаҳ Куҳ тавсифи: «У ерда кема ҳалокатга учраса, унинг сочилиб кетган бўлақларидан бирон нарсани тўплаб бўлмаган. Улар ўша ер эгаларидир»⁷.

Итил шаҳри тавсифида: «Бу шаҳарнинг қишлоқлари йўқ. Фақат кенг далалари бор. Ёзда деҳқончилик учун 20 *фарсах* жойга чиқадилар. Ҳосилнинг бир қисмини дарёда ва баъзиларини даштда тўплашади. Ҳосилларини қорамол ва дарё орқали олиб кетадилар.

¹ Қандил – Б. 84.

² Истаҳрий, 1961 – Б. 98.

³ Ўша асар – Б. 101.

⁴ Ўша асар – Б. 102.

⁵ Ўша асар – Б. 104.

⁶ Ўша асар – Б. 128.

⁷ Ўша асар – Б. 129.

Емаклари гуруч ва балиқдан, олиб келинадигани асал ва шамдир. Рус ва Булғор ноҳиясидан келтирилади. Мен билган иқлимлардан Булғор, Рус ва Куй-аба ноҳияларидаги дарёларда бўладиган қундуз териси дунёга тарқалади»¹.

Сарир мамлакати тавсифида: «Яхудийлар ва насронийлар улардан. Улар муслмонлар каби бир-бирларини қулга айлантиришни таъқиқлайдиган эътиқоддалар. Хазар мамлакатидан дунёга Қашқалдоқ қушдан бошқа ҳеч нарса тарқалмайди. Симоб, асал, шам, ... жун у ерга олиб борилади. Хазарда ҳам, атрофларида ҳам кийимлари жубба ва чакмонлардир. Уларда Журжон, Табаристон, Арминийа, Озарбайжон ва Румдан келтириладиган кийимдан бошқа ҳеч нарса бўлмайди»².

Булғор тавсифида: «Унда жоме масжиди бор. Сувар номли шаҳарда ҳам жоме масжиди бор. Ўша жомеънинг *хатиби* бу икки шаҳар аҳолиси ўн минг атрофида экани, ёғочдан уйлари борлиги, қишда уларда яшаши, ёзда ўтовларига кетишларини айтди»³.

* * *

Ирож Афшор **Арминийа, Аррон ва Озарбайжон** иқлимнинг бошидан Боб ал-абвоб шаҳригача бўлган жойини қиёслаб ўрганган эди. Иқлимнинг қолган қисмидаги матнларни ўзаро солиштириш, улардаги фарқ Ирож Афшор кўрсатгани каби катта эмаслигини кўрсатди. Боб ал-абвобгача бўлган ерда Мароға шаҳри тавсифидан сўнг катталиги бир-бирига яқин бўлган ўнта кичик шаҳар ва учта катта шаҳар номи⁴; Бардаъа шаҳридан сўнг Андароб тавсифи⁵; Каркий бозори ва бошқа кичик тафсилотлари⁶ «Китаб ал-ақалим»да йўқлигини аниқлаган.

Биз Боб ал-абвоб тавсифидан кейинги қисмини қиёслашда давом этдик. Мазкур жой тавсифини ўзаро солиштириш «Китаб ал-ақалим»да «Китаб ал-масалик вал-мамалик»ка нисбатан ўртача беш баробар кўп маълумот борлиги аниқланди⁷. Саммур дарёси ва Тарм тавсифлари⁸ «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да умуман келтирилмаган. Икки матнда ҳам бўлган айрим маълумотларда сезиларли фарқлар учрайди.

Арминийа подшоҳлари «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Унинг тўрт томонида подшоҳлар бор. Уларнинг жойлари подшоҳликларга ўхшайди. Мамлакатлари кенг ва бадавлатдир. Улардан Ширвон подшоҳи Ширвоншоҳ, Абхаз

¹ Ўша асар – Б. 129-130.

² Ўша асар – Б. 131.

³ Ўша асар – Б. 131-132.

⁴ Қандил – Б. 123.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Истахрий, 1961 – Б. 109-110 ва Қандил – Б. 124.

⁸ Қандил – Б.126-128.

подшоҳи Абхазшоҳ номи билан маълумдир». «Китаб ал-ақалим»да: «Унинг тўрт томонида подшоҳлар бор. Уларнинг жойлари катта подшоҳликларга ўхшайди, кўплаб мулклари ва чорвалари бор. Улардан Ширвон подшоҳи Ширвоншоҳ, Лойжон подшоҳи Лойжоншоҳ номи билан маълум ва Яраншоҳ, Табарсараншоҳ, Филаншоҳ, Ҳандақаншоҳ, Аҳраровараншоҳ – у Сарир шоҳидир. Бу подшоҳлар орасида энг яхшиси бечоралар билан аралашиб юрадиганидир»¹.

Мазкур иқлимлар борасида «Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва «Китаб ал-ақалим» матнлари орасида мавжуд бўлган маълумотларнинг берилишидаги кичик тафовутлар, биринчи асар матнининг иккинчисини тўлдириши тадқиқотчи ва ўқувчига котиб томонидан йўл қўйилган хатолар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Матнлардаги катта фарқлар. Муқаддима ва асарнинг деярли ярмини ташкил этган қолган саккиз иқлим матнлари қиёси «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнида мавжуд бўлган каттароқ ҳажмдаги маълумотларнинг «Китаб ал-ақалим»да йўқлиги, баъзи маълумотларнинг матнда келтирилган ўрни ўзгарганини кўрсатди.

Энди «Китаб ал-ақалим» матнида мавжуд бўлмаган катта-катта қисмлар, «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг тўлдирилган ва маълумотларнинг ўрни алмашган ҳолатларга эътибор қаратамиз. Тўлдирилган матнлардаги жой номларига алоҳида тўхталишга ҳаракат қиламиз.

* * *

«Китаб ал-ақалим» ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг **муқаддима** қисми солиштирилганда улар икки хил бошлангани аниқ бўлди. «Китаб ал-ақалим»: *نبتدى بعون الله ذكر حدود الممالك وصفة اقاليم الارض وصور مدنھا وبحارھا* «Аллоҳнинг кўмагида мамлакатлар ҳудудлари, ер иқлимлари тавсифи, уларнинг шаҳарлари, денгизлари, дарёларининг батафсил суратларини беришни бошлаймиз»².

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»: *الحمد لله مبدئ النعم وولي الحمد، و صلى الله على محمد* «Неъматларни яратувчи ва мақтов эгаси Аллоҳга олқишлар, Муҳаммад ва унинг оиласига Аллоҳнинг марҳамати бўлсин»³.

Ва матн давом этади: «Ушбу китобимда ер иқлимларини ўлкалар тарзида баён қилдим. Иқлимлардан мурод Ислом ўлкалари, улардаги шаҳарларни тўлиқ баён этиш ва уларга тегишли ҳудудларни қисмларга ажратишдир. Ер курраси тақсимланадиган етти иқлимга эмас, барча ер майдонини ўша иқлим ўрнини айтиб берувчи алоҳида суратга ажратдим. Сўнг иқлим қамраган

¹ Истаҳрий, 1961 – Б. 112 ва Қандил – Б. 128.

² Қандил – Б. 1.

³ Истаҳрий, 1961 – Б. 15.

минтақалар, ундаги шаҳарлар, машҳур жойлар, денгизлар, дарёлар ва билишга эҳтиёж бўладиган барча нарсаларни баён қилдим. Ўқувчи зерикишига сабаб бўлувчи тафсилотни ёмон деб топдим.

Ушбу китобимдан мурод – билган кишиларимдан ҳеч бири бу иқлимлар борасида айтмаганларини тасвирлашдир. Аммо уларнинг шаҳарлари, тоғлари, дарёлари, денгизлари, масофалари ва мен келтирган бошқалар солномаларда мавжуд бўлиб, ҳар бир вилоят аҳолиси ҳақида бирон нарсани ўрганишни истаган кишида қийинчилик йўқдир. Шунинг учун масофалар, шаҳарлар ва биз зикр қиладиган бошқа нарсаларнинг баённи қисқа қилдик.

Ўтиб бўлмайдиган Муҳит денгизи ўраб турадиган бутун Ерни бир сурат қилдим. Қараган биз баён қилган ҳар бир иқлимнинг ўрни, бирининг бошқаси билан туташгани ва ердаги ҳар бир иқлимнинг ҳажмини билиб олади. Ҳатто, ундаги ҳар бир иқлим муфассалмикан, деб қараганида унинг бу суратдаги ўрнини билиб олади. Барча иқлимларнинг ҳар бири ўз суратида узунлиги, кенглиги, доирасимонлиги, тўртбурчаклиги, учбурчаклиги ва унда бўладиган бошқа шаклларни ўзи мансуб ўрнида бирлаштирганимда сурат кенгаймади.

Ҳар бир иқлим жойини билиш учун унинг ўрнини тушунтириш билан чекландим. Ислому ўлкаларидан ҳар бир иқлимнинг суратини алоҳида ажратдим. Унда ўша иқлим шакли, ундаги шаҳарлар ва билиш керак бўлган нарсаларни тушунтирдим. Аллоҳу таоло насиб қилса, уларни ўз ўрни келганида баён қиламан»¹.

Бу маълумотлар «Китаб ал-ақалим»да йўқ.

Шундан сўнг асар муқаддимаси мазмуни ва ер юзи тавсифи билан боғлиқ тафсилотлар давом этади. Дастлаб, мусулмон ўлкаларини йигирма иқлимга тақсимлаганини айтиб, ҳар бир иқлим номини алоҳида келтиради. Кейин Ислому мамлакатини билан туташ бўлган давлатлар – Эроншаҳр, Рум, Ҳинд ва Син мамлакатлари ва таркибига кирган минтақалар ва улар эътиқодидаги халқларни санаб ўтади. Сўнг ер юзинининг жануб ва шимолга тақсимланиши ва икки тарафдаги табиий шароит ва шунга монанд у ерларда яшовчи аҳоли тана ранглари ҳақида билганларини баён қилади.

Мазкур маълумотлар ҳам «Китаб ал-ақалим»да берилмаган.

* * *

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» муқаддимаси: «Китобимда Ислому ўлкаларидаги ҳар бир минтақанинг жойлашган ўрни ва туташ минтақаларини билиш учун алоҳида ажратиб тафсилотини беришни мақсад қилдим. Ҳар иқлим суратида унинг узунлиги, кенглиги, доирасимонлиги, тўртбурчаклиги, учбурчаклиги ва унда мавжуд бўлган шаклларни ўзи муносиб кўриниш билан

¹ Ўша жойда.

бирлаштирганимда кенгайиб кетмади. Ҳар бир иқлим ўрни ва у туташ бўлган бошқа иқлимларни баён қилдик, суратини чегараси билан ажратдик. Ўша иқлим шакли, унда мавжуд бўлган шаҳарлар ва билиш керак бўлган бошқа нарсаларни, Аллоҳ хоҳласа, ўрни келганида баён қилдик», – сатрлари билан яқунланади¹.

Бу маълумот ҳам «Китаб ал-ақалим»да йўқ.

Кейинги таҳрирлар. Маълумотлар таҳрир қилинган ўринлар учрайди. «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Форс денгизи ҳудуди Син чегарасидан Қулзумгачадир». «Китаб ал-ақалим»да: «Форс денгизи Қулзум денгизига туташади», – деб ёзилган².

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва «Китаб ал-ақалим» муқаддимасида айрим матнлар ўрни алмашиб ёзилган³. Муқаддимадаги фарқлар «Китаб ал-масалик вал-мамалик» кейинчалик тўлдирилиб ва ўзгартирилиб қайта ёзилганини кўрсатади. «Китаб ал-ақалим» муқаддимасидаги «Мамлакатлар чегаралари ва уларнинг масофалари», «Умумий масофалар» номли кичик сарлавҳалар кейинги таҳрирда тушириб қолдирилган⁴.

* * *

Жазира ери иқлими тавсифи:

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да Раъс ал-айн⁵, Жисру Манбаж ва Су-майсот⁶ тўлик; Сиффин⁷, Жудий тоғи⁸ ва бошқа ўринлар қўшимча тафсилотлар билан тўлдирилган.

Хобур дарёси ҳавзасидаги Мокасин⁹, Данисар¹⁰, Мордин¹¹, Майафариқин¹² ва бошқа шаҳарлар, Маждал ва Аррабон кишлоқлари, Табон, Матарийа, Суҳаймийа, Танинир жой номларига оид¹³ баъзи ахборотлар «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да учрамайди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Она, ал-Фирот ўртасидаги ал-Фирот қўлтиғи билан ўралган кичик шаҳардир». «Китаб ал-ақалим»да: «Она ва Ҳадиса Фирот ўртасидаги истехкомли ҳосилдор оролдир. Иккисининг,

¹ Ўша асар – Б. 19.

² Истаҳрий, 1961 – Б. 17 ва Қандил – Б. 1.

³ Истаҳрий, 1961 – Б. 17 ва Қандил – Б. 3-4.

⁴ Қандил – Б. 2-3.

⁵ Истаҳрий, 1961 – Б. 53 ва Қандил – Б. 65.

⁶ Истаҳрий, 1961 – Б. 54 ва Қандил – Б. 65.

⁷ Ўша жойда.

⁸ Истаҳрий, 1961 – Б. 55 ва Қандил – Б. 69.

⁹ Истаҳрий, 1961 – Б. 53 ва Қандил – Б. 65.

¹⁰ Истаҳрий, 1961 – Б. 53 ва Қандил – Б. 67.

¹¹ Ўша жойда.

¹² Истаҳрий, 1961 – Б. 54 ва Қандил – Б. 68.

¹³ Истаҳрий, 1961 – Б. 53 ва Қандил – Б. 65.

айниқса, Ҳадисанинг ҳимоя девори бор. Аҳолиси сузиш ва денгизчиликда энг билимли кишилардир»¹.

Ҳадиса жой номи «Китаб ал-ақалим»да бошқа ўринларда ҳам келади. Аммо алоҳидатаърифланмаган.

Икки асарда ҳам маълумотлар ўрни алмашган ўринлар бир неча ўринларда учрайди. Бироқ улардан ахборот мазмунига зарар етмаган. Улар у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмаганидан барчасини кўрсатиб ўтишга ҳожат сезилмади².

* * *

Форс иқлими асардаги энг катта иккита бўлимнинг биридир. Бу иқлим матнларининг қиёси «ал-Ақалим»да «Китаб ал-масалик вал-мамалик»даги баъзи қисмларнинг йўқлиги, айрим ўринларда маълумотлар ўрни алмашганини кўрсатди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да иқлимнинг умумий чегараси тавсифидан сўнг муаллиф бу иқлим тавсифида нималарни тасвирлагани-ю, нималарни тасвирламаганини айтган қисми³; Жилавайх, Дивон, Ловалижон ва Кориён замлари ва уларнинг ҳудуди тавсифи⁴; Форсдаги табақалар билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумот⁵; Форсдаги табиий бойликлар, пул, ўлчов бирликлари, вилоятларнинг хирожлари ва бошқа маълумотлари «Китаб ал-ақалим» матнида учрамайди⁶.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Саккон дарёси Рувайҳон рустоқидан, Шозафрий айтиладиган қишлоқдан бошланади ва унинг экин далаларидан ўтиб, Сийах рустоқига боради. Ундан Кувор, Хабар сўнг Саймакон, Коразин ва ундан Сиккага қарашли Сакк қишлоғига боради. Сўнгра денгизга қуйилади. Форс дарёлари ичида бу дарёдан ободроғи йўқ».

«Китаб ал-ақалим»да: «Саккон дарёси Рувайҳон рустоқидан бошланади ва кўплаб рустоқларда оқади сўнг денгизга қуйилади. Форс дарёлари ичида бу дарёдан ободроғи йўқ»⁷.

Матнда ўрни алмашган қисмлар: «Китаб ал-ақалим» матнида Форсда мавжуд беш замм ва уларнинг катталиги бўйича номлари ва мавжуд оловхоналар таърифи иқлим ноҳиялари тавсифидан кейин⁸; Форсдаги катта шаҳарлар тавсифидан сўнг масофаларга бағишланган салмоқли қисми иқлим охирида келган⁹.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 54 ва Қандил – Б. 68.

² Истахрий, 1961 – Б. 54 ва Қандил – Б. 69 ва бошқ.

³ Истахрий, 1961 – Б. 67 ва Қандил – Б. 88.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 71-72 ва Қандил – Б. 91.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 84-90 ва Қандил – Б. 101.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 90-96 ва Қандил – Б. 105.

⁷ Истахрий, 1961 – Б. 82 ва Қандил – Б. 94.

⁸ Истахрий, 1961 – Б. 90-96 ва Қандил – Б. 85.

⁹ Истахрий, 1961 – Б. 79-82 ва Қандил – Б. 105-108.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Даробажирд ноҳиялари: Карм, унда икки минбар бор – бири Абозах, бошқаси Кардбажирд. Мас – унинг шаҳри Мас. Фасо – унинг шаҳри Фасо, Тимистон». «Китаб ал-ақалим»да: «Даробажирд ноҳиялари: Карм, Мас, Фасо, Тимистон»¹.

Қиёсий таҳлил жараёнида «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да келтирилган 50 дан ортиқ ноҳия, 20 шаҳар, 20 русток, 10 қишлоқ, 2 кичик денгиз (Босафуйа ва Жубонон) ва 30 га яқин турли жой номлари «Китаб ал-ақалим» матнида йўқлиги аниқланди².

* * *

Жибал ва **Хуросон чўли** иқлимлари масофалари «Китаб ал-ақалим» матнида йўқ³.

* * *

Дайлам иқлими «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнида Рай шаҳри тавсифида аҳолиси 10000 дан зиёд бўлган қишлоқлар ва машҳур рустоклари номларидан ташқари йирик ҳажмдаги қўшимчалар аниқланмади⁴. Иқлим тавсифининг катта қисми таҳрир қилингани яққол кўзга ташланади.

Дайлам аҳолиси «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Улар деҳқон ва чорвадорлардир. Эҳтиёжларига етарли уловлари йўқ. Тиллари араб ва форс тилидан бошқа. Менга маълум бўлишича, баъзи жиллар улардаги тоифалар тилларини Жил ва Дайлам тилидан фарқлайдилар. Дайлам аҳолисининг ташқи кўринишида – озғинлик, сийрак соч, ҳаракатчанлик ва кам эътиборлик устундир».

«Китаб ал-ақалим»да: «Таомлари гуруч ва балиқдир. Чорвалари кам. Тиллари араб ва форс тилидан бошқа. Табиатларида озғинлик, тўқ ранг, сийрак соч, сер ҳаракат, кам эътиборлик устундир»⁵.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»: «Қазвин истехкомли шаҳардир. Ичкарисида истехкомли кичик қалъа бор. Жоме масжиди ички қалъада. Суви осмон ва кудуқлардандир. Дарёлар йўқ, суви кичик ариқлардан. Экинларига ортмайди. Суви кам бўлса ҳам ҳосилдор. Дайламнинг чегарасидир. Мевалар ва узумлар кўп. Майизлари ҳар тарафга тарқалади. Бир милга бир мил бўлади»⁶.

«Китаб ал-ақалим»да: «Қазвин истехкомли, ичкарисида катта қалъа бор. Девор билан ўралган. Унда икки кичик шаҳар бор. Жоме масжиди Кубрада.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 74 ва Қандил – Б.90. Истахрий, 1961 – Б. 74 ва Қандил, Б. 90

² Истахрий, 1961 – Б. 75 ва Қандил – Б.89. Истахрий, 1961 – Б. 75 ва Қандил – Б. 89

³ Истахрий, 1961 – 75-76, 115-116ва Қандил – Б.132 ва 155.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 123 ва Қандил – Б. 141.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 121 ва Қандил – Б. 141.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 124.

Суви осмон ва қудуқлардан. Ариқларининг суви кўп эмас. Ариқларидан бошқа доим оқиб турувчи дарёлари йўқ. Суви кам бўлса ҳам ҳосилдордир. Дайламнинг чегара ҳудудидир. Кўп ихтилофлар ва аҳолиси орасида доим урушлар бор. Мева ва узумлар кўп. Тахминан бир милга бир милдир. Уларда бош шаҳарнинг ер солиғи йўқдир»¹.

* * *

Сижистон иқлими «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да: «Унинг шаҳарлари ва тўрт тарафида жойлашган ва билиш керак бўлганлари. Шаҳарлардан Заранж, Киссу, Наҳ, Так, Қарнин, Хуваш, Фаррах, Жаза, Буст, Рузан, Сарвон, Салиқон, Бағнин, Дарғаш, Таллу, Бишланк, Банжавой, Куҳак, Ғазна, Қаср, Сиви, Асфанжой ва Жомон бордир»².

Заранж рабзининг 13 дарвозасини санаб ўтгач: «Мино дарвозаси. Форсга чиқилади. Журжон дарвозаси, кейин Ширак, Шатороқ, Шуъайб дарвозаси ...»

Юқорида келтирилган маълумотлар «Китаб ал-ақалим»да йўқ³.

* * *

Хуросон иқлимидаги Найсабур минтақаси «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да Балх ва Тахористон девонларда алоҳида қайд этилгани учун ажратилгани, Нисабур шаҳри дарвозалари ва улардан бориладиган жойлар, шаҳарлар, бозорлар, оқар сувлар санаб ўтилади. Улар «Китаб ал-ақалим»да қисқагина матнларда учрайди⁴.

Рай шаҳри гузарлари, дарвозалари, бозорлари, дарёлари ҳақидаги маълумотлар «Китаб ал-ақалим»да йўқ.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»да Ҳиротга оид катта ҳажмда маълумот берилган. «Китаб ал-ақалим»да қисқагина: «Ҳирот ноҳиясида Курух, Бушанж каби кўплаб обод шаҳарлар бор. Ноҳияларида Хуросоннинг бошқа ерида бўлмайдиган арча ўсади», дейилган⁵.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг «Масофалар» қисмида Хуросондаги йирик шаҳарлар оралиғи тавсифланган.

«Китаб ал-ақалим»да Найсабур ичидаги масофаларга оид маълумотлар киритилмаган. Балх, Ҳирот ва Куҳистон вилоятлари шаҳарлари орасидаги масофалар берилган⁶.

¹ Қандил – Б. 142.

² Истахрий, 1961 – Б. 139 ва Қандил – Б. 157.

³ Ўша жойда.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 145-146 ва Қандил – Б. 165-166.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 150-152 ва Қандил – Б. 168.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 159 ва Қандил – Б. 175.

Мовароуннаҳр иқлимида таҳрир қилингани ва баъзи кичик ҳажмдаги маълумотлар тушиб қолганидан ташқари, айрим йирик маълумотлар «Китаб ал-ақалим»да йўклиги маълум бўлди.

«Мовароуннаҳр» иқлими ташқи чегаралари берилгач, унинг ўзига хос, бошқа иқлимларда учрамаган томонлари ҳақида сўз кетади. Мовароуннаҳр аҳолисининг ҳар доим ёрдамга тайёр экани айтилгач, матнда узилиш бор.

Қуйидаги йўналишлардаги маълумотлар «Китаб ал-ақалим»да йўқ.

Иқлимнинг ҳосилдорлиги, таомлари, сувлари, ҳайвонлари, гўштлари, кийимлари, қазилма бойликлари, мевалари, аҳолисининг феъл-атвори ҳақидаги тафсилоти;

Мовароуннаҳр чегарасидаги туркий қавмлар билан боғлиқ сиёсий вазият, туркий қавмларнинг халифаликдаги мавқеи;

Мусулмон дунёсидаги энг хушманзара жойлари, Самарқанд Суғди таърифи, Мовароуннаҳрдаги бошқа вилоятларнинг эътиборга молик жойлари;

Ҳазорасбда Жайхун дарёсининг ғарбидаги баъзи дарёлар;

Бухоро шаҳри дарвозалари, улардан бориладиган жойлар, ариқлари;

Бухоро рустоқлари; пул бирликлари; Бухоронинг жойлашган ўрни ва унда ҳукмронлик қилган Сомонийлар;

Бухоро атрофидаги Муғкан, Зандана каби шаҳарлар;

Самарқанд билан боғлиқ тафсилотлар¹.

Қиёсий таҳлил хулосалари:

Асар матнларидаги барча бўлимлар қиёсини кўриб чиқиш, таҳлилни қуйидагича умумлаштириш имконини берди:

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва «Китаб ал-ақалим» ёзилиш тартиби ва мавзуси бир хилдир.

«Китаб ал-ақалим» кейинчалик янги таҳрир асосида қўшимча маълумотлар билан тўлдирилган ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари шаклланган.

«Китаб ал-ақалим» матни баъзи кичик ҳолатлардагина «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнини тўлдиради.

Икки асар матнидаги маълумотлар мустақил асар мақомига эга.

Асосан, иқлим масофалари билан боғлиқ маълумотлар матнларида ўрни ўзгарган ҳолатлар учрайди.

«Китаб ал-ақалим» матнини кўчирувчи котиблар баъзи хатоларга йўл қўйган.

Қўлёзма нусхалар тадқиқи ва қиёсий ўрганилиши Де Гуенинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик»га нисбатан «қисқа ва нуқсонли» нусха деб қараши сабабларини кўрсатди ва Ирож Афшорнинг у «мустақил» асар экани ҳақидаги

¹ Истахрий, 1961 – Б. 161-163 ва Қандил – Б. 177-178.

фикри тўғрилигини тасдиқлади. Фақат, Ирож Афшорнинг Истахрий икки асар муаллифи деган қарашини исботлаш учун келтирган мисоли муваффақиятсиз танланган экан. Бу «Арминийа, Аррон ва Озарбайжон» иқлми матнларининг қиёсий таҳлилида кўзга ташланиб қолди.

Форс тилига таржимаси ва арабча матн қиёсий тадқиқи

Икки асардаги фарқлар ва ўхшашликларни қиёсий ўрганиш «Китаб ал-масалик вал-мамалик»ни таржима қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни бажармасдан туриб, асарни кенг ўқувчилар оммасига тақдим этиб бўлмайди. Таржима қилинаётган мазкур асар «Китаб ал-ақалим» ё «Ашқал ал-олам» эмаслиги ва у Абу Исҳоқ Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик»и эканига аввало, таржимон буткул ишонч ҳосили қилиши талаб этилади. Айниқса, ушбу мавзуда тадқиқотчилар турли ихтилофли фикрлар билдириб турганда, бу жуда муҳимдир¹.

Мазкур ишимизда «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг Қоҳира нашридаги арабий ва унинг форс тилидаги Техрон танқидий матни нашри қиёсланади. Форсча матндаги маълумот араб тилида йўқ бўлган ҳолатда қўшимча тарзда биринчи мухтасар нусха деб қаралаётган «Китаб ал-ақалим» ва Ибн Ҳавқалнинг «Китоб сурат ал-ард» асари матнига ҳам муурожаат қилинади.

Муқаддима. Анъанавий қисқа ҳамд ва санодан сўнг арабча матнда: أما بعد اما بعد، چنين گوید خداوند سخن: فإني ذكرت في كتابي هذا أقاليم الأرض على الممالك که مراد ما از تصنیف این کتاب آنست که اقلیمهای روی زمین یاد کنیم آنچه دائره اسلام بدان محیط است («Буни ёзишдан мақсадимиз Ислом минтақасини ўраб турган Ер юзи иқлимларини баён қилишдир»)².

Икки нусха матнида берилган «Муқаддима»нинг бошида баён қилинган муаллиф мақсади, Ер юзининг тузилиши, унинг йигирма иқлимга тақсимланиши ва бошқа маълумотлар «Китаб ал-ақалим»да йўқ³.

Форсча: «Форс мамлакати – шарқи Ислом ўлкалари, ғарбий ва жанубий томони Муҳит денгизи», маълумоти араб тилидаги матн ва «Китаб ал-ақалим», «Китоб сурат ал-ард»да ҳам йўқ⁴.

Арабча матнда Рум ери ҳудуди баёнида «270 марҳала» ибораси форсча нусха ва «Китаб ал-ақалим»да йўқ⁵.

¹ Истахрий, 1939 – Б. 26-27 и 167-181; Истахрий, 1973. – Б. 15.

² Истахрий, 1961 – Б. 15 ва Истахрий, 1368 – Б. 3.

³ Истахрий, 1961 – Б. 15-16 ва Истахрий, 1368 – Б. 3-7 ва Қандил – Б. 1.

⁴ Истахрий, 1368 – Б. 7.

⁵ Истахрий, 1368 – Б. 18.

Арабча: «Тагазғуз – Туббат, Хазлаж ери, Хирхиз ва Син мамлақати орасидадир». Форсча матнда: «Туббат ери Хирхиз билан Син мамлақати орасидадир»¹.

Арабча матнда: «Син ва Туббат ери, уларнинг тили фарқланади» ва Бужа ҳақидаги қисқагина маълумот форс тилидаги нусхада йўқ².

Арабча муқаддима охирида: «Китобимда Ислом ўлкаларидаги ҳар бир минтақанинг жойлашган ўрни ва туташ минтақаларини билиш учун алоҳида баён этишга мақсад қилганман. Ҳар бир иқлимнинг суратида унинг узунлиги, кенглиги, доирасимонлиги, тўртбурчаклиги, учбурчаклиги ва унда мавжуд бўлган шакллари ўзи мансуб ўрнида бирлаштирганимда кенгайиб кетмади. Ҳар бир иқлим жойи ва у туташ бўлган иқлимларни тавсифладик. Ундаги ҳар бир иқлим суратини чегараси билан ажратдик. Ўша иқлим шакли, ундаги шаҳарлар ва билиш керак бўлган бошқа нарсаларни Аллоҳ хоҳласа, ўрни келганида баён қилдик». Форсчада: «Ҳар бир иқлимнинг суратида унинг узунлиги, кенглиги, доирасимонлиги, тўртбурчаклиги, учбурчаклиги ва унда мавжуд бўлган шакллари ўзи мансуб ўринда бирлаштирганимда кенгайиб кетмади» ва «Ундаги ҳар бир иқлимни ...» деб бошланадиган икки жумла йўқ³.

Муқаддиманинг «Китаб ал-ақалим» матни билан форсча таржимаси қиёси форсий матннинг қисқароқ эканини кўрсатди. Форс мамлақатининг шарқий ва ғарбий чегараси билан боғлиқ битта маълумот арабча матнни тўлдирди.

Араб диёри. Бу иқлимнинг қиёсий тадқиқи икки матн ҳам бир-бирини тўлдирган ва бошқа ҳолатлар мавжудлигини кўрсатди.

Форсча матн Ямома шаҳри тавсифида «унда яҳудийлар кўп» маълумоти билан араб тилидаги нусхани тўлдирган⁴.

Араб тилидаги матнда Ямомада мевали дарахтлари кўплиги ҳақида хабар бергач, Баҳрайн тавсифига ўтилади. Бу ўринда таржимон тавсифи кетма-кет келган Ямома билан Баҳрайн тавсифида таржимада хатога йўл қўйгани ва икки жой тавсифини бирлаштириб юборгани маълум бўлди. У жумлани Ямомага оид маълумот билан бошлайди ва Баҳрайн тавсифининг охириги қисми билан якунлайди⁵.

Кетма кет келган Жухфа тавсифида «Макка ва Мадина орасида Жухфадан ташқари иморатлари бўлган ва йил давомида аҳолиси яшайдиган жой йўқ» маълумоти форсча ва «Китаб ал-ақалим» матнида берилмаган⁶.

Кейинги яна ўн беш ўринда араб тилидаги матнда муайян жой билан боғлиқ тафсилотлар асарнинг форс тилига таржимасида йўқлиги маълум бўлди. Жумладан, араб тилидаги ва «Китаб ал-ақалим» матнларида мавжуд

¹ Истаҳрий, 1368 – Б.18 ва Истаҳрий, 1368 – Б. 11.

² Истаҳрий, 1368 – Б. 18.

³ Истаҳрий, 1368 – Б. 12.

⁴ Истаҳрий, 1368 – Б.20 ва Истаҳрий, 1368 – Б. 11 ва Қандил – Б.11.

⁵ Истаҳрий, 1961 – Б. 23 ва Истаҳрий, 1368 – Б. 20.

⁶ Истаҳрий, 1961 – Б. 24 ва Истаҳрий, 1368 – Б.22 ва Қандил – Б.12-13.

қуйидаги маълумот форс тилига таржимада ҳам Ибн Ҳавқал асарида ҳам йўқ: Каъбанинг Ирокий бурчагини «уйлар тўсиб қўйган»¹.

Форс денгизи. Икки ўринда араб тилидаги икки матнни форс тилидаги матн тўлдириши кузатилди. Қулзум билан Айла орасида Торон деган жойда денгизда ўрама борлиги, унга тушиб қолган кема омон қолмаслиги ва у жой билан боғлиқ ривоят араб тилидаги матнда учрамайди².

Форс денгизи иклимининг охирида қора танли халқлар яшайдиган ерлар ҳақидаги: «Қора танлиларда ҳунарманд ва билимдон кишилар кам», маълумоти араб тилидаги матнни тўлдиради³.

Бошқа тўрт ўринда арабча матн форс тилидаги матнни тўлдирган.

Мағриб диёри. Ўндан ортиқ ўринда кичик тафсилотлар форс тилидаги таржимада тушиб қолган ёки қисқартириб берилгани аниқланди. Тушиб қолган тафсилотлардан бири Тиннис шахри тавсифидир. Бу маълумот «Китаб ал-ақалим»да ҳам йўқ⁴.

Арабча матннинг иккисида ҳам берилган Тунис ҳақидаги «Андалусга ундан бошқа ўтадиган жой йўқ» ва «Андалус қаршисидаги биринчи шаҳар» тафсилот форс тилидаги матнда йўқ. Ибн Ҳавқал асарида шаҳар бутунлай бошқача таърифланган⁵.

Форсча матнда «Астажадан ... Молиқагача 7 кун» маълумоти орасида учта жой масофаси умумлаштириб қисқартирилган. У арабча матнда: «Астажадан Мурурга қадар 1 *марҳала*, Мурурдан Садунага қадар 2 кун, Мурурдан Жабал Торикқа қадар 3 кун», деб ёзилган. «Китаб ал-ақалим»да мазкур уч жой тушиб қолган⁶.

Миср ери. Форсча матн бир ўриндагина араб тилидаги нусхани тўлдиради. Саъид деган жойдаги бир қимматбаҳо тош – хризолит, форсча матнда «хризолит ва зумрад» деб келтирилган⁷.

Кейинги ўндан ортиқ ўринда арабча матндаги жой номлари форс тилидаги тафсилотлардан тўлиқроқ берилган. Масалан, Фустот ҳақида: «Фустот Бағдоднинг тахминан учдан бирига тенг бўлган катта шаҳар»⁸. Ибн Ҳавқал асарида бу иқлим тавсифи ўзига хос тарзда берилган.

Шом ери. Арабча матн форсий нусхани йигирмага яқин ўринда тўлдиради.

Қуддусдаги черковда сақланадиган хурмо ва ундан Марям егани ҳақида «Қуръонда келган» деган маълумот арабча матнда йўқ⁹.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 22 ва Истахрий, 1368 – Б. 18 ва Қандил – Б. 8.

² Истахрий, 1961 – Б. 29-30 ва Истахрий, 1368 – Б.32-33 ва Қандил – Б.22.

³ Истахрий, 1961 – Б. 32 ва Истахрий, 1368 – Б.38 ва Қандил – Б.26.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 34 ва Истахрий, 1368 – Б. 41 ва Қандил – Б.30.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 33-34 ва Истахрий, 1368 – Б. 40 ва Қандил – Б.30 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 49-50.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 38 ва Истахрий, 1368 – Б. 49 ва Қандил – Б.37-38.

⁷ Истахрий, 1961 – Б. 40 ва Истахрий, 1368 – Б. 54 ва Қандил – Б.42.

⁸ Истахрий, 1961 – Б. 39 ва Истахрий, 1368 – Б. 52 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 89.

⁹ Истахрий, 1961 – Б. 44 ва Истахрий, 1368 – Б. 61.

Форсча матндаги Ғутада Язид ибн Муовия қазиган анҳор ҳақидаги «Дажлагача боради» жумласи ҳам арабча матнда йўқ, «Китаб ал-ақалим»да бор¹.

Рум денгизи. Ҳажм жиҳатидан кичик иқлимлардан бири бўлган бу иқлимнинг форсча матн бир ўринда арабий нусхадагидан тўлароқ. Унда таржимоннинг хатоси ҳам кўзга ташланади.

Рум денгизи соҳили таърифидан кейинги: «Чегара худудларининг баъзиларини Шом ва баъзиларини Жазирада баён қилдик», жумласи арабча матнни тўлдиради².

Арабча матнда: «Қубрус аҳолиси барчаси насронийлардир. Унинг катталиги ва иморатлари Иқритишга яқин келади. Ўта ҳосилдор. Муовия уни сулҳ йўли билан мусулмонлар шарти асосида фатҳ қилган. Улар румлик насронийлардир». Бу ахборот форсча матнда алоҳида икки жой сифатида ва бузиб тушунарсиз таржима қилинган. Биринчи гап: «Қубрус аҳолисининг барчаси насронийлардир». Иккинчи бўлак: «Иқритиш ўта қаттиқ орол. Муовия замонасида сулҳ билан олган ва бугун мусулмонлар сулҳ тузишган»³.

Жазира ери. Мавсил шаҳри тавсифидаги тафсилотлар форс тилидаги матнда тушиб қолган⁴. Иқлимнинг масофалари берилган қисмида Жисру Манбаж билан Рикқа орасида жойлашган Болис баёни форсча матнда йўқ⁵.

Ироқ. Форсча матн арабий нусхани уч ўринда тўлдирган. Баъзи ўринларда муайян тафсилотлар тушиб қолган. Ўндан ортиқ ўринда арабча матн тафсилотлари тўлароқ.

Ироқнинг умумий ҳудуди тавсифи охиридаги: «Бу зикр қилингани Ироқнинг чегара худудларидир. Аллоҳ билгувчирокдир», сатрлари арабча матнда йўқ.⁶

Малик дарёси ҳақидаги: «Малик дарёсига Сарсар дарёсидан мева ва экинлар олиб келинади», сатрлари арабча матнда берилмаган.⁷

Қасри Ибн Ҳабирага оид: «Бағдод билан Қуфа орасида ундан катта шаҳар йўқ», маълумоти ҳам арабча матнда йўқ. У Ибн Ҳавқал асарида келтирилган.⁸

Хузистон. Форсча матнда йигирмага яқин ўринда маълумотлар тушиб қолган. Арабча нусхани тўлдирадиган ахборот чикмади. Бир қанча тафсилотлар қисқа берилган.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 45 ва Истахрий, 1368 – Б. 62-63 ва Қандил – Б. 50.

² Истахрий, 1961 – Б. 50 ва Истахрий, 1368 – Б. 71.

³ Истахрий, 1961 – Б. 50 ва Истахрий, 1368 – Б. 71.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 53 ва Истахрий, 1368 – Б. 76.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 52 ва Истахрий, 1368 – Б. 76.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 56 ва Истахрий, 1368 – Б. 82.

⁷ Истахрий, 1961 – Б. 59 ва Истахрий, 1368 – Б. 82.

⁸ Истахрий, 1961 – Б. 59 ва Истахрий, 1368 – Б. 85 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 166.

Форс. Асарда таърифланган энг йирик икки иқлимнинг бири. Икки матн тафовутлари юқорида кўриб чиқилган иқлимларга нисбатан кўпроқдир.

Форс тилидаги матн араб тилидагисини куйидаги ўринларда тўлдиради:

Арабча матн: «Унда фақатгина минбари бўлган шаҳарларни тасвирладим». Форсийда унга «ва жумъа масжиди» жумласи қўшилган.¹

«Сабур доираси»га «Козарун яқинида» жумласи қўшилган.²

Форсдаги заммлар тавсифига: «Форсда бир нечта жой бор. Замм, деб аташади. У қабиладир», маълумоти қўшилган.³

Истахрдаги Язд таърифига «уч жойда жумъа масжиди бор» жумласи қўшилган.⁴

Ардаширхурра доирасида жойлашган денгиздаги ороллардан Хорак баёнига «катта оролдир» жумласи қўшилган.⁵

Буйтул мол ҳақидаги форсча матнда: «Ер солиғи уч турли бўлади: майдон (масоҳат), тақсимот (мақосамат) ва қонунлар (қавонин). Бу маълум бўлақлардир. Кўп ҳам бўлмайди, камаймайди ҳам». Арабча матнда: «Ер майдонлари ва тақсимотларида ҳосил берса хирож олинади, бўлмаса йўқ», деб ёзилган. Ибн Ҳавқал асарида ҳам форсча матндаги сингари келтирилган.⁶

Форсча матн араб тилидаги нусхадан жуда кўп ўринда фарқланади. Аввалги иқлимларда бундай ҳолат кузатилмаган.

Даробажирд доираси ноҳиялари, шаҳар ёки минбарига доир маълумот арабча матнда: «Ал-Масс – шаҳри ал-Масс; Фасо – шаҳри Фасо. Тимистон – унда минбар бор. Миҳаввала – минбари йўқ». Форсча матн ва «Китаб ал-ақалим»да фақат уларнинг номлари санаб ўтилган.⁷

Кирмон ўлкаси. Форсча матн баъзи ўринларда арабча нусхани тўлдиради. Кўп ҳолатларда уларнинг қисқалиги маълум бўлди.

Кирмоннинг Форс денгизи тарафи ўта иссиқлиги боис турли мевалар бўлиши ва ҳавосининг ёмонлиги ҳақидаги маълумот арабча матнни тўлдиради.⁸

«Қифс форс тилида Куч бўлади ва бу икки қавмни Куч ва Баллуж атайдилар», ахбороти арабча матнда йўқ.⁹

Баммдаги учта жомеъ масжид тўғрисидаги «ғазналари жоме масжиди тушумидан», маълумоти билан тўлдирилган. Бу маълумот Ибн Ҳавқал

¹ Истахрий, 1961 – Б. 67 ва Истахрий, 1368 – Б. 95.

² Истахрий, 1961 – Б. 68 ва Истахрий, 1368 – Б. 96.

³ Ўша жойда.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 67 ва Истахрий, 1368 – Б. 97.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 70 ва Истахрий, 1368 – Б. 100.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 94 ва Истахрий, 1368 – Б. 136 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 216.

⁷ Истахрий, 1961 – Б. 71 ва Истахрий, 1368 – Б. 101 ва Қандил – Б.90.

⁸ Истахрий, 1961 – Б. 97 ва Истахрий, 1368 – Б. 139.

⁹ Истахрий, 1961 – Б. 98 ва Истахрий, 1368 – Б. 140.

асарида «Хаворижлар жоме масжидида садақалардан тушадиган ғазналари бор», дейилган.¹

Синд ўлкаси. Форсча матнда кичик парчалар тушиб қолган. Уч ўринда форсча матн тўлиқроқ экани аниқланди:

Синд иқлими умумий чегаралари баёнидан кейин: «Энди Синд вилояти, Ҳинднинг баъзи вилоятлари суратида ғаройиб ва ажойиб нарсаларни кўрамиз. Иқлим иссиқ бўлса, унда габрлар (оташпарастлар) кўп бўлади. Бу иқлим шаҳарларида кофирлар ва бутпарастлар кўпдир. Уларни таърифлашга ҳожат йўқ. Тамом»².

Будҳа ноҳияси бош шаҳри Қандабил экани айтилгач: «У иқлим суратида пайдо бўлди»³.

Дарё соҳилидаги Дайбул ҳақида: «Сувсиз деҳқончилик қиладилар»⁴.

Арминийа. Арабча матн кўпроқ ўринда форсча нусхани тўлдиради. Уч жойда форсча матнда қўшимча маълумот борлиги аниқланди:

Дарбанд бандаргоҳи бўлган жойлар қаторига «Сарир» қўшилган.⁵

Арабча матнда Арминийада Аржиш деб номланадиган кичик дарё борлиги айтилади. Форсча матнда: «Кичик денгиз Аржиш ва Халлот яқинида» деб берилган.⁶

Озарбайжондаги ҳукмдорларга доир маълумотдан кейин у «совуқ минтақа» экани айтилади.⁷

Арминийа иқлимида Боб ал-абвоб (Дарбанд) тавсифининг форс тилидаги Истамбул қўлёмаси матнида катта ҳажмда қўшимча маълумот берилган. У Қоҳира нашри иловасининг «алиф» бўлими ва Ибн Ҳавқал асаридаги матнга тўғри келади.⁸

Жибал. Баъзи жойлар билан боғлиқ айрим қисқа тафсилотлар форсча матнда йўқлиги аниқланди.

Дайлам. Арабча матнда Равзат шаҳрига оид маълумот: «Унда фақиҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Касоий ва мунажжим Физорий қабри бор». Форсча матнда: «Фақиҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Али ибн Ҳамза ал-Касоий ал-Мақрий, Ҳишом ибн Убайдуллоҳ, Иброҳим ал-Хавос ва мунажжим Физорий қабри Рай шаҳрида. Буюмларидан майин матоли кийимлар дунёга чиқарилади»⁹.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 99 ва Истахрий, 1368 – Б. 143 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 223.

² Истахрий, 1961 – Б. 102 ва Истахрий, 1368 – Б. 146.

³ Истахрий, 1961 – Б. 102 ва Истахрий, 1368 – Б. 147.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 104 ва Истахрий, 1368 – Б. 149.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 110 ва Истахрий, 1368 – Б. 157.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 111 ва Истахрий, 1368 – Б. 159.

⁷ Истахрий, 1961 – Б. 112 ва Истахрий, 1368 – Б. 160.

⁸ Истахрий, 1961 – Б. 110 ва Истахрий, 1368 – Б. 157 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 241-242.

⁹ Истахрий, 1961 – Б. 123 ва Истахрий, 1368 – Б. 170-171.

Форсча матнда: «Дамованднинг бошидан бир дарё ажралиб чиқади. Бу тоғнинг гир атрофида Данирон ва Дармия каби катта қишлоқлар бор. Жайхун қирғоғида асир олинган Али ибн Ширвин Дармия қишлоғидан бўлган»¹.

Қазвин тавсифининг уч жойида: «Қазвин икки шаҳристондир», «Кишилар билан шаҳар орасида доим уруш бўлади» ва «Қасабадаги полиз ва боғлари учун хирож тўланмайди», парчалари арабча матнда йўқ.²

Арабча матнда: «Табаристон шаҳарларининг энг каттаси Амулдир. У ушбу замон ҳукмдорлари қароргоҳидир. Қадимда Сорийада яшар эдилар». Форсча матнда: «Табаристон катта вилоятдир. Иморатлари ёғоч ва камишдан. Узлуксиз ёмғир ёғади. Сорий Қазвиндан каттароқ, обод ва ҳосилдордир»³.

Табаристон – Рай йўналишидаги Асадобозга оид: «У ер вақф қилинган. Келувчи ва кетувчи унда уч кун тўхтайдди. Бемор бўлганга тузалгунича нафақа бериб турадилар», маълумотлар арабча матнда учрамайди.⁴

Хазар денгизи. Форсий матн қисқароқ. Бир ўринда матн мазмуни фарк қилади.

Арабча матн: «Хазар тили турк ва форс тилидан бошқа, ҳамда бошқа халқлар тили билан яқинлиги йўқ». Форсча матн: «Хазар тили турк тилига ўхшаш ва бошқа ҳеч бир қавм у тилни билмайди»⁵.

Хуросон чўли. У мусулмон оламида аҳолиси энг кам шаҳар ва қишлоқлардан иборат эди. Бу бўлимда жойлар орасидаги масофалар баёнига кўпроқ эътибор қаратилган. Икки матн ўртасида тафовутлар кўп эмас.

Сижистон. Форсча матнда айрим қисқа тафсилотлар тушиб қолган. Хавош ва Сирвон шаҳарлари тавсифи берилмаган.⁶

Хуросон зикри. Арабча матн тўлиқроқ. Аммо форсча матнда айрим қўшимча маълумотлар учрайди.

Форсча матндаги: «Бу эгри чизиқли чегара иморатли, одамлар яшайдиган ва озуқаси кўп жойдир», маълумоти арабий нусхада йўқ.

Арабча матнда: «Хуросоннинг мулкларга бирлаштирилган ва ажратилган доиралари». Форсча матнда: «Олдида пайдо бўлсин, дея Хуросоннинг шаҳарлари, йўллари, чўллари, тоғларининг барчасини бир суратга жойладим»⁷.

Арабча матнда: «Мулкларга бирлаштирилган ва ажратилган Хуросон доираларининг энг каттаси Нишопур, Марв, Ҳирот ва Балх». Форсча матнда: «Хуросон шаҳарлари, йўллари, чўллари, тоғлари, ҳаммасини кўриб чиқамиз.

¹ Истахрий, 1961 – Б. 123 ва Истахрий, 1368 – Б. 171-172.

² Истахрий, 1961 – Б. 124 ва Истахрий, 1368 – Б. 172.

³ Ўша жойда.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 126 ва Истахрий, 1368 – Б. 174.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 130 ва Истахрий, 1368 – Б. 179.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 142 ва Истахрий, 1368 – Б. 198.

⁷ Истахрий, 1961 – Б. 145 ва Истахрий, 1368 – Б. 203.

Суратга қараган киши олдида ҳаммаси намоён бўлсин. Олий Аллоҳ тавфик берувчи ва яхши ёрдамчидир. Мулклар бирлаштирилган Хуросон шаҳарлари тўртта: Нишопур, Марв, Ҳирот ва Балх»¹.

«Нишопурдан таниқли котиблар, адиблар ва машхур олимлар етишиб чиққан», парчаси арабча матнда берилмаган.²

Асфизор тавсифидаги: «Девор ва сувли хандаки бор. Девор шаҳарни ўраган. Мулк ва ноҳиялари кўп», арабча матнда йўқ.³

Ҳирот ҳақидаги «бошида лашкаргоҳ бўлган»⁴ жумласи арабий нусхада ёзилмаган.

Мовароуннаҳр. У асардаги иккинчи катта бўлимдир. Қиёслаш ишлари бу иқлим ҳақидаги ахборотлар бошқаларидан фарқли эканини кўрсатди. Олдингиларда арабча матн форсий нусхадан тўлиқроқ эди. Бу иқлимда форсча матн арабий нусхадан кўпроқ экан, унда ўттизга яқин ўринда ортиқча ахборот берилган.

Мазкур «ортиқча»лар, Қоҳира нашри иловасидаги «Алиф» нусхаси ва «Китоб сурат ал-ард»нинг қиёсий таҳлили орқали кўп ўринларда маълумотларнинг ўзаро тўла мос тушиши аниқланди. Арабча матнда Суғд водийсидаги Ғубардан бошланадиган Иштихан, Сановоб ва Бузмажан дарёлари санаб ўтилган. Форсча матнда Иштихандан бошқа икки дарё тўғрисида қўшимча тафсилотлар берилган. Қайй дарёси ва Варағсар билан Бухоро орасидаги дарёлар баёни Ибн Ҳавқал асарида ҳам келтирилган.⁵

Форсча матндаги: «Бунжикат яхши ёнғоқ, бодом ва олма мевалари бўлган фаровон шаҳар» ва «Маймурғ рустоғи Самарқанднинг барча рустоқларидан энг обод ва аҳолиси кўпдир», маълумоти арабий нусхада йўқ. «Китоб сурат ал-ард»да кенгроқ баён қилинган: «Банжикас – дарахтлари кўп, дарёлари бор, бодом, ёнғоқ ва бошқа ҳосиллари ўзларидан ортадиган катта бўлмаган рустоқдир. Самарқанд рустоқлари орасида фақат Маймурғ қалин дарахтзорларга бой, қишлоқлари кўп, қасрлари туташиб кетган»⁶.

Форсча матндаги Самарқанднинг ўн икки рустоқи арабий нусхада йўқ, «Китоб сурат ал-ард»да такрорланади.⁷

Бўлим сўнггида «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг «Мовароуннаҳр» тавсифи билан боғлиқ бир маълумотни асарнинг бошқа таҳрир ва таржималарида келиши ва унинг талқинини кўриб чиқсак.

¹ Ўша жойда.

² Истахрий, 1961 – Б. 147 ва Истахрий, 1368 – Б. 205.

³ Истахрий, 1961 – Б. 149-150 ва Истахрий, 1368 – Б. 209.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 150 ва Истахрий, 1368 – Б. 209.

⁵ Истахрий, 1961 – Б. 179 ва Истахрий, 1368 – Б. 250-251 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 370.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 180 ва Истахрий, 1368 – Б. 252 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 372.

⁷ Истахрий, 1961 – Б. 181 ва Истахрий, 1368 – Б. 253 ва Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 373.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг «Мовароуннахр» иқлимида: «بلغنى ان معتصم كتب الى عبد الله بن طاهر كتابا عرض تهدده فيه وانفذ الكتاب الى نوح بن اسد فكتب اليه ان بماوراء النهر ثلاثمائة الف قرية وليس من قرية الا يخرج منها فارس ورجل لا ماълумоти мавжуд. Бу маълумот «Ўзбекистон ССР тарихи» китобининг «Тоҳирийлар ва Сомонийлар давлатининг ташкил топиши» бўлимида муаллифлар томонидан қуйидагича талқин қилинади: «бир вақт Муътасим, - Истахрий ва Ибн Ҳавқалнинг ҳикоя қилишича, - Абдуллоҳ ибн Тоҳирга дўқ ва пўписалар билан хат ёзган ва уни мустақил сиёсат юргизгани учун огоҳлантирган. Абдуллоҳ бу хатни Самарқанд ноибига юборган. Нуҳ ибн Асад унга жавоб хати ёзиб, бу хатда Мовароуннахрда – 300000 қишлоқ бор ва ҳар бир қишлоқ биттадан отлиқ ва биттадан пиёда аскар бериши мумкин деган. Бу билан Абдуллоҳ ибн Тоҳир Муътасимдан асло қўрқмасин, деган фикр уқдириб ўтилган. Чунки фақат Мовароуннахрнинг ўзигина 600000 отлиқ ва пиёда аскар бериш имкониятига эга бўлган»².

Истахрий асарининг биринчи таҳрири бўлган «Китаб ал-ақалим»да: «Менга Муътасим Биллаҳ Абдуллоҳ ибн Тоҳирга таҳдид қилиб хат ёзгани маълум бўлди. У мактубни Нуҳ ибн Асадга юборади. [У эса, жавоб хатида] Мовароуннахрда уч юз минг қишлоқ бор, агарда бир қишлоқдан бир суворий ва пиёда чикса ҳам аҳолисига йўқотиш бўлмайти» дейилади³.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг Ирож Афшор нашрида бу маълумот қуйидагича келтирилади: «Муътасим Абдуллоҳ ибн Тоҳирга хат ёзганини эшитдим. У хатни Нуҳ ибн Асадга юборади. Абдуллоҳ ибн Тоҳирга Мовароуннахрда учюз минг қишлоқ бор. Агарда ҳар қишлоқдан бир суворий ва пиёда чикса ҳам у ернинг аҳолисига уларнинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам сезилмайти»⁴.

Истахрий асарининг Феруз Мансурий матнида: «Асар муаллифи айтадики, эшитишимча Муътасим Абдуллоҳ ибн Тоҳирга ўз ходимларини йиғиш борасида бир топшириқ жўнатади. У Мовароуннахрга, Нуҳ ибн Асадга юборади. Эътироз [хати]да Мовароуннахрда 300 минг қишлоқ бор. Бирор қишлоқ йўқки, ундан бир суворий ва бир пиёда ходим чиқиб, жамъ бўлмаса» дейилади⁵.

Худди шу маълумот Ибн Ҳавқал асарида қуйидагича келтирилади: «Хабарларда келишича, Муътасим Абдуллоҳдан Хуросон ва Мовароуннахрдан қанча ҳарбий тўплай олишини сўрайди, ёки сўраб хат ёзади. У эса хатни Нуҳ ибн Асад ибн Сомонга жўнатган. У Хуросон ва Мовароуннахрда учюз минг

¹ Истахрий, 1961 – Б. 163.

² Ўзбекистон ССР тарихи – Б. 211-212.

³ Қандил – Б. 177-178.

⁴ Истахрий, 1368 – Б. 229.

⁵ Аҳмад ал-Жайхоний – Б. 179.

қишлоқ бор, ҳар биридан бир отлиқ ва бир пиёда чикса ҳам қишлоқ аҳлига катта йўқотиш бўлмайди, деб ёзади»¹.

Юқоридаги матнлар қиёси асосий тафовут матндаги «تهدد» яъни, «тахдид қилди» сўзида эканини кўрсатди. Чунки, «тахдид» асарнинг фақат араб тилидаги матнида келмоқда. Форсча таржималари ва Ибн Ҳавқал асарида «тахдид» борасида ҳеч нарса йўқ. Аксинча, Муътасимнинг (833-842) Абдуллоҳ ибн Тоҳирга хат ёзиш сабабини изоҳлашга кўмаклашувчи маълумот бор. Шу ўринда қайси маълумот тўғри эканини аниқлаш керак бўлади. Бунинг учун мазкур уч шахс – Муътасим, Абдуллоҳ ва Нуҳ орасида ёзишма ҳақида маълумотни тарихий манбалардан излаб кўрилганида, бундай маълумот Табарийнинг (ваф. 923) «Тарих ар-русул вал-мулук» («Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи»), Ибн ал-Асирнинг (1160-1233) «Комил фит-тарих» («Тарих бўйича мукамал асар») ва Ибн Халдуннинг (1332-1406) «Тарих» асарларидан топилди. Мазкур асарларга кўра халифа Абдуллоҳга хат ёзади. У эса ўз навбатида Нуҳга жўнатади. Бундан мақсад халифа Муътасимнинг хос гвардияси кўмондони Ҳайдар ибн Ковус Афшиннинг (ваф. 840) жинояти аниқлангач унинг ўғли Хусайнни (251/865 йилда Усрушана ноиблиги қайтарилган) ҳийла йўли билан тутиб келтириш бўлган. Жумладан Ибн ал-Асир «Комил фит-тарих» асарининг 225/838-839 йй. воқеаларида «Муътасимнинг Афшиндан ғазаблангани баёни» номли бўлимида: «Муътасим Афшиннинг келишини буюради. У қора кийимда келади. Муътасим унинг қора кийимини ечиб олиб қамашга буюради. Уни қалъага қамайди. Муътасим Абдуллоҳ ибн Тоҳирга Хусайн ибн Афшинга ҳийла ишлатишни ёзиб юборади. Хусайн бу вақтга қадар Абдуллоҳга Мовароуннаҳр амири Нуҳ ибн Асаддан унинг ўз ерлари ва ноҳияларига босқинчиликлари ҳақида кўп маротаба шикоят қилиб ёзган эди. Абдуллоҳ Нуҳга Муътасимнинг Хусайн иши борасида ёзганини маълум қилади ва ўз яқинларини тўплаб тайёр туришини, Хусайн *волий*лик хати билан олдинга келса уни ушлагин, бу ишдан хотиржам бўлганингдан кейин уни менга юборгин деб буюради. Кейин, Абдуллоҳ Хусайнга Нуҳни четлаштиргани ва унинг ноҳиясига *волий* бўлганини ёзади. Яна, Нуҳнинг вилоят *волий*лигидан четлаштирилгани тўғрисида хат ҳам юборади. Ибн Афшин ўзини ноҳия *волий*си деб ўйлайди ва озгина яқинлари ва аскарлари билан чиқиб Нуҳнинг олдига боради. Нуҳ эса уни ушлаб боғлайди. Уни Абдуллоҳ ибн Тоҳирга жўнатади, у эса Муътасимга юборади»².

Матнда келган таҳдидга эътибор қаратилди. Бунинг учун Абдуллоҳнинг фаолияти манбалар орқали кузатилди. Натижада қуйидаги уч ҳолатгина Абдуллоҳ ибн Тоҳир фаолияти давомида халифалик билан зиддиятли вазият бўлганига ишора қилди:

¹ Ибн Ҳавқал, 1967 – Б. 467-468.

² Ибн ал-Асир, 1987– Б. 60-61.

Биринчиси, Итлийдий (ваф. 1689 йилдан кейин) «Иълам ан-нас бима вақаъа лил-барамикати» асарида берилган. Унга кўра халифа Маъмун (813-833) Абдуллоҳ ибн Тоҳирдан ғазабланган – сабаби берилмаган – ва ўз яқинлари билан уни жазолаш учун маслаҳатлашган. Йиғилишда иштирок этган кишилардан бири бу ҳақда Абдуллоҳни хабардор қилган. У эса ўз навбатида тадбир қўлаб халифанинг кечиримига сазовор бўлган¹. Бу воқеа халифа Маъмун билан содир бўлган. Халифа ал-Муътасим билан боғлиқ бир хил мазмундаги бошқа ҳолатни бир нечта тарихий манбалардан, хусусан Табарийнинг «Тарих ар-русул вал-мулук» асаридан топамиз. Табарий ҳижрий 225 йил воқеалари баёнида «Афшин Муътасимнинг баъзи вақтларда Тоҳирийларни Хуросондан четлатиши ҳақида гапини эшитар эди» дейди². Табарийдаги бу маълумот саркарда Афшиннинг Хуросон ноиблигини қўлга киритиш мақсадида уюштирган фитнаси билан боғлиқ. Бизга маълум бўлган сўнгги ҳолатни Гардизийнинг (ваф. 1050 дан кейин) «Зайн ал-ахбор» асаридан топамиз. Муаллиф асарнинг «Хуросон амирлари ҳақида хабарлар» қисмида халифа Маъмун даврида Абдуллоҳ ибн Тоҳир билан Муътасим ўртасида бўлиб ўтган бир жанжалли воқеани баён қилади. Гарчи Маъмун бу иккисининг орасини ислоҳ қилган бўлса ҳам, Муътасим халифа бўлгач Абдуллоҳга Хуросон ноиблиги ёрлиғи билан бир жорияга заҳарланган сочиқ кўшиб жўнатади. Гардизий мазкур маълумот давомида воқеадан хабар топган Абдуллоҳнинг халифадан хушёр тортгани ва ўзининг кейинги ҳаракатлари билан унинг қалбидаги ўзига нисбатан совуқликни кетказгани айтилган³.

Манбаларда берилган халифа Муътасим-Абдуллоҳ ибн Тоҳир-Нух ибн Асад орасидаги ёзишмалар гарчи мазмунан турли маънода бўлгани билан уларнинг орасида умумийлик мавжудлиги кўзга ташланади. Яъни, биринчи шахс иккинчи шахсга хат ёзади, у эса хатни учинчи шахсга жўнатади. Истахрийга кўра халифа таҳдид қилади, яъни *أعرض تهذّه* дейди. *تهذّه* феълени «Арабско-русский словарь»дан қаралганда, унда «угрожать» маъноси билан бирга «находится под угрозой»⁴, «Ан-На‘йм» луғатида «таҳдид, хавф-хатар остида бўлмоқ» маъноси ҳам мавжуд экан⁵. Бу эса барча манбалардаги ёзишмалар мазмунини ҳам умумлаштиришга уриниб кўришга асос бўла олади.

Агар Истахрийдаги маълумотни кейинги маънода таржима қилиб кўрилса, қуйидагича вазият юзага келади: Муътасим ўзининг бирор нарсадан хавотирда эканини Абдуллоҳ ибн Тоҳирга маълум қилади. У эса хатни Нух ибн Асадга унинг мазкур масала юзасидан фикрини билиш мақсадида юборади. Нух

¹ Итлийдий – Б.127.

² Табарий, 1976, Ж. IX– Б. 105.

³ Гардизи – Б. 54.

⁴ Баранов, Ж. II– Б. 1078.

⁵ Ан-На‘йм, – Б. 872

ибн Асад бундай хавотирга ҳеч бир ўрин йўқлигини таъкидлаш мақсадида биргина 300 минг кишлоққа эга Мовароуннаҳрнинг ўзи бир суворий ва бир пиёда аскарни, умуман 600 минглик кўшинни бера олади деб жавоб беради.

Мазкур ёзишмага оид маълумотни Ибн Ҳавқал аниқроқ беради. Яъни, халифа ўзини хавотирга туширган, мавжуд хавфни бартараф қилиш учун керак бўладиган ҳарбий кўшинни тўплаш мақсадида Хуросон ноиблигининг Мовароуннаҳр вилояти билан бирга имкониятини сўраб ёзган. Бу ўринда биргина нараса мавҳум бўлиб қолади, халифани нима хавотирга солади?!

Бунга жавобни Табарий, Ибн ал-Асир ва Ибн Халдунлардан топамиз. Гарчи уларда Нух ибн Асаднинг Абдуллоҳга жавоб хати ёзганига ҳеч қандай ишора бўлмаса ҳам.

Мазкур тарихий манбалар орқали халифаликда энг катта мавқега эга бўлган, халифанинг ишонган кишиларидан бирининг, яъни хос гвардия кўмондони Афшиннинг хиёвати сабаб бўлгани маълум бўлади. Халифа Афшин ва унинг тарафдорларидан айниқса Афшин ўғли Ҳусайндан хавотирга тушади. Афшиннинг қўлга олиниши хабари унинг ўғлига етиб боришидан олдин Ҳусайнни ҳийла билан қўлга туширишни ва хавфни бартараф этишни режалаштиради.

Истахрий маълумотининг қабул қилинган «тахдид қилди» маъносида ишлатилиши, унинг бошқа бирор манбада ҳозирча ўз тасдиғини топмагани боис шубҳа остида қолади. Ҳатто, асарнинг ўрта асрларда амалга оширилган форсча таржимасида ҳам Муътасимнинг Абдуллоҳ ибн Тоҳирга хат ёзгани келса-да, лекин у ерда тахдид ҳақида ҳеч маълумот учрамайди¹.

Абдуллоҳ ибн Тоҳир эса ўз навбатида халифа Маъмун, ундан кейин халифа Муътасимнинг яқин ишонган одамларидан бўлганини Истахрийнинг юқоридаги маълумоти ва ундан бевосита фойдаланган Якут Ҳамавийнинг «Муъжам ал-булдан» асаридан ташқари IX асрдан кейин ижод этган ва фойдаланишнинг иложи бўлган манбаларнинг барчаси кўрсатмоқда. Унинг ноиблиги 16 йил давом этгани ва сиёсий фаолиятининг 11-йилида Табаристондаги Мазёр бошчилигидаги халифаликка қарши ҳаракатни бостиришда асосий вазифани бажаргани ҳам яхши мисол бўла олади.

Халифа Муътасим ва Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўртасидаги адоват борлиги ҳақида маълумотлар XX аср тадқиқотларига кириб келиши ва унинг асоси излаб кўрилганида аниқлашнинг иложи бўлган энг қадимги тадқиқот В.В. Бартольддан (1869-1930) топилди. Жумладан, унинг машҳур «Туркестан в эпоху Монгольского нашествия» монографиясида муаллиф Гардизийнинг маълумотига асосланган ҳолда шундай хулосага келган экан. Жумладан, у «Талханинг вориси Абул Аббос Абдуллоҳ 830 йилда Хуросонга келгач деярли мустақил

¹ Истахрий, 1368 – Б. 229.

ҳоким бўлиб олди. Халифа Муътасим уни ёмон кўрса ҳам, фақатгина яширин қотилларни жўната оларди. Очикдан-очик бирон чора кўришга журъат қила олмас эди» дейди¹.

Юқоридаги маълумотлар ва уларнинг таҳлили замонавий тадқиқотлардаги Хуросон ноибни Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг халифаликдан мустақил бўлишга интилган шахс сифатида қараш етарлича асосланмаганини кўрсатяпти. Натижада, мазкур шахснинг фаолиятини тарихчи олимлар манбалар асосида қайтадан кўриб чиқишлари зарурати пайдо бўлди.

Форсча ва арабий матнлар қиёсий таҳлиliga оид мулоҳазалар.

С. Волин ва Л.З. Писаревскийларнинг Ибн Ҳавқал «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг бизгача сақланиб қолмаган нусхасидан фойдаланган, деган қараш асарнинг Мовароуннаҳр иқлимини таржима ва тадқиқ қилиш натижасида ҳосил бўлган экан.

С. Волинда «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг фақат Де Гуге тайёрлаган матни бўлган. Л.З. Писаревский Қоҳира нашрини Де Гуге матнига керакли ўринларда қиёслаш учунгина фойдаланган. У С. Волиннинг арабча матн ҳақидаги қарашини борира ўзгаришсиз қабул қилган. Ваҳоланки, асарнинг Қоҳира нашри тағ изохларида тўлдиришлар берилганди ва улар «Китоб сурат ал-ард» матнига мос тушади. Шу тариқа «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг Қоҳира нашри 340/950 йилги таҳрир нусха экани маълум бўлди.

Р. Бейсебаевнинг асардаги Мовароуннаҳр иқлимини Қоҳира нашри ва «Китоб сурат ал-ард» матни билан солиштириб: «Ибн Ҳавқал бу иқлимда деярли ҳеч қандай қўшимча қилмаган, фақат матнни таҳрир қилган», – деб айтиши хулосамизни қувватлайди².

Асарнинг Гуге нусхаси 930 – 933 йиллар таҳрири ва матни энг қисқасидир. Кейингиси Де Гуге таянч нусха қилиб олган «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг Берлин нусхаси нашридир. Унинг матнлари Қоҳира нашридан қисқарок. Барча нусхалар орасида 340/950 йилги таҳрир нусха деб қараладиган Қоҳира нашри энг тўлиғидир.

Ироҷ Афшор матнидаги Де Гуге нашрида учрамайдиган маълумотлар Қоҳира нашрида борлиги, таржима 340/950 йилги таҳрир нусха асосида амалга оширилганини кўрсатмоқда. Баъзи ўринларда маълумотлар Гуге нусхасига ҳос тарзда берилиши, асар бизга маълум бўлмаган араб тилидаги бошқа нусхадан ўгирилганидан далолат бермоқда.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг Феруз Мансурий тайёрлаган матни ҳажми ҳам анчагина қисқа, бироқ юқорида кўриб ўтганимиздак, Мюллер

¹ Бартольд, 1963 – Б. 266.

² Бейсебаев – Б. 128.

нашридан тўлиқроқ. Шу сабабдан унинг ҳам фанга номаълум бошқа бир араб тилидаги матн таҳриридан ўгирилган, ёки таржимон томонидан қайта таҳрир қилинган деб ҳисоблаш керак.

ИСТАХРИЙНИНГ «КИТАБ АЛ-МАСАЛИК ВАЛ-МАМАЛИК» АСАРИ ТАРЖИМАСИ

Топонимлар табдили масаласи

Марказий Осиёнинг IX – XIII асрлар тарихий географиясини ўрганишда асосий маълумотларни араб тилидаги манбалар беради. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» бу борада аҳамиятли манбалардан ҳисобланади. «Мовароуннаҳр»¹ иқлимида тўрт юзга яқин жой номининг зикр этилиши унинг манбавий аҳамияти қанчалик катта эканини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда асарнинг танқидий матнлари, бошқа тилларга терма ва тўлиқ таржималари амалга оширилган бўлса-да, бу борада «Мовароуннаҳр» иқлимини етарлича ўрганилган, деб бўлмайди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг рус тилига терма таржимаси изоҳлар билан таъминланган ва матнда келган жой номлари ёзилиши бошқа манбалардаги шакли билан қиёсланган. Таржимада аксарият жой номлари рус тили тартиб-қоидаларига мослаштирилиб ёзилган. Асар матнида келтирилган «نوجكث»² – рус кирилл ёзувида «Нуджкет» шаклида ёзилган³. Ёқут Ҳамавий «Муъжам ал-булдан» асарида бу жой «نُوجَكْث» – «Нувжакас» шаклида ёзилиши ва ўқилишини тушунтирган⁴. Рус тилидаги матнда «ساباط» – «Сабат» кўринишида ёзилган⁵. Мазкур икки жойни ўзбек тадқиқотчилари ўзбек кирилл ёзувида «Нужкат ёки Нужакат»⁶, «Собот»⁷ шаклида ифодалашади. Қадимги жой номларини бошқа ёзувларига ўзгартиришда шу тарихи илмий адабиётларда хилма-хиллик пайдо бўлади. Рус тили таржимасидаги «Нуджкет» «Нужкат»нинг русча ўқилиши ва ёзилишидир. Бу ерда жой номи ўзгаришга учраяпти ва матншунослик қоидаси бузилапти. «Собот» номида ҳам шу ҳолатга дуч келамиз. Ундаги иккита алиф ҳарфи араб ёзувида чўзиқ «а» товушини ифодалайди. Форс тили таъсирида бу сўз «Собот» деб ёзилган. Бу ўринда

¹ «Мовароуннаҳр» топонимининг араб тилидаги манбаларда қўлланилган даврлари ва унинг қамраб олган географик ҳудуд билан боғлиқ алоҳида мақола эълон қилинган. Қаранг: Худайберганов, 2017а – Б. 312-317.

² Истахрий, 1961 – Б. 183.

³ Истахрий, 1973 – Б. 18.

⁴ Ҳамавий, 1977, Ж. V – Б. 309.

⁵ Истахрий, 1973 – Б. 18 ва Истахрий, 1961 – Б. 183.

⁶ Ибн Ҳавқал., 2011. – Б. 225.

⁷ Ҳамавий – Б. 70.

хам матншунослик қойдаси бузилаётир, чўзиқ «а» ўрнига ўзбек ва араб тили хусусиятига тўғри келмайдиган «о» ҳарфи ёзилмоқда. Аслида бу жой ўзбек кирилчасига «Сабат» шаклида ўгирилиши керак эди.

Араб тилида сўзлар феъл асосида шакллангани боис унда қисқа унлиларни акс эттиришга кўп ҳам зарурат йўқ. Шу билан бир қаторда «мад», яъни чўзиқ унли тушунчаси ҳам бор. Мисол учун «فَعَلَ» – «қилмоқ, бажармоқ» феъли. Бу феълнинг «مَفْعُولٌ» масдар қолипи борки «мафъуулун» деб талаффуз қилинади. Тадқиқотчиларнинг бундай ёндашувлари араб тилининг айнан мана шу жиҳатидан келиб чиқиб араб ёзувида ифодаланмайдиган ва бу тилга алоқаси бўлмаган сўзларни талаффуз қилишда сўзлардаги «мад» шаклига эга ўринларини қисқа «а-(о)», «и» ва «у» билан ифодалаганлар деб хулоса қилишга сабаб бўлмоқда. Бу «Нужкас» ва «Собот» ҳодисасида аниқ кўриниб турибди. Шу каби сабабларга кўра, табдил муаммосининг тўғрироқ ечимини топишга тўғри келади. Кўриб чиқилган мисоллар ўрта аср муаллифи ҳар доим ҳам араб тилига алоқаси бўлмаган сўздаги қисқа «а», «и» ва «у» унлиларини ифодалаш учун «мад» ёрдамидан фойдаланмаганини кўрсатмоқда. Яна бир мисол: Ибн ал-Асир асарида келган Каспий денгизидаги «سبرنه» С.б.р.н.х. жой номи туркий тилда «сув бурни» маъносини англатгани боис «Субурна» деб ўқилган¹. Яъни, унли товуш «у»ни ифодалаш учун ёзувда «мад» шаклидан фойдаланиб «سوBORنه» шаклида ёзилмаган. Бу муаммонинг топонимлар талаффузи билан боғлиқ кичик бир бўлагидир. Асосий масала муайян жой номининг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва бошқа тарихий манбаларда турлича ёзилишида кўзга ташланади.

Топонимлар ёзилиши ва ўқилиши билан боғлиқ муаммо жуда қадимийдир. Айнан шу масала Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжам ал-булдан» асарида ҳар бир жой номи изоҳида сезилиб туради². У ва XII аср муаллифи Абдукарим ас-Самъонийнинг 506/1113 – 562/1166 «Китаб ал-ансаб» («Насл-насаблар китоби») асари жой номларини тўғри ўқиш учун ўқувчига анча кўмаклашади. Ёқут Ҳамавий «Нувжакас»нинг ёзилиши ва ўқилишини қуйидагича тушунтиради: «نوجكث: بالضم ثم السكون وفتح الجيم وكاف ثم ثاء مثلثة: من» – «Н.в.ж.к.с.: замма (у), сўнг суқун (тўхташ белгиси) ва фатҳали (а) жим (ж) ва коф (к) сўнг учта нуқтали се (с): Мовароуннаҳрдаги шаҳар»³.

Ёқут Ҳамавий ишида «Китаб ал-ансаб» асари муаллифи услубини қўллаган. Мазкур асар муаллифи Абдукарим ас-Самъоний «Сабат»ни қуйидагича

¹ Қаранг: Ибн Ҳавқал., 2011. – Б. 246-247.

² Ҳамавий, 1977, Ж.1 – Б. 11.

³ Ўша асар, Ж. V – Б. 309.

таърифлайди: «الساباطي: بفتح السين المهملة، والباء المنقوطة بواحدة بين الالفين، وفي آخرها: الطاء المهملة. هذه النسبة إلى ساباط، وهي بلدة معروفة ب « ما وراء النهر » عند أسروشنة على الساباطي». «Ал-С.а.б.а.т.й.: нукталарсиз фатҳали (а) син (с), бир нуктали бе (б) икки алиф (а) орасида. Мовароуннаҳрда, Самарқанддан 20 фарсах масофада Ушрусанадаги шаҳар»¹. Бу баён услуби мукамаллиги албатта яхши ва фойдалидир. Афсуски, уларда «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарида учрайдиган барча жой номлари кўрсатилмаган. Ҳиний тайёрлаган нашрда ҳам улар учрамайди. «Муъжам ал-булдан» асарида «Сабат»га бағишланган мақола «سَابَاطُ كَسْرَي: بالمداين» – «Сабату Кисра: Мадаинда» деб бошланади². Бу ерда «ساباط» – «Сабат» сўзининг охириги маҳаллий тилларда учрамайдиган «ط» – «итки» ҳарфига диққатни қаратиш керак. Мазкур ҳолат арабий бўлмаган маҳаллий жой номлари ёзилаётганида араб тилида мавжуд эквиваленти сингари битилганини кўрсатади.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнларини ўзаро қиёслаш асносида топонимларнинг бир неча хил ёзилгани эътиборимизни тортди. Шулар натижасида жой номларини тўғри ўқиш ва бошқа ҳарфларда хатосиз ифодалаш масаласи юзага чиқди. Тарихий асарлардаги бирор жой номини мазкур комуслар орқали излашдан олдин ўша номнинг тўғри ўқилганини аниқлаштириш керак экан. Масала тушунарли бўлиши учун «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари, умуман ўша давр тарихий манбалари қўл-лёмалари учун хос бўлган диакритик белгилар борасида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари қўл-лёмаларида «нукталар» ва «ҳаракат» белгилари ҳар доим ҳам ўз ўрнида қўлланмаган. «Мовароуннаҳр» иклимнинг бошидаги маълумот Қоҳира нашрида қуйидагича келган:

ما وراء النهر
وأما ما وراء النهر فيحيط به من شرقه : فامر وراشت ، وما يتاخم الختل من أرض الهند على
خط مستقيم ، وغربيه بلاد الغزبية والخزجية من حدّ طراز ، ممتدا على التقويس حتى ينتهي إلى
فاراب وبيسكند وسغد سمرقند ونواحي بخارى إلى خوارزم ، حتى ينتهي إلى بحيرتها ، وشماله
الترك الخزجية من أقصى بلد فرغانة إلى الطراز على خط مستقيم ، وجنوبه نهر جيحون من لدن
بنخشان إلى بحيرة خوارزم على خط مستقيم.³


Энди «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг энг қадимий ҳисобланган Гота нусхасида (1484 Искандар йили/1172 – 1173 мелодий) ушбу маълумот қуйидагича берилган (1 ва 2-расмларга қаранг)⁴.

¹ Самъоний, 1977, Ж. VII – Б. 1.


² Ҳамавий, 1977, Ж. III – Б. 166.

³ Истахрий, 1961 – Б. 161.

⁴ Истахрий, 1839 – Б. 112.



1-расм. Юқоридаги матнинг қўлёзмадаги кўриниши.



2-расм. Қўлёзма матнида сўзларга тушиб қолган диакритик белгиларининг қўйилган ҳолати.

Матнга қолдириб кетилган нуқталар қўйилганда мазкур кўриниш ҳосил бўлди. Сурагларда асарнинг деярли барча сўзлари «فحيط» – «ўраб туради» сўзи «شرقية»; «راست» – «Рошт» жой номи «الختل» – «ал-Хуттал» нуқталарсиз шаклда ифодалангани яққол кўзга ташланади. Лейден (589/1193 йили кўчирилган), Берлин (589/1193) ва бошқа нусхаларида ҳам худди шу ҳолат кузатилади¹. Бу вазият тадқиқотчининг жой номларини тўғри ўқишини янада қийинлаштиради. Унга

¹ Истахрий, № Ор. 3101 – 105a варак; Истахрий, № 6032 – 119 a варак; Истахрий, № 2613 – Б. 127; Истахрий, № 2927– 77 a варак.

топонимлар ёзилишида кўчирувчилар хатолари ҳам кўшилади. Жой номлари ёзилиши ва ўқилиши билан боғлиқ мураккабликни иш жараёнида уч туркумга ажратдик.

Биринчи туркум: Бир кўлёманинг ўзида битта жой номининг бир неча шаклда ёзилишидир. Суғд водийсидаги «بارمش» – «Бармиш» дарё номи¹Болонья университети №3521 нусхасида «بامسن», «بارمسн» ва «بارمس»²; Фарғона водийсидаги «بامكاخس» – «Бамакахас» шаҳри асарнинг Эрон Бўстон музейи нусхасида «كيمياخس» ва «بامكاخت»³; Шош – Тараз йўлида жойлашган «بش» – «Хумайд қудуғи» жой номи Болонья университети №3521 нусхасида «ويكرد» ва «ننكبرد» шаклларида берилган⁴.

Иккинчи туркум: Жой номлари асарнинг турли нусхаларида хилма-хил ёзилишидир. Айримлари ҳатто, ўнга яқин шаклда битилган. Самарқанддан шимоли-шарқдаги ҳозирги Оқтепамитан қишлоғи ёнида жойлашган «باركت» – «Баркат» шаҳри бунга аниқ мисолдир⁵. У «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнларида⁶ اباركت⁷, اباركت⁸, ياركت⁹, باركت¹⁰, اباركت¹¹, اباركب¹², اباركب¹³, ابارل¹⁴ шаклларида келган.

Самарқанд вилояти Каттақўрғондан шимолда жойлашган эски қалъа қолдиғи (ҳозир қабристон) ҳам «بوزماجز» – «Бузмажаз» шаклида ёзилган. Бошқа нусхаларда у¹⁵ بون ما حر¹⁶, بور ما جن¹⁷, مور ما جن¹⁸, مورماجز¹⁹ ва بورماخر²⁰ шаклларида учрайди. Бундай жой номлари матнларда яна кўплаб учрайди.

Жой номининг ҳар бир нусхада турлича ёзилиши асосан кўчирувчи томонидан йўл қўйилган хато маҳсулидир. Бир жой номининг баъзан ўнлаб шаклда ёзилиши улар орасидан энг тўғриси аниқлаш масаласини келтириб чиқаради.

¹ Истаҳрий, 1961 – Б. 179.

² Истаҳрий, 1839 – Б. 319.

³ Истаҳрий, 1368 – Б. 266.

⁴ Истаҳрий, 1839 – Б. 336.

⁵ Истаҳрий, 1961 – Б. 181.

⁶ Истаҳрий, № 2613 – Б. 156; Истаҳрий, № 2927–88 а варақ.

⁷ Истаҳрий, № 3156 – 109 а варақ.

⁸ Истаҳрий, 1368 – Б. 252.

⁹ Ўша асар – Б. 252.

¹⁰ Ўша асар – Б. 268.

¹¹ Ўша жойда.

¹² Ўша асар – Б. 269.

¹³ Ўша жойда.

¹⁴ Истаҳрий, 1839 – Б. 121.

¹⁵ Истаҳрий, 1927 – Б. 320; Истаҳрий, № 6032 – 132 б варақ.

¹⁶ Истаҳрий, 1927 – Б. 320.

¹⁷ Ўша асар – Б. 320.

¹⁸ Ўша жойда.

¹⁹ Ўша асар – Б. 322.

²⁰ Ўша асар – Б. 320.

Учинчи туркум: Жой номлари ёзилишига кўра, бошқа тарихий манбалардан фарқ қилади.

Амударёнинг юқори оқимидаги «برسان» «Барсан» дарёси асардаги бошқа жой номлари каби бир неча хилда ёзилган¹. У XII аср муаллифи Идрисийнинг (492/1099 – 559/1164) «Нузхат ал-муштақ фи ихтирак ал-афак» («Жаҳон бўйлаб кезиб ҳолдан тойганнинг овунчоғи») асарида «ثان» ва «بلبان» шаклларида келтирилган².

X асрда Шош вилояти пойтахти бўлган Бинкат, бугунги Шимолий вокзал ёнида, Салор ариғи бўйидаги Мингүрик харобалари ўрни ва унинг атрофларида жойлашган. Мазкур асрда ривожланган ва гуллаб-яшнаган шаҳар³ «بنکت» – «Бинкат» Истахрий асари матнларида ўнга яқин шаклда ёзилган⁴. У Самъоний асарида ҳам «بنکت» – «Бинкас» дейилган. «Худуд ал-Олам» асарида «بيکت» «Бикас» шаклида ёзилган экан⁵. Абу Райҳон Беруний (973 – 1048) маълумотига кўра, Бинкат шаҳри туркчада Тошканд (تاشکند), юнончада «тош қалъа» деб аталган⁶. Маҳмуд Кошғарий (XI) уни: «تَرْكَنْ تәркән – Шошнинг исми. Унинг асли تاشن كَنْد Ташканд, тошдан қурилган шаҳар демакдир», деб ёзади⁷. Бинкат суғдча *рун* – «очмоқ», *рп* – «узун» ва *каθ* – «қишлоқ» сўзларидан ясалган, деб қаровчилар ҳам бор⁸.

Бугунги кунда Тўйтепадан шимоли-ғарбда Қорасув ариғининг ўнг қирғоғида жойлашган Кулқоратепа ўтмишда «بالايان» – «Балайан» деб аталган. Бу номнинг ёзилишида ҳам Истахрий асари матнларида аввалгиларидаги каби ҳолат такрорланади. «Худуд ал-Олам»да «بالايان» – «Ййалапан» шаклида келтирилган⁹. У «Китаб ал-масалик вал-мамалик» нусхаларидаги бирорта шаклга мос тушмайди¹⁰.

Тошкентдан 25 км шарқда, Янгибозор шаҳридан 6 км масофада Кавардон қишлоғининг шимолий чеккасида «كبرنه» – «Кабарна» шаҳри харобалари бор. Ривоятга кўра, қадимда бу шаҳарнинг номи Кабарбанда бўлган. Бу ном ҳам «Худуд ал-Олам» асарида Истахрий асаридан фарқли – «كبريه» – «К.брийа» шаклида ёзилган¹¹. Унинг этимологияси борасида фанда баъзи қарашлар мавжуд. Исломдан олдинги Чоч тангаларида унинг номи суғдий ҳарфларда *kprnw xwβ* – «Кабарна ҳукмдори» шаклида ўқилган эди¹². Лекин охириги

¹ Истахрий, 1961 – Б. 189.

² Идрисий, Ж. I – Б. 482; Яна қаранг: Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 148.

³ Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 240.

⁴ Истахрий, 1961 – Б. 185.

⁵ Худуд ал-‘Алем, 1930 – Б. 48.

⁶ Бируни, 1963 – Б. 271.

⁷ Кошғарий, Ж. I – Б. 414.

⁸ Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 240.

⁹ Худуд ал-‘Алем, 1930 – Б. 8.

¹⁰ Қаранг: Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 253.

¹¹ Худуд ал-‘Алем, 1930 – Б. 48.

¹² Ртвеладзе, 1982 – Б. 35.

вақтда қўлга киритилган янги маълумотлар бу суғдий ёзувларнинг мазкур ўқилишини тасдиқламади. Унинг келиб чиқиши суғд, араб ёки форс тиллари билан боғлиқ эмаслиги маълум бўлди. Чунки *-a (-на)* қўшимчаси бу тилларда ишлатилмайди. Демак, бу ном бошқа бир тилдаги сўзлардан ясалган. Бу номни Ибн ал-Асир асарида келган Каспий денгизидаги «Субурна» (سبرنه) жой номи билан солиштириш мумкин. У туркий тилда «сув бурни» маъносини англатади¹.

Навбатдаги таҳлил «كداك» – «Кадак» масаласидир². Бу жой номини Ибн Ҳавқал «كذاك» – «Казак»³, «Худуд ал-Олам» муаллифи «كرال» – «К.рал»⁴, Ибн Хўрдадбех «كبال» – «Кубал»⁵ шаклида ёзади.

«كاربنج» – «Карбанж»ни⁶ Идрисий⁷ «كاربنج» – «Карбанж», Ибн Ҳавқал⁸ «كاو بنج» – «Кавбанж», Муқаддасий⁹ «كاربنك» – «Карбанк» кўринишида ёзади¹⁰.

* * *

Тарихий топонимларнинг манбаларда турли шаклларида учрашига трансформация ҳодисаси ҳам таъсир кўрсатади. Ўтмишда «نخشاب» – «Нахшаб», «نسف» – «Насаф»;

«الختل» – «ал-Хуттал» ва «ختلان» – «Хутталон», «Хатлон»¹¹ каби номларнинг ҳар шаклда кўп такрорланиши бунга ёрқин мисолдир.

* * *

Шундай қилиб, манбалардан келтирилган намуналар қадимги тарихий асарларни таржима ва тадқиқ этиш масаласи масъулиятини аниқ тасаввур қилишга тўлиқ имкон беради. Иш жараёнида юқоридаги ҳолатларни унутиб ва четлаб ўтиб бўлмайди.

Бугунги кунда тарихий топонимларнинг ўзбек тилида ўқилишида камчиликлар мавжудлиги аниқ бўлди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари матнларидаги муайян жой номи турли шаклларда ҳатто, нуқталарсиз ёзилган бўлса ҳам тарихий топонимларни ўрганишда илмий аҳамиятини асло йўқотмаган.

¹ Қаранг: Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 246-247.

² Истахрий, 1961 – Б. 185.

³ Ибн Ҳавқал, 1992 – Б. 416.

⁴ Худуд ал-‘Алем, 1930 – Б. 48.

⁵ Ибн Хўрдадбех, 1889 – Б. 29.

⁶ Истахрий, 1961 – Б. 189.

⁷ Идрисий, Ж. I – Б. 488.

⁸ Ибн Ҳавқал, 1992 – Б. 393.

⁹ Муқаддасий, 1991 – Б. 49.

¹⁰ Қаранг: Ибн Ҳавқал, 2011 – Б. 160.

¹¹ Ўша асар – Б. 154.

Тарихий асарлар нашрларида топонимлар ёзилишида йўл қўйилган хатолар бор ва улар албатта, тузатишни тақозо этади.

Араб ва форсий нусхалар хариталари¹

Араб географларининг Балх мактаби вакиллари асарлари ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик»га чизилган дунё ҳамда X аср мусулмон оламининг йигирмага тақсимланган «иклимлар» харитаси уларни бошқалардан ажратиб туради. Улар устида амалга ошириладиган тадқиқотларда, албатта, хариталарга алоҳида эътибор қаратилган.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» нашрларининг барчасига ҳам хариталар киритилмаган. В. Аузли таржимаси ва Де Гуенинг танқидий матнида улар берилмаган. А. Мортман таржимасида ҳар бир иқлим харитасидаги жой номларини рақамлар билан белгилайди. У фақат Рум денгизи (Месопотамия), Ироқ, Форс, Каспий денгизи ва Хуросон хариталарини келтиради. Ҳиний Қоҳирадаги «Дар ал-кутуб ал-Мисрийа» фондида сақланаётган уч нусха асосида улардаги фарқларни изоҳлайди ва хариталарни илова қилади. Ироғ Афшор нашридан Эрон Бостон музейи нусхасидаги хариталар ўрин олган. Кавсар Қандил хариталарни қайта чизади ва ундаги номларни қўлда ёзиб чиқади. Феруз Мансурий Кобул музейи нусхасидаги хариталарни нашр охирида илова қилади.

Асар хариталари алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида XX аср бошларидан кенг қўламда ўрганила бошланади. Бу борада аввало, К. Миллернинг VI жилдик «Маррае Арабикае» асарини таъкидлаш жоиздир. У асарнинг биринчи жилдида ўзига маълум «Китаб ал-масалик вал-мамалик» қўлёзмаларини тавсифлайди. Араб географлари асарлари нусхаларида одатда 21 харита тартибида ишланган жами 275 харита жадвалини китоб бошида титул варағидан кейин келтиради². Г.Р. Тиббетс араб географлари Балх мактаби вакиллари асарларининг кейинги муаллифларга таъсирини ворисийлик жиҳатидан ўрганиб чиқади³. Бундан ташқари бу йўналишда яна қўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Ишнинг кириш қисмида уларга алоҳида тўхталганмиз.

Бажарилган тадқиқотлар таҳлили уларнинг бирортасида асар матнлари ва хариталардаги жой номлари комплекс тарзда қиёсланиб ўрганилмаганини кўрсатди. Масалага ойдинлик киритиш учун «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матни ва асар нусхаларидаги хариталарда кўрсатилган жой номлари кўрсаткичи жадвалини туздик (3.1-жадвалга қаранг).

1 Бу мавзу борасида алоҳида монография ҳам эълон қилинган. Қаранг: Худайберганов, 2019.

2 Миллер, Ж. I.

3 Геральд– Б. 108-136.

Иқлим харитаси	Магн	A1 ¹	A2	A3	A4	A5	A6	Ф1	Ф2 ²	Ф3	Ф4	A7
Дунё/ мукаддима	82	51	-	-	57	55	52	58	0		56	80
Араб диёри	173	60	-	63	-	60	58	67	0	49	60	110
Форс денгизи	67	37	44	33	38	41	41	40	0	62	43	73
Мағриб	82	53	62	66	55	60	65	59	0	43	61	274
Миср	52	33	33	30	-	36	32	31	0	24	19/28	135
Шом ери	112	70	81	66	-	65	66	83	0	53	79	111
Рум денгизи	27	50	60	-	62	60	63	67	0	47	66	106
Жазира ери	48	42	54	49	45	49	50	53	0	43	53	85
Ироқ	57	49	58	60	67	58	61	66	0	50	70	69
Хузистон	54	36	53	36	39	42	45	54	0	32	55	41
Форс	237	69	114	-	103	100	104	106	0	31	98	104
Кирмон	55	48	57	50	54	50	54	59	0	39	57	59
Синд	62	42	56	39	44	40	39	49	0	35	50	53
Арминийа	103	68	78	52	57	57	58	64	0	58	64	60
Жибал	72	45	50	35	46	33	37	48	0		46	43
Дайлам	106	41	46	32	39	35	34	41	0	32	40	38
Баҳр ал-Хазар	35	16	31	17	16	17	15	19	0	7	19	20
Хуросон чўли	101	31	37	39	33	42	42	29	0	25	27	33
Сижистон	117	24	47	35	33	33	36	34	0	27	33	37
Хуросон	224	82	120	100	78	92	97	111	0	62	97	134
Мовароуннаҳр	388	140	118	110	124	108	110	171	-	42	158	134

Жадвал тадқиқи ёрдамида Рум денгизи, Жазира ери ва Ироқдан бошқа иқлимларда асар матнидаги жой номлари харитадагидан кўпроқ экани аниқланди. Мазкур уч иқлимда матнга нисбатан харитада жой номлари кўпроқ экан. Бу ҳолатни Рум денгизи мисолида кўрамиз (3-расмга қаранг).



3-расм. Рум денгизи (Гота нусхаси).

Рум денгизи иқлими матни ва харитадаги жой номлари (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал.

Харитадаги номлар	Матндаги номлар	Харитадаги номлар	Матндаги номлар	Харитадаги номлар	Матндаги номлар
صورة بحر الروم	بحر الروم	صخرة موسى	Шом	تنيس	تنس Миср
البحر المحيط	البحر المحيط	سويد	Шом	جزيره	Миср
سيرين	شنترين Мағриб	لاذقيه	Шом	باكور	ناكور Миср
اشبيلية	Мағриб	جبلة	Шом	البصيره	البصرة Миср

احسيه	سدونة Магриб	طرطوش	طرطوشة Шом	زويله	ازيلة ميسر
الجزيره	جزيرة Магриب	طرابلس	Шом	السوس الاقصى	ميسر
مالقه	Магриب	جبل	Шом	جبل القلال	Рум
بجايه	بجانه Магриب	بيروت	Шом	جزيرة سقيه	Рум
مريشه	مرسيه Магриب	صيلا	صيلا Шом	جزيرة اقريتش	Рум
بليشه	بلنسية Магриب	صور	Шом	جزيرة قبرس	Рум
طر سوسه	طرطوشه Магриب	عكه	عكا Шом	قسطنطينيه	Рум
بلاد غلجسكس	بلاد علجسكس Магриب	قيساريه	Шом	-	الأندلس Магриب
بلاد بشكونس	بلاد بسكونس Магриب	ارسوف	Шом	-	البصره Магриب
الافرنجه	Магриب	يافا	Шом	-	بلاد طنجة Магриب
انطاكيه	Шом	عسقلان	Шом	-	جبل طارق Магриب
اولاس	Шом	تنيس	ميسر	-	سواحل المغرب Магриب
طرسوس	Шом	دمياط	ميسر	-	أرض الشام Шом
نهر بردان	Шом	بلاد مصر	أرض مصر ميسر	-	ناحية الثغور Шом
ادنه	أذنة Шом	بحيره تنيس	ميسر	-	بلد الروم Рум
نهر سيحان	Шом	الاسكندريه	ميسر	-	سواحل أثيناس Рум
نهر سيحان	Шом	الاسكندريه	ميسر	-	سواحل أثيناس Рум
عين رويه	عين زربة Шом	اطرابلس	طرابلس ميسر	-	قلمية Рум
نهر جيحان	Шом	المهديه	ميسر	-	الأمس Рум
بياس	Шом	تونس	ميسر	-	البيت المقدس Шом
اسكندريه	اسكندرونه Шом	طبرقه	طبرقة ميسر	-	صقاية Рум

Жадвал асар муаллифи Рум денгизи иқлими орқали Ўрта денгиз ва ундаги ороллари тавсифламоқчи бўлганини кўрсатапти. Асар матни ва харитада денгиз атрофида жойлашган шаҳарлар номлари берилган. Улар Мағриб, Шом ва Миср иқлимларига қарашлидир. Истахрий Рум денгизи иқлими тавсифи ўқувчига тушунарли бўлиши учун бу жойларнинг харитасини тузган. Унда албатта, бугунги замонавий хариталарнинг аниқлик даражаси талаби қўйилмаган. Масалан, Шом иқлими харитасида унга тегишли Ўрта денгиз соҳилидаги шаҳарлар Рум денгизи харитасининг «машрик» деб кўрсатилган қисми билан қиёсланганда жойлар ўрни ўзгаргани сезилади (4 ва 5-расмларга қаранг).



4-расм. «Рум денгизи»



5-расм. «Шом иқлими»

Рум денгизи иқлими тавсифи ва харитада кўрсатилган жой номлари ҳам тўлиқ мос тушмас экан. Харитада Шом иқлимга тегишли سويد «С.в.й.д.», جيل «Ж.й.л.» ва ارسوف «А.р.с.в.ф.» жой номлари асар матнида учрамади. Асар матндаги ўн учта жой номи харитага тушмаган. Қолган иқлимларда ҳам шундай ҳолат кузатилади.


Иқлимлар харитаси умумий кўриниши қўлёзмаларда берилишига кўра қуйидагича бўлиб чиқди:

Дунё харитаси, Жазира ери, Ирок, Хузистон, Форс, Кирмон, Синд, Дайлам, Хуросон чўли иқлимлари хариталарида тафовут йўқ.

Ибн Ҳавқалнинг «Китоб сурат ал-ард» асаридаги Араб диёри, Мағриб, Миср, Жибал, Хазар денгизи иқлимлари харитаси Истахрий асари нусхала-ридаги хариталардан тубдан фарқ қилади. Форс денгизи, Шом ери, Рум ден-гизи, Сижистон ва Хуросон иқлимлари хариталарида фарқ унча катта эмас. «Китоб сурат ал-ард»даги хариталар ҳар жихатидан мукамалроқ. Бу ҳолат Рум денгизи иқлими тасвирида яққол кўзга ташланади (6 ва 7-расмларга қа-ранг).



6-расм. Истахрий (Гота нусхаси)




7-расм. Ибн Ҳавқал
(Байрут нашри)

ИСТАХРИЙ

Мағриб иқлими харитасида ҳам худди шундай манзарага дуч келасиз (8 ва 9-расмларга қаранг).



8-расм. Истахрий
(Гота нусхаси).



9-расм. Ибн Ҳавқал (Байрут нашри).

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг муаллифи Жайҳоний деб кўрсатилган нусхада баъзи иқлимлар хариталари мутлақо бошқа таҳриргга мансублиги маълум бўлди. Ушбу нусхада Арминийа, Аррон ва Озарбайжон иқлими харитаси бошқа нусхалардагидан бутунлай фарқ қилади. Бу иқлим харитаси Дунё харитаси каби доира шаклида акс эттирилган (10 ва 11-расмларга қаранг).




10-расм. Ашқал ал-алам.
Феруз Мансурий нашри.



11-расм. Истахрий
(Гота нусхаси).

Мазкур нусха хариталарини чизишда миниатюра санъатидан ҳам фойдаланилган ва уларда жонли мавжудотлар ҳам акс эттирилган. Бу услуб биз кўрган бошқа нусхаларда учрамади (12-расмга қаранг).



12-расм. Мағриб иқлими.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» нусхаларидаги хариталар ўхшашлигига кўра, алоҳида гуруҳларни ташкил этади.

Берлин, Сулаймония №2613 ва №2971 нусхаларида Арминийа ва Аррон ва Озарбайжон иқлими харитаси ўзаро жуда ўхшаш. Бу борада Техрон, Сулаймония №3156 ва Лейден нусхалари алоҳида гуруҳни ташкил этади. Гота билан Ибн Ҳавқал «Китоб сурат ал-ард» нусхалари ўхшайди. Кобул нусхасидаги харита ишланиши барчасидан фарқ қилади.

Жибал иқлими тасвири Гота, Лейден, Сулаймония №3156, Техрон нусхалари хариталарида бир гуруҳни ташкил этади. Берлин, Сулаймония №2613 ва №2971 нусхалари ўзаро ўхшашдир.

Хазар денгизи Сулаймония №3156 ва Техрон нусхасида бир хил чизилган.


Хуросон чўли иқлими Гота, Сулаймония №3156, Лейден (тоғли тасвир) нусхаларида бир хил берилган.

Мовароуннаҳр иқлим харитаси бир ва ёнма-ён икки саҳифада акс эттирилишига кўра, икки гуруҳга ажралади. Гота, Қоҳира №199, Техрон №351 ва Истанбул №3156 нусхаларида икки саҳифага чизилган.

Берлин, Сулаймония №2613, №2971, Техрон ва Кобул нусхаларида битта саҳифага чизилган. Шу сабабдан Амударё ва Сирдарё оралиғи энига торайган (13 ва 14-расмларга қаранг).



13-расм. Гота нухаси.



14-расм. Кобулнухаси.


Суғд дарёсининг қуйилиш жойи Гота нухасида доира қилиб белгиланган ва ёнига «сувнинг тўпланиш жойи» деб ёзиб қўйилган. Бу жой бугунги кунда «Денгизча кўли» деб аталади ва у харита ҳамда матнда ҳам Амударёга туташтирилмаган. Кейинги харитада Амударё ва Сирдарё параллел қилиб чизилган. Унда Орол денгизи ва бу икки дарёнинг унга қуйилиши акс этирилмаган. Денгизча кўли эса Амударёга туташтирилган. Бу кўлга дарёнинг қўшилиши асарнинг қолган форсча нухсаларида аниқроқ чизилган.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнидаги жой номлари хариталарда тўғри жойлаштирилгани ўқувчи маълумотларни англаши ва ундан самарали фойдаланишига хизмат қилади.


Иқлим ичидаги қатнов йўллари бағишланган бўлим асарнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. «Мовароуннаҳр» иқлими умумий тавсифлангач, турли йўналишлар баён қилинган «масофалар» бўлими келтирилган. У «Жайхун водийсидаги Фарабрдан Фарғонагача йўл» ҳақидаги маълумот қуйидаги сатрлар билан бошланади: «Фарабрдан Бикандгача катта *марҳала*, Биканддан Бухорогача 1 *марҳала*, Бухородан Тавависгача 1 *марҳала*, Тавависдан Карминийагача 1 *марҳала*, Карминийадан Дабусийагача енгил *марҳала*, Дабусийадан Рабинжангача енгил *марҳала*, Рабинжандан Зармангача 1 *марҳала*, Зармандан Самарқандгача 1 *марҳала*, Самарқанддан Баркатгача 1 *марҳала*, Баркатдан Саъд работигача 1 *марҳала*».

Мазкур йўналиш бўйлаб харитада ҳаракатланилса, Фарабрдан Баркатга етгунча Суғд (Зарафшон) дарёси Биканд – Бухоро ва Рабинжан – Зарман – Самарқанд – Баркат йўналишида тўрт марта кечиб ўтилади. «Китаб ал-ма-

салик вал-мамалик»нинг Сулаймонияда сақланаётган форсий нухасида Зарман Суғд дарёсининг чап тарафига жойлаштирилган. Унга кўра, Суғд дарёси бўйлаб Биканд – Бухоро ва Самарқанд – Баркат йўналишида юрилади (13 ва 14-расмларга қаранг).



15-расм. Берлин нухаси.



16-расм. Сулаймония нухаси.

Берлин арабий нусхасидаги Зарман йўналиши Сулаймония фондида сақланаётган № 2613 ва № 2971 қўлёзмаларида ҳам учради. Бошқа нусхалар хариталарида бу жой номи кўрсатилмаган.

Таҳлиллар «Китаб ал-масалик вал-мамалик» тадқиқотлари асар матни ва хариталар алоҳида ўрганилганини кўрсатди. Мазкур иш жараёнида уларнинг ҳар иккисида ҳам кўп фарқлар борлиги аниқланди;

асар матнидаги жой номлари жадвал орқали қиёсланганда хариталарда уларнинг сони камлиги ойдинлашди. Бу Истахрийнинг ўзида бошиданоқ харитадаги жой номлари кам бўлган, деган хулосани келтириб чиқаради;

жой номларининг қиёсий тадқиқи баъзи иқлим хариталарида асар матнида учрамайдиган номларнинг мавжудлигини кўрсатди. Бу эса тадқиқотлар асар матни ва харита билан бирга олиб борилишини талаб этади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, асар матни ва хариталарни алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш, айниқса бир нусхадаги харита билан чекланиб бўлмаслик, асар матни ва хариталарининг барини комплекс тарзда тадқиқотга жалб этиш зарур эканлигини кўрсатди.

ХҮРОСОН ВА МОВАРОУННАХР

خراسان و ماوراء النهر

Хуросон баёни

Хуросон¹ иқлим номи, доиралардан ташкил топган², **шарқда** Сижистон³ туманлари ва Ҳиндистон ўраб туради⁴. Ғурнинг орқа томонидан Ҳиндистонгача барча туташ ерларни Сижистонда⁵ жамладик. Кобул худудидаги Халаж⁶ ва Хуттал⁷ ортидаги Ваххан⁸ ҳамда қолган туманларини Ҳиндга қўшдик⁹. **Ғарби** Ғуз¹⁰ чўли ва Журжон¹¹ туманлари; **шимоли** Мовароуннаҳр ва Хуттал¹² ортидаги¹³ турклар¹⁴ ўлкасининг кичик бўлаги¹⁵; **жануби** Форс¹⁶ чўли ва Қумис¹⁷. Қумисни¹⁸ Журжон, Табаристон, Рай, Қазвин ва уларга туташ ерлари билан бирга¹⁹ тоғли²⁰ Дайлам²¹ туманларига қўшдик²². Уларнинг ҳаммасини алоҳида иқлим қилдик. Хуттални²³ Мовароуннаҳрга²⁴ жойлаштирдик. У²⁵ Вахшоб²⁶ ва

¹ **Ф6** да خرابيان.

² **Ф2** ва **Ф8** да бу жумла йўқ.

³ **А4** да سحستان, **А10** да سخستان, **Ф1, Ф3** ва **Ф8** да سيستان, **Ф6** да سيستا.

⁴ **Ф2** да «ва уни ўраб турдиган» йўқ. **Ф3** да «шарқда ... Сижистонга қўшганларимиз, Ғурнинг орқа томонидан барча туташ ерлар Ҳинддир».

⁵ **А10** да سخستان.

⁶ **А3** да حلج, **А10** да حلج, **А11** да خلع.

⁷ **А3** ва **А11** да الجبل, **А4** да الحتل, **А8** да الخيال, **А9** ва **А10** да الحبل.

⁸ **А2, А8** ва **А9** да مرحان, **А3** да فرحان, **А4** да رحان, **А10** да رحان, **А11** да ردان.

⁹ **А3, А8** ва **А9** да «Ҳиндда қилдик» йўқ. **Ф6** да «Ғурнинг орқасида туташганларни, буларнинг барини Ҳиндда қилдик». **Ф8** да охирги икки жумла йўқ.

¹⁰ **А2, А3** ва **Ф4** да غزنة, **А8** да غزبه, **А9** да عزبه, **А10** да العربه, **А11** да الغريبه, **Ф8** да غزان, **Ф6** да غرنه.

¹¹ **А4** да حران, **А10** да حزران, **Ф1** да گرگان, **Ф6** да کرکان.

¹² **Ф2** да كوستان, **Ф3** да йўқ.

¹³ **Ф1** да «ва». **Ф6** ва **Ф8** да «Хуттал орқасидаги» йўқ.

¹⁴ **А3** да الل, **Ф1** ва **Ф8** да ترکستان, **Ф3** да ترکان.

¹⁵ **А3** да йўқ.

¹⁶ **А9** да فارس, **Ф6** да بارس.

¹⁷ **А9** да «Форс чўли ва Қумис» йўқ. **А10** да فومس.

¹⁸ **А8** да йўқ. **Ф1** да «Аввал айтилганидек, Қумисни ...». **Ф3** да «Қумиснинг бир қисмини Дайлам тоғларига қўшдик».

¹⁹ **А10** да «Журжон, Табаристон, Рай, Қазвин ва уларга туташ ерлари билан бирга» йўқ. **Ф2** да бу жумладаги «ва уларга туташ ерлари билан бирга» қисми ва кейинги жумла йўқ.

²⁰ **А3** ва **А9** да йўқ.

²¹ **Ф1** ва **Ф6** да ديلمان.

²² **Ф6** да «Қумиснинг бир қисмини Дайлам тоғлари билан у ерда жойлаштирдик. Журжон, Табаристон, Рай ва унга туташ бўлганни ҳам». Матнда арабча матнда мавжуд бўлмаган такрорга ўхшаш куйидаги маълумот келади: «Ғурни Ғазнагача ва Хуросоннинг бир чегараси ...га эга. Энди Хуросон суратини шарҳи билан кўриш ўрни келди. Унинг баёнини келтирамиз. Бундан олдин айтилганидек, Қумис тоғини ва у ерларда бўлганларини Дайлам билан ва унинг худудини, Курқон, Табаристон ва Райни ҳам қўшамиз. Жибални Мовароуннаҳр худудида айтамыз. Хоразм шаҳри Жайхуннинг у томонида, Хуросон шаҳарларидан Бухорога яқинроқ». **Ф8** да «Жануби Форс чўли, Кирмон, Қумис вилояти ва унга тобе бўлганлар. Хуросон шаҳарлари кўпдир, Аллоҳ билгувчирокдир». Матнда Бушанжгача бўлган қисми йўқ.

²³ **А10** да الحل, **Ф2** да «Жибални шаҳарда ...». **Ф3** да «Жибал шаҳарларини». **Ф2** ва **Ф2** да جبال.

²⁴ **А11** да النهر.

²⁵ **А11** да шу ердан «дарё ортида» маълумотигача йўқ.

²⁶ **А2** да وختنار ва وحوار, **А3** да وختنار, **А8** ва **А9** да وحتنار, **А10** да وختشاب.

Жарйоб¹ дарёлари орасида. Хоразми² Мовароуннахрга қўшдик³, шаҳри дарё ортида⁴ Хуросон шаҳарларидан⁵ Бухорога⁶ яқинроқдир.

Хуросоннинг⁷ шарқида⁸ Форс⁹ чўли, Ҳирот ва Ғурдан¹⁰ Ғазнагача¹¹; ғарбида Кумис¹² чегарасидан¹³ Фарава¹⁴ туманларига қадар¹⁵ йўл бор. Бу икки йўл ўтган худуд Хуросоннинг қолган тўртдан бир қисмидан ҳам кичикроқдир¹⁶. Унда Журжон¹⁷ чегараси ва Хазар¹⁸ денгизидан Хоразмгача ёйдек чўзилган ерларда аҳоли яшайди¹⁹. Хуросон доираларининг қатта маъмурий бирликлари Найсабур²⁰, Марв²¹, Ҳирот ва Балхдир²². Бироқ Қухистон²³, Тус²⁴, Ниса²⁵, Абивард²⁶, Сарахс²⁷, Асфизар²⁸, Бушанж²⁹, Базғис³⁰, Канж Рустоқ³¹, Марвруз³², Жузжон³³,

¹ А3 да حوار, А4 да حراب, А8 да حوسار, А9 да حومار, А10 да حراباب.

² А4 да حوارزم.

³ Ф3 да бу жумла йўқ. Ф6 да охириги икки жумла йўқ.

⁴ А3 ва А8 да «Мовароуннахр».

⁵ А11 да «Хуросон шаҳарлари» йўқ.

⁶ А3, А8 ва А9 да بخارا, А4 да بحارا, А10 да بخازا.

⁷ А4 да حراسان, Ф6 да حران.

⁸ Ф1 да йўқ.

⁹ Ф1 да پارس, Ф6 да نارس.

¹⁰ А4 да العور.

¹¹ А4 да الغزبه, А11 да عزة, Ф1 да غزنين, Ф6 да غرنين.

¹² А4 да فومس.

¹³ Ф3 да «тараф».

¹⁴ А3 да فواوه, А4, Ф2 ва Ф4 да فواره, А11 да حراره. Ф3 ва Ф6 да فواره. Ф4 да «Хуросон вилояти баёни қулай бўлиши учун ажратилди» илова қилинган.

¹⁵ Ф3 да «билан».

¹⁶ Ф1 ва Ф6 да «Икки томони ҳам Хуросондан алоҳида, унинг тўртдан бирига тенг». Ф3 да «ажра-тилган».

¹⁷ А4 да حرجان, А10 да حرحان, Ф3 ва Ф6 да كرمان.

¹⁸ А3 да الحرر, А4 да الحرز, А9 ва А10 да الحزر.

¹⁹ А2, А3, А8, А9, А10 да «Хуросон сурати», А11 да «Хуросон ўлкаси сурати» илова қилинган. Ф1 да «барчаси обод, ..., неъматларга бой» илова қилинган. Давомида «Хуросон, унинг шаҳарлари, йўллари, чўллари, тоғлари, барини баён қилдик, суратга қараган Хуросонни кўради. Аллоҳ олий, муродга етказувчи ва бахтга эриштирувчидир». Ф6 да ҳам Ф1 даги маълумот бор, фақат охириги жумла йўқ. Ф3 да «тоғлар» сўзи ва илова қилинган охириги жумла йўқ.

²⁰ А3 да نيشاپور, Ф4, А11 ва Ф1 да نيشابور, А9 да نيسابور.

²¹ А3 да مزو, Ф6 да مرد.

²² А4 да بلخ, А11 да بلخ. Ф6 да «Унга ном берилди ва ... тўртгаси: Марв, Балх, Нишобур ва Ҳирот».

²³ А4 да فوهستان, Ф1 ва Ф6 да فهستان.

²⁴ Ф6 да طور.

²⁵ А4 да بسا.

²⁶ А4 ва А10 да اسورد, А8 да ابنور, А9 ва А11 да ابورد, Ф6 да йўқ.

²⁷ Ф6 да سرحس.

²⁸ А2, А3, А8 ва А9 да اسفرار, А4 ва А10 да اسفرا, А11 да اسفران, Ф1, Ф4 ва Ф6 да اسفراين.

²⁹ А3 да بوشنگ, А4 да بوشج, А8 да بوسنج, А9 ва А10 да بوشج, А11 да بوسنج, Ф1 да بوشنگ, Ф6 да بوشك.

³⁰ А3 ва А10 да بادعيس, А4 да بادعيس, А8 ва А9 да بادعيس, А11 да بادعيس, Ф1 да بادعيس.

³¹ А3 ва А10 да كنج رستاق, А8, А9 ва А11 да كنج رستاق, Ф1 да كنج رستاق, Ф6 да كنج رستاق.

³² А3 ва Ф1 да مرو رود, А8 да مرو رود, А11 да مرو رود, Ф6 да مرو الرود.

³³ А3 да جورجان, А4 да جوزجان, А8 да جوزحان, А10 да حورحان, А11 да حورحان, Ф1 да جوزگانان, Ф4 да كوزگانان, Ф6 да كوزدامان.

Ғарж аш-Шор¹, Бомийон², Тахористон³, Замм⁴ ва Амул улардан катгарок⁵ доиралардир. Хоразми Мовароуннаҳрда баён қиламиз. Унинг шахри дарё ортида, Хуросондан Мовароуннаҳр шаҳарларига яқинроқдир⁶.

Найсабурдаги⁷ мустақил доираларни⁸ маъмурий бирлик сифатида унга бириктирилгани учун ажратмадик. Уларни Найсабур⁹ тавсифида баён қиламиз.

Тахористон¹⁰ Балхга¹¹ қўшилган бўлсада, ажратдик. У қайдномалар ва девонларда Балх ва Тахористон¹², деб келтирилади. Бу доираларни бириктириш ё ажратишда уларни тушуниш, тасвирлаш ва Хуросон¹³ суратидаги ҳар бир жойни билишдан бошқа талаб йўк¹⁴.

Найсабур¹⁵ – Абршаҳрдир¹⁶, текисликдаги шаҳар, иморатлари пахсадан, бинолари тартибли қурилган¹⁷, майдони эни ва бўйига 1 *фарсах*дир. *Шаҳристон*¹⁸, қуҳандиз ва *рабади* бор. Қуҳандизи ва *шаҳристони* обод¹⁹, жоме масжиди *рабад*нинг Муъаскар²⁰ номли жойида, бошқарув саройи Хусайн²¹ майдонида, зиндон бошқарув саройи олдида жойлашган. Зиндон, бошқарув саройи ва жоме ораси 1²² *фарсах*га яқиндир²³. Бошқарув саройи Умар²⁴ ибн Лайс биноларидандир. Қуҳандизнинг икки дарвозаси бор²⁵. *Шаҳристон*нинг Раъс ал-қантара²⁶, Сиккат Маъқал²⁷, Қуҳандиз ва Қантар ат-Такин²⁸ дарвоза-

¹ A2 ва A4 да غرستان, A3, A8 ва A9 да йўк, A4 да عوج السان, A10 да عرح وسار, A11 да عرح السان, Ф1, Ф4 ва Ф6 да غرجستان, Ф2 да وسان.

² A3, A8 ва A9 да الماميان, A4 да الباميان, A10 ва A11 да المامان.

³ A3, A10 ва A11 да طحارستان, A4 да طحيرستان, Ф1 ва Ф4 да تخارستان, Ф6 да نحارستان.

⁴ A10 ва A11 да رم.

⁵ A5, A4, A10 ва A11 да «кичиклик», Ф1 да йўк.

⁶ Ф1 ва Ф6 да йўк.

⁷ A3 да نساور, A11 да نيشاور, A4 да йўк.

⁸ Ф1 да «шаҳар».

⁹ A3 да نيساپور, A10 да نيسابور, Ф6 да اشابور.

¹⁰ Ф6 да بخارستا.

¹¹ A9 да بلخ.

¹² A11 да طحارستان, Ф6 да بخارستان.

¹³ Ф1 да йўк.

¹⁴ A4 да йўк.

¹⁵ A11 да نيشابور.

¹⁶ A3, A8 ва A9 да ابرسه, A4 да ايوان شهر, A10 да ايران شهر, A11 да ابر شهر, Ф4 да ايران شهر.

¹⁷ Ф1 ва Ф6 да «тартибли қурилган» йўк.

¹⁸ A4, Ф1 ва Ф4 да «икки шаҳристони».

¹⁹ A4 да бу жумла йўк. Ф1 да «рабади» ҳам илова қилинган. Ф6 да «Шористондир».

²⁰ A10 да العسكر, Ф1 да لشكرگه, Ф3, Ф4 ва Ф6 да لشكرگاه.

²¹ A1 да «Хусайнийлар», A2, A3, A8 ва A9 да الحسى, A4 ва Ф4 да «Хусайн», A6 ва A7 да «Хусайний».

²² A10, A11 ва Ф1 да «тўртдан бир».

²³ A4 да зиндон маълумоти йўк.

²⁴ A3, A4, A8, A9, A10 ва Ф1 да «Амр».

²⁵ Ф1 ва Ф6 да бу жумла йўк.

²⁶ Ф1, Ф4 ва Ф6 да در پول.

²⁷ A8 да معقل, A10 да معقل, Ф6 да كو معقل.

²⁸ A3, A6, A7, A8 ва A9 да درمنكين, A5 да درمكين, A10 да دربنلس, A11 да ورمكين, Ф3 да مكين, Ф1 да پول, بولتكين, Ф6 да بولتكين.

си номлари билан маълум. Қўхандизи *шаҳристон*дан ташқарида¹, *Рабад*-²*шаҳристон* ва қўхандизни тўлиқ ўраб туради. *Рабад*да³ Ироқ ва Журжонга чиқадиган дарвоза Қибоб⁴, Балх⁵ ва Мовароуннаҳр тарафидаги Жанк⁶, Форс ва Қўхистон⁷ йўналишидаги Аҳвас Обоз⁸ номи билан машҳурдир. Тус ва Нисага Сухта⁹, Сари Ширин¹⁰ дарвозаларидан чиқилади. Бошқа дарвозалар ҳам бор¹¹. Бозорлари шаҳристон ва қўхандиз ташқариси¹² ҳамда *рабади*да, катта¹³ бозорлари ал-Мураббаъа ас-кабира¹⁴ ва ал-Мураббаъа ас-сағирадир¹⁵. Ал-Мураббаъа ас-кабирадан шарқ томонга юрилса, бозор¹⁶ жоме масжиди¹⁷, ғарбга ал-Мураббаъа ас-сағира¹⁸, жануби¹⁹ Ҳусайн²⁰қабристонини, шимоли Раъс ал-қантара²¹ яқинигача давом этади. Ал-Мураббаъа ас-сағира бошқарув саройи яқинидаги Ҳусайн²² майдони ёнида жойлашган²³.

Ариқлари ҳовлилар²⁴, шаҳарлар чорбоғлари²⁵ ва ташқарисида оқади²⁶. Сағавар²⁷ дарёси шаҳарнинг²⁸ бир чети ва кўплаб рустокларидан ўтади. Уларнинг тирикчиликлари шу сувдан, бундан каттароқ дарёси йўк²⁹.

¹ А4 да дарвозалар билан боғлиқ маълумот йўк.

² А10 да йўк.

³ А4 да шу ердан то Сағавар дарёсигача бўлган маълумот йўк.

⁴ А8 ва А10 да العباب, А9 да القناب, Ф4 ва Ф6 да عتاب.

⁵ А8 ва А9 да «Марв» илова қилинган.

⁶ А2, А8 ва А9 да حمل, А3 да خبل, Ф1 да جنگ.

⁷ А10 да فوهستان.

⁸ А9 да احوض آباد, А10 да احوص اناد, А11 да احوص انار, Ф1 да سپيريس, Ф6 да سير لس.

⁹ А10 да سوحبه.

¹⁰ А9 да سير شيرين, А10 да سر سنرلس, А11 да سير.

¹¹ Ф1 ва Ф6 да охирги жумла йўк.

¹² А11 да «шаҳристон ва қўхандиз ташқарисида» йўк.

¹³ А5 да «яхшиси».

¹⁴ Ф1 ва Ф6 да چهارسوی بزرگ. Ф1 ва Ф6 да «Шарқ томонда» илова қилинган ва жумланинг қолган қисми келтирилмаган.

¹⁵ Ф6 да йўк.

¹⁶ Ф6 да «шу ердан Ҳусайн қабристонигача» йўк.

¹⁷ А10 да مقابر معره حنره.

¹⁸ А5 да «Мураббаъа қабристонига ўтгунича». А5 да Мураббаъа معمр.

¹⁹ А10 да йўк.

²⁰ А3 да الحسنين, А1, А8 ва А9 да «Ҳусайнийлар», А11 да معمره, Ф4 да «Ҳусайн».

²¹ А9 да راس القنطرة.

²² А3, А8 ва А9 да الحسنين.

²³ Ф6 да «Сўл тарафи Сарипулгача. Кичик Чорсу Ҳусайн майдонидаги бошқарув саройи яқинида». Ф6 да Раъс ал-қантара سر پول. Ф6 да Мураббаъа ас-Сағира چهارسوی کوچك.

²⁴ Ф1 да жумла давомиди «сахрога қуйилади».

²⁵ Ф6 да «сахро»

²⁶ Ф1 да «Ариқлар шаҳарнинг саройи ва боғларида оқади».

²⁷ А3 да سغادر, А4 да سعاه, А5 да شغواد, А10 да سعواد, А11 да سعلور, Ф2 да سعا, Ф3 ва Ф4 да سقا, Ф6 да йўк.

²⁸ А5 да «ўлка».

²⁹ А4 ва Ф6 да бу жумла йўк. Ф1 да охирги икки жумла йўк.

Хуросонда Найсабурдан¹ ҳавоси тозароқ² ва каттароқ шаҳар йўқ³. У ерда пахтали ва ипакли кийимларнинг бир неча тури тайёрланади. Кўплиги, сифати яхшилигидан бошқа Ислон ва баъзи ғайридинлар⁴ шаҳарларига олиб кетилади⁵. Найсабурнинг ҳудуди кенг, обод рустоқлари бор. Унинг Бузжан⁶, Кавахраз⁷ номи билан маълум Молин⁸, Жойманд⁹, Сулумақ¹⁰, Санкан¹¹, Завзан¹², Кундур¹³, Туршиз¹⁴, Хон Равон¹⁵, Азавар¹⁶, Хусравкирд¹⁷, Баҳманабоз¹⁸, Мазнийон¹⁹, Сабзавор²⁰, Дивора²¹, Михражон²², Асфаройин²³, Хужан²⁴ ва Разила²⁵ деб аталувчи шаҳарлари бор.

Тусни Найсабурга қўшамиз. Розкан²⁶, Табарон²⁷, Баздиғара²⁸, Нуқан²⁹ унинг шаҳарларидир. Унда Мусо Ризо ўғли Али, иккисига салом бўлсин ва Ҳорун

¹ A3 да نساور.

² A9 да йўқ.

³ A4 да шу ердан Хуросоннинг аввалги пойтахти Балх бўлгани ҳақидаги маълумотгача йўқ.

⁴ A10 да «турк».

⁵ Ф1 да «Ипак кийимлар ва пахтали майин матолар тайёрланади, у ердан четга тарқалади». Ф3 ва Ф6 да «четга».

⁶ A2, A3, A8 ва A9 да النورحان, A10 да النورحان, A11 да النوزجان, Ф1 да بوزگان, Ф2 да بوژگان, Ф4 да سورکان, Ф6 да بوزکان.

⁷ A2, A8 ва A9 да كراحر, A2, A3 ва A8 да لواحر, A3 ва A10 да كراحد, A11 да كواحر, Ф1 ва Ф6 да йўқ.

⁸ A10, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да مالن, A11 да مال.

⁹ A2, A3, A8 ва A9 да حامند, A2 ва A3 да حوامن, A10 ва A11 да حامد, Ф1 ва Ф6 да йўқ.

¹⁰ A2, A3 ва A8 да سلومل, A2 ва A3 да سکومل, A10 да سلوما, A11 да йўқ, Ф2 да سلونک, Ф3 да سلونک, Ф6 да سلونک.

¹¹ A2, A3, A8 ва A9 да سسکان, A2 ва A3 да سسکان, A11 да سسکال, Ф2 да بژکان, Ф3 да ترمان, Ф4 да سرکان, Ф1 да بسنگان, Ф6 да برکان.

¹² A8, A9 ва A10 да زورن.

¹³ A10 да كبدہ, Ф2, Ф3 ва A11 да كندر.

¹⁴ A2, A3 ва Ф4 да برشير, Ф3 да برسیر, A8 ва A9 да برسر, A10 да برسیر, A11 да برسн, Ф2, Ф3, Ф1 ва Ф6 да йўқ.

¹⁵ A2 ва A3 да حان ران, A8 ва A9 да حان ران, Ф2 ва Ф4 да حان داون, Ф4 да خاوران, A10 да حان روان, A11 да حان داور, Ф3 да حان وداون, Ф6 да حان وداون.

¹⁶ A8, A10 ва Ф1 да ازادوار, A11, Ф2, Ф3 ва Ф6 да ارادوار.

¹⁷ A3, A8 ва A9 да خسرو کرد, A10 да خسرو حرد, A11 да خس وکرد, Ф2 ва Ф3 да خسرو کرد, Ф1 да خسروگرد.

¹⁸ A3 да بهمنانار, A8, A10 ва Ф1 да بهمناباد, A9 да بهمناناد, A11 да بهمناد, Ф2 да بهینا باز, Ф6 да بهمناباد.

¹⁹ A2, A3, A8 ва A9 да مرسان, A2 да مرسان, A3 да مورسان, A4 да موبدان, A10 да مزمان, A11 да مرسان, Ф2 да مزینان, Ф4 да خاوران, Ф6 да مرنيان.

²⁰ A2, A3, A8 ва A9 да سازوار, A10 да سازوان, A11, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да ساروان.

²¹ A2 да ديوازه, A2, A8 ва A9 да ربواذه, A3 да ديواذه, A3 да ربواذه, A4 да ريوند, A10 да ربواذه, A11 да ربواذه, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да ربواذه.

²² A10 да مهزحاز, A11 да مهرحان.

²³ A3 да اسفراين, A8 ва A9 да اسفراين, A10 да اسفراين, A11 да اسفراين, Ф6 да اسفران.

²⁴ A2 ва A3 да حرحان, A8 да حرجان, A9 да حرجان, A10 да زمدين, A11 да حرجاك, Ф2, Ф3 ва Ф6 да برکان, Ф4 да حرحان.

²⁵ A2, A3, A8 да رزله, A2 ва A3 да بروعود, A9 да برعود, A10 да حرخان, A11 да رنديبن, Ф2 да رندسن, Ф3 да رنديبن, Ф6 да رين.

²⁶ A2, A3, A4, A8, A9 ва A10 да الراکان, A11 да الراکان, Ф1 да رادکان, Ф6 да رایکان.

²⁷ A3, A8, Ф2, Ф3 ва A9 да الطابران, Ф4 ва A6 да الطابران, A10 да الطابران, A11 да الطابران, Ф6 да طابيران.

²⁸ A1 ва Ф1 да بزدغور, A3 да بزوعود, A8 ва A9 да بروعود, A10 да بردعود, Ф2, Ф4 ва Ф6 да برعود, Ф3 да برعود.

²⁹ A8 да النوقان, A10 ва A11 да النوقان, Ф2 да نمودان, Ф3 ва Ф6 да نمودان.

ар-Рашиднинг¹ қабрлари бор ва унда қозон тайёрланади². Ризонинг қабри³ шаҳардан чорак⁴ *фарсах* масофадаги Санабоз⁵ деб аталадиган қишлоқда⁶. Найсабур ва Тус тоғларида феруза⁷ бўлади. Хуросондаги бошқарув саройи Тоҳирийларгача Марв ва Балхда бўлган, сўнг Найсабурга кўчиришган. Шаҳар катталашди ва обод бўлди, уни ватан қилиб олганлар ҳисобига бойиди⁸.

Марв – Марв Шоҳижон⁹ номи билан машхур, бинолари қадимийдир. Айтишларича, куҳандизини Таҳмурас, қадимий *шаҳристон*ини Зулқарнайн курдирган экан. Тоғдан узоқда, текисликда жойлашган шаҳар. Ундан тоғ кўринмайди¹⁰, ҳудудида тоғдан нишона йўқ, ерида қум кўп, шўрхок, иморатлари пахсадандир¹¹. Учта жоме масжиди¹² бор. Биринчисида жумъа намози ўқилади, у Ислом бошида *шаҳристон*да бунёд этилган. Мусулмонлар кўпайгач¹³, шаҳар дарвозасида Атиқ¹⁴ деб аталадиган¹⁵ масжид қурилган. Унда *ҳадис* аҳли намоз ўқийди. Жумъа намози Моҳон¹⁶ масжидида ўқилмайдиган бўлгач, Мोजондаги¹⁷ масжид қурилди¹⁸. Айтишларича, ўша масжид, бозор¹⁹ ва бошқарув саройини Абу Муслим курдирган экан. Бошқарув саройи шу масжид орқасидадир²⁰. Бу саройда Абу Муслим курдирган ва ўтирган қубба бор²¹. Марв ҳукмдорлари шу қуббада ўтирадилар. У пишиқ ғиштдан, ташқи сатҳи эллик *зирога* эллик *зиродир*²². Ичкараси сатҳига нисбатан...²³ қуббанинг тўрт эшиги

¹ **Ф2** да «унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, у ерда, шаҳардан 4 *фарсах*да» илова қилинган.

² **A10**, **Ф1** ва **Ф6** да идиш ҳақидаги маълумот йўқ.

³ **A10** да «Ризо қабри» йўқ. **A11** да «ва Рашид» илова қилинган.

⁴ **A10** ва **A11** да «тўрт».

⁵ **A3** да سانا, **A8** ва **A9** да سناد, **A10** да سناباد, **A11** да سناداد.

⁶ **Ф4** ва **Ф1** да бу маълумот йўқ, фақат «тўрт *фарсах*да» маълумоти аввалги жумлага илова қилинган. **Ф6** да бу жумла хато берилган: «Муҳаммад Афрсанги шаҳар».

⁷ **Ф4** да «ва бошқа конлар» илова қилинган.

⁸ **A3**, **A8** ва **A9** да охириги икки жумла йўқ. **A5**, **Ф4** ва **A10** да: «ҳатто, котиб ва адиблар у ерда туриш учун интилдилар. Найсабур кўплаб олимларни етиштирди, улар машхур бўлдилар ва ёдга олинади» илова қилинади. **Ф6** да «ва шу сабаб *байтул-мол* бўлди».

⁹ **A8** ва **A10** да مرو الشاهجان, **A9** да مرو الشاهجاز.

¹⁰ **A4** да аввалги жумла ва матннинг шу еригача йўқ.

¹¹ **A11** да шу ердан Бағшур шаҳри тавсифигача йўқ. **Ф6** да бу жумла йўқ.

¹² **A1** ва **A3** да «гуруҳлар».

¹³ **Ф1** да «кучайганида».

¹⁴ **A8** да العنق, **Ф1** ва **Ф6** да كهن.

¹⁵ **Ф4** да «бугунги кунда агайдилар» илова қилинган.

¹⁶ **A8** ва **A10** да بنى ماهان.

¹⁷ **A3**, **A8** ва **A9** да ماخان, **A10** да ماخان, **Ф6** да ماجان.

¹⁸ **A4** да масжидлар ҳақидаги маълумот шу еригача йўқ. **Ф1** да охириги икки жумла: «Ҳадис аҳли намоз ўкиган масжид, уни Моҳон дейишади. Ундан сўнг Мोजон жума масжидини курдилар». **Ф1** ва **Ф4** да ماچان.

¹⁹ **Ф1** ва **Ф4** да «Можон бозори».

²⁰ **Ф1** ва **Ф6** да бу жумла йўқ.

²¹ **Ф1** ва **Ф6** да «Бу Муслим қуббаси ҳали ҳам жойида».

²² **A2** ва **A3** да бу жумла йўқ. **A4**, **A10** ва **A1** да «55 *зиро*». **A9** да «бунинг майдони баён қилинмаган».

²³ **A4** да бу жумла йўқ. **A9** да «Ва ..., унинг сатҳига нисбатан». **Ф1** ва **Ф6** да охириги тўрт жумла йўқ.

бор ва ҳаммаси айвонга¹ олиб чиқади. Ҳар бир айвоннинг кенглиги ...² ҳар бирининг олдида тўртбурчак майдонча бор³.

Қуҳандиз *шаҳристон* каби йирик, лекин вайрона, баландликда жойлашган⁴. Унинг тепаликлари бугунги кунда ҳам ариқлар билан суғорилади⁵, тарвуз, сабзавотлар ва бошқа экинлар етиштирилади⁶.

Бозорлари ўтмишда Атик⁷ масжиди жойлашган шаҳар⁸ дарвозасида бўлган. Абу Муслим даврида Можонга кўчирилди⁹, йирик шаҳарлар бозорларининг энг озодасидир¹⁰. Намозгоҳи Абу-л-Жаҳм туманидаги Раъс ал-майдон¹¹ маҳалласида, Хурмуз Фарра¹² ариғи¹³ ва Можон орасида¹⁴, барча томонидан бино ва иншоотлар ўраб туради.

Шаҳар¹⁵ худуди чегараси аниқ¹⁶, ариқлари бор. Хурмуз Фарра ариғи¹⁷ ёқалаб шаҳарнинг кўплаб бинолари қурилган. У Сарахс ичкарасига кирадиган биринчи ариқдир. Унда бинолар кўп, уларни Ҳусайн ибн Тохир¹⁸ қурган ва бозор ҳамда бошқарув саройини у ерга кўчирмоқчи бўлган¹⁹. Унда улуғ шайх Абул Фазл Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ²⁰ ҳовлилари бўлган, Раъс аш-шобой²¹ маҳалласи сув ичади²².

Ундан²³ Можон²⁴ ариғи чиқади, атрофида бошқарув саройи, бозорлар, янги жоме²⁵ масжиди ва зиндон жойлашган. Абу Муъайт²⁶ хонадонимавлоси Абун-Нажм оиласи ҳовлиси ҳам бор, қуббали, унда

¹ А4 да «тўртбурчак сахли айвонга». Ф6 да «бозор».

² А10 да «30 зиро». Ф1 ва Ф6 да бу жумла йўқ.

³ А4 да охириги икки жумла йўқ.

⁴ А4 ва Ф1 да бу жумла йўқ.

⁵ А4 да «Тепалиги тўртбурчак, ариқ суви ўтказилган, бугунги кунда ҳам оқади».

⁶ Ф1 да «У сувда полиз экинлари экилган». Ф6 да бу жумла йўқ.

⁷ А8 да العسى.

⁸ Ф1 да «жойлашган шаҳар» йўқ.

⁹ А4 да охириги икки жумла йўқ.

¹⁰ Ф1 ва Ф6 да бу жумла йўқ.

¹¹ Ф1 да سر ميدان, Ф3 да محلت ميدان, Ф6 да محلت ميدان.

¹² А3 ва А10 да هرمر فوه, А9 да هرمر فوه, Ф6 да هرمر فوه.

¹³ Ф1 да йўқ.

¹⁴ А8 да ҳайит намозгоҳи маълумоти йўқ. Ф1 да йўқ.

¹⁵ Ф6 да مردود.

¹⁶ А3, А8 ва Ф1 да бу жумла йўқ. Ф6 да йўқ.

¹⁷ Ф1 ва Ф6 да шу ердан матннинг қолган қисми ва кейинги жумла йўқ.

¹⁸ Ф4 да «Ҳасан Тохир».

¹⁹ Ф1 да «кўчирган».

²⁰ А5 ва Ф1 да «Абдуллоҳ».

²¹ А5 да راس الشيباي, А8 да راس الشباب, А10 да راس ساباي, Ф2 да سر ساناي, Ф6 да سر شاي.

²² А10 да «Унда улуғ шайх Абул Фазл Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ал-Балъамий ҳовлилари бор» илова қилинган.

²³ Ф1 да «Иккинчиси».

²⁴ А3, А8 ва А10 да ماخان.

²⁵ Ф1 да «янги» илова қилинган.

²⁶ Ф1 ва Ф3 да «Абу Муҳит».

Аббосийлар даъвати билан қора кийинилган. Кубба бизнинг кунгача сақланиб қолган¹.

Разиқ² ариғи *шаҳристон* дарвозасида оқади. Шаҳар аҳли ундан ҳовузларини тўлдиради. Ариқ бўйида Атиқ масжиди, куйисида Бухорода амир бўлган Холид ибн Аҳмад ибн Ҳаммоод оиласи қасрлари бор³.

Асъадий⁴ ал-Хуросоний ариғидан⁵ Боб Санжон⁶, Бану Моҳон⁷ ва бошқа маҳаллалар⁸ сув ичади. Бу ариқда Марв марзбонининг ҳовлилари бўлган⁹. Булар Марв шаҳри маҳаллалари ва иморатлари ариқларидир¹⁰.

Бу иморатлар ва тўрт ариқни ўраб турувчи девор бор¹¹. Шаҳар ва рустоқлари Рай¹² деб аталадиган бошқа девор билан ўралган, унинг излари бугунги кунда ҳам кўриниб турибди¹³. Ички *шаҳристон*нинг¹⁴ Мадина¹⁵ дарвозасидан жоме масжидига борилади. Дармашкон¹⁶ дарвозасидан Мовароуннаҳрга чиқилади¹⁷. Унда Маъмуннинг Марвда турган пайтидан халифалигигача яшаган жойи¹⁸ ва ўрдаси бўлган. Яна Санжон¹⁹ ва Болин²⁰ дарвозалари бор.

Марвда катта дарё оқади²¹, бу ариқлар ва рустоқларидаги анҳорлар ундан ажралиб чиқади. У Мурғоб²² дарёси деб аталади, маъноси Марв об, «Марв суви»²³, Бомийон²⁴ орқасида бошланади²⁵. Баъзилар²⁶ бу ном Мурғобдан²⁷,

¹ А5 да «ҳозир ҳам сақланиб қолган, улуғ шайх Абул Фазлга тегишли» илова қилинган. Ф1 да бу жумла йўқ.

² А8 ва А9 да الرزىق, А10 да محره, Ф1 да زريق, Ф3 да دريق, Ф6 да دريق.

³ Ф4 да «Холид оиласи саройлари ва Аҳмад ибн Ҳаммоод кўшклари бор».

⁴ Ф1 да «Саъид». Ф6 да «Бобо Саъид».

⁵ Ф4 да «Бобо Саъид Хуросон аталади» илова қилинган.

⁶ А3 да سحان, А8 ва سحان, Ф2 да شيخان, Ф3 ва Ф6 да شحان, Ф4 да شهان.

⁷ А8 ва А9 да مر ماهان, Ф6 да حنود مهان.

⁸ Ф1 да «улардан бошқа маҳаллалар» йўқ.

⁹ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁰ А4 да намозгоҳ ва кейинги ариқлар билан боғлиқ маълумотлар шу ергача йўқ. А10 да охириги уч жумла йўқ. Ф6 да «Марв иморатлари шу дарёда жойлашган».

¹¹ Ф1 да «Шаҳар девори бу дарёлар ва иморатларни ўраб туради».

¹² Ф6 да ارای.

¹³ А4 да «Унинг шаҳар ва рустоқларида уларнинг барини ўраб турадиган битта девор бор эди». А10 да охириги икки жумла йўқ.

¹⁴ А4 да дарвозаларга доир кейинги маълумотлар йўқ, ўрнига «унда тўрт дарвоза бор» дейилган.

¹⁵ А9 да йўқ, Ф1 ва Ф6 да شارستان.

¹⁶ А2, А3, А8 ва А9 да دار مسكان, А10 да دو مسكان, Ф4 да «ва бу Хуросон дарвозасидир» илова қилинган.

¹⁷ Ф1 ва Ф6 да «бу Хуросон дарвозасидир».

¹⁸ Ф4 да «саройи».

¹⁹ А2, А3, А8 ва А9 да سنجار.

²⁰ А9 да بالن, Ф1, Ф4 ва Ф6 да بر.

²¹ Ф1 да «Марваруд дарёси каттадир». Ф1 да مرورود.

²² А4 ва А10 да مرعاب, А8 да مرتاب, А9 да مرواب.

²³ А4 да бу дарё билан боғлиқ кейинги маълумотлар йўқ. А9 да бу жумла йўқ.

²⁴ А3, А8, А9 ва А10 да النامان, Ф6 да йўқ.

²⁵ Ф1 да жумла шу еригача йўқ.

²⁶ Ф3 да матннинг қолган қисми ва кейинги жумла йўқ.

²⁷ А8 да مرواب.

бирова мурғ – “куюк ўрмон” дейди¹. Бу дарё Марвруз томонга оқади. Унда уларнинг чорбоғлари бор².

Бу дарёнинг Марв маъмурий бирлигидаги биринчи чегараси Хузон³ ва Қаринайн⁴ орасидаги Кукиндир⁵. Хузон Марв ар-Руз⁶ ва Қаринайн⁷ Марвга қарайди⁸. Зарқ⁹ – Марв суви¹⁰ тақсимланадиган кишлоқ. Бу дарё йўналишидаги ҳар бир маҳалла ва йўл учун ариқлар чиқарилган. Одамлар сувдан улушини тенг олиши учун уларда тешик тахта бор. Кўпайса кўпроқ, камайса камроқ сув олишади¹¹. Сувни махсус тайинланган *мироб* назорат қилади, *нафақаволий*сидан обрўлироқдир. Менга бу сувда ўн мингдан ортиқ киши ҳаёт кечирishi маълум бўлди. Бу сувда ҳар кимнинг ўз тирикчилиги бор.

Марв Исломнинг бошида ҳарбий қароргоҳ бўлган, унда Форс мамлакатаи мусулмонларга таслим бўлди. Форслар подшоҳи Йазджирд Зарқдаги¹² тегирмонда ўлдирилди. Аббосийлар ҳаракати¹³ унда бошланди. Абун-Нажм ал-Муъайтий ҳовлисида илк бор қора кийим кийилди. Маъмун шу ерда акаси Муҳаммад ибн Зубайдадан¹⁴ устун келди ва *халифа* бўлди. Ироқ ва Хуросондаги барча кўмондон ва котиблар шу ерликдир. Барча машҳур фақиҳ ва адиблар шу ердан чиққан. Биз айтмаган маълумотлар қайдномалар ва китобларда бор. Бу китобда кам ёзиш талаб қилинмаганда кишилар табақалари ва бошқалар ҳақида ҳам батафсил хабар берардик¹⁵.

Ажамлар даврида Абршаҳр¹⁶ туманлари орасида табобат ва *адаб* илмида пешқадам бўлган. Барзуйа¹⁷ исмли табиби *ажамлар*даги бошқа шифокорлар орасида иқтидорлиси, мусиқачи Борбад¹⁸ чалғучи ва ҳофизлар ичида энг афзали бўлган¹⁹. Озиқ-овқат борасида Хуросон шаҳарларининг энг яхшисидир.

¹ Ф6 да охириги икки жумла йўқ.

² А4 да бу жумла куйироқда келади.

³ А2, А3, А8, А9, Ф4 ва Ф6 да حوران.

⁴ А2, А3, А8 ва А9 да الفرسى, Ф4 да فرعين.

⁵ А8 да كوكن, Ф1 да бу жумла йўқ.

⁶ А9 да مرو.

⁷ Ф2 ва Ф3 да فريقين.

⁸ А8 ва А10 да бу жумла йўқ.

⁹ А3 да ررق, А10 да مزوادذ, Ф2 да رزىق, Ф3 да ررىق.

¹⁰ А5 да Марвруз.

¹¹ А5 да «Тешикли тахталар бор, сувни кўпайтиришга ҳеч кимга рухсат берилмайди. Аҳолига бир хил ўлчамда сув тарқалади. Сув кўпайса, тешикдан ортиғи билан куйилади. Камайса, ҳаммада камаяди. Бир киши бошқасидан ортиқ кўрилмайди».

¹² А8 да ددق, Ф1 да йўқ.

¹³ А4, А5, ва ФҶ да «давлати».

¹⁴ А4 да «Амин». Ф1 да «Ҳорун».

¹⁵ А4 ва Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁶ А4 ва Ф1 да ايرانشهر.

¹⁷ А8 да دررويه.

¹⁸ А4 да بارند, А8 да البارند.

¹⁹ Ф4 да «ҳануз унга эргашадилар» илова қилинган.

Хуросонда уларнинг нонидан тоза ва тотлироғи йўқ. Майиз ва бошқа мева қоқларини ҳамма жойда хуш кўришади¹. Ҳирот кўп мақталиб, четга² тарқатса ҳам Марвазийники³ таъм ва сифатда устундир⁴. Қовунлари ширинлигидан тилимланиб, қоқ қилинади ва четга олиб кетилади. Бу нарса бошқа шаҳарда тайёрланишини билмайман. Шаҳар озодалиги ва яхшилаб терилган тош йўллари, ариқлар ва дарахтлар орасида режали қурилган бинолари, маҳаллалари, ҳар бир бозор кишилари ўзгаларидан фарқланиши билан кўркамликда Хуросондаги бошқа шаҳарлардан баянд турди.

Чўлларида занжабил бор, бошқа юртларга олиб кетилади. Марвда ипак матолар ва иплар кўп тайёрланади⁵. Менга маълум бўлишича⁶, Журжон ва Табаристондаги⁷ ипакнинг асли қадим замонда Марвдан олиб кетилган экан⁸. Ипак қурти ҳам у ердан Табаристонга олиб кетилган бўлса керак⁹. Бу жойда пахта етиштирилади, ундан кийим тикилади ва четга чиқарилади¹⁰.

Унинг эски ва янги минбари бор¹¹. Марвда иккита¹², Кашмиҳан¹³, Хурмуз Фарра¹⁴, Синж¹⁵, Жиранж¹⁶, Данданақан¹⁷, Қарнин¹⁸, Башон¹⁹, Харақ²⁰ ва Сусқанда²¹ биттадан минбар бор. Булар Марвдаги мен билан минбарлардир²².

¹ А4 да кейинги икки жумла йўқ.

² А1 да «Ироқ».

³ А8 да المرورى.

⁴ Ф1 да охирги икки жумла йўқ. Ф6 да бу жумла йўқ.

⁵ Ф1 да «бошқа ердан чиқмайди» илова қилинган.

⁶ Ф4 да «Машхур ...» келган.

⁷ А8 да طبرسان.

⁸ А5 да «қадим замонда Марвдан бу ерга келтирилди».

⁹ А4 ва А10 да охирги икки жумла йўқ. Ф1 ва Ф6 да «Эштишимча, ипакнинг асли бир пайтлар Марвдан Табаристонга олиб кетилган экан, ҳозир ҳам ипак қурти Марвдан Табаристонга юборилади».

¹⁰ А4 ва Ф1 да «ва четга чиқарилади» йўқ. Ф6 да бу жумла йўқ.

¹¹ А4 да «Минбарлари кўп», рўйхати тушириб қолдирилган. А5 да «унинг баъзилари қадимги ва баъзилари янги».

¹² Ф1 да «туманларида эски ва янги ...» илова қилинган.

¹³ А2 ва А9 да كشمهن, А3 да بلثمهن, А8 да كشمهن, Ф2 ва Ф3 да كسهر, Ф6 да كهر.

¹⁴ А2 ва А3 да نهر مرفوه, А8 ва А9 да هر مرفوه, А10 да هر مرفيه, Ф2 да هر مرفره, Ф3 да هر مرفوه, Ф6 да مرمز فره.

¹⁵ А2 ва А10 да بسج, А3 да سخ, А8 ва А9 да بسج, Ф2 ва Ф3 да بسج, Ф4 да بسج, Ф6 да بسج.

¹⁶ А2 ва А3 да حرج, А8 ва А9 да خرج, А10 да حرج, Ф2 ва Ф3 да حرج, Ф4 да حرج, Ф6 да مرع.

¹⁷ А2 да الزندانان, А3 да السوسقان, А8 ва А9 да الرندانان, А10 да الدندانان, Ф3 да دندانان, Ф6 да دندانان.

¹⁸ А2, А8 ва А9 да الرينان, А10 да الرينان, Ф2 да فرينان, Ф3 да فرينان, Ф6 да يقين.

¹⁹ А2 ва А8 да باسان, А9 ва Ф2 да باسان, А10 да باسان, Ф3 да بانان, Ф4 да بيسان, Ф6 да باهستان.

²⁰ А8 ва А9 да حرق, А10 ва Ф1 ва Ф6 да йўқ.

²¹ А10 да السوسقان, Ф2 да سوسقان, Ф3 да سومعان, Ф6 да سوققان.

²² Ф6 да бу жумла йўқ.

Ҳирот¹ шаҳар номи, маъмурий бирликлари бор. Шаҳарлари² Молин³, Хайсор⁴, Астарбайон⁵, Авфа⁶, Моробоз⁷, Башон⁸, Карух⁹ ва Хашт¹⁰. Асфизорда¹¹: Адраскар¹², Каварон¹³, Кушак¹⁴ ва Кавашон¹⁵. Асфизор¹⁶ шаҳар эмас, доира номи, шаҳарлари зикр этилган ушбу тўртовидир¹⁷.

Ҳирот¹⁸ мустаҳкам қалъа¹⁹, атрофи сув билан ўралган, *шаҳристони* обод, *рабади*²⁰ ва *шаҳристонида қуҳандизи* бор. Жоме масжиди *шаҳристонида*. Бошқарув саройи қалъа ташқарисидаги²¹ Хуросонабозда²², *шаҳристондан* алоҳидадир. Ҳирот ғарбидаги²³ Бушанж²⁴ йўлида²⁵, *шаҳристон* билан ораси *фарсахнинг* учдан бирига тенг²⁶. Бинолари пахсадан²⁷, майдони томонлари ярим *фарсахдир*.

Шаҳристоннинг шимолида²⁸ Балхга чиқиладиган Сарой²⁹, ғарбида Найсабурга қараган³⁰ Зийод³¹, жанубида Сижистон тарафида³² Ферузо-

¹ Ф2 да هرا, Ф6 да هوا.

² А4 да шаҳарлар рўйхати йўқ. Ф6 да «ва туманлари» илова қилинган.

³ А2, А10, Ф4 ва Ф6 да مالف, А3, А8 ва А9 да مالف.

⁴ А2 да حساب, А3, А8 ва Ф6 да حسان, А9 ва А10 да حبان.

⁵ А2 ва А3 да استرنان, А4 да بسرنان, А8 ва А10 да اسرنان, А9 да استرنان, Ф6 да اسرسان.

⁶ А10 да اوقه, Ф4, Ф1 ва Ф6 да اوبه.

⁷ А8, А9, А10, Ф1 ва Ф6 да ماراباد.

⁸ А2 да باسنان, А3 ва А8 да باسان, А9 ва А10 да باسان, Ф6 да داسان.

⁹ А8, А9, А10 ва Ф6 да كروح.

¹⁰ А2, А3, А8, А9, А10 да حسب, А4, Ф4 ва Ф6 да حس.

¹¹ А2 ва А3 да اسنرار, А8 ва А9 да باسرار, А10 да باسرران, Ф2 ва Ф3 да اسران, Ф4 да ماستوان, Ф6 да ماستوان.

¹² А2, А8 ва А9 да ادرسكن, А3 да ادرسلن, А10 да ادرسلر, Ф2, Ф3 ва Ф6 да ادرسكر.

¹³ А3 да بوران, А10, Ф2 ва Ф3 да كواران, Ф6 да كوان.

¹⁴ А2 да كوسند, А2 ва А3 да كوسك, А3 ва А9 да كوسند, А5 да كوسد, А8 да كوسن, А10, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да كوسف.

¹⁵ А2, А5 ва Ф4 да خراشان, А2 ва А3 да كواسان, А3, А8, А9, Ф2, Ф2 ва Ф6 да خراسан, А10 да خراسان.

² А5 да جرياب, А10 да بحرياب, А11 да لحراب, Ф2 ва Ф3 да حرياب.

³ Ф6 да охириги икки жумла йўқ.

⁴ Ф8 да «Ғур баён қилинган эди. Ғур тоғлари жуда қаттиқ, Бомийон, Банжҳир, Шуман, Мовароуннаҳр, Ласбон ва *хирхиз*гача давом этади. Бу тоғларнинг кўпида олтин ва кумуш кони мавжуд». Ф8 да Ласбон لسبان.

⁵ А4 да «Ғур орқа томонидан тоғлар Хуросон ҳудудидаги Бомийонга қарашли Банжҳиргачадир. Бу тоғнинг бошидан охиригача кумуш ва олтин маъданлари бор».

⁶ Ф1 ва Ф6 да «кабидир».

⁷ Ф6 да бу жумла йўқ.

⁸ А10 да шу ердан бошлаб тоғдаги маъданларгача бўлган маълумот йўқ.

⁹ А11 да бу жумла йўқ. Ф6 да охириги икки жумла йўқ.

¹⁰ А2, А8, А9 ва А11 да لمان, А3 да لمار.

¹¹ А2, А3, А8 ва А9 да السوس, А11 да السوس, Ф6 да سوس.

¹² А3 да نزل, А11 да йўқ.

¹³ А3 ва А9 да خرخير, А11 да جوحن, Ф6 да جرير.

¹⁴ Ф6 да «Тоғлар Ғурнинг юқорисидан Бомийон ҳудудидан Банжҳиргача ва Мовароуннаҳрдан Туркистон ичкарисидан Шош ва *хирхиз*гача етиб боради».

¹⁵ Ф6 да йўқ.

¹⁶ А5 да яхшиси.

¹⁷ А3 ва А9 да خرخير, А10 да جرحير, А11 да حرحر.

¹⁸ Ф1 да жумланинг давоми йўқ.

¹⁹ А8 да فرعانه.

²⁰ А11 да الشاس.

²¹ Ф6 да охириги икки жумла йўқ.

²² А10 ва А11 да йўқ. Ф1 да «ва Амул ва Замни» илова қилинган.

²³ А4 да бу жумла йўқ. Ф6 да «Жайхун, Хоразм, Амул ва Замм, ҳаммаси Мовароуннаҳрдандир. У ерда келтирамыз».

²⁴ А11 да أهل.

оқар суви, бўстонлари ва экинлари¹ бор². Амул³ Хуросондан Мовароуннахрга борадиган йўллар қўшиладиган жой⁴, Хоразм соҳилда жойлашган⁵. Замм ободликда Амулдан ўзгачарок⁶, унда Мовароуннахрдан Хуросонга кечув жойи⁷ бор⁸. У иккисини барча томондан Балх ҳудудидан Хоразм денгизигача⁹ бўлган чўл ўраб туради¹⁰. Бу чўлнинг катта қисмини кумликлар ташкил қилади. Унда Марвдан Амул йўлигача булоклар ҳам, дарёлар ҳам йўқ, фақат қудуқлар ва ўтлоқлар бор. Бу чўлнинг Хоразм ва Ғузлар¹¹ юрти орасидаги қисмида қудуқлар ва подалар камайиб боради.

Хуросондаги энг кўп туя подалари Сарахс тумани ва Балхда¹². Уларга ғузлар¹³ юрти, ғур ва халаждан¹⁴ кўплаб қўй келтирилади. Хуросонда озик-овқат, кийим-кечак, Балх туманларида боқиладиган¹⁵ бебаҳо уловлар, юксак баҳоланадиган турк қуллари, Найсабур ва Марвнинг¹⁶ пахта ҳамда ипак матосидан тикилган қимматбаҳо кийимлари, Марвда тайёрланадиган энг яхши бўз, ғузлар юртидан келтириладиган зотдор қўйлар¹⁷, кишилар эҳтиёжига зарур нарсаларнинг¹⁸ барчаси топилади.

Жайхун сувидай тотли ва чучуги йўқ. Хуросон аҳолисининг энг бадавлати Найсабур халқидир¹⁹. Фикҳ, дин, назар ва калом²⁰ илмига катта ҳисса қўшади-ганлар Балх ва Марвдан чиқади²¹. Найсабурнинг Ҳирот ва Марвруз орасидаги

¹ А4 да йўқ.

² Ф8 да бу жумла йўқ.

³ А11 да اقل.

⁴ Ф1 да охирги уч жумла йўқ. Ф8 да «Унинг оқар сувлари, боғлари, экинзорлари ва иморатлари кўпдир. Кенгчилик бўлиб, неъматлари кўп ва арзондир» илова қилинган. Ф6 да охирги тўрт жумла йўқ.

⁵ А10 да «Мовароуннахрнинг энг катта чўллари унда» илова қилинган. Ф8 да бу жумла йўқ.

⁶ А4 ва А11 да бу жумла йўқ. Ф8 да «камрок». Матн давомида: «Уларнинг атрофи чўллар ва кумликлар, булок суви йўқдир. У йўлдан Марв, Хоразм вилоятидаги чўл ва ғузлар юртига борилади. Унда қудуқлардан бошқа сув йўқ. Балхда лимон, нилуфар, шакарқамиш бўлади. Балхдан бошқа ҳеч бир совуқ минтақада бу нарсалар бўлмайди».

⁷ А11 да «энг катта кечувдир».

⁸ Ф1 ва Ф6 да охирги икки жумла йўқ.

⁹ А11 да «чегараси».

¹⁰ Ф6 да «Хоразм ҳудудини Балх, Марв ва улардан бошқалар то Хоразмгача айланасига чўлдир».

¹¹ Ф6 да غرنى.

¹² А10 да бу жумла йўқ. Ф6 да «Сарахсда ва Балх туманларида».

¹³ А3 да «ғузлар юрти» йўқ.

¹⁴ А10 да الحاح, А11 да الخاخ, Ф1 да بلخ.

¹⁵ А5 да «бўладиган».

¹⁶ Ф4 да «Балх».

¹⁷ А5 да «тозаси».

¹⁸ А3, А8 ва А9 да шу ердан Хуросон масофаларининг Қумисгача бўлган маълумоти йўқ.

¹⁹ Ф1 ва Ф6 да бу жумла йўқ. Ф8 да масофаларгача бўлган матн: «Хуросонда ҳар иккала Табасдан бошқа иссиқ жой йўқдир. Хуросоннинг энг совуқ жойлари Бомийондир. Хоразм унданда совуқроқ бўлгани билан, уни Мовароуннахрда келтирдик».

²⁰ А11 да йўқ.

²¹ А5 да «Хуросон шаҳарлари орасида Марв ва Балх фақиҳлари, адиблари, диний ва ақлий илмлар олимлари энг кучлисидир».

суғориладиган жойлари энг гўзалидир. Қуҳистон туманидан бошқа иссиқ иқлими йўқ. Қайноқ ҳаво унга Форс ва Кирмондан келади. Хуросоннинг энг совуқ ва қорли жойи Бомийон ва Хоразмдир¹. Фақат, Хоразмни Мовароуннаҳрга қўшдик.

Масофалар

Хуросондаги² масофалар³. Найсабурдан Қумиснинг охириги чеккаси Асадобоз⁴ яқинидаги қурдлар қишлоғигача 7 кунлик йўл⁵. Қурдлар қишлоғидан Дамғонгача⁶ 5 манзил, Найсабурдан⁷ Сарахсгача 6 марҳала⁸, Сарахсдан Марвгача 5⁹ марҳала, Марвдан Жайхун¹⁰ соҳилидаги Амулгача¹¹ 6 марҳала¹² масофа бор. Найсабурнинг¹³ Қумис туташган биринчи маъмурий бирлигидан Жайхун¹⁴ водийсигача шу йўналишда 23¹⁵ марҳала, Найсабурдан¹⁶ Асфаройингача¹⁷ 5 марҳала масофадир. У Найсабур маъмурий бирлигининг охиридир. Найсабурдан Бушангача¹⁸ 4¹⁹ марҳала, Бушангача²⁰ Бушанжгача²¹ 4 марҳала, Бушангача²² Хиротгача²³ 1²⁴ марҳала, Хиротдан Асфизоргача²⁵ 3 марҳала, Ас-

¹ А11 да йўқ.

² Ф6 да «Нишопур ва Қумис шаҳарларининг баъзи хусусиятлари баёни» номли сарлавҳа илова қилинган.

³ А5 ва А11 да «Хуросон масофалари. Биз бу китобни бунга ўхшаш маълумотларни келтириш учун ёзмаганимиз боис, масофаларни билиб олишни истаган киши учун уларни ўрганиш имконсиз бўлмаса, фарсахлар ва манзилларни баён қилишда чуқурлашмаймиз, фақат асосийларини баён қиламиз» илова қилинган. Ф1 ва Ф6 да «Биз чуқурлашмоқчи эмасмиз, чунки ўзи маълумдир. Нимаики зарур бўлса баён қиламиз» илова қилинган. Ф8 да матн «Шаҳарларнинг маъмурий бирликлари орасидаги масофалар» баёнидан давом этади.

⁴ А4, А11, Ф1 ва Ф6 да اسداباد, А10 да اسدابان.

⁵ А5 да «9 манзил», А10, А11 ва Ф1 да «манзил».

⁶ А4 да دامغان, Ф6 да وامغان.

⁷ А11 да نيشابور.

⁸ Ф1 да «манзил».

⁹ Ф1 ва Ф6 да «6».

¹⁰ А4 да ححون. Ф6 да «Марвдан Жайхун» йўқ.

¹¹ А10 да йўқ. Ўрнига «соҳилининг энг юқорисигача» дейилган.

¹² Ф6 да «манзил».

¹³ А9 да матн шу ердан давом этади. Ф6 да олдин «Қумис ҳақиқати баёни» номли сарлавҳа келади.

¹⁴ А4 да ححون.

¹⁵ А4 да «26». Ф6 да масофа кўрсатилмаган.

¹⁶ А11 да نيشابور.

¹⁷ А3 ва А4 да اسفراين, А9 ва А10 да اسفراين, А11 да اسفراين.

¹⁸ А3 да بوزجان, А4 да بوزجان, А8 ва А9 да بوزحان, А10 да بودحان, А11 да بورحان.

¹⁹ А4 да «5».

²⁰ А4 да بورحان.

²¹ А3 да روشنگ, А8 да بوسنج, А11 да بوشج, Ф6 да روشنگ.

²² А8 да «4 марҳала. Бушангача» йўқ.

²³ Ф6 да بیری.

²⁴ А4 да «тўрт».

²⁵ А4 да اسفراين, А10 да اسفراين.

физордан¹ Дарагача² 2 *марҳала*³ масофа бор. У Ҳирот маъмурий бирлигининг охиридир. Дарадан Сижистонгача 7 кун, Асфаройиндан⁴ Дарагача 19 *марҳала*⁵ йўл юрилади.

Найсабурдан Тусгача 3 *марҳала*, Найсабурдан Нисагача 6 *марҳала*, Нисадан Фаравагача⁶ 4 *марҳала*⁷ йўл юрилади. Найсабурдан Қуҳистоннинг қасабаси Қойингача⁸ 9 *марҳала*⁹, Қойиндан Ҳиротгача 8 *марҳала*га яқин масофа бор.

Марвдан Марв ар-Рузгача 6 *марҳала*¹⁰, Марвдан Ҳиротгача¹¹ 12 *марҳала*, Марвдан Абивардгача¹² 6 *марҳала*, У ердан Нисагача 4 *марҳала* йўл юрилади. Марв-Амул ва Марв-Сарахс орасидаги масофаларни баён қилдик¹³.

Ҳиротдан¹⁴ Марв ар-Рузгача 6 *марҳала*¹⁵, у Балх йўлидир. Ҳиротдан Сарахсгача 5 *марҳала* йўл юрилади. Ҳиротдан Найсабур, унинг ҳудудининг охири бўлган Сижистон ва Қуҳистон қасабасигача йўлни баён қилдик¹⁶.

Балхдан Марв ар-Рузгача 12 кун¹⁷, Балхдан водий чеккасигача 2 кунлик масофа, у Термиз йўлидир. Балхдан Андаробагача 9 *марҳала*, Балхдан Бомийонгача 10¹⁸ *марҳала*, Бомийондан Ғазнагача¹⁹ 8 *марҳала*га яқин юрилади. Балхдан Базахшонгача²⁰ 13 *марҳала* атрофида²¹, Балхдан водий чеккасигача 3 *марҳала*²² йўл юрилади. У Хуттал²³ йўлидаги Мила²⁴ деб аталадиган жойдир²⁵.

Жайхун водийси чеккасидаги Базахшондан Хоразм кичик денгизигача Хуросоннинг кенглиги: Базахшондан²⁶ Термизгача дарё бўйлаб 13 *марҳала* атро-

¹ А3 да اسفەرار.

² А5 да Дарра охиригача, А10 ва Ф1 да ذره, Ф6 да ذره.

³ Ф1 да «2 *марҳала*» йўк. Ф6 да шу ердан Қойингача масофа йўк.

⁴ А3 да اسفراين.

⁵ А4 ва А10 да бу жумла йўк.

⁶ А4 да فراوه.

⁷ Ф1 да охириги тўрт жумла йўк.

⁸ А10 да فانر.

⁹ А5 да «7 *марҳала*». Ф1 да «фарсанг».

¹⁰ Ф1 ва Ф6 да бу жумла йўк.

¹¹ Ф6 да هوى.

¹² А9 да اننورد, А10 да اسود, Ф1 ва Ф6 да باورد.

¹³ Ф1 да бу жумла йўк.

¹⁴ А4 да «Марв».

¹⁵ Ф6 да охириги уч жумла йўк.

¹⁶ Ф1 да бу жумла йўк.

¹⁷ А4 ва Ф6 да охириги икки жумла йўк.

¹⁸ А10 да «13».

¹⁹ А4 да غزه.

²⁰ А4 да بدخشان, Ф6 да шу ердан жумла охиригача йўк.

²¹ А10 да охириги икки жумла йўк.

²² А9 да «Аллоҳ билгувчиқодир. Бадахшондан Термизгача дарё бўйлаб ...» илова қилинган.

²³ А3 ва А11 да جبل.

²⁴ А11 да مثله.

²⁵ А4 ва А9 да «Мила аталадиган жойдир» йўк.

²⁶ А4 да بدخسان.

фида, Термиздан Заммгача 5 *марҳала*¹, Заммдан² Амулгача 4 *марҳала*³, Амулдан Хоразм шаҳригача 12 *марҳала*⁴, Хоразм шаҳридан Хоразм кичик денгизигача 6 *марҳала*⁵ масофа бор.

Хуросондаги машхур шаҳарлар орасидаги масофаларни баён қилиб бўлдиқ. Энди ҳар бир машхур шаҳар атрофи ва унинг маъмурий бирлигидаги шаҳарлар масофаларини баён қиламиз.

Найсабурдан Бузжангача⁶ 4 *марҳала*, Ҳиротдан Найсабурга келувчининг сўлида Бузжандан⁷ Молингача⁸ 1 *марҳала* юрилади. У Кавахраз⁹ Молиндир, Ҳирот Молини эмас¹⁰. Молиндан¹¹ Жоймандгача¹² 1 *марҳала*¹³, Жойманддан Санкангача¹⁴ 1 кун¹⁵, Санкандан Йунобизгача 2 кун¹⁶, Йунобиздан¹⁷ Қойингача¹⁸ 2¹⁹ кунлик йўл²⁰. Сулумақка²¹ Санканнинг чап томонидан юрсанг 2 кун²², Сулумақдан²³ Завзангача²⁴ 1 кун, Завзандан Қойингача 3 кунлик йўл. Найсабурдан Туршизгача²⁵ 4 *марҳала*. Туршиздан²⁶ Кундургача²⁷ 1 кун, Кундурдан Йунобизгача²⁸ 2 кун, Йунобиздан Қойингача 2 кунлик йўл²⁹. Найсабурдан Хусравжирдгача³⁰ 4 *марҳала*, Сабзаворгача³¹ 2

¹ А11 да «атрофида» илова қилинган.

² А11 да *الرم*.

³ А5 ва А10 да «4 *марҳала* атрофида».

⁴ А3, А8 ва А9 да охиригича жумла йўқ. А5 ва А11 да «12 *марҳала* атрофида».

⁵ А5 ва А10 да «6 *марҳала* атрофида». Ф6 да охиригича жумла: «Хоразм шаҳригача 12 *марҳала*. Хоразм шаҳридан».

⁶ А3 да *بورجان*, А10 да *بوچان*.

⁷ Ф6 да «4 *марҳала*. Ҳиротдан Найсабурга келаётган кишининг чап томонида Бузжандан» йўқ.

⁸ А5 да «Молин шаҳардир» илова қилинган.

⁹ А3 да *لو اخرد*, А9 да *كواخر*, А10 да *كناخور*.

¹⁰ Ф8 да охиригича жумла йўқ.

¹¹ Ф8 да *مالمند*.

¹² А8 ва А9 да *خوابين*, А10 да *حامن*, А11 да *حام*, Ф6 да *جام*, Ф8 да *حالمند*.

¹³ Ф1 да «манзил».

¹⁴ Ф8 да *سمنگان*.

¹⁵ Ф1 ва Ф6 да «манзил».

¹⁶ Ф8 да «манзил».

¹⁷ А8 ва А9 да *بانند*, А10 да *مايد*.

¹⁸ А10 да *فاف*, Ф6 да *فرمومان*.

¹⁹ А10 да «бир».

²⁰ Ф8 да «кун».

²¹ А10 ва А11 да *سومل*.

²² Ф1 ва «2 кун» йўқ. Ф8 да бу жумла йўқ.

²³ Ф6 да «2 кун. Сулумақдан» йўқ. Ф8 да *سلومه*.

²⁴ А11 да *رورن*.

²⁵ А3 да *بوسر*, А8 ва А9 да *برشدر*, А10 да *بوسر*, А11 да *برلش*, Ф8 да йўқ.

²⁶ А3 да *بورشير*, Ф8 да йўқ.

²⁷ Ф4 ва Ф6 да *کندرم*, Ф8 да *کهړ*.

²⁸ Ф6 да *سايנד*.

²⁹ Ф8 да бу жумла йўқ.

³⁰ А3, А8, А9 ва А11 да *حسرو حرد*.

³¹ А2, А3, А8 ва А9 да *ساروار*. Ф1 да жумланинг қолган қисми йўқ. Ф6 да *سان بيش*.

*фарсах*¹ атрофида. У Хусравжирддан олдин келади. Хусравжирддан² Бахманабозгача³ 1 катта *марҳала*⁴, Бахманабоздан⁵ Мазнийонгача⁶ 1 *фарсах* атрофида⁷. У Кумис⁸ йўлидадир, Найсабурдан Хон Равонгача⁹ 1 *марҳала*¹⁰, Хон Равондан¹¹ Михражонгача¹²¹³ кун, Михражондан Асфаройингача 2 кун¹⁴, Бахманабоздан¹⁵ Михражонга қараб юрсанг¹⁶, Азазваргача¹⁷ 1 кунлик йўл¹⁸. Азазвардан¹⁹ Диворагача²⁰ 1 кун²¹, Диворадан²² Михражонгача²³ 2²⁴ кунлик йўл²⁵.

Марв шаҳарлари масофалари²⁶. Марвдан Кушмайҳангача²⁷ 1 *манзил*. Хурмузфарра²⁸ Кушмайҳаннинг чап томонида, унинг қаршисида 1 *фарсах*. Унда Хурмузфаррадан²⁹ олдин 1 *фарсах*да³⁰ Сифона³¹ чўлининг Хоразм ва Башонга³² олиб борадиган йўл бор.

¹ А5 ва Ф8 да бир *фарсах*.

² Ф6 да «2 *фарсах* атрофида. Хусравжирддан» йўқ.

³ А3 да بهمناناد, А9 да بهمناناد, А11 да بهمناناد.

⁴ А10 да «катта *марҳала*» ўрнига «*марҳала* атрофида». Ф8 да «*манзил*».

⁵ А9 да بهمناباد.

⁶ А3 ва А9 да موران, А8 да مودراب, А11 да مرندان.

⁷ А10 да бу жумла йўқ.

⁸ Ф1 да كوش, Ф8 да йўқ.

⁹ А3 да حان روان, А5 да خان وار, А10 да حار روان, Ф6 да خساوران, Ф8 да خان ريوند.

¹⁰ Ф8 да «кун».

¹¹ Ф6 да جاوران.

¹² А3 да مهرحار, А9 да مهرحاد, А11 да مهرخان.

¹³ Ф8 да «бир».

¹⁴ Ф8 да бу жумла йўқ.

¹⁵ Ф6 да بهماياد.

¹⁶ Ф8 да жумланинг шу еригача йўқ.

¹⁷ А8 ва А9 да اراذوار, А11 да الداذوان, Ф2 ва Ф3 да ازادوان, Ф6 да йўқ.

¹⁸ Ф8 да «бир кун».

¹⁹ А8 да ارارذوار. А10 да «бир кун. Азазвардан» йўқ. А11 да ارادون. Ф1 да «бир кун. Азазвардан» йўқ.

Ф6 да ازذوان.

²⁰ А3 ва А8 да ديواده, А9 да ريواده, А11 да دراده.

²¹ Ф8 да «*манзил*».

²² А3 да دنواذه. Ф1 да «Гоҳ *манзилигача*» илова қилинган.

²³ А3 да مهرحان, А8 ва А9 да مهران.

²⁴ Ф1 да «1».

²⁵ А4 да катта шаҳарнинг ички масофалари берилмаган. Ф8 да бу жумла йўқ.

²⁶ Ф6 да «Марвдан Кашмиргача ҳақиқат баёни». Марв шаҳарлари масофалари: «Марвдан бир *фарсах* масофада Хоразм чўли, йўл бошида Кушмайҳан жойлашган. Марвдан Данданақангача 2 *марҳала*. Сарахс ва Абивард йўлидан Савсақан, Ғавнайин ва Данданақанга уч *фарсах* ўтгандаги шаҳар. Сарахс йўли билан Абивард ва Савсақан ораси 1 *манзил* узоқроқда». Ф8 да бу жумла йўқ. Марв Ф6 да مروه. Кушмайҳан Ф6 да كسمر. Абивард Ф6 да بادرد. Ф6 да سومسقتان. Данданақан Ф6 да ندايقان.

²⁷ А4 да كشمهين, А8 да كشميون, А9 да كشميهين, А10 да لشمهين, А11 да كشمهم, Ф2, Ф3 ва Ф6 да كسمهر, Ф8 да كشمهين.

²⁸ А3 ва А9 да هرمرفره, А4 ва А10 да قره, «қишлоқ» деб ўқиш мумкин. А11 да هومن فره.

²⁹ А11 да هرمرفره.

³⁰ А4 да бу жумла йўқ. Ф8 да охири уч жумла йўқ.

³¹ А2, А3 ва А8 да سكانه, А4 да йўқ, А9 да بسكانه, А10 ва А11 да سقايه, Ф4 да سغانه, Ф7 да مغانه.

³² А3, А8 ва А9 да باسان, А4 да йўқ, А10 ва А11 да ماسان.

Синж¹ шахридан Сарахс ва Марв йўли ораси 1 *марҳала*², Жиранж³ шаҳардан 6 *фарсах*, Зарқдан⁴ олдин келади. У водий ичкарасида 1*фарсах* масофада жойлашган. Марурам шу йўлнинг Марвдан 4 *фарсах* узоқликдаги водийдадир⁵. Данданақан⁶ Сарахс йўлидаги Марвдан 1 *марҳала*⁷, Қаринайн⁸ Марвдан 4 *марҳала*даги Марв водийсида жойлашган⁹. Харақ¹⁰ Сарахс ва Абивард¹¹ йўли орасидаги шаҳардан 3¹² *фарсах*¹³, Савсақан¹⁴ Харақ¹⁵ билан бир хил, фақат ундан 1*фарсах*ча узоқроқда¹⁶.

Ҳирот шаҳарлари ва унга туташ Бушанж, Базғис¹⁷, Канж Русток масофалари¹⁸. Ҳиротдан Асфизоргача¹⁹ 3 *марҳала*. Асфизор²⁰ шаҳарлари айтиб ўтганимиздек, тўртта²¹. Ҳаммаси 1 *марҳала*дан²² камроқ масофада. Ҳирот ва Ҳирот Молини²³ ораси ярим кун²⁴, Ҳирот билан Карух²⁵ ораси 3 кун²⁶, Ҳирот билан Бушанж ораси 1 кунлик йўл. Бушанж билан Кара²⁷ ораси Найсабурга кетаверишда чап қўлда²⁸ 4 *фарсах*, у билан йўл ораси 2 *фарсах*ча бор²⁹. Бушанждан

¹ A9 да شنج, A10 да سنج, Ф8 да سنگ.

² A4 да «Синж Сарахс йўли ва Марв йўли орасидаги шаҳардан 1 *марҳала*да». Ф8 да «Марвдан Синжгача 1 *манзил*».

³ A8 да خريج, A9 да خريج, A11 да حيرمح.

⁴ A10 да درن, A11 да رور.

⁵ A4 да охириги икки жумла йўк. Ф1 да охириги тўрт жумла йўк. Ф8 да охириги икки жумла йўк.

⁶ A2 ва A3 да الددافعان, A4 да الددائقان, A8 да الددافعان, A9 да الددامعانى, A10 да الرديانفان, A11 да الدارافعان, Ф8 да دندان نوقان.

⁷ A4, A5, Ф4 ва A10 да «2 *марҳала*». Ф8 да «Марвдан Дандан Навқонгача бир кун».

⁸ A2, A10 ва A11 да العريسن, A3 ва A4 да العرس, A8 да العرينن, A9 да العرى.

⁹ Ф1 да «Марвдан Данданақангача 2 *марҳала*, Сарахс ва Қоринайн йўли Данданақанга боради». Қоринайн Ф3 да غرينن.

¹⁰ A10 да حوق, Ф1 да خره.

¹¹ A3 да اسوردر.

¹² A11 да «учдан бир».

¹³ A10 да бу жумла йўк.

¹⁴ A2, A3, A8 ва A9 да سوسان.

¹⁵ A3 да جرق.

¹⁶ A4 ва Ф8 да охириги икки жумладаги маълумот йўк. Ф8 да «Марвнинг барча кишлоқлари Марвдан 1 *манзил* масофада» илова қилинган.

¹⁷ A10 да بدعيس, A11 да يومان عس.

¹⁸ A4 да «Ҳирот шаҳарлари масофалари». Ф1 да жой номлари йўк.

¹⁹ A3 ва A11 да اسعرار, A4 да اسعراز.

²⁰ A4 да اسعزار.

²¹ A4 да «уларни номини айтиб бўлдик» илова қилинган. Ф1 да «3».

²² Ф1 да «кун».

²³ A10 ва A11 да مالى.

²⁴ A4 ва Ф1 да бу жумла йўк. A5, A10 ва A11 да «бир кун».

²⁵ A4 ва A10 да كنج, A11 да كرح.

²⁶ Ф8 да охириги беш жумла йўк.

²⁷ A2, A3 ва A9 да كوه.

²⁸ A4 ва Ф1 да «Найсабурга кетаверишда чап қўлда» йўк.

²⁹ A4 да бу жумла йўк. Ф8 да охириги икки жумла йўк. Ф6 да бу хатбоши йўк.

Фаркирдагача¹ 2 кун², Фаркирдадан Харкирдагача³ 2⁴ кун, Харкирдадан⁵ Завзангача⁶ 1 кунлик йўл. Ҳиротдан Ҳирот⁷ Башонигача⁸ 1⁹ марҳала¹⁰, Башондан¹¹ Хайсоргача¹² 1 энгил¹³ марҳала¹⁴, Хайсордан¹⁵ Астарбайонгача¹⁶ 1 марҳала¹⁷, Астарбайондан¹⁸ Моробозгача¹⁹ 1 энгил²⁰ марҳала²¹, Моробоздан²² Авфагача²³ 1 энгил²⁴ марҳала²⁵ масофа бор. Авфадан²⁶ Хаштгача²⁷ 2 кунлик йўл²⁸. Хаштдан Ғур худудига кирилади. Ҳиротдан Бабнагача²⁹ 2 марҳала³⁰, Бабнадан³¹ Кайфгача³² 1 марҳала³³ масофа бор. Кайфдан Бағшургача³⁴ 1 кунлик йўл³⁵.

Балх шаҳарлари масофалари³⁶. Балхдан Хулмгача 2 кун³⁷, Хулмдан³⁸ Варволизгача³⁹ 2 кун, Варволиздан Тайақангача 2 кун⁴⁰, Тайақандан Базах-

- ¹ A2 ва A3 да جوکرده, A8, A9 ва A11 да هرکرده, Ф2 да مرکزده, Ф8 да فرگرد.
- ² A10 да «атрофида» илова қилинган. Ф8 да «1 манзил».
- ³ A3, A8 ва A9 да جوکرده, A4 да حرکرده, A10 да حرکره, Ф8 да کرد.
- ⁴ A4 да «1». A10 да «атрофида» илова қилинган. Ф8 да «1 манзил».
- ⁵ A3, A8 ва A9 да جوکرده.
- ⁶ A8 ва A9 да روزن, A11 да رون.
- ⁷ A4 ва Ф8 да йўк.
- ⁸ A3, A4, A8 ва A9 да باسان, Ф8 да ماکن.
- ⁹ A3, A8 ва A9 да «ярим».
- ¹⁰ Ф1 ва Ф8 да «манзил».
- ¹¹ A11 да ماشان.
- ¹² A2 ва A3 да حسين ва حيدان, A4 да حان, Ф2 да خيتار.
- ¹³ A4, A10, A11 ва Ф1 да йўк.
- ¹⁴ Ф8 да бу жумла йўк.
- ¹⁵ Ф8 да «Ундан».
- ¹⁶ A11 да матн давоми: «1 марҳала. Астарбайондан» йўк. A4 да سسرسان, A8 ва A9 да استرسان, A10 да اسفرسان. A11 да سسرسان, Ф1 да سسر, Ф8 да اسفرسان.
- ¹⁷ Ф1 ва Ф8 да «манзил».
- ¹⁸ A8 да йўк.
- ¹⁹ A3, A8 ва A9 да ماراناد, A4, A10 ва A11 да بارناد.
- ²⁰ A4 ва Ф8 да йўк.
- ²¹ Ф8 да «манзил».
- ²² A10 да بارباد.
- ²³ A9 ва A11 да اوفه.
- ²⁴ A4 ва A11 да йўк.
- ²⁵ A10 да «кун». Ф8 да бу жумла йўк.
- ²⁶ Ф8 да «Ундан».
- ²⁷ Ф8 да چشت.
- ²⁸ Ф8 да «1 манзил».
- ²⁹ A3 да بينه, A8, A9 ва A10 да بسه, A11 да سنه, Ф8 да йўк.
- ³⁰ Ф8 да «3 манзил».
- ³¹ Ф8 да «Ундан».
- ³² A10 да لنف.
- ³³ Ф8 да «манзил».
- ³⁴ A2, A3, A8 ва A9 да مغشور, A4, A10 ва A11 да عسور.
- ³⁵ A5 да 1 марҳала. Ф6 да бу хатбоши йўк. Ф8 да «манзил».
- ³⁶ Ф6 да «Балхдан Хулмгача йўл баёни». Ф8 да бу жумла йўк.
- ³⁷ Ф8 да «икки кун» йўк.
- ³⁸ A10 да «Балх» дейилган.
- ³⁹ A4 ва A10 да وراالس, A11 да وروالن, Ф4 ва Ф6 да والين.
- ⁴⁰ A10, A11 ва Ф6 да бу жумла йўк.

шонгача 7¹ кун, Хулмдан Симинжонгача² 2³ кун⁴, Симинжондан⁵ Андаробагача 5 кунлик йўл⁶. Андаробадан Жарбойагача⁷ 3⁸ марҳала⁹, Жарбойадан Банжҳиргача¹⁰ кунлик, Аскар Банжҳирдан¹¹ Фарвонгача¹² 2 марҳала масофа бор.

Балхдан Бағлангача¹³ 6 марҳала – Симинжонгача¹⁴ 4¹⁵ ва¹⁶ Бағлангача¹⁷ 2 марҳаладир¹⁸. Балхдан Мазргача¹⁹ 6 марҳала²⁰, Мазрдан Кахгача 1 манзил, Кахдан Бомийонгача 3²¹ марҳала²² масофа бор. Балхдан Ушбурақангача²³ 3²⁴ марҳала, Ушбурақандан Фарйобгача²⁵ 3²⁶ марҳала²⁷, Фарйобдан²⁸ Тайақангача²⁹ 3³⁰ марҳала, Тайақандан³¹ Марв ар-Рузгача³² 3³³ марҳала³⁴ масофа бор.

¹ A10 да «7».

² A3 ва A9 да سمنحان, A8 да سمعان, A10 да سمنحان, F2 да سييجان, F3 да سحنان, F6 да سجنان.

³ A4 да «5», F1 ва F6 да «бир».

⁴ F8 да охириги тўрт жумла йўқ.

⁵ A8, A9 ва A10 да «2 кун. Симинжондан» йўқ. F8 да йўқ.

⁶ A11 да охириги икки жумла йўқ. F8 да «икки кун».

⁷ A3 да حارتلته, A4 да خاربانه, A10 да حرابيه.

⁸ A11 да «учдан бир».

⁹ F1 ва F6 да «кун».

¹⁰ F6 да هيجور.

¹¹ F6 да عسك منح بعه.

¹² A10 да فرواب, F6 да فروان.

¹³ A4 да بغلان.

¹⁴ A3 да سمحار, A9 да سمنخان, F6 да مياصبان.

¹⁵ F6 да «3».

¹⁶ F1 да «У ердан Симинжонгача ۴ марҳала» йўқ. F6 да матн давомида «Бағлангача ۲ марҳала» йўқ.

¹⁷ A3 да بعلان, A4 да Бағлан масофаси йўқ. A11 да بعلان.

¹⁸ A10 да бу жумла йўқ.

¹⁹ A3, A4, A8, A9, A10 ва A11 да منر.

²⁰ F1 да бу жумла йўқ.

²¹ A11 да «учдан бир».

²² F6 да охириги уч жумла йўқ.

²³ A3 ва A10 да اسورقان, A8, A9 ва A11 да اسورقان, F1 да شبورقان, F6 да شورقان.

²⁴ A11 да «учдан бир».

²⁵ A2 ва A3 да الطائفان, A4 да قاريان, A8 ва A9 ва A10 да الغاريات.

²⁶ A11 да «учдан бир».

²⁷ A10 да «3 марҳала» йўқ. F8 да охириги тўккиз жумла йўқ.

²⁸ F8 да йўқ.

²⁹ A3 да الطائفان.

³⁰ F8 да «икки».

³¹ A11 да «3 марҳала. Тайақандан» йўқ.

³² A5 да Марв.

³³ A11 да «учдан бир».

³⁴ F6 да охириги уч жумла йўқ.

Қуҳистон¹ шаҳарлари орасидаги масофалар: Қойиндан Завзангача² 3³ *марҳала*⁴, Табас Масинонгача⁵ 2 кун⁶, Хургача 1⁷ кунлик йўл. Хурдан⁸ Хустгача 2⁹ *фарсах*, Қойиндан Табасайнгача 3¹⁰ *марҳала*¹¹ масофа бор. Булар Хурсондаги масофаларининг барчасидир¹².

Мовароуннаҳр

Мовароуннаҳр: **шарқи** Хутталга¹³ чегарадош Фомир¹⁴, Рошт¹⁵ ва Ҳинд¹⁶ ери билан тўғри чизикда¹⁷; **ғарби** Ғуз¹⁸ ва Хазлаж¹⁹ ўлкалари Тараз²⁰ чегарасидан Фараб²¹, Бисканд²², Самарқанд Суғди²³, Бухоро²⁴ туманлари, Хоразм ва унинг денгизига қадар эгри чизик бўйлаб давом этади; **шимол**и Фарғона²⁵ вилоятининг чеккасидан Таразгача тўғри чизикда Хазлаж²⁶ турклари; **жануби** Базахшон²⁷ томонидан Хоразм денгизигача Жайхун²⁸ дарёси бўйлаб тўғри чизикда²⁹ ўралган. Хоразм ва Хуттални³⁰ Мовароун-

¹ **Ф6** да «Қойиндан Табасайнгача Ушбуркан ... 3 *марҳала*. Толақондан Марв ар-Рудгача 3 *марҳала*. Қойиндан Завзангача йўл баёни».

² **A4** да زوزين.

³ **A11** да «учдан бир».

⁴ **A3** да биринчи масофа йўқ. **Ф8** да бу жумла йўқ.

⁵ **A3** ва **A4** да طيس مسان, **A8** ва **A9** да طيس مسان, **Ф6** да طيسين مريان, **Ф8** да طيس.

⁶ **Ф8** да «6 манзил».

⁷ **A4** да «2».

⁸ **A9** да حرو, **Ф1** да حون.

⁹ **Ф1** ва **Ф6** да «1».

¹⁰ **A11** да «учдан бир».

¹¹ **A5** да 9 *марҳала*. **A10** да «Қойиндан Табас Масисон 2 кун. Қойиндан Хур шахригача, Хурдан Хаваштгача 2 *фарсах*. Қойиндан Табсайнгача 3 *марҳала*». **Ф8** да «Табасдан Тавнгача 2 *манзил*. У ердан кичик қасаба Рақагача 2 *манзил*. Рақадан Табасгача 2 *манзил*».

¹² **A3**, **A4**, **A8**, **A9**, **A11**, **Ф1** ва **Ф6** да бу жумла йўқ.

¹³ **A11** да الحش, **Ф2** ва **Ф3** да كوه - «тоғ», **Ф6** да كره.

¹⁴ **A4** да قاين, **Ф2** да فايز, **Ф3** да йўқ.

¹⁵ **Ф2** да راسب, **Ф3** да йўқ.

¹⁶ **Ф6** да هندوستان.

¹⁷ **A5** да «чунки, Хуттал Жарйоб ва Вахшоб дарёси орасида» илова қилинган.

¹⁸ **A10** да عربه, **A11** да الغربه, **Ф2** ва **Ф3** да غزنين, **Ф6** да غرين.

¹⁹ **A10** да الخليه, **A11** да الحرليه.

²⁰ **A4** да حلوان, **A10**, **Ф3** ва **Ф6** да طوران, **Ф2** да توان.

²¹ **A11** да بارياب.

²² **A2** ва **A3** да سكد, **A11** да سكد, **Ф2** да بيكد, **Ф3** да ببركد, **Ф7** да مركند.

²³ **A11** да سعد سمرقند, **Ф2** ва **Ф3** да «Суғд ва Самарқанд». **Ф6** да سعد وسمرقند.

²⁴ **Ф6** да كماما.

²⁵ **A10** да فرعانه.

²⁶ **A2**, **A3**, **A8** ва **A9** да «турклар ва хазлажлар», **A10** да الخلخيه, **A11** да الحرليه, **Ф1** да йўқ, **Ф6** да تركستان.

²⁷ **A11** да بدحسان.

²⁸ **A11** да حيحون.

²⁹ **A2** ва **A9** да «чегара».

³⁰ **A11** да الحبل, **Ф6** да حتل.

наҳрда жойлаштирдик. Хутгал – Жарйоб¹ ва Вахшоб² дарёлари оралиғидадир. Вахшоб Жайхун дарёсининг ўзани, ортидаги ерлар Мовароуннаҳрга тегишлидир. Хоразм шаҳри дарё ортида,³ Хуросондан кўра Мовароуннаҳр шаҳарларига яқинроқ⁴.

Мовароуннаҳр Ислом дунёсининг энг ҳосилдор, обод ва неъматларга тўла иқлимларидан,⁵ ҳудуди – хавфсиз ва каттадир. Аҳолиси – ҳимматли, сулҳпарвар, шавкатли; муҳтожга жасурлиги, асбоб-ускуна, улов, курол-яроғи билан жўмардлик ва саховат ила кўмак беради.

Ҳосилдорлиги: Мовароуннаҳрда бир марта бўлгунича, биз зикр қилган иқлимларда бир неча марта курғоқчилик бўлиб ўтади. Экинларини совук урса, чигиртка таласа ёки бирор офат содир бўлса, ҳосилнинг омон қолган қисми ҳам оғир вазиятдан чиқиб олишга етади. Юртларига четдан нарса олиб келишга зарурат бўлмайди⁶.

Мовароуннаҳрда шаҳар, қишлоқ ва подалари ўтлайдиган яйловлардан холи жой учрамайди. Кишилар заруратига етишмайдиган, уларни машаққатдан қутқармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бошқаларга ҳам етиб ортади⁷. Таомлари⁸ баён қилганимиздек, мўл-кўлдир⁹. Суви¹⁰ чучук ва ширин, тоғу далалар, шаҳарларини¹¹ таъминлайди.

Ҳайвонлари: Уларга кўп эҳтиёжманд бўлсалар-да, хачир, эшак ва туя ҳам ўзларига етарлигина етиштирилади¹². Ғуз, хазлаж ва чегарадош ерлардан ҳайвонлар керагидан ортиқ келтирилади¹³.

Кийимлари: Пахтадан тайёрланади ва ўзларидан ортади. Четга ҳам чиқарилади¹⁴. Мўйна¹⁵, жун ва пахмоқ¹⁶ ҳам бор¹⁷.

¹ A2 да حوناب, A3 ва Ф2 да حراب, A8 ва A9 да حواب, A11 да حراب, Ф3 да رباب, Ф6 да هراب ва رباب.

² A8 да رحساب, A11 да رحساب.

³ A5 да йўқ.

⁴ A2, A3 ва A11 да «Бу Мовароуннаҳрнинг суратидир» илова қилинган. Ф1 да охириги икки жумла йўқ.

⁵ Ф1 да « энг ҳосилдор, обод ва неъматларга тўла иқлимларидан » йўқ.

⁶ Ф1 да бу жумла: «Бир йил офат етса, ўтган йилги захираси кўп бўлади. Ғалла, мевалар ва таомлар уларга бир йил ва кўпроққа етади».

⁷ A8 да таомлари ва сувлари ҳақидаги маълумот йўқ.

⁸ A10 да жумланинг қолган қисми йўқ.

⁹ Ф1 да охириги уч жумла йўқ.

¹⁰ A8 да «Ҳайвонлари сувлари». A10 да «Сувлари эса» йўқ.

¹¹ Ф1 да «тоғлари ва чўллари».

¹² Ф1 да «улов ва чорвалари жуда кўпдир».

¹³ Ф1 да «кўйлар Туркистон ва ғузлардан кўплаб келтирилади». Ф8 да аввалги икки жумла: «Чорвалари эса, кўй, сигир, эшак, хачир ва туя, ўз ерларида етарлича етиштирилса ҳам, кўй ғуз ва харлухлардан келтирилади».

¹⁴ Ф1 да «Самарқанд карбоси ҳамма ерда машҳурдир».

¹⁵ A10 да «шойи».

¹⁶ Ф8 дайўқ.

¹⁷ A5 да бу жумла «Уларда кўп ипак, жун ва юнг ҳам бор». Ф1 да «кўп»

Ўлкаларида темир маъдани қурол ва усқуналарга эҳтиёжидан ортиқроқ-дир¹. Ундаги кумуш², олтин ва симоб³ маъданларининг кўплигига бошқа Ислом⁴ ўлкалари тенглаша олмайди. Фақат Банжхирда кумуш серобдир. Симоб, олтин ва бошқа маъданлар Мовароуннахрдагидан⁵ кўп эмас⁶. Мовароуннахр нашатири ва қоғози бошқа Ислом мамлакатларида бўлмайди⁷.

Мевалари: Суғд, Ушрусана⁸, Фарғона ва Шошга⁹ борсанг, улар кўплигидан чет мамлакатларга чиқарилганидан ортгани билан ҳайвонларини боқаётганини кўрасан¹⁰.

Қуллар: Уларни ўраб турган турк вилоятларидан ортиги билан келтирилади. Хорижга ҳам олиб кетилади. Улар бутун машриқдаги¹¹ қулларнинг энг яхшилари дир¹².

Унда Туббат¹³ ва Хирхиздан¹⁴ келтириладиган¹⁵ мушк кўп бўлади. Бошқа катта шаҳарларга¹⁶ ҳам шу ердан олиб борилади.

Сағанийондан¹⁷ Вашжирдга¹⁸ қадар чет ўлкаларга олиб кетиладиган заъфарон ўсади¹⁹. Сувсар, олмахон, тулки ва бошқа мўйналар,²⁰ темир²¹, арқон, лочин ва подшоҳларга керак бўладиган ноёб буюмлар энг олис ғарб²² ўлкаларигача жўнатилади.

Саховати²³: Мовароуннахрда одамлар бир хонадон кишилари кабидир. Бир киши бошқасиникига ўз уйига киргандай тўхтайтиди. Мезбон йўловчининг бу ишида ёмонлик кўрмайди. Келган меҳмонни танимаса-да, ундан совға умид қилмай²⁴ оғирини энгил қилишга бор кучини сарфлайди.

¹ Ф1 да бу жумла йўқ.

² Ф1 да «темир» илова қилинган.

³ А10 да «мис» илова қилинган.

⁴ А5 да йўқ.

⁵ А8 да «дарё ортидагисидан».

⁶ Ф8 да бу хатбошидаги маълумот: «У ерда темир конлари кўплигидан ўзларидан ортади ва оламга олиб кетилади. Бу жинсларнинг энг яхшиси Мовароуннахрда бўлади».

⁷ Ф1 да «Бутун дунёдаги нашатир у ерда. Самарқанд қоғози бошқа ҳеч ерда бўлмайди».

⁸ А10 да اسروسنه, А11 да اسروسنه.

⁹ А11 да الشامس.

¹⁰ Ф1 да «Мевалари эса, Суғд, Ушрусана, Фарғона ва Шошда кўплигидан уларни ҳайвонлари ейди».

¹¹ А4 да تحت яъни «арзон бўладиган» ёки «тушадиган» маънода таржима қилиш мумкин.

¹² Ф1 да «Қуллар Туркистондан Мовароуннахрга келтирилади, ортгани бошқа ерларга етказилади. Ҳеч бир қул турк каби эмас».

¹³ А10 да السبت.

¹⁴ А10 да حر حر.

¹⁵ Ф1 да «биринчи бўлиб келтириладиган».

¹⁶ Ф1 да «уфқларга».

¹⁷ А10 да الصعائنان.

¹⁸ А10 да واشحر.

¹⁹ Ф1 да бу жумла йўқ. Ф8 да «Вашжирдга қадар» йўқ.

²⁰ Ф1 да жумла давоми: «кўп бўлади ва лочин Мовароуннахрдан олиб кетилади».

²¹ А2 ва А3 да خدقك.

²² А9 да عرب, яъни «араб».

²³ Ф8 да «саховати ва жасорати».

²⁴ Ф8 да «ўз дўстидек» илова қилинган.

Уларда ҳар бир киши борини ўзи ва уйига келган меҳмондан аямайди¹. Борсанг, катта қаср ва меҳмон учун хона қураётган жой² эгасини топасан³. Унинг вақти кечаси келган йўловчига шароит ҳозирлашга кетишини кўрасан⁴. Бир йўловчи тўхтаста, унинг учун баҳслашиб, тортишадилар⁵. Мовароуннаҳрда ҳеч ким на кечаси ва на кундузи одамлар⁶ бор жойда нарсасини йўқотиб қўйишдан кўркмайди. Улар бу борада бошқалар давлат тўплашда баҳслашгани ва бойлиги билан мақтанганлари каби ўзаро беллашади. Молларини сарфлаб, мулклари камайишидан асло ғам чекмайдилар⁷. Суғдда⁸ бир уйни кўрдим, дарвозасига қозиклар⁹ қоқилган эди. У йўловчини тўсмаслиги учун юз ва ундан ортиқ йиллардан буён ёпилмаган экан. Бир куни дафъатан, кечаси юз, икки юз¹⁰ ва ундан ҳам кўпроқ киши уловлари ва хизматкорлари билан шу ерда тўхтайтиди. Улар жой эгасини безовта қилмасдан уловлари учун емиш, ўзларига етгудек егулик ва кийим топмоқчи бўлади. Йўлда бемалол давом этиш ва қидириб юрмаслик учун сафарда доимий керак бўладиган барча нарсалар тайёрлаб қўйилган экан. Жой эгаси кўноқларни табассум билан қаршилаб, меҳмонга муносиб муомала қилганини кўришгач, у ишидан хурсандлиги ва саховатли эканини билишади. Бунга ўхшашини Ислом мамлакатларидаги халқларда кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам¹¹. Одатда Ислом ўлкаларида бадавлат кишиларнинг кўпчилиги давлатини фақат ўз маишати,¹² ким ўзарликда Аллоҳ қайтарган, рози бўлмайдиган нарсаларга сочганини кўрасан. Озчиликкина бундан мустаснодир. Мовароуннаҳр мулкдорларининг кўпчилиги бойлигини работ, йўлларни обод қилиш, *жиҳод* йўлидаги вақфлар ва бошқа хайрли ишларга сарфлашини кўрасан. Бу каби ишларни қилмайдиганлари жуда камчиликдир¹³.

¹ **Ф1** да бу жумла: «Улар шу қадар очикқўл ва меҳмондўст, ҳеч бир йўловчини ёмон кўрмайди. Буни кўрган бутун Мовароуннаҳр бир уй каби экан, деб ўйлайди. Мусофир у ерга борса, барча унинг хизматини жойига қўяди ва хизмат ҳаққи олмайди».

² **А3** да «ишлаб чиқарувчи». **Ф4** да «пешво».

³ **Ф1** да «Ҳар бир дехконга зарур бўлган нарса унинг бир саройи ва бир меҳмонхонаси бўлишидир».

⁴ **А5** да бу жумла: «Унинг бутун ҳаёти гўзал эканини кўрасан», **Ф1** да «Унинг йил давомида меҳмонхонада йўл озигини тайёрлаб қўйиш билан банд бўлишини кўрасан».

⁵ **Ф1** да «ўзларининг барча нарсаларини меҳмондорчилик учун сарфлайдилар» илова қилинган.

⁶ **А2** ва **А3** да «қудрат».

⁷ **Ф1** да охириги икки жумла йўқ.

⁸ **Ф8** да бу жумла: «Китоб муаллифи айтади: «Суғдга етиб борганимда бир ...», деб бошланади.

⁹ **А3** да «торлар».

¹⁰ **Ф8** да «икки юз» йўқ.

¹¹ **А10** да охириги уч жумла йўқ. **Ф1** да «Китоб муаллифи айтади: «Суғдда бир сарой кўрдим. Дарвозаси очилиб, деворига миҳлаб қўйилган. Нега бундай? – деб сўрадим. Айтдилар: «Юз йилдан ошди, бу дарвоза очик туради ва кеча-кундуз ёпилмайди. Бир гал юз ва ундан ортиқ отлик тўсатдан, огоҳлантирмасдан келиб қолади. Сарой эгасининг ўрнидан қўзғалишига ҳожат бўлмади. Кишилар таоми, уловлар емиши ҳаммаси тайёр эди. Ҳар бир ишни бажаришга одам тайин қилинганди. Ҳар бир меҳмонга уй эгасининг хурсандлиги, юзи ёруғлиги маълум бўлди». Бундай ишни бу юртдан бошқа ҳеч бир иқлимда кўрмадим».

¹² **Ф1** да жумланинг давоми: «фиску-фасод ишлар қиладилар».

¹³ **Ф1** да бу жумла: «Мовароуннаҳр кишиларининг барчаси хайрли ишларга, кўприк ва работга сарфлайдилар».

Йўловчи тўхташи учун ортиғи билан работлари бўлмаган бирор шаҳар, кўноқжой¹, кишлок йўқ². Эшитишимча, Мовароуннаҳрда ўн мингдан ортиқ работ бор экан. Уларнинг кўпида йўловчи тўхтаса, уловига емиш, ўзига таом тайёрлаб қўйилган³. Самарқандда йўловчи учун муздек “йўл суви” қўйилмаган бирор хона, йўл чети ё деворни деярли кўрмадим⁴. Ишончли кишининг айтишича, Самарқанд, уни ўраб турадиган деворида қурилган сув иншооти⁵ ва қазилган кудук орасида икки мингдан⁶ ортиқ жойда йўловчи учун муздек сув қўйилган экан⁷.

Ислом вилоятларида уларнинг қудрати ва шавкатидан жиҳодда улуши каттароғи йўқ⁸. Мовароуннаҳрнинг барча чегараси уруш майдонидир⁹. Хоразмдан¹⁰ Исбижаб¹¹ туманигача ғуз турклари; Исбижабдан¹² Фарғонанинг чеккасигача хазлаж турклари¹³; Мовароуннаҳр чегаралари Синд¹⁴ ва Ҳинд ўлкасини Хутталнинг юқорисидан¹⁵ Фарғона тепасидаги турклар чегарасигача айланиб ўтади. Улар бу ҳудудлар аҳолисини бўйсундирган ва ўз қудратларини ёйган. Исломда турклардан қудратлироқ бўлган бошқа уруш майдони йўқ. Улар турклар тарафидан чегара ҳудуд мусулмонларидир. Ислом юртларини улардан тўсади. Бутун Мовароуннаҳр чегарадир¹⁶. Душман бурғуси овози уларга эшитилиб туради¹⁷.

¹ **A5** да “манҳал” ёзилган – саҳрода йўловчи тўхтаб, дам олиб ўтадиган жой, **Ф1** да бу сўз йўқ.

² **A10** да бу жумла йўқ. **Ф1** да жумла давоми: «Ҳар манзилда работ ва жойлар керагидан ортиқ қурилган, уларни вақф қилдилар ва таомлар тайёрлаб қўйдилар».

³ **A8** да бу жумла йўқ. **Ф1** да «кўпида» ва «эхтиёжи бўлса» маълумотлари йўқ.

⁴ **Ф1** да бу жумла: «Китоб муаллифи айтади: “Мовароуннаҳрда ҳар бир уйда, маҳалла бошида, масжидида, работида ва одамлар тўпланадиган жойда, уларнинг кўпида ёзда муздек йўл суви қўйилган бўлади».

⁵ **A2** да «унинг дарасида».

⁶ **A4** да «бир минг».

⁷ **A5** да «Самарқандда» тушиб қолган. **A8** да «оқизилган». **A10** да охириги икки жумла йўқ. **Ф1** да: «Ишончли кишининг айтишича, Самарқандда минг жойга муздек йўл суви қўйилган». **Ф3** да бу жумла йўқ.

⁸ **Ф1** да бу жумла йўқ.

⁹ **Ф1** да бу жумла: «Уларнинг мардликларини яна айтадиган бўлсак, бунга сабаб Мовароуннаҳрнинг атрофининг барчаси ҳарбийлардир». «Уруш» сўзи: **A10** да الخړلخيه, **A11** да الخړلخيه.

¹⁰ **A10** да حوارم.

¹¹ **A10** да اسبحاب, **A11** да اسبحاب, **Ф2** ва **Ф3** да سحاب, **Ф8** да سحاب.

¹² **A11** да استجاب.

¹³ **Ф1** да «Хоразмдан Исбижаб тумани, Фарғона чегараси, Мовароуннаҳр худудигача барчаси Туркистондир».

¹⁴ **A1** ва **A8** да سفينه, **A5** да سغديه, **A10** да الصغديه, **A11** да السفيند, **Ф4** да سفينه.

¹⁵ **A5** да «чегарасининг ортидан».

¹⁶ **Ф1** да чегара маълумоти: «Мусулмонлар учун Туркистондан бошқа ҳеч қийинроқ ва оғирроқ уруш майдони йўқ. Хоразм Туркистон олдидаги Ислом чегарасидир. Барча Мовароуннаҳр чегарадир». **Ф3** да бу хатбошидаги икки «Мовароуннаҳр» орасидаги матн йўқ.

¹⁷ **A10** да охириги икки жумла йўқ. **Ф1** ва **Ф8** да бу жумла йўқ.

Аллоҳ раҳмат қилгур, Наср ибн Аҳмад билан Шавғар¹ ғазотида қатнашган кишининг² айтишича, улар уч юз минг атрофида бўлган³. Тўрт минг киши қўшиндан ажралиб, улар қайтгунича бир неча кун адашиб қолган. Уларнинг орасида мовароуннахрлик аъёнлардан⁴ кўпроқ киши бўлмаган⁵.

Менга маълум бўлишича⁶, Муътасим хавотирини⁷ ёзиб Абдуллоҳ ибн Тохирга мактуб йўллайди. У номани Нуҳ ибн Асадга юборади. У:⁸ “Мовароуннахрда уч юз минг кишлоқ бор, ҳар биридан бир суворий ва бир пиёда чикса ҳам аҳолиси учун йўқотиш бўлмайди”,⁹ – деб жавоб ёзади.

Яна билганим: Бирор чегара ҳудуди Шош¹⁰ ва Фарғонадаги каби мустаҳкам эмас, ҳамма эҳтиёт чоралари кўрилган¹¹. Ҳатто, султон¹² бўлмаганларида ҳам юздан¹³ беш юзгача улови бор¹⁴. Улар юрти энг узоқ бўлишига қарамай¹⁵, энг биринчи ҳаж қилувчилардир. Аниқ, ҳеч ким улардан олдинроқ ҳажга келмайди ва кейин кетмайди¹⁶.

Улар катталарига итоат қилувчиларнинг¹⁷ энг яхшиси, ёши улуғларига хизматда энг хокисордирлар. Халифалар шу сабабдан Мовароуннахрдан эр кишиларини ёнларига чақиртириб оладилар. Қўрқмаслиги¹⁸, журъати, шижоати ва жасорати билан бошқа халқлардан ажралиб тургани учун уларнинг қўшини турклардан эди¹⁹.

Мовароуннахр деҳқонлари халифалар қўмондонлари, мулозимлари ва хос ходимлари бўлиб хизмат қиларди. Улар илтифоти, итоати,

¹ **A2** ва **A3** да **سرده**, **A8**, **A9**, **Ф2**, **Ф3**, **Ф4** ва **A10** да **سرندقه**, **A11** да **سر دوفه**.

² **A8** ва **A9** да «مع خان» яъни «хон билан» деб таржима қилиш мумкин.

³ **Ф4** да «эҳтиёткор бўлардилар».

⁴ **A8** да йўқ.

⁵ **Ф1** да бу маълумот: «Китоб муаллифи айтади: “Ишончли кишидан эшитдим, у: «Мен Шавғар ғазотида Наср Аҳмад билан бирга бўлдим. Қўшинидан тўрт юз минг киши ажралиб қолди ва бир неча кун қароргоҳга қайтиб кела олмади. Лашкар бутун Мовароуннахр кишиларидан ҳам кўпроқ, сон-саноксиз эди», – деди.

⁶ **Ф8** да бу жумла бошланиши: «Китоб муаллифи айтишича».

⁷ **A3** да «тахдид билан мурожаат қилди». **A5** да «ўз хавотири билан». **Ф1** да йўқ. **Ф8** да «ўз ходимларини йиғиш борасида бир топшириқ жўнатади».

⁸ **Ф1** да «Абдуллоҳ ибн Тохир».

⁹ **A8** ва **A9** да жумла охири: «ҳеч нарса бўлмайди», **Ф3** да «чикса ва қайтиб келмаса ҳам аҳамиятга эга бўлмайди».

¹⁰ **Ф1** да **جاج**.

¹¹ **Ф8** да бу жумла: «Эшитишимча, Шош ва Фарғонада [шундай] ҳарбий қурилма ва уруш қилиш услуби борки, бундайини Ислом чегара ҳудудларидан бирортасида борлигини кимса эшитмаган».

¹² **A4** да «амир»

¹³ **A4** да «икки юз».

¹⁴ **A10** да «икки». **Ф1** да «хусусан ўзиники» илова қилинган.

¹⁵ **Ф8** да «Уларнинг юрти энг узоқ бўлишига қарамасдан» йўқ.

¹⁶ **A10** да охириги икки жумла йўқ.

¹⁷ **A8** да «ўзларининг катталарига итоат қилишда» йўқ.

¹⁸ **A8** да «қўрқмаслиги» йўқ.

¹⁹ **Ф1** да бу жумла: «Уларнинг табиатан яхши хизмат қилувчи, буйруққа итоатли, мардлиги ва содиқлиги боис халифалар турк лашкарини ихтиёр қилганлар».

мағрурлиги ва султонлардай кийинишлари билан фарғоналик ва турк миршаблар каби халифаликнинг ишончли кишилари, аскарбошилар бўлиб олдилар¹.

Ушрусанадан² Афшин ва Ол ибн Сож, Самарқанддан Ихшид, Суғд ва Бухородан³ Марзбон ибн Турксафий⁴, Ужайф ибн Анбаса каби қўркмас ва шижоатли⁵ турклар⁶ ва бошқалари халифаликда ғолиб чиқиб, зодагон амирларнинг ҳарбий қўмондонлари, жангчилари бўлдилар⁷.

Бу иқлим ва Хуросон подшоҳлари Сомонийлардир. Улар Баҳром ибн Чўбиннинг авлодлари, уларнинг қўркмас ва ботирлиги *ажам* бўлимида айтиб ўтилди⁸. Исломда улардан эпчилроқ, қуроли кўп ва подшоҳлик сифати ортиқроқ кимсалар йўқ⁹. Мағлуб бўлиб тарқаб ё бирор ҳодиса сабаб ажраб кетса, Ислом ўлкаларида бу подшоҳлар¹⁰ қўшинларидан бошқа қабилалар, шаҳарлар ва уларнинг атрофларида¹¹ қайта йиғиладиган бирорта қўшин йўқ. Уларнинг қўшини мамлук ва ўз уй-жойини биладиган озод турклардандир. Бир гуруҳи ўлдирилса ё вафот этса, кўплигидан бошқалари улар ўрнини эгаллайди. Нимадир бўлиб ажралиб кетса, барчаси бир жойда қайта бирлашади. Бошқа қўшинларни ёндирадиган нарса уларни ёндирмайди¹². Қашшоқ қўшин ва шаҳар миршабларида бўлган тарқаб ё бошқа подшоҳларга ўтиб кетиш одати уларда йўқ¹³.

¹ A5 да «аскарлари». Ф1 да бу жумла: «Мовароуннаҳр деҳқонлари халифаларнинг мулозимларидир».

² A10 да اشروشنه.

³ A10 да النحر.

⁴ A3 да بر كسفى, A10 да بكسعى, Ф7 да كسفى.

⁵ A8 ва A9 да «қурилмалари».

⁶ A2, A3, A8 ва A9 да نحر حداسه, A10 да Ужайф ибн Анбасадан шу еригача йўқ.

⁷ A3 да «уларнинг қўмондонлари ва ҳарбийлари». Ф1 да «Суғддан Марзбон ибн Турксафий каби».

⁸ A5 да «машҳур бўлди». Ф1 да бу жумла: «Шу сабабдан уларнинг қўмондонлари ва Хуросон подшоҳлари Баҳром Чўбиннинг авлодларидан Сомонийлардир. Уларнинг подшоҳлиги ва мардлиги хабарларда машҳурдир».

Ф8 да маҳаллий сулолалар: «Ушрусанадан Афшин ва Ол Абу Сож, Самарқанддан Ихшид, Насафдан Марзбон, Суғддан Ужайф ибн Атба ва Сомоний подшоҳлари Баҳром ибн Чўбин авлодидир. Бутун Хуросонга ҳукмронлик қилган, у ноҳияларда адолат ва инсоф гиламини ёзганлар, яна куёшданда порлоқ бўлганлар. Китоб ва тарихларда маълумдир». Матн асосий матндаги Мовароуннаҳрнинг чиройи билан боғлиқ еридан давом этади.

⁹ Ф1 да бу жумла: «Шу сабабдан Мовароуннаҳр чегараси барча мусулмон иқлимларидан мустаҳкам, энг обод, қурол ва ҳарбий бўлимлар кўпдир».

¹⁰ A10 да «қавм».

¹¹ Ф1 да бу жумла: «Подшоҳларда турклардан кўра муносиброқ ҳарбий бўлинма йўқдир. Чунки, бирор қавмдан унинг черигига зарар етса, қирғинга учраса, ёки дарёга ғарқ бўлса улардан бошқа қўшин чиқини учун кўп йиллар ўтиб кетади. Турклар қўшини эса, уларнинг сони кўпдир».

¹² Ф1 да «Бирор қавмга шикаст етса, улардан бошқа бир гуруҳ зудлик билан қайта тўпланади. Бирор сабаб билан тарқалиб кетса, зудлик билан қайта бирлашади».

¹³ A10 да охириги уч жумла йўқ. Ф1 да бу жумла йўқ.

Аллоҳ раҳмат қилгур, Исмоил ибн Аҳмаднинг ғуломи Борис¹ Абдуллоҳ ибн Муътаз фитнасида Аллоҳ раҳмат қилгур, Аҳмад ибн Исмоилга² қарши чикди³. Қўшини кўплиги билан халифаликни саросимага солди⁴. У мукамал ҳарбий ускуналар, кўп сонли отлиқлар, яхши қуролланган черик билан келди. Халифаликда бундай қўшин йўқ эди. Сомонийларга қул бўлган вақтида унинг йўқолгани хуросонликларга⁵ билинмаганди.

Ислом мамлакатларида *ажам*лар давридан буён улар каби тахтни⁶ мерос қолдириб келган подшоҳлар йўқ⁷. Сомонийлар даврини улар форслардан бўлгани сабабли Форсдаги жойлари, Хуросонга жойлашув сабаблари ва турмуш тарзига қайта тўхтамаслик учун баён қилган эдик⁸.

Чирой бобида Ислом ўлкаларида Мовароуннаҳр Бухоросидан яхшироқ шаҳар борлигини кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам⁹. Қалъасига кўтарилсанг, кўзинг барча ерларидаги яшилликдан бошқа нарсага тушмайди. Унинг яшиллиги фалак рангига тутшиб кетади. Осмон унда тўртбурчак яшил гилам устидаги кўк гумбаз кабидир. Бағрида қасрлар ёғду сингари милтиллайди. Текис ҳайдалган далалари ойнадай¹⁰. Мовароуннаҳр¹¹ ва Хуросонда Бухоро аҳлидаги каби яхши ҳайдаладиган ер, кўп майдонли шаҳар йўқ¹². Бу фақат шу шаҳарга хосдир¹³. Ернинг энг гўзал жойлари дея Самарқанд Суғди, Убулла¹⁴ дарёси ва Дамашқ Ғутаси¹⁵ таърифланади¹⁶. Форсдаги Сабур¹⁷ ва Жур Дамашқ Ғутаси ва Убулла дарёсидан кам бўлмаса-да, бу жойлар кўпроқ гапирилади¹⁸.

¹ **Ф2** ва **Ф3** да «Форис».

² **A10** да «ибн Аҳмад» илова қилинган.

³ **Ф1** да бу жумла: «Абдуллоҳ ибн Муътаз замонида ғулом Борис Исмоил ибн Аҳмаднинг қули эди. Хуросондан қочиб Ироққа етиб борди».

⁴ **Ф1** да бу жумла йўқ.

⁵ **Ф1** да «Исмоил ибн Аҳмад лашкарида пайтида унинг йўқ бўлиши асло билинмаганди (аҳамият-сиз)».

⁶ **A8** да йўқ.

⁷ **Ф1** да бу жумла: «Мусулмонлар юртларида бирор ерда подшоҳлик турклардаги каби бўлмаган. Мулк ва подшоҳлик уларда мерос бўлиб ўтади».

⁸ **A10** да охириги икки жумла йўқ. **Ф1** да: «Бундан аввал Сомонийлар, уларнинг Форсдан тушиши сабаблари, мамлакат бошқаришларини баён қилгандим, қайта баён қилишга ҳожат йўқ». **Ф3** да «Сомонийлар» ўрнида «Сосонийлар».

⁹ **Ф1** да «Иқлимларнинг ҳеч бирида Мовароуннаҳр, айниқса, Бухородан ёқимлироқ ва чиройлироқ жой йўқ». **Ф8** да «Мовароуннаҳр, Хуросон ва улардан бошқаларда Бухоро каби бўлгани йўқ».

¹⁰ **Ф1** да бу жумла йўқ.

¹¹ **A10** да шу ердан Суғдгача бўлган ери йўқ.

¹² **Ф1** да «Бутун Хуросонда улардек ҳеч ким ерга ишлов бера олмайди».

¹³ **Ф1** да бу жумла йўқ. **Ф8** да охириги беш жумла йўқ.

¹⁴ **Ф8** да **أبله**.

¹⁵ **A9** мазкур «Дамашқ Ғутаси» дан кейинги жумладаги «Дамашқда бўлган бўлсанг» деган жойига қадар йўқ.

¹⁶ **A4** да «хос».

¹⁷ **A2** да **نيسابور**, **A3** ва **A8** да **نيسابور**.

¹⁸ **Ф1** ва **Ф8** да бу жумла йўқ.

Дамашқ Ғутаси: Дамашққа борсанг, 1 *фарсах* ёки ундан камроқ масофа ташқарисида ўсимлик ва дарахтсиз тоғлар, ҳайдалмаган тақир жойларни кўрасан. Кўзни қувонтирадиган ягона чиройи уфқ чизигидир¹.

Убулла дарёси: На унда ва на туманларида 1 *фарсах* масофадан ортиғида ўзига тортадиган ҳеч вақо йўқ. Бирор баландроқ² жой ҳам кўзга ташланмайди. Обод жойлари кам ҳудуд, гуллаб-яшнаган водийлар билан³ тенг бўла олмайди⁴. Ундаги дил тортарлик кўриниб турган бепоёнликда кўз билан сафар қилишдир⁵.

Суғд ё Самарқандда⁶ бирор баландликка⁷ чиққанда кишининг назарига тушадиган дарахтзорсиз тоғ ёки экинсиз даштни⁸ билмайман. Ўсимликлар яшиллиги атрофидаги экинзор майдонларини безайди. Ер ҳайдалганда тупроқ яшиллик чиройини тортиб олади ва атрофни ўз гўзаллиги билан зийнатлайди⁹.

Бухоро: Қишлоқ ва экинзорлари 10¹⁰ *фарсах* масофада девор¹¹ билан ўралган, барчаси обод¹².

Самарқанд Суғди¹³ биз айтган энг обод учта жойнинг биридир¹⁴. Гуллаб-яшнаган Суғд водийси Бухородан Буттам чегарасигача ўнг ва сўл томондан узлуксиз туташиб кетган. У яшил боғлари бир-бирига улашган саккиз кунлик масофадаги кўкаламзор майдонлардан иборатдир. Доимий оқиб турувчи дарёлар билан ўралган. Боғлар ва майдонларида ҳовузлари бор. Ям-яшил¹⁵ дарахтзор ва экинзорлари водийнинг икки тарафи бўйлаб давом этади. Уларнинг ортини далалар тўлдиради. Улардан кейин чорва яйловлари бошланади. Кўкаламзорлар кўршовидаги ҳар бир шаҳар ва қалъа

¹ **Ф1** да «Дамашқ Ғутаси эса бир *фарсанг* масофада тақир тоғларни кўрасан. Ҳеч ҳам ўт ва дарахт йўқ. Кўп жойи вайрон ва яшиллиги йўқ. Унинг гўзаллиги шундаки, кўзни осмон қамаштириб ҳеч ҳам яшиллик кўринмай қолади». **Ф8** да қисқагина: «Дамашқ Ғутасига борган бўлсанг, кўзинг бир *фарсах*дан ортиқ жойни кўрмайди».

² **A2** да «тенг» ёки «муносиб».

³ **A5** да «гўзаллиги яширин бўлмаган жой».

⁴ **Ф1** да «Бирор яшил жойнинг қаршиси ёки атрофи бўм-бўш саҳро бўлса, унинг манзараси мукамал бўлмайди».

⁵ **Ф1** да бу жумла йўқ. **Ф8** да қисқагина: «Айла ҳам қараган вақтингда гўзалликда Ғута кабидир».

⁶ **A5** да «Самарқандда ҳам, Суғдда ҳам ... билмайман».

⁷ **A5** да «унинг қуҳандизига».

⁸ **A2** да «бошқа». **A3** да «ундан бошқа».

⁹ **A10** ва **Ф1** да бу жумла йўқ. **Ф8** да Самарқанд Суғди борасида: «Самарқанд Суғди шундайки, кўз қайси томонга қарамасин, у фақат яшиллик ва манзарали жойни кўради. Суғднинг майдони саккиз кунли масофага тенг бўлиб, яшиллик, дарахтлар ва ўтлоқлар бир-бирига туташиб кетади».

¹⁰ **A5** ва **A10** да «ўн икки *фарсах*». **Ф1** да «ўн учга ўн икки *фарсах*».

¹¹ **A10** да йўқ.

¹² **Ф1** да «ва унинг барчаси обод» йўқ.

¹³ **A10** да *صغد*.

¹⁴ **A5** да қўшимча тарзда «Дамашқ Ғутаси ва Убулла дарёсидан» келтирилган. **Ф1** да бу жумла қуйроқда келади.

¹⁵ **A10** да бу ердаги яшиллик билан Фарғонадаги яшиллик орасидаги матн йўқ.

яшил ипак кўйлак каби яшнаб туради¹. Бу жой анҳорлар ўзани² бўйлаб чок тортилган ва мустаҳкам қасрлар билан безатилган, Аллоҳнинг дарахлари ва анвойи гуллари билан зийнатланган ўлкадир. Барча манзилида боғлар, ҳовузлар ва оқар суви бор³.

Фарғона, Шош⁴, Ушрусана ва Мовароуннаҳрнинг бошқа жойларида зич ўсган кўплаб мевали дарахт, ям-яшил экинзорлар тутшиб кетган. Бунга ўхшаши бошқа катта шаҳарларда учрамайди. Фарғона ва турклар ўлкалари орасида чўзилиб кетган тоғларда узум, ёнғок, олма ва бошқа мевалар қатори атиргул, бинафша, райхоннинг турли навлари ўсади⁵. Уларнинг эгаси ё кўриқчиси йўқ. У иккиси ва Мовароуннаҳр тоғларида эгасиз писта дарахлари бошқа⁶ ўлкаларда ўсмайди. Ушрусана⁷ атиргули кузнинг охиригача гуллайди.

Мовароуннаҳрда доиралар⁸ бор. Биринчиси, Хуросондан⁹ Жайхуннинг¹⁰ кечув жойига яқини Бухородир¹¹. Унга Самарқандга қарашли Суғд, Ушрусана¹², Шош¹³, Фарғона, Кеш¹⁴, Насаф¹⁵ ва Сағанийон¹⁶ туташади.

Унинг маъмурий ҳудудлари¹⁷ Хуттал¹⁸ ва Жайхун бўйлаб давом этадиган Термиз¹⁹, Қувазийон²⁰, Ахсисак²¹, Хоразмдир.

¹ А2, А3 ва А9 да «оқарди».

² А8 ва А9 да «анҳорлар ўзани» йўқ.

³ Ф1 да бу маълумот: «Суғд саккиз кунлик йўлди. Барча манзарали жойлари, боғлари, бўстонлари, кишлоқлари, экинзорлари, саройлари, деҳқончилиги, оқар суви, қўллари, ариқлари ва булоқлари чап ва ўнг томондан асло узилмайди. Экинзорлардан ўтлоқлар, яйловларга ўтилади. Суғд Убулла дарёси ва Дамашк Ғутасидан яхшироқдир. Суғд меваси барча мевалардан яхшироқ ва тотлироқ, саройлар ва кўчаларида оқар сув, мевали дарахтлар бор».

⁴ А5 да «Шош» йўқ.

⁵ Ф1 да бу хатбоши: «Фарғона ва Шошда, Фарғона билан Туркистон орасидаги тоғларда кўплаб ёввойи мевалар, гул, райхон ва бошқа хушбўй қилгувчи райхонларнинг турли навлари бўлади. Ҳар кимки хоҳласа, бориб олади». Шош Ф1 да چاچ. Турклар Ф1 да ترکستان.

⁶ Бу сўз А5 дан қўшилди. А8 ва А9 да йўқ.

⁷ Ф1 да «Срушна шаҳристони». Ф1 да سرشنة. Ф2 ва Ф3 да سترشنة.

⁸ Ф1 да «доиралар ва туманлар».

⁹ Ф1 да йўқ.

¹⁰ А10 да ححون.

¹¹ А10 да بحارا, А11 да بخارى.

¹² Ф1 да سترشنة.

¹³ Ф1 да چاچ.

¹⁴ Ф1 да «яна Самарқанд ҳудудидан Кишгача». А3 ва А11 да كس, А10 да كسر.

¹⁵ А8 да «Кеш ва Насаф» йўқ. Насаф А11 да نشف, Ф2 да نخشب.

¹⁶ А11 да الصناعيان, Ф4 да چغانيان. Ф8 да кейинги жумладаги Хуттал рўйхатида келган.

¹⁷ Ф1 ва Ф8 да йўқ.

¹⁸ Ф1 ва Ф8 да ختلان, Ф3 да خيلان.

¹⁹ А10 да الترمذ, А11 да الترمذ.

²⁰ А2 да فرادان, А3 ва А9 да فوارداب, А10 да العراران, А11 да йўқ, Ф1 да قباديان, Ф8 да قواديان.

²¹ А2 ва А9 да احشيسك, А3 да احشيك, А10 да احسسكت, А11 да احسسك, Ф8 да йўқ.

Фараб¹, Исбижаб² Тараз³ ва Илақ⁴ билан Шошда жойлашган. Хўжанда⁵ Фарғонага қўшилган.

Вашжирд⁶ билан Сағанийон⁷ орасини Сағанийон⁸ маъмурий бирлигига қўшдик.

Хуттални⁹ Мовароуннаҳрга киритдик, у Вахшоб ва Жарйоб¹⁰ орасидадир.

Хоразмни Мовароуннаҳрда кўрсатдик. Унинг шаҳри дарё ортида, Мовароуннаҳр доираларига яқиндир¹¹.

Бухоро¹², Кеш ва Насафни¹³ Суғдга қўшишимиз керак эди. Тафсилоти осон бўлиши учун ажратдик. Бу¹⁴ жойларни бирлаштириш ёки ажратишда уларни аниқ кўрсатиш, атрофидаги шаҳарлар, дарёлар ва шаҳарларни бир-бирига қўшиб ё бўлак тавсифлашда осонроқ бўлишидан ўзга шарт йўқ¹⁵.

Мовароуннаҳрни Жайхундан бошлаймиз ва уни доиралари билан баён қиламиз¹⁶.

Жайхуннинг¹⁷ ўзани Жарйоб¹⁸ дарёсидир. Базахшон¹⁹ яқинидаги²⁰ Ваххан²¹ ўлкасидан бошланади. Хуттал²² ва Вахш ҳудудларида бошқа ўзанлар бирлашади²³ ва у улкан дарёга айланади. Бу дарёлардан бири Жарйобга²⁴ келадиган Ахшув²⁵,

¹ A11 да باداب, Ф1 ва Ф8 да پاراب.

² A10 да اسبيجاب, A11 да اسبجاب, Ф2 ва Ф3 да اسحاب.

³ A11 да الطرار.

⁴ A10 ва A11 да انلاق.

⁵ A11 да خحنده, Ф1 да йўқ.

⁶ A10 да واسحد, A11 да واسحر, Ф1 да ويشکرد.

⁷ A11 да الصعاندان, Ф1 да йўқ.

⁸ Ф1 да چغانيان.

⁹ Ф1 да كوھستان.

¹⁰ A10 да حراب, Ф3 да йўқ.

¹¹ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹² A11 да بحرا.

¹³ A10 да بسف, A11 да بسف, Ф1 да نخشب.

¹⁴ A10 ва Ф1 да охирги икки жумла йўқ.

¹⁵ A10 ва A11 да бу жумла олдида: «Мовароуннаҳрни [тавсифлашни] Бухоро доирасидан бошлаймиз. Чунки у Хуросондан [ўтгандаги] бошқарув саройи бўлган биринчи доирадир. У Мовароуннаҳр доираларини тавсифлашда тўғри келади, сўнг унинг олдидаги туташ доиралар эргаштирилади». A5 да ҳам шу маънода маълумот келган. Ф1 да бу жумла: «Мовароуннаҳрни чегара ва пойтахти бўлган Бухородан бошлаймиз, сўнг тартиб билан бошқа жойларни баён қиламиз. Ҳаммасидан биринчи баённи Жайхундан бошлаймиз» келтирилган.

¹⁶ Ф8 да Вашжирддан бошлаб шу ергача йўқ.

¹⁷ Ф да йўқ.

¹⁸ Ф2 да حراب, Ф8 да خرتاب.

¹⁹ A10 ва Ф8 بدخشان.

²⁰ A8 ва A9 да йўқ.

²¹ A4 да وجان, A10 ва A11 да وھان, Ф1 да йўқ.

²² A8 ва A9 да جبل, Ф1 да йўқ.

²³ A5 да «ва бошланади» илова қилинган.

²⁴ A2 да حويات.

²⁵ A4, Ф2 ва Ф3 да باخس, A10 ва A11 да احس.

у Хулбук¹ дарёсидир. Кейингиси Барбан², учинчиси Фарғар³, тўртинчиси Андижарағ⁴, бешинчиси Вахшоб⁵ дарёси⁶ ва уларнинг энг каттасидир⁷. Улар Арҳандан⁸ илгари бирлашади ва Қувазийонга⁹ етмасдан Вахшобга¹⁰ қўшилади¹¹. Сўнгра унга Буттамдан¹² бошланадиган дарёлар қўйилади¹³.

Сағанийон¹⁴ ва Қувазийондаги¹⁵ дарёлар бирлашиб, Қувазийон яқинида Жайхунга тушади¹⁶.

Вахшоб¹⁷ Вахш¹⁸ ерига етгунича турклар юртларидан¹⁹ бошланади. У ердаги тоғда ундан ўтиш учун кўприк бор. У жойда дарё ўзани буткул тораяди²⁰. Бунақаси бошқа жойда борлиги маълум эмас²¹. Бу кўприк Вахш²² билан Вашжирд²³ орасида чегарадир. У сўнгра Балх ҳудудидаги водийдан Термиз²⁴, Калиф²⁵, Замм²⁶, Амул²⁷, Хоразм ва унинг денгизигача²⁸ оқиб боради²⁹.

¹ A2, A3, A8 ва A9 да حليل, A11 да هليل.

² A10 да بربان, A11 да برمان, Ф2 ва Ф3 بونان.

³ A2 ва A3 да مرعد, A8 да مرعر, A10 да فارعى, A11 да فارعن, Ф2 ва Ф3 да فارغى.

⁴ Ф2 ва Ф3 да اندجاراغ, A10 да اندجارع, A11 да اندجارا.

⁵ A11 да وحساب.

⁶ A8 ва A9 да «Андижарағ ... ва бешинчиси, Вахшоб дарёсидир» йўқ. Ф1 да «Қувазийон яқинидаги Вахшоб». Ф1 да قباديان.

⁷ A4 да «энг сероби».

⁸ A10 да йўқ, A11 да ارهر, A8 да اوهان.

⁹ A10 да الفوادان, A11 да قوادان.

¹⁰ A10 да وحشاب.

¹¹ A4 да «пайдо бўлади», «чиқади».

¹² A5 ва A4 да «ва бундан ташқари». A10 да النسم, A11 да البيض.

¹³ A4 да «етиб келади». Ф8 да бу хатбоши: «Жайхун – асли Базахшон ҳудудидаги Жарйоб дарёси ва бошқа дарёлар билан бирлашиб Жайхунга айланади. Қувазийонгача бўлган биринчи дарё Жарйоб, кейингиси Фарғар, бошқаси Бухоро ва яна бири Вахшобдир. Бошқа дарёлар Буттам ва бошқа жойлардан бошланади, бирлашиб Жайхунга айланади». Қувазийон ФA да قباديان.

¹⁴ A11 да الصعائيات.

¹⁵ A10 да القواديات.

¹⁶ Ф1 да охирги икки жумла кискартирилиб «Бу сувлар бари бирлашиб Жайхунга қўйилади. У ерда оз, Амулда кўпроқ фойдаланилади. Жайхун суви барчадан Хоразмга кўпроқ наф келтиради». Амул Ф1 да أمل.

¹⁷ A11 да وحساب.

¹⁸ A10 ва A11 да الوحش.

¹⁹ Турклар юртлари Ф1 да تركستان.

²⁰ A4 ва A5 да «ва бошланади».

²¹ A5 да «унинг сифати каби».

²² A4 ва A5 да ختل, A10 да الختل, A11 да الجبل.

²³ A10 да واشخرد, A11 да واسجرد, Ф3 да ويشکرد.

²⁴ Ф8 да ترمذ.

²⁵ A10 да йўқ.

²⁶ A10 да الرم.

²⁷ Ф8 да أمل الشط.

²⁸ Ф8 да «кейин Ҳирага».

²⁹ Ф1 да «Вахшоб дарёси турклар юртларидан келиб, Вахш ерига бир тоғ яқинига ўтади. У ерда Хуттал билан Вашжирд [чегараси бўлган] бу сув устига кўприк қурилган. У ердан Термизгача Балх ҳудудидан ўтади. Термизнинг юқорисида Жайхунга қўйилади. Термиздан Калифга қўйилади, Калифдан Замм, Заммдан Амул, Амулдан Хоразмга ўтади ва Хоразм сувига қўйилади». Вашжирд Ф1 да ويشگرد. Хуттал Ф1 да ختلان.

Бу водийда – Хуттал ва Термиздан Замм туманигача сувдан ҳеч ким фойдаланмайди. Замм, Амул¹ ва Фарабр² обод бўлади. Қолгани Хоразмга етиб боради ва унинг аҳолисини таъминлайди³.

Жайхундаги Мовароуннахрнинг биринчи доираси Хуттал⁴ ва Вахшдир. Иккиси алоҳида доиралар, лекин бир маъмурий бирликка бирлаштирилган, Жарйоб⁵ ва Вахшоб орасида⁶.

Хуттал шаҳарлари: Хулбук⁷, Мунк⁸, Тамлийот⁹, Фарғар¹⁰, Карбанж¹¹, Андижарағ¹² ва Рустоқ Банк¹³.

Вахш шаҳарлари: Ҳалавард¹⁴ ва Лаваканд¹⁵. Султон қароргоҳи Хулбукда¹⁶. Мунк ва Ҳалавард катта бўлишига қарамай, султоннинг қароргоҳи Хулбукдадир¹⁷. Вахш ва Хуттал билан Ваххан¹⁸, Синдия¹⁹ ва Карран²⁰ чегарадош, улар куфр ерларидир. Улардан *мушк*²¹ ва қуллар келтирилади²².

Вахханда²³ кумуш²⁴ маъдани кўп, ариқларидан олтин оқиб келиб, Хуттал водийларида тўпланади²⁵. Ваххан билан²⁶ Туббат ораси яқин²⁷. Хуттал ери экин ва меваларга бой, суви²⁸ мўл, жуда ҳосилдор ва обод²⁹, улов ва чорвалари³⁰ кўпдир.

¹ Ф2 ва Ф3 да *أموى*.

² А9 да *فارس*, А11 да *فئور*.

³ Ф1 да «Жайхундан Заммгача ҳеч ерда экин учун унинг сувидан фойдаланилмайди». Ф8 да «Бу сув Замм, Амул ва Хоразмгача ободонлаштириш ва деҳқончиликда ишлатилмайди ва ундан энг кўп наф Хоразм ахлига етади».

⁴ А10 да *الحتل*.

⁵ А11 да *جرناب*.

⁶ Ф1 да «Жайхундаги Мовароуннахрнинг биринчи доираси Хуттал ва Вахшдир. Бошқа доиралар ҳам бор, улар Жарйоб ва Вахшоб маъмурий бирлигидадир».

⁷ А10 да *هلىك*, Ф2 да *هلىك*, Ф3 да *هلىك* ва *هلىك*.

⁸ А11 да *مىل*, Ф2 ва Ф3 да *مىل* ва *مىك*.

⁹ А10 да *بملىاب*, А11 да *بملىاب*, Ф8 да йўқ.

¹⁰ А9 да *ضازعر*, А11 да *فازعن*.

¹¹ А9 ва А10 да *كلىج*, А11 да *كامج*, Ф1 да *كارنىك*, Ф2 да *كائىج*, Ф3 да *كائىن*, Ф8 да *كاهىج*.

¹² А10 да *اندىحاراغ*, А11 да *اندىحواىح*, Ф2 да *اندىحاراغ*, Ф3 да *اندىحاراغ*.

¹³ А10 да *رستاق مىك*, А11 да *رستاق بك*, Ф2 да *رستاه مىك*, Ф8 да *رستай نىك*.

¹⁴ А10 да *هلاوزد*, Ф8 да *هلاруд*.

¹⁵ А11 да *لاوكىد*. А11 да Жумланинг қолган қисми йўқ. Ф8 да *دلواكند*.

¹⁶ А5 да йўқ. А8 да *هلىك*. Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁷ Ф8 да бу жумла йўқ.

¹⁸ Ф3 ва Ф8 да *وجان*.

¹⁹ А9, Ф2 ва Ф3 да *سفىنه*, А10 да *السفسه*, А11 да *السفىنه*, Ф8 да *سف و لىن*.

²⁰ А10 ва Ф1 да йўқ.

²¹ Ф1 да «*мушк*» ўрнига «аёл қул».

²² Ф8 да бу жумла йўқ.

²³ А8 ва А9 да *ورخان*, Ф2 ва Ф3 да *وخشاب*, Ф8 да *نوغان*. Ф8 да «Нуғон кумуш маъданидир».

²⁴ Ф1 да «олтин ва кумуш».

²⁵ Ф1 да «дарёлар ва селлар натижасида пайдо бўлади ва кишилар йиғиб оладилар».

²⁶ А8 да «Ваххан билан» йўқ.

²⁷ Ф1 да «туташ».

²⁸ А10 ва Ф1 да йўқ.

²⁹ Ф1 да бу жумла йўқ.

³⁰ Ф1 да йўқ.

Хутгал ва Вахшдан Вашжирд, Қувазийон¹, Термиз, Сағанийон² ва уларнинг атрофларидаги ерларга ўтсанг, улар алоҳида маъмурий бирлиги бўлган доиралардир³.

Термиз Жайхун водийсидаги қуҳандизи, шаҳристон ва рабади⁴ бўлган шаҳар. Рабадини ҳам девор ўраб туради. Ҳукмдор саройиқуҳандизда. Зиндон қуҳандиз ташқарисида⁵, шаҳристондаги бозорда⁶. Жоме масжиди шаҳристонда. Намозгоҳ девор⁷ ичида, рабадда. Бозорлари шаҳристонда, бинолари лойдан. Катта кўчалари ва бозорларига пишиқ ғишт ётқизилган, аҳолиси фаровон шаҳар⁸, ўша туманларнинг Жайхундаги⁹ бандаргоҳидир.

Унга энг яқин тоғлар 1 *марҳала* атрофида¹⁰. Ичимлик суви Жайхундан ва Сағанийондан оқадиган дарёдан¹¹. Атрофларидаги ерлар Жайхундан сув ичмайди. Уларнинг суви Сағанийон дарёсидан¹². Унга Сарманжан¹³ ва Ҳошим Жирд¹⁴ шаҳарлари қарашли¹⁵.

Қувазийон¹⁶ – доираси бўлган шаҳар¹⁷, Термиздан кичикроқ¹⁸. Шаҳарлари: Навдиз¹⁹, Вашжирд катталиқда Термизга яқин, Шуман²⁰ ундан кичикроқ²¹. Вашжирд ва Шумандан Сағанийонгача четга олиб кетиладиган заъфарон кўп, Қувазийонда рўян ўсади.

¹ **A10** да قباديان.

² **A10** да الصعانيان, **Ф8** да چغانيان.

³ **Ф8** да «улар алоҳида маъмурий бирлиги бўлган доиралардир» йўқ.

⁴ **A8, A9** ва **Ф8** да «ва рабади» йўқ.

⁵ **A10** да асосий матнда «ичкарасида», тепасига «ташқарисида» ёзилган. **Ф1** да «қуҳандиз ташқарисида» йўқ.

⁶ **A5** да «ва бозорида».

⁷ **A5** да «шаҳристонда».

⁸ **Ф1** да бу жумла йўқ.

⁹ **A8, A9** ва **Ф1** да йўқ.

¹⁰ **Ф1** да бу жумла йўқ.

¹¹ **Ф3** да «ва Сағанийондан оқадиган дарёдан» йўқ.

¹² **Ф1** да «Жайхундан сув ичмайдилар» илова қилинган.

¹³ **A10** да صرمنح, **A11** да صرمنح.

¹⁴ **A10** да йўқ, **A11** да هاسم كرد, **Ф1** да حاشمگرد.

¹⁵ **Ф1** да бу жумла йўқ. **Ф8** да кискагина: «Шаҳарни ва рабадни ҳам девор ўраб туради. Ҳукмдор саройи қуҳандизда. Жоме масжиди ва бозор шаҳарда. Уларнинг бинолари пахсадан, бағоят ободдир. Тоғ ундан 1 *манзил* масофада. Жайхун сувидан ичадилар. Ерлари (экин) ва боғлари суви бошқа, Чағонийондан келади».

¹⁶ **A8** да قباديان.

¹⁷ **Ф8** да «... шаҳардир, кўплаб кишлоқлари бор ва тўлалигича ободдир. Шуман Қувазийондан кичикроқ, обод ва ... » илова қилинган. Қувазийон билан боғлиқ кейинги маълумотлар йўқ.

¹⁸ **A5** да тушиб қолган. **A10** да охириги икки жумла йўқ.

¹⁹ **A8** да بندور, **A11** да بودن.

²⁰ **A9** да سرمان, **A11** да سومان.

²¹ **A8** да Навдиздан кейин «заъфарон»гача бўлган маълумот йўқ. **A10** да бу жумла шу еригача йўқ. **Ф1** да Термиз шаҳарлари: Сарманжан, Ҳошимжирд, Қувазийон – Термиздан кичикроқ, Навдиз Қувазийон яқинида, Вашжирд – Термиз каби, Шуман. **Ф3** да «Навдиз Қувазийон яқинида» маълумоти йўқ.

Сағанийон Термиздан каттароқ. Фақат, Термизнинг аҳолиси ҳам, бойлиги¹ ҳам кўпроқ. Сағанийоннинг қалъаси² бор³.

Ахсисак⁴ Заммнинг рўпарасида. Замм Хуросон ерида⁵, иккиси бир⁶ маъмурий бирликка бирлаштирилган. Минбар Заммда⁷. У обод⁸ кичик шаҳар. Атрофида туя ва қўй подалари⁹ кўп. Бу икки шаҳар ташқариси чўллар, қудуқлар¹⁰ ва яйловлардир¹¹.

Фарабр¹² Бухорога қарашли шаҳар. Уни Бухоро бўлимида тавсифладик¹³.

Хоразм – иқлим номидир. У Хуросон ва Мовароуннаҳрдан¹⁴ алоҳида иқлим, барча томонидан чўллар ўраб туради. Шимол ва ғарб¹⁵ тарафидан ғузия; жануби ва шарқи Хуросон ва Мовароуннаҳр¹⁶ билан туташган, Жайхун дарёсининг этагида¹⁷. Дарё соҳилида ундан кейин Хоразм денгизигача иморатлар йўқ, Жайхуннинг икки¹⁸ томонида жойлашган¹⁹.

Шаҳри Жайхуннинг шимолий томонида, жанубида Журжонийа²⁰ деб аталадиган катта шаҳри бор²¹. Хоразмда бош кентдан кейинги катта шаҳар²². У ғузлар билан тижорат қиладиган жойдир. Ундан карвонлар Журжон²³, Хазар²⁴ ва Хуросонга жўнайди²⁵. Хоразмнинг ярмини Хуросон ва ярмини Мовароуннаҳрда тасвирлашга тўғри келарди. Бу китобда мақсадимиз бу

¹ А10 да йўқ.

² А11 да «шаҳристони».

³ Ф1 да бу жумла йўқ. Ф8 да «Сағанийон – қуҳандизи бўлган, Термиздан каттароқ шаҳар. Бирок, Термизда бойлик, неъмат, бинолар ва аҳоли ундан кўп».

⁴ А10 да احسيسك, Ф8 да خسك.

⁵ Ф8 да жумланинг қолган қисми йўқ.

⁶ Ф1 да «Мовароуннаҳр».

⁷ Ф1 ва Ф8 да бу жумла йўқ.

⁸ Ф1 да йўқ.

⁹ Ф1 да бу жумла «Замм аҳолиси чорвадорлардир».

¹⁰ А10 да йўқ.

¹¹ А9 да «экинзорлар». Ф1 да бу жумла: «Ахсисак Жайхуннинг икки қирғоғида жойлашган, иккиси ҳам чўлнинг бошланиш жойидир». Ф8 да бу жумла: «Унинг баёни Хуросонда келтирилди» дейилган.

¹² А10 да فرين, А11 да فرين.

¹³ А11 ва Ф8 да бу жумла йўқ.

¹⁴ Ф1 да йўқ.

¹⁵ Ф8 да йўқ.

¹⁶ А5 да «Мовароуннаҳр» ўрнига «у дарёнинг охирида, ва Хоразм Жайхуннинг охиридир».

¹⁷ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁸ Ф1 да «шимол».

¹⁹ А10 да бу жумла йўқ.

²⁰ А11 да الرحاننه, Ф1 да گرگان ва گرگانچ.

²¹ А10 да охирги икки жумла йўқ.

²² Ф1 да бу жумла: «Хоразмдан кичикроқдир».

²³ А10 да فرخان, А11 да الرحان.

²⁴ А10 да حزر, А11 да الحذر.

²⁵ Ф1 да бу жумла: «У ердан карвонлар Хуросон, Журжон, Ғазна, Хазар томонга ва бошқа жойларга катнайди». Ғазна Ф1 да غزنى. Ф8 да бу жумла йўқ.

иқлимлар ва уларнинг шаҳарлари суратини билиш эди¹. Хоразмни бир иқлимда жамлашга қарор қилдим ва Мовароуннаҳрда тасвирладим. Шу йўл билан уни иккига ажратмай² тасвирлаб, мақсадимга эришаман³.

Хоразмнинг бош кентидан бошқа шаҳарлари: Дарған⁴, Ҳазорасб⁵, Хива⁶, Хушмисан⁷, Ардахушмисан⁸, Сафардиз⁹, Нузвар¹⁰, Кардаранхаш¹¹, Курдар¹², Қарийа Бараткин¹³, Мазминийа¹⁴, Мардажқан¹⁵ ва Журжонийа¹⁶.

Унинг бош шаҳри хоразм тилида¹⁷ Кат¹⁸ дейилади. Қуҳандизи бор, обод эмас. Унда шаҳар бўлган эди, дарё вайрон қилди. Одамлар унинг орқасида шаҳар қуриб олдилар. Дарё қуҳандизга яқин келганида унинг бузилишидан қўрқадилар. Жоме масжиди қуҳандиз орқасида. Хоразмшоҳ саройи жоме масжиди ёнида, зиндон қуҳандиз олдида. Жардур¹⁹ ариғи шаҳарни кесиб ўтади, узунлиги 3 фарсахча бор²⁰, икки томони²¹ бозор.

Унинг дарвозалари: Баъзилари шаҳарнинг вайрон бўлган қисми билан йўқ бўлган, қолганлари²² бузилганлари ўрнида қурилган²³.

Хоразмнинг Амул томонидаги биринчи чегараси Тохирийадир²⁴, иморатлари Жайхуннинг жанубидадир²⁵. Шимолида²⁶ Ғарабахшна²⁷

¹ Ф1 да бу ва кейинги жумла йўқ. Охириги жумла қуйидагича: «Биз иқлим суратини ажратмасликни истадик». Ф8 да бу жумла йўқ.

² А5 да «ёки икки қисмда ажратишдан» илова қилинган.

³ Ф8 да бу жумла: «У бу иқлимга яқинроқдир. Қасабаси ҳам шу тарафда».

⁴ А10 да درعان, А11 да ددعان.

⁵ А10 да هواراست, А11 да هواراسب, Ф1 да هزاراسب, Ф2 да هوراسب, Ф3 да هزاراست.

⁶ А10 ва Ф2 да حيره, А11 да حيو, Ф3 да حر.

⁷ А8 ва А9 да حمثين, А10, А11, Ф1 ва Ф8 да йўқ.

⁸ А10 да اردخمسن, А11 да اردخمسم, Ф2 да ارخمسن, Ф3 да ارخمسن, Ф8 да رخشميت. Тепасига «Замахшар» زمخشر эзилган.

⁹ А8 ва А9 да سفاردق, А10 да سفارون, А11 да سافرون, Ф2 ва Ф3 да سفارون, Ф8 да ساورزن.

¹⁰ А8 да نوزدوار, А9 да نعرروار, А10 да йўқ, А11 да نوزوان, Ф2 да بوران, Ф3 да يوزاق, Ф8 да زمخشير.

¹¹ А8 да كواردار, А10 да كوادان, А11 да كردان حساس, Ф2 ва Ф3 да كردان.

¹² А10 ва А11 да كردن.

¹³ А10 да ابرانكن, А11 да قريه برانكن, Ф1 да ديه برانكين, Ф2 да ديه ابرانكين, Ф3 да ديه ابرانكن, Ф8 да برانكين.

¹⁴ А10 да مدننه, А11 ва Ф1 да مدننيه, Ф2 да مدنسه, Ф3 да مدنينه, Ф8 да ندينه.

¹⁵ А10 да матн двомида «Фамсобоод ва Ҳос», А11 да «унда Дарҳос» илова қилинган. Фамсобоод А10 да فمساباد, Ҳос А10 да حاس. А10 да مرداحمان, А11 да مرداحمان, Ф2 да مردحمن ва فمهاد حاس, Ф3 да مرداحفاق ва ممهان, Ф8 да مردايختن.

¹⁶ А10 да الحرحانه, А11 да الحرحانه, Ф3 да كركابخك, Ф2 да كركاخك.

¹⁷ Ф1 да «хоразм тилида» йўқ.

¹⁸ А8 да كاد, А9 да كار, Ф3 да كتاب.

¹⁹ А10 да حرور, А11 да حردون, Ф3 да حرور.

²⁰ Ф1 да «3 фарсах бўлган шаҳар майдонининг» илова қилинган.

²¹ А5 да «иккала томонидан ўраган».

²² Ф1 да йўқ.

²³ Ф8 да Кот маълумоти қисқагина: «Кот – қуҳандизи бўлган шаҳар. Обод эмас. Жоме масжиди ундан ўтгандан кейин, орқа томонда. Хоразмшоҳ саройи жоме масжиди яқинида».

²⁴ А10 да الطاهره.

²⁵ А8 ва А9 да «шимолида».

²⁶ А8 ва А9 да «жанубида».

²⁷ А10 да عارالحه, А11 да عارالحه, Ф2 да عارالحه, Ф3 да عارالحه.

қишлоғига етгунча иморат йўқ. Ғарабахшнадан¹ Хоразм шаҳрига қадар² Жайхуннинг икки қирғоғида³ иморатлар бор. Ғарабахшнага⁴ етмасдан 6 *фарсах* масофада Жайхундан бир дарё бошланади. У ердан шаҳаргача рустоқ иморатлари бор⁵. Бу дарё Кавхавара⁶ дейилади. Маъноси “Сигир емиши”дир⁷, кенглиги беш *бо*⁸, чуқурлиги икки киши бўйи, қайиқлар сузади.

Кавхавара 5⁹ *фарсах* оққач, Кария¹⁰ номли дарё ажралади. Ундан баъзи рустоқлар обод бўлади. Жайхун бўйидаги Тоҳирийадан Ҳазорасбгача иморатли¹¹ обод ерларнинг кенглиги катта эмас. Сув Ҳазорасбдан шаҳарнинг қаршисигача¹² *марҳала* масофада кенгайиб боради.

Сўнг Журжонийага ўтгунча 2 *фарсах* масофада торайиб оқиб, Кучағдан¹³ 5 *фарсах* узоқликдаги Кит¹⁴ қишлоғига¹⁵ етади. У тоғ яқинидаги қишлоқ, атрофда ундан бошқа обод жой йўқ¹⁶. Бу тоғнинг орқаси чўл¹⁷.

Ҳазорасбдан¹⁸ кейин Жайхуннинг ғарбидаги бошқа жойларида дарёлар бор. Улардан бири Ҳазорасб дарёсидир¹⁹. Кавхаваранинг ярмича бўлиб Жайхундан Амул олдида бошланади²⁰, қайиқлар сузади²¹. Ҳазорасбдан 2 *фарсах*ча масофада дарё бор, Кардаранхаш²² дейилади. Ҳазорасб дарёсидан каттароқ. Ундан кейин Хива дарёси, Кардаранхашдан²³ каттароқ²⁴. Унда қайиқлар Хивага²⁵ қатнайди²⁶.

¹ А11 да عام الحسه, Ф8 да غار انجشه.

² Ф8 да «олти *фарсах*» илова қилинган.

³ А8 ва А9 да «Жайхуннинг иккала қирғоғида» йўқ.

⁴ А8 да راعابحسه.

⁵ Ф8 да бу жумла: «Ҳазорасбда Жайхундан дарёлар бошланадиган еригача қайиқлар катнайди». Кейин, матнда Хоразм денгизигача бўлган маълумот йўқ.

⁶ Ф2 да ماخواره.

⁷ Ф1 да «маъноси «Сигир емиши»дир» йўқ.

⁸ А1, А8, А9 ва А11 да «зиро», Ф1 да «газ».

⁹ А11 ва Ф1 да «икки».

¹⁰ А11 да كونه.

¹¹ Ф1 да «Тоҳирийадан Ҳазорасбгача иморатли» йўқ.

¹² Ф1 да «Сув Ҳазорасбдан бошлаб шаҳарнинг қаршисигача» йўқ.

¹³ А11 да كرايح, Ф3 да كراغ.

¹⁴ А5 да چيت, А8 ва А9 да حيت, А10 да كيب, А11 да حسه, Ф1 да خوارزم.

¹⁵ Ф1 да «иморатлар».

¹⁶ А10 да шу ердан бошлаб Кавхавара ва шаҳар орасидаги масофа маълумоти келгунча йўқ.

¹⁷ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁸ Ф1 да бу жумла «Тогдан ўтгандан кейинги Ҳазорасб» деб, бошланади.

¹⁹ Ф1 да «Улардан бири, Ҳазорасб дарёси» йўқ.

²⁰ А8 ва А9 да йўқ.

²¹ Ф да «Кавхавара» қисми бошланган жойидан алоҳида жумла шаклида берилган.

²² А8 ва А9 да كودار خوس, А11 да كودر حواس, Ф2 ва Ф3 да كرداخواس.

²³ А8 да ودران خواش, А11 да كودواس وحواس.

²⁴ А8 да йўқ. Ф1 да «Кардаранхашдан каттароқ» йўқ.

²⁵ Ф1 да йўқ.

²⁶ А9 да бу жумла йўқ.

Ундан кейин Мадра¹ дарёси, у Кавхаварадан икки марта катта², қайиқлар қатнайди³. Мадра⁴ ва Кавхавара⁵ дарёси ораси бир милча бор. Мадра дарёсидан Вадак дарёси,⁶ Журжонийагача қайиқлар сузади⁷. Вадакдан⁸ Мадра дарёсигача бир милга яқин, Хоразм⁹ шаҳригача 2 *фарсах* атрофидадир¹⁰.

Шаҳарнинг энг қуйи Журжонийа туманида Бух¹¹ дарёси бор. Бух¹² ва Вадак¹³ суви Журжонийага келиб, Андарастан¹⁴ номли қишлоқнинг пастки чеккасида қўшилади. Вадак Бухдан каттароқ, иккисида Журжонийага 1 *галва* масофада қайиқлар сузади. У ерда қайиқларни тўсувчи тўсиқ бор. Бу икки сув қўшилган жойидан Журжонийагача 1 *марҳалага* яқин масофадир.

Кавхавара дарёси билан шаҳар ораси 12 *фарсах*дир. Шаҳар олдида Хоразм дарёси¹⁵ кенлиги 2 *фарсахга* етади.

Хоразм шаҳридан 4 *фарсах* пастда бошланувчи Кардар¹⁶ дарёси бор. У бирига яқин тўрт мавзедаги Бух¹⁷ ва Вадак¹⁸ қўшилгандек дарёдир. Жайхун сувининг оқадиган жойи шу мавзе, дейишади. Жайхун суви камайса, бу дарёни¹⁹ ҳам озаяди.

Кит²⁰ қаршисида, шимолий томонидан 1 *фарсах* масофада Мазминийа²¹ номли шаҳар бор²². У Жайхундан 4 *фарсах* узоқлигига қарамай, Журжонийага қарайди. Сабаби, дарё Кардарда бурилиб Кит ва Мазминийани кесиб ўтганидадир²³. Мазминийадан²⁴ кейин қирғоқда иморат²⁵ йўқ.

¹ А11 да مدرون.

² А9 да йўқ.

³ А11 да «Мадрага қатнайди» илова қилинган. Мадра А11 да مدرى.

⁴ А11 да مذرى.

⁵ А11 да حنوه.

⁶ А8 ва А9 да «ўша».

⁷ А11 да бу жумла йўқ.

⁸ А11 да وړل وړل وړل.

⁹ Ф1 да йўқ.

¹⁰ Ф1 да кейин келаётган Бух дарёсидан Кардар дарёсигача бўлган қисми йўқ.

¹¹ А9 да برا, А11 да بوه.

¹² А9 да فرا.

¹³ А8 ва А9 да ودان.

¹⁴ А11 да اندرسان.

¹⁵ А8 да йўқ.

¹⁶ А10 да كر.

¹⁷ А10 да فوه.

¹⁸ А10 да ذلك, А11 да ذاك.

¹⁹ А10 да асосий матнда «мавзе», тепасига «дарё» деб ёзилган.

²⁰ А10 ва А11 да حب, Ф1 да جيت.

²¹ А10 да مدمنيه, А11 да مدمنيه, Ф3 да مدمنيه, Ф1 да مدمنيه.

²² Ф1 да «бор» ўрнига «кўп дарёлар бор» дейилган.

²³ Ф1 да бу жумла йўқ.

²⁴ А10 да مدمنيه.

²⁵ А10 да «дарё».

Жайхун билан Кардар¹ орасида Мардажқан² рустоқи бор. Мардажқан³ ва Жайхун ораси 2 *фарсах*, у Журжонийа қаршисида.

Кардар билан шаҳар орасидаги⁴ ҳар бир⁵ қишлоқда Жайхундан бошланган дарёси бор⁶. Бу дарёларнинг бари Жайхундан.

Жайхун Хоразм кичик денгизида тугайди. Бу ҳудуд ов ерларидир. Қишлоқ ҳам, бино ҳам йўқ бу мавзени Халижан⁷ дейишади. Бу денгизнинг Халижанга туташ⁸ қирғоғи ғузлар еридир. Сулҳ учун бу томондан Бараткин⁹ қишлоғи, у тарафдан Журжонийага¹⁰ келишади. Иккиси ҳам чегара¹¹ шаҳардир.

Жайхунда Кавхавара дарёсига етмасдан 3¹² *фарсах* масофада тоғ бор. У Жайхун оқимини тўсади ва дарёнинг кенлиги учдан бирга¹³ тораяди. Бу жой Абу Қишша¹⁴ деб аталади. Бу ерда сувнинг тез оқиши ва чиқиш жойи жуда хатарли бўлганидан¹⁵ қайиқлар учун хавфлидир.

Жайхун ва Шош дарёсининг бу кичик денгизга қуйилиш жойи ораси тўрт¹⁶ кунга яқин йўлдир. Жайхун водийси баъзан қишда музлайди, ҳатто дарёдан юклар¹⁷ билан ўтилади. Музлаш Хоразм туманидан бошланиб, водийнинг музлаган¹⁸ ери охиригача етиб боради. Жайхундаги бошқа жойлардан энг совуғи Хоразмдир.

Хоразм кичик денгизининг қирғоғида Жағрағаз¹⁹ тоғи бор. Унда ёзгача сув музлайди ва у қамишзордир²⁰. Бу кичик денгизнинг айланаси, менга маълум бўлишича²¹, 100 *фарсах* атрофида, суви шўр ва оқиб чиқадиган жойи йўқ²². Унга Жайхун, Шош ва у иккисидан бошқа дарёлар қуйилади. Унинг суви

¹ Ф2 да كردن.

² А5 ва Ф2 да مرداجوان, А11 да مزداخقان, Ф3 да مردادمان.

³ А11 да مرداخقان.

⁴ Ф1 да «Кардар билан шаҳар орасидаги» йўқ.

⁵ А8 ва А9 да «ҳар бир» ўрнига «ўша».

⁶ А10 да охирги учта жумла йўқ.

⁷ А9 да خليجار, А10 да خلیحان, А11 да йўқ.

⁸ Ф1 да «Халижанга туташ» йўқ.

⁹ А10 да انکن, А11 да برانکن, Ф2 ва Ф3 да ابگیر.

¹⁰ А10 да الخزحانيه.

¹¹ А10 да «Жайхун».

¹² А4 ва А5 да «1 марҳалага яқин». А10 ва А11 да «1 марҳала».

¹³ Ф1 да «учдан бирга» йўқ.

¹⁴ А10 да بوقسه, А11 да دوقسه, Ф2 ва Ф3 да بوقسه.

¹⁵ Ф1 да «сувининг тез оқиши ва унинг чиқиш жойи жуда хатарли бўлганидан» йўқ.

¹⁶ А10 да «ўн».

¹⁷ Ф1 да «аравалар юклар». Ф8 да «одамлар ва чорвалар».

¹⁸ А8 ва А9 да «музлаган» сўзи ўрнига «Хуттал» ёзилган.

¹⁹ А10 да ححران, А11 да جعوانر, Ф2 ва Ф3 да جغاغر.

²⁰ Ф1 да «ва у қамишзордир» йўқ. Ф8 да охирги уч жумла йўқ.

²¹ Ф1 да «менга маълум бўлишича» йўқ.

²² Ф8 да бу жумла йўқ.

чучук бўлмайти, кичиклиги катгармайти¹. Афтидан, у билан Хазар денгизи орасида иккисини боғлайдиган ер ости² сув йўли бор. Албатта, Аллох билгувчироқдир. Икки денгиз оралиғи 20 марҳалага яқиндир³.

Хоразм таомлар⁴ ва меваларга мўл обод шаҳар. Фақат, ёнғоқ бўлмайти. Унда ўзга юртларга чиқариладиган пахта ва юнгли матолар кўплаб тайёрланади⁵. Аҳолиси бойлик ва давлати билан ўзини мурувватли қилиб кўрсатишга мойилдир⁶. Улар Хуросон аҳолисидан кўпроқ тарқалган ва сафар қилган кишилардир⁷. Хуросонда хоразмликларнинг⁸ катта жамоаси бўлмаган бирорта йирик⁹ шаҳар йўқ. Тиллари алоҳида¹⁰ ва Хуросонда уларнинг тилида сўзлашадиган бирорта шаҳар йўқ¹¹. Кийимлари қаротиқ ва қалонисдир¹².

Уларнинг табиати Хуросоннинг бошқа аҳолиси каби ёпиқ эмас¹³. Уларда ғузларга қарши жасорат ва матонат бор¹⁴.

Ўлкаларида олтин, кумуш ва бошқа қазилма маъданлари йўқ. Барча бойликлари турклар билан тижорати ва чорвачилик¹⁵ самарасидир¹⁶. Уларга сақолиба, хазар ва доимий тарзда турклардан¹⁷ куллар, тулки, сувсар, қундуз каби¹⁸ хайвонлар мўйналари келтирилади. Булар Жайхунда мавжуд доиралардир¹⁹.

Мовароуннахрни Бухородан бошлаймиз, у биринчи доира. Хуросон пойтахти унда²⁰ ва у²¹ Мовароуннахр доираларига ўтишда тўғри келади. Аллох хоҳласа, сўнгра туташ бўлганларига ўтилади²².

¹ **Ф1** да «хеч қандай таъсир қилмайти» илова қилинган. **Ф8** да бу жумла: «Унинг суви шўр. Жайхун, Сайхун ва Шош дарёлари унга етиб борса [суви] кўпаймайти ҳам, қуримайти ҳам. Журжонийа – неъматлари ва ободлиги бўлган шаҳар. Мевалари кўп, фақат ёнғоқ йўқ. У ерда пахтали ва ипакли кийимлар тикилади ва турли жойларга олиб кетилади». Матн араб тилидаги хоразмликлар ҳақидаги еридан давом этади.

² **Ф1** да «ер ости» йўқ.

³ **А8** ва **А9** да кейин «Хоразм ва унинг кичик денгизи орасидагилар эса» илова қилинган.

⁴ **Ф1** да йўқ.

⁵ **Ф1** ва **Ф2** да «дибо (қимматбаҳо рангли ипак мато) ва шунга ўхшаш барчаси» илова қилинган.

⁶ **А8** ва **А9** да йўқ.

⁷ **Ф1** да жумланинг охириги қисми: «аҳолиси таниқли ва мурувватлидир».

⁸ **А10** да асосий матнда «Хуросон», тепасига «Хоразм» ёзилган.

⁹ **Ф1** да йўқ.

¹⁰ **Ф8** да жумланинг қолган қисми йўқ.

¹¹ **Ф1** да бу жумла: «хоразмликларнинг тили Хуросон аҳолиси тилининг бир шевадидир».

¹² **Ф1** да бу жумла: «Хоразмликларнинг ташки кўриниши ёпинчиқли». **Ф8** да «қубо ва кулох» шаклида.

¹³ **Ф1** да бу жумла: «Ғузлар ерининг чегараси Хоразмдир».

¹⁴ **А10** да оирги икки жумла йўқ. **Ф1** да бу жумла: «Кишилари абжир ва довьюрак». **Ф8** да охириги икки жумла йўқ.

¹⁵ **Ф1** да йўқ.

¹⁶ **Ф8** да бу жумла «Асосий тижоратлари турклар билан».

¹⁷ **Ф1** да «Хазардан Хоразмга».

¹⁸ **Алиф** да «Хуросонга келтириладиган».

¹⁹ **А10** да бу жумла йўқ.

²⁰ **Ф1** да «Бошқарув саройи ҳар доим Бухоро бўлган» мазмунида берилган ва жумланинг қолган қисми йўқ.

²¹ **А10** да «Хуросондан» илова қилинган.

²² **Ф1** да бу жумла йўқ. **Ф8** дабу хатбошидаги маълумот йўқ.

Бухоро – Нумижкат дейилади¹, текисликда жойлашган, уйлари ёғочдан, бир-бирига туташиб кетган. Бинолари² – қасрлар, бўстонлар, йўллар ва қишлоқлар 12 *фарсах*лик майдонда жойлашган. Бош кенти билан ҳаммасини девор ўраб туради. Атрофида, ҳеч бир ерда чўл³ ва хароб жойлар кўринмайди.

Девор ташқарисида шаҳар қасабаси, унга тегишли туташ қасрлар, аҳоли яшаш жойлари, маҳаллалар, бўстонлар бор. Қасабада қишин-ёзин истиқомат қиладилар⁴. Бошқа бир девор ҳам бор, 1 *фарсах*га⁵ етади⁶.

Бу девор ичида яна бир мустаҳкам девор билан ўралган шаҳристон бор⁷. Унга ташқаридан бир қуҳандиз туташган. У кичик шаҳристон кабидир⁸. Унда бошқа қуҳандиз ҳам бор. Хуросон *волий*лари Сомонийларнинг яшаш жойи шу қуҳандиздадир. Унинг рабади⁹ бор. Жоме масжиди шаҳристоннинг Қуҳандиз дарвозасида, зиндони қуҳандизда, бозорлари рабадда¹⁰.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда Бухородаги сингари гавжум¹¹ ва аҳолиси кўп шаҳар йўқ. Суғд дарёси рабад ва бозорлари орасидан ўтади¹². У Суғд дарёсининг охиридадир¹³, тегирмонлари, атрофидаги ерлар ва экинзорларида оқади¹⁴. Ортгани Фарабр¹⁵ яқинидаги¹⁶ Байкандда¹⁷ оқадиган Сомхаш¹⁸ сувиға қуйилади.

Шаҳристоннинг¹⁹ етти темир²⁰ дарвозаси бор. Улар: Мадина²¹, Нур²², Хуффра²³, Ҳадид²⁴, Қуҳандиз, Бану Асад – у Мухр дарвозасидир ва Бану Саъд²⁵ дарвозалари.

¹ А9 да *بومحلت*, А10 да *بومحک*, А11 да *بومحکث*, Ф1 да *بومجکث*, Ф8 да йўқ.

² А3, А4 ва А5 да «Бу бир-бирига уланиб кетган бинолар, қасрлар, бўстонлар, маҳаллалар, тош кўчалар ва қишлоқлар ўн икки фарсах жойни қамраб олган».

³ Ф1 да «бўш».

⁴ Ф1 да бу жумладан фақат «аҳолиси қишин-ёзин яшайдилар» қисми бор.

⁵ А4 да «узунлиги бир *фарсах*».

⁶ А1 да «шунча» йўқ, Ф8 да бу хатбошида қисқагина ташқи девор ўлчови берилган. Кейинги хатбоши йўқ.

⁷ Ф1 да бу жумла йўқ.

⁸ Ф3 да «У деворнинг ташқарисида бошқа девор бор» маълумоти билан «кичик шаҳар миқдорида» орасидаги маълумотлар йўқ.

⁹ Ф8 да «мустаҳкам рабад».

¹⁰ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹¹ А4 ва А5 да «бинолари» илова қилинган. Ф1 да «бир-бирига туташиб кетган» маълумоти йўқ.

¹² Ф1 да бу жумла: «Суғд дарёси шаҳар орасидан оқиб ўтади».

¹³ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁴ Ф1 да ва «Байканд чегарасигача етиб боради» илова қилинган.

¹⁵ А10 да *فربر*.

¹⁶ Ф8 да «Фарабр яқинидаги» йўқ.

¹⁷ А8 да *اسکند*, А10 да *بکند*, А11 да *اسکند*.

¹⁸ А10 да *شام خاش*, А11 да *سام حاس*, Ф1 да *سام کاس*, Ф8 да *سامجاس*.

¹⁹ Ф1 да *بخارا*, Ф8 да «Шаҳар».

²⁰ А8 ва А9 да «янги». Ф8 да йўқ.

²¹ Ф4, Ф1 ва Ф8 да *شهرستان*.

²² А2 ва А3 да *بنون*, А8 да *بنون*, А10 ва А11 да *بور*, Ф2 ва Ф3 да *ورو*, Ф4 да *درد*, Ф8 да *نو*.

²³ А10 ва А11 да *حفره*, Ф4 ва Ф1 да *کنده*.

²⁴ Ф8 да *آهنين*.

²⁵ А8 ва А9 да *سعد*, Ф1 да *سعدیان*.

Қуҳандизининг иккита – Рикистон¹ ва жоме масжидига қараган Жоме² дарвозалари бор.

Рабдида қапуғлар³ бор. Хуросонга чиқиладигани Майдон қапуғи⁴ дейилади⁵. Шарқ томонида Иброҳим қапуғи, Рив⁶ қапуғи, Мардақша⁷ қапуғи, Калабоз⁸ қапуғи. Бу ва Мардақша⁹ қапуғларидан Насаф¹⁰ ва Балхга чиқилади¹¹. Калабоздан кейин Навбаҳор қапуғи. Самарқанд ад-дохил қапуғи, ундан Самарқанд ва Мовароуннахрнинг бошқа ерларига борилади¹². Фағаскун¹³ қапуғи, Рамисинийа¹⁴ қапуғи, Ҳадди Ширван¹⁵ қапуғи – у Хоразм йўлидадир. Ундан сўнг Ғашаж¹⁶ қапуғи келади.

Рабднинг ўртасида бозорлари дарвозалари бор. Улар: Ҳадид¹⁷ дарвозаси, кейин Ҳассон кўприги¹⁸ дарвозаси ва Маж¹⁹ масжиди ёнида икки қапуғ, у иккисидан кейин Рухна²⁰ дарвозаси, кейин Абу Ҳишом²¹ ал-Кинаний қасри яқинидаги дарвоза, Сувайқа²² кўприги яқинидаги дарвоза²³, кейин Форжак²⁴ дарвозаси²⁵, кейин Дарвозажа²⁶ дарвозаси, кейин Муғон йўли²⁷ дарвозаси, кейин Самарқанд ад-дохил²⁸ дарвозаси келади.

¹ A2 ва A9 да دىكىستان, A11 да رىكىستان.

² Ф1 да مسجد آدينه.

³ Ф1 ва Ф8 да «дарвозалар».

⁴ A1 да «дарвоза».

⁵ A10 да бу дарвоза йўқ.

⁶ A2, A3 ва A9 да ديو, A10 да ابو, A11 да رىق, Ф1 да حديق, Ф8 да رىود.

⁷ A11 да اطروش, Ф2 ва Ф3 да بردقشه, Ф7 да بروقسه, Ф8 да مروقمشه.

⁸ A9, Ф1 ва Ф8 да كلاباد. Бу дарвоза ҳақидаги маълумот йўқ.

⁹ A11 да المر دفسه.

¹⁰ A10 да йўқ.

¹¹ Ф8 да бу жумла йўқ.

¹² Ф8 да бу дардан бориладиган жой кўрсатилмаган. Матн давомида рабад бозоридаги дарвозаларгача маълумот йўқ. Пули Бозорча (Сувайқа) дан давом этади.

¹³ A10 да بعاسكون, A11 да معاشكون, Ф1 да йўқ, Ф8 да لفاسكون.

¹⁴ A2 ва A3 да رامتينيه, A10 да المر دقشه, A11 да افشه, Ф3 да امسح, Ф7 да امينه, Ф8 да رامينه.

¹⁵ A2 ва A3 да حدسرون, A10 да حد اسرونه, A11 да حد سرون, Ф2 да سرون, Ф3 да سرور, Ф7 да حدسرور.

¹⁶ A10 да عشح, A11 да عشح, Ф2 да غسج, Ф3 да غنك, Ф7 да غسج.

¹⁷ Ф1 да آهنين.

¹⁸ A10 да قنطرة حراسان, A11 да قنطرة حسان.

¹⁹ A2, A3 ва A8 да ماخ, A10 ва A11 да ماح.

²⁰ Ф2 ва Ф3 да رحبه, Ф7 да رجيه, A8 да رظه, A10 ва A11 да رحه.

²¹ Ф7 да ابو حشان الكنائى, Ф1 да ابو حشان الكنائى.

²² A11 да الشريعه, Ф1 да بازارك, Ф8 да پل بازارچه.

²³ A10 да бу дарвоза йўқ.

²⁴ A2 ва A3 да فارجل, A10 да مازحاب, Ф2 ва Ф3 да مارحمل, A8 да حرجل.

²⁵ A11 да бу қапуғ йўқ.

²⁶ A10 да دروازه, Ф1 да йўқ, Ф8 да درواجه.

²⁷ A10 ва A11 да سكه معان, Ф8 да كوى مغان.

²⁸ Ф1 да фақат «Самарқанд».

Тепаликда бўлгани учун унинг шахристон ва куҳандизида¹ оқар сув йўк. Уларнинг суви дарёдан олинади². Шахристон³ ариқлари шу дарёдан келади ва шахобчаларга бўлинади. Улар: Фашидиза⁴ ариғи Бухоро дарёсининг Варағ⁵ номли жойидан бошланади. Мардақша⁶ қапуғида Жуйбор Абу Иброҳимдан⁷ улуғ шайх Абул Фазл⁸ дарвозасигача оқиб ўтиб, Навканда⁹ дарёсига қуйилади. Бу дарёнинг икки томонида икки мингга яқин бўстон ва қаср бор. Бу дарёнинг бошидан охиригача ярим *фарсах*га яқин масофадир.

Жуйбор Бакор¹⁰ ариғи, дарёнинг¹¹ шахристон ўртасида Аҳйад¹² масжиди мавзесидан бошланади ва Навкандага¹³ қуйилади¹⁴. Бу ариқдан рабаднинг бир қисми ва дарёнинг икки томонидаги мингга яқин бўстон ва қасрлар суғорилади¹⁵.

Жуйбор ал-Қаваририйин¹⁶ шаҳарда дарёнинг Масжид ал-Ариз мавзеси яқинидан бошланади ва рабаднинг бир қисмини суғоради. Экинзорлар ва бўстонларга Бакор¹⁷ ариғидан кўпроқ сув беради.

Жу Ғашаж¹⁸ ариғи дарёнинг Масжид ал-Ариз¹⁹ яқинидан бошланади²⁰ ва Навкандага²¹ қуйилгунига қадар рабаднинг бир қисмини суғоради. У Жуйбор ал-Ариз²² номи билан маълумдир.

Байканд²³ ариғи шахристондаги дарёнинг Хатаъ²⁴ кўчаси яқинидан бошланади²⁵, рабаднинг бир қисмини суғоради ва Навкандага²⁶ қуйилади.

¹ Ф1 да бу маълумот йўк.

² Ф8 да бу жумла: «Рабад ичида ариқлар бор. Катта ариқлари рустокларида, қурилмаларида ва хўжаларларида оқади». Матнда ариқлар тавсифи тушиб қолади, Бухоро рустокларидан бошланади.

³ Ф1 да йўк.

⁴ А2 да *فسردده*, А3, Ф2 ва Ф3 да *فسرده*, А9 да *هسوددره*, А10 да *هسردره*, А11 да *قبيس دره*.

⁵ А10 да *الوزع*, А11 да *ورع*.

⁶ А11 да *مردفشه*, Ф2 да *سردسه*.

⁷ А10 да *حويبار ابى ابراهيم*, А11 да *حويبار ابى ابراهيم*.

⁸ А11 да *الشيخ الخليل ابى الفضل*.

⁹ А2, А3 ва Ф4 да *بوکنده*, А11 да *بوکنده*.

¹⁰ А2 да *رودباسکان*, А3 да *رودباسکان*, А11 да *رودباسکان*, Ф3 да *رودباسکان*, Ф4 да *رودباسکان*.

¹¹ Ф4 да «бу катта дарёдан».

¹² А5 да *مسجد احمد*, А11 да *مسجد اجيد*.

¹³ А11 да *بوکنده*.

¹⁴ Ф1 да бу жумла: «Жуйбор Бакор номли бошқа ариқ катта дарёдан бошланади. Шахристон ичидаги Қаваририйин масжиди яқинида уни қайта [Қаваририйин] номладилар».

¹⁵ А10 да охириги икки жумла йўк.

¹⁶ А10 да *حويبار القوارين*, А11 да *حويبار القوارين*, Ф2 да *قرازان*, Ф3 ва Ф7 да *قرازان*.

¹⁷ А10 да *بکان*.

¹⁸ А10 да *فرو عسح*, А11 да *فرو عسح*.

¹⁹ А10 да асосий матнда «жоме» келган, «Ариз» сўзи унинг тепасига ёзиб қўйилган.

²⁰ А9 да жумланинг шу еридан қолган қисми йўк.

²¹ А2 да *بيکند*, А3 да *بيکند*.

²² А11 да *حويبار العارض*.

²³ А10 да *بيکنд*.

²⁴ А11 да *راس سکه*.

²⁵ Ф1 да «шахристондаги дарёнинг Хатаъ кўчаси яқинидан бошланади» йўк.

²⁶ А9 да *بيکنده*.

Навканда ариғи дарёнинг Дар Ҳамдуна¹ яқинидан бошланади. У сув қуйиладиган ариқдир. Рабаднинг бир қисми сув ичади, қолгани чўлга сингиб кетади. Ундан атрофидагилар сув ичмайди².

Тахуна³ ариғи шаҳристондаги⁴ дарёнинг Навбахор мавзесидан бошланади⁵. Рабаднинг бир қисми сув ичади⁶, тегирмонларни айлантиради ва Байкандда⁷ тугайди. Байканд аҳолисининг ичимлик суви ундан.

Кушна⁸ ариғи шаҳристонда дарёнинг Навбахор яқинидан бошланади. Рабаднинг Навбахор ичимлиги ундан. Кушна қасрлар, экинзорлар, бўстонларда оқади ва Маймурғга⁹ ўтади¹⁰.

Рабах¹¹ ариғи дарёнинг Рикистон¹² яқинидан бошланади. Рабаднинг бир қисмини суғориб, Рабах¹³ қасрига етади. Икки қирғоқдаги мингга яқин бўстон ва қасрларни суғоради.

Рикистон¹⁴ ариғи, дарёнинг Рикистон яқинидан бошланади. Жалол Диза¹⁵ қасрига етгунича Рикистон¹⁶, қуҳандиз ва сарой аҳлининг ичимлиги ундан.

Шаҳристонда Ҳамдуна кўприги яқинидан¹⁷ бир ариқ бошланади. Бану Асад дарвозасидаги ҳовузларгача ер остида оқиб боради¹⁸, ортгани Фариқайн қуҳандизига¹⁹ қуйилади.

Зағар Канда²⁰ ариғи дарёнинг Варағ мавзесидан бошланади. Сабид Машага²¹ етгунича Дарвозажа қапуғи²² – унда Дарвозажа бозори²³ бор ва Самарқанд

¹ A10 да دار حمدونه.

² Ф1 да «Навканд катта дарёнинг Ҳамдуна саройи яқинидан бошланади. Рабад аҳолисининг бир қисми ундан сув ичади ва қолгани чўлга қуйилади».

³ A8 ва A9 да طاغونه, Ф1 да آسيا.

⁴ Ф1 да йўқ.

⁵ A10 да шу ердан Дабусий ва Арбинжан тавсифигача йўқ.

⁶ Ф2 ва A3 да «ичимлик суви бошқаруви».

⁷ A11 да برکيد.

⁸ A11 да كيشه.

⁹ A11 да قادىمرع.

¹⁰ Ф1 да «Кушна ариғи Навбахор яқинидан бошланади ва Маймурғга етгунича боғ, бўстон ва саройларга сув беради».

¹¹ A11 да ماح.

¹² A9 да دىكىستان.

¹³ A11 да باج.

¹⁴ A8 ва A9 да دىكىستان.

¹⁵ A11 да حلال نيره.

¹⁶ Ф1 да «рабад» илова қилинган.

¹⁷ A5 да «номи билан маълум» илова қилинган.

¹⁸ Ф1 да «ҳовузларни тўлдиради» илова қилинган.

¹⁹ Ф1 да پارگين.

²⁰ A11 да رعان كنده.

²¹ A11 да پىسند ماشه, Ф1 да اسپيدماسه.

²² A11 да دروارحه, Ф2 ва Ф3 да رحبه.

²³ A5 да «уйлари».

дарвозасигача бориб, тахминан 1 *фарсах*га оқиб ўтади. Унинг қирғоқларида касрлар, бўстонлар ва ерлар кўп¹.

Бухоро рустоқлари: Зар², Фарғидад³, Сахар⁴, Тававис⁵ рустоқи, Баврак⁶, Қуйи Харғана⁷, Бавма⁸, Нажжар Жаъфар⁹, Кахуштуван¹⁰ рустоқи, Андийар Кандиман¹¹, Пастки Самажан¹², Орқа Самажан¹³, Қуйи Фаравар¹⁴, Арван¹⁵ ва Юқори Фаравар¹⁶. Бу бари девор ичидаги рустоқлардир.

Девор ташқарисиди: Жазза¹⁷, Шабахш¹⁸, Йасир¹⁹ – Карминийа²⁰ рустоқи, Юқори Харғана²¹, Раманд²², Байканд²³ ва Фарабр²⁴.

Бухоронинг ташқи девори, қасабаси ташқарисиди Тававис туманидан Мадина дарвозасига етгунича Суғд дарёси ўзанидан кўплаб ариқлар бўлинади ва девор ичидаги қишлоқлар, экинзорларда тармоқланади²⁵. Бухоро қишлоқларининг²⁶ ободлиги уларга боғлиқ²⁷.

Сафири Ком²⁸ ариғи дарёдан бошланиб, Варданагача²⁹ қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан³⁰.

¹ **Ф1** да бу дарё тавсифи: «Бошқа бир ариқ бу катта дарёнинг Варағ номли еридан бошланади ва Самарқанд дарвозасига етгунича Дарвозажа саройларида оқиди, у ердан Сабид Машага ўтади ва [ундан] бир *фарсах* ўтади». Сабид Маша**Ф1** да اسپيدماسه.

² **A11** да الذر, **Ф1** да йўқ.

³ **A11** да فرعد, **Ф2** ва **Ф3** да فرغانه.

⁴ **A11** да بسحر, **Ф2** ва **Ф3** да دروفن.

⁵ **Ф3** да طوامين.

⁶ **A11** да بورق.

⁷ **A11** да حرعانه السفلى, **Ф2** да فرانہ, **Ф3** да فروان.

⁸ **A11** да بومه.

⁹ **A11** да بحار حيقن.

¹⁰ **A8** да كاشختوان, **A11** да كاشخنوان.

¹¹ **A11** да اندندان كندمان, **Ф2** ва **Ф3** да اندنان كندمان.

¹² **A11** да سامحن مادون, **Ф2** ва **Ф3** да سامجر ما دون.

¹³ **A11** да سامحن ما وراء, **Ф2** ва **Ф3** да سامجر ما وراء النهر.

¹⁴ **A11** да فراور السفلى, **Ф2** да فراذن السفلى, **Ф3** да فروان السفلى.

¹⁵ **A8** ва **A9** да اروات.

¹⁶ **A11** ва **Ф3** да فروان العليا.

¹⁷ **A11** да حده, **A8**, **A9** ва **Ф2** да حره, **Ф3** да جند.

¹⁸ **A8** ва **A9** да سباحس, **A11** да سانحس, **Ф2** ва **Ф3** да مباحس.

¹⁹ **A9** да بئر, **A11** да بئر, **Ф2** ва **Ф3** да بئر.

²⁰ **A8** да دمسه, **A9** да دمسه, **Ф2** ва **Ф3** да كرمينه.

²¹ **A8** ва **A9** да خو عانه, **A11** да حرعانه العليا, **Ф2** да جرغانه, **Ф3** да حرعانه.

²² **A11** да عرفد, **Ф2** ва **Ф3** да غرقيد.

²³ **A11** да بكد.

²⁴ **Ф2** да فرين.

²⁵ **Ф1** да бу маълумот: «Суғд дарёси ўзанидан Бухоронинг ташқи деворисиди, Тававис туманида, шаҳар дарвозасига етмасидан кўплаб ариқлар шаҳобчаланани ва қишлоқлар, деворлар ва экинзорларда оқиди».

²⁶ **A5** да «ариклар».

²⁷ **Ф1** да бу жумла йўқ.

²⁸ **A8** ва **A9** да ساموى كام, **A11** да ساموى كام, **Ф3** да كافرى كام.

²⁹ **Ф1** да وركانه.

³⁰ **Ф1** да «ва уларнинг ичимлик сувлари ундан» йўқ.

Харған Руз¹ ариғи дарёдан бошланади ва Равасгача² қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан.

Нажжар Жаъфар³ ариғи дарёдан бошланади ва Хармисангача қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан⁴.

Жарғ⁵ ариғи дарёдан бошланади ва Жарғгача давом этади, уларнинг ичимлик суви ундан⁶. Ортгани дарёга қайтиб қуйилади.

Навканда⁷ ариғи дарёдан бошланади ва Фаранагача⁸ қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан.

Фарахша⁹ ариғи¹⁰ дарёдан бошланади ва Фарахшагача¹¹ қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан¹².

Кушна¹³ ариғи дарёдан бошланади ва Кушнагача қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан¹⁴.

Ромисана¹⁵ ариғи дарёдан бошланади ва Ромисанагача қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан.

Қуйи Фаравар ариғи дарёдан бошланади ва Фарабгача қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан¹⁶.

Арван¹⁷ ариғи дарёдан бошланади ва Банабгача¹⁸ қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан.

Юқори Фаравар¹⁹ ариғи дарёдан бошланади ва Убуқар²⁰ қишлоғигача қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан²¹.

Хама ариғи дарёдан бошланади ва Хамагача қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан.

¹ А8 ва А9 да خرغان رود, А11 да حرعان دوز, Ф2 да جرعان, Ф3 да جرغان.

² А11 да رواص, Ф1 да خرמיسن, Ф2 да جرمش, Ф3 да حرمش.

³ А9 да نچار صص.

⁴ А11 ва Ф1 да бу жумла йўқ.

⁵ А8 ва А9 да حرغ, А11 да حرع.

⁶ Ф1 да «ва уларнинг ичимлик сувлари ундан» йўқ.

⁷ А9 да بكنده, А11 да بوكيده.

⁸ А9 ва Ф2 да قرايه, А11 да فراهه, Ф1 да «Фарана қишлоғи».

⁹ А11 да رخسه, Ф1 да فرخشنه, Ф2 да برحسيه, Ф3 да دحه.

¹⁰ А8 да аввалги жумланинг «Навканда ариғи» деган жойидан шу еригача йўқ.

¹¹ А11 да برحسه.

¹² Ф1 да «ва уларнинг ичимлик сувлари ундан» йўқ.

¹³ А11 да بسنه, Ф2 ва Ф3 да بسنه.

¹⁴ Ф1 да «уларнинг ичимлик сувлари ундан» маълумоти йўқ. Худди шундай ҳолат қолган дарёларда ҳам такрорланган.

¹⁵ А11 да الرامسه, Ф2 ва Ф3 да رامينه.

¹⁶ А11 дабу жумла йўқ.

¹⁷ Ф2 ва Ф3 да باروان.

¹⁸ А11 да بابه, Ф2 ва Ф3 да بانه, А8 да ابوفار.

¹⁹ А11 да فراوى العليا, Ф2 да قزوان العليا, Ф3 да فروان العليا.

²⁰ А11 да وىوان.

²¹ А8 да бумдарё ҳақидаги маълумот йўқ.

Танакан¹ ариғи дарёдан бошланади ва Варкагача² қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан.

Навканда³ ариғи дарёдан бошланади ва Нубоғгача⁴ қишлоқларни суғоради ва уларнинг ичимлик суви ундан.

Суғд дарёси сувидан ортгани Зар⁵ ариғида оқади ва у Бухоро рабадини кесиб ўтувчи ариқдир. Биз айтиб ўтган шахристондаги ариқлар ундан⁶. Бу ариқларнинг кўпи катта ва уларда қайиқлар сузади. Ҳаммаси Бухоро⁷ девори ичидаги дарёдан⁸ келади, Тававис чегарасидан бошланиб шахристонгача давом этади⁹.

Бухоро қишлоқлари бинолари бир-бирига аралашиб кетган, бир тартибдаги уйлар ва бинолар тагери кўтарилган. У кўхандизлар ва уйлар мажмуаси билан мустақамланган¹⁰. Бу деворнинг¹¹ ичида тоғ ҳам, чўл ҳам йўқ. Унга Варка тоғи энг яқинидир. Шаҳарларининг йўллари ва иморатлари тоши, идишлари учун лой, оҳак ва гипс ундан олинади.

Уларда туз конлари¹² девор ташқарисида, ўтинлари боғлар ва чўлдан келтириладиган саксовул ҳамда юлғундир¹³.

Бухоронинг¹⁴ барча ери сувга яқин. Шу сабабдан унда ёнғоқ, чинор, терак¹⁵ ва уларга ўхшаш баланд дарахтлар йўқ. Бўлса ҳам ўсиб кетмайди. Бухоро мевалари Мовароуннаҳрда энг яхши ва таъми ширинидир.

Бухорода бир киши бир жариб ерга ўрнашса¹⁶, тирикчилиги ўша ердан ўтади. Аҳоли кўплигидан ўзларида етиштирилган маҳсулотлар эҳтиёжларини қондирмайди. Аҳолининг кўпайиши, етиштирилган маҳсулотлари камлик қилиши сабабли егулик ва керакли маҳсулотлар Мовароуннаҳрдан келтирилади.

Этаги Варка қишлоғидан бошланган, Кеш ва Самарқанд орасидан Самарқандгача ястанган бу тизма Буттам тоғларига уланади. Ушрусана¹⁷ ва

¹ А11 да **سكان**, **Ф1** да **بنتگان**, **Ф2** да **بنیکان**, **Ф3** да **مکان**.

² А11 да **ورکر**.

³ А11 да **بوگده**.

⁴ А11 да **برفاع الامير**, **Ф2** да **برواغ**, **Ф3** да **برفاع**.

⁵ А11 да **الدر**.

⁶ **Ф1** да бу жумла йўқ.

⁷ А5 да йўқ.

⁸ **Ф1** да «Суғд дарёсидан».

⁹ **Ф1** да «Тававис чегарасидан бошланиб шахристонгача давом этади» йўқ.

¹⁰ **Ф1** да «кўхандиз, сарой, қишлоқ, боғ, бўстон, экин ва мевалар юртидир».

¹¹ **Ф1** да «ўн икки дарвозаси бўлган бу девор».

¹² А11 дайўқ.

¹³ **Ф1** да бу жумла йўқ.

¹⁴ **Ф1** да «Суғд ва Бухоро».

¹⁵ **Ф8** да йўқ.

¹⁶ **Ф8** да «... ерида бирор иш қилса, иморат курса у харажатиға тенг бўлади».

¹⁷ **Ф8** да **اسروشنه**.

Фарғона кенгликларига етиб, Шалжи¹ тумани ва Таразга² ўтади. У йўлларда юрган киши менга айтишича³, сўнгра у Син⁴ чегарасигача давом этади. Ушрусана⁵, Фарғона, Илак, Шалжи⁶ ва Лабандан⁷ Хирхиз⁸ еригача бўлган маъданлар конлари ушбу ва унга туташ тоғларда⁹ жойлашган. Буттам еридаги¹⁰ нашатир, Фарғона тўтиёси, темир, симоб, мис, қалай, олтин, чақмоқтош, нефт, қорасақич, сақич, феруза ва аввал айтганим Фарғона тоғида кўмир каби ёнадиган тош, ёввойи мевалар ҳаммаси мазкур тоғ чўққисию этаги, унга туташ ерларда бўлади¹¹.

Бу тоғда, Буттам тумани ва Самарқанддаги Савадар¹² тоғларида иссиқ ва совуқ сувлар¹³ бор. Ёзда кунлар исиб кетганида булоқлар музлайди. Қотиб қолганидан ҳатто, булоқ оғзини тўсиб қўяди. Қишда суви иссиқ бўлади ва исиниши учун чорваларини у ерга ҳайдаб келадилар¹⁴.

Бухоронинг девор ичида ва ташқарисида шаҳарлари¹⁵ бор. Девор ичида: Тававис – у қасабадан кейинги энг катта минбардир¹⁶, Тумажкат¹⁷, Зандана¹⁸, Муғкан¹⁹ ва Хужада²⁰.

Девор ташқарисида: Байканд, Фарабр²¹, Карминийа²², Худиманкан²³, Харғанкат²⁴ ва Мазйамажкат²⁵.

Тававис бозори бор шаҳар. Йилнинг бир вақтида атрофи ва Мовароуннаҳрдан сон-саноксиз одамлар келади²⁶. Унда пахтали²⁷ кийимлар тайёрланади ва

¹ Ф8 да سلحى.

² А11 да الطنار.

³ Ф1 ва Ф8 да «У йўлларда юрган киши менга айтишича» йўқ.

⁴ Ф8 да چين.

⁵ А11 ва Ф8 да سروشنه.

⁶ А11 да شلحى.

⁷ А11 да لنان. Ф8 да Фарғона ва Лабан йўқ.

⁸ А11 да حرحر.

⁹ Ф1 да «ва унга туташ бўлган тоғларда» йўқ.

¹⁰ Ф1 да «Буттам ерига қарашли» йўқ.

¹¹ Ф8 да «Буттам», «Фарғона», «мис» ва «сақич» йўқ.

¹² А11 да السلو.

¹³ Ф8 да «иссиқ ва совуқ сувлар» ўрнига «булоқлар».

¹⁴ Ф1 да «Ундаги сув ёз иссиғида музлайди ва қиш совуғида иссиқ бўлади».

¹⁵ Ф1 да «туманлар».

¹⁶ Ф8 да Тавависга берилган изоҳ йўқ.

¹⁷ А1 да محكث, А8 ва А9 да بمعك, А11 да بمحكث, Ф2 ва Ф3 да محكث.

¹⁸ А8 ва А9 да رندقه, А11 да رنده, Ф2 да زبيديه, Ф3 да زبده.

¹⁹ А11 да معكان.

²⁰ Ф2 ва Ф3 да حجاز. Ф8 да «ва бошқалар» илова қилинган.

²¹ Ф2 да فرين, Ф3 да فرين, Ф8 да فرب.

²² А11 да كرمينيه, Ф8 да كرمينه.

²³ А9, Ф2 ва Ф3 да حديمكر, А11 да حديمكه, Ф8 да حديمكن.

²⁴ А11 да حرعانك, Ф2 да جرعانك, Ф3 да جرغانك.

²⁵ А9 да مديامحكث, А11 да مديامحكب, Ф2 да مديامجكث, Ф8 да مديامجكت.

²⁶ Ф8 да «жуда кўп олди-сотти киладилар» илова қилинган.

²⁷ Ф8 да «тўкилган».

бошқа ерларга олиб кетилади¹. У бўстонлар², оқар сувларга бой обод шаҳардир, қуҳандиз ва шаҳристон³ бор. Жоме масжиди шаҳристонда⁴.

Девор ичидаги шаҳарлар катталикда бир-бирига яқин ва обод, ҳар бирининг истехкоми бор⁵.

Карминийа Тавависдан каттароқ, ободроқ, аҳолиси кўпроқ ва ҳосилдор-роқдир⁶.

Худиманкан⁷ Карминийадек⁸, қаршисида Харғанкат⁹ ва Мазйамажкат¹⁰ жойлашган, катталикда ва ободликда бир-бирига яқин. Карминийанинг кўплаб қишлоқлари бор¹¹.

Ҳар бир минбарнинг¹² қишлоқ ва экинзорлари¹³ бор. Фақат Байкандда¹⁴ эмас, у алоҳида шаҳар¹⁵, унда шунча работ бор, Мовароуннаҳр шаҳарларида¹⁶ сони ундан кўпини билмайман¹⁷. Менга маълум бўлгани¹⁸, мингга яқин работ экан. Унинг мустаҳкам девори бор. Жоме масжиди биноси ва безатилган меҳроби кишини ҳайратга солади. Бутун Мовароуннаҳрда ундан яхшироқ безатилган меҳроб йўк¹⁹.

Фарабр Жайхунга яқин шаҳар, обод ва ҳосилдор қишлоқлари бор²⁰.

Бухоро аҳолиси тили суғдча, баъзи сўзлар ўзгарган²¹, дарий тили ҳам бор²². Халқи одоби билан Мовароуннаҳр аҳолисидан фазилатлидир. Пули

¹ Ф1 да бу жумла йўк.

² Ф1 да «боғ» илова қилинган.

³ Ф8 да йўк.

⁴ Ф1 да «У ерда карбос кўп ишлаб чиқарилади» илова қилинган.

⁵ А4 ва А5 да «ҳар бирининг қуҳандизи ва истехкоми бор». Мазкур маълумот Ф1 да йўк. Ф8 да «ва рабади» илова қилинган.

⁶ Ф1 да «ободроқ, аҳоли кўпроқ ва ҳосилдорроқдир» йўк. Ф8 да «унинг иморатлари, қишлоқлари ва экинзорлари кўп» илова қилинган. Матнда Худиманкан тавсифи тушиб қолган ва Байканд тавсифидан давом этади.

⁷ А11 да *حدمسكن*.

⁸ Ф1 да «Худиманкан Карминийадек» йўк.

⁹ А11 да *جرعائكت*, Ф2 да *جرعائكت*.

¹⁰ А11 да *مذنامحكت*.

¹¹ Ф1 да бу жумла йўк.

¹² Ф1 да «шаҳар».

¹³ Ф1 да «қишлоқлари ва экинзорлари» ўрнига «туманлари».

¹⁴ Ф2 да *بيكند*.

¹⁵ Ф1 да «у алоҳида шаҳар» ўрнига «рустоқи йўк». Ф8 да «Байканд алоҳида, унинг қишлоқлари йўк».

¹⁶ А5 да «шаҳарларидан бирортасида».

¹⁷ Ф1 ва Ф8 да бу жумла йўк.

¹⁸ Ф8 да «Китоб муаллифи айтишича».

¹⁹ Ф да «Жоме масжидида шундай меҳроб қурганлар, бутун Мовароуннаҳрда бундан ажойиброғи йўк?».

²⁰ Ф1 да «Рустоқи бор» илова қилинган.

²¹ Ф1 да «баъзи сўзлар ўзгарган» йўк.

²² Ф1 да бу жумла йўк.

дирҳам. Улар ўзаро *динор* билан муомала қилмайдилар ва у мол сифатидадир¹. Уларда *гитрифий дирҳами* ҳам бор. У темир, бронза, қалай ва бошқа металллар аралашмасидан тайёрланган дирҳамдир², Бухородан³ бошқа жойда ишлатилмайди. Тангаси суратли ва Ислом келганида зарб этилган. Ундан ташқари, Мусаййибийа ва Муҳаммадийа Ислом даври зарбларидир⁴.

Кийимлари Мовароуннаҳр аҳолисидаги каби⁵ чопон ва бош кийимдан иборатдир. Уларнинг девор ичи ва ташқарисида бозорлари бор. Ойнинг аниқ бир кунда бозор бўлади. Уларда кийимлар, қуллар ва аҳолисида кўп бошқа буюмлар⁶ савдо қилинади⁷. Бухоро ва туманларида четга чиқариладиган⁸ пахтали кийимлар⁹ тайёрланади, яхши тўқилган гиламлар, жойнамоzлар ва юнгли матолар бор¹⁰. Бухоро аҳли қуҳандиз фазилатини таърифлаб, унда бирорта ҳам ҳукмдорнинг жанозаси ўқилмагани¹¹, ҳеч қачон ташқарига чиқиб мағлуб бўлган қўшиннинг байроғи тикилмаганини ривоят қилади. Рост бўлса, бу халқ ичида тарқалган ажойиб воқеалардир.

Айтишларича, Бухоро аҳолиси қадим замонларда Истахрдан кўчиб келган эмиш. Хуросон *волий*лари Сомонийлар Бухоро шаҳрида яшаган. У Мовароуннаҳр шаҳарларидан Хуросонга яқинроғидир. Хуросон у ерда турган кишининг олди ва Мовароуннаҳр орқа тарафидадир¹². Улар ҳукмдорларига ихтилофи камлиги, садоқати ва итоати туфайли мовароуннаҳрликлар орасидан юксак мақомга танланди.

Хуросоннинг биринчи Сомоний ҳукмдори Исмоил ибн Аҳмаддир. Хуросон ҳукмдори бўлди, Бухорода ўрнашди ва шу ерда қолиб кетди¹³. Ҳукмдорлик авлодларига ўтди. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари ундан олдин турклар ҳузурида, Самарқанд, Шош ёки Фарғонада турарди. Тоҳирийлар сулоласи тугагунига қадар Бухоро ҳукмдорларининг иши Хуросондан мустақил бўлиш эди¹⁴.

Хужада Бухородан Байкандга боришда ўнг томонда¹⁵ *фарсах* масофада жойлашган. Йўл ва унинг ораси тахминан 1 *фарсах*дир.

¹ **Ф1** да бу жумла йўқ.

² **Ф1** да бу жумла йўқ.

³ **Ф1** да «Мовароуннаҳр».

⁴ **Ф1** ва **Ф8** да охирги икки жумла йўқ.

⁵ **Ф8** да «Мовароуннаҳр аҳолисидаги каби» йўқ.

⁶ **Ф1** да «кийимлар, қуллар ва аҳолисида кўп бўлган бошқа нарсалар», маълумоти йўқ.

⁷ **Ф8** да охирги икки жумла йўқ.

⁸ **А5** да «Ироққа олиб кетилади ва уфқларга тарқалади». **Ф8** да «Ироқ, Хуросон ва бошқа мамлакатларга олиб кетилади».

⁹ **Ф1** да «занданажи».

¹⁰ **Ф1** да бу жумла йўқ.

¹¹ **А5** да «чикмайди». **Ф8** да бу жумла: «Китоб муаллифи айтишича», деб бошланади. Матн Хужада тавсифи билан давом этади. Ҳукмдорлар борасидаги маълумот йўқ.

¹² **Ф1** да охирги икки жумла йўқ.

¹³ **Ф1** да «Хуросон аҳолиси унга хиёнат қилдилар».

¹⁴ **А5** да «Бухоро вилояти Тоҳирийларнинг ҳукмронлиги тугагунига қадар Хуросондан ажратиб олинди».

¹⁵ **Ф1** да «ўнг томонда» маълумоти йўқ.

Муғкан шаҳардан 5 *фарсах*, Байканд йўлининг ўнг томонида, йўл билан ораси 3 *фарсах*дир.

Зандана¹ шаҳарнинг шимол томонида² 4 *фарсах*дир.

Тумажкат³ Тавависга кетаверишда чап томонда⁴ 4 *фарсах*, йўл билан ораси ярим фарсахга яқин⁵. Карминийадан Суғд томондаги Худиманканга⁶ 1 *фарсах*. Худиманкан билан Самарқанд ораси йўли чап томонда бир *галва* масофади⁷.

Мазйамажкат⁸ Суғд водийси ортида Худиманкандан⁹ 1 *фарсах* юкорида. Харғанкат¹⁰ Карминийа¹¹ қаршисида, дарё ортида 5 *фарсах* масофада¹².

Суғд Бухорога шарқдан¹³ туташади, Карминийадан¹⁴ бошланади. Ўтсанг, Дабусийа¹⁵, Рабинжан¹⁶, Кушонийа¹⁷, Иштихан ва Самарқанд келади. Булар Суғд қалбидир. Баъзилар Бухоро, Кеш ва Насаф Суғддан десалар ҳам, биз уларни ажратдик¹⁸.

Суғднинг қасабаси Самарқанддир. У Суғд водийси¹⁹ жанубидаги баландликда²⁰ жойлашган шаҳар, қуҳандизи, шаҳристони ва рабади бор.

Хукмдор саройи ва зиндон қуҳандизда, иккиси ҳам обод²¹. Шаҳристоннинг девори²² ва тўрт дарвозаси бор: Син²³ шарқ, Навбахор ғарб, Бухоро шимол, Кеш дарвозаси жанубий томонида.

Унинг бозорлари ва гузарларидан сув оқиб туради²⁴, сув ариқдаги кўрғошин новдан²⁵ киради²⁶. Ариқда тошдан баланд ғов қурилган, сув у орқали

¹ А11 да دندنه.

² Ф1 да «шимол томонидан» маълумоти йўқ.

³ Ф8 да بومجکت.

⁴ Ф1 да «чап томонда» маълумоти йўқ.

⁵ Ф1 да бу жумла йўқ.

⁶ Ф1 да بيکند, Ф8 да نمکت.

⁷ Ф1 да «Мазйамажкат Суғд дарёси қирғоғида Байканд томонида».

⁸ А11 да سدمامحکت, Ф8 да منماجکت.

⁹ А11 да حدسکن.

¹⁰ А11 да حر عالکت.

¹¹ А11 да کرمانیه, Ф8 да کرمنیه.

¹² А11 да «беш *фарсах* масофада» йўқ.

¹³ Ф1 да «шарқ томонидан» йўқ.

¹⁴ А4 да کرمانیه.

¹⁵ А2, А3 ва А8 да دسوییه, А11 да الدوسیه, Ф1 да دیسوی.

¹⁶ А2 да زنجر, А3 да رنجر, А9 да زنجر, А11 да الرنحس, Ф2 да بجرд, Ф3 да دارد.

¹⁷ А2 да کیسانیه, А11 да الکسانیه, Ф3 да йўқ, Ф1 да کسانی.

¹⁸ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁹ Ф1 да «дарё».

²⁰ Ф1 да «баландликда» йўқ.

²¹ Ф1 да «Хукмдор саройи ва лашкар қароргоҳи қуҳандизда».

²² А4 да «уни истехком ўраб туради». Ф8 да «мустаҳкам истехком».

²³ Ф1 да چین.

²⁴ А5 да «бўлган шаҳар». Ф8 да «Шаҳристонда бозорлар бор. Жоме масжиди у ерда, қуҳандиз пастида. Масжид ва қуҳандиз орасида катта қўча бор».

²⁵ А2, А3 ва А8 да «майда тошлар». А4 ва Ф1 да «силлиқ тошлар».

²⁶ Ф1 да «Сув Самарқандда бозор, маҳалла ва ҳовлиларида оқади».

Саффариндан¹ Кеш дарвозасигача окиб боради. Шаҳар атрофи чуқур хандақлиги туфайли бу ариқ юзи тўлик тошдан терилган². Унинг тупроғи шаҳристон деворига ишлатилгани учун теварагида катта хандақ пайдо бўлган³. Бу хандақдан шаҳристонга ғов орқали сув ўтказиш зарурати шундан эди⁴. У Ислондан олдинги давр ариғидир. Бозор ўртасида Раъс Тақ⁵ мавзесида оққан. У Самарқанддаги энг обод мавзедир⁶. Бу ариқ атрофидаги бугдойлар унинг таъмири учун вақф қилинган⁷. Унга⁸ кишин-ёзин қараб туриш вазифаси оташпарастларга юкланган. Жоме масжиди шаҳристонда, қуҳандиз билан орасидан катта йўл ўтган⁹. Шаҳристон шу ариқдан сув олади, боғлари бор¹⁰. Унда¹¹ қуҳандиздаги ҳукмдор саройидан¹² бошқа Сомонийлар саройи бор. Шаҳристон рабаднинг ёнида, дарёга¹³ яқин¹⁴. Рабад девори Суғд дарёси ортидаги Афшинадан¹⁵ бошланиб, Қуҳак дарвозасидан Варсанинни¹⁶ айланиб, Фанак¹⁷ атрофи¹⁸ ва Дивдад¹⁹, Фарахшиз²⁰, Гадавад²¹ дарвозалари сўнгра водийда²² давом этади. Дарё рабад учун шимол томонда хандақ кабидир²³. Самарқанд рабадини ўраб турувчи деворнинг узунлиги 2 *фарсах*²⁴. Рабад суви²⁵ ва бозорлари Раъс Тақда²⁶, унга бозорлар, кўчалар, гузарлар туташади, атрофи

¹ Ф1 да *رويگيران*, Ф8 да йўқ.

² Ф1 да бу жумла пастрокда келади.

³ Ф1 да бу жумла йўқ.

⁴ Ф1 да бу жумла йўқ.

⁵ А4 да *باب طاق*, Ф1 да *سر طاق*.

⁶ Ф1 да бу жумла: «Шаҳар айланасига катта хандақ билан ўралган ва ғовни шу хандақ устида курганлар. Сув жоҳилият даврида унинг устидан оққан. Шаҳарнинг энг обод жойи шу жой, уни Сар Тақ атайдилар. Қўрғошин ариқ унинг бошида».

⁷ Ф1 да бу жумла: «Бу бозорда кўплаб дўконлар бўлиб, ушбу дарёнинг ободлиги учун вақф қилганлар».

⁸ А5 да «бу дарёга қараб туриш».

⁹ Ф1 да бу жумла: «жоме масжиди шаҳристонда, қуҳандиз этагида».

¹⁰ Ф1 да бу жумла: «бу қўрғошинли дарёдан ариқлар чиқиб боғ ва бўстонларга сув беради».

¹¹ А5 да «шаҳристонда».

¹² А5 да «Асфарон номли жойда». Асфарон А5 да *اسفران*.

¹³ А8 ва А9 да араб тилидаги жумланинг «Суғд водийси» деган жойидан рабад девори узунлиги айтилган еригача икки жумла йўқ.

¹⁴ Ф1 да бу жумла: «Ҳукмдор саройи қуҳандизда жойлашган ва шаҳристон Суғд дарёси яқинида, рабаднинг бир чеккасида».

¹⁵ А2 ва А3 да *اسسه*, А11 да *افسه*, Ф2 ва Ф3 да *ورسين*, Ф4 да *اسه*, Ф8 да *افسه*.

¹⁶ А11 да *ورسين*, Ф2 ва Ф3 да *ورسين*, Ф8 да *طوف*.

¹⁷ А11 да *فتل*, Ф4 да *فتك*.

¹⁸ Ф1 да «атроф».

¹⁹ А11 да *ديورد*, Ф2, Ф3 ва Ф4 да *ديورد*, Ф8 да *ديوردر*.

²⁰ А3 да *فرخشد*, А11 да *وحشد*, Ф2 ва Ф3 да *فحد*, Ф4 да *فحنيد*, Ф7 да *فوكند*, Ф8 да *فرحسك*.

²¹ А11 да *عداود*.

²² Ф1 да «дарё кирғоғигача».

²³ Ф1 да «бу дарё рабадни унда хандақ бўлгани сабабли айланиб ўтади».

²⁴ Ф4 ва Ф1 да «Бу деворнинг узунлиги икки *фарсах*га икки *фарсах*дир».

²⁵ Ф4 да «шаҳар булоғи».

²⁶ Ф3 да *در طاق*, Ф8 да *سرة طاق*.

қасрлар ва боғлардир¹. Сув ўтмаган бирор кўча ё боғи йўк, озгинаси бундан мустасно². Боғсиз ҳовли деярли йўк. Қальанинг энг баланд жойига чиқсанг, боғ ва дарахтлар билан ўралган шаҳардан кўз узиб бўлмайди³. Асосий бозор ва тижоратлари рабадда, озгинаси шаҳристонда бўлади. У Мовароуннахрнинг савдо бандаргоҳи ва тижоратчиларнинг тўпланадиган жойидир⁴. Мовароуннахр маҳсулотларининг катта қисми Самарқандга келтирилади ва ундан бошқа худудларга тарқалади. Мовароуннахр ҳукумати саройи Исмоил ибн Аҳмадга⁵ қадар у ерда бўлган, сўнгра Бухорога кўчган.

Рабад деворининг Гадавад⁶, Исбаск⁷, Сухашин⁸, Афшина⁹, Варсанин¹⁰, Қухак, Ривдад¹¹ ва Фаррухшиз¹² дарвозалари бор. Баъзи бировлар¹³ ривоят қилишича, Туббаъ шаҳарни барпо этган, Зулқарнайн қурилишининг бир қисмини якунига етказган¹⁴. Кеш дарвозасида темирдан бир лавҳа кўрдим¹⁵. Унга¹⁶ матн ёзилган эди. Айтишларича, у химярий тилида экан. Туббаъ қурган, дея бу илмни сақлаб келадилар¹⁷. Унга “Санъодан Самарқандгача 1000 *фарсах*”, деб ёзилган. У ёзув Туббаъ даврига оид¹⁸. Самарқандда пайтимда исён бўлди. Бу дарвоза ёқиб юборилди ва ёзув йўқолди. Абу Музаффар Муҳаммад ибн Луқмон¹⁹ ибн Наср ибн Аҳмад ибн Асад²⁰ уни аввалгидек темирдан, бироқ ўша ёзувсиз тиклади.

Самарқанд тупроғи энг унумдор ва қуруқдир. Кўчалари ва ҳовлиларидаги оқар сувлар кўп буғланмаганида ва дарахтлари мўл бўлмаганида, бу

¹ А5 да «Унинг атрофи тошлар ётқизилган маҳаллалар».

² Ф1 да охирги икки жумла йўк.

³ Ф1 да «сабабли кўзни узиб бўлмайди» маълумоти йўк. Давомида «уйлари, маҳаллалари, ариқлари кирғоқари ва дўконлари бари дарахтдир». Ф8 да бу жумла қуйироқда келади.

⁴ Ф1 да бу жумла йўк.

⁵ Ф8 да «Исмоил Сомоний».

⁶ А8 ва А9 да عواد.

⁷ А11 да سسك, Ф1 да اسفسك, Ф8 да اساسيك.

⁸ А3 да سوحشحن, А11 да بنوحس, Ф1 да سرخس, Ф8 да حسين.

⁹ А8 ва А9 да السنه, А11 да افسنه.

¹⁰ А2 ва А3 да ورسن, Ф2 ва Ф3 да روسين.

¹¹ Ф2 ва Ф3 да ديودد, Ф8 да ريود.

¹² А11 да ورحسد, Ф3 да يوحسند.

¹³ А4 да «уларнинг баъзилари». Ф8 да «муаллиф».

¹⁴ Ф1 да бу жумла йўк.

¹⁵ Ф1 да бу жумла: «Китоб муаллифи айтади: «Самарқандда бир дарвозани кўрдим, унга темир копланган эди».

¹⁶ Ф1 да «унинг бир қисмига».

¹⁷ Ф1 да «У ҳақида одамлардан сўрадим, айтишларича, бу дарвозани Туббаъ ўрнатган экан. Бу темирга химярий тилида «Санъодан Самарқандгача минг фарсанг», деб ёзиб қўйилган дейишди. У кишилар бу ёзув илмини мерос қилиб сақлаб келадилар».

¹⁸ Ф1 да бу жумла йўк.

¹⁹ Ф4 да «Аҳмад».

²⁰ Ф8 да «ибн Асад» йўк.

қуруқлик уларга зарар етказарди¹. Уйлари² пахса ва ёғочдан, одамлари ажойиб ва гўзалдирлар³. Мурувват ва саховатни Хуросон шаҳарларидан ортиқ қиладилар, бу молларига ҳам таъсир этади⁴. Самарқанд Мовароуннаҳр қуллари тўпланадиган жойдир. Қулларнинг энг яхшиси ҳам Самарқандда бўлади⁵.

У билан энг яқин тоғлар оралиғи 1 енгил *марҳала* чиқади. Кичик Қуҳак тоғи билан туташган, унинг бир тарафи Самарқанд деворигача чўзилган, узунлиги ярим милга тенг. Шаҳарларининг тоши, идишлари⁶ учун тупрок, оҳак⁷, шиша⁸ ва бошқа нарсалар ундан олинади. Ундаги олтин ва кумушдан фойдаланишга рухсат берилмаслиги менга маълум бўлди. Баъзиларидан ташқари шаҳарнинг барча йўллари, маҳаллалари, кўчаларига тош ётқизилган⁹. Суви Суғд дарёсидан келади, у Буттам тоғларида, Сағанийон орқасида бошланади. Унда Жан¹⁰ деб аталадиган кичик денгизга ўхшаш кўли бор. Атрофида қишлоқлари бор, бу туман Барғар¹¹ дейилади. Сув ундаги тоғларни оралаб Банжикатга¹² етиб боради. Сўнгра “Тўғон боши”ни англатувчи Варағсар¹³ деб аталадиган жойга ўтади¹⁴. У ердан Самарқанд дарёларига бўлинади¹⁵. Водийнинг ғарбида Самарқанд томондаги рустоқлар билан туташади¹⁶. Шарқий тарафдаги ариқлар боши Варағсар¹⁷ қаршисидаги Ғубар¹⁸ мавзесидадир. Бу жойда тоғлар ажралиб, экин экиладиган ерлар бошланади¹⁹. Варағсардан Барш²⁰, Бармиш²¹ ва Башмин²² дарёлари чиқади.

¹ Ф8 да бу жумла йўқ.

² А4 да «Биолари катталиги бир-бирига яқин ва аралашиб кетган».

³ Ф1 да «Самарқанд кишилари чиройли, вазмин ва виқорли, мурувват ва озодаликка интилувчидир».

⁴ Ф1 да бу жумла йўқ. Ф8 да бу икки жумла: «Унинг аҳолиси хотиржам, юмшоқ, чиройли, зийрак, мурувватли ва довуракдир».

⁵ А2 ва А3 да «дашти». А8 ва А9 да «кули». Ф1 да бу икки жумла йўқ.

⁶ Ф8 да «кўза».

⁷ Ф8 да «гипс» илова қилинган.

⁸ Ф1 да «оҳак, шиша» йўқ.

⁹ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁰ А8 ва А9 да بحى, А11 да رى, Ф2 да نوى.

¹¹ А2 да برغو, А11 да بر, Ф8 да برغو.

¹² А2 ва А3 да نحتكت, Ф4 да نحتكت, Ф8 да بيجكت.

¹³ А11 да ورعش, Ф8 да غير.

¹⁴ Ф8 да жумла давом: «ундан Самарқанд дарёлари шаҳобчланади ва ажралади. Бу дарёларнинг баъзилари шундайки, уларда қайиқлар ҳам суза олади». Матн Самарқанд *дирҳами* ҳақидаги маълумот билан давом этади. Самарқанд дарёлари тавсифи йўқ.

¹⁵ Ф1 да «шарқ ва ғарб томонга шаҳобчланади».

¹⁶ Ф1 да бу жумла йўқ.

¹⁷ А3 да ورغش, Ф1 да ورغس.

¹⁸ А2, А3, А8 ва А9 да عرفان, А11 да عربان. Матн давомида А2 عور, А3 да عوبار, Ф7 да غربان, Ф2 ва Ф3 да عربان.

¹⁹ Ф1 да «унга сабаб тоғлар камайиб, экинзорларга ерлар пайдо бўла бошлайди».

²⁰ А8 ва А9 да برندن, А11 да بدوس, Ф4 да بوس, Ф2 ва Ф3 да دبوس.

²¹ А2 да نارمس, А3 ва А8 да نارمس, А11 да نارمس, Ф2 да بسم, Ф3 да بايم.

²² А2 да سمين ва سمين, А3 да سمين, А8 да بسحن, А11 да بشمی, Ф2 ва Ф3 да دبوس.

Барш дарёси Самарқанд юқорисида давом этади, бошидан охиригача унга туташ шахристон, девор ва қишлоқлар ариқлари ундан сув олади¹.

Бармиш дарёси жанубдаги туманда оқади², бошидан охиригача 1 *марҳала*га яқин масофада қишлоқлар бор³.

Башмин дарёси Бармишдан кейин жануб томонда келади⁴, бошидан охиригача кўплаб қишлоқларни суғоради, ўзани бу икки дарё охиридан бошқа жойда тугайди. Улардан Барш ва Бармиш қатта, қайиқлар сузади. Бу дарёлардан кўп ариқлар ажралиб чиқади, Варағсардан⁵ Дарғам⁶ рустоқи охирига қадар эни 4 *фарсах*дан 1 *фарсах*гача, узунлиги 10 *фарсах*⁷ масофада қишлоқ ва экинзорлар ободдир.

Бу ердаги рустоқлар Варағсар⁸, Маймурғ⁹, Санжарфағн¹⁰ ва Дарғам¹¹ деб аталади.

Ғубардан¹² Иштихан¹³, Синаваб¹⁴ ва Бузмажаз¹⁵ ариғи¹⁶ бошланади. Суғд дарёси¹⁷ ҳар бир шаҳар ва рустоқдан ўтадиган кўплаб ариқларга бўлина-

¹ А2 да «Шахристон ва рустоқ дарёларининг бари шу дарёдан чиқади».

² Ф1 да «Бармиш ҳам шу дарёга яқин жанубдаги туман олдида ажралади ва кўплаб рустоқлар ундан сув ичади».

³ Ф1 да бу маълумот йўқ. Ф1 да «Дарёларнинг энг қаттаси Барш дарёсидир», илова қилинган.

⁴ Ф1 да «Башмин ҳам бу дарёга жануб томондаги яқин ердан бошланади ва ундан кўплаб рустоқлар сув ичади».

⁵ Ф2 ва Ф3 да ورغس.

⁶ А11 да الدرعم, Ф2 ва Ф3 да ذرعم.

⁷ А11 да «тўрт *фарсах*» илова қилинган.

⁸ Ф2 ва Ф3 да ورغس.

⁹ Ф2 да مايفريچ, Ф3 да مايفريچ.

¹⁰ А2 да سنجرعن, А3 да سنجرعن, А8 ва А9 да سنجرعن, А11 да سجرقق, Ф2 ва Ф3 да سجر, Ф4 да بحر, Ф7 да بيخرو.

¹¹ Ф3 да ذرعم.

¹² Ф1 да «Ғубар чўли».

¹³ А11 да اسنخن, Ф2 да اسنجر, Ф3 да اسجر.

¹⁴ А3 да ساواب, А8 ва Ф2 да ساواب, А11 да السوات, Ф3 ва Ф7 да ساوات.

¹⁵ А2, А3, А8 ва А9 да بون ماحر, А11 да بورماحن, Ф2 ва Ф7 да مورماجز, Ф4 да مور ماحن. Матн давомида: А2 ва А3 да بورماحر, Ф7 да بورماحر.

¹⁶ А5 да «Синаваб Бузмажаз ортида давом этади ва Визар рустоқиғача уни суғоради ва ундан Иштиханга ўтади, бошидан охиригача 2 *марҳала* атрофида қишлоқлар бор. Бузмажаз ариғи ундан пастрокда шахристон томонда Бузмажаз рустоқини суғоради. Иштихан унинг бошланишидан тўрт *фарсах* масофада оқиб ўтмагунча фойдаланилмайди. Ундан ариқлар чиқади ва етти *фарсах* масофани суғориб, Иштиханга етгунча ариқларга бўлинади. Сўнгра Иштихан ва унинг рустоқларини суғоради. У бу ариқларнинг энг қаттасидир. Булар бу водийдаги ариқлардир. Унинг ғарбида Самарқандга ўтмагунча бирорта ариқ ажралиб чиқмайди. Бу водийнинг бошланган еридан Самарқандгача йигирма *фарсах*дан ортиқдир. Самарқандга ўтганидан кейин 2 *марҳала*га яқин масофада Қайй ариғи ажралади. Суғдда Қайдан ободлиги зиёда, аҳолиси зич, чиройлироқ, қасрлари ва қишлоқлари кўпроқ ариқ йўқ. Ундан ариқлар учун узунасига Арбинжандан Бухоро ҳудудидаги Карминийагача ҳар бир шаҳар ва рустоқнинг рўпаразида ариқлар ажралиб чиқади», илова қилинган.

А11 да А5 да илова қилинган матн келади. Фақат А5 даги охириги жумла ўрнига: «У Суғднинг дарвозасидир» маълумоти берилган.

Ф1 да «Синаваб дарёси Бузмажаз ортида давом этади, кўплаб қишлоқларга сув беради ва Визар рустоқиға ўтиб, Иштихан ҳудудига етиб боради». Бу ариқнинг бошидан охиригача 2 *марҳала*дир. Бузмажаз шаҳар ариғидир. Ўн *фарсах* узунликдаги туманга сув беради. Бу ариқлар Самарқандга етмай, дарёдан ажралади. Бу водийнинг оғзидан Самарқандгача йигирма *фарсах*дир. Ундан икки *фарсах* ўтиб, Қайй ариғи бўлинади. Суғдда бу ариқдан иморатлари обод, фойдали, қатта жой йўқ.

¹⁷ Визар А11 да والملا, Ф2 ва Ф3 да ودان. Иштихан А11 да اسلحن, Ф2 да استنجر, Ф3 да اسنجر. Қайй А11 ва Ф1 да فى.

А11 да «Суғд водийси» ўрнига «Қайй дарёси» ёзилган.

ди¹. Бухорога етгунча улардан Рабинжан², Дабусийа, Карминийа ариқлари ажралади³. Ариқлар Самарқанд рустокларида қишлоқлар кўпайиб бораётгани туфайли ортиб боради. Ҳатто, ундаги биргина қишлоқда икки ва уч ариқ бўлади. Ариқлар шахристонда ҳовлилар, ҳовузлар, боғлар ва қасрлар ортишига мос кўпаяди⁴. Суғд водийсидаги баландликдан атрофга назар солган давомли яшиллик ва орада қаср, қалъалар кўриниб қоладиган манзарадан бошқасини кўрмайди⁵. Варағсарда узумзорлар⁶, экинзорлар ва боғлар бор, улардан хирож олинмайди. Ўрнига дарё тўғонини мустаҳкамлаш ва сув оқишини назорат қилиш ишлари топширилган⁷. Дарё суви миқдори ёзда Буттам, Ушрусана ва Самарқанд тоғлари қорларига боғлиқдир⁸.

¹ **Ф1** да «Қай дарёсидан ҳар бир қишлоқ ва шаҳар қаршисидан Карминийа худудига етгунча ариқ ажралади».

² **A2** да **بحن**.

³ **A5** да «Бу водийнинг шаркида Самарқанд қаршисида бу дарёдан Кабунжакат, Марзбон рустоки ва бошқа ариқлар бўлиниб чиқади. Баъзан водийни кесиб ўтувчи ариқда битта ё катта қишлоқлар бўлади. Ҳатто, ундан Кушонийа ариқлари ажралиб, Бухоро деворигача етади. Бу ариқлар ундаги қишлоқлар сонича кўпаяди. Варағсардан биз айтиб ўтган Бухоро девори ичидаги бир-бирига туташган ариқлар, қишлоқлар ва боғлар худудигача олти кунлик йўлдир. Суғд водийсидаги тоққа чиққан кимса фақат яшиллик, унинг ораларида қуҳандиз, қасрлар ё уларни ажратувчи бўшлиқларни кўради. Самарқандгача бу сувнинг тўсилганини деярли кўрмайсан. Бухорода ариқлар ва ғовлар бор, Варағсарда ҳам», илова қилинган.

A11 да «Бу водийнинг шарқи, Самарқанд қаршисида бу водий ... ажралади. Улардан Кабунжакат дарёси ва ўша қишлоқлар учун ариқлар Кабунжакат рустоки, Марзбон рустоки ҳамда улардан бошқаларини суғоради. Ҳатто, бир қишлоқ ва кўп қишлоқ учун бир ариқ бўлиб, водийни кесиб ўтади. Ундан Кушонийа дарёлари бошланади ва Бухоро девори чегарасидан ўтади».

Ф1 да «Ундан Рабинжан, Дабусийа ва Карминийа ажралади ва Бухорога етиб боради».

⁴ **Ф1** да охириги уч жумла йўқ.

⁵ **Ф1** да бу жумла пастрокда келади.

⁶ **Ф1** да йўқ.

⁷ **A5** да «Уларга хирож бадалига ўша ғовларга қараб туриш топширилган. Бу водийдан биз баён қилган ариқлар ажралиб чиқади. Қолгани Самарқанд дарвозасидаги Жирад кўприги тагидан оқади. Сув бир неча киши бўйи кўпайганида Суғд ёғочи Самарқандга оқизилади. Буттам, Ушрусана ва Самарқанд тоғларидаги қорлар эриб, бу дарё суви ёзда кўпаяди. Баъзан сув тўлиб-тошиб, Жирад кўприги тўсиғидан ошиб чиқади. Самарқанд аҳолиси сув тошганда уни тўсиш учун Аллоҳга нола-лар қилади».

A11 да **A5** да «Баъзан сув шу қадар кўпаяди, Жирад кўприги ғовидан тошиб чиқади. Самарқанд аҳолиси сув тошганда уни тўсиш учун ҳашар қиладилар» илова қилинган.

Ф1 да «Варағсар туманида боғ ва қишлоқ экинлари кўп, тўғонга қараб туриш хирож сифатида топширилган».

⁸ **Ф1** да «Самарқанд қаршисидаги шарқий томонда бу водийдан ариқлар ажралиб чиқади. Улар Кабунжакат ва Марзбон рустокига сув беради. Бухоро девори яқинигача бу ариқдан бошқаси, ундан яна бошқалари айрилиб чиқади. Варағсардан Бухоронинг ташки деворигача бўлиниб чиққан ариқлар, узлуксиз боғлар ораси олти кунлик йўлдир. Тоғдан водийга назар ташлаган Суғд водийсида яшиллик, дарахтлар, қуҳандиз ва саройдан бошқасини кўрмайди. Бу дарёдан айтилган ариқлар бўлиниб чиқади. У Қуҳак кўприги остидан Самарқанд дарвозасига ўтади. Баъзан кўприк тагида сув чуқурлиги бир неча киши бўйи баробар бўлади. Дарё суви Ғаржистон, Ушрусана ва Самарқанд тоғларидаги қорнинг эришидан ёзда кўпаяди. Гоҳо сув тошиб, тўғонларга сиғмай қолади. Шунда Самарқанд аҳолиси у тўғонларни беркитиш учун ҳашарга чақирилади».

Буттам **Ф1** ва **Ф4** да **غرجستان**. Кабунжакат – **Ф2** да **كجھكت**, **Ф3** да **كمھكت** ва **كمھكت**.

Самарқанд рустоқларидан биринчиси Бунжикат¹ ва Бунжикат² шахри, сўнг Варағсар ва Варағсар шахри келади. Бунжикатдан кейин Савадар³ тоғлари келади ва унда минбар йўқ⁴. Савадар билан Варағсар орасида Самарқанд томонида Маймурғ⁵ ва Санжарфағн рустоқлари келади ва у иккисида минбар йўқ⁶. Маймурғда⁷ Ривдад⁸ номли жой бор, Самарқанд подшоси Ихшиднинг қароргоҳи бўлган. У⁹ Ихшидларга тегишли қасрлари бор қишлоқдир. Санжарфағн¹⁰ ва Варағсар¹¹ Маймурғга¹² қарашли бўлган, лекин ундан алоҳида қилингандир¹³. Маймурғ ва Дарғам¹⁴ рустоқи туташган, минбари йўқ¹⁵. Дарғам ва Абғар¹⁶ рустоқи туташган, минбари йўқ¹⁷.

Савадар¹⁸ Самарқанднинг жанубидаги тоғ, ундан аҳолиси ранги, соғломроқ¹⁹, ҳавоси, экинлари ва мевалари²⁰ яхшироқ рустоқ йўқ. Узунлиги²¹ 10 *фарсахдан* кўпроқдир²². Савадарда²³ насронийларнинг Вазкард²⁴ номли ибодатхонаси бор²⁵.

¹ A11 да بھاکت, A2 да بھکک, Ф2 да بھجکک, Ф3 да بھکک.

² A5 да «Бунжикат мевалари кўплигидан бошқаларга ортадиган рустоқдир. Фақат ёнғок ва ундан бошқалари камдир. Самарқандда Маймурғдай қишлоқлари ва дарахтлари туташиб кетган рустоқ йўқ».

³ A11 да السوادان, A9 да سوادار, Ф2 да سادوان, Ф3 да ساروان.

⁴ Ф1 да фақат Бунжикат, Варағсар, Савадар ва Маймурғ рустоқлари кўрсатилган.

⁵ Ф2 да فامرغ, Ф3 да فامرغ.

⁶ A8 ва A9 да бу жумла йўқ.

⁷ A11 да مانمرح.

⁸ A2 ва A3 да رررر, A11 да الررر, Ф2 ва Ф3 да ررر.

⁹ Ф1 да «у ҳозир ҳам» илова қилинган.

¹⁰ A11 да سحررر.

¹¹ A11 да ورررر.

¹² A11 да ورررر.

¹³ A8 да бу жумла йўқ. Ф1 да «Санжарфағн Варағсар шахри бўлган. Иккиси ҳам Маймурғга қараган, бугун алоҳида ажратишган». Санжарфағн – Ф2 да بخر, Ф3 да بحر. Варағсар – Ф2 ва Ф3 да بررر.

¹⁴ A11 да ررر.

¹⁵ Ф1 да «унда минбар йўқ» жумласи йўқ.

¹⁶ A11 да انرر, A8 ва A9 да انر.

¹⁷ A11 да «Бунжикат рустоқи ҳосилдор, мевага бой, дарахтлари Журникидан кўп ва каттадир. Самарқандда қишлоқлари туташиб кетган Маймурғдай рустоқ йўқ. Санжарфағн кичик рустоқ, озгина қишлоғи бор». Санжарфағн A11 да سحررر. Жур A11 да الرر. A4 да «Маймурғ уйлари улашиб кетгани рустоқдир», илова қилинган. Ф1 да «унда минбар йўқ» йўқ.

¹⁸ A9 да سوادان, A11, Ф2 ва Ф3 да ساروان.

¹⁹ A4 да «гани соғ ва ранги тиниқ».

²⁰ Ф1 да «экинлари ва меваларидан» йўқ.

²¹ A5 да «бу рустоқ узунлиги».

²² A5 ва A11 да «Бу тоғларнинг энг чиройлиси» илова қилинган.

²³ A8 да سوادان.

²⁴ A5, Ф2 ва Ф3 да زررر.

²⁵ A5 ва A11 да «У насронийлар тўпланадиган ва вақфлари бўлган жойдир. Улардан баъзилари бу ишга ўзларини бағишлаганлар. Сугднинг бошқа ерларидан баландда жойлашган. Бу мавзе Вазкарда деб номланади» илова қилинган. Ф1 ва Ф4 да фақат биринчи жумла мавжуд.

Дарғам¹ рустоклар ичида экини энг яхшисидир². Узумлари³ кўплигидан у ердан бошқа рустокларга ҳам олиб кетилади⁴.

Абғар⁵ дашт, кишлоқлари Самарқанд рустокларидагидан кўп⁶, юқори ҳосил берадиган ердир⁷. Менга маълум бўлишича, бир қафизга экин экилса юз қафизга кўпаяр экан⁸. Унда яна кўплаб ўтлоқлар бор. Бу рустоклар бари водийнинг жанубидагиларидир⁹.

Йаркат шимолдаги рустокларнинг энг юқорисида¹⁰, Ушрусанага туташган, минбар йўқ. Суви Суғд дарёсидан эмас, булоқлардан келади, даштлари кўп, ўтлоқлари кенг ва мўлдир¹¹.

Бурнамаз¹² ҳам Ушрусана томонда, минбар йўқ, кишлоқлари кам¹³.

Бузмажаз¹⁴ Самарқанд томонида Йаркат¹⁵ рустокига туташган, шаҳри Баркат.

¹ **Ф2** ва **Ф3** да برم.

² **A5** да: «Дарғам кишлоқлари энг чиройли, ястанган рустокдир, узунлиги 1 марҳалага яқин».

³ **Ф1** да «Дарғам туманининг суви йўқ, лекин обод ва катта, чорвадор, аҳолиси бой, ҳавоси яхши. Катталиги 2 марҳаладир. Ҳар бир кишлоқнинг икки фарсахдан ортиқ чегараси бор. Айтишларича, бу туманга офат келмаса, бир йилги ҳосили Суғд ва Бухорони бир йил таъминлайди. Унда бутун Мовароуннаҳр ўсимликлари ўсади».

A11 да «У Суғд водийси шимолидаги рустокларнинг энг каттаси ва кишлоқлари кўпидир. Губардан Самарқанд яқинигача 1 марҳалага яқин», илова қилинган. Губар **A11** да عوبان.

A2 да «Унинг бойликлари»; **A3** да «Унинг аъёнлари».

⁴ **Ф1** да «булар дарёнинг ўнг томонидаги Самарқанд рустокларидир».

⁵ **A11** да اليه.

⁶ **Ф4** да «энг ободи ва кўпи».

⁷ **A5** ва **A11** да «Унинг кишлоқлари обод ва Самарқанднинг бошқа рустокларидагидан кўпидир. Уларнинг бойликлари чорва ва лалми ердан». **Ф4** да «бойликлари чорваларидан».

⁸ **A5** ва **A11** да «менга маълум бўлишича, баъзан бир қафиздан юз қафиз ва ундан ортиқ ҳосил олинар экан. Аҳолиси соғломдир. Абғарнинг узунлиги 2 марҳалага яқин. Баъзи бир кишлоқларнинг майдони икки фарсах ва ундан ортади. Айтишларича, Абғарнинг экинлари зарар кўрмаса бутун Суғд ва Бухорога икки йилга етади. Ўтлоқлари Мовароуннаҳрдаги бошқа ўтлоқлардан ортиқ».

A3 да фақат «Абғарнинг узунлиги 2 марҳалага яқин. Баъзи бир кишлоқларнинг майдони икки фарсах ва ундан ортади» мавжуд. **A5** да «менга маълум бўлишича, баъзан бир қафиздан юз қафиз ва ундан ортиқ ҳосил олинар экан. Аҳолиси, барчаси соғломдир. Абғарнинг узунлиги 2 марҳалага яқин. Баъзи бир кишлоқларнинг майдони 2 фарсах ва ундан ортади. Айтишларича, Абғарнинг экинлари зарар кўрмаса бутун Суғд ва Бухорога икки йилга етади. Ўтлоқлари Мовароуннаҳрдаги бошқа ўтлоқлардан ортиқ». **Ф4** да «Ўтлоқлари Мовароуннаҳрдаги бошқа ўтлоқлардан ортиқ».

⁹ **Ф1** да Абғар маълумоти йўқ.

¹⁰ **A11** да وارکب.

¹¹ **A5** ва **A11** да «Ўтлоқлари йўқ. У жуда чиройлидир». **Ф1** да «Чаптаги туманлар: биринчи Йаркат, Ушрусана яқинида. Суви булоқлардан. Ғаллалари лалми ердан етиштирилади. Ўтлоқлари йўқ ва баъзи жойлар ўта оғир. Бурнамаз рустоки Ушрусана чегарасида».

Йаркат **Ф2** да بارکب. Ушрусана **Ф1** да سروشنه, **Ф2** ва **Ф3** да فورغده.

¹² **A2** ва **A8** да فرمد, **A3** да بوميد, **A11** да فورند, **Ф4** да فورغده, **Ф7** да فورغده.

¹³ **A5** да «У кишлоқлари кам рустокдир». **Ф1** да бу жумла йўқ.

¹⁴ **A11** да كووړحکب.

¹⁵ **A11** да بارکب.

У билан Кабузанжкат¹ рустоқи туташади, қишлоқлари дарахтларга чулганган², шаҳри Кабузанжкатдир³.

Унинг орқасида Визар⁴ рустоқи бор, шаҳри Визар⁵, экинлари кўп ва ҳосилдор. Текислик ва тоғлари⁶, оқар сувлари, экинзорлари ва ўтлоқлари бор. Визар⁷ ва бу рустокларнинг кўп қишлоқлари сибобийлар номли Бикр ибн Воил қавмига тегишли⁸, Самарқандда уларнинг вилоятлари, меҳмонхоналари бўлган, хулқлари чиройли эди.

У билан Марзбон рустоқи туташади⁹. У Суғд деҳқонлари қаторида Ирокқа чақириб олинган Марзбон ибн Турксафийдир¹⁰.

Самарқанд пуллари *исмоилий*¹¹, *мукассара*¹² ва *динор*дир. Уларда¹³ темир, мис, кумуш ва бошқа металл қоришмасидан тайёрланадиган *Муҳаммадий-адирҳами* ҳам бор эди¹⁴.

Иштихан¹⁵ Самарқанддан алоҳида, рустоклари, кўплаб қишлоқлари, боғлари ва манзарали жойларига эга маъмурий бирлиги бўлган шаҳар-

¹ A8 ва A9 да كومىحلت, F2 да كيور محك, F3 да كتور محكت, F1 да كبودنجكت.

² F1 да «Кабуданжкат рустоқи, кўплаб дарахтлари бўлган катта қишлоқлари бор».

³ A5 да «У Суғд водийсининг шимолидаги рустокларнинг энг каттасидир. Қишлоқларининг кўпи Ғубар ҳудудидан Самарқанд яқинигача тахминан 1 марҳалага майдонда давом этади». F1 да бу жумла йўқ.

F4 да «Аммо икки жойдан оғирроқ, Ғубар ҳудудидан Самарқандгача 1 марҳала» илова қилинган.

A11 да كحوىحكت.

⁴ A11 да ودار.

⁵ A11 да йўқ. F2 ва F3 да ودار.

⁶ A5 ва A11 да «дашт» илова қилинган.

⁷ A11 да واران.

⁸ F1 да «Визар ва Касир шаҳарлари бир-бирига яқиндирлар».

⁹ F1 да «бу туман билан».

¹⁰ A5 да «Бу рустокларда минбар йўқ. Бу олти руток водийнинг жанубида, олтитаси шимолида, қолганлари мен айтиб ўтганимдек жойлашган. Наъмар рустоқи Афшин даврида Самарқандга тегишли бўлган. Бағдоддан Ушрусанага Самарқандда ўн икки руток биз айтиб ўтганимиздек, рутоклар икки марҳаладан ярим марҳалагача бўлади».

A11 да «Суғд деҳқонлари қаторида Ирокқа чақиртириб олинган. Бу рутокларда минбар йўқ. Бу олти руток водий жанубидаги ва олтитаси унинг шимолидагиларидир. Қолганлари айтиб ўтганимиздек жойлашган. Наъмар рустоқи Афшин замонигача Самарқандга тегишли бўлган. Бағдоддан Ушрусанага қайганида Самарқандда ўн икки руток биз айтиб ўтганимиздек, рутоклар 2 марҳаладан ярим марҳалагача бўлади» илова қилинган.

F1 да «Самарқанд рустоклари ўн иккитадир, эслаб ўтдик. Олти руток Суғд водийсининг ўнг ва олтитаси чап томонида. Йағон рустоқи қадимда Самарқанд маъмурий бирлигида бўлган. Афшин замонисида Ушрусана маъмурий бирлигига ўтказилган. Бу рутокларнинг майдони 1 марҳаладан ярим марҳалагачадир».

F4 да қуйидагича илова бор: «Самарқандда ўн икки обод руток бор. Уларнинг кўпини баён қилдик. Олти рустоқи Суғд водийсининг ўнг ва олтитаси чап тарафида».

Йағон – F1 да يغان, F2 да تعيان, F3 да يععان; Наъмар – نعمار, A11 да بسان.

¹¹ A11 да «дирҳам» илова қилинган.

¹² F8 да йўқ.

¹³ A5 да «уларнинг пуллари дирҳамлардир».

¹⁴ A5, A11 ва F4 да «фақатгина Самарқанд вилоятида муомалада бўлади», илова қилинган.

¹⁵ A11 да اسسحن.

дир¹. Унинг шахристон, куҳандиз, рабад ва доимий оқадиган дарёлар² бор. Қишлоқларидан бирида Ужайф ибн Анбаса яшаган³. Унга қаршли Иштихан бозорларини Муътасим тортиб олган. Муътамид уларни Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳирга *икто* қилиб берган⁴.

Кушонийа⁵ Суғд шаҳарларининг энг ободи ва Иштиханга катталикда яқин келадиган шаҳардир⁶. Қишлоқ ва рустоқлари сон жиҳатидан Иштихандаги каби эмас⁷.

Дабусийа⁸ ва Арбинжан⁹ водийнинг жанубида Хуросонга борадиган катта йўлда жойлашган¹⁰. Рабинжан¹¹ рустоқи Дабусийадан каттароқ. Суғд шаҳарларининг маркази Кушонийадир¹².

¹ **A5** да «У жуда чиройлидир. Боғлари, қишлоқлари, гулзорлари ва манзарали жойлари кўпдир. Суғднинг барчаси чиройи, ҳосилдорлиги, дарахтлари, экинлари бир-бирига яқин, Кушонийа бундан мустаснодир. У Суғднинг маркази ва энг обод жойидир. Иштихан, унинг шаҳри ...».

A11 да «У Суғднинг қалби ва унинг энг мўл ва обод бўлган жойидир», илова қилинган.

Ф1 да «Суғд туманлари барчаси ёқимли, чиройли ва фаровондир. Лекин бу шаҳар Суғднинг чашмасидир».

Ф4 да «кўплаб рустоқлар, бўстонлар ва экинзорлар бор».

² **A5** да «чорбоғлари» илова қилинган. **Ф8** да «экинлари ва иморатлари» илова қилинган.

³ **A5** да «Унда унинг қишлоқлари бор», илова қилинган.

⁴ **Ф1** да «Ужайф ибн Анбаса, уни Муътасим чакириб олгунича бу туманда яшаган. Бу шаҳарни Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳирга *икто* қилиб берган».

Ф4 да «Муътасим уни олиб қўймагунича Ужайф ибн Анбаса шу туманда турган».

Ф8 да охирги икки жумла йўқ.

⁵ **A11** да الكسانيه, **Ф1** да كيسانیه.

⁶ **Ф1** да «ва Иштиханга катталикда яқин келадиган» маълумоти йўқ.

⁷ **A5** да «У ва Иштихан катталикда бир-бирига яқин. Кушонийа қасабаси каттароқ, қишлоқлари ободроқ ва ҳосилдорроқдир. Иштихан рустоқларининг майдони каттароқдир. ... Сағарж номли тоғдан Кушонийа чегарасигача 5 *марҳала*, кенлиги 1 *марҳала*га яқин. Кушонийа қишлоқлари 2 *марҳала*га яқин. Иккиси ҳам Суғд водийсининг шимолида жойлашган».

A11 да «Кушонийа қасабаси кўпроқ, қишлоқлари мевалироқ ва ободроқдир. Иштихан рустоқининг майдони каттароқ. Иштихан чегараси Йағоннинг орқа томонида 2 *марҳала*даги Сағарждан Кушонийага-ча 5 *марҳала*, кенлиги 1 *марҳала*га яқин. Кушонийа қишлоқлари 2 *марҳала*га яқин. У иккиси ҳам Суғд водийсининг шимолида жойлашган», деб илова қилинган.

Ф1 да «Кушонийа ва Иштихан Сағарж тоғларидан бошланади ва тоғдан Кушонийа чегарасигача 5 *марҳала*га 1 *марҳала*дир. Ҳар иккиси ҳам Суғд водийсининг чап томонида жойлашган».

Сағарж **A5** да سغرج, **A11** да ساعر. Йағон **A11** да بعنان.

⁸ **A11** да الدبوسه.

⁹ **A10** да اربنجر, **A11** да اربحن, **Ф2** ва **Ф3** да اربحر. Нашрнинг ўзида кетма-кет келган жумлада икки хил: «Арбинжан» ва «Рабинжан» келган.

¹⁰ **Ф1** да «алоҳида икки шаҳардир», илова қилинган.

¹¹ **A11** да ربنجن.

¹² **A5** да охирги икки жумла: «Рабинжан каттароқ, ободроқ ва қишлоқлари кўпроқ ... Дабусийа катта рустоқ ва қишлоқлари йўқ. Суғд шаҳарларининг маркази Кушонийадир. Аҳолиси бошқа шаҳалардагидан бойроқдир».

A10 да «Арбинжан қишлоқлари ва рустоқлари Дабусийаникидан каттароқ, ободроқ ва кўпроқ. Дабусийада рустоқлар ва қишлоқлар кўп эмас. Суғд Кушонийадир. Унинг аҳолиси Суғд аҳолисидан камроқ».

A11 да «Арбинжан қишлоқлари Дабусийадагидан каттароқ, ободроқ ва кўпроқ. Дабусийада кўп рустоқ ва қишлоқ йўқ. Суғд шаҳарларининг қалби Кушонийа, аҳолиси Суғд шаҳарларидагидан камроқ», илова қилинган.

Ф1 да «Арбинжан Дабусийадан каттароқ ва ободроқдир. Дабусийада рустоқлар кам. Аҳолиси бошқа шаҳалардагидан кўра бойроқдир».

Ф8 да «Арбинжан Дабусийадан каттароқ ва ободроқдир. Дабусийада рустоқлар кам. Суғд аҳолисининг энг бой қишлоқларидир». Кушонийа **A4** ва **Ф4** да كيسانیه, **A10** да الكيسانیه. Дабусийа **Ф1** ва **Ф8** да دبوسى.

Кэш¹ Мовароуннахрдаги шаҳар². Майдони 3 *фарсах*га шунчадир³. Бинолари лой ва ёғочдан, мевалари кўп, бошқа ердагилардан аввал пишади. Чунки у иссиқ иқлимдир⁴. Унинг⁵ Ҳадид⁶, Убайдуллоҳ, Қассобин ва Ички Мадина дарвозалари бор. У ички ва ташқи шаҳристондан ташкил топган⁷, Қассарин ва

¹ А5 да «Кэш куҳандизи, рабади ва бошқа бир рабадига туташ шаҳристони бўлган шаҳар. Ташқаридаги обод ва бошқарув саройи ташқаридаги шаҳристонда. Жоме ички шаҳристонда, харобага айланган. Бозорлари рабадда, майдони учга уч *фарсах*га яқин. Бинолари лой ва ёғочдан, иссиқ иқлимдаги шаҳар, мевалари Мовароуннахрдаги бошқа мевалардан тезроқ пишади. Ғур шаҳарларида бўлгани каби вабо касаллиги бўлган шаҳар. Ички шаҳристонда Ҳадид, Убайдуллоҳ, Қассобин ва Ички Мадина дарвозаси бор. Ташқи шаҳристонда Ички Мадина ва Баркнан дарвозаси бор. У қишлоқ номи билан аталган. Шаҳарда икки ариқ ...».

А10 да «Кэш шаҳардир, куҳандиз, рабад ва унинг рабад билан туташган бошқа бир шаҳристони бор. Ички шаҳристон куҳандизи билан бирга хароб ҳолатда. Ташқи шаҳристон ободдир. Бошқарув саройи ташқи шаҳристонда, рабади Мусолли номли жойда, зиндон ҳам. Жоме масжиди ички шаҳристонда, харобдир. Бозорлари рабадда. У майдони уч *фарсах*га шунча бўлган шаҳардир. Унинг бинолари лой ва ёғочдан. У ҳосилдор, иссиқ иқлимдир. Мевалари Мовароуннахрдаги бошқа жойлардагидан тез пишади. Иссиқ ўлкалардаги каби ваболдир. Ички шаҳристоннинг Ҳадид, Убайдуллоҳ, Қассобин ва Ички Мадина дарвозаси бор. Ташқи шаҳристонда Мадина ва Баркнан дарвозаси бор. Баркнан қишлоқ, унга қарашлидир. Шаҳристонда икки катта ариқ бор. Бири Қассарин ариғи, Синам шаҳридан чиқади ва шаҳристоннинг жанубида оқади. Бошқаси Асруд ариғи, шаҳристоннинг шимолида Кэш рустокидан чиқади. Бу икки ариқ Мадина дарвозасида оқади. Унинг рустоқларининг ариқлари кўп. Самарканд томонида бир *фарсах*да ва Балх йўлида оқадиган дарё бор. Бу сувларнинг ортгани водийда тўпланиб, Насафга оқади. Шаҳристон ва ховлиларининг барчасида оқар сувлар ва боғлар бор. Маъмурий бирлигининг узунлиги тўрт кунга яқин. Унда Навқад Курайш шаҳри бор. Сунаж ва Искифағн Хузур рустокидадир. Унда мевалари ва уруғлари, тоғлариди четга чиқариладиган шифобахш гиёҳлари кўп. Унда Мабанкат, Руд, Баламдарин, Самар, Қашқ, Ару, Синам, Арган, Ҳавадхан, Хузур, Суруза, Шакарда ад-Дохла ва Шакарда ал-Хорижа рустоқлари бор. Булар бари Кэш рустоқларидир».

А11 да «Кэш ундан четга ... олиб кетиладиган тижорат жойидир. Унда четга олиб кетиладиган мевалари ва уруғлари, тоғлариди доривор ўсимликлар кўп. Унда нарғис ўсади ва Мовароуннахрдан четга тарқалади. С.а.н.ф.р.ъ. рустоки. Булар Кэш рустоқларидир».

Ф1 да «Кэш куҳандизи, рабади ва икки шаҳристони бор шаҳардир. Ички шаҳристон ва куҳандизи вайрон бўлган. Шаҳристондаги жоме масжиди хароб бўлган. Бозори рабадда шаҳар худуди уч *фарсах*га уч *фарсах*дир. Шаҳар иссиқ иқлими, иморатлари лой ва ёғочдан. Мевалари Мовароуннахр меваларидан илгари етилади. Бу шаҳарда вабо кўп бўлади. Ички шаҳристоннинг тўрт дарвозаси бор. Биринчиси Ҳадид, бошқаси Убайдуллоҳ, учинчиси Қассобин, тўртинчиси Шарестон дарвозасидир. Ташқи шаҳристоннинг Ички Шаҳристон ва Баркнан дарвозаси бор. Баркнан бу дарвоза йўналишидаги қишлоқ номидир. Икки ариғи бор: биринчиси Қассарин ариғи атайдилар, Синам тоғидан чиқади, бошқаси Асруддир. Ҳар икки ариқ ҳам шаҳар дарвозасидан ўтади.

Рустоқларининг ҳам ариқлари бор. Биринчиси Самарканд йўлида шаҳардан бир *фарсах* нарида Харуза, бошқаси Балх йўлида шаҳардан бир *фарсах* масофада Хушқруд ариғидир. Яна бирини Жаванруд атайдилар, шаҳардан саккиз *фарсах* масофада. Бу сувларнинг ортгани Нахшаб дарёсига қуйилади. Бу шаҳарнинг хар саройларида оқар суви, бошида боғлар бор. Бу рустоқнинг майдони тўрт кунга тўрт кунлик йўлдор.

Кэш шаҳрида мева ва уруғликлар, тоғлариди доривор ўсимликлар кўп бўлади. Бошқа вилоятларга ҳам олиб кетилади. Унинг Мийон Кэш, Руд, Баламдарин, Самар, Қашқ, Ару, Бузмажаз, Синам, Арган, Харуза, Хузур, Суруза, Шакарда ад-Дохла ва Шакарда ал-Хорижа рустоқлари бор. Булар Кэш шаҳри рустоқларидир».

Ф8 да **А5** матни билан ташқи шаҳристонгача бўлган маълумот бир хил. Синам **Ф8** да **بشام**. Ғур **А5** да **غور**. Ҳадид дарвозаси **А5**, **А10** да **حديد**, **Ф1** да **اهنين**. Қассобин дарвозаси **А5** ва **А10** да **قصابين**, **Ф1** да **قصابان**. Ички Мадина дарвозаси **А5** ва **А10** да **المدينة الداخلة**, **Ф1** да **بركنان**, **Баркнан** **А10** да **بركان**, **Ф2** ва **Ф3** да **تركستان**. Баркнан **А10** да **بركان**. Ички Мадина (ташқи Мадина дарвозаси) **А5** да **المدينة الداخلة**, **А10** да **المدينة**, **Ф1** да **النهاره**. Қассарин – **А2** да **فصانسن**, **А3** да **فصانسن**, **Ф7** да **فصابان**, **Ф8** да **گازران**, **А10** ва **Ф1** да **قصابين**, **А11** да **النهاره**. Харуза ариғи **А10** ва **Ф1** да **خروذه**. Хушқруд **А10** да **كس**, **Ф7** да **كسر**. Жаванруд **Ф1** да **جوانرود**. Мийон Кэш рустоқи **А10** да **ميوون**. Суруза рустоқи **А10** ва **А11** да **سوروده**. Шакарда ад-Дохла рустоқи **А10** да **سورود**. Сунаж **А10** да **سناج**. Хузур рустоқи **А10** да **حوان**, **А10** да **خران**, **А11** да **حران**. Искифағн **А10** да **اسكنغر**. Мабанкат рустоқи **А10** да **مابانكس**, **А11** да **مابانكس**. Руд рустоқи **Ф1** да **ورد**. Баламдарин рустоқи **А10** да **بلاندسن**, **А11** да **برماجر**. Самар рустоқи **А10** да **اسماين**, **Ф1** да **اسماين**. Қашқ рустоқи **А10** да **لسك**, **Ф8** да **كشك روز**. Арган рустоқи **А11** да **ارغان**. Ҳавадхан рустоқи **А10** да **حوادخان رود**, **А11** да **خروذه**. Суруза рустоқи **А10** ва **А11** да **سوروده**, **Ф1** да **منكوره درونى**. Шакарда ал-Хорижа рустоқи **А10** да **شكره الخارجه**, **А11** да **شكره الخارجه**. С.а.н.ф.р.ъ. **А11** да **سناغر**.

² **А8** ва **А9** да бу жумла йўқ.

³ **Ф4** да «Кэш куҳандиз, шаҳристон ва жомеси билан ...».

⁴ **Ф4** да «Иссиқ ва меваси барча Мовароуннахрдан олдин пишади».

⁵ **Ф4** да «олти». **Ф1** да «ташқи шаҳристониди», илова қилинган.

⁶ **А10** ва **А11** да «хароб куҳандизи», илова қилинган.

⁷ **А5** даташқи шаҳристон ўрнига: «Ташқи шаҳристониди икки дарвоза бор: бири Даруний шаҳристон дарвозаси ва иккинчиси Баркнан дарвозаси».

Асруд ариғи бор. Иккиси ҳам Мадина дарвозасида оқади¹. Унга таранжубин олиб тушилади ва четга олиб кетилади². Насаф³ шаҳарининг⁴ рабади, девори⁵ ва Нажжарийа⁶, Самарқанд, Кэш⁷ ва Губзин⁸ дарвозалари бор⁹. Насафнинг кўплаб қишлоқ ва туманлари бор. Унинг шаҳристондагидан ташқари икки минбари бор. Қишлоқлари лалми ерларда, ҳосилдор ва кенг. Дарёси¹⁰ йилнинг баъзи вақтларида тўхтайди ва сув қайтгунича боғлари, полизлари ва сабзавотларини қудуқ суви билан суғорадилар.

Ушрусана¹¹ Суғд каби иқлим номидир. Бу номда бирор шаҳар¹² йўқ, тоғлардан иборат. Ғарби Самарқанд, шимоли Шош¹³ ва Фарғонанинг бир қисми¹⁴, жануби Кишнинг бир қисми, Сағанийон, Шуман¹⁵, Вашжирд¹⁶ ва Рошт¹⁷, шарқи Фарғонанинг бир қисмидир¹⁸.

¹ **Ф4** ва **Ф7** да «Рабади, ҳовлиларида оммавий тарзда оқар сувлар, чиройли боғлари бор. Унинг узунлиги тўрт кунга шунга яқин». **Ф8** да «тўрт кунга ўн тўрт кун». **Ф4** ва **Ф8** да яна «унинг тоғида шифобахш дорилари кўп». **Ф8** да яна «ундан яна тоштуз чиқади» илова қилинган.

² **Ф4** да «Унинг рустоқини кўплигидан санаб ўтирмаймиз, чунки чегараси йўқ ва санаб ўтилган», илова қилинган.

³ **А5** ва **Ф8** да «Насаф шаҳар, қуҳандизи вайронадир». **Ф4** ва **Ф8** да نخشب .

⁴ **Ф4**, **Ф1** ва **Ф8** да «қуҳандизи вайрон бўлган» илова қилинган.

⁵ **А10** ва **А11** да йўқ.

⁶ **Ф7** بخارا, **Ф1** да نجارى .

⁷ **А8** да كس .

⁸ **А8** да عوبدين, **А10** да عوبدين, **А11** да عوبد, **Ф1** ва **Ф7** да غزنين, **Ф8** да غويدش .

⁹ **А5**, **А11** ва **Ф8** да «У Бухоро ва Балх йўлидаги шаҳар, текисликда, тоғлар Кэш томонида 2 марҳала нарида. Жайхун билан ораси чўл, тоғ йўқ. Кэш сувлари йиғилган дарё шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтади. Бу дарё оқиб чиқиб, қишлоқларда тезлашади. Хукмдор саройи дарё киргоғида, Раъс ал-қантара гузариди жойлашган. Зиндон ҳукмдор саройи олдида, жоме масжиди Боб Губзинда, намозгоҳ дарвоза ичарисидида гузарда, бозорлари рабадда, ҳукмдор саройи ва жоме масжиди ораллигида жамланган. Насафда қишлоқлар ва туманлар кўп. Унда шаҳристонидидагидан ташқари икки минбар бор, бири Баздада, бошқаси Касбада. Минбарлари бўлмаган қишлоқлар ҳам бор, улар шаҳристондан каттарок. Қишлоқлари ерлари асосан лалмидир. Насаф ва рустоқларида бундан бошқа дарёси йўқ.

А10 матни Насаф тавсифидаги **А5** матни билан бир хил. Фақат охириги икки жумлада фарқ бор. «Унда боғлари ва полизларини суғорадиган қудуқлари бор. Насафда фаровонлик ва кенглик устувор».

Ф1 да Насаф тавсифи **А5**, **А11** ва **Ф8** матнларидагидан қуйидаги ўринларда фарқ қилади: «икки кунлик йўл». «Жоме масжиди Боб Нубзин дарвозаси томонида». «Насафнинг кўплаб туманлари ва бошқа икки қасабаси бор. Бирини Базда, бошқасини Касба атайдилар. Шундай қишлоқлари бор, шаҳардан ҳам каттарок». **Ф1** да охириги икки жумла йўқ.

Раъс ал-қантара **Ф1** ва **Ф8** да سر پل, Боб Губзин **А11** да عرسن, **Ф1** да در غويدين, **Ф8** да در غويدش. Нажжарийа **Ф1** да نجاري, **Ф2** ва **Ф3** да بخارى. Базда **А10**, **А11**, **Ф2** ва **Ф3** да برده. Касба **А10** да كشه, **А11** да كسه, **Ф2** да كشه, **Ф3** да كشته. Насаф **Ф1** да نخشب.

¹⁰ **А11** да «Насаф ва унинг рустоқларида бундан бошқа дарёси йўқ ...».

Ф1 да «Нахшаб ва унинг туманларида бу айтган дарёмиздан ҳеч нарса йўқ. Ёзда суви тўхтайди. Деҳқончилиги асосан лалми, экинларига сувни қудуқдан оладилар. Шаҳар серҳосилдир».

¹¹ **А10** да اشروسنه, **А11** да اسروسنه .

¹² **А10** ва **А11** да «ва жой» илова қилинган.

¹³ **А2** ва **А3** да «Басатин» («бўстонлар»). **Ф4** да جاج .

¹⁴ **А11** да ғарб ва шимол томони йўқ.

¹⁵ **А10** да سومان .

¹⁶ **А2** да واسجرد, **А8** ва **А9** да اسجرد, **Ф4** да ويشکرد .

¹⁷ **А10** да راست .

¹⁸ **А5** да « Унинг қатта шаҳри Ушрусана тилида Бунжикат номланади», илова қилинган. **Ф1** да «шарқи Ушрусана, Фомир ва Фарғона билан». **А10**, **А11** ва **Ф4** да ҳам иловадаги сўнги жумла мавжуд. Бунжикат **А3** да بوسحكت, **А4** да بوسحكت, **А10** да بوسحلت, **А11** да بسحكت, **Ф1** да بومجكت, **Ф2** да بومحك, **Ф3** да بومحكت, **Ф4** ва **Ф7** да بومحكت .

Шаҳарлари¹: Арсийаникат², Куркат³, Ғазақ⁴, Вағкат⁵, Сабат, Зомин⁶, Дизак⁷, Нужкат⁸ ва Харқана⁹. Ҳукмдорлари яшайдиган шаҳри Бунжикат¹⁰, бинолари лой ва ёғочдан, ичида бошқа шаҳристонни бор. У иккисининг ҳар бирида девор бор¹¹.

Ичкаридаги шаҳристоннинг икки дарвозаси бор¹², катта ариқ тегири монларини юритади¹³. Девори ҳовлилари, боғлари, қасрлари ва узумзорларини ўраб

¹ Ф1 да «туманлари».

² А2, А8 ва А9 да ارساينكت, А3 да ارستانیکت, А4 да ارساينکت, А8 да ارساينکت, А10 да اران سامت, А11 да ارسامکت, Ф2, Ф3 ва Ф7 да اران سامکت, Ф4 да ازنيکت, Ф4 да اران بيامکت, Ф8 да ارسامانکت.

³ А2 ва А3 да کدکد ва کوکا, А8 ва А9 да کرکد, А10 да لرلب, А11 да ارکت, Ф2 ва Ф7 да کوکت, Ф3 ва Ф4 да کرکت, Ф8 да کرکت.

⁴ А10 ва А11 да عرق, Ф8 да عرفت.

⁵ А10 да فعلب, А11 да معکت, А3 да فعکб давомида, А4 да معکб ва موکб, А8 да فعکб, А9 да ويکت, Ф8 да فعکت.

⁶ А10 да رامر, А11 да رامين.

⁷ А2 да دول, А3 да درک, А8 ва А9 да دوک, А10 ва А11 да دبرک, Ф8 да درکت.

⁸ А2 да بوحکб ва بوحکб, А3 да بوحکб ва بوحکб, А8 ва А9 да بونلت, А10 да بوحل, А11 да بوحکت, Ф2 ва Ф3 да بومحکت, Ф4 да بومحکت, А4 ва Ф4 да بوحکت, Ф8 да لوحکت.

⁹ А10 да حرفانه, А11 да حرفانه, Ф2 да جرقانه.

¹⁰ А10 да «У аҳолиси йигирма мингга яқин шаҳар». А11 да «Аҳолиси ўн минг киши атрофида», илова қилинган. А5 да «У кишилари ўн ... киши деб гумон қилинадиган шаҳар, бинолари ...». Ф8 да «аҳолиси ўн минг кишидан ошадиган шаҳар». А8 ва А9 да بوحکб, А10 да بونلت, А11 да بوحکت, Ф8 да لوحکت.

¹¹ А10 да «Ички шаҳристонни бор. Унда ҳам, рабадида ҳам алоҳида девор бор. Ички шаҳристоннинг дарвозаси иккита, бири Аъло ва бошқаси Мадина дарвозаси деб аталади. Шаҳристон ичида жоме масжиди ва қуҳандиз бор. Бошқарув саройи рабадда. Ички шаҳристон ва рабаддан катта ариқ оқади, тегири монлари бор. Зиндон ва қуҳандиз шаҳристонда, Жоме қуҳандиз ташқарисида, бозорлари ички шаҳристон ва рабадда. Рабад девори бир *фарсах*, хандакли, барча ҳовлилар, бўстонлар, узумзорлар, қасрлар ва экинзорларини ўраб туради. Ташқарисидаги рустокнинг тўрт дарвозаси бор». А4 да «унинг рабади ва унда девори бор». Ф8 да «ва рабади», илова қилинган.

¹² А5 да «Унинг бирида ... шаҳар ... Аъло, бошқаси Мадина дарвозаси. Жоме масжиди шаҳристон ичида, қуҳандиз ... хоким ёнида».

А11 да «Аъло ва бошқаси Мадина дарвозаси. Ички шаҳристонда жоме масжиди ва қуҳандизи бор. Бошқарув саройи рабадда, Амир гузарида. Ички шаҳристонда Кэш ариғи оқади, тегири монлар бор. Зиндон қуҳандизда, шаҳристонда. Жоме қуҳандиз ташқарисида. Бозорлари ички шаҳристонда. Рабади бутунлай Рабад девори бир *фарсах* ва Хандақ деб аталади, ҳовлилар, бўстонлар, қасрлар, узумзорлар ва экинзорларни ўраб туради. Бунинг бари деворга, шаҳристонга нисбатандир. Девор ташқарисида русток бор. Унинг тўрт дарвозаси бор», илова қилинган. Ф1 да «Ички шаҳристоннинг девори мавжуд. Рабаднинг бошқа девори бор». Ф8 да «Шаҳристон деворининг икки дарвозаси бор, бирини Аъло ва бошқасини Мадина дарвозаси атайдилар. Жоме масжиди шаҳристонда. Қуҳандиз ва бошқарув саройи рабадда. Бош майдон ва масжид қуҳандиз ташқарисида. Бозорлар шаҳар ичида». Амир гузари А11 да ربع امير. Аъло А5 да اعلى, Ф8 да بالا. Мадина А5 да مدينه, Ф8 да شهرستان.

¹³ А5 да «Зиндон қуҳандизда, шаҳристонда. Жоме қуҳандиз ташқарисида. Бозорлари ички шаҳристон ва рабадида жамланган. Рабад девори бир *фарсах*, Хандақ деб аталади, ҳовлилар, бўстонлар, узумзорлар, қасрлар, экинзорларини ўраб туради. Уларнинг бари деворга қадар шаҳарга тегишли деб ҳисобланади. Шаҳар ташқариси рустоклар, унинг тўрт дарвозаси ...». Ф1 да «сув четига дарахтлар ўтказилган. Бозор шаҳристонда, рабадда ҳам бор», илова қилинган.

туради, узунлиги 1 *фарсах* атрофида¹. Иккинчи шахристонда² Зомин³, Марсманда⁴, Нужкат⁵ ва Калҳабоз⁶ дарвозаси бор.

Олти⁷ ариғи бор⁸, барчаси шаҳардан камида ярим *фарсах* масофадаги⁹ бир манбадан¹⁰ сув олади¹¹.

Катталиқда ундан кейин Зомин келади. У Фарғона – Суғд йўлида жойлашган ва шаҳри Савсанда дейилади¹².

Дизак¹³ текисликдаги шаҳар¹⁴, работ ва меҳмонхоналари бор. Сувлари

¹ Ф8 да охириги икки жумла: «Рабад девори ярим *фарсах*дир. Унда хандақ бор».

² Ф1 да «Рабад дарвозалари».

³ А10 да *رامين*, Ф8 да *امير*.

⁴ А10 да *سمندره*, А11 да *سملدش*, Ф2 ва Ф3 да *ان سمند*, Ф4 да *سمنده*, Ф7 да *سمندر*, Ф8 да *سر سمند*.

⁵ А8 ва А9 да *نوحل*, А10 да *برحلت*, А11 да *بحكت*, Ф2 ва Ф3 да *انحكت*, Ф8 да *لوحكت*.

⁶ А3 да *بهباد*, А5 да *كلبه‌آذ*, А8 ва А9 да *كهلساد*, А10 да *جهلسار*, А11 да *كهلساد*, Ф2 ва Ф3 да *كهليان*, Ф7 да *كههار*, Ф8 да *كهليان*.

⁷ Ф8 да йўқ.

⁸ А5, А10, А11 ва Ф1 да «унинг бири Сарин дейилади, шаҳар ичида оқади. Бошқаси Абаржан, кейингиси Римажан, кейингиси Сакикажан, кейингиси Радихан, охиригиси Сунбукжандир». Сарин А10 да *بارسن*, А11 да *سارين*, Ф2 да *بيارسن*, Ф8 да *سارى*. Абаржан А10 да *ابرحسر*, А11 да *ابرحن*, Ф2 да *ابرحسن*, Ф3 да *برحسن*, Ф8 да *بيرون*. Римажан А10 да *ريماجر*, А11 да *ريماحس*, Ф1 да *يمجان*, Ф2 да *ريماجن*, Ф3 да *ريماحن*, Ф8 да *ريمحان*. Сакикажан А10 да *سككحن*, А11 да *سككحن*, Ф1 да *ستينكجن*, Ф2 да *اسككجر*, Ф3 да *اسككجر*, Ф8 да *سلسكى*. Радихан А10 да *ردنحى*, А11 да *روحن*, Ф1 да *رويحن*, Ф1 ва Ф2 да *رويحنى*, Ф8 да *درعى*. Сунбукжан А10 да *سبنكجن*, А11 да *سبنكحن*, Ф1 да *ستينكجن*, Ф2 да *سسكحر*, Ф3 да *مصكى*.

⁹ Ф8 да «ва ўлчами ўн тегирмон».

¹⁰ А10 да «Ҳар бири ўнта тегирмон айлантирадиган», илова қилинган.

А11 да «Сариннинг узунлиги ўн тегирмондир». А5 ва Ф1 да «ўнта тегирмонни айлантиради. Шаҳардан сув манбасигача ярим *фарсах*дан кам. Кейин катталиқда бу шаҳар келади».

¹¹ А11 да «Сув манбаси».

¹² А5 да «Унинг бошқа исми бор. У Савсандадир. Унинг қадимий шаҳари бор. Вайрон бўлган. Бозорлари ва жоме одамлар тўпланадиган Савсандада. Бу янги бинода девор бор. У Суғддан Фарғонага қатновчи йўловчиларнинг жойидир. Унда оқар сув, бўстонлар, узумзорлар ва экинзорлар бор. Унинг суви дарёдан. Атрофини Ушрусана тоғлари ўраб туради. Олд томони ғузлар шаҳарлари бўлган чўл, тоғлар йўқ», илова қилинган. А11 да «Қадимий шахристони бор, у хароб бўлган, бозорлари ва жомеси таркаган. Одамларнинг тўпланадиган ери Савсандада. Бу янги бинода девор йўқ. У Суғд – Фарғона йўлида кетаётганларнинг тўхташ жойидир. Унда бўстонлар, узумзорлар, экинзорлар бор, ариқларидан сув оқиб туради. Орқа томони Ушрусана тоғлари, олд тарафи ғузлар юртига қараган чўлди, тоғлар йўқ». Ф1 да «Янги бинолар қуришган, атрофи девор билан ўралган. Унда Суғддан Фарғонага қатновчи қарвон йўловчилари тўхтайдди. Унда оқар сув, боғлар ва обод экинзорлар бор. У орқаси Ушрусана тоғларига, олд томони ғузлар вилоятларига қараган». Ф4 да «Уларнинг тилларида бу шаҳар Салфасада Балийи аталади». Ф8 да «шаҳар Савсанда номланади» йўқ.

¹³ Савсанда А3 да *سوسنه* ва *سوسنه*, А10 да *سرسنده*, А11 да *مسوسنده*, Ф1 да *سوسنده بليس*, Ф4 да *سلفسدا بليس*, Ф7 да *سليسنده بليس*.

Ф2 ва Ф3 да «Дизак чўли», Ф8 да *دزك*.

¹⁴ А5 да «У Факнан номли русток шахридир. Унда Самарқанд аҳли уруш пайтларида жойлашадилар, йўловчилар учун катта ховлилар ва меҳмонхоналар бор. Энг диққатга сазовор работ Худайсардир. Ундан икки *фарсах*да Мовароуннахрдаги энг машҳур работлардан бири бор, уни Афшин қурдирган. Ўртасида булок, йўловчилар учун вақфлар бор. У ўша работларнинг душман юртига энг яқинидир. Дизакнинг оқар суви ва бўстонлари бор. У ҳосилдор шаҳар. У ва бошқа биз баён қилган шаҳарлар катталиқда, чиройда, бўстонларда ва сувлари миқдорида бир-бирига яқин, фақат Марсмандадан ташқари. У тоғли худуддаги шаҳар ва унда ... йўқ ва узумзорлар ва боғлар ... бўлмайди. Унда мустақамланган работлар бор. Харкана, Зомин ва Сабат Фарғона – Шош йўлида жойлашган. Ховас йўли билан Зоминдан Хўжандага боришни

булоқлардан оқиб чиқади. Чиройли жойлари, боғлари ва сувлари кўп. Ушрусанада қайиқлар сузадиган дарё ҳам, кичик денгиз ҳам йўқ¹.

Буттам² баланд, ўтиб бўлмайдиган тоғлардир³. Унинг асосий қисмида совуқ иклим устувор⁴. Буттамда ўтиб бўлмас мустаҳкам истехкомлар, олтин, кумуш, тўтиё ва нашатир маъданлари бор⁵. Унда ғорга ўхшайдиган жойи бор.

истаган, Куркатдан ўтади. Самарқанддан Харқанагача етти *фарсах*». Ушрусанадаги дарё ҳақидаги маълумотдан кейин: «Унда фақат экинзорлар ва обод кишлоқлар бор. Бу шаҳарлардан ҳар бирининг ўз катта рустоқлари бор. Ундаги шаҳари бўлган рустоқлардан Башағар, Масҳарин, Барғар, Банғам, Минк, Баскан ва Исбискат», илова қилинган.

A10 ва **A11** да «Факнан рустоқ шаҳри, унда Самарқанд аҳли работлари, йўловчилар учун ховли ва меҳмонхоналар бор. У ўша работларнинг энг яқини, худудидаги энг диққатга сазовор работ Худайсардир. Ундан икки *фарсах* нарида Самарқанд аҳли работи бор, у Мовароуннаҳрдаги работларнинг энг машхуридир. Афшин курдирган, ўртасида булоқ, йўловчилар учун куббалар бор. У ўша работларнинг душман юртига энг яқинидир. Дизакнинг оқар суви ва бўстонлари бор. У хосилдор шаҳар. У ва бошқа биз баён қилган шаҳарлар катталиқда, чиройда, бўстонларда ва сувлари миқдорида бир-бирига яқин, фақат Марсмандадан ташқари. У улғвор шаҳар. Унда бўстонлар йўқ, узумзорлар йўқ. Унинг оқар сувлари бор. Унда совуқнинг кучилигидан узумзорлар ҳам дарахтлар ҳам йўқ. Сувлари сероб ва тупроғи яхши, ажойиб боғлар бор. Харқана, Зомин ва Сабат Фарғона – Шош йўлида жойлашган. Ховас йўли орқали Зоминдан Хўжандага боришни истаган, Куркатдан ўтади. Самарқанддан Харқанагача тўққиз *фарсах*. Ушрусанада кема сузадиган дарё ҳам, кичик денгиз ҳам йўқ. Унда экинзорлар, чорвалар, обод кишлоқлар бор. Ҳар бир шаҳарнинг кўплаб рустоқлари бор. Шаҳарлари бўлмаган рустоқлари: Башағар, Масҳарин, Барғар, Бонғам, Минк, Баскан ва Исбискат».

Ф1 да «Факнан рустоқ қасабаси, йўловчилар учун саройлари ва работлари бор. Шаҳардан икки *фарсах*да бир работ бор, Худайсар дейишади, Афшин курдирган. Барча работларнинг энг яхшисидир. Самарқанд кишиларида бундан яхши бўлган работ йўқ. Работ ўртасидаги булоқдан сув чиқади. Булоқнинг тепасига гумбазлар қурилган. Бундан бошқа бирор работ душман худудига ундан яқинроқ эмас. Бу эслаб ўтилган барча шаҳарлар катталиқда бир-бирига яқин. Фақат Марсманда шаҳрида оқар сув бор. Ҳавоси совуқли учун боғ ва бўстонлар бўлмайди. Шаҳар катта. Ёзда оқар сувлари, булоқлари ва чаманзорлари кўп». Ушрусанадаги дарё ҳақидаги маълумот ўрнига: «Ушрусананинг Башағар, Масҳарин, Барғар, Банғам, Минк, Баскан, Исбискат рустоқлари тоғли минтақада, шароити оғир ва ҳавоси совуқдир».

Ф8 да «Йўловчилар учун работ ва меҳмонхоналар бор. Энг катта работи Худайсар, ундан икки *фарсах* масофада. Мовароуннаҳрнинг машхур работларидан, Афшин курдирган. Душманларга энг яқин работдир. У ерда назорат қилинадиган дара бор. Работ ўртасида булоқ чиқади. Дизакда оқар сув бор. Бўстонлари, иморатлари, экинлари ва неъматларининг кенглиги ҳаддан зиёд». Ушрусана борасидаги охирги икки жумла ўрнига: «Бошқа шаҳарлари ҳам катталиги, боғу-бўстонлари бир-бирига яқин. Башағар ва Масҳарин тоғдаги шаҳар, суви ёмғирдан, боғу-бўстони йўқ, Харқана, Зомин, Сабат – Фарғона – Шош йўлида, халқининг кўпчилиги қариндош бўлган кишлоқлар бор».

Башағар **A10** да *بشاعره*, **A11** да *كشاعن*, **Ф3** да *فرغر*, **Ф1** да *پرغر*, **Ф8** да *بيرون*. Факнан **A5** да *فكان*, **A10** да *حنان*, **Ф1** да *فنگان*, **Ф2** да *بکاز*, **Ф3** да *بکنار*. **A11** да *بکان*. Худайсар **A5** да *خوديسر*, **A10** да *حديس*, **A11** да *حديس*, **Ф1** да *خديس*, **Ф3** да *خديش*, **Ф8** да *حديسر*. Ховас **A5** да *خاوس*. Куркат **A5** да *کورکس*, **A10** да *کرکت*. Марсманда **A10** да *سمنده*, **A11** да *مرسمنده*. Харқана **A10** да *خرفانه*, **A11** да *حرفانه*. Зомин **A10** да *رامن*, Сабат **A10** да *سباط*. Масҳарин **A10** да *محسار*, **A11** да *مسخارين*, **Ф1** да *مسحا*, **Ф2** да *سحار*, **Ф3** да *مسحار*, **Ф8** да *سمنده*. Барғар **A10** да *برغر*, **A11** да *عروفر*. Бонғом **A10** да *فربانعام*, **A11** да *بانعام*, **Ф1** да *فرتانعام*, **Ф2** да *بانعام*, **Ф3** да *فربانعام*. Минк **A10** ва **A11** да *مسک*, **Ф2** ва **Ф3** да *مسک*. Баскан **A10** да *بسکر*, **A11** да *بسکن*, **Ф2** ва **Ф3** да *بسکان*. Исбискат **A10** да *اسبیسک*, **A11** да *اسبیک*, **Ф2** да *سبیسک*.

¹ **Ф1** да бу жумла йўқ.

² **A10** да *النض*. **A11** да *النتم*.

³ **A8** ва **A9** да бу жумла йўқ.

⁴ **A5** да «ва унда одамлар яшайдиган кишлоқлар бор», илова қилинган. **A10** да «У одамлар билан обод бўлган шаҳардир», илова қилинган. **Ф1** да бу икки жумла йўқ. **Ф8** да аввалги икки жумла берилмаган.

⁵ **A4** ва **A5** да «ва у четга олиб кетилади», илова қилинган. **A11** да охирги икки жумла йўқ.

Унга эшик ва деразалари жипс ёпилган уй қурилади¹. Ғордан² буғ қўтарилади, кундузи тутун, кечаси оловга ўхшайди. Бу буғлар қуюқлашса ундан нашатир ажралиб чиқади. Унинг жуда иссиқлигидан ҳеч ким қира олмайди³, фақат намат ёпиниб⁴ қирса бўлади⁵. Буғ бир жойдан бошқа жойга кўчиб туради. У пайдо бўлгунича қазилади. Бир жойдагиси тўхтаса, бошқа ердан қазилади ва у пайдо бўлади⁶.

Буттам⁷ – Биринчи, Ўрта⁸ ва Ички Буттам деб аталади. Самарқанд, Суғд ва Бухоро суви Ўрта Буттамдан⁹ келади. Боши Минк¹⁰ – Қутайба ибн Муслим урушган жой¹¹. У ерда¹² Афшин истехкоми¹³ бор.

¹ **Ф1** ва **Ф8** да «Бу новшадир маъданининг тоғда ғори бор, уйга ўхшатиб қурилади. Эшиги ва атрофи мустаҳкам қилинади».

² **A4** да «бу жойдан». **Ф^А** да «булоқдан».

³ **A2** ва **A3** да «Иссиқнинг жуда кучли эканидан бу уйга қирилмайди». **A4** да «Бу уйнинг ичи жуда иссиқ, қирган одам ёниб кетгани учун биров унга қиринишга урунмайди». **A5** да «бу уйнинг ичи ўта иссиқлигидан ёниб кетгани боис ҳеч ким унга қира олмайди, фақатгина намланган намат ёпиниб ўғринча қириниш мумкин ва ундан имкон қадар олади. Бу буғдир».

⁴ **A4** да «уни сув билан ҳўллайти ва қиради».

⁵ **A4** да «ва ундан қодир бўлганича олади».

Андиён (انديان) – Истахрий матнларида – A2 да افديان, A3 ва A11 да افديان, A4 да افران, A12 да امديار, Ф2 да افرمان, Ф3 да ابومان, Ф4 да فرمان, Ф7 да الويان, Ф8 да انديان шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Аҳд.ли (الاحدلى) шаклида ҳам келтирилган. IX асрда бу шаҳарча Довуд ибн Абу Довудга қарашли бўлган [Йақубий, 1967: 291]. Бу шаҳарча тоғлар орасида жойлашган бўлиб, аҳолиси кўп бўлмаган [Худуд ал-Олам, 1970: 115].

Андиён Кандиман (انديان كندمان) – Бухородаги бу русток номининг Истахрий матнларида – A11 да انددان كندمان, Ф2 ва Ф3 да اندان كندمان шаклларида

хам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Андийан Кандийан (انديان كنديان) деб кўрсатилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 44],

Андуқан (اندكان) – Истахрий матнларида – А10 ва Ф8 да اندكان, А11 да اندكان шакллари ҳам мавжуд. Сўнги асрларда унинг номи Андижон (انديجان) [Бабур-наме: 20, 21 ва кейинги бетлар; Махмуд ибн Вали: 17], тангаларда эса Андикон ёки Андигон (اندكان) дейилган [Шпенева: 207; Тўхтиев: 68]. XII асрда қишлоқ сифатида қайд этилган [Самъоний, 1980, I: 364; Ўакут, 1866, I: 375]. Бу шаҳар номининг иккинчи қисми эроний *кон/гон/жон* – «сув», «дарё» сўзидан ясалган. Унинг биринчи қисми ҳақида эса бир нечта фикрлар айтилган. Бир фикрга кўра, у туркий *анди/анду* этнонимидан [История: 7] ёки *анди* – «орол» сўзидан ясалган [Тургунов: 130-136]. Бошқа фикрга кўра, «дўст тутиниш», «ака-ука тутиниш» [Аҳмедалиев: 24] ёки «сув бўйидаги шаҳар» маъносини билдиради [Муҳаммадҷонов: 23]. Яна бир фикрга кўра, бу ном суғдча *'ynt'wk* (*'ynrk'w*) – «ҳинд» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 69]. Бу шаҳар ҳозир ҳам ўзининг қадимги номини сақлаб қолиб, Андижон деб аталади [Абулғазиева: 91-96; Абулғазиева: 28-29; Абулғазиева, Абдуллаев, Матбабаев: 4-12].

Анжир рустоқи (رستاق أنجير) – Ҳиротдаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А3 да الجيز, А8 да انجير, А10 да الحر, Ф2 ва Ф3 да حير, Ф4 да حركى, Ф7 да خهركى шакллари ҳам мавжуд. Бу топонимнинг келиб чиқиши *анжир* (انجير) сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Деххуда, III: 3477-3478].

Анузкат (انوزكت) – Истахрий матнларида А2 ва А3 да انوزكت ва اندزكت, А8 ва А9 да انوزكت, А10 да انوزكت, А11 да انوزكت, А12 да انوزكت ва ايردكس, Ф1 да انوزكت, Ф4 да انوزكت ва ايردك, Ф7 да انوزكت, Ф8 да ايروكت шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Абардкат (ابرذكت) [Ибн Ҳавқал, 2011: 73]. Унинг номи суғдча *'nwth*– «таянч», «кўмак» ва *kaθ*– «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин. Биринчи сўз суғдларда юксак унвон сифатида ишлатилган [Лурье, 2004: 43, 50, 95 ва бошқ.]. Турк дарёси ва Илак дарёси орасида, Илак йўлидан шарқ томонда, Бинкатдан 7 *фарсах*, Бағункатдан 2 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522].

Анфуран (انفرن) – Истахрий матнларида – А4 да انفرن, А10 да امفرن, А11 да انفرن, А12 да انقون, Ф2 да انفرن, Ф3 ва Ф7 да ايقرن, Ф8 да انفرى шакллари ҳам мавжуд. Шошдаги бу работ бошқа манбаларда қайд этилмаган.

Анхуз (انخذ) – Истахрий матнларида – А2 да احد, А2 ва А3 да انجد, А3, А8, А9, А10 ва А11 да احد шакллари ҳам мавжуд. Тарихий манбаларда Анхуз (انخذ) [Ибн Хауқал, 2018: 28], Антахуз (انتخوذ) [Беруни, 1976: 466] ёки Антхуз (انخذ) [Худуд ал-Олам, 1970: 107], шунингдек арабчалашган шаклда ан-Нахуз (انذخوى) [Ибн Хордадбех: 66; Табари, 1987: 232], XIII асрда Андхуй (انذخوى) [Ибн ал-Асир, 2006: 303, 305, 317, 361] кўринишида ҳам қайд этилган. Фарй-обдан 3 *марҳала*да жойлашган [Муқаддасий: 347], Балхдан Марвга кетаве-

ришда чўл четида жойлашган шаҳар [Самъоний, 1980, I: 361; XII: 59]. Анхуз номи бугунги кунда Андхуй кўринишида сақланиб қолган. У катта бўлмаган қишлоқдир. Ундан 5 км жанубда ўрта аср Анхуз қалъасининг қолдиқлари бўлган Кўхна Қалъа шаҳарчаси мавжуд. Бу ерда ҳаёт XIX аср ўрталаригача давом этган [Ахмедов: 32-34].

Арбилах (اربليخ) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да اربليخ, A2, A3, A8, A9 ва A10 да اربليخ, A2 да ادليخ, A3 да اربليخ, A4 да ريلخ, A11 да اربليخ, A12 ва Ф4 да اربليخ, A12 да اربليخ, Ф2 да اربليخ, Ф3 да اربليخ, Ф8 да اربليخ ва اربليخ шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи туркий *-laq (-lay, -lag, -lakh)* аффикси ёрдамида ясалган [Камолиддин, 2006: 70, 83]. «Худуд ал-Олам»да Фарғона ва Илақ чегарасида жойлашган Абарлиғ (ابرليغ) номли шаҳарча қайд этилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24а; Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Бу шаҳарча Илақ ва Шош дарёлари орасида, Тункатдан ғарбда 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Унинг харобалари Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида, Ақчасой ариғининг бошидаги Облиқ қишлоғининг шарқий чеккасида жойлашган. Бу шаҳар 80 га майдонни эгаллаган, лекин унинг ичида бўш ерлар ҳам бўлган. Бу ерларда шаҳарга савдо қилиш учун келган кўчманчи қабилаларнинг ўтовлари жойлашган бўлиши мумкин [Массон, 1953: 12, 40; Буряков, 1975: 125-127].

Арбинжан (اربينجن) – Истахрий матнларида – Арбинжан A10 да اربينجن, A11 да اربينجن, Ф2 ва Ф3 да اربينجن, A2 да اربينجن, A2 да اربينجن, A3 да اربينجن, A4, Ф4 ва Ф8 да اربينجن, A9 да اربينجن, A10 да اربينجن, A11 да اربينجن, Ф2 да اربينجن, Ф3 да اربينجن ва اربينجن шакллари ҳам мавжуд. Шаҳар XII асрда хоразмшоҳ Эл Арслон (1156 – 1172 йилларда ҳукм сурган) томонидан вайрон қилинган [Самъоний, 1980, I: 171]. Бу шаҳарнинг харобалари Каттакўрғондан ғарбдаги Зирабулоқ тепаликлари ёнида Нарпай ариғи бўйида жойлашган бўлиб, Рамижантепа деб аталади.

Арван(اروان) – Бухородаги бу рустоқ номи Истахрийнинг A8 ва A9 матнларида اروان A10 матнида ارو шаклида келган.

Арван ариғи (نهر اروان) – Наршахий ҳам шу номли ариқ қайд этган [Наршахий, 1966: 35]. Истахрий матнларида – Ф2 ва Ф3 да اروان шакли мавжуд.

Ардахушмисан (اردخشمين) – Истахрий матнларида – A2, A3 ва A9 да اربليخ, A10 да اربليخ, A11 да اربليخ, Ф1 да اربليخ, Ф2 да اربليخ, Ф3 да اربليخ, Ф8 да اربليخ ва اربليخ шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг чап соҳилида Хоразм пойтахти Катдан ғарбда, ҳозирги Амбар Маноқ қишлоғи ёнида жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Ваянганқалъа деб аталади.

Ардланкат (اردلانكت) – Истахрий матнларида – A2, A3 ва Ф4 да اردلانكت, A2, A3 ва Ф4 да اردلانكت, A10 да اردلانكت ва اردلانكت, A11 да اردلانكت, A12 да اردلانكت ва اردلانكت, Ф2 да اردلانكت, Ф2 ва Ф3 да اردلانكت, Ф3 да اردلانكت, Ф8 да اردلانكت шакллари ҳам мавжуд. Турк дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлининг

ғарбий томонида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Унинг номининг биринчи қисми Ардлан туркий атоқли от [Лурье, 2003: 193] ёки суғдча 'rδ'r– «вилоят» ва kaθ– «қишлоқ», «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 70, 95, 105, 201] бўлиши мумкин. Бу шаҳарча Бурчмулла қишлоғи ёнида, Чотқол ва Кўксув дарёларининг оралиғидаги баланд қирғоқда жойлашган харобалар [Буряков, 1975: 82-84] ёки Оксунинг Чотқол дарёсига куйилиш еридаги Кулбосган харобалари ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Кабиrow: 52]. Лекин бу иккала хароба Фарғонага қарашли Ардлонкатга тегишли бўлиши мумкин. Чунки Шош вилоятидаги Ардланкат бутунлай бошқа томонда, Илак водийсида жойлашган. Демак, унинг харобаларини Оҳангарон водийсидан излаш керак.

Арқанд (ارکند) – Истахрий матнларида – А4, А10, А11, Ф7 ва Ф3 да اورکند, Ф2 да اوکند, Ф4 да ازکند, Ф8 да اوزکند шакллари ҳам мавжуд. Самъоний маълумотига кўра, Рақунд Самарқанд вилоятига қарашли қишлоқ бўлган [Самъоний, 1980, VI: 154-155]. Бу қишлоқ XX аср бошларида ҳам шу ном билан аталган [Бартольд, 1963: 222-223].

Арсийаникат (арсианикат) – Истахрий матнларида – А2, А8 ва А9 да ارساينکت, А3 да ارساتانیکت, А3 ва А10 да ارساينک, А4 ва А11 да ارساينکت, А8 да ارساينک, А10 да اران سامت, А11 да ارسامکت, Ф2 да ازساينکت, Ф2, Ф3 ва Ф7 да اران سامکت, Ф4 да ازنيکت, Ф4 да اران بيامکت, Ф8 да ارسمانکت ва اوسمامکت шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Арсубаникат (арсианикат) дейилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 68]. Бу шаҳарнинг номи одам исми (Арсбон) билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 72, 95; Ибн Ҳавқал, 2011: 224]. Бу шаҳар харобалари Қўрғонча қишлоғидан 10-15 км жанубда Исфана қишлоғи ёнида Исфанасойнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Қўрғонча деб аталади [Салтовская: 35].

Ару рустоки (رستاق ارو) – Кешдаги бу русток борасида кўшимча маълумот аниқланмади. Бу ном Истахрий матнларидан фақат Ф1 да келтирилган.

Арған (ارغان) – Кешдаги бу русток номи Истахрийнинг А11 матнида ارعان шаклида келган.

Архан (آرهن) – Истахрий матнларида – А4, А10, А11, Ф2, Ф3 ва Ф4 да ارهر, Ф6 да اربين шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг чап қирғоғида, Хутгалонга ўтадиган шу номдаги кечув яқинида жойлашган шаҳар. Мўғуллардан кейинги давр манбаларида Арханг-Сарой қайд этилган [Бартольд, 1963: 119]. Чунки, Архан дарё кечувининг чап қирғоғида, Сарой эса ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, у иккисини боғлаган эди. Ўрта аср Архан(г) шаҳри кейинги даврга оид Ҳазрати Имом ёки Хўжа Имом Соҳиб ўрнида бўлган дейилади. XVII асрда бу ерда Ҳусайн ибн Алининг мақбараси бўлган [Махмуд ибн Вали: 18] ва шаҳар шу ном билан атала бошлаган [Ахмедов: 51].

Архан кечуви (معبر آرهن) – бу кечув жойи Истахрий матнларида – А11 да ارهق ва ارهر, А12 да ابهر, А8 да اوهان ва هر шакллари ҳам мавжуд. Ўрта

асрларда Архан кечуви ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Сарой шаҳри яқинида жойлашган. XX аср бошларида бу ерда бир неча сув кечуви бор эди. Улардан бири Саройдан шарқда, яна иккитаси дарё оқими бўйлаб 11 км қуйидаги Файзобод Қалъа ёнида эди. Файзобод Қалъанинг қаршисида Афғонистон ҳудудига кирувчи дарёнинг чап қирғоғида Ҳазрати Имом Соҳиб номли шаҳарча жойлашдан эди. Ўрта асрлардаги Архан шаҳри ва унинг ёнидаги сув кечуви айнан шу ерда жойлашган бўлиб, бу ерда Балхдан келувчи карвонлар Хутталон томонга сув кечиб ўтганлар [Литвинский, Соловьев: 156 – 157; Камалиддинов, 1996: 204].

Асадобоз (أسداباذ) – Истахрий матнларида – А4, А11, Ф1 ва Ф6 да اسداباذ, А10 да اسداباذ шакллари ҳам мавжуд. Қумиснинг чекка ҳудудидаги қишлоқ.

Асбара (اسيره) – Истахрий матнларида – А10 ва Ф8 да اسيره, А11 да اسيرمند, А10 ва А11 да اسيره, Ф2 да اسيره, Ф2 ва Ф3 да اسيره, Ф3 да اسيره шакллари ҳам мавжуд. Манбаларда унинг номи Исфара шаклида ҳам қайд этилган. Асбара (Аспара) номи энг қадимги туркий жой номларидан ҳисобланади [Мусаев: 209]. Бошқа фикрга кўра, бу ном асэтнонимивақад. эр. пара/вара– «томон», «ер» сўзларидан ясалган [Конкобаев: 14, 20]. Асбара катта вилоят бўлиб, унда 2 та шаҳар ва 60 та қишлоқ бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 514].

Асбас (اسباس) – Истахрий матнларида – А4 ва Ф7 اساس, А12 да استباس, Ф8 да اسباس шакллари ҳам мавжуд. Бухоро-Хоразм йўналишидаги жой. У ҳақида яна қаранг: Бартольд, 1963: 197.

Асруд (اسرود) – бу дарёдан Китобдан шимолда оқиб ўтувчи ирмоқ ажралиб чиққан. Бу номнинг иккинчи қисми суғдча *rod* (*rwt*) – «дарё» сўзидан иборат [Лурье, 2004: 224].

Асталканд (استلكند) – Истахрий матнларида – А11 да اسلكند, Ф8 да اوسلكند. А5 да اسلكند шакллари ҳам мавжуд. Фарғонадаги бу шаҳар номининг Бисканд (بيسكند) шакли ҳам қайд этилган [Ибн Ҳавқал, 1873: 395].

Астарбайон (استربيان) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да استربيان, А3 ва А8 да اسربيان, А4 да اسربيان ва اسربيان, А8 ва А10 да اسربيان, А8 ва А9 да اسربيان, А9 да اسربيان ва اسربيان, А10 да اسربيان, А11 да اسربيان, Ф1 да اسربيان, Ф2 да اسربيان, Ф6 да اسربيان ва اسربيان, Ф8 да اسربيان шакллари ҳам мавжуд. Ғур йўлида Хайсортдан 1 марҳала ва Ҳиротдан 3 марҳала масофада жойлашган қишлоқ [Ибн Ҳавқал, 1967: 457]. Бу қишлоқнинг номи *астар* (استر) – «хачир» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Деххуда, II: 2135].

Асфаройин (اسفرائين) – Истахрий матнларида – А3 да اسفرابين ва اسفرابين, А3 ва А4 да اسفرابين, А8 ва А9 да اسفرابين, А9 ва А10 да اسفرابين ва اسفرابين, А11 да اسفرابين ва اسفرابين, Ф6 да اسفرابин шакллари ҳам мавжуд. “Худуд ал-Олам”да Сипаройин (سپراين) [Худуд ал-Олам, 1970: 102] деб келтирилган. Нишопур рустоқларидан бири ва Нишопурдан 5 марҳала ва Михражондан 2 марҳала масофада жойлашган шаҳар [Мукаддасий: 352].

Асфарон (اسفران) – Самарқанд шаҳридаги Сомонийлар истехкоми жойлашган бу жой номи Истахрий асарининг биргина А5 матнида келган.

Асфизор (اسفزار) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да اسنرار, А2, А3, А8 ва А9 да اسفرار, А3 да اسفراد, اسقرار, اسقراد, اسقرار ва افرار, А3 ва А11 да اسفرار, А4 да اسفراز, اسفرانس, اسفزار, А4 ва А10 да اسفران, А8 да اسيرار, А8 ва А9 да А10 да اسفران, А10 да اسفوان, اسفران, اسيران ва اسفران, А11 да اسفران, Ф1, Ф4 ва Ф6 да اسفران, Ф2 да استران, Ф2 ва Ф3 да اسران, Ф2, Ф3 ва Ф6 да اسفران, Ф3 да اسران, Ф4 да ماسان, Ф6 да ماستوان, ف6 да ماستوان ва اشتران шакллари ҳам мавжуд. Ҳирот билан Сижистон орасида жойлашган шаҳар [Самъоний, 1980, I: 239]. «Худуд ал-Олам»да Асбузар (اسبزار) деб келтирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 104]. Асфизор харобалари бугунги кунда Афғонистондаги Сабзор шаҳри четида сақланиб қолган [Бартольд, 1971: 83 – 84].

Асъадий ал-Хуросоний канали (نهر اسعدى الخراسانى) – Марв ва унинг атрофидаги ерларни суғорадиган тўрт каналдан бири [Бартольд, 1965: 138].

Атиқ масжиди (المسجد العتيق) – Марвдаги бу масжид номининг Истахрий матнларида – А8 да العنق ва العنى, Ф1 ва Ф6 да كهن шакллари ҳам мавжуд.

Атлах (اطلخ) – Истахрий матнларида – А10 да اطلخ, А11 да الملح, Ф8 да ملح шакллари ҳам мавжуд. Маҳмуд Кошғарийга кўра, Атлуқ (اتلق) Тараз шаҳрининг бошқа номи бўлган. Бу ном туркий тилда «отхона» маъносини билдирган [Кошғарий, I: 124]. Унинг номи туркий at– «от» ва эгалик маъносини билдирувчи -luq (-lay, -lax) аффиксидан ясалган [ДТС: 66]. Бу шаҳар ҳозирги Тараз яқинидаги Жувонтепа харобалари ўрнида жойлашган бўлиб, бу ерда топилган бир тошда қадимги туркий ёзувда Атлах сўзи ўйиб ёзилган [Байпаков, 1986: 29].

Афшин дарёси (نهر افشين) – Самарқанддаги бу дарё номи Истахрий матнларидан фақат А10 ва А11 да учрайди. Бу дарё борасида қўшимча маълумот аниқланмади.

Афшин истехкоми – Афшинга тегишли Дизак шаҳри яқинида Худайсар номли работи борлиги маълум. Бу ерда ўша работ назарда тутилган бўлиши мумкин.

Афшина (افشینه) – Истахрий асарларида – А2 ва А3 да اسسبه, А11 да افسبه, А12 да افسينه, Ф4 да اسه, Ф8 да افسه. Ф2 ва Ф3 да ورسنين шакллари ҳам мавжуд. Бухоро вилоятида ўрта асрларда Афшина (افشینه) номли қишлоқ бўлган [Табарий, II: 1462, 1463, 1517; Наршахий, 1966: 23].

Афшина дарвозаси (باب افشینه) – Истахрий матнларида – А8 ва А9 да السبه, А11 да افسبه шакллари ҳам мавжуд. Бу дарвоза рабад деворининг шимолий қисмида жойлашган.

Ахсикат (اخسيكت) – Истахрий матнларида – А2 да باروحكت, А3 да باروحشكت, А10 да احكث, احسك, ва افوسب, А11 да احشك, احسكث, احكث ва احسكث, Ф8 да احسكث ва حرمت шакллари ҳам мавжуд. Турли манбаларда Ахсикат (اخسيكت)

[Муқаддасий: 262], Ж. Крамерс танқидий матнида Ахшикат (اخشيكت) [Ибн Ҳавқал, 1967: 512], Балазурийда эса Хушикат (خشكت) шаклида келтирилган [Балазурий: 420]. Сўнги ўрта асрларда унинг номи Ахси (اخسى) [Бабур-наме: 22, 23 ва кейинги бетлар], тангаларда эса Ахши (اخشي) ва Ахсикат (اخسيكت) шаклларида қайд этилган [Замбаур: 38]. Фарғона вилоятининг бош шаҳридир (қасаба). VIII асрга оид суғд хужжатларида Зарафшон дарёси юқори оқими ҳавзасида жойлашган *'xsykndh* (*xsykndh*, *'xsykte*) номли қишлоқ қайд этилган [СДГМ, 1963: 101-102]. Ҳозир бу қишлоқ Хушикат деб аталади. Бу ном суғдча *xšun* (*хсун*)– «яшил» ёки (*'xns*– «мустаҳкам» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 90, 95]. Бошқа фикрга кўра, бу ном туркий *ak*– «оқ» ва суғдча *kaθ*– «шаҳар» сўзларидан ясалган бўлиши ҳам мумкин [СДГМ, 1963: 101]. Эҳтимол, бу шаҳар номининг келиб чиқиши Норин дарёсининг эски номи Оқсув гидроними билан боғлиқдир [Асқаров: 26]. Ахсикат шаҳрининг харобалари Намангандан 20 км жануби-ғарбдаги Гулқишлоқ ва Шаханд қишлоқлари ёнида Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Косонсойнинг унга қуйилиш ерида жойлашган бўлиб, Эски Ахси деб аталади [Чуланов: 197 – 206; Анарбаев: 171-187].

Ахсикат Боби (باب اخسيكت) – бу ерда Ахсикат ёнидаги Боб номли қишлоқ назарда тутилган.

Ахсисак (اخسيساك) – Истахрий матнларида – А2 ва А9 да *احشيساك*, А3 да *احشيباك*, А10 да *احسيساك* ва *احسسكت*, А11 да *احسسак*, А12 да *اخشينكت*, Ф8 да *خسک* шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳар [Йақут, 1866, I: 162]. Унинг қаршисида Амударёнинг чап соҳилида Замм (*زم*) шаҳри бўлган. Бу икки шаҳар ўртасида Амударёда Карқуҳ ан-наҳр (*كركوه النهر*) деб аталувчи сув кечуви бўлган [Муқаддасий: 292]. Ахсисак шаҳри Курдан (*کردن*) номли ноҳиянинг маъмурий маркази бўлиб, унинг номи Ҳасосак (*خساسك*) шаклида ҳам келтирилган [Ибн Хордадбех, 1967: 173]. Кейинги асрларда Ахсисак шаҳри Карки ёки Карқуҳ деб аталган [Бартольд, 1963: 131; 1965: 160].

Ахшуво (اخشوا) ёки **Ҳулбук** (هلبك) дарё – Амударёнинг юқори оқимида Хутталон вилоятидаги дарё. Истахрий матнларида – А4, Ф2 ва Ф3 да *باخس*, А10 ва А11 да *احس*, Ҳулбук номининг эса А2, А3, А8 ва А9 да *حليل*, А11 да *هليل* шакллари ҳам мавжуд. Туркча Оқсув сўзининг бузилган шакли бўлиб, Ахшуво дарёси Вашжирд томонидан оқиб келиб, Жайхун дарёсига қуйилган [Ибн Хордадбех, 1967: 179]. В.В. Бартольд фикрича, Ахшуво – ҳозирги Кўлобдарё (Кичик Сурхоб) ёки Қизилсувга қуйилувчи Оқсув (Яхсув) дарёсидир [Бартольд, 1965: 118]. Бошқа фикрга кўра, Ахшуво – бу ҳозирги Қизилсувдир [Мухитдинов: 189-197].

Ашб(*اشب*) – Истахрий матнларида – А10 да *اسب*, А11 да *اشب*, Ф1 да *اشت*, Ф8 да *اسب* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Ашт (*اشت*) [Ибн Ҳавқал, 2011: 80], Ибн Ҳавқалнинг де Гуде танқидий матнида Салот (*سلات*) [Ибн

Ҳавқал, 1873: 395] деб номланган. Ашб қишлоғи ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, шу номли туман марказидир. У Хўжанддан 150 км шарқда, Ашт даштининг чеккасида Қорамозор тоғларида жойлашган [Негматов, 1982: 56, 72]. Фарғона водийсидаги *ноҳийа* ва шаҳар.

Аъло дарвозаси (باب الاعلى) – араб., бу ном «юқори дарвоза» маъносини билдиради. Бунжикатдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – А5 да اعلى, Ф8 да بالا шакллари ҳам мавжуд.

Аҳвас Обоз дарвозаси (باباحوصاباذ) – Истахрий матнларида – А9 да احوض, А10 да اباد, А11 да احوص انار, Ф1 да سپرييس, Ф6 да سير لس шакллари ҳам мавжуд. Бу дарвозанинг номи арабча Аҳвас (احوص) номидан келиб чиққан [Деххуда, I: 1492].

Аҳйад масжиди (مسجد احيد) – Истахрий матнларида – А5 да مسجد احمد, А11 да эса, مسجد اجيد шаклларида келган. Нумижкат шаҳристонидagi мавзе номи.

Аҳмад ибн Абдуллоҳ қишлоғи (قرية أحمد بن عبد الله) – у бу қишлоқни мукофот сифатида олган араб халифалигининг Хуросондаги ҳарбий кўмондони ёки мансабдори бўлиши керак.

Аҳмад ибн Исмоил – Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний, ал-Амир аш-Шаҳид – Сомонийлар сулоласининг 4- хукмдори, 295/907 – 301/914 йилларда Бухорода хукм сурган. Отасининг хукмронлиги даврида эса Хуросон амири бўлган эди. Отасининг ўрнига тахтга ўтиргач, Аҳмад Рай, Гургон, Сижистон ва Табаристон ерларини ишғол қилди ва ўз ерларига кўшиб олди. Кейин ўз лашкарбошилари уюштирган фитна натижасида ўлдирилган. У 6 йил, 4 ой ва 5 кун хукм сурган. У ҳақида қаранг: Наршахий, 1966: 82 – 83; Гардизи: 63 – 65; Ибн ал-Асир, VIII: 2, 3, 23, 26-33, 44, 77, 78; Карши: 100.

Аҳнаф қасри (قصر احنف) – Истахрий матнларида – А8 да قصر اصف, А9 да قصر احنف, А11 да قصر الحنف ва قصر احنف, Ф1 да كوشك احنف, Ф6 да كوشك احنف, Ф8 да كوشك اخف ва كوشك احنف шакллари ҳам мавжуд. Марваруздан 5 *фарсах* ёки 1 *марҳала* масофада жойлашган қаср [Ибн Хордадбех: 66; Қудама: 209]. Бу жойнинг ўрни борасида турли қарашлар бор. В.В. Бартольд фикрига кўра, Қоровулхона қишлоғи ўрнида бўлган [Бартольд, 1965: 254; 1971: 60-61, 70; Массон, 1966: 75-163]. Бу қалъани бугунги Меручак қишлоғи ўрнида бўлган деб ҳисобланади [Беленицкий, Бентович, Большаков: 167, 168].

Бабан (بين) – Истахрий матнларида – А3 да بن ва بنه, А8 ва А9 да بن, А8, А9 ва А10 да بنه, А10 да بن, А11 да بنه, Ф8 да بن шакллари ҳам мавжуд. Бу жой номи матнда Бабна шаклида ҳам келган. Бошқа манбаларда Бина (بينّة), Бино (بينّا), Бабна (بينّة) ва Бавн (بون) [Балазурий: 405] номида ҳам келган. Ҳиротдан 2 *марҳала*, Кайфадан 1 *марҳала* ва Бағшурдан ҳам 2 *марҳала* масофада жойлашган Канж Рустокнинг асосий шаҳридир [Ибн Ҳавқал, 1967: 457].

Бабна – қаранг: **Бабан**.

Бавма рустоқи (رستاق بومه) – Бухородаги бу рустоқ номи Ибн Ҳавқалда Нақрина (نقرينه) шаклида келтирилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 44].

Баврақ рустоқи (رستاق بورق) – Бухородаги бу рустоқ номини Истахрий А11 матнида سوق шаклида келган. Ибн Ҳавқалда Бардақ (بردق) дейилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 44]. Бу қишлоқда олим ва табиб Ибн Сино маълум вақт яшаган [Лурье, 2004: 103].

Базахшон (بخشان) – Истахрий матнларида – А1 да بلخشان, А3 ва А8 да بلحسان, А3 ва А9 да بدحشان, А3 ва А10 да بدحشان, А4 да بدخشان, بدخشان ва بدخسان, А8 да بدحشان, А9 да بدحشان, А10 да بدحشان, А10 ва Ф8 بدخشان, А11 да بدحسان, بدحسان ва بدخسان шакллари ҳам мавжуд. Кўкча дарёсининг юқори оқими ва унга қуйиладиган сувлар ҳавзасидаги тоғли минтақа. Унинг асосий қисми ҳозирги Афғонистон, бир қисми эса ҳозирги Тожикистон ҳудудида жойлашган. Исломга қадар Базахшон турк йабғуларига қарашли Тохаристон вилоятининг Тибет чегарасидаги бир қисми бўлган [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 321]. Шу номдаги бош шаҳри ҳам мавжуд бўлган ва у Тайақандан 7 кунлик, Балхдан 13 марҳала ва Термиздан ҳам шунча масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 454, 455, 457]. Батафсил маълумот учун қаранг: Бартольд, 1965: 343-347; 1971: 47, 48, 51-53, шунингдек: Камалиддинов, 1996: 241-260; Деҳхуда, III: 4443, 4478.

Базахшон кечуви (معبر بخشان) – бу сув кечуви ҳозирги Тожикистон ва Афғонистон чегарасида оқиб ўтувчи Панж дарёси бўйидаги Баҳорак ва Самти қишлоқлари орасида бўлган [Кушкеки: 224].

Базғис (بادغيس) – Истахрий матнларида – А3 да باعيس, А3 ва А10 да بادعس, А4 да بادعيس, А8 да بادعس ва بادعسى, А8 ва А9 да بادعيس, А9 да بادعس, А10 да بادعيس, А10 ва Ф6 да بادعيس, А11 да بادعس ва بومان عس, Ф1 да بادغيس, Ф6 да بادغيش шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Базғиш (بادغيش) шаклларида ҳам келган. Форсча номи унда доим шамол эсиб тургани боис Бозхиз (بادخيز) бўлган [Самъоний, 1980, II: 25; Йақут, 1866, I: 461-462]. Кўп сонли кичик шаҳарлар ва қишлоқлари бўлган катта рустоқ. У Бушанждан 3 марҳалада жойлашган [Йақубий, 1967:52]. Бугунги кунда у Ҳиндикуш тоғларининг шимолий чеккасида, Ҳарируд ва Мурғоб дарёларининг юқори оқимида, у иккисининг оралиғида ва Афғонистоннинг шимоли-шарқида жойлашган.

Базда (بزده) – Бухоро йўлида жойлашган мустаҳкам қалъали катта шаҳар [Самъоний, 1980, II: 188, 194]. Истахрий матнларида – А10, А11, Ф2 ва Ф3 да بزده шакли мавжуд. Базда шаҳрининг харобалари Шуллауктепадан 40 км, Қамаш қишлоғидан 10 км жануби-ғарбда жойлашган бўлиб Кўхна Фазли деб аталади. Унинг энг пастки қатламлари I-II асрларга мансуб [Лунина: 24].

Баздигара (بزديغرة) – Истахрий матнларида – А1 ва Ф1 да بزديغور, А3 да بزوعود, А8 ва А9 да بزوعور, А10 да بزوعود, Ф2, Ф4 ва Ф6 да بزوعود, Ф3 да بزوعود шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалга кўра, Таравғуз (تروغود) [Ибн Хауқал,

2018: 16], Ёкутга кўра, Туруғбаз (تروغباز) [Йакут, 1866, II: 845]. «Худуд ал-Олам»да Буздиғур (بزدغور) эслаб ўтилган [Худуд ал-Олам, 1970: 103]. Тусдан 3 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Самъоний, 1980, III: 49].

Байканд (بيکند) – Истахрий матнларида – A10 да بکند, A11 да بکد, بکد, بکند, بکند, بکند ва اسکند, Ф2 да بيتکند, Ф3 да بيتکند, A8 да بکند шакллари ҳам мавжуд. Бухоро вилоятидаги шаҳар, Хуросон кечуви ёнидаги Фарабр яқинида жойлашган. Байканд шаҳрининг харобалари Шаҳри Хайбар ёки Пайканди Кўхна деб аталади.

Байканд ариғи (نهر بيکند) – Нумижкат шаҳристони ариғининг Байканд шаҳри номи билан аталиши оддий ҳол эмас, чунки Байканд бу Бухоро вилоятидаги шаҳардир. Истахрийнинг A10 матнида بکند шакли ҳам мавжуд.

Бакри (بکری) – Куҳистондаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – A2 ва A3 да بکروکوند ва بکری وکری, A4 да بکری, A8 да بکروکوند, A10 да بلری, Ф1 да کرى, Ф4 да بکری, بکروکوند шакллари ҳам мавжуд.

Баладай Довар (بلدداور) – «Доварнинг икки шаҳри». Истахрий матнларида – Ф8 да زمينداور, Ф6 да دارد шакллари ҳам мавжуд. Довардан мурад Довуд ибн ал-Аббос ибн Ҳошим ибн Баничурдир (IX а.) – Баничурийлар (Абу Довудийлар) уруғидан бўлган Балх ҳукмдори. Буерда Довуд ибн ал-Аббос авлодлари шаҳри деганда Балхназарда тутилган бўлса керак.

Баламдарин (بلامدرن) – Бу ном Истахрий матнларида – A10 да بلادس, A11 да بلاندرين шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Баламдарин (بلاندرين) шакли мавжуд [Ибн Ҳавқал, 2011: 67]. Кеш рустоқларидан бири.

Балкийон (بلکيان) – Истахрий матнларида – A2 да نکاکان, A3 да بککان, A4, A9 ва A10 да بلیکان, A8 да مکیکان, A11 да مانکان, Ф8 да ملیکان шакллари ҳам мавжуд. Бу ерда 1030 йилда Маҳмуд Ғазнавий томонидан тугатилган Шорийлар сулоласининг қароргоҳи жойлашган бўлиши мумкин. Марв вилоятида шу номли қишлоқ ҳам бўлган [Деҳхуда, IV: 4971].

Балх (بلخ) – Истахрий матнларида – A4 да بلخ, A9 да بلخ, A11 да بلخ шакллари ҳам мавжуд. Тохаристон вилоятининг бош шаҳри. Бу шаҳар Амударёдан жанубда Термиздан 12 *фарсах* масофада жойлашган [al-Masudi: 64]. Балх қадимги Бактрия-Тохаристоннинг энг йирик шаҳри бўлиб, Аҳамонийлар даврида Бақтар ёки Бохтар, унга қарашли ерлар эса Бохтар-замин деб аталган. Турк хоқонлиги даврида Балх Тохаристон йабғуларининг пойтахти бўлган. Қадимги Балх шаҳрининг харобалари Афғонистондаги Мозори Шариф шаҳри яқинида жойлашган бўлиб, 450 га майдонни эгаллаган. Унинг ёнида жойлашган қишлоқ ҳозир ҳам Балх деб аталади. У ҳақида қаранг: Камалиддинов, 1996: 298-516.

Бамкаҳуш (بامکاخش) – Истахрий матнларида – A11 да بامکاحس, Ф1 да بامکاخس, Ф2 да بامکاخث ва کیماخس, Ф3 да کناخس, Ф8 да بایکاحس шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Бомкохус (بامکاخس) [Ибн Ҳавқал, 2011: 80], бошқа

бир манбада эса Номкохус (نامکاخس) [Худуд ал-Олам, 1970: 116] шаклларида ҳам қайд этилган. Сухдан 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 524].

Банаб (باناب) – Бухородаги бу қишлоқни Самъоний ҳам қайд этган [Самъоний, 1980, V: 95]. Истахрий матнларида – А11 да بابہ, А8 да ابوفار, Ф2 ва Ф3 да بانه шакллари ҳам мавжуд.

Бандаргоҳ, порт (فرضة) – араб., бу соз «тор яланглик»; «порт» ва «савдо маркази» деган маъноларни билдиради. «Худуд ал-Олам»га кўра, Термиз шаҳри Чағонийон ва Хутталон вилоятларининг савдо маркази бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 114]. Манбалардаги маълумотларга кўра, Жайхун дарёсининг суви Термиз қалъасининг деворларига урилиб турган [Ибн Хордадбех, 1967: 33], кемалар эса шаҳарга ҳар томондан келиб тўхтаган [Муқаддасий: 291]. 617/1220 йилда Чингизхон қўшинлари Термизга келганда, унинг қалъа деворларининг ярми Жайхун дарёсининг ўртасида сувдан чиқиб кўтарилиб турган [Бартольд, 1965: 505; Рашид ад-дин, I (2): 112]. Термиз портининг қолдиқлари Эски Термиз қалъасининг дарё бўйидаги қисмида топилган бўлиб, унга қалъанинг 2 томонида жойлашган йўлақлар орқали тушилган. Термиз қалъасининг жанубий мудофаа девори сув устига ясалган саҳн устига қурилган бўлиб, унинг буржлари ҳам бўлган [Шишкин: 131-132]. Археологик маълумотларга кўра, бу шаҳар порти X-XV асрларда фаолият кўрсатган [Гражданкина: 171-179].

Банғам (بانغام) – Истахрий матнларида – А10 да فربانعام, А11 да بانعام, Ф1 да فرتانغام, Ф2 да بانعام, Ф3 да فربانعام шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасийда Вақр Бонғом (وقر بانغام) шаклида келтирилган [Муқаддасий: 266]. Ушрусанада шаҳарлари бўлмаган рустоклардан. Бу русток Туркистон тоғ тизмасининг шимолий этакларидаги Шаҳристонсой ва Босмандисойнинг юқори оқими ҳавзасида [Негматов, 1957: 11, 85, 111] ёки Сангзор дарёсининг юқори оқими ҳавзасида жойлашган [Грицина, 2000: 150].

Банжхаш (بانجخاش) – Истахрий матнларида – А2 да بالحاس ва بالحاف, А3 да بالحاف ва بالحاس, А4 да بالحاس, А8 да بالحاس ва بالحاف, А9 да بالحاس ва بالحاف, А10 да بانحاش, А11 да بالحاس, А12 да بانحاش, Ф2 да بالحاش, Ф3 да بالحاش, Ф4 да بالحاس, Ф8 да بيكت ва بالحاس шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Бонхош (بانخاش) шаклида ҳам учрайди [Муқаддасий: 49, 265]. «Худуд ал-Олам»да Банжбас (بانجباس) ва Фарғона билан Илақ чегарасида жойлашган Ал.х.н.жос (الحنجاس) шаҳарчалари қайд этилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24а; Худуд ал-Олам, 1970: 117, 118]. Илақ йўлида, Бинкатдан 6 *фарсах*, Тункатдан 2 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тўйтепадан жануби-шарқдаги Анҳор қишлоғининг жануби-ғарбий чеккасида жойлашган бўлиб, Жумишқазитепа деб аталади [Массон, 1953: 56 – 57; Буряков, 1975: 109].

Банжхир (البنجهير) – Истахрий матнларида – A3 да سحر, A4 да سحير, A4 ва A8 да سحر, A9 да سحر ва سحر, A10 да سهز, A11 да سجهز, A11 ва Ф6 да سجهز, Ф1 да پنجهير ва ساطير, Ф6 да ساطير, هيجور ва معه سك شاكلари ҳам мавжуд. Унинг номи яна Банжаҳар (بنجهار) [Йақубий, 1967: 58] ва Банжар (البنجار) [Ибн Хордадбех: 68] шакллари ҳам мавжуд. Унинг яқинидан Ҳиндистон мамлакатига ўтиб кетадиган дарё оқиб ўтган. Унда кумуш кони бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 109]. Уни, яна «Кумуш тоғ» (جبل الفضة) деб ҳам аташган [Мукаддасий: 303]. Банжхир ўз номини Панжшир шаклида сақлаб қолган. Тохаристоннинг шарқида, Панж дарёсида, Кобулдан шимолдаги тоғларда жойлашган шаҳар [Бартольд, 1963а: 837; 1971: 50].

Банжхир дарёси (نهر بنجهير) – Истахрий матнларидан A3 да نهر سحر шакли ҳам мавжуд. Бугунги кунда дарё Панжшир номига эга [Бартольд, 1963а: 837; 1971: 50].

Банокат (بناكت) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да بيلاكت, A8 да بناكت, A9 да بيلاكت, A10 да ساكب ва ماكب, A11 да ساكت ва سكب, A12 да فناكت, Ф1 да بناكت ва بناكت, Ф2 да ساكب ва سكت, Ф3 да سكت, Ф4 да ساكب ва سكت, Ф7 сакт, Ф8 да بناكت ва بناكت шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда бу шаҳарнинг номи Фанокат (فناكت) шаклида келтирилган [Ибн Ҳавқал, 1967: 507]. Унинг номи суғдча руп– «очмок» *bn*– «узун» ва *kaθ*– «қишлоқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 96]. Бу шаҳар мўғуллар босқини вақтида вайрон этилган, Темурийлар даврида эса қайта тикланиб, Шоҳруҳийа (شاهروحيه) деб аталган. Унинг харобалари Сирдарё бўйида Оҳангарон дарёсининг унга қуйилиш еридан юқорида жойлашган бўлиб, Шарқия деб аталади [Массон, 1953: 33; Буряков, 1975: 14-30].

Бану Асад дарвозаси (باب بنى اسد) – Бухородаги бу дарвоза номи Бану Асад (яъни Асад авлодлари) номли араб қабиласи билан боғлиқ.

Бану Моҳон (بنو ماهان) – Марвдаги бу маҳалла номининг Истахрий матнларида – A8 ва A9 да مر ماهان, Ф6 да حدود مهان шакллари ҳам мавжуд. Самъонийга кўра, Моҳон (ماهان) авлодлари – Исфохон ва Нишопурда яшаган кишиларнинг аждоди номи бўлган [Самъоний, 1980, XI: 106].

Бану Саъд дарвозаси (باب بنى سعد) – Нумижкат шаҳристонининг ушбу дарвозаси Истахрийнинг матнларида – A8 ва A9 да سغد, Ф1 да سعديان шакллари ҳам мавжуд.

Банъаб (بانعاب) – бу жой номи бошқа манбалардан аниқланмади. Буроб номининг хато ёзилган шакли бўлиши мумкин. Истахрий матнларида – A4 да باراب, A8, A9 ва A11 да ناساب шакллари ҳам мавжуд. Яна қаранг: **Бураб**.

Бараб (باراب) ёки Фараб (فاراب) – Истахрий матнларида – A10 да باراب, A11 да باراب ва باراب, A11 да باداب, Ф8 да فاراب, Ф1 ва Ф8 да پاراب шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда ҳам унинг номи Фараб (فاراب) шаклида келтирилган [Самъоний, 1980, II: 26; IX: 211 ва бошқа айрим манбаларда]. X асрда Бараб

йирик савдо маркази бўлган, унинг бош шаҳри Кадар. Сирдарёнинг ўрта оқимида Орол денгизига яқин ерда жойлашган вилоят. Муқаддасийга кўра, Бараб рустоқининг бош шаҳри ҳам Бараб (باراب) деб аталган. [Муқаддасий: 273]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, Фараб туманининг бош шаҳри Қаражук (قراجق) деб аталган [Кошғарий, I: 450]. Бараб шаҳрининг яна бир номи Тарбан, Турор ёки Турорбанд бўлиб, кейинчалик эса бу шаҳар Ўтрор деб аталган [Михайлова: 12, 17]. XV асрда Ўтрор шаҳри Янги деб ҳам аталган [Бабур-наме: 29]. Фараб (Ўтрор) шаҳрининг харобалари Чимкент вилояти Шаулдер туманидаги Темур темир йўл бекатидан 10 км ғарбда жойлашган бўлиб, Ўтрортобе деб аталади [Акишев, Байпаков, Ерзакович 1972: 43-50].

Баранк (برنك) – Ибн Ҳавқалда Нажранк (نجرنك) шаклида келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 80]. X асрда бу шаҳар кичик бўлиб, унинг жоме масжиди шаҳардан ташқарида, Самарқанд томонда жойлашган [Муқаддасий: 272].

Барбан (بربان) ёки Барсан (برسان) – Истахрий матнларининг A10 да بربان, A11 да سرمان, A12 да بليان, Ф2 ва Ф3 بونان, Барсон номининг эса A4 да برسان, A11 да فوفار, A12 да شومان, Ф2, Ф3 ва Ф4 да بوقان ва برمان шакллари ҳам мавжуд. Идрисий матнида эса Тан (ثان) ва Балбан (بلبان) шаклларида берилган [Идрисий, 1974, VIII: 482]. Амударёнинг юқори оқимидаги дарё. Кўлобдарёнинг юқори оқимидаги Талбар дарёси номининг бузилган шакли [Бартольд, 1963: 118].

Барзуйа – сосоний шаҳаншоҳ Хусрав I Ануширвоннинг (хукмронлиги 531-579 йй.) сарой табиби. У Ҳиндистонга «Панчатантра» китобини топиш учун юборилган эди. Кейинчалик асарни санскрит тилидан форс тилига ўгириш ҳам топширилади. Бу таржима «Калила ва Димна» номи билан машҳур бўлган.

Баркат (باركت) ёки Абаркат (اباركت) – Истахрий матнларида – A2, A3, A10 ва Ф1 да اباركت, A11 да باركت, Ф1 да ابركت, Ф2 да اباركب, A8, A9 ва Ф8 да اباركت, A11 да اباركت, Ф3 да اباركت, A1, A8, A9 ва Ф2 да اباركت, A4 да اباركت, A10 да باركت, A12 да اباركت, Ф2 да اباركب, A10 да ابركب, Ф2 да اتراك шакллари ҳам мавжуд. Самарқанддан 4 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Хордадбех, 1967: 26]. Исломдан олдин бу шаҳар Ушрусанага қарашли бўлган, кейин маъмурий жиҳатдан Самарқандга ўтган [Самъоний, 1980, II: 32]. Унинг қолдиқлари Самарқанддан шимоли-шарқдаги Оқтепамитан қишлоғи ёнида жойлашган [Беленицкий, Бентович, Большаков: 187].

Баркнан (بركنان) – Истахрийнинг A10 матнларида بركان шакли мавжуд. Баркнан номи қадимги эроний *para-kana*– «қайта қазилган ер» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 69, 224]. Баркнан номининг биринчи қисми *барг* сўзи бўлиб, Шаҳрисабз номидаги сабз – «яшил» сўзи шу сўз билан боғлиқ бўлиши мумкин. X асрда бу қишлоқ Китобдан 5 км масофада жойлашган ҳозирги Шаҳрисабз ўрнида бўлиб, у Кешнинг ривожланиб келаётган Йўлдош шаҳарчаси бўлган. XX аср бошларида Шаҳрисабзнинг шимолий дарвозаси «Китоб дарвозаси» ёки «Арк дарвозаси» деб аталган [Камалиддинов, 1996: 22-25].

Баркнан дарвозаси (باب برکنان) – Истахрий матнларида – A5 да درونى, Ф1 да برکنان, A10 да برکان, Ф2 ва Ф3 да ترکستان шакллари ҳам мавжуд. Бу дарвоза Кеш ташқи шаҳарининг жануби-ғарбий томонида жойлашган [Бартольд, 1963: 189].

Баркуш (برکوش) – Истахрий матнларида – A2 да بروکش, A3 да بوش, A8 ва A9 да بولش, A10 да йўқ, A11 да بوكوس, A12 ва Ф4 ва Ф7 да برکوس, Ф8 да ترکوس шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да унинг номи Таркус (ترکوس) шаклида келтирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 118]. Бу шаҳарча Хатункатдан 3 *фарсах* ва Бинкатдан эса 5 *фарсах* масофада Қалас даштидаги мудофаа девори тарафда жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Бу шаҳар номининг келиб чиқиши маълум эмас. Унинг харобалари Тошкентдан 42 км масофада Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида, Зах ариғининг бошланиш еридаги Паргос қишлоғида жойлашган бўлиб, Паргостепа деб аталади [Буряков, 1975: 75-79].

Бармиш дарёси (نهر بارمش) – Суғддаги бу дарё номининг Истахрий матнларида A2 да بامسن, A3 ва A8 да بارمس, A11 да بارمس, Ф2 да بسم, Ф3 да بايم шакллари ҳам мавжуд. Бу ариқнинг номи туркча бўлиши мумкин (*бор + миш*).

Барсан дарё – қаранг: **Барбан**.

Бархавий номли ариқ (نهر برخوی) – Ҳирот яқинидаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – A2, A3 ва A9 да برخوی, A10 да برخوی, Ф4 да یرخوی, Ф6 да برخوری шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Вахво (وخوی) деб келтирилган [Ибн Хауқал, 2018: 23]. Бу ариқнинг номи Баржуй (برجوی) ёки Варжуй (ورجوی) деб ўқилса тўғрироқ бўлса керак.

Барш дарёси (نهر برش) – Истахрий матнларида – A8 ва A9 да برسن, A11 да دوس, A12 да ترش, Ф2 ва Ф3 да دبوس, Ф4 да بوس шакллари ҳам мавжуд. XIV аср ҳужжатларида Бухоро вилоятида Варишун (وریشون) номли қишлоқ қайд этилган [Чехович, 1965: 223].

Барғар (برغر) – яъни Парғар ёки Фарғар, Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари орасида Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги Буттам тоғли ўлкасининг таркибига кирувчи туман. Муғ тоғидан топилган суғдча ҳужжатларда унинг номи *prȳr-ctħva* *prȳr-h* шаклларида қайд этилган [СДГМ, 1962: 93. 172]. Маъмурий жиҳатдан Ушрусана таркибига ҳам киритилган [Муқаддасий: 266; Худуд ал-‘Алем, 1930: 236]. Бу ном суғдча *pr-ȳr*– «тоғли [ўлка]» (қадимги эроний *para-gari* – «тоғ олди») маъносини билдиради [Лурье, 2004: 119, 200]. Кейинги асрларда бу ерлар Фарғар деб аталган. Ҳозирги Мастчо номли қишлоқ ҳам унинг таркибига кирган.

Басанд (باسند) – унинг номи Мосанд (ماسند) шаклида ҳам қайд этилган [Йақубий, 1967: 289]. Самарқанд йўлида жойлашган мустаҳкам шаҳар, унинг аҳолиси зич бўлиб, урушга мойил бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 114]. Бу шаҳар ҳозирги Бойсун шаҳри ўрнида жойлашган. Бу шаҳар Сағанийондан Боб ал-Ҳадидга олиб борувчи йўлда жойлашган эди.

Баскан (بسكن) – Истахрий матнларида A10 да سكر, A11 да بسكن, Ф2 ва Ф3 да سكان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Хавқалда Б.с.к.н (بسكن), унинг номи Б.с.к.р (بسكر) шаклида ҳам келтирилган [Муқаддасий: 266]. Ушрусанада шаҳарлари бўлмаган рустоклардан. Бу русток Оқсув, Даҳқатсой ва Босмандисойнинг юқори оқими ҳавзасида жойлашган бўлиши мумкин [Негматов, 1957: 46, 84]. Бошқа фикрга кўра, бу русток Аччиксой ва Бешкубесойнинг юқори оқими ҳавзасида жойлашган [Грицина, 2000: 150, 177-180].

Басғурқанд (بسغورقند) – Истахрий матнларида – A2 ва A4 да بسغور قند, A3, A8 ва A9 да لسغور قند, A10 да بسغور قند, A11 да بسغور قند, Ф1 да بسغورقند, Ф2 да بسغورقند шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи яна Башғурқанд (باشغورقند) [Ибн Хауқал, 2018: 33; Муқаддасий: 296] деб келтирилган. Бу шаҳар номини *башгурд* ёки *башгурт* этнонимибилан боғлаш мумкин. Бомийон вилоятидаги шаҳар. Яна қаранг: Деҳхуда, III: 4779.

Башағар (بشاغر) – бу рустокнинг номини Пишағар ёки Пшағар (بشاغر) деб ўқиш ҳам мумкин. У ҳолда бу ном суғдча *руš*, *рš*– «орқа», «орт» ва *үг*– «тоғ» сўзларидан ясалган бўлиб «тоғ орти», «тоғ орқаси» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 120, 125]. «Бобурнома»да Самарқанд яқинидаги Ёрйлоқ туманида Пешағир (Пашағир) номли қишлоқ қайд этилган [Бабур-наме: 59аб, 96а]. Жиззахдан жануби-шарқда Пшағарсойнинг тоғ дарасидан текисликка чиққан ерида Пшағар номли қишлоқ жойлашган. Бу ерда баланд тепаликда Қоровултепа номли ўрта аср харобалари мавжуд бўлиб, бу ер Суғддан Зомин орқали Фарғонага кетувчи йўлни назорат қилиш жуда қулай бўлган. Пшағарсойнинг юқори оқимидаги тоғлар орасида баланд текислик (плато) бўлиб, Башағар рустоқи айнан шу ерда бўлган. Бу ердаги энг катта қишлоқ Бешпшағар деб аталади. Пшағарсойнинг иккала тарафида кўплаб қадимий харобалар бўлиб, уларнинг энг каттаси Бешбулоктепа деб аталади [Грицина, 2000: 153, 165-166]. Туркистон тоғ тизмасининг ғарбий чеккасида жойлашган бу русток ҳудудида Санзар дарёси бошланган [Негматов, 1957: 40-41, 85].

Башмин дарёси (نهر بشمين) – Суғд водийсидаги бу дарё номининг Истахрий матнларида – A2 да بسمين ва بسمين, A3 да سيمين ва سيمين, A8 да بسحن, A11 да بشمی, A12 да بسمن, Ф2 ва Ф3 да دبوس шакллари ҳам мавжуд. Суғдча *руšmin* – «қишлоқ орқаси» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 125].

Башон (باشان) – Истахрий матнларида – A2 да باسان, A2 ва A8 да باسان, A2 ва A9 да باسار, A3, A4, A8 ва A9 да باسان, A3 ва A8 да باسار ва باسان, A3, A8 ва A9 да باسان, A4 да باسان, A9 ва A10 да باسان, A9 ва Ф2 да باسان, A10 да باهستان, A10 ва A11 да باسان, A11 да باشان, Ф3 да باسان, Ф4 да بيسان, Ф6 да باهستان ва باسان, Ф8 да ماكن шакллари ҳам мавжуд. XII асрда уни Фашон (فاشان) деб аташган [Самъоний, 1980, III: 42-43; IX: 226]. Ҳирот қишлоқларидан бири [Самъоний, 1980, II: 38; Йақут, 1866, I: 468]. Башон Ҳиротдан 1 *марҳала* [Ибн Хавқал, 1967: 457] ва Хайсордан 1 *марҳала*да [Муқаддасий: 349] жойлашган

қишлоқ. Уни Эски Марвдан шимолда, 25 км масофада жойлашган Кууртланда шаҳарчасида бўлган дейилади [Массон, 1966: 31].

Баҳром Чўбин ёки **Баҳром ибн Чўбин** – Сосонийлар давлати шаҳаншоҳи Хурмузд IV нинг (579-590 йилларда ҳукм сурган) лашкарбошиси. Баъзи маълумотларга кўра, унинг келиб чиқиши хуросонлик ўғуз туркларидан бўлган [Гумилев, 1960: 228-241]. VIII асрга оид хитой тилидан таржима қилинган бир Тибетча ҳужжатда Ўрта Осиёда яшовчи туркий қабилалар ва халқлар орасида *гар-рга-нур* номли халқ қайд этилган бўлиб, у *ян-ти* (кушонлар) ва *хе-бдаллар* (эфталлийлар) билан кўшни бўлган [Гумилев, 1967: 111; Абдурасул ўғли: 73]. Тахмин қилинишича, бу халқнинг номи туркий *қарга* ва паҳлавий *нур* (ўғли) сўзларидан ясалган бўлиб, бу ерда Балх атрофларида яшаган Баҳром Чўбиннинг авлодлари назарда тутилган [Гумилев, 1967: 111].

Бағдод (بغداد) – бугунги Ироқ давлатининг пойтахти, тарихий шаҳар.

Бағлан (بغلان) – Истахрий матнларида – А3 да بعلان, А4 да بغلان, А4 ва А11 да بغلان, А10 ва Ф6 да بعلان, А11 да بعلان, Ф1 да بعان шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи бохтарий *bagolaggo* сўзидан келиб чиққан ва «ибодатхона», «муқаддас жой» маъноларини англатади [Ставиский, 1977: 198]. Симинжондан шарқда Балхдан 6 ва Симинжондан 4 *марҳала* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 457; Муқаддасий: 346]. Симинжон билан Бағлан орасида кўшин ўта олмайдиган чўл бўлган [Табари, 1987: 126]. Бағлан Тохаристоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган. Бугунги кунда Бағлан шаҳри ўзининг қадимий номини сақлаб қолган. Бағлан дарёсининг Қундуздарё қуйиладиган ерида жойлашган.

Бағовардон (بغاوردان) – Истахрий матнларида – А8 да بغاوردان, Ф1 да سوخير шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Сухин (سوخين) [Ибн Хауқал, 2018: 23], Муқаддасийда Сарахс (سرخس) [Муқаддасий: 330] деб келтирилган. Сарахс вилоятида Буғовазжон (بغاوزجان), шу билан бирга Ғовазгон (غاوزغان) деб ҳам аталган қишлоқ бўлган [Самъоний, 1980, II: 249].

Бағункат (بغونكت) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да هنكت ва بعويكب, А8 да مكنث, А9 да منكنث, А10 да بعك, А11 да بعكنث, А12 да بغنكت, Ф4 да بعك, Ф7 да لعبك, Ф8 да تعويكت шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда бу шаҳарчанинг номи Бишкат (بشكت) [Муқаддасий: 48, 264] ва Бағуйкат (بغويكت) шаклларида келтирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Бу шаҳар номининг биринчи қисми суғдча βγ– «худо» ёки βγп– «ибодатхона» [Лурье, 2004: 95, 207] ёки туркий *baquy*– «жамоа бошлиғи» сўзларидан иборат бўлиши мумкин [Лурье, 2003: 193; Худуд ал-Олам, 1970: 357]. Турк дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлидан шарқ томонда, Бинкатдан 5 *фарсах*, Абардкатдан 2 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Ибн Хурдадбех маълумотига кўра, Ушрусанадан Шош томонга юрганда Турк дарёси бўйидаги Шутуркатдан ўтиб, 3 *фарсах*дан кейин Бинкатга 2 *фарсах*

етмасдан йўл Банункат (بنکات) номли қишлоқдан ўтган [Ибн Хордабех, 1967: 27]. Бу номнинг Муқаддасий келтирган Бишкат (بشکت) шакли суғдча р(у)š– «ташқи», «ташқари», «орқа» сўзидан ясалган. Ҳозирги Бешкент жой номи ҳам шу ўзакдан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 96]. «Бобурнома»да Тошкент вилоятида Бишкент шаҳри қайд этилган [Бабур-наме: 113-114].

Бағшур (بغشور) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да مغشور, А3 да بعشور ва بعشور, А3, А8 ва А9 да بعشور, А4, А10 ва А11 да بعشور, А8 ва А9 да بعشور, А10 да بعشور, А10 да بعشور, Ф6 да بعشور, Ф8 да بعشور шакллари ҳам мавжуд. Кайф шаҳридан 1 марҳалада [Ибн Ҳавқал, 1967: 457] ва Хиротдан, Марваруд йўлида, Канж Рустоқ доирасида 4 марҳалада жойлашган шаҳар [Самъоний, 1980, II: 254]. Бағшур харобалари Туркменистоннинг Кушка дарёси қирғоғида Қалъаи Мур қишлоғи яқинида жойлашган [Массон, 1978: 128; Беленицкий, Бентович, Большаков: 168].

Баҳманабоз (بهمن آباد) – Истахрий матнларида – А3 да بهمنآباد, ва بهمنآباد, А8, А10 ва Ф1 да بهمنآباد, А9 да بهمنآباد, بهمنآباد ва بهمنآباد, А11 да بهمنآباد ва بهمنآباد, Ф2 да بهمنآباد, Ф6 да بهمنآباد ва بهمنآباد шакллари ҳам мавжуд. Рай ва Кумисдан Нишопурга кетаверишдаги қишлоқ. У Асадобоздан 6 фарсах ва Навақдан ҳам 6 фарсахда жойлашган [Ибн Хордабех: 63; Қудама: 201].

Бинкат (بنکت) – Истахрий матнларида – А3 да دبعمانکت ва دبعمانکت, А4 да دبعمانکت, А8 да دبعمانکت, А9 да دبعمانکت, А10 да دبعمانکت ва دبعمانکت, А11 да دبعمانکت, А12 да دبعمانکت ва دبعمانکت, Ф1 ва Ф7 да دبعمانکت, Ф2 да دبعمانکت, Ф3 да دبعمانکت ва دبعمانکت, Ф4 да دبعمانکت, Ф8 да دبعمانکت шакллари ҳам мавжуд. Чоч вилоятининг ислом давридаги пойтахти, X асрда катта, ривожланган ва гуллаб-яшнаган шаҳар бўлган. Унинг номи Бикас (بيکات) шаклида ҳам қайд этилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24б; Худуд ал-Олам, 1970: 118]. Суғдча руп– «очмоқ» *bn*– «узун» ва *kaθ*– «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 96]. Абу Райҳон Берунийнинг маълумотига кўра, Бинкат шаҳри туркчада Тошканд (تاشکند), юнончада эса «Тош қалъа» деб аталган [Беруни, 1976: 471]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, Шош вилоятининг бош шаҳри Тошканднинг номи туркчада «Тош шаҳар» маъносини билдиради [Кошғарий, I: 414; III: 164]. Бинкат шаҳри қалъа ва шаҳристондан иборат бўлган ва тахминан 50 га майдонни эгаллаган. Ҳозир унинг фақат кичик бир қисми сақланиб қолган [Филанович: 78-90, 152-165]. Шаҳар арабларнинг фатҳ урушлари давомида вайрон этилган. IX асрда янги шаҳар Мингўриқдан 4,5 км шимоли-ғарбда қайта қурилиб, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, яъни Ҳамза (ҳозирги Зарқайнар) ва Навоий кўчалари, Чорсу майдони ва бозори, Эски Жўва ўрнидаги 15 га майдонда жойлашган [Массон, 1954: 110-111; Буряков, Касымов, Ростовцев: 44].

Бинкат ташқи рабади– шимол томонда, Себзор даҳаси ва Ҳазрати Имом мажмуаси, Бешёғоч даҳасининг бир қисми, ҳозирги Халқлар дўстлиги май-

дони, Олмазор мавзеси, Камолон қабристонни, Бешёғоч ва Самарқанд дарвоза кўчаларини ўз ичига олган [Филанович: 159-162].

Бинкатнинг ички рабади – шаҳарнинг ғарб томонида Кўкча даҳаси, Каллахона маҳалласи, Беруний кўчаси, Хиёбонтепа, Чигатой қабристонни ва Кайковус ариғи атрофларини ўз ичига олган [Буряков, 1975: 68; Филанович: 157-159].

Биринчи Буттам – қаранг: **Буттам ноҳияси**.

Бискама (بِسْكَام) – Истахрий матнларида – А10 да بِسْكَام, А11 да بِسْكَام, Ф1 да چِگَل, Ф8 да سَكَادو шакллари ҳам мавжуд. Ҳозир бу дарё Писком деб аталади. Унинг номи суғдча р̥š– «орқа» ўрта форс *kām*– «дара», «ариқ», «сой» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 187].

Бисканд (بِيسْكَند) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да سَكَند, А10 да بِسْكَند, А11 да سَكَند ва سِلكَند, А12 да سَكَندر, Ф2 да بِيكَند, Ф3 да بِيكَند, Ф7 да مَرَكْند, Ф8 да شِيكَند ва سِيكَند шакллари ҳам мавжуд. Исбижаб шаҳарларидан бири.

Бискат (بِسْكَت) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да بَسْلَف, А2 ва А11 да بَسْكَث, А3, Ф3 ва Ф8 да سَكَت, А8 ва А9 да بَسْكَف, А10 да بَسْكَк ва بَسْكَк, А12 да بَوَحْكَث, Ф1 ва Ф8 да بَسْكَث, Ф2 да بَشْكَسْت ва بَسْلَت, Ф4 да بَسْكَк ва بَسْلَب шакллари ҳам мавжуд. Ж. Крамерс танқидий матнида бу шаҳарчанинг номи Нужкат (نَوْجَكَث) шаклида келтирилган. Шу билан бирга Шошда ҳам шу номли шаҳар қайд этилган. Ж. Крамерс матнининг бошқа ерида Бискат (بِسْكَت) Барак дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлининг ғарбий томонида жойлашган шаҳарчалар қаторида қайд этилган, Нужкат эса у ерда тилга олинмаган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Шу ўринда (яъни Хумракдан кейин ва Кухисимдан олдин) Муқаддасий бу шаҳарча номини Сикат (سِيكَث) шаклида қайд этган [Муқаддасий: 265], Бухоро вилоятида ҳам шу номли қишлоқ қайд этилган [Муқаддасий: 267]. Бу шаҳарчанинг номи аслида Бискат бўлса керак. Птолемей харитасида Йаксарт (Сирдарё) дарёсининг чап ирмоғи Баскатис деб қайд этилган бўлиб [Табуле Географиче: VII], ўрта асрларда у Бискат деб аталган [Лурье, 2004: 90]. XVI аср ҳужжатларида Тошкент вилоятида Пскат (بِسْكَت) номли қишлоқ қайд этилган [СД: 360]. Шошдаги машҳур шаҳарча [Самъоний, 1980, II: 219]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тошкентдан 41 км жанубдаги ҳозирги Пскент қишлоғининг шарқий чеккасида жойлашган бўлиб, Пушти Маҳмуд (Боло Пушти) деб аталади [Массон, 1953: 64-66; Буряков, 1975: 170-173]. Бу ерда шу номли дарё ҳам бор.

Бо (بَاع) – тахминан 4 ёки 5 метрга тенг, 4 *зиро* (ذِرَاع) ёки тахминан 3 м га тенг узунлик ўлчови.

Боб (بَاب) – Истахрий матнларида – А4 да بَابان, Ф8 да بَاب шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да унинг номи Боб ёки Поб (بَاب) шаклида келтирилган. бу ерда Боб номли алоҳида шаҳар назарда тутилган. Бошқа манбаларга кўра, Боб шаҳри Турмуқондан 3 *фарсах* [Ибн Хордадбех, 1967: 30; Ку-

дама: 207] ёки ярим *фарсах*, Ахсикатдан эса 2 *барид* [Мукаддасий: 341] ёки 4 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Хордадбех, 1967: 30; Кудама: 207]. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Поп шаҳридан жануброқда Сирдарё бўйида жойлашган бўлиб, унинг ички ва ташқи қалъаси Баландтепа, ташқи шаҳар (рабад) эса Мунчоқтепа ва Айритом деб аталади. Археологик маълумотларга кўра, бу шаҳар милодий I-II асрларда вужудга келган [Матбабаев 1994: 59-63].

Боб Санжон (بابسنجان) – Истахрий матнларида – А3 да سحان, А8 ва سحان, Ф2 да شيخان, Ф3 ва Ф6 да شحان, Ф4 да شهان шакллари ҳам мавжуд. Самъонийга кўра, у Марвнинг Мадина дарвозасиякини да бўлган кишлок ва Дарсангон (در سنكان) деб аталган [Самъоний, 1980, VII: 161; Йақут, 1866, III: 160].

Бозор (سوق) – «бозор». Ўрта асрларда бозорлар шаҳарларнинг энг гавжум жойи бўлган ва одатда *шаҳристон*да (*мадина*), яъни ички шаҳарда жойлашган. X асрга келиб шаҳар маркази деярли барча шаҳарларда *рабад*га, яъни *ташқи шаҳар*га кўчиб ўтган эди.

Болин дарвозаси (باب بالين) – Истахрий матнларида – А9 да بالن, Ф1, Ф4 ва Ф6 да بر шакллари ҳам мавжуд. Бу Болин жой номи Лин деб ҳам аталган [Табари, 1987: 313, 321]. Самъонийга кўра, Олин (الين) ёки Лин (لين) Хорақон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган [Самъоний, 1980, I: 105].

Болойон (بالايان) – Истахрий матнларида – А2 да ايلق ва بالان, А3 да ايلق ва بالان, А4 да مالان, А8 ва А9 да بلق, А10 да بالان, А11 да با, А12 да بالان ва بالامан, Ф2 да بالامан, Ф3 да بالامان, Ф8 да الاماق ва بالامан шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да унинг номи Йолобон (بالايان) шаклида келган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24б; Худуд ал-Олам, 1970: 118]. Бу шаҳарча Бинкатдан 3 *фарсах* ва Тункатдан 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 2011: 522]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тўйтепадан шимоли-ғарбда Қорасув ариғининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Кулқоратепа деб аталади [Массон, 1953: 43; Буряков, 1975: 105-106].

Бомийон (الباميان) – Истахрий матнларида – А3 да بامار, А3, А8 ва А9 да الباميان, А3 ва А9 да بامان, А3, А8, А9 ва А10 да البامان, А4 да باميان, بسان ва باميان, А4 ва А10 да البامان ва да الباميان, А8 ва А10 да بامان, А10 ва А11 да البامان, А11 да باميان ва البامان, Ф6 да باميان шакллари ҳам мавжуд. Бомийон шаҳри Балхдан 10 *марҳала* ва Ғазнадан ҳам 10 *марҳала* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 454]. У тоғда жойлашган. Тохаристонга яқин шаҳарлардан бири бўлган [Йақубий, 1967: 58-59]. Шаҳар мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Кобулдан шимоли-шарқда, Ҳиндикуш тоғларида, асосий чўккидан шимолда жойлашган вилоят ва шаҳар. Ҳозирги пайтда Бомийон номи билан ўрта асрдаги Бомийондан ғарбда жойлашган, унчалик катта бўлмаган шаҳар номланади. Батафсил маълумот учун қаранг: Бартольд, 1965: 363-365; 1971: 50, 350, 470, шунингдек: Деххуда, III: 4299-4301.

Бораст ариғи(نهر بارست) –Гурдан Ҳиротга боришда мавжуд бўлган бу арик номининг Истахрий матнларида – А3 ва А8 да بارست, А9 да بارست, А10 да كراع, Ф4 да بار, Ф6 да برخوری шакллари ҳам мавжуд. МуқаддасийдаАрашт (ارشت) [Муқаддасий: 330] деб келтиради.

Борбад – Истахрий матнларида – А4 да بارند, А8 да الناريد шакллари ҳам мавжуд. Бу ерда Борбад (форс. باربد) – келиб чиқиши марвлик бўлган форс мусикачиси. У сосоний *шаҳоншоҳ* Хусрав II Парвиз (хукмронлиги 591-628 йй.) саройи беагаи деб ҳисобланган. Борбад Марвазий буюк бастакор, ашулачи ва уд мусика аспоби созандаси сифатида шуҳрат қозонган эди.

Борис, яъни **Катта Борис** – дастлаб Исмоил ибн Аҳмаднинг *ғуломи* ва унинг лашкарбошиси бўлган, кейин 290/902-05 йилда Журжон, Табаристон ва Рай ҳокими этиб тайинланган эди. 295/907-08 йилда Исмоил ибн Аҳмад вафот этганидан кейин Борис унинг ўғли Аҳмаддан қочиб 4 минг аскарлик кўшини билан Бағдодга келди. Аҳмад уни Рай шаҳригача таъкиб қилиб борди, кейин Бағдоддан келган кўрсатмага биноан, Хуросонга қайтди. Борис эса Дайр Рабаи вилоятига ҳоким этиб тайинланди [Ибн ал-Асир, VII: 207; VIII: 3; Надирадзе 1968: 166]. Наршахий уни Порс Байкандий деб қайд этган [Наршахий, 1966: 79]. Демак, унинг келиб чиқиши Бухоро вилоятида Хуросон йўлида жойлашган Байканд шаҳридан бўлган.

Бошқарув сарой (دارالامارة) – «хукмдор саройи», яъни, хукмдорнинг ва шаҳар бошқарув аъзоларининг қароргоҳи.

Будахкат (بدخكت) – Истахрий матнларида – А10 да بدحكك ва برحكك, А11 да بدحكك ва برحكك, А11 да بدحكك ва برحكك, Ф1 да بدخكت, Ф2 да احكك, Ф3 да احسيك, Ф8 да مدحكك шакллари ҳам мавжуд.Будахкат (بدخكت) [Ибн Ҳавқал, 1873: 390, 399], Будахкат (بدحكك– биринчи ҳарф нуктасиз) [Худуд ал-Олам, 1970: 118] ва Баружкат (بروجكك) [Муқаддасий: 341] деб ҳам келтирилган. Исфижабдан 9 *фарсах*, Шаробдан 5 *фарсах* масофада Тараз йўлида жойлашган шаҳарча [Ибн Хордадбех, 1967: 28]. Бу шаҳарчанинг номи қадимги туркий *balig*– «балик», «шаҳар» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [ДТС: 80; Байтанаев: 57-58]. Бу шаҳарча ҳозирги Сайрамдан 60 км шимоли-шарқдаги Қазатлиқ харобалари [Байпаков, 1977: 84] ёки Тараз йўлидаги Баликчи қишлоғининг ёнида жойлашган Тўрткўлтепа харобалари ўрнида жойлашган [Байтанаев: 53-56].

Бужайр дарвозаси (باب بجير) – Истахрий матнларида – А10 да بحر, А11 да بحس, Ф8 да قين мавжуд. Бу қадимги арабларда ишлатилган шахсий исм.

Бузжан (بوزجان) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да النوربحان, А3 да نورجان ва بوزجان, А4 да بوزجان ва بورحان, А8 ва А9 да بوزحان, А10 да بوزحان, النورحان ва بوزحان, А11 да النوزجان ва بورحان, Ф1 да بوزگان, Ф2 да بوژگان, Ф4 да بوزكان, Ф6 да سوركان шакллари ҳам мавжуд. Нишопур ва Ҳирот орасидаги шаҳарча. “Худуд ал-Олам”да Бузагон (بوزكان) деб келтирилан [Худуд ал-‘А-лем: 196].

Бузмажаз (بوزماجن) – Ибн Ҳавқалда Бузможан (بوزماجن) [Ибн Ҳавқал, 2011: 67]. XII асрда Самарқанд вилоятидаги Бузмоҳар (بوزماخر) туманининг худудида Зарқарон (زرقران) номли қишлоқ бўлган [Самъоний, 1980, VI: 269]. Бу қишлоқ XVI аср ҳужжатларида ҳам қайд этилган бўлиб, ҳозирги вақтда Каттақўрғондан шимолда жойлашган эски қабристон шу ном билан аталади [СД: 32, 180, 391].

Бузмажаз ариғи(نهر بوزماجن) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да بورماحر, A2, A3, A8 ва A9 да بون ماحر, A11 да بورماحر, A12 да بور ماجنى ва بوهاجر, Ф2 ва Ф7 да مورماجن, Ф4 да مور ماجن. Ф7 да بورماخر шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Наҳр Бузможан (نهر بوزماجن) [Ибн Ҳавқал, 2011: 58]. Самарқанд вилоятида шу номли рустоқ ҳам қайд этилган.

Бумижкат – қаранг: **Нумижкат**.

Бунжикат (بنجيكث) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да نحيكت, A11 да بوحكت, Ф2 ва Ф3 да بحيكث, Ф4 да بوحكت, Ф8 да بيحكث, ва يحكت шакллари ҳам мавжуд. Бухоро дарёси, яъни Зарафшон бўйидаги шаҳар [Худуд ал-Олам, 1970: 113]. Бу шаҳар Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатларида *рпсуκпδη* шаклида [Смирнова, 1961: 221], XVI аср ҳужжатларида Панжикат (بنجيكث) шаклида қайд этилган [СД: 397]. Ҳозир ҳам бу шаҳар Панжикент деб аталади [Лурье, 2004: 91]. Илк ўрта асрларда бу ерда йирик шаҳар бўлиб, унинг харобалари катта майдонни эгаллаган. Археологлар бу ерда деворларига рангли суратлар чизилган катта ибодатхона, ҳашаматли қасрлар ва маҳаллаларнинг қолдиқларини қовлаб топганлар [Живопись, 1954].

Бунжикат (بونجكت) – Истахрий матнларида – A3 да بوححكث, A4 да بوححكث, A8 ва A9 да بوحكث, A10 да محلب ва سولب, A11 да محكث, بحاكث, بوححكث ва بوحكث, A12 да بومحكث, Ф1 да بومجكت, Ф2 да بومحك, Ф3 да برمحكث, Ф4 ва Ф7 да بومحكث, Ф8 да لوتحكث шакллари ҳам мавжуд. Ж.Краммерс матнида бу ном Бумижкат (بومجكت) шаклида берилган [Ибн Ҳавқал, 1967: 503], лекин бу – Бухоронинг эски номидир. М. де Гуйе танқидий матнида – Бунжикат (بونجكت) [Ибн Ҳавқал, 1873: 379] ва Бунжикат (بنجكت) [Муқаддасий: 49]. Бунжикат номи суғдча βwnh– «тешик» сўзи ва -с суффиксидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 96]. X асрда бу шаҳарда Ушрусана амирининг қароргоҳи бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 115]. Бу шаҳар ҳозирги Ўратепа ўрнида жойлашган бўлиши мумкин [Беленицкий, Бентович, Большаков: 191]. Бошқа фикрга кўра, у Ўратепа дарёси ҳавзасидаги Шаҳристон қишлоғи ва унинг атрофларида жойлашган бўлиб, 3 қисмдан иборат, унинг харобалари Қалъаи Қаҳқаҳа деб аталади. *Кўхандиз* Қалъаи Қаҳқаҳа II, *шаҳристон* Қалъаи Қаҳқаҳа I, рабад эса Шаҳристон қишлоғининг ўзидаги харобалар ўрнида жойлашган [Негматов, 1957: 30-31, 84; Негматов, Хмельницкий: 191-196].

Бураб (بوراب) – Истахрий матнларида – A2, A3 ва A9 да بوران, A2 ва A3 да بوراب, A4 да حوراب, A4, A8 ва A11 да بوراب ва بورات, A12 да بوراث, Ф1, Ф2 ва Ф4

دا كوراب, Ф7 да كوراست шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасийга кўра, бу кишлоқ Сағанийон бош шаҳридан 2 *барид* масофада жойлашган [Муқаддасий: 344]. «Худуд ал-Олам»да унинг номи Навжон (نوژان) шаклида қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 114]. IX асрда Сағанийондан 3 ёки 6 *фарсах* масофада Бундо (بوندا) номли кишлоқ қайд этилган [Ибн Хордадбех, 1967: 34; Қудам: 211]. Бизнингча, бу уччала ер, яъни بوراب, نوژان ва بوندا номларининг тўғри ўқилиши Наванд (نوند) ёки Навандак (نوندك) бўлиши керак, чунки бу шаҳарнинг номи XV асрда Навандак (نوندك) шаклида қайд этилган [Бабур-наме: 97, 308]. Бу шаҳарчининг харобалари ҳозирги Узун шаҳридан 3 км шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, Кофирқалъа ёки Новандактепа деб аталади. Унда ҳаёт илк ўрта асрлардан XVIII асрга қадар давом этган [Ртвеладзе, 1978: 117]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд, 1963: 124; Камалиддинов, 1996: 152.

Бурнамаз – Истахрий матнларида – A2 ва A8 да فرمد, A3 да بورميد, A8 ва A9 да قورعد, A10 да مويمرد, A11 да فورمد ва فورحد, A12 да فرونمد, Ф2 ва Ф3 да مرزندم, Ф4 да مزعه ва مورغد, Ф7 да قورغد шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Фурнамад (فورنمد) [Ибн Ҳавқал, 2011: 63]. «Ф» ва «Б» ҳарфларининг алмашувига қараганда) бу рустокнинг асл номи Пурнамад бўлса керак. Самарқанддан 2 *фарсах* масофада Ушрусана томонда Бурнамаз (بورنمد) номли кишлоқ ва туман (عمل) жойлашган [Самъоний, 1980, II: 328; V: 33]. Бу русток ҳозирги Жиззахдан жануби-шарқда оқиб ўтувчи Равотсой ҳавзасида жойлашган. Бу ердаги энг катта кишлоқ Паймарт деб аталади. Эҳтимол унинг номи қадимги Бурнамад номининг бузилган шаклидир [Грицина, 2000: 149-152]. Бу рустокда оқар сув бўлмаган, унинг аҳолиси фақат ёмғир суви ва булоқлардан фойдаланган [Негматов, 1957: 40, 85].

Буттам ноҳияси (بتم) – Истахрий матнларида – A10 да البض, A11 да النتم, Ф1 ва Ф4 да غرجستان, Ф2 ва Ф3 да تيم, Ф8 да دى шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»га кўра, Буттамон тоғли мамлакат Ички, Ўрта ва Ташқи қисмлардан иборат бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 115]. Бу ерда Ўратепа тоғ усти текислиги ва Панж дарёси орасида жойлашган Ҳисор, Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмалари назарда тутилган. Ички Буттамга Магчо ва Яғноб, Ўрта Буттамга Фалғар, Ташқи Буттамга эса Кштут ва Магиан туманлари ва уларга туташ бўлган Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидаги ерлар кирган [Массон, 1934: 47].

Бухоро (بخارا) – бу ном тарихий манбаларда бир хил ўқиладиган икки хил ёзилишга эга (بخارى ва بخارا). Шундай бўлса ҳам, Истахрий матнларида – A3, A8 ва A9 да بخارا, A4 да بحارا, A10 да بخازا ва النحر, A11 да بحرا, Ф1 да فاراب шакллари ҳам мавжуд.

Бухоро дарвозаси (باب بخارا) – бу дарвоза Самарқанд шаҳрининг шимоли-ғарбий томонига қараган. Боб Усрушана (باباسروشنه) – «Ушрусана дарвозаси» деб ҳам аталган.

Бухоро дарвозаси (باب بخارا) – Исбижаб шахристонидаги дарвозалардан бири.

Бухоро ноҳиялари (نواحي بخارا) – Бухоро ноҳиялари, яъни унинг рустоқлари ёки туманлари. Истахрийнинг форсча Ф6 матнида كمااما хато берилган.

Бухоро ташқи девори– Наршахийнинг маълумотида кўра, Бухорони атрофларидаги қишлоқлари билан ўраб турган ташқи девор Дивори Канпирак деб аталган. Бу девор Хуросон амири Абул Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон ат-Тусий (166/783 – 170/787 йилларда хукмронлик қилган) даврида қурилган. Исломдан олдин ҳам Суғдда кўчманчи туркларга қарши қурилган шундай девор бўлган [Наршахий, 1966: 36]. Бошқа маълумотга кўра, Абул Аббос ат-Тусий мавжуд бўлган мудофаа деворини буздирган, халифа Махдий даврида эса у қайта такланган [Масъудий, 1967: 65]. Бу девор узлуксиз бўлиб, унинг ҳар ярим мил масофасида биттадан минора қурилган. Бухоро вилоятидаги ҳамма қишлоқлар ва работлар шу девор ичида бўлган [Наршахий, 1966: 36; Ҳудуд ал-Олам, 1970: 112]. Лекин бу деворнинг ташқарисида ҳам баъзи қишлоқлар бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 489]. Ҳозирги вақтда Бухоро деворининг шарқий қисмида Хазора ва Даргиз қишлоқлари орасида, шунингдек жанубда ҳам бу деворнинг айрим ерларда сақланиб қолган қолдиқлари Кампирдевор деб аталади. Ўрта Осиёнинг ҳозирги топонимиясида Канпир/Кампир сўзи кенг тарқалган бўлиб, кўп жой номлари таркибида учрайди. Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган қадимги шаҳар харобалари Кампиртепа деб аталади. Фарғона водийсида Қорадарё бўйида Кампирравот номли жой бор. Канпир/Кампир сўзи суғдча *kans*– «шаҳар», «қишлоқ» ва *rug* -«эски» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Нафасов: 89].

Бушанж (بوشنج) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да فرشنج, А3 да ببسح, ببسح, بوسنج, بوشنج, بوسنج, سسح, А4 да بوشسج, А8 да بوسنج, سسح, ва ببسح, ببسح, بوسنج, بوشنج, بوسنج, بوشنج, بوشنج, А9 да سنح ва سسح, А9 ва А10 да بوشسح, А11 да بوسسح ва بوشسح, Ф1 да بوشسنگ ва بوشسنگ, Ф6 да بوشسك, بوشسناك, رشسناك, Ф8 да بوشسنج шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Бусандж (بوسنج) [Ибн Ҳавқал, 1967: 453], бошқа араб тилидаги манбаларнинг кўпчилигида Фушандж (فوشنج) [Ибн Руста, 1967: 105, 172, 173; Самъоний, 1980, II: 332-333; IX: 346; Йақут, 1866, I: 758-759; IV: 923] деб келтирилган. Форс тилидаги манбаларда Бушанк (بوشسناك) ёки Пушанг (پوشسنگ) [Худуд ал-‘Алем, 1930: 66, 196; Байхаки: 116, 212, 285, 445, 450]. Ҳарируд дарёсининг водийсида, 7, 8 ёки 10 *фарсах* ва Ҳиротдан Нишопур йўлида 1 *марҳала* масофада жойлашган қадимий шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 453, 457].

Бушт (بشت) – Базғис шаҳарларидан бўлган бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А3 да بسب ва بست, А8 ва А9 да بست, А9 ва А10 да بسب, А10 да بسب, Ф2 ва Ф8 да بست, Ф3 да بست, Ф6 да بست шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Буст (بست) [Ибн Хаукал, 2018: 25].

Бух (بوہ) – Истахрий матнларида – A9 да فرا ва A9 да برا, A10 да فوه, A11 да هـ шакллари ҳам мавжуд. Асарда фақат шу номли ариқ қайд этилган, лекин Хоразмда шу номли шаҳар ёки қишлоқ ҳам бўлиши керак.

Вадак (وداك) – Истахрий матнларида – A8 ва A9 да ودان, A10 да دلك, A11 да ذاك, وادل ва وادل шакллари ҳам мавжуд. Асарда фақат шу номли ариқ қайд этилган, лекин Хоразмда шу номли шаҳар ёки қишлоқ ҳам бўлиши керак.

Вазкард (وذكرد) – Истахрийнинг A5, Ф2 ва Ф3 матнларида زرکرد шакли мавжуд. Ибн Ҳавқалда Вазкарда (وذكرد) дейилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 62]. Бу номнинг биринчи қисми *weh*– «энг яхши» ва *-azd*– «машҳур», иккинчи қисми *kart/kirt/jird*– «яратди» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 177-178]. Бу қишлоқ ҳозирги Ургут яқинидаги Қинғир қишлоғи ўрнида бўлган [Бартольд, 1963: 145]. Бу ном матнда айни пайтда ибодатхона номи сифатида ҳам қайд этилган.

Ванкат (وانكت) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да وانكت, A3 да نكت, A2, A3, A8 ва A9 да ونكت, A11 да ريكث, A8 ва A9 да افسد, A10 да وانك, A11 да مانكث, Ф1 да راشث, Ф8 да الراسث, رائكث, رائكث ва وايكث шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Воткат (وائكث) [Худуд ал-Олам, 1970: 116] шаклида ҳам келтирилган. Бу шаҳарнинг номи суғдча β'n– «нур», w't– «шамол» ёки wn'– «дарахт» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 100-101]. Ҳозирги Қирғизистон ҳудудидаги Баткент шаҳрининг номи ҳам шу ўзаклар билан боғлиқ. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Қўқон шаҳридан шимоли-ғарбда Сух водийсидаги Хўжа Туроб қишлоғининг қабристонини ёнида жойлашган бўлиши мумкин [Горбунова: 87].

Варағ (الورغ) – Истахрий матнларида – A10 да الوزع, A11 да ورع, A12 да وزغ шакллари ҳам мавжуд. Бухородаги бу жой номи суғдча *βary*– «тўғон» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 138].

Варағсар (ورغسر) – Самарқанд вилоятидаги бу қишлоқ номининг Истахрий матнларида – A2 ва A3 да ورغسر, A3 да ورغشر, A11 да ورعش, ورعس ва ورعسر шакллари ҳам мавжуд. Бу ер дарё сувининг ариқларга тақсимланиш жойи (قسمتگاه اب) бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 113]. Бу номнинг арабча таржимаси: Раъс ас-сакр (راس السكر) ёки Раъс ас-садд (راس الصدد). Бу қишлоқ Дарғам ариғининг бошида Работхўжа қишлоғи ўрнида жойлашган [Бартольд, 1963: 133].

Варволиз (ورواليز) – Истахрий матнларида – A2 да ورواكير, A3 да ورواكر ва ورواكير, A4 да وروايبس ва وروالى, A4 ва A10 да ورائس, A8 ва A9 да درواكر, A10 да وروالين, A11 да وروالبر, وروالبر ва وروالين, Ф2 ва Ф3 да وروالين, Ф3 да زوالين, Ф4 ва Ф6 да وروالين, Ф6 да زوالين ва وروالين шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи манбаларда яна Валволиж (ولوالج) [Йақубий, 1967: 58; Самъоний, 1980, III: 235], Вазволин (وزوالين) [Йақут, 1866, IV: 926], шунингдек Волиж (والج) [Ибн ал-Факих, 1967: 322] ёки Волиж (الوالجة) [Йақут, 1866, IV: 894] деб келтирилади. Балхдан 6 марҳала, Хулмдан 2 марҳала ва Толақондан 2 марҳала масофада жойлашган

шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457; Муқаддасий: 346]. Бу шаҳарда зарб қилинган сомониёлар тангаларида унинг номи Валволин (ولوالين) шаклида келган [Замбаур: 271]. В.В. Бартольд Варволизни Оқсарой дарёси унга ариқларнинг қуйиладиган водийсига жойлаштирган [Бартольд, 1971: 51].

Вардана (وردانه) – Истахрийнинг Ф1 матнида ورکانه шакли ҳам мавжуд. Бу ном қадимги эроний *vart* «тош» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 244]. Унинг харобалари Шофиркон туманидаги Хўжа Гулом тепа қишлоғи ёнида жойлашган. Унинг яқинидаги қишлоқ ҳозир ҳам Қўрғони Варданзе деб аталади.

Вардук (وردوک) – Истахрий матнларида – А4 да دروزک, А10 да وردوک, А11 да وردوک ва وردوک, А12 ва Ф4 да وردوک, Ф2 да درودک, Ф7 да وردل, Ф8 да درودل шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарчининг номи Вардук (وردک) [Муқаддасий: 264] ва Варзул (وردول) шаклларида ҳам қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Унинг келиб чиқиши ўрта форс *wardūk* (وردوک) – «усти шохлар ва сомон билан ёпилган ёзги уй» ёки қад. эрон. *warta*- «ўралган, ҳимояланган» сўзлари билан боғлиқ [Лурье, 2004: 23, 60]. Турк дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлидан шарқ томонда Жабузан ёнида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Бу шаҳар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Пском дарёсининг чап қирғоғида Шохжувор қишлоғи ёнида жойлашган Шохжувортепа харобалари ўрнида бўлиши мумкин [Богомолов: 56-57].

Варка (ورکه) – Истахрийнинг А11 матнида ورکر шакли мавжуд. Бухородан 2 *фарсах* масофада жойлашган қишлоқ [Самъоний, 1980, XIII: 319].

Варка тоғи (جبل ورکه) – Бухоро шаҳрига энг яқин жойлашган тоғ Навоий яқинидаги тоғлар бўлиб, улар Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбга давом этган ёнбағирларидир. X асрда Навоий шаҳрининг ўрнида жойлашган шаҳар Кармана деб аталган.

Варсанин дарвозаси (باب ورسنين) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да ورستن, А11 да ورسندن, Ф2 ва Ф3 да روسين, Ф2 ва Ф3 да ورسين, Ф8 да طوف шакллари ҳам мавжуд. Варсанин дарвозаси, рабад деворининг шарқий қисмида жойлашган. Бу дарвоза орқали Варсанин номли қишлоқ йўлига чиқилган. Бу қишлоқ Варсанон (ورسانان) ёки Йоркас (يارکث) деб ҳам аталган [Насафий: 193 (№ 320); Самъоний, 1980, XIII: 313-314, 469].

Васиж (وسيج) – Истахрий матнларида – А2, А8, А9, А12 ва Ф2 да وسخ, А3 ва Ф4 да وسح, А10 ва Ф3 да وسح, А11 да وشح ووسح, Ф2 да وسح, Ф8 да هيج ва وسنج шакллари ҳам мавжуд. Бараб вилоятидаги шаҳарча. Сирдарёнинг ғарбий қирғоғида Кадардан 2 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 510, 524]. XIII асрдан кейин бу шаҳарнинг номи Зарнук бўлиб ўзгарган [Акишев, Байпаков, Ерзакович: 22]. Унинг харобалари Ўтрордан 20 км шимоли-ғарбдаги Оқжар дарасида Сирдарё бўйида жойлашган бўлиб, Оксус деб аталади [Байпаков, 1977: 86].

Ваххан (وخان) – Истахрий матнларида – A2, A8 ва A9 да فرحان, A3 да فرحان, A3, A8, A9 ва A11 да وحن, A4 да رحان, A4, Ф3 ва Ф8 да وجان, A8 ва A9 да ورخان, A10 да وچار ва رحان, A10 ва A11 да وحن, A11 да ردانФ2 ва Ф3 да وخشاب, Ф8 да وغان шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг юқори оқими, Вахондарё водийси, Тибет ва Ҳиндистон чегарасидаги тоғли ўлка. Ўлка ўз вақтида вахи ёки вахис халқлари томонидан ўзлаштирилган. Бугунги кунда Панж дарёсининг юқори оқимидан унинг Помир дарёси билан қўшилгунича бўлган ўлка Вахон номини олган. Бу ҳудуд Афғонистонга қарашли.

Ваххан дарёси (نهر وхан) – Ибн Руста маълумотида кўра, Жайхун дарёси (Ваххандарё) Тибетдан бошланиб, ўнг томондаги бир дарё билан қўшилганидан кейин Ваххоб (وخاب) деб аталган [Ибн Руста, 1967: 91]. Бу дарё Анқор (انقار) ёки Алғор (الغار) деб ҳам аталган [Масъудий, 1884, I: 141-142]. Қадимда Ваххан (Ваххоб) номи Вахондарёнинг Помир билан қўшилишидан ҳосил бўлган Панж дарёсига нисбатан ҳам ишлатилган [Стеблин-Каменский 1978: 73].

Вахш (الوخش) – Истахрий матнларида – A3, A8 ва A9 да الوحش, A4 ва A10 да الوحس шакллари ҳам мавжуд. Амударёга ўнг томонидан қуйилиш ерида, Вахшоб дарёси водийсида жойлашган шаҳар [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 120]. У ҳақида қаранг: Бартольд, 1965: 157, 158, 320, 556; 1971: 259, шунингдек: Камалиддинов, 1996: 211-222; Деҳхуда, XIV: 20459.

Вахш (الوخش) – Истахрий матнларида – A4, A5 ва A12 да ختل, A10 да الختل, A11 да الجبل шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг юқори оқимидаги Вахш (Вахшоб) дарёсининг ҳавзасида жойлашган тоғли ўлка [Байхаки: 682, 850, 865; Идрисий, 1974: 487; Ўақут, 1866, IV: 909]. XV асрда бу шаҳар Қалъаи Вахш (قلعه وخش), унга қарашли вилоят эса Вахшивор (وخشوار) деб аталган. Вахш тарихий вилояти Вахш дарёси ҳавзасидаги Қўрғонтепа текислигида жойлашган [Бартольд, 1963: 119; 1971: 259].

Вахшоб (وخشاب) – Истахрий матнларида – A2 да وحواسار ва وخشنا, A3 да وخشنا, A3, A9 ва A11 да وحساب, A8 да رحساب ва وحساب, A8 ва A9 да وخشنا, A10 да وحشاب ва وخشاب, A11 да رحساب ва وحساب шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг юқори оқимидаги Вахш дарёси. «Ҳудуд ал-Олам»га кўра, Вахшоб дарёси Вахш тоғларидан бошланиб, Вахш ёнида Жайхун дарёсига қуйилади [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 71]. Ибн Руста маълумотида кўра, Вахшоб дарёси харлухлар мамлакатидан бошланиб, Фомир, Рошт ва Кумед вилоятларидан оқиб ўтган, сўнгра Вашжирд ва Тамлийат чегарасидаги икки тоғ орасидан ўтган [Ибн Руста, 1967: 92]. Бу дарё Олой водийсидан оқиб чиқиб, юқори оқимида Сурхоб ёки Қизилдарё, қуйи оқимида эса Вахш деб аталади.

Вашжирд (الواشجرد) – Истахрий матнларида – A2 да واسجرد, A2 ва A3 да واشجرد ва واشنجرد, A8 ва A9 да اسجرد, A10 да واشجرد ва واشجرد, A10 ва A11 да واشجرد, A11 да واشجرد, Ф1, Ф2, Ф3 ва Ф4 да ويشکرد, Ф8 да واشجرد шакллари ҳам

мавжуд. Манбаларда унинг номи Висагирд (ويسه كرد) [Фирдоуси, V: 29, 62, 98], Вайшажирд (ويشجرد) ва Вишкирд (ويشکرد) (Ибн Хордадбех, 1967: 179), Вайшагирт (ويشکرت) ва Бишжирд (بيشجرد) шаклларида ҳам қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 115, 120]. Муғ тоғидан топилган суғд ҳужжатларида унинг номи *w'skrδ* шаклида қайд этилган [СДГМ, 1962: 124; Смирнова, 1961: 221]. Бу ном «Авеста»да *Vaeakögəta* қайд этилган бўлиб, у бохтар. *iuš-* «ўт», «ўтлок» ва қадимги эроний *-krta* – «яратган» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 178]. Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида Шуман билан Рошт ўртасида жойлашган шаҳар. Вашжирд Шумандан 2 кунлик йўл [Ибн Ҳавқал, 1967: 519], Роштан 4 кунлик йўл масофада тоғлар орасида жойлашган шаҳар [Ибн Хордадбех, 1967: 34; Қудам: 212]. Вашжирд шаҳрининг харобалари ҳозирги Файзобод яқинидаги Сари Мозор қишлоғи ёнида Илақ дарёсининг бўйида жойлашган бўлиб, Калъаи Сангин ёки Талли Возжур деб аталади [Беленицкий, Бентович, Большаков: 180-181].

Вақф (وقف) – ўрта асрларда давлат ва айрим кишилар (ер эгалари, савдогарлар) масжид ва мадрасаларга хайрия сифатида мол-мулк (даромад келтирувчи ерлар, дўконлар ва ҳ.к.) ажратганлар. Бу вақфлардан тушган даромад диний муассасалар ва уларда хизмат қиладиганларнинг эҳтиёжи учун сарфланган. Шаҳарлардаги суғориш тизимини таъмирлаб туриш ва уни тартибда сақлаш учун ҳам махсус вақф ерлари ажратилган.

Вағкат (وغکت) – Истахрий матнларида – А10 да *فَعَك*, А11 да *بعکت* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда бу шаҳарнинг номи Фағкат (*فَعَكْت*) келган. Уни қадимги юнон манбаларидаги *βαγα* шаҳрининг номи билан солиштириш мумкин. Бу ном суғдча *βγ-* «худо» ва *kaθ-* «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 90]. Бу шаҳар Ўратепадан Хўжандга олиб борувчи йўлда жойлашган бўлиб, ҳозир унинг ўрнидаги қишлоқ Вағат деб аталади. Унга қарашли русток Босмандисойнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзасида жойлашган [Негматов, 1957: 43, 84; Беленицкий, Бентович, Большаков: 190].

Виза (ويزه) – Бухоро – Хоразм йўлидаги бу жой Истахрий матнларида – А11 да *ويره*, Ф8 да *ديره* шаклида келган. У ҳақида яна қаранг: Бартольд, 1963: 197.

Визар (ويذار) – бу русток ва шаҳар номининг Истахрий матнларида – А11 да *وران* ва *والمند*, Ф2 ва Ф3 да *ودان* ва *ودار* шакллари ҳам мавжуд. Самарқанд вилоятидаги қишлоқ Вазар (*وذار*) ҳам шундай аталган. [Самъоний, 1912, XIII: 294; Муқаддасий: 266].

Винкард (وينکرد) – Истахрий матнларида – А2 да *ننکبرد*, А2 ва А11 да *ويسکرد*, А3 да *وسکدد* ва *وسکبرد*, А4 да *ريسکرد* ва *ويشکرد*, А8 да *ويسلرد*, А10 да *مکر* ва *وقتکرد*, А11 ва Ф2 да *هکرد*, А12 да *دسکدد* ва *وينکود*, Ф1 да *وينگرد*, Ф2 ва Ф3 да *بيکر*, Ф3 да *فيکرد*, Ф2 ва Ф3 да *گنبد*, Ф8 да *ديگر* ва *ديلرد* шакллари ҳам мавжуд. Бу қишлоқ Шош ва Илақ шаҳарларининг умумий рўйхатида ва улар орасидаги масофалар бўлимида қайд этилмаган [Ибн Ҳавқал, 1967: 507, 522-524].

Унинг номи ўрта форс *wēt*– «қоя», «тош» ёки хоразмий *wunuk*– «сардоба» ва ўрта форс *-kird, -kard*– «яратди» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 177 178]. У Ушрусанадаги Дизак шаҳридан Бинкат йўлида, Устуркатга етмасдан ерда жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 516]. Винкард қишлоғи Сирдарёдан жанубдаги чўлнинг шимоли-шарқий қисмида Ўрумбой дарасида жойлашган [Бартольд, 1963: 227].

Водий (وادی) – яъни дарё.

Дабусийа (الدبوسية) – Истахрий матнларида – A2, A3 ва A8 да *دسوييه*, A10 да *الدبوسه*, A11 да *الدبوسه*, Ф1 ва Ф8 да *دبوسى* шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарнинг харобалари Зиёвуддин қишлоғидан шарқда жойлашган бўлиб, Қалъаи Дабус деб аталади [Бартольд, 1963: 147].

Даза (دزه) – Марваруздаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – A2, A3, A8, A9, A10 ва A11 да *دزه*, Ф8 да *دزه* шакллари ҳам мавжуд. Катта ва чиройли шаҳар. Уни дарё кесиб ўтган, жоме масжиди бозорлари орасида бўлган [Муқаддасий: 314].

Дайлам (الديلم) – Истахрий матнларидан Ф1 да *ديلمان* шакли ҳам мавжуд. Дайламон (ديلمان) вилоятининг арабча номидир. Гилан (Жилон) вилоятининг тоғли қисмида, Каспий денгизининг жануби-ғарбий соҳилларида жойлашган вилоят номи.

Дамғон (دامغان) – Хуросондаги бу жой номи Истахрий матнларида – A4 да *دامغان*, Ф6 да *وامغان* шакллари ҳам мавжуд.

Дамашқ (دمشق) – бугунги Сурия республикасининг пойтахти, тарихий шаҳар.

Данданақан (الدندانقان) – Истахрий матнларида – A2 да *الزندانقان*, A2 ва A3 да *الدندانقان*, A3 да *السوسقان*, A4 да *الدندانقان*, A8 да *الدندانقان*, A8 ва A9 да *الزندانقان*, A9 да *الدندانقانى*, A10 да *الزندانقان* ва *الدندانقان*, A11 да *الدندانقان*, Ф3 да *دندانقان*, Ф6 да *دندانقان* ва *دندانقان*, Ф8 да *دندان نوقان* шакллари ҳам мавжуд. Марвдан Сарахс йўлида, 2 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 456]. Ёқут маълумотига кўра, шаҳар 553/1158 йилда *гузлар* томонидан вайрон қилинган. Данданақан Мардан жануби-ғарбда 33 км, Эски Марвдан 65 км масофада жойлашган Тош Работ шаҳарча ҳисобланади [Жуковский: 31, 38].

Данфағанкат (دنفغانكث) – Истахрий матнларида – A3 да *دنفغانكث* ва *دنفغانكث*, A4 да *دنفغانكث*, A8 да *دنفغانكث*, A9 да *دنفغانكث*, A10 да *دنفغانكث* ва *دنفغانكث*, A11 да *دنفغانكث*, A12 да *دنفغانكث* ва *دنفغانكث*, Ф1 ва Ф7 да *دنفغانكث*, Ф2 да *دنفغانكث*, Ф3 да *دنفغانكث* ва *دنفغانكث*, Ф4 да *دنفغانكث*, Ф8 да *دنفغانكث* шакллари ҳам мавжуд. Харашкатдан 6 *фарсах*, Бинкатдан 3 *фарсах* масофада жойлашган шаҳарча [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Унинг номи суғдча *din βαγν καθ*– «имон ибодатхонаси шаҳри» [Смирнова, 1971: 102] ёки *δп βγ'п κпδh*– «худолар шаҳри» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 96]. Агар бу шаҳарчининг номи Данмуғонкат (*دنفغانكث*) бўлса, бу ном «муғлар шаҳри» маъносини англатади. «Худуд ал-

Олам»да унинг номи Д.н.м.ъон кат (دئمعانكث) шаклида қайд этилган (иккинчи ҳарфнинг нуқтаси қўйилмаган). Бу шаҳарча ҳозирги Янгийўл шаҳридан 4 км шарқда, Ниёзбоши қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Йўғонтепа деб аталади [Буряков, 1975: 52-55].

Дар Сағрбаз дарвозаси (در ثغريباد) – Бинкатдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – A10 да الرديحارا, A11 да در عريباد, Ф1 да بافريباد, Ф2 ва Ф3 да بعريباد, Ф8 да لعرماد шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Дарби Фарйад келган (باب دريفرياد) [Ибн Ҳавқал, 2011: 74].

Дар Ҳамдуна (دار حمدونه) – Бухоро рабадидаги бу ариқ номининг Истахрийнинг A10 матнида دار حمدونه шакли ҳам мавжуд. Ҳамдуна исми бир одамнинг уйи ёки қасри. Матнда шу одамнинг исми билан аталган кўприк ҳам қайд этилган. X асрда Бухорода Абу Мухаммад Ҳамдун ибн Амр ал-Бухорий ал-Бирмасий исми хуросонлик бир ҳадисшунос олим яшаган [Самъоний, 1980, II: 361].

Дара (دره) – Ҳирот маъмурий бирлигининг охири бўлган бу жой номи Истахрий матнларида – A10 ва Ф1 да دره, Ф6 да دره шакллари ҳам мавжуд.

Дарбанд (دربند) – бу ернинг номи форсий дара (دره) – «дара» ёки дар (در) – «дарвоза» ва банд (بند) – «банд» сўзларидан ясалган бўлиб, «дарани тўсиб турган тўсиқ ёки дарвоза» деган маънони билдиради [Нафасов: 58]. Илк ўрта асрларда Суғд ва Бактрия-Тохаристон чегарасида жойлашган Боб ал-Ҳадид (Темир дарвоза) мудофаа истехкомлари тизими ҳам Дарбанд деб аталган [Ртвеладзе, 1986: 34-38]. Эҳтимол, бу ердаги Дарбанд қишлоғида ҳам ўрта асрларда ҳудди шундай чегара иншоотлари бўлиб, Рошт қалъаси билан бирга ягона мудофаа истехкомлари тизимини ташкил этгандир. Дарбанд қишлоғи ҳозирги Обигарм ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Бартольд, 1963: 121]. Охириги маълумотларга кўра, унинг харобалари ҳозирги Роғун сув омборининг остида қолган бўлиб, илгари Қалъаи Имлоқ деб аталган. Археологик маълумотларга кўра, бу ерда ҳаёт VII – VIII асрлардан XIII аср бошларига қадар давом этган [Якубов: 374]. XIX асрда Панж дарёси водийсидаги Рушан ва Шуғнон ўртасида баланд қоя устида ҳам шунга ўхшаш чегара истехкоми жойлашган бўлиб, «Дарбанд буржи» деб аталган [Минаев: 49].

Дарвозажа (دروازجه) – Нумижкатдаги бу бозор борасида қўшимча маълумот аниқланмади.

Дарвозажа дарвозаси (باب دروازجه) – бу дарвоза кичик ва тор, фақат пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган бўлса керак. Карвонлар эса шаҳарга бошқа каттароқ дарвозалардан кирган. Истахрий матнларида – A10 ва A11 да دروارجه, A12 да حدفارجه, Ф2 ва Ф3 да رحبه, Ф8 да درواجه шакллари ҳам мавжуд.

Даржаш (درجاش) – Истахрий матнларида – A2 да درجاش, A4 да درجاس, A11 да در حاسن ва درحاس, Ф2 да جاش, Ф3 да خاس, Ф4 да درخاس, Ф8 да حواس

шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Дархош (درخاش) деб келтирилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 87]. Кат шаҳри Кат Дархош (کات درخاش) номи билан машҳур бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 478]. Лекин бу маълумотдан аён бўладики, Дархош (درخاش) алоҳида шаҳар бўлган.

Дарзанжий (دارزنجی) – Истахрий матнларида – A11 да دارریحی, Ф1 да دارزنجی, Ф2 да دادزنجی, Ф8 да وازرنجی шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Дорзанж (دارزنج) [Самъоний, 1980, V: 244; Йақут, 1866, II: 520], Дорзанко (دارزنکا) [Йақубий, 1967: 289] ва Дорзанки (دارزنکی) деб ҳам қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 114]. У Жайхун дарёси бўйига яқин жойлашган чиройли шаҳарча [Муқаддасий: 283-284]. Бу шаҳарчининг харобалари Термиздан 62 км масофада Қумқўрғондан ғарбда Бандихонсой (Кўкжар) нинг Сурхондарёга қуйилиш еридаги Жалоир қишлоғи ёнида жойлашган [Бартольд, 1963: 124].

Дарий (الدريّة) – дарий тили, яъни янги форс тилининг Ўрта Осиёда араб алифбоси асосида шаклланган адабий шакли.

Дармашкон дарвозаси (باب دارمشکان) – Марвдаги бу дарвозасининг Истахрий матнларида – A2, A3, A8 ва A9 да دار مسکان, A10 да دو مسکان шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасий бу жойни Дар Машкон (دارمشکان) деб келтирган [Муқаддасий: 312].

Дарғам (الدرغم) – Истахрий матнларида – A11 да درعم, A11 да الدرعم, Ф2 ва Ф3 да درعم ва برم, Ф3 да درغم шакллари ҳам мавжуд. Самъоний маълумотида кўра, Дарғам Самарқанддан 2 фарсах масофада жойлашган ноҳия бўлиб, унда бир нечта қишлоқлар бўлган [Самъоний, 1980, V: 300]. Ҳозир Зарафшондан сув олиб, Самарқанддан жанубда оқувчи ариқ Дарғам деб аталади. Шунини айтиш керакки, Дарғам дунёдаги инсон қўли билан барпо қилинган энг узун сунъий ариқлардан биридир. Унинг номи қадимги эроний *darga*– «узун» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 19, 43]. Птолемей харитасида Бактрияда Амударёга чап томондан қуйилувчи ҳозирги Кундуздарё *Kargaedos* деб аталган [Табуле Географиче: VII]. Ўрта аср манбаларида бу дарёнинг номи Дирғом (الضرغام) шаклида қайд этилган [Табарий, 1881, II: 1590; Ибн Хордадбех, 1967: 33; Ибн Руста, 1967: 93]. Бу дарё номининг келиб чиқиши ҳам Дарғам дарёсининг номи билан бирдир [Лурье, 2004: 79].

Дарған (درغان) – Истахрий матнларида – A10 да درعان, A10 да A11 да سدون, A11 да ددعان шакллари ҳам мавжуд. Хоразмнинг жанубида, Амул йўлида, Амударёнинг чап соҳилидаги шаҳар. Унинг харобалари Дарғанота деб аталади.

Дахкат (دخکت) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да جکت, A2 ва Ф4 да محکب, A3 да محکت, A8 да وجلت, A9 да جلت, A8 ва A9 да محکب, A10 да دخکب, A10 ва Ф4 да بحکب, A11, Ф2 ва Ф3 да دخکت, Ф2 ва Ф3 да محکت, Ф2 ва Ф8 да محکت, Ф7 да وحکت, Ф8 да حکت шакллари ҳам мавжуд. Шош дарёси ва Илак

дарёси орасида, Хаш ва Туккат орасида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Бу шаҳарчанинг номи Дахкат (دخكت) [Самъоний, 1980, VI: 11], Адахкат (ادخكت) [Муқаддасий: 49, 265] ва Дахкат (دخكت) шаклларида келтирилган. Унинг номи суғдча *δx*(қад. эрон. *daha*)– «эр» сўзидан ёки *dah* қабиласи номидан ясалган [Лурье, 2004: 95, 231]. Бу шаҳарча ҳозирги Ангрендан 8 км шимоли-ғарбда Оҳангарон тоғларидаги Дукентсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган [Массон, 1953: 39; Буряков, 1975: 153-157]. Талас водийсида ҳам Адахкат (ادخكت) номли шаҳарча бўлган [Муқаддасий: 274].

Даҳос (دهاس) – Истахрий матнларида – А2 да دهاسن, А3 да رهانس, Ф6 да هاس шакллари ҳам мавжуд. Форс. «ўн тегирмон» маъносини англатади. XVII асрда бу ариқ Аҳмад Муштоқ номи билан аталган. Маҳаллий ривоятга кўра, бу ариқ сунъий бўлган ва уни Ҳорун ар-Рашид (хукм. 170/786 – 193/809 йй.) даврида Балх ҳукмдори бўлган ал-Фазл ибн Йаҳйо ал-Бармакий қазишни буюрган [Ахмедов: 18].

Дехқон (دهقان) – бу атама исломдан олдинги деҳ-худо (ده خدا) – «қишлоқ бошлиғи» унвони билан деярли бир маънога эга булган. Исломдан олдин Ўрта Осиёда йирик ер эгалари ва аслзода оилаларнинг вакиллари «деҳқон» деб аталган. Илк ислом даврида араблар Ўрта Осиёдаги катта-кичик шаҳар ва вилоятларнинг маҳаллий ҳукмдорларини ҳам «деҳқон» деб атаган. Уларнинг баъзилари жуда қудратли бўлиб, ҳатто подшоҳни ҳам меҳмонга чақиришга қодир бўлган. Сомонийлар даврида деҳқонларнинг аҳамияти бироз пасайган бўлса ҳам, ҳали улар Ўрта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлар.

Дивдад дарвозаси (ديباد ديودد) – бу матнда ўтган навбатдаги фарқли ёзилиш. У ҳақида яна қаранг: **Ривдад дарвозаси**.

Дивора (ديواره) – Истахрий матнларида – А2 да ديواره, А2, А8 ва А9 да ربواذه, А3 да ديواذه, ديواذه ва ديواذه, А3 ва А8 да ديواذه, А4 да ريوند, А9 да ربواذه, А10 да ربواذه, А11 да ربراده ва ربراده, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да رمواده шакллари ҳам мавжуд. Азавордан бир кунлик ва Михражондан икки кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 456].

Дизак (ديزك) – Истахрий матнларида – А2 да دول, А2 ва А3 да دسرل, А2, А3, А10 ва А11 да دبرك, А3, А11, Ф3 ва Ф8 да درك, А4 ва А12 да حرك, А8 ва А9 да دوك, Ф2 ва Ф8 да دزك, Ф8 да دركت шакллари ҳам мавжуд. У Дизак ва Собот (دزق) деб ҳам аталган [Самъоний, 1980, V: 307]. Бу ном суғдча *δuz* «қалъа» сўзи ва *'k* суффиксидан ясалган [Лурье, 2004: 51, 54, 111]. Бу шаҳар ҳозирги Жиззах шаҳри ўрнида жойлашган бўлиб Факнан (فکنان) номли рустокнинг маъмурий маркази бўлган. [Негматов, 1957: 38; Грицина, 2000: 150].

Динор (دينار) – Араб халифалигида муомалада бўлган олтин пул бирлиги. Лекин у кўпроқ бойлик вазифасини ўтаган ва унинг қиймати вазнига қараб белгиланган.

Дирҳам (درهم) – Араб халифалигида муомалада бўлган кумуш пул бирлиги.

Дихистон (دهستان) – Хуросондаги бу катта рустоқ номининг Истахрий матнларида – А3 да دهسان, А8 да ديسان, А8 ва А9 да دهسان, А9 да هوسان, Ф2 ва Ф3 да هستان, Ф8 да دهستان шакллари ҳам мавжуд.

Додакий (الدادكى) – Истахрий матнларида – А5 да ديدكى, А10 да الربدان, А11 да الربدكى, Ф2 ва Ф3 да ديدكن шакллари ҳам мавжуд. Жанубий Суғдда Кеш вилоятидаги қишлоқ. Бу қишлоқ ҳозирги Кичик Ўрадарё бўйида Пачкамар сув омборидан жанубда Оқработ ва Ғузур орасидаги Қизилқишлоқ артофларида жойлашган [Камалиддинов, 1996: 34].

Доира (كورة – кура) – яъни, солиқ ҳужжатларида ишлатилган маъмурий бирликни аниқлаган. Бу атама катта вилоят ичидаги йирик шаҳар ва унга қарашли бўлган ерларга нисбатан ишлатилган. *Кура* бир ёки бир нечта катта бўлмаган шаҳар ва аҳоли масканларини ўзида бирлаштирган бўлиши мумкин [Гиргас: 712]. Араб халифалиги солиқ-маъмурий тизимида ҳар бир ноиблик (*вилоят*) *бир нечта* доиралардан (*кура*) *иборат бўлган*. Ҳар-биркурабирнечта *ноҳия* ёки *рустоқдан* ташкил топган. *Кура* *атамаси шу маънодаги қад.* грек. *хώρα* дан олинган ва форсча *истан билан маънодош бўлган ва бир нечта рустоқлардан иборат бўлган*. *Рустоқлар* бир нечта *тассужлардан, тассужларэса* бир нечта қишлоқлардан *иборат бўлган* [Соурдел: 397-398].

Ёкут(البجاذى) – минерал тош.

Жабал ал-Физза(جبل الفضة) – Истахрий матнларида – А9 да حل الفضة шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да КухиСим (كوه سيم)[Худуд ал-Олам, 1970: 104]. Ҳирот Сарахс йўлида жойлашган Базғис *рустоқидаги* шаҳар.

Жабал дарвозаси(باب الجبل) – араб., яъни Тоғ дарвозаси. Ушдаги бу дарвоза номи Истахрийнинг форсий Ф1 матнида *кӯ* шакли мавжуд.

Жабал Ку (جبل كو) – Истахрий матнларида – А4 ва А10 да حل كرم, А9 да حل كو, А11 да جبل كر шакллари ҳам мавжуд. Бу тоғлар XVII асрда Албурз деб аталган ва Балхдан жанубда, Балхоб дарё водийсида жойлашган [Махмуд ибн Вали: 46].

Жабузан (جبوزن) – Истахрий матнларида – А8 ва А9 да حوربون, А10 да حوزن ва حورر, А11 да حورد, А12 да حيوزن ва حودن, Ф2 да حوربن, Ф4 ва Ф7 да جنودر ва نورلن, Ф8 да حبون шакллари ҳам мавжуд. Турк ва Илақ дарёлари орасида, Илақ йўлидан шарқ томонда жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Бу шаҳар номининг келиб чиқиши туркий тиллар билан боғлиқ бўлиб, унинг таркибида *buz-* «муз» сўзи бор [Богомолов: 56].

Жавакан (جاوكان) – Истахрий матнларида – А2 да حادكان, А3 да حرکان, А4, А8 ва А8 да خاركان, А11 да حاوكان, А12 да جاوكان, Ф1 да گاوكان, Ф4 ва Ф7 جاوكان, Ф8 да جاوگان шакллари ҳам мавжуд. Бу ернинг номи Биркан бўлиши ҳам мумкин [Бартольд, 1963: 121]. Ибн Ҳавқалда Ховакон (خاوكان) деб келтирилган

[Ибн Ҳавқал, 2011: 86]. Унинг номи шу ердаги тоғларда ўрта асрларда мавжуд бўлган конлар билан боғлиқ бўлса керак.

Жаванруд (جوانرود) – ҳозир бу дарё Хузордарё ёки Катта Ўрадарё деб аталади. Ибн Ҳавқалда Хузорруд (خزار رود) [Ибн Ҳавқал, 2011: 66].

Жазза рустоқи (جزه) – Бухородаги бу рустоқ номи Ибн Ҳавқалда Хуза (خذه) [Ибн Ҳавқал, 2011: 44]. Бу сўзнинг маъноси аниқ эмас.

Жай (جى) – қаранг: **Жан**.

Жайхун (جیحون) – Истахрий матнларидан – А4 ва А10 да ححون, А11 да حيحون шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг арабча номи. Жайхун – араблар ҳар қандай йирик дарёни Жайхун деб атаганлар. Бу ном Инжилда қайд этилган *Gihon* сўзининг арабча шаклидир. Бу ерда Жайхун дарёси деганда Амударё назарда тутилган. Бу дарё илк бор «Авеста»да *Vahvi Kaitia* номи билан қайд этилган [Ходжаева: 67-79]. Қадимги юнонлар бу дарёни *Ох* деб атаганлар [Стеблин-Каменский: 72]. Қадимги турклар ҳар қандай йирик дарё, шу жумладан Амударёни ҳам Окуз деб атаганлар [Кошғарий, I: 91, 411, 469; III: 166, 260]. Қадимги туркий тилда *öküz* ёки *ögüz* сўзи «буқа» деган маънони ҳам англатган [ДТС: 382, 383]. Олимларнинг тахмин қилишича, қадимги юнонлар бу дарёнинг айнан шу номи билан таниш бўлганлар ва уни Окс (*Oxus*) ёки Акес деб қабул қилганлар [Мурзаев, 1974: 195; Мурзаев, 1984: 405, 576; Караев, 1991: 38]. Ўрта Осиё аҳолиси XVII асрга қадар Амударёни Асаф окуз ёки Окуз деб атаганлар [Ҳасанов, 1965: 80]. Ўрта Осиёни бевосита билган саёхатчиларнинг маълумотлари асосида 1373 йилда тузилган Каталани харитасида Амо дарёсининг қуйи оқимида Огус номли шаҳар қайд этилган [Федчина, 1967: 19]. А. Женкинсоннинг 1562 йилда чизилган харитасида Амударёнинг Каспий денгизига қуйилувчи қуйи оқими Оугус (*Ougus*) деб аталган [Женкинсон, 1570, харита]. Ҳозир ҳам Амударёнинг Каспий денгизига қуйилувчи қадимги қуруқ ўзани Узбой деб аталади. Демак, бу дарёнинг қадимги туркий номи ҳозиргача сақланиб қолган. Лекин бу дарёнинг ундан ҳам қадимийроқ номи Ому бўлиб, манбаларда у Омуй (*أمى*), Омуйа (*امويه*) ва Амул (*امل*) шаклларида шаҳар [Баладзурий: 410] ва дарё номи сифатида қайд этилган [Шомий: 88, 99; Баевский, 1980: 85; Абдуллаев: 85 ва бошқ.]. Бу номнинг келиб чиқиши енисей тилларига мансуб кет тили билан боғлиқ бўлиб, милоддан аввалги II минг йилликда Ўрта Осиёда кенг тарқалган [Яйленко: 132]. Ўрта асрларда хазарлар мамлакатиди ҳам шу номли шаҳар бўлган [Масъудий, 1861, II: 7-8, 20]. Шундай қилиб Ўрта Осиёнинг энг қадимги дарёси турли даврларда бир нечта номлар билан аталган бўлиб, уларнинг энг қадимийси Аму бўлган. Ундан ташқари бир дарёнинг турли қисмлари ҳар хил номлар билан аталиши Ўрта Осиё гидронимиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган [Мурзаев, 1962: 124].

Жакарбанд (جکربند) – Бухородан Хоразмга бораверишдаги бу жой номининг Истахрий матнларида – A10 да خرکوند, A11 да جکربند, Ф3 да جکروند, Ф7 да جربند, Ф8 да ورغان шакллари ҳам мавжуд.

Жалол Диза (جلال ديزه) – Истахрийнинг A11 матнида حلال ديره шаклида келган. Бу ном таркибидаги суғдча диза сўзи «қалъа» маъносини билдиради.

Жамоатаҳли (اهل جماعة) – сўзма-сўз «жамоа кишилари». Ислоннинг асосий мазҳабларидан бири бўлган сунний мусулмонларининг номланиши.

Жан (جن) – Истахрийнинг A5 матнида جى ва جن шакллари ҳам келтирилган. Бу сўз суғдча -jan бўлиб, «сой», «ариқ» маъносини билдиради. «Худуд ал-Олам»га кўра, Дарйожа (دریازه) деб аталган бўлиб, бу кўлда Ўрта Буттамон сувлари йиғилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 23б; Худуд ал-Олам, 1970: 115]. Муқаддасий харитасида Суғд дарёсининг юқори оқимида Бухайрат Зара (بحيرة زره), яъни Зара кўли кўрсатилган бўлиб, унга тоғлардан бошланувчи 3 та дарё куйилган [Муқаддасий: 449, map]. Ҳозир бу кўл Искандаркўл деб аталади, ундан Зарафшон дарёсининг асосий ирмоғи Фандарё сув олиб бошланади [Лурье, 2004: 46, 131].

Жанд (جند) – Истахрий матнларидан Ф8 да سدق келган. Турклар чегарасида, Сайхун дарёсининг бўйидаги шаҳар [Самъоний, 1980, III: 319]. У Хоразмдан 10 манзил, Барабдан эса 20 манзил масофада жойлашган [Худуд ал-Олам, 1970: 122]. Бу шаҳар Сирдарёнинг куйи оқими ҳавзасида, унинг ўнг томонида жойлашган. В.В. Бартольд фикрига кўра, Жанд шаҳри Перовскдан 25-30 км масофада Сирдарёдан ғарбда Туморуткўл мавзесидаги Хиштқалъа харобалари ўрнида бўлган [Бартольд, 1963: 235]. Бошқа фикрга кўра, бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Қизил Ўрдадан 115 км жануби-шарқда Жанадарёнинг куруқ ҳавзаси қирғоғида жойлашган бўлиб, Жанқалъа деб аталади [Толстов, 1938: 60; Байпаков, 1977: 91].

Жанк дарвозаси (باب الجنك) – Нишопурнинг бу дарвозаси номининг Истахрий матнларида – A2, A8 ва A9 да حجل, A3 да خبل, Ф1 да جنگ шакллари ҳам мавжуд.

Жанкакат (جنکاکث) – Ушрусанадаги бу қишлоқ номининг Истахрий матнларида – A10 да حنکاک, A11 да حنکاکب шакллари ҳам мавжуд. Бу қишлоқнинг номи суғдча «қишлоқ» сўзи ёрдамида ясалган. Бу номнинг биринчи қисмининг маъноси маълум эмас [Лурье, 2004: 97].

Жарбойа (جاربایه) – Хуросондаги бу дарё номининг Истахрий матнларида – A3 да حاربانه, Ф1 да چاربایه шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи яна Карбойа (كاربایه) шаклида ҳам келади [Муқаддасий: 346]. «Худуд ал-Олам»га кўра, Жарйана (جاریانه) [Худуд ал-Олам, 1970: 109].

Жарбойа (جاربایه) – Истахрий матнларида – A2 да جاریانه, A3 да حاربایه ва حارتانه, A4 да خاربانه, A4, A8, A9, A11, Ф2 ва Ф3 да حاربانه, A9 да حاربایه, A10 да حاربایه, Ф1 да چاربایه, Ф4 да خاربانه, Ф6 да حازبانه шакллари ҳам мавжуд. Анда-

робдан 3 *марҳала* ва Банжхирдан 1 кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457]. Бу шаҳар ҳозирги пайтда Гарбойа деб ўзгартирилган. У Андаробадан уч кунлик масофада, Хивак ҳудудидан ташқарида жойлашган шаҳар.

Жариб (جريب) – араб., ер майдони ўлчов бирлиги. Ўрта Осиёда бир *жариб* ҳар хил шаҳарларда ва турли даврларда турлича бўлиб, 900 кв. м билан 3000 кв. м орасида бўлган [Хинц, Давидович: 122].

Жардур (جردور) – Истахрий матнларида – А10 да *جردور*, А11 да *جردون*, Ф3 да *جرور* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Харкрур (*خرکرور*) [Ибн Ҳавқал, 2011: 35], Самъонийнинг луғатида Хоразмда Харур (*خرور*) номли қишлоқ қайд этилган [Самъоний, 1980, V: 97].

Жарйоб (جريباب) – Истахрий матнларида – А2 да *حوناب* ва *حريك*, А2, А8 ва А9 да *حوياب*, А3 да *حويار* ва *حويان*, А3 ва А9 да *حريك*, А3, А11 ва Ф2 да *حرياب*, А4 да *حرياب*, А5 да *وخشاب*, А8 да *ريل* ва *حويار*, А8 ва А9 да *حويان*, А9 да *حومار*, А10 да *حويان* ва *حرياب*, А11 ва Ф2 да *حرياب*, Ф3 да *رياب*, Ф6 да *هيرياب* ва *حرياب*, Ф8 да *خرتاب* шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг юқори оқимидаги дарё, ҳозир у Панж (Панжоб) деб аталади. У Ҳиндикуш тоғларидаги музликлардан бошланувчи Вахондарёнинг Помир тоғларидаги Зўркўлдан бошланувчи Помир дарёси билан қўшилишидан ҳосил бўлади. Панж дарёсига ўнг томондан Ғунт, Бартанг, Язғулом, Ванж, Қизилсув каби ирмоқлар қуйилади. Кейин бу дарё Вахш дарёси билан қўшилиб, ўша ердан бошлаб Амударё деб аталади. Бошқа манбаларда дарё Ваххоб (*وخاب*) [Ибн Руста, 1967: 91], шунингдек Анқор (*انقار*) ёки Алғор (*الغار*) деб ҳам аталган [Масъудий, 1884, I: 141-142]. Лекин «Худуд ал-Олам»га кўра, Харноб (*خرناب*) дарёси Қасаж тоғидан ғарбда бошланиб, Бадахшон ва Порғар орасидан оқиб ўтган ва Жайхун дарёсига қуйилган [Худуд ал-Олам, 1970: 71]. Бу маълумотга кўра, Харноб дарёси ҳозирги Панж дарёсига Бартанг ёнида қуйилувчи Мурғоб дарёсига тўғри келади [Худуд ал-Олам, 1970: 208].

Жарминкан (جرمينكان) – у ҳақида қаранг: **Сарманжан**.

Жарғ (جرغ) – Самъоний маълумотида кўра, Жарғ (*جرغ*) ёки Шарғ (*شرغ*) қишлоғи Бухородан 4 ёки 5 *фарсах* масофада Самарқанд йўлида жойлашган [Самъоний, 1980, VI: 323].

Жарғ ариғи (نهر جرغ) – Истахрий матнларида А8 ва А9 да *جرغ*, А11 да *جرع* шакллари ҳам мавжуд. Наршахийда бу дарё Руди Шарғ ёки Руди Сомжан деб аталган [Наршахий, 1966: 22, 35] бўлиб, бу номлар Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида нисбатан ишлатилган [Мухамеджанов: 62].

Жағрағаз (جغراغز) – Истахрий матнларида – А10 да *حراغن*, А11 да *حواعر*, Ф2 ва Ф3 да *جغاغر* шакллари ҳам мавжуд. Орол денгизи ёнидаги тоғ. Унинг номи туркий *чагир* ва ўғуз этнонимларидан ясалган.

Жибал (الجبال) – Истахрий матнларида – А8 да *الجبال*, А9 ва А10 да *الجبال* шакллари ҳам мавжуд. Сўзма-сўз «тоғлар», қадимий Мидия давлати

худудининг ўрта асрлардаги номланиши. X асрда Жибал вилояти ғарбда ва жануби-ғарбда Араб Ироқи билан, жануби-шарқда Форс вилояти билан, жанубда Хузистон билан, шимоли-ғарбда Озарбайжон билан, шимолда Элбурс тоғ тизмаси билан чегарадош бўлган.

Жидғил дарёси (جدغل) – шу номли вилоят ҳам бўлиб, у Фарғонага қарашли бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 513]. Истахрий матнларида – A10 да جدعل, Ф1 да جدعلى шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да бу вилоятнинг номи Жадғал (جدغل) шаклида келтирилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 236-246; Худуд ал-Олам, 1970: 118]. Ҳозир бу дарё ва унинг атрофларидаги тоғлар Чатқол деб аталади [Бартольд, 1963: 220]. Бу дарёнинг номи туркийча т– «дара», «водий» ва кал– «дарё», «ирмоқ» сўзларидан ясалган. Бу сўзлар ёрдамида ясалган жой номлари Ўрта Осиёнинг тоғли ўлкаларида кўп учрайди [Қараев, 1987: 115]. Айрим туркий тилларда чатқал сўзи «икки даранинг қўшилиш ери» [Дрон, Курогло: 88] ёки «икки тоғ орасидаги ботик», «водий» маъносини билдиради [Конқобаев: 141]. Яна бир фикрга кўра, чат топоформанти қадимги туркий *taš* – «тош» сўзининг бир кўриниши бўлиб, бу сўз «қоя», «тоғ» маъноларини ҳам билдирган [Мурзаев, 1984: 547]. Тошкент воҳасининг қадимги номи Чоч ҳам шу Чотқол тоғлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки бу тоғлар Тошкент воҳасини ташкил қилувчи Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини табиий қоятош тўсиқ каби ўраб туради ва ташқи душманлардан ҳимоя қилади [Муҳаммаджонов: 54-55].

Жик дарвозаси (باب جيك) – Йақут маълумотида кўра, *жик* (جيك) сўзини араблар *зик* (زيق) шаклида талаффуз қилишган ва у «кўйлак» маъносини англатган. Жик номи билан Нишопурдаги туманлардан бири аталган [Йақут, 1866, II: 966].

Жинанжикат (جينانجكث) – Истахрий матнларида – A2 да حسابكث ва جياحكث, A3 да حسابكث ва حياكث, A9 да بحاكث, A10 да حياكث ва حياكث, A11 ва A12 да حسابكث, A12 да حياكث, Ф2 да حياكث, Ф4 да حياكث, Ф8 да حياكث шакллари ҳам мавжуд. Суғд тилидаги манбаларда бу шаҳарнинг номи *сун'нсқнд* шаклида қайд этилган бўлиб, «Хитойликлар шаҳри» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 41, 90, 97]. X асрда Тағазғуз мамлақатидаги Турфан (Хочо) шаҳри ҳам шундай деб аталган [Худуд ал-Олам, 1970: 94]. Винкарддан Бинкатга олиб боровчи йўлда, Шош дарёсидан 2 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 525]. Бу шаҳарчанинг номи эса ҳозиргача Чиноз шаклида сақланиб қолган, унинг харобалари эса Чиноз қишлоғида жойлашган. Шаҳар уч қисмдан иборат бўлган ва тахминан 50 га майдонни эгаллаган [Буряков, 1975: 47-51].

Жирад кўприги (قنطرة جيرد) – бу кўприкнинг номи Жирд ёки Пирд бўлганда, у қадимга эроний *prtū*– «кўприк» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 97]. Бу ерда Чўпонота ёнида Оқдарёда пишиқ ғиштдан қурилган Шайбонийхон кўприги назарда тутилган [Бартольд, 1963: 137]. Ҳозирги

вақтда бу қадимий улкан кўприкнинг фақат бир қисми (арки) сақланиб қолган [Мухамеджанов: 263-271].

Жиранж (جيرنج) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да حرح, А8 да خرج, А8 ва А9 да خرج, А9 да خرج, А10 да حرح, А11 да حيرمح, Ф2 ва Ф3 да حرع, Ф4 да حرح, Ф6 да مرع шакллари ҳам мавжуд. Марв вилоятидаги катта бўлмаган Гиранг (كيرنك) шаҳри номининг арабчалашган кўриниши [Худуд ал-Олам, 1970: 105]. У Сарахс йўлида, шаҳардан 6 *фарсах* масофада, дарё қирғоғида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 456]. Жиранж Талхатан Бобо қишлоғидан жануби-шарқда 10 км масофада жойлашган деб ҳисобланади [Беленицкий, Бентович, Большаков: 168].

Жиғукат (جيغوكث) – Истахрий матнларида – А2 да صعوكث, А2 ва А3 да حصوكث, А3 да حصوكث, А4 да حيغو, А8 ва А9 да حصولث, А10 да حصوكث ва حفركب, А11 ва А12 да حصوكث, А12 да جيغوكث, Ф2 ва Ф3 да جغوكث, Ф4 да حفركت ва حعركب, Ф7 да هفركت шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Жабғукат (جيغوكث) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 73]. Ибн Хурдадбех эса унинг ўрнида Кубал (كبال) қишлоғини қайд этган, шу билан бирга Жабғукат қайд этилмаган [Ибн Хордадбех, 1967: 27]. Демак, Жабғукатнинг иккинчи номи Кубал бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Жабғукат номи туркий *jabγu* -«йабғу» унвони ва суғдча *kaθ*– «шаҳар», «қишлоқ» сўзидан ясалган [ДТС: 222; Лурье, 2004: 97]. Турк дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлидан шарқ томонда, Бинкатдан 2 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Турк хоқонларининг қароргоҳи маълум вақт Чоч воҳасида бўлган ва Жабғукат деб аталган [Исхаков, Камолиддин, Бабаяров: 42]. Илгари Жабғукат Бўзсув қишлоғи ёнидаги Ниёзбектепа харобалари ўрнида бўлган деб тахмин қилинган эди [Бартольд, 1963: 230]. Кейинчалик Жабғукат харобалари Тошкент шаҳридан шарқ томонда Дўрмон қишлоғидан 4 км жанубда, Чирчиқ дарёсидан 2 км масофада жойлашган Тўқайтепа деб топилган эди [Баишев, Массон: 134; Буряков, 1975: 73-74]. Охирги маълумотларга кўра, Жабғукат Чирчиқ дарёси яқинидаги Хонобод харобалари ўрнида жойлашган. Бу ерда катта қўшин сиғиши мумкин бўлган ҳарбий истехкомнинг қолдиқлари топилган. Бу эса манбаларнинг Чоч ҳарбий қароргоҳ ёки лашкаргоҳи ҳақидаги маълумотига мос келади [Филанович: 190-191].

Жиҳод (الجهاد) – араб., «кураш», «муқаддас уруш», яъни ислом динини ёйиш йўлида олиб борилган қуроли кураш.

Жозава (جانوى) – Базғисдаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А2, А8 ва А9 да حادو, А2 ва А3 да حادوى, А3 да جازو ва جاروى, А10 да حادوا, Ф2 да جارو, Ф3 ва Ф4 да حارور, Ф4 да حارو, Ф6 да جارور ва مارور, Ф8 да جادو шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасий Жозова (جاناوا и جانوى) деб келтирган [Муқаддасий: 298, 308].

Жойманд (جايمند) – Истахрий матнларида – A2, A3, A8 ва A9 да حامند, A2 ва A3 да حوامن, A8 ва A9 да خوايمن, A10 да حامن, A10 ва A11 да حامد, A11 да حام, Ф6 да جام, Ф8 да حالمند шакллари ҳам мавжуд. Хойманд (خايمند) Молиндан 1 марҳала ва Санкандан 1 кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 455].

Жоме дарвоза (باب الجامع) – яъни Жоме масжиди дарвозаси. Ахсикатдаги бу дарвозанинг ёнида жоме масжиди жойлашган бўлса керак.

Жоме дарвоза (باب جامع) – Бухоро шаҳристонининг бу дарвозаси Истахрийнинг форсий Ф1 матнида مسجد آدينه шаклида келган.

Жоме масжиди (مسجد جامع) – барча мусулмонлар тўпланадиган масжид. Бу атама «катта масжид» ёки «бош масжид» маъносига. Шундан ҳафта кунни *жумъа* (الجمعة) сўзи келиб чиққан. Жума кунлари жоме масжидларида жамоавий ибодатлар *хутба* ўқиш билан бирга амалга оширилган. Ўрта асрларда шу каби жума ибодатларида шаҳар ва атрофдаги аҳоли тўпланган. Бошида, бу каби масжид бутун шаҳар учун битта, йирик шаҳарларда 2 ёки 3 та бўлган. Айнан мана шу жоме масжидининг борлиги ёки йўқлиги билан ўрта асрларда аҳоли масканининг «шаҳар» ёки «қишлоқ» экани белгиланган.

Жув Ғашаж (جوى غشاج) – форс., Жуйи Жуйбор (арик) сўзининг қисқа шаклидир. Бухородаги бу арик номининг Истахрий матнларида – A10 да فروع, A11 да فروع عسع шакллари ҳам мавжуд. Ташқи шаҳар дарвозаларидан бири Дарб Ғашаж (درب غشاج) деб аталган. Суғдча *ғашаж* ёки *ғушаж* (ǰašaj) сўзи «тишли» (?) маъносини билдиради [Лурье, 2004: 220].

Жузжон (الجوزجان) – Истахрий матнларида – A3 да جورحان ва الجورحان,, A4 да جوزجان, A8 да جوزحان, A8, A9 ва A10 да الحورحان, A10 да جورحان, A11 да جورحان ва الحورحان, Ф1 да گوزگانان, Ф3 ва Ф6 да كوزكام, Ф4 да كوزكانان, Ф6 да كوزدامان, Ф8 да جوزجانان шакллари ҳам мавжуд. Марваруд ва Балх орасида Фарйобдан 5 марҳала масофада жойлашган Гузгон (كوزكان) ёки Гузганон (كوزكانان) вилоят номининг арабча шакли [Йақубий, 1967: 57; Йақут, 1866, II: 149]. Баъзи манбаларда у Гузгонийон (كوزكانيان) шаклида эслаб ўтилган [Наршахи, 2011: 81]. Гузганон вилояти ўзининг тарихий номини Гузгон (كوزكان) шаклида сақлаб қолган ва Афғонистоннинг шимоли-ғарбий вилояти ҳисобланади. Қаранг: В.В. Бартольд, 1971: 56-60, 73; Худуд ал-Олам, 1970: 328-337; Ҳартман: 608-609, шунингдек: Колесников, 1981: 144; Деххуда, XII 19374; Камалиддинов, 1996: 328-350.

Жуйбор Абу Иброҳим (جويبار ابى ابراهيم) – бу ном форсийдан «Абу Иброҳим ариғи» маъносини билдиради. Истахрий матнларида – A10 да خوسان ابى ابراهيم, A11 да جويبار ابى ابراهيم шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Жуйбор Иброҳим (جويبار ابراهيم) [Ибн Ҳавқал, 2011: 42]. Бухородаги ташқи шаҳар дарвозаларидан бири ҳам шу ном билан аталган.

Жуйбор ал-Ариз (جوييار العارض) – Истахрий A11 матнида حوساك العارض шақли ҳам мавжуд. Ариз – араб., хўжалик ва молия ишларига масъул, қўшин ва давлат хизматчиларига маош тарқатувчи амалдор. Нумижкат шахристони ариғи.

Жуйбор ал-Қаваририйин (جوييار القواريريين) – яъни шишачилар ёки шиша идиш ясовчи хунармандлар ариғи. Бухородаги бу ариқнинг Истахрий матнларида – A10 да حوسار القوارين, A11 да حوسان العارارين, Ф2 да قرازان, Ф3 ва Ф7 да قزازان шақллари ҳам мавжуд.

Жуйбор Бакор (جويياربكار) – Нумижкат шахристони ариқларидан бири. Истахрий матнларида – A2 да جونار نكار, A3 да بياسر كان, A10 да بكان, A11 да جوييارمکان, A12 да خوييارمکان, Ф3 да رودباسكان, Ф4 да رودباسكان шақллари ҳам мавжуд. Матнда бу ариқ Наҳр Бакор (نهريكار) деб ҳам аталган.

Жур (جور) – Форсадаги бу жой номи Истахрийнинг A11 матнида الحور шақлида ҳам ёзилган.

Журжон (جرجان) – Истахрий матнларида – A4 да حرجان ва حرحان, A10 да حرحان, حرحان, فرخان ва حرحان, A11 да الحرجان, Ф1 да گرگان, Ф3 ва Ф6 да كرمان, Ф6 да كرمان шақллари ҳам мавжуд. Дайлам дарёси (Атрек) водийсида, Элбурснинг шимолий тоғ олди худудлари, Каспий денгизининг жануби-шарқий соҳиллари ва Копеттоғ тоғлари оралиғида жойлашган Гургон шаҳар ва вилоятининг арабчалашган шақли. Ғарбда бу вилоят Табаристон билан, шимол ва шарқда Хуросон билан чегарадош бўлган. Бу вилоят қадимги грек манбаларида Гиркания [Древние авторы: 143], арман манбаларида – Вркан [Тер-Мкртчян 1985: 53], янги форсий манбаларида эса – Гургон (گرگان) деб номланган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 3а, 7а, 11а, 19аб, 29б, 30а; Сиасет-наме: 223, 224; Байхаки: 87, 155 ва бошқ.]. Бугунги кунда Эрондаги Астробод вилоятида мавжуд бўлган шаҳар Журжон номи билан аталади.

Журжонийа (الجرجانية) ёки Кучағ (كوجاغ) – Истахрий матнларида – A10 да الحرحانيه, A10 ва A11 да الحرحانسه, A11 да كراح, الحرحانيه, الحرجانيه ва الحرحانيه, Ф1 да گرگانج ва گرگان, Ф2 да كركانخك, Ф3 да كركابخك ва كراغ, Ф4 да كركانج. Гургонж шаҳри номининг арабча шақли. Унинг харобалари Кўхна Урганч деб аталади [Мадаминов: 70-71].

Завзан (زوزن) – Истахрий матнларида – A4 да زوزين, A8 ва A9 да روزن, A8, A9 ва A10 да زورن, A11 да رون ва رورн шақллари ҳам мавжуд. Сулумақдан 1 кунлик, Қойиндан 1 кунлик ва Харкирддан ҳам 1 кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 455, 457, 458].

Залсикат (زالتيكت) – Истахрий матнларида – A2 да التكت, A3 да الشكت, A4 да زالتيكت, A8 ва A9 да التكت, A10 да الكب, Ф2 да ليتكت, Ф3 да رالتكت, Ф4 да زالتيكت, Ф8 да اسكت шақллари ҳам мавжуд. Ибн Хурдадбех маълумотига кўра, Ушрусанадан Шош томонга юрганда Бинкатга 2 фарсах етмасдан йўл Банункат (بنونكت) номли қишлоқдан ўтган [Ибн Хурдадбех, 1967: 27]. Демак, бу икки қишлоқ ён-

ма-ён жойлашган бўлиши мумкин [Бартольд, 1963: 228]. Ҳақиқатан, ҳозирги Зангиота атрофларида иккита бир-бирига яқин жойлашган шаҳар харобалари мавжуд: улардан бири Зангиота (Майтепа) деб аталади, унинг номи эса Золтикат номининг бузилган шакли бўлиши мумкин. Иккинчи шаҳар харобалари Зангиотадан 2 км масофада Тошкентдан жануби-ғарбдаги Нўғайқўрғон қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Кувайдтепа деб аталади [Буряков, 1975: 55-56].

Замм (زم) – Хуросон ерида Мовароуннаҳр маъмурий бирлигига қарашли шаҳар. Истахрий матнларида – A10 ва A11 да زم, A11 да الرم шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг ўрта оқимида, унинг чап қирғоғида жойлашган шаҳар [Йақут, 1866, II: 946]. Карвонлар Марваруд ва Гузганондан келиб Замм орқали Мовароуннаҳрга сув кечиб ўтганлар [Йақубий, 1967: 291]. Бу сув кечуви Каркуҳ ан-наҳр (كركوه النهر) деб ҳам аталган [Муқаддасий: 292]. Бу сув кечувининг қарши томонида X асрда Ахсисак (اخشيساك) номли шаҳар жойлашган бўлиб, у Замм билан бирга Мовароуннаҳрга мансуб ягона маъмурий бирликни ташкил этган [Ибн Ҳавқал, 1967: 477]. Уларнинг умумий жоме масжиди эса Заммда жойлашган [Йақут, 1866, I: 162]. Бу шаҳар Курдан (کردن) номли ноҳийанинг маъмурий маркази бўлиб, унинг номи Хасосак (خساساك) шаклида ҳам келтирилган [Ибн Хордадбех, 1967: 173]. Каркуҳ сув кечуви Боткар (باتكر) ёки Бойкар (بايكر) деб ҳам аталган [Муқаддасий: 292]. Замм қалъаси ҳам Боткар (باتكر) ёки Бозкар (بازكر) деб аталган [Табарий, 1881, II: 1585; Самъоний, 1980, II: 192; Йақут, 1866, I: 452]. Шундай қилиб, Замм шаҳрининг қалъаси Боткар ёки Бозкар, унинг ёнидаги сув кечуви эса Каркуҳ ан-наҳр, унинг қаршисидаги шаҳар эса Ахсисак деб аталган. Замм ҳам Мовароуннаҳрда деб ҳисобланган, чунки бу иккала шаҳар ҳам Сомонийларга қарашли бўлган. Мўғуллар давридан кейин Замм ва Боткар (Бозкар) номлари муомаладан чиқиб, фақат Карки ёки Каркуҳ номи сақланиб қолган [Бартольд, 1963: 131; 1965: 160]. Замм шаҳрининг харобалари Амударёнинг чап қирғоғида, ҳозирги Туркманистоннинг Керки шаҳри қаршисида жойлашган [Пилипко: 187].

Замм кечуви (معبر زم) – бу Амударёнинг энг тор ерида жойлашган, Каркуҳ ан-наҳр (كركوه النهر) деб ҳам аталадиган кечувдир. Шу сабабдан ҳам у Хуросондан Мовароуннаҳрга ўтишдаги энг қулай кечув бўлган.

Зандана (زندنه) – Истахрий матнларида – A8 да دندنه, A8 ва A9 да رندقه, A9 да درنده, A10 ва A11 да رندنه, A11 да دندنه, Ф2 да زيدييه ва زيديه, Ф2 ва Ф3 да زيديه, Ф3 да زيديه шакллари ҳам мавжуд. Бухородан 4 *фарсах* масофада жойлашган қишлоқ [Самъоний, 1980, II: 304]. Бу қишлоқда қалъа, бозор ва жоме масжиди бўлиб, унда машҳур «занданичи» матоси ишлаб чиқарилган [Наршахий, 1966: 22].

Зандарамииш (زندراميش) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да ندرامس, A2, A3 ва A8 да رندرامس, A4 да زيروامش ва زيروامش, A10 да رديروامش, A10 ва A11 да رندرامس, A11 да ريدوامش, Ф2 да ريدوامس, Ф2 да زيروامش, Ф3 да رندواس ва زيروامش, Р2 ва Р3 да زيروامش ва زيروامش шакллари ҳам мавжуд.

Ф8 да رندامس шакллари ҳам мавжуд. Унинг номининг биринчи қисмидаги зандар сўзи Бухоро вилоятидаги Зандармитан (زندرميثن) номининг таркибида ҳам мавжуд [Самъоний, 1980, VI: 312]. Унинг иккинчи қисми Ромуш исми билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 116, 201]. Зандарамитан номининг таркибидаги *-миш* сўзи туркий-*miş* аффикси бўлиши ҳам мумкин [Камалиддин, 2006: 86]. Қубадан 1 *марҳала* ва Риштондан 1 *марҳала* масофада [Ибн Ҳавқал, 1967: 516], Насйа вилоятида жойлашган. Бу шаҳарнинг харобалари Риштондан Куба йўлида жойлашган бўлиб, Симтепа деб аталади [Горбунова: 87].

Занжабил (اشترغاز) – форс. сўзма-сўз «туя тикан», коврак ўсимлиги турларидан бирининг илдизи.

Зар (الذر) – Бухородаги бу рустоқ номи Зарафшон дарёсининг номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Матнда шу номли дарё ҳам қайд этилган.

Зар дарёси (نهر الذر) – Истахрийнинг А11 матнида الدر шакли ҳам мавжуд. Бухоровилоятидаги рустоқлардан бири ҳам шу ном билан аталган. Наршахий бу дарёни Руди Зар деб қайд этган [Наршахий, 1966: 35]. Суғд дарёси сувининг ортиб қолган қисми унга қуйилган. Муқаддасий харитасида Суғд дарёсининг юқори оқимида Бухайрат Зара (بحيرة زره) яъни Зара кўли кўрсатилган бўлиб, унга тоғлардан бошланувчи 3 та дарё қуйилган [Муқаддасий: 449, хар].

Зарман (زرمان) – Истахрий матнларида – А2, А3, А11 ва Ф8 да رومان, А4 да ررفان, А10 да زرمان, А10, Ф2, Ф3 ва Ф4 да زررقان, А11 ва Ф8 да درمان, Ф2 да زريان, Ф4 да زرمان, Ф7 да ارقان шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да Кушоний (كشانی) шаҳрига қарашли Армон (ارمان) номли қишлоқ қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 113]. Унинг номи Размоз (رزماز) шаклида ҳам қайд этилган [Самъоний, 1980, VI: 110, 294]. Лекин XV аср ҳужжатларида Самарқанд вилоятида Размоз (رزماز) номли ариқ ва мулк ерлари қайд этилган [СД: 31, 46, 93, 98]. Шу билан бирга Зарман (زرمان) номли қишлоқ ҳам қайд этилган [СД: 31]. Бошқа манбалардаги маълумотларга кўра, Зарман Самарқанддан 7 *фарсах* масофада [Самъоний, 1980, VI: 270; Йакут, 1866, II: 925], Қудама ибн Жаъфарга кўра, Зарман Арбинжандан 6 *фарсах* масофада [Қудама: 203], Ибн Хурдадбехга кўра, Зарман Арбинжандан 5 *фарсах*, Самарқанддан 10 *фарсах* масофада жойлашган, улар орасида эса карвонлар яна Қаср Алқама (قصر علقمة) номли ерда тўхтаб ўтган [Ибн Хурдадбех, 1967: 26]. XX аср бошларида Самарқанд вилоятида Зарман номли қишлоқ бўлган [Бартольд, 1963: 148; Вяткин, 1902: 76].

Зарқ (زرق) – Истахрий матнларида – А3 да زررق, А8 да ددق, А10 да مزوادذ ва درن, А11 да زررق, Ф2 да رزيق, Ф3 да زررق шакллари ҳам мавжуд. Самъонийга кўра, Зарқ – Марвдан 6 *фарсах*да, Марв вилоятининг юқори қисмида жойлашган қишлоқ [Самъоний, 1980, VI: 267].

Заъфарон (زعفران) – араб., бўйи 20 см келадиган кўп йиллик доривор ўсимлик. Баъзи манбаларда ҳам Вашжирда *заъфарон* мавжудлиги қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 115; Йакут, 1866, IV: 401].

Загар Канда ариғи (نهر زغارکنده) – бу суғдча ном «лойка сувли арик» демакдир. Бухородаги бу арик номи Истахрийнинг A11 матнида رعان کنده шакли ҳам мавжуд.

Зийод дарвозаси (باب زياد) – Хиротдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – A3, A8 ва A9 да سرای, F1 да زيادی, F6 да زياد шакллари ҳам мавжуд.

Зинвар (زينور) – Зинвар номи кад. эроний *зин* – «тош» ва *вар* – «қалъа» сўзларидан иборат бўлиши мумкин [Нафасов: 83]. Муқаддасийга кўра, бу қишлоқ Сағанийон бош шаҳридан 3 *барид* масофада жойлашган [Муқаддасий: 344]. Бу шаҳарча ҳозирги Деновдан 3 км шимоли-шарқдаги Оққўрғон харобалари ўрнида жойлашган бўлиши мумкин [Аршавская, Ртвеладзе, Хакимов: 41].

Зомин (زامن) – Истахрий матнларида – A10 да رامر, A11 да رامين, A10 ва A11 да رامن шакллари ҳам мавжуд. Бунжикат дарвозаларидан бири ҳам шу ном билан аталган. X асрда Зоминда мустақкам қалъа бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 115]. Зомин ўзининг қадимги номини шу кунгача сақлаб қолган, ҳозир у Жиззах вилоятининг туман марказидир. Қадимги Зомин шаҳри ҳозирги Зомин ўрнида жойлашган [Бартольд, 1963: 224]. Бу ерда ўрта асрларга мансуб бир нечта харобалар ва тепалар мавжуд [Древний Заамин: 20-40]. Шаҳарни сув билан таъминлаб турган Зоминсув дарёси Туркистон тоғ тизмасидан бошланиб, шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўган [Негматов, 1957: 85].

Зомин дарвозаси (باب زامين) – Бунжикатдаги бу дарвоза Истахрий матнларидан A10 да رامين, F8 да امير шакллари ҳам мавжуд.

Зулқарнайн (ذو القرنين) – араб., «Икки шоҳли [одам]», қадимги Юнонистон подшоҳи Македониялик Александрнинг арабча лақаби. Милоддан аввалги 329-327 йилларда у Ўрта Осиёни забт этган. Искандар Зулқарнайннинг арабча исми илк бор Куръонда тилга олинган.

Иброҳим қапуғи (درب ابراهيم) – Бухородаги бу қапуғ борасида қўшимча маълумотлар аниқланмади.

Илақ (ايلاق) – ўрта асрларда Шош вилоятидаги Оҳангарон дарёсининг водийси ҳам Илақ деб аталган. Истахрий матнларида –A2 да بايلاق, A2, A8, A9 ва A11 да لسان, A3 да ليار, A10 да اسلاق, A10 ва A11 да اسلاق, A12 да ايلان шакллари ҳам мавжуд. Ҳозирги Файзобод ёнидан оқиб ўтиб Кофирниҳон дарёсига қуйилувчи дарё ҳам Илақ деб аталади. Ўрта асрлардаги Илақ шаҳри ҳозирги Қалъаи Дашт ўрнида жойлашган бўлиши мумкин [Бартольд, 1963: 121]. Унинг номи қадимги туркий *яйлак*– «яйлов» сўзидан келиб чиққан [ДТС: 227; Словарь: 13; Караев, 1987: 116]. Ҳозирги топонимияда ҳам бу сўз худди шу маънода сақланиб қолган [Додыхудоев: 42]. Ундан ташқари *jajlay* ёки *jajliq* сўзлари «ёзги қароргоҳ», «ёзги сарой» маъноларини ҳам билдирган [ДТС: 227].

Илақ дарёси (نهر ايلاق) – ҳозир бу дарё Оҳангарон деб аталади. Бу ном форс тилида *оҳангарон* (اهنگران) – «темирчилар» маъносини билдиради. XII аср араб

географи Идрисий харитасига кўра, Илақ водийсидан оқиб Шош дарёсига қуйилувчи дарё Бирки деб аталган [Караев, 1973: 57]. Бу дарё номининг келиб чиқиши Тараз яқинидаги Бирки (بركي) ёки Мирки (مركي) қишлоқларининг номи [Ибн Хордадбех, 1967: 29; Муқаддасий: 263, 275] сингари туркий бўлиши мумкин [Камолиддин, 2006: 34].

Илақ тоғлари – XII аср араб географи Идрисий харитасига кўра, Илақ тоғлари ҳам Бирки деб аталган [Караев, 1973: 57-58]. Ҳозир бу тоғлар Қорамозор тоғлари деб аталади.

Илақнинг олтин ва қумуш конлари (معادن الذهب و الفضة) – улар X асрда Панжхирдан кейинги Мовароуннаҳрдаги энг йирик ва бой конлар ҳисобланган. Қумуш конларининг қолдиқлари Қурама-Қорамозор тоғларидаги ҳозирги Консой, Такали, Олтинтопан, Қоратошқутан, Кони-Мансур, Канжол, Оқтошкон, Чоқадамбулоқ, Қоратепа Мискан, Олмалиқ, Совуқбулоқ, Пангаз, Гудас, Лашкарак-Тизкўл номли ерларда жойлашган. Энг йирик конлар Тизкўл, Қоратошқутан ва Кони-Мансурда бўлган. Олтин конлари эса Жанубий Чотқол тоғларидаги Кочбулоқ, Тоғберди, Қизилолма, Қайнар, Балиқли, Ақжан, Сартабуткон, Катиранга номли ерларда жойлашган [Буряков, 1965: 28-30; Буряков, 1974: 109-112; Буряков, 2003: 53-56].

Ироқ (العراق) – Месопотамиянинг арабча номи. Ўрта асрларда бу ном билан икки вилоят аталган: عراق العرب – “арабларнинг Ироқи (унга Бағдод ва Басра шаҳарлари кирган), ва عراق العجم – “форсларнинг Ироқи” (унга Исфаҳон ва Рей шаҳарлари кирган) [Йакут, 1866, III: 628 – 631]. Уларнинг иккинчиси Жибал деб ҳам аталган. Бу ҳақида қаранг: Соурдел-Томин: 1250-1268; Деххуда, X: 15785-15787.

Исбаск дарвозаси (باب اسبسك) – Истахрий матнларида – A11 да سسك, A12 да استشك, Ф1 да اسفسك, Ф8 да راسسيك шакллари ҳам мавжуд. Бу ном суғдча *ʒp*– «от» ва *-ask* суффиксидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 222]. Исбаск дарвозаси, рабад деворининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. У тахминан Афросиёбдан шимоли-ғарбдаги Қундуз Сўфи ва Ўзбек Кенти қишлоқлари ёнида жойлашган [Беленицкий, Бентович, Большаков: 228].

Исбижаб (اسبيجاب) – Истахрий матнларида – A10 да اسسحاب ва اسبيجاب, A10 ва A11 да اسسحاب, A11 да استسحاب, اسسحاب, اسسحاب ва استسحاب, Ф1 да سبيجاب, Ф2 ва Ф3 да سسحاب, Ф2 ва Ф3 да اسسحاب, Ф8 да سسحاب, اسبيجاب ва اسبيجاب шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда унинг номи Исфижаб (اسفيجاب) [Самъоний, 1980, I: 241], Испижоб (اسبيجاب) [Байхаки: 644; Кошғарий, I: 66, 111; III: 191, 420], Исбишоб (اسبيشواب) [Қудам: 204; Ўқубий, 1967: 295] ва Истижоб (استسحاب) шаклида ҳам келтирилган [Наршахий, 1966: 74]. Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида Шошдан шимолда жойлашган шаҳар ва вилоят. Турклар уни Сайрам (سيرم) ёки Сарйам (سریم) деб атаганлар [Кошғарий, I: 111; III: 191; Бабур-наме: 8а, 19б, 102а, 105б; Махмуд ибн Вали: 55]. Қадимги туркий тилда

sajram suv– «саёз сув» маъносини англаган [ДТС: 481]. Сайрам шаҳрининг иккинчи номи *ал-Мадина ал-Байзо* (مدينة بيضاء) – араб., «Оқ шаҳар» бўлган [Кошғарий, I: 66; III: 191]. Бу шаҳар ҳозирги Чимкент вилоятидаги Сайрам қишлоғининг марказида жойлашган [Байпаков, 1977: 82; Байпаков, 1986: 23; Байтанаев: 37].

Исбискат (اسبىسكت) – Истахрий матнларида – А 10 да اسبىسك, А11 да اسبىسك, Ф2 да سبىسك шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Исбискат ёки Асбикат (اسبىسكت) [Ибн Ҳавқал, 2011: 70]. Бу рустокнинг номи суғдча *ʒp*– «от» ва *kaθ*– «қишлоқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 95]. Ушрусанада шаҳарлари бўлмаган рустоклардан.

Искифағн (اسكىفغن) – Истахрий матнларида – А4 да اسكفر, А10 да اسكفر ва اسكفر, А11 да اسكفر, А12 да اسكفن ва اسكفن шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Сакифағн (سكىفغن) шаклида ҳам қайд этилган [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 114]. Бу номнинг иккинчи қисми суғдча *ʒup*– «ибодатхона» сўзидан иборат. Бундай ибодатхоналар одатда фақат шаҳарлар ва катта қишлоқларда қурилган [Смирнова, 1970: 225]. Бу номнинг иккинчи қисми суғдча *Iskīfaun* – баланд ибодатхона [Лурье, 2004: 212], ‘*sky*– «баланд» [Герчевич: 1216] ёки туркча *iski/eski*– «эски» [ДТС: 184, 214] сўзларидан ясалган бўлиши мумкин. Бу шаҳар ҳам Насаф – Термиз йўлида Субахдан 1 *фарсах* масофада жойлашган. Искифағн харобалари Ғузурдан 9 км шимолда Ўликтепадан 8 км масофада жойлашган бўлиб, Хўжа Бузруктепа деб аталади [Лунина: 28].

Исмоил ибн Аҳмад – Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний, ал-Амир ал-Мозий – Сомонийлар оиласига мансуб амир, 260/874 – 279/892 йилларда акаси Наср ибн Аҳмад томонидан Бухоро ҳокими этиб тайинланган. Акасининг вафотидан кейин 279/892 – 295/907 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг олий ҳукмдори бўлган. Сомонийлардан биринчи бўлиб Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тамойилида ҳукмронлик қила бошлаган. Вафотидан кейин эса ҳокимият унинг авлодларига мерос сифатида ўтиб келган. У ҳақида қаранг: Наршахий, 1966: 70 – 82; Гардизи: 63.

Исмоиллийа (الاسماعيلية) – бу дирҳамлар оз миқдорда соф кумушдан зарб этилган. Уларнинг кўриниши Араб халифалигининг дирҳамлари шаклида бўлиб, ёзувлари арабча бўлган.

Ихшид (الاشيد) – Самарқанднинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорлари ихшид деб аталган. Бу сўз маъмурий унвон бўлиб, унинг мартабаси туркча *шод* (араб. الشاذ) унвони билан тенг бўлган.

Истахр (اصطخر) – Эрондаги шаҳар. Бухоронинг илк аҳолиси Истахрдан келиб қолиши милоддан аввалги I-минг йиллик ўрталарида бўлган бўлса керак. Чунки Бухоро шаҳрининг энг эски номи Навакметан бўлиб, қадимги эроний тилда «янги қишлоқ» маъносини билдирган. «Бухоро» номи эса VI

асрда вужудга келган бўлиб, санскритча vihara – «буддавий ибодатхона» сўзининг туркча (*buxar*) шаклидир.

Ички Буттам (البيت الداخل) – A12 да «Ташқи». Яна қаранг: Буттам ноҳияси.

Ички Мадина дарвозаси (باب المدينة الداخلة) – Истахрий матнларида – A5 ва A10 да المدينة الداخلة, Ф1 да شارستان درونى шакллари ҳам мавжуд. Илк ўрта асрларда у қадимги шаҳардан ғарбда ва жануби-ғарбда жойлашган. Шунга кўра, Кешдаги ички шаҳар дарвозаси қадимги қалъанинг ғарбий ёки жануби-ғарбий томонида бўлган дейиш мумкин.

Ички Ҳадид дарвоза (باب الحديد الداخل) – яъни ички Темир дарвоза. Истахрий матнларида – Ф1 да أهين, Ф8 да نواندرونى шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Дарб ал-Ҳадид (درب الحديد) шаклида ҳам келтирилган [Муқаддасий: 276].

Иштиқан (استيقان) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да اسعاب, A10 да استيقان, A11 да اسسعار, A12 да النعسن, Ф1 да استقان ва استياكند, Ф2 ва Ф3 да سلكد, Ф4 да استقان, Ф7 да اسبيقان, Ф8 да استقان шакллари ҳам мавжуд. Унинг номининг биринчи қисми туркий *ust-* «уст» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Камолитдин, 2006: 87]. Унинг номи Уштиқон (اشتيقان) шаклида ҳам келтирилган [Муқаддасий: 48, 262, 272]. Бу шаҳарча ҳозирги Марғилондан шимолдаги Шаҳртепа, Писак, Горбоботепа ва Зингишттепа харобаларидан бири ўрнида жойлашган бўлиши мумкин. Бу харобалар бир-бирига яқин жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаммасида ўрта аср қатламлари бор [Горбунова: 88].

Иштихан (اشتخن) – Истахрий матнларида – A11 да اسسح ва اسساح, Ф2 да اسجر, Ф2 ва Ф3 да استنجر, Ф3 да اسنجر, Ф8 да اشتجن шакллари ҳам мавжуд. Самарқанддан 7 *фарсах* масофада Суғдда жойлашган шаҳар ва туман (عمل) [Самъоний, 1980, I: 268]. Шаҳарнинг номи суғдча *šty* ва х>n сўзларидан ясалган бўлиб, «саккиз булоқ» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 72, 145]. Бу ерда жойлашган туман маркази ҳозир Иштихон деб аталади.

Иштихан ариғи (نهر اشتخن) – Истахрий матнларида – A11 да اسنخ, Ф2 да اسنجر, Ф3 да اسجر шакллари ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда Иштихон шаҳри ёнидан Оқдарё оқиб ўтади. Бу дарё Қорадарёнинг бир ирмоғи бўлиб, Самарқанд ёнида ундан ажралиб чиқади ва Янгиработ ёнида унга қайтиб куйилади.

Иқлим (الاقليم) – бу сўз «иқлим», «вилоят», «мамлакат», «ўлка» маъноларида ишлатилган.

Иқто (اقطاع) – араб., «бўлиб бермоқ», «ажратиб бермоқ» феълидан ясалган атама. Ўрта асрларда давлат томонидан муайян ҳудудлардан хирож олиш ҳуқуқининг айрим шахсларга берилиши шундай деб аталган. Бу ҳам мулкнинг бир тури ҳисобланиб, одатда ҳарбий кўмондонлар, давлат амалдорлари ва хизматчиларига яхши хизматлари учун мукофот сифатида берилган.

Йазджирд – Эрондаги Сосонийлар сулоласининг охириги ҳукмдори (ҳукм. 632 – 651 йй.) *шаҳаншоҳ* Йаздагирд III нинг арабчалашган шакли.

Йагон (يغان) – Истахрий матнларида – A11 да يعان, Ф1 да يغان, Ф2 да تعيان, Ф3 да يعان шакллари ҳам мавжуд. Қадимги туркий тилида *jaγan* сўзи «фил» маъносини билдирган. Ўрта асрларда туркларда Йагон-тегин исми ҳам ишлатилган [ДТС: 224]. Балки бу кишлоқ шундай исмли ер эгасига қарашли бўлгандир. Бошқа манбаларда бундай ном учрамайди.

Йаркат (ياركت) – Истахрий матнларида – A11 да يارك ва وارك, Ф2 да يارك шакллари ҳам мавжуд. Ушрусана чегарасидаги русток [Муқаддасий: 279]. Ушрусанада ҳам шу номли кишлоқ бўлган [Самъоний, 1912, XIII: 469]. Агар бу ном Боркат (Аборкат) номининг ўзгарган шакли бўлмаса, унда туркий *jar*– «жар» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [ДТС: 238]. Шарқий Туркистонда ҳам шу номли шаҳар бўлиб, ҳозир у Ёркент деб аталади.

Йасир (يسير) – Бухородаги бу русток номининг Истахрий матнларида – A9 да بير, A11 да سر, Ф2 ва Ф3 да يس шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Нашар (نشر) [Ибн Ҳавқал, 2011: 44]. Бу сўзнинг маъноси аниқ эмас.

Йаҳйо дарвозаси (باب يحيى) – Истахрий матнларида – A2, A3, A8 ва A9 да بحر, A10 да دهانس, A11 да لحي шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Бахтий дарвозаси (باب بختى) [Ибн Хауқал, 2018: 34]. Бу дарвозанинг номи Йаҳйонинг отаси ал-Фазл ибн Йаҳйо ал-Бармакий номи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Йаҳуд дарвозаси (باباليهود) – Истахрий матнларида – A3 да اليهود, Ф1 да جهودان шакллари ҳам мавжуд. Сўзма-сўз. Фарйоб доирасида, ўрта асрларда у билан Жузжон орасида Йаҳудан (اليهودان) шаҳри эслаб ўтилган [Йақубий, 1967: 57]. Балх вилоятида эса – Кичик Жаҳузун ёки Кичик Йаҳудан маъносини англатган Жаҳузанақ (جهودانك) тилга олинган [Йақут, 1866, II: 167]. Бу маълумотлар, ўрта асрларда Балхда, алоҳида туманда ва унинг атрофидаги кишлоқда яхудийлар жамоаси ҳам яшаганига далолат қилади.

Йаҳудиййа (اليهودية) – Истахрий матнларида – A2 ва A8 да الهرز, A3 да النهرز ва اليهوديه, Ф4 да جهودان, A9 да الهرز, Ф1 да جهودستان шакллари ҳам мавжуд. Фарйобдан 2 *марҳала* ва Толакандан 4 *марҳала*да жойлашган шаҳар [Муқаддасий: 347, 348]. Йаҳудиййа номи Йаҳудон (يهودان) сўзининг арабчалашган шаклидир [Йақубий, 1967: 57]. Ёки Жухудон (جهودان) [Худуд ал-Олам, 1970: 107] ва «яхудий» маъносини англатади [Йақут, 1866, II: 168]. Йаҳудиййа шаҳри, яна «Катта Жаҳузун» деб аталади. Чунки, Балх вилоятида Жаҳузанақ (جهودانك), яъни Кичик Жаҳузун номли кишлоқ ҳам бўлган [Йақут, 1866, II: 167]. XI асрдан бошлаб Жаҳузун тарихий манбаларда Жаҳузун (Йаҳудиййа) Маймана (ميمنه) [Беруни, 1976: 467] ёки Майманд (ميمند) деб ҳам аталган [Ибн ал-Асир, 2006: 302, 317, 361]. Шаҳар номининг ўзгариши, шаҳар аҳолисининг ислом дини қабул қилгач йаҳудийлик билан боғлиқ эски номидан воз кечганлари сабаб бўлган [Йақут, 1866, II: 168]. Шаҳарнинг Маймана номи бугунги кунга қадар сақланиб қолган ва Афғонистон шимолидаги алоҳида

вилоятнинг маркази ҳисобланади. Бу ерда XIX асрда ҳам араблар яшар эди [Борнс: 316].

Йунобиз (ينابذ) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да *بنابذ*, A4 да *بنابذ*, *ماند* ва *ماند*, A8 ва A9 да *بانند*, A8, A9, A10, A11 ва Ф3 да *بنابذ*, A10 да *مايد*, A11 да *بمد*, Ф1 да *كناه*, Ф4 да *بنابذ*, Ф6 да *بنابذ* ва *سايנד*, Ф8 да *جنابذ* шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда унинг номи Қуҳистондаги Жунобид (*جنابذ*) [Муқаддасий: 301], шунингдек Жунобиз (*جنابذ*) деб ҳам келтирилган. Самъоний маълумотларига кўра, Жунобиз – Нишопур вилоятидаги қишлоқдир ва Кунобаз (*كونابذ*), яъни Гунобаз (*گونابذ*) номининг арабчалашган шакли ҳисобланади [Самъоний, 1980, III: 306]. «Худуд ал-Олам»да унинг ўқилиши Б.нобид (*بنابذ*) [Худуд ал-‘Алем: 196; Худуд ал-Олам, 1970: 103] деб келтирилган. Тус вилоятида ўхшаш номда Жуновид (*جناود*) [Муқаддасий: 319] ҳам мавжуд. Санкандан 2 кунлик, Қойиндан ҳам 2 кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 455].

Кабарна (كبرنه) – Истахрий матнларида – A3 ва A12 да *كبرنه*, A4 да *كبرنه*, A10 да *كبرنه*, A11 да *حبرنه*, A12 да *كبريه*, Ф2 да *كبره*, Ф4 да *كفره*, Ф7 да *كرنه*, Ф8 да *كبريه* шакллари ҳам мавжуд. Турк дарёси ва Илак дарёси орасида, Илак йўлидан шарқ томонда Ғадранак ва Ғазак ёнида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. «Худуд ал-Олам»да бу шаҳарнинг номи К.брийа (*كبريه*) шаклида келтирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Исломдан олдинги Чоч тангаларида унинг номи суғдий ҳарфларда (*kp*)*rnw xwβ*– «Кабарна хукмдори» шаклида учраган эди [Ртвеладзе, 1982: 35]. Лекин охириги вақтда қўлга киритилган янги топилмалар бу суғдий ёзувларнинг мазкур ўқилишини тасдиқламайди [Исхаков, Камолиддин, Бабаяров: 228-229]. Номининг келиб чиқиши суғд, араб ёки форс тиллари билан боғлиқ эмас, чунки *-a* (*-na*) қўшимчаси бу тилларда ишлатилмайди [Лурье, 2004: 57]. Демак, бу ном бошқа бир тилдаги сўзлардан ясалган. Бизнингча, бу номни Каспий денгизидаги Субурна (*سبرنه*) жой номи билан солиштириш мумкин [Ибн ал-Асир, XI: 169]. Бу ном эса туркий тилда «сув бурни» маъносини англатади [Камолиддин, 2006: 83, 90]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тошкентдан 25 км шарқда, Янгибозор шаҳридан 6 км масофада Кавардон қишлоғининг шимолий чеккасида жойлашган. Ривоятга кўра, қадимда бу ерда мавжуд бўлган шаҳарнинг номи Кабарбанда бўлган [Массон, 1975: 86-99].

Кабузанжкат (*كبودنچكث*) – Истахрийнинг A11 матнида *كبحوچكث* шакли мавжуд. Самарқанддан 2 *фарсах* масофада жойлашган шаҳарча [Самъоний, 1980, X: 345].

Кабузанжкатрустоки (*رستاق كبودنچكث*) – Самарқандда мавжуд шу номдаги шаҳарга эга бўлган бу русток Истахрий матнларида – A8 ва A9 да *كبو منحلث*, A10 да *كبودنچكث*, A11 да *كبودنچكث*, Ф1 да *كبودنچكث*, Ф2 да *كبورمحكث*, Ф3 да *كنورمحكث*, Ф2 ва Ф3 да *كبودمحكث*, Ф8 да *لبودسحكث* шакллари ҳам мавжуд.

Кабунжакат (کبنجکٹ) – Истахрий матнларида – Ф2 да کیمحکت, Ф3 да кмчкт ва кмчкт шакллари ҳам мавжуд. Бу номнинг таркибида суғдча *kaθ*– «кишлоқ» сўзининг мавжудлиги шу номли аҳоли маскани ҳам бўлганлигидан далолат беради. Ибн Ҳавқалда Кайанжкат (کبنجکٹ) [Ибн Ҳавқал, 2011: 11]. Самарқанддаги ариқ ва рустоқ номи.

Каварон (کواران) – Истахрий матнларида – А3 да بوران, А10 да کوار, А10, Ф2 ва Ф3 да کواران, Ф6 да کوان шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да Йарошон (یراشان) [Худуд ал-Олам, 1970: 104]. Асфузор шаҳарларидан бири [Муқаддасий: 298].

Кавахраз (کواخرز) – Истахрий матнларида – А2, А8 ва А9 да کراحرر, А2, А3 ва А8 да لواحرر, А3 да لواخرد, А3 ва А10 да کراحرر, А9 да کواخرر, А10 да کباخور, А11 да کواحور шакллари ҳам мавжуд. Маркази Молин (مالن) бўлган [Муқаддасий: 351] Бохарз (باخرز) *рустоқининг* бошқа номи [Ибн Хордадбех: 63; Ёақубий, 1967: 50]. Бошқа манбаларда Бохарз доиралардан (*кура*) бири [Ибн Руста, 1967: 171; Ёақубий, 1967: 50], Ибн ал-Фақиҳ Нишопур шаҳарларидан (*мадина*) бири дейди [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 318]. Ўрта асрларда унинг номини форсий *бод ҳарза* (باد هرزه) «шамоли кўп», «шамолли» сўзларидан ясашган.

Кавашон (کواشان) – Ҳирот шаҳарларидан бири бўлган Кавашон Истахрий матнларида – А2 ва А3 да کواسان, А2, А5 ва Ф4 да خراشان, А2 ва А3 да کواسان, А3, А8, А9, Ф2, Ф2 ва Ф6 да خراسان, А5, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да کراسان, А8 ва А9 да کوسان, А10 да کوان ва کراسан шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Кавосон (کواسان) [Ибн Хауқал, 2018: 23], «Худуд ал-Олам»да Кавожон (کواژان) [Худуд ал-Олам, 1970: 104] деб келтирилган.

Кукин (کوکين) – Марв маъмурий бирлигидаги бу жой номининг Истахрий матнларидан А8 да کوکن шакли ҳам мавжуд.

Кавсава (کوسوی) – Истахрий матнларида – А3 да کوسی, А8 да کوسر, А9 да کوسر, А10 да لوسم, Ф2 да کوسو, Ф3 да کوسرى, Ф8 да کوسوی шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал ва Ибн Рустада Кавсара (کوسرى) [Ибн Хауқал, 2018: 25; Ибн Руста, 1967: 172]. Ибн Рустага кўра, Нишопурдан Ҳирот йўлида жойлашган шаҳар [Ибн Руста, 1967: 172].

Кавхавара (کاوخواره) – Хоразмдаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – А11 да حوه, Ф2 да ماخواره шакллари ҳам мавжуд.

Кадак (کدک) – Истахрий матнларида – А2, А3, Ф4 ва Ф7 کدال, А2, А3 ва А12 да کذک, А4 да کواک, А8 да کدنک, А10 да لداک, А11 да کذاک, Ф2 ва Ф4 да کال, Ф8 да کراک шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да унинг номи К.рал (کرال) шаклида қайд этилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24б; Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Бу шаҳарча Турк дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлидан шарқ томонда, Бинкатдан шарқда, Абардкат ва Ғадранак орасида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. У суғдча *kt*– «уй» ёки *knδ*– «шаҳар» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 58, 104]. Ибн Хурдадбех Шошдан 2 *фарсах* масофада жойлашган Кубал (کبال)

қишлоғини қайд этган [Ибн Хордадбех, 1967: 27]. Шу билан бирга уларнинг асарларида Жабғукат қайд этилмаган. Демак, Кубал (Кадак) нинг иккинчи номи Жабғукат бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Карвон йўли Син чегарасидаги Барсхон (برسخان) шаҳрига 3 *фарсах* етмасдан яна бир Кубал (كبال) номли қишлоқ бўлган [Ибн Хордадбех, 1967: 29]. Туркистон йўлида Каток (كتاك) номли қишлоқ [Муқаддасий: 48, 264], Самарқанд вилоятида Кадак (كدك) ёки Кадан (كدن) номли қишлоқ [Самъоний, 1980, X: 565, 566], Кеш вилоятида эса Кандак (كندك) номли қишлоқ бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 400].

Кадар (كدر) – X асрда Бараб (Фараб) туманининг бош шаҳри, Исфижадан 4 *марҳала*, Усбаникатдан 2 кичик *марҳала* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 510, 523-524]. Лекин Муқаддасийга кўра, Бараб (باراب) рустоқининг бош шаҳри ҳам Бараб (باراب) деб аталган [Муқаддасий: 273]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, Фараб туманининг бош шаҳри Қаражук (قراجق) деб аталган [Кошғарий, I: 450]. Кадар шаҳрининг номи милодий V асрда Ўрта Осиёда хукмронлик қилган кўчманчи Кидарийлар сулоласининг асосчиси Кидар исми билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 155]. Бу шаҳарнинг харобалари Ўтрортобе харобаларидан 6-7 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, Қуйруқтепа деб аталади. Бу ерда X – XII асрларда фаолият кўрсатган жоме масжидининг харобалари топилган [Акишев, Байпаков, Ерзакович, 1972: 32; Байпаков, 1977: 86; 1986: 25-26].

Кайф (كيف) – Истахрий матнларида – А3, А8 ва А9 да كيف, А10 да ليف ва لف шакллари ҳам мавжуд. Ҳирот ва Марваруд орасидаги шаҳарча. У Ҳиротдан уч *марҳала*, Бағшурдан бир *марҳала* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 457].

Калабоз қапуғи (درب كلاباد) – Бухородаги бу қапуғ номининг Истахрий матнларида – А9, Ф1 ва Ф8 да كلاباد шакли мавжуд.

Калашжик (كلشجك) – Истахрий матнларида – А3 да فاشحل, А3 ва А10 да كلسحك ва كلسك, А4 да كلحنك, А11 да كسمك, А12 да كالشجك ва كالسحك, Ф1 да كلجان, Ф3 да كليحك, Ф4 да كليخت ва كلحان, Ф7 كنجد, Ф8 да گلخشك шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарчанинг номи кичрайтириш маъносида ишлатиладиган туркий *-čiq (-čiq. čaq. -jīq. -jūq, -jaq)* аффикси ёрдамида ясалган [ДТС: 650-651; Камолиддин, 2006: 82]. Бу номнинг биринчи қисмида, эҳтимол, *Kalašotari (kalašodara)* номли буддавий иблисининг исми ётгандир [ДТС: 289]. Турк дарёси ва Илак дарёси орасида, Илак йўлининг ғарбий томонида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523].

Калиф (كاليف) – Амударёнинг ўрта оқимида, унинг иккала қирғоғида жойлашган шаҳар. Бошқа манбаларда унинг номи Кайлиф (كالييف) шаклида келтирилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 31]. У билан Балх орасидаги масофа 12, 15 ёки 18 *фарсах*ни ташкил этган [Самъоний, 1980, X: 551; Маҳмуд ибн Вали: 72]. Бу шаҳар дарё ўзанининг энг тор ерида жойлашган. Бу ердаги дарёнинг кенглиги

3 минг кадамни ташкил этган [Махмуд ибн Вали: 72]. Калиф шаҳри жойлашган жой ҳозир ҳам дарёнинг энг тор ери бўлиб, унинг икки қирғоғидаги қоятошлар ярим орол шаклида дарё ичкарасига бўртиб кирган. Чап қирғоғидаги ярим оролда Зулқарнайн работининг харобалари жойлашган. Шаҳарнинг чап қирғоғидаги қисми ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Калиф деб аталади [Ахмедов: 59; Пилипко: 185]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов, 1996: 97-99.

Калом (كلام) – ўрта аср мусулмон адабиётида, кенг маънода, барча диний-фалсафий мавзудаги мушоҳадани англатувчи, махсус – *ислом ақида масалаларини ақлга асосланган ҳолда талқин қилиш* [Ибрагим, Сагадеев 1991: 107-109].

Калҳабоз дарвозаси (باب كلهباز) – Истахрий матнларида – А3 да بهلاباد, А5 да كلهباز, А8 ва А9 да كهلباد, А10 да چهلبار, А11 да كهلباد, Ф2 ва Ф3 да كهلبان, Ф7 да كهلبان, Ф8 да كهلبار шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал матнида Каҳабоз (كهلباز) ёки Каҳлобод (كهلباد) бўлиб келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 69, 227]. Бу дарвозанинг номи Калобод (كلاباد) бўлиши ҳам мумкин [Лурье, 2004: 225]. Бухорода ҳам шу номли маҳалла бўлган. Лекин бу ерда бу номнинг Калобод ёки Куҳобод (كهلباد) шакли тўғрироқ бўлиши ҳам мумкин.

Канак (كنك) – Ҳиротдаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да كفل, А10 да كل, Ф3 да كيل, Ф4 да كبك, Ф6 да كيك шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Кабак (كبك) келган [Ибн Ҳавқал, 2018: 23]. Бу гидронимнинг келиб чиқиши *кабак* (كبك) – «каклик» [Деххуда, XII: 18141; ПРС, II: 306] сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Канд (كند) – Истахрий матнларида – А10 да كنه, А12, Ф4 ва Ф8 да كنده шакллари ҳам мавжуд. Муғ тоғидан топилган суғдча хужжатларда унинг номи *knδ* шаклида қайд этилган [Лурье, 2004: 91]. XV асрда бу шаҳарча Канди Бодом (كند بادام) [Бабур-наме: 4аб, 10а, 25а, 56а, 75б, 111а]. X аср охирида Канд маъмурий жиҳатдан Хужандага эмас, балки Фарғона вилоятига қараган [Муқаддасий: 262]. Ҳозир бу шаҳарча Конибодом деб аталади [Бартольд, 1965: 531].

Кандак (كندك) – Истахрий матнларида – А2, А3, Ф7 ва Ф4 да كندل, А10 да كند ва كندك, А11 да كندك, А12 да كيدك, Ф8 да كيرك шакллари ҳам мавжуд. Муғ тоғидан топилган суғдча хужжатда *knδ 'k ktyβšuy*– «Катта Кандак» номи ер қайд этилган. Унинг номи суғдча *knδ*– «шаҳар», «қишлоқ» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 91, 105]. Жанубий Суғдда Кеш вилоятидаги қалъа. Кандак Кичик Ўрадарё водийсидаги Қораховал қишлоғи ўрнида [Бартольд, 1963: 192] ёки Ғузордан 55 км жануби-шарқда ва Оқрабоддан 13 км жанубдаги Модинадарё ва Жанадарё оралиғида жойлашган Модинатепа харобалари ўрнида бўлган деб тахмин қилинган эди [Массон, 1977: 53]. Бошқа фикрга кўра, Кандак Оқрабод қишлоғининг ўрнида жойлашган [Ртвеладзе, 1990: 8].

Канж Русток (کنج رستاق) – Истахрий матнларида – A3 ва A10 да رستاق, A8 ва A9 да رستاق, A8, A9 ва A11 да رستاق, Ф1 да رستاق, Ф6 да رستاق, Ф3 да رستاق, Ф2 да رستاق, Ф4 да رستاق, Ф5 да رستاق, Ф7 да رستاق, Ф8 да رستاق, Ф9 да رستاق, Ф10 да رستاق, Ф11 да رستاق, Ф12 да رستاق, Ф13 да رستاق, Ф14 да رستاق, Ф15 да رستاق, Ф16 да رستاق, Ф17 да رستاق, Ф18 да رستاق, Ф19 да رستاق, Ф20 да رستاق, Ф21 да رستاق, Ф22 да رستاق, Ф23 да رستاق, Ф24 да رستاق, Ф25 да رستاق, Ф26 да رستاق, Ф27 да رستاق, Ф28 да رستاق, Ф29 да رستاق, Ф30 да رستاق, Ф31 да رستاق, Ф32 да رستاق, Ф33 да رستاق, Ф34 да رستاق, Ф35 да رستاق, Ф36 да رستاق, Ф37 да رستاق, Ф38 да رستاق, Ф39 да رستاق, Ф40 да رستاق, Ф41 да رستاق, Ф42 да رستاق, Ф43 да رستاق, Ф44 да رستاق, Ф45 да رستاق, Ф46 да رستاق, Ф47 да رستاق, Ф48 да رستاق, Ф49 да رستاق, Ф50 да رستاق, Ф51 да رستاق, Ф52 да رستاق, Ф53 да رستاق, Ф54 да رستاق, Ф55 да رستاق, Ф56 да رستاق, Ф57 да رستاق, Ф58 да رستاق, Ф59 да رستاق, Ф60 да رستاق, Ф61 да رستاق, Ф62 да رستاق, Ф63 да رستاق, Ф64 да رستاق, Ф65 да رستاق, Ф66 да رستاق, Ф67 да رستاق, Ф68 да رستاق, Ф69 да رستاق, Ф70 да رستاق, Ф71 да رستاق, Ф72 да رستاق, Ф73 да رستاق, Ф74 да رستاق, Ф75 да رستاق, Ф76 да رستاق, Ф77 да رستاق, Ф78 да رستاق, Ф79 да رستاق, Ф80 да رستاق, Ф81 да رستاق, Ф82 да رستاق, Ф83 да رستاق, Ф84 да رستاق, Ф85 да رستاق, Ф86 да رستاق, Ф87 да رستاق, Ф88 да رستاق, Ф89 да رستاق, Ф90 да رستاق, Ф91 да رستاق, Ф92 да رستاق, Ф93 да رستاق, Ф94 да رستاق, Ф95 да رستاق, Ф96 да رستاق, Ф97 да رستاق, Ф98 да رستاق, Ф99 да رستاق, Ф100 да رستاق.

Канжида (کنجده) – Истахрий матнларида – A11 да كنجده, Ф2 да كنجده ва كنجده, Ф3 да كنجده, Ф4 да كنجده, Ф5 да كنجده, Ф6 да كنجده, Ф7 да كنجده, Ф8 да كنجده, Ф9 да كنجده, Ф10 да كنجده, Ф11 да كنجده, Ф12 да كنجده, Ф13 да كنجده, Ф14 да كنجده, Ф15 да كنجده, Ф16 да كنجده, Ф17 да كنجده, Ф18 да كنجده, Ф19 да كنجده, Ф20 да كنجده, Ф21 да كنجده, Ф22 да كنجده, Ф23 да كنجده, Ф24 да كنجده, Ф25 да كنجده, Ф26 да كنجده, Ф27 да كنجده, Ф28 да كنجده, Ф29 да كنجده, Ф30 да كنجده, Ф31 да كنجده, Ф32 да كنجده, Ф33 да كنجده, Ф34 да كنجده, Ф35 да كنجده, Ф36 да كنجده, Ф37 да كنجده, Ф38 да كنجده, Ф39 да كنجده, Ф40 да كنجده, Ф41 да كنجده, Ф42 да كنجده, Ф43 да كنجده, Ф44 да كنجده, Ф45 да كنجده, Ф46 да كنجده, Ф47 да كنجده, Ф48 да كنجده, Ф49 да كنجده, Ф50 да كنجده, Ф51 да كنجده, Ф52 да كنجده, Ф53 да كنجده, Ф54 да كنجده, Ф55 да كنجده, Ф56 да كنجده, Ф57 да كنجده, Ф58 да كنجده, Ф59 да كنجده, Ф60 да كنجده, Ф61 да كنجده, Ф62 да كنجده, Ф63 да كنجده, Ф64 да كنجده, Ф65 да كنجده, Ф66 да كنجده, Ф67 да كنجده, Ф68 да كنجده, Ф69 да كنجده, Ф70 да كنجده, Ф71 да كنجده, Ф72 да كنجده, Ф73 да كنجده, Ф74 да كنجده, Ф75 да كنجده, Ф76 да كنجده, Ф77 да كنجده, Ф78 да كنجده, Ф79 да كنجده, Ф80 да كنجده, Ф81 да كنجده, Ф82 да كنجده, Ф83 да كنجده, Ф84 да كنجده, Ф85 да كنجده, Ф86 да كنجده, Ф87 да كنجده, Ф88 да كنجده, Ф89 да كنجده, Ф90 да كنجده, Ф91 да كنجده, Ф92 да كنجده, Ф93 да كنجده, Ф94 да كنجده, Ф95 да كنجده, Ф96 да كنجده, Ф97 да كنجده, Ф98 да كنجده, Ф99 да كنجده, Ф100 да كنجده.

Канкарак (کنکارک) – Истахрий матнларида – A2 да کنکارک, A2 ва A3 да کنکارک, A3 да کنکارک, A4 да کنکارک, A8 ва A9 да کنکارک, A10 да A11 да کنکارک, A11 да کنکارک, A12 да کنکارک, Ф2, Ф4 ва Ф8 да کنکارک, Ф4 да کنکارк шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарчанинг номи Кандрок (کندرک) бўлиши ҳам мумкин [BGA, IV: 116]. Бу шаҳарчанинг номини қадимий Қанғ давлати ва Сирдарёнинг қадимий номларидан бири бўлган Канка билан таққослаш мумкин [Массон, 1953: 108]. Турк дарёсининг бўйида, Худайнкатдан 1 *фарсах* масофада жойлашган шаҳарча [Ибн Ҳавқал, 1967: 523].

Кара (کره) – Истахрий матнларида – A2, A3 ва A9 да كره, Ф2 ва Ф3 да كره шакллари ҳам мавжуд. Бушанждан 4 *фарсах*да Нишопурга кетаверишда чап қўлда жойлашган. У билан катта йўл ораси 1 *фарсах*га яқин [Ибн Ҳавқал, 1967: 457].

Карабкард (کربرد) – Ҳиротга яқин ердаги бу жой номининг Истахрий матнларида – A3 ва A9 да کربرد, A10 да йўк, Ф1 да کربرد, Ф4 да کربرد, Ф6 да کربرد, Ф7 да کربرد шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасийда ҳам шу шаклда келган [Муқаддасий: 330].

Карбанж (کاربنج) – Истахрий матнларида – A2 да بارنج, A2 ва Ф6 да كاربنج, A3 да كاربنج, A4 да كاربنج, A8 да كاربنج, A9 ва A10 да كاربنج, A9, A11 ва Ф2 да كاربنج, A10 да كاربنج, A11 да كاربنج, A11, Ф2 ва Ф3 да كاربنج, Ф1 да كاربنج, Ф2 да كاربنج, Ф3 да كاربنج ва كاربنج, Ф8 да كاربنج ва كاربنج шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда унинг номи Ковбанж (كوابنج) [Ибн Ҳавқал, 2011: 32], Карбанк (كاربنك) [Йақубий, 1967: 289; Муқаддасий: 290; Идрисий, 1974: 487], Кованд (كواند) [Йақут, 1866, II: 402] ва Кованк (كوانك) шаклларида ҳам келтирилган [Ибн Ҳавқал, 1967: 447]. Хутгалондаги шаҳар, Харбоб ёки Жарйоб (Панж) дарёсидаги Арҳан кечувидан юқорида, ундан тахминан 1 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 518]. Арҳан сув кечуви Жарйоб (Панж) дарёсидан жанубдаги

Архан шахрининг ёнида жойлашган. Унинг ўрнида мавжуд бўлган шаҳар ҳозир Ҳазрати Имом Соҳиб деб аталади. Унинг қаршисида Панж дарёсининг ўнг қирғоғида Файзобод қалъаси жойлашган. Ўрта асрлардаги Карбанж шаҳри бу ердан 1 *фарсах* (6-7 км) юқорирокда, яъни кейинги асрлардаги Сарой, ҳозирги Панж шаҳри ўрнида жойлашган [Литвинский, Соловьев: 156-157].

Карбанк (كاربنك) – қаранг: Карбанж.

Карвон (كروان) – Истахрий матнларида – A10 да كروار, Ф6 да كردان, Ф8 да كرمان шакллари ҳам мавжуд. Фарғона водийсидаги ноҳия ва шаҳар, Ахсикатдан унинг чегарасигача тахминан 7 *фарсах*, Карвон шаҳригача эса 9 *фарсах*, у Косондан 4 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 524]. Бу ноҳия Наманган вилоятидаги Чуст туманининг шимолий қисмида жойлашган, у ерда ҳозир ҳам Карвон номли қишлоқ бор [Беленицкий, Бентович, Большаков: 203, 219].

Карвон работи (رباط كروان) – Ғазнадан 7 *марҳала* масофада, Журжон чегарасида, Ғазна шаҳридан 7 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар [Байхаки: 765].

Кардакар дарвозаси (باب كردكار) – Бинкатдаги бу дарвоза номини Ибн Ҳавқал Боб Бокардижок (باب باكرديجاق) [Ибн Ҳавқал, 2011: 74], Муқаддасий Дарб Баркарджо (درب برکردجا) шаклида қайд этган [Муқаддасий: 276]. Бу дарвозанинг номи ҳам кичрайтириш маъносини билдирувчи туркий -çiq (-çuq, -çaq) ёки -jîq (-juq, -jaq) аффикси ёрдамида ясалган.

Кардар (کردر) – Истахрий матнлари – A2 ва A9 да کردر, A3 да قردر, A4, A10 ва A11 да كردن, A9 да كردان, A10 да كر, A11 да كردى, A12 да كردب, Ф2, Ф3 ва Ф4 да كردان шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг ўнг соҳилида ҳозирги Кегайлидан 10 км ғарбда жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Ҳайвонқалъа деб аталади.

Кардаранхаш (کردران خواش) – бу дарё номининг Истахрий матнларида – A8 да ودران خواش, A8 ва A9 да كودار خوس, A11 да كودار حواس ва كردر حواس, Ф2 ва Ф3 да كودار حواس шакллари ҳам мавжуд.

Кардаранхаш (کردران خواش) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да كودار, A8 да كواردار, A10 да لودان وخاش, A11 да كردان حواس ва كردار حواس, Ф1 ва Ф8 да خاص, Ф2 ва Ф3 да كردان. Амударёнинг чап соҳилида жойлашган шаҳар.

Кария (كريه) – асарда фақат шу номли ариқ қайд этилган. Ибн Ҳавқалда Казна (كزنه) эслаб ўтилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 36]. Хоразмда шу номли шаҳар ёки қишлоқ ҳам бўлиши керак.

Карак (كرك) – Ибн Ҳавқалда Кук (كوك) [Ибн Хауқал, 2018: 23] келтирилган. Ҳиротга яқин ерда жойлашган русток. Бу рустокнинг номи форс. «камон» (қурол) ёки турк. «мовий» маъносини англатиши мумкин [Деххуда, XII: 18733-18734].

Кармағ дарвозаси (باب كرماع) – Истахрий матнларида – A10 да كوانج, A11 да كومانج, Ф1 да كرمانج, Ф2 да كوامج, Ф3 да كوامخ, Ф8 да كريمانج шакллари

ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Кармонж (باب کرمانج) [Ибн Ҳавқал, 2011: 73], Муқаддасий бу дарвозанинг номи Дарб Кармобаж (درب کرمانج) шаклида қайд этган [Муқаддасий: 276]. Унинг номи ўрта форс *gamābag*– «ҳаммом» ёки шу маънони билдирувчи янги форс гармоба (گرمايه) сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 180, 224].

Карминийа (کرمينيه) – бу русток номи Истахрий матнларида – А4 да *کرمانيه*, А8 да *دمسه*, А9 да *دمسه*, Ф2 ва Ф3 да *کرمينه* шакллари ҳам мавжуд. Исломдан олдин у Бодийаи Хурдак деб аталган [Наршахий, 1966: 20]. Бухородан 18 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Самъоний, 1980, X: 403]. Ҳозирги Навоий шаҳри ёнида жойлашган.

Карокин (کراکين) – бу шаҳар номи фақат Ф2 матнида келган.

Кароғ (کراغ) – Кирмондан Сижистонга йўлда Кироғон қишлоғи эслаб ўтилган (کراغان) [Ибн Хордадбех: 73].

Карран (کران) – Ғарбий Помир тоғ олди, Панж дарёсининг юқори оқимида Хутталондан шарқда жойлашган тоғли ўлка. В.В. Бартольд Каррани Рушан ёки Дарвоз ўрнида бўлиши керак деб тахмин қилган [Бартольд, 1963: 115; 1965: 320]. Бугунги кунда Рушан Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилояти таркибига кирган. Рушаннинг бир қисми Афғон Бадахшонида, Панж дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Батафсил маълумот учун қаранг: Бартольд, 1965: 320, шунингдек: Камалиддинов, 1996: 233-236; Деҳхуда, XII: 17232.

Карух (کروخ) – Истахрий матнларида – А4 ва А10 да *کرج*, А8, А9, А10 ва Ф6 да *کروح*, А11 да *کرح* шакллари ҳам мавжуд. Ҳиротдан 3 кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457]. Бу шаҳарнинг номи *карух* (کروخ) – «ҳаммом» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Деҳхуда, XII: 18299].

Касба (کسبه) – Истахрий матнларида – А2, А3 ва А12 да *کسنه*, А10 да *کشه*, А10 ва А11 да *کسه*, А11 да *کسه*, Ф2 да *کشه*, Ф3 да *کشته* Ф4 да *کشه*, Ф8 да *کينه* шакллари ҳам мавжуд. Бу қишлоқ ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Шуллуктепадан 30 км, Қаршидан эса 33 км масофада жойлашган. Қишлоқ чеккасида Касбитепа номли шаҳар харобалари мавжуд бўлиб, унинг энг пастки қатламлари ҳам милодий I-II асрларга мансуб [Массон, 1973: 29].

Касир (کثیر) – бундай шаҳарнинг мавжудлиги асарнинг фақат Ф1 матнида мавжуд, бирорта араб тилидаги матнида учрамайди. Ибн Ҳавқал асарида ҳам йўқ. Шу боис, бу таржимада йўл қўйилган хато бўлиши мумкин.

Кат (کات) – Истахрий матнларида – А8 да *کاد*, А9 да *کار*, Ф3 да *کاب* шакллари ҳам мавжуд. Кат шаҳри Фил ёки Фир деб ҳам аталган. Илк ўрта асрларда Хоразм вилоятининг пойтахти ёки бош шаҳри Кат бўлган. Бу шаҳар ҳозирги Беруний туман маркази ўрнида жойлашган [Мадаминов: 68-69].

Кахуштуван рустоқи (کاخشتوان) – Истахрий матнларида – А8 да *کاخشتوان*, А11 да *کاخشتوان* шакллари ҳам мавжуд. XII асрда шу номли қишлоқда работ

бўлган [Самъоний, 1980, X: 311]. XVII аср ҳужжатларида у Каштувон деб аталган бўлиб, ҳозир ҳам мавжуд.

Кашк (كشك) – Истахрий матнларида – A10 да لىسك, A12 да كيشك روز, Ф8 да كك روز шакллари ҳам мавжуд. Бу ном Кеш (*kiš*) ёки Каш (*kaš*) номининг кичрайтириш шакли бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 147].

Кашкан (كاشكان) – номли аҳоли Истахрий матнларида – A8 ва A9 да كاسكان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Кашкон (كشكان) шаклида келган [Ибн Хаукал, 2018: 24]. Бу сўз *кашк* (كشك) «қарға», «қора куш», «зағизгоннинг бир тури» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Кашкруд (كشك رود) – бу ном Кеш (*kiš*) ёки Каш (*kaš*) номининг кичрайтириш шакли бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 147]. Асруд дарёсининг юқори оқими шу ном билан аталган [Бартольд, 1963: 188-189; 1965: 205]. Ҳозирги Қашқадарёнинг номи Кашкруд номининг туркийлашиб ўзгарган шаклидир.

Кашмиҳан (كشميهن) – Хуросондаги бу минбар номининг Истахрий матнларида – A2 ва A9 да كشميهن, A3 да بلثمهن, A8 да كشمهن, Ф2 ва Ф3 да كسهر, Ф6 да كهر шакллари ҳам мавжуд.

Каҳ (كه) – Балхдан Бомийонга кетаверишда Марвдан 1 *марҳала*, Бомийондан 3 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457]. Унинг номи манбаларда Коҳ (كاه) [Ибн Хаукал, 2018: 33], Жа (جا), Жаҳ (جاه) ва Каҳ (كه) [Мукаддасий: 296, 346] шаклларида ҳам келади. Бу шаҳар Оқработ довони йўлида, Қалъаи Хожа қалъасининг харобалари мавжуд бўлган замонавий Деҳи Имом қишлоғи атрофида жойлашган.

Кема (سفينة) – бу ерда кема эмас, қайиқ назарда тутилган бўлса керак.

Кеш (كش) – Истахрий матнларида – A3 да كفين, A3 ва A11 да كس, A10 да كسر шакллари ҳам мавжуд. Қашқадарё водийсининг шарқий тоғолди қисмида жойлашган вилоят номи. Унинг маъмурий маркази бўлган шаҳар ҳам Кеш ёки Кэш деб аталган. Қадимги Кеш шаҳри ҳозирги Китоб шаҳри ўрнида бўлган. X асрдан кейин шаҳар маркази аста-секин жануб томонга Шаҳрисабз ўрнига кўча бошлаган. Амир Темурдаврида Кеш номиўрнига Шаҳрисабз номи ишлатила бошланган.

Кеш дарвозаси (باب كش) – Бинкатнинг бу дарвозаси Ф1 матнида كسير шаклида келган. Ибн Ҳавқалда Боб Касир (باب كثير) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 73].

Кеш дарвозаси (باب كش) – Насафнинг бу дарвозаси Шуллуктепа қалъа деворининг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, ундан Кеш йўлига чиқилган. Истахрийнинг A8 матнида كس шакли мавжуд.

Кирмон (كرمان) – Эроннинг жанубида, Форс ва Сеистон орасида, Аҳваздан Широэга кетишда жойлашган вилоят [Йакут, 1866, IV: 263-267; Ибн Хордадбех: 72-73]. Араб географлари бу Кирмонни Ерни обод қисмининг учинчи иқлимга жойлаштиришган [Ибн Руста, 1967: 97]. Кирмон ерининг

жануб томонидан Ҳабашистон денгизига (بحر الحبشى), яъни Ҳинд океанига чиқилган [Масъудий, 1967: 51]. Кирмон вилоятининг умумий майдони 180 *фарсах* атрофида бўлган [Ибн Хордадбех: 67; Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 205]. Кирмон вилоятининг бош шаҳри Сиражон (Ширажон ёки Сиракон) бўлган [Йақубий, 1967: 56]. Ҳиротдан Кирмонга қадар аҳоли яшаш жойлари бўлмаган, фақат қудуқлардан иборат чўл ястаниб ётган [Ибн Руста, 1967: 173]. Кирмон сўзининг аниқ этимологияси маълум эмас. Бу жой Карман (كرمان) шаклида ҳам тилга олинади [Самъоний, 1980, X: 400-401]. Кирмон/Кармон вилояти номи шу сўздан олинган бўлиши мумкин [Мурзаев, 1984: 271]. Лекин, сўзнинг охири қисмидаги *-man* бу топонимнинг эрон тили билан алоқадорлигига далолат қилиши мумкин. Бугунги кунда, Эроннинг жануби-шарқий қисмида Кирмон номи *остон* (استان) ва шу номдаги маъмурий маркази билан мавжуд [Бартольд, 1971: 140-141].

Кит (كيت) – Истахрий матнларида – A5 да *چیت*, A8 ва A9 да *حیت*, A10 да *کيب*, A10 ва A11 да *حب*, A11 да *حسه*, Ф1 да *خوارزم جيت* шакллари ҳам мавжуд. Кўхна Урганчдан 22 км жанубда жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Пулжой деб аталади.

Кобарун (کابرون) – Базғисдаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – A2 ва A3 да *بحارون*, A2 ва A3 да *كافورن*, A3 да *محارون*, A8 да *بحامرون*, A9 да *كارون*, Ф2 да *كارون*, Ф3 да *کايرون* ва *کافرون* шакллари ҳам мавжуд.

Кобул (کابل) – Истахрий матнларида – A8 ва A9 да *کابل*, Ф6 да *بل* шакллари ҳам мавжуд. Бу ўлка Кобулистон (کابلستان) деб ҳам аталган ва унга Буст, Ғазнин ва Сижистонни ҳам қўшишган [Муқаддасий: 297]. Ибн ал-Фақиҳ Кобулни иккинчи иқлимга киритган. Кобул Кирмон, Заранж, Бомийон, Андароб ва Тохаристон билан чегарадош бўлган [Ибнал-Фақиҳ, 1967: 322]. Ҳинд дарёсининг ўнг ирмоғи бўлган Кобул дарёси водийсини ва ғарб томондан Ҳиндикушгача қўшилиб кетган худудларни қамраб олган мустақил мулк ва шу номдаги шаҳар.

Колавун (کالوون) – Базғисдаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – A2, A10, Ф2, Ф3, Ф6 ва Ф8 да *کالون*, Ф4 да *کالزون* шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да Котун (کاتون) номи тилга олинган [Худуд ал-Олам, 1970: 104].

Косон (کاسان) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да *قائاث*, A8 ва A9 да *قاصاب*, A11 ва Ф8 да *قاسان* шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Кошон (کاشان) шаклида ҳам келтирилган [Табарий, 1881, II: 1256; Йақут, 1866, IV: 227]. Бу шаҳар Ахсикатдан 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 524]. Исломга қадар Косон Фарғонанинг пойтахти бўлган. Бу шаҳар номининг негизида *кушон* этноними ётади, у эса хитой манбаларидаги усун этнонимининг тухорча номидир [Бернштам, 1952: 233]. Унинг номи суғдча *k's*– «чўчка» ёки хоразмий *k's*– «оғир», «қийин» сўзларидан бири билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин [Лурье, 2004: 69, 235]. Косон харобалари ҳозирги Фарғона

вилоятидаги Косонсой шаҳар ёнида жойлашган бўлиб, унинг марказий қисми Муғқўрғон деб аталади [Бартольд, 1963: 219].

Косон дарвозаси (باب كاسان) – Ахсикат шаҳридаги бу дарвоза номи Истахрийнинг А10 матнида حاسان шаклида келган.

Косон дарёси (نهر كاسان) – Истахрий матнларида – А3 да كاسار, А4 ва А10 да كاسان шакллари ҳам мавжуд. Бу дарё ханузгача Косон деб аталади.

Котиб (كاتب), кўп. *куттаб* (كتاب) – сўзма-сўз «ёзувчи», «ёзиб ўтирувчи», яъни кўчирувчи, мирза. Илк ислом даврида «котиб»лар деб Муҳаммадга (сав) тушган ваҳийларни, унинг фармойиш ва хатларини ёзиб боровчи саводли кишиларни айтишган. Кейинчалик бошқарув тизими такомиллашиб борган сари девон ходимларидан бошқармалар бошлиғигача бу ном билан аталган.

Кукин(كوكين) – Марв маъмурий бирлиги чегарасида жойлашган бу шаҳар номи Ибн Ҳавқалда Лавкарин (لوكرين) [Ибн Хаукал, 2018: 19], Муқаддасийда Лавкар (لوكر) ёки Лавкаро (لوكر) [Муқаддасий: 299, 314] дейилган.

Кукон (كوكان) – Хуросондаги рустоқ номи. Ўрта асрлар Эронида шу номдаги бир нечта қишлоқ бўлгани маълум [Деххуда, XII: 18735].

Кундадарам (كنددرم) – Жузжондаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А8 да كندورم ва كندوزم, А8 ва А9 да كندورم, А8 ва А10 да كندورم, А10 да كندوروم, А10 ва Ф8 да كندوروم, А11 да كندورم ва كندوم, Ф2, Ф3 ва Ф4 да كندرم, Ф6 да كندزم, Ф8 да كندر шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Кундарам (كندرم) [Ибн Хаукал, 2018: 28].

Кундур (كندر) – Истахрий матнларида – А10 да كنده, А11 ва Ф2, Ф3 да كندر, Ф4 ва Ф6 да كندرم, Ф8 да كهر шакллари ҳам мавжуд. Нишопур вилояти Бушт (بشت) *ноҳийаси* Турайшиш (تريشيش) ёки Туршиш (ترشيش) яқинидаги қишлоқ [Самъоний, 1980, X: 483; Йақут, 1866, IV: 309]. Ҳозирги пайтда Нишопурдан жанубда Кондор номли қишлоқ бор.

Куркат(كركت) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А11 да كوكب, А2 ва А3 да كدك ва كوكا, А4 ва А9 да لولب, А5 да كوركس, А8 ва А9 да كركد, А10 да لربل ва كركت, А11 да اركت, Ф2 ва Ф7 да كوكت, Ф3 ва Ф4 да كوكب, Ф8 да كركت шакллари ҳам мавжуд. Курдакат (كردكت) шаклида ҳам учрайди [Муқаддасий: 49, 265]. Куркат ҳозир ҳам шундай аталади. Унинг яқинида антик даврга оид Ширин шаҳар харобалари мавжуд [Негматов, 1957: 22]. Қадимги Кирополь харобалари Ўратепа туманидаги Нижанисойнинг чап қирғоғида Хавотоғ номли ерда жойлашган бўлиб Нуртепа деб аталади [Беляева, 1990: 80-82].

Куфо (كوف) – Базғисдаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да كوه, А3, А8, А9 ва А10 да كو, А10 да كور шакллари ҳам мавжуд.

Куфр диёри (دار الكفر) – араб., «кофирлар мамлақати», яъни ислом динига эътиқод қилмайдиган ғайридинлар мамлақати.

Кучағ (كوجاغ), қаранг: **Журжонийа**.

Кушак (كوشك) – Истахрий матнларида – A2 да كوسند, A2 ва A3 да كوسك, A3 ва A9 да كوسند, A5 да كوسد, A8 да كوسن, A10 да كوسها, A10, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да كوسف шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да Кужд (كوژد) келтирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 104]. Бу шаҳарнинг номи *кушк* (كوشك) – «сарой», «қалъа», «шаҳар ташқарисидаги уй» сўз билан боғлиқ бўлиши мумкин [Деххуда, XII: 18721].

Кушмайҳан (كشميهن) – Истахрий матнларида – A4 да كشمهه, A8 да كشميون, A9 да كشميهه, A10 да كشمهن, A11 да كشمهم, Ф2, Ф3 ва Ф6 да كسمهр ва كسم, Ф8 да كشميهن шакллари ҳам мавжуд. Марвдан Амул йўлида 1 *марҳала*да жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 456; Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 325]. XII асрда у қадимий қишлоқ деб ҳисобланган ва хароба ҳолатида бўлган [Самъоний, 1980, X: 436]. Бошқа манбаларда Кушмоҳан (كشماهن) шакли ҳам келган [Ибн Хордадбех: 64; Йақубий, 1967: 51; Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 325]. Бугунги кунда унинг ўрнини Эски Марвдан 20 км шимоли-шарқда Кешман-тепа деб айтилади [Беленицкий, Бентович, Большаков: 168].

Кушна ариғи (نهر كشنه) – Истахрий матнларида – A11 да كيشه ва سنه, Ф2 ва Ф3 да بسنه шакллари ҳам мавжуд. Бухорода шу номда қишлоқ ҳам мавжуд. Бу ариқ Суғд дарёсидан ажралиб қишлоққача оқиб келади.

Кушонийа (الكشانية) – Истахрий матнларида – A2, A4, Ф1 ва Ф4 да كيسانيه, A10 да الكيسانه, A10 ва A11 да الكسانه, Ф1 да كسانی ва كاسان, Ф8 да كشانى, A10 да الحسانه, A11 да الكسانيه шакллари ҳам мавжуд. Самарқанддан 12 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Самъоний, 1980, I: 171]. Манбаларда унинг номи Кушон (كوشان) [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 325] ва Кушоний (كشاني) шаклларида ҳам қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 113]. Бу шаҳарнинг харобалари Каттакўрғон ёнида жойлашган [Бартольд, 1963а: 191].

Куғанобоз (كوغاناباد) – Базғисдаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – A2 да كرعناباد, A3 ва A8 да كرعنناد, A3 ва A9 да كوعناد, A8 да كوعنناد, A9 да كوعناباد, A10 да كرعناباد ва كوعناباد, Ф2 да كوى عماباد, Ф3 да كوى عماياد, Ф4 да كوى عماباد, Ф6 да كوى عماداباد, Ф8 да كوى كوغاناباد шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасийда Куғанобоз (كوغاناباد) [Муқаддасий: 298, 308].

Куҳак (كوهك) – форс., «кичик тоғ» демақдир. Ҳозир бу тоғ Чўпонота деб аталади.

Куҳак дарвозаси (باب كوهك) – бу дарвоза Самарқанд рабади деворининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. У орқали Куҳак тоғи (ҳозирги Чўпонота) ёнига чиқилган. Кейинги асрларда Зарафшон дарёси ҳам айрим манбаларда Куҳак номи билан аталган.

Куҳисим (كهسيم) – Истахрий матнларида – A2 да كره سيم, A3 да كره سر, A9 да كره سيم, A10 да لهسيم, A11 да كهشيم, A12 да كوت سيم ва هسيم, Ф2, Ф3 ва Ф7 да كهشم, Ф4 да كهشم, Ф8 да كوه سيم шакллари ҳам мавжуд. Шош дарёси ва Илак дарёси орасида, Туккат ёнида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Бу

шаҳарчанинг харобалари Оҳангарон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги Нишбошсой бошида Қурама тоғлари ёнбағрида жойлашган бўлиб, Қўрғонтепа деб аталади [Буряков, 1965: 28-30; 1975: 115-124].

Лабан (لبان) – бу ўлка номи Истахрийнинг А11 матнида لسان шакли мавжуд. Ибн Ҳавқалдан бошқа манбаларда бундай ном қайд этилмаган.

Лаваканд (لاوكند) – Истахрий матнларида – А3 ва А9 да لاوكد, А4 да ابركد, А11 да لاوكيد, لاوكيد, لاوكد ва لوكد, Ф2 ва Ф7 да ابركد, Ф4 да ابركد, Ф6 да لاكد, Ф8 да لاوكد, سوكنار, دلاوكد ва بيوكد шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда бу шаҳар номи Ливаканд (ليوكند) шаклида ҳам келади [Ибн Ҳавқал, 1967: 518]. Бу шаҳарнинг аниқ жойлашган ўрни аниқланмаган. В.В. Бартольд уни Сангтуда қишлоғи яқинида деган [Бартольд, 1963: 119]. А.М. Беленицкий унинг жойлашган ўрнини Қовунтепада бўлган деб ҳисоблайди ва Қўрғонтепадан 10 км масофа тепада, катта ферма хўжалигининг худудини кўрсатади [Беленицкий, Бентович, Большаков: 181].

Лажро (لجرا) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да لجوا, А2 ва А3 да لحرأ, А4 да بحما, А10, Ф4 ва Ф6 да بحرا, А11 да لحوأ, Ф4 да مريار, Ф8 да بحرا шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал Нажро (نجرا) шаклида [Ибн Хауқал, 2018: 33] ва Муқаддасий Бомийон шаҳарлари орасида Лахроб (لخراب) [Муқаддасий: 50, 296] деб келтирилган шаҳарни эслаб ўтади.

Ливаканд (ليوكند) – қаранг: **Лаваканд**.

Мабанкат рустоқи (رستاق مبانكث) – Кешдаги бу рустоқ номи Истахрий матнларида – А10 да مبانلس, А11 да مبانكس шакллари ҳам мавжуд.

Мавло (مولى), қўп. *маволи* (موالى) – араб., сўзма-сўз «жаноб», «ҳомий», «озод қилувчи». Бу атамани илк ислом даврида «жаноб» маъносида кенг қўлланилган. Шу атама билан араб бўлмаган, исломни қабул қилган ва араблар ҳимоясида бўлган кишиларни атаганлар. Аббосийлар даврига келиб араб ва ажам орасидаги ҳуқуқий нисбат тенглашгач бундай ижтимоий гуруҳ сифатида ўз аҳамиятини йўқотади, фахрли ном сифатидагина сақланиб қолади.

Мадва (مدوا) – Истахрий матнларида – Ф2 ва Ф3 да مدوانه шакли мавжуд. XV асрда унинг номи Мазу (Маду) шаклида қайд этилган [Бабур-наме: 88-89]. Ушдан 2 *фарсах* [Ибн Ҳавқал, 1967: 514, 524] ёки 6 *мил* масофада жойлашган [Идрисий, 1974: 708]. Унинг харобалари Уш шаҳридан 12 км шарқда Мадидулоқ дарёсининг чап қирғоғидаги қишлоқдан 15 м баландликда жойлашган бўлиб, Мадидеб аталади [Заднепровский: 153].

Мадина дарвозаси (باب المدينة) – Бунжикат ички шаҳристонидеги бу дарвоза номи Истахрийнинг форсча Ф8 матнида شهرستان шаклида келтирилган.

Мадина дарвозаси (باب المدينة) – Кешдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларидан Ф1 ва Ф6 да شارستان шакли ҳам мавжуд.

Мадина дарвозаси (باب المدينة) – Ҳирот дарвозаларидан бири.

Мадина дарвозаси (باب مدينة) – Нумижкат шахристониинг дарвозаларидан бири. Истахрий матнларида – Ф1, Ф4 ва Ф8 да شهرستان шакли ҳам мавжуд.

Мадра (مدري) – Хоразмдаги бу шаҳарни Самъоний Мадра Кос (مدري كاش) шаклида қайд этган [Самъоний, 1980, I: 285].

Мадра дарёси (نهر مدري) – асарда шу номда шаҳар ҳам қайд этилган. Истахрийнинг А11 матнида مدرون, مندىرى шакллари ҳам мавжуд.

Маж (ماج) – Бухорода исломдан олдин бўлган подшоҳнинг исми. Ибн Ҳавқалда Мох (ماخ) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 42]. X асрда масжид ва шаҳар дарвозаси унинг исми билан аталган. Маж масжиди кейинги асрларда Мағок номи билан машҳур бўлган.

Мажусий (المجوس) – араб., «оташпарастлар», «оловга сиғинувчилар» демакдир. XII асрда Самарқандда Мажус (المجوس) номли кўча бўлган [Самъоний, 1980, X: 366].

Мазйамажкат(مذيامجكث) – Истахрий матнларида – А9 ва А11 да مذيامجكث, А11 да مذيامجكث ва مذيامجكث, Ф2 да مذيامجكث, Ф8 да مذيامجكث, مذيامجكث, مذيامجكث ва مذيامجكث шакллари ҳам мавжуд. Карминийадан 1 *фарсах* масофада Байканд йўлидан ўнгда жойлашган қишлоқ.

Мазминийа (مذمينية) – Истахрий матнларида – А10 да مدمسسه, مدمنينه ва مدمنينه, А11 да مدمنينه, А11 ва Ф1 да مدمنينه, Ф1 да مدميديه, Ф2 да مدمسسه, Ф2 ва Ф3 да مدمسسه, Ф3 да مدينه ва مدميزيه, Ф8 да ندينه ва مدمينه шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг ўнг соҳилида ҳозирги Қўнғиротдан 17 км шимолда жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Буғраҳон деб аталади.

Мазнийон (مزينان) – Истахрий матнларида – А2 да مررران, А2, А3, А8 ва А9 да مزرمان, А3 да مورران, А3 ва А9 да مورران, А4 да موبدان, А8 да مودراب, А10 да مزمان, А11 да مريان ва مريان, Ф2 да مزينان, Ф4 да خاوران, Ф6 да مريان шакллари ҳам мавжуд. Хусрав Кирд ва Сабзавордан узоқда бўлмаган қишлоқ [Тахбир, I: 225].

Мазр (مذر) – Истахрий матнларидан – А3, А4, А8, А9, А10 ва А11 да مدر шакли ҳам мавжуд. Тохаристондаги Бомийон билан чегарада энг жанубий шаҳар. Балхдан 6 *марҳала* ва Бомийондан 4 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар [ИбнҲавқал, 1967: 457]. У Балхдан 6 кунлик масофада Хулм сувининг бошланадиган ерида ва Бомийон пойтахтидан тўрт кунлик масофада жойлашган [ИбнҲавқал, 1967: 428, 447, 457; Муқаддасий: 49, 296]. Мазр шу кунга қадар ўз номини сақлаб қолган. У Ҳиндикуш тоғларидаги Оқработ довонидан шимолда, Хайбақдан Бомийонга кетишдаги йўлда жойлашган. Ўрта аср Мазр шаҳарчаси бугунги Мазрдан шимолда, шимолдан жанубга қараб кетишда йўлдан чапда жойлашган [Бартольд, 1963: 118]. Бу ҳақида батафсил қаранг: Камалиддинов, 1996: 319.

Мазрукоҳ (مذروكاه) – Тохаристондаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А4, А8, А9, А10, А11 ва Ф6 да مذروكاه, Ф2 ва Ф3 да مدر шакллари ҳам мавжуд.

Майдон қапуғи (درب الميدان) – Нумижкат рабадидаги биринчи қапуғдир. Ундан Хуросонга чиқилади.

Маймурғ (مايمرغ) – бу жой Бухоро ва Насаф орасидаги йўлда жойлашган кичик шаҳарча бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 517]. Бу шаҳарчининг харобалари Қарши вилоятидаги Косон шаҳридан 15 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, Майманактепа деб аталади [Кабанов: 67].

Маймурғ (مايمرغ) – Истахрий матнларида – A8 ва A11 да مانمرح, A10 да ماى مرع, A11 да فادمرع, ورمرع ва ماى مرع, Ф2 да فامرغ, مايرغ ва ماير نوع, Ф3 да فامرغ, ماير نوع, Ф8 да شمرغ шакллари ҳам мавжуд. Самарқанддан жануби-шарқда жойлашган Маймурғ номли русток. Самарқанддан 2 ёки 3 фарсах масофада жойлашган [Самъоний, 1980, IX: 136]. Бу рустокнинг номи авест. *tāya*– «шодлик», «яхшилик» ва суғд. *trw*– «ўрмон», «ўтлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 141].

Маймурғ (مايمرغ) – ўрта асрларда Самарқанд вилоятидаги шаҳар. Насаф вилоятидаги қишлоқ ва Термиз яқинидаги бир ер ҳам шу ном билан аталган. Ушбу Маймурғ Насаф – Бухоро йўлида жойлашган мазкур қишлоқ бўлса керак.

Манзил (منزل), кўп. *маназил* (منازل) – тўхташ жойи, бекат, станция, карвон йўлидаги карвоннинг тўхташ жойи. Бу сўз «тунаб қолиш жойи», «меҳмонхона» маъносида ҳам ишлатилган, шунингдек икки тўхташ орасидаги масофани (*мархала*)ни англатиши мумкин.

Марв ар-Руз – қаранг: **Марвруз**.

Марв Шоҳижон (مرو الشاهجان) – Истахрий матнларида – A3 да مزو, A8 ва A10 да مرو الشاهجان, A9 да مرو الشاهجاز, Ф4 да بلخ, A5 да مروروز, Ф1 да مرورود, Ф6 да مرد ва مرو шакллари ҳам мавжуд. Марв Хуросонда, яъни Мурғоб дарёсининг куйи оқимида жойлашган катта шаҳар. У Сосонийлар империясининг шимоли-шарқдаги Турк хоқонлиги билан чегарадош энг чекка шаҳар бўлган. Маъмун халифа бўлгач (198/813 – 202/818) бу шаҳарга Шоҳижон (الشاهيجان) номи қўшиб айтиладиган бўлди, яъни Шоҳ Жаҳони (شاه جهانى) – «Жаҳон шоҳи қароргоҳи» [Йақут, 1866, IV: 507-512]. Ибн ал-Фақиҳ маълумотига кўра, шаҳар бу номга эга унинг ҳукмдор мулки бўлгани сабаб бўлган [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 319]. Ўрта аср Марв харобалари Байрамали шаҳри ёнида, Туркменистоннинг Мари шаҳридан узоқ бўлмаган жойда жойлашган [Жуковский: 35-48; Массон, 1963: 7-19].

Марв Шоҳижон – қаранг: **Марв**.

Марвазий (مروزی) – Хуросондаги бу жой номининг Истахрий матнларидан A8 да المرورى шакли ҳам мавжуд.

Марвруз (مرو الروذ) – Истахрий матнларида – A3 ва Ф1 да مرو رود, A5 да مرو, A8 да مرو رود, A9 да مرو, A11 да مرو زود, Ф2 да مرود, Ф6 да الروود шакллари ҳам мавжуд. Мурғоб дарёсининг юқори оқимида, Балх йўлида,

ундан 5 *марҳала* масофада [Йақубий, 1967: 59] ва Марвдан 40 *фарсах* масофада жойлашган [Самъоний, 1980, XI: 253] Хуросондаги шаҳар ва *доира* [Ибн Руста, 1967: 97, 105]. Ибн ал-Фақиҳ маълумотига кўра, Марварузни шундай номланишига унда ҳеч қандай иншоотлар бўлмагани ва Кисро у ерга Саводдан кишиларни юборгани ва улар шаҳарни қурганлари ва ўрнашганлари сабаб бўлган [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 319]. Уни яна Марв ал-Аъло (*مرو الاعلى*), яъни Юқори Марв деб ҳам атаганлар [Қудама: 210]. Шаҳар тоғ этагида жойлашган ва унинг ёнгинасидан Марв дарёси оқиб ўтган [Худуд ал-Олам, 1970: 105]. Ўрта асрлар Марварузи Афғонистон шимолидаги Меручак ёки Боло Мурғоб ўрнида бўлган дейилади [Бартольд, 1971: 60-70; 1965: 252-256; 1963: 129, 314, 256, 276, 415, 517; Колесников, 1981: 133, 140, 144, 145, 156, 177, 178, а тажже: Bosworth 1991: 617-618; Деҳхуда, XIII: 20719].

Мардажқан (*مرداجقان*) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да *مردحمان*, А5 ва Ф2 да *مرداجوان*, А10 да *مرداحعان*, А11 да *مرداحعان*, *مدمسسه*, *مرداخقان* ва *مرداخقان*, Ф1 да *مردیگان*, Ф2 да *مردحفن* ва *مسهاد حاس*, Ф3 да *مرداحفاق*, *مردادمان* ва *ممهان*, Ф8 да *مردايختن* ва *مرداخقان* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Миздахқон (*مرداخقان*) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 35]. Амударёнинг ўнг соҳилида, ҳозирги кунда Урганчдан 30 км шарқда жойлашган шаҳар. Асар матнида шу номли рустоқ ҳам қайд этилган.

Мардақша қапуғи (*درب مردقشه*) – арабча дарб сўзи ташқи шаҳар дарвозалари ва кўчаларини билдирган. Бу қапуғ Бухорода жойлашган. Истахрий матнларида – А11 да *المردقسه*, *مرفشه*, *مردقشه* ва *اطروشه*, Ф1 да *مرفشه*, Ф2 да *سردسه*, Ф2 ва Ф3 да *بردقشه*, Ф3 да *دقینه*, Ф7 да *بروقسه*, Ф8 да *مروقمشه* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Дарб Мардкашон (*درب مردكشان*) шаклида келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 42].

Мардус (*مردوس*) – Хуросондаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А4 да *مردوش*, Ф2, Ф3 ва Ф4 да *مردومين*, Ф8 да *فردوس* шакллари ҳам мавжуд. У ҳақида яна қаранг: Бартольд, 1963: 197.

Марзбон (*مرزبان*) – паҳлавий тилидаги *marzban* сўзининг арабчалашган шакли – «чегара химоячиси», «чегара худуд ҳукмдори» [ПС: 191].

Марзбон (*المرزبان*) – бу рустоқ халифа Муътасимнинг Бағдоддаги саройида унинг хизматида бўлган Ўрта Осиёлик деҳқонлар орасида суғдлик ал-Марзбон ибн Туркаш Бақийга (*المرزبان بن تركش بقی*) қарашли бўлган.

Марзбон ибн Турксафий – X асрда Самарқанд вилоятида Марзбон номли рустоқ унга қарашли бўлиб, у Суғднинг бошқа деҳқонлари билан бирга халифа Муътасимнинг Бағдоддаги саройига хизматга таклиф қилинган эди. Маълумки, илк ўрта асрларда Суғдда ва умуман Ўрта Осиёда туркийларнинг мавқеи жуда баланд бўлиб, улар маҳаллий ҳукмдорлар ва ер эгаларининг кўпчилиги қисмини ташкил этганлар. X аср бошида Самарқандда Абу Аҳмад Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн ал-Марзбон ибн Турксафий ибн Кашир ибн

Тархун ибн Баничур ибн Ғурак ал-Бобдостоний ас-Самарқандий исмли бир муҳаддис яшаган бўлиб, у Самарқанднинг сўнгги ихшиди Ғуракнинг авлоди бўлган [Насафий: 292]. Унинг ўғли Абу Солиҳ Ахмад ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн ал-Марзбон ибн Турксафий Самарқандга қарашли шаҳарлардан бирининг амири бўлган. Унинг амакиси Абул Ҳусайн Убайдуллоҳ ибн ал-Марзбон ибн Турксафий ибн Кашир ибн Тархун ибн Баничур (Б.най.джур) ибн Ғурак ас-Самарқандий (вафоти 278/891-92 й.) [Насафий: 323]. 223/840 йилда халифа Муътасимнинг Бағдоддаги саройида Ушрусана подшоҳи Афшин Ҳайдар устидан исломдан юз ўгиргани учун чиқарилган ҳукм вақтида асосий гувоҳлар орасида Марзбон ибн Турксафий ҳам бор эди [Табарий, 1901, III: 1311].

Марсманда (مرسمنده) – Истахрий матнларида – A10 да *سمر فند* ва *سمنده*, A11 да *من سمنده* ва *مرسمنده*, Ф2 ва Ф3 да *سمنده* шакллари ҳам мавжуд. Марсманда шаҳар номи суғдча *mnspt (mrspnt)-rwc* – «ойнинг 29-куни» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 47, 198, 210]. Бу қишлоқ Дизак яқинида жойлашган бўлиб, унда ҳар йили бир кун катта бозор ўтказилиб, 100 минг динордан кўп пул айланган [Худуд ал-Олам, 1970: 115]. Марсманда шаҳри Минк номли рустокнинг маъмурий маркази бўлиб, Исфанасой водийсида Исфана қишлоғидан пастрокда жойлашган бўлиши мумкин [Негматов, 1957: 45; Беленицкий, Бентович, Большаков: 190].

Марсманда дарвозаси (باب مرسمنده) – Бунжикатдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – A10 да *سمندره*, A11 да *سملدش*, A12 да *سمنده*, *مرسمنده* ва *سمنده*, Ф2 ва Ф3 да *ان سمند*, Ф4 да *سمنده*, Ф7 да *ابن سمندر*, Ф8 да *سرسمند* шакллари келган.

Марурам (مرورم) – Хуросондаги бу водий номи бошқа манбаларда тилга олинмаган.

Марғинон (مرغنان) – Истахрий матнларида – A10 да *مرعسان*, A11 да *مرعسان*, Ф8 да *مرعنان* шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи суғдча *mrγ* – «ўтлоқ», «дарахтзор» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 142]. Фарғона водийсидаги машхур *ноҳийа* ва шаҳар [Самъоний, 1912, XII: 194; Йақут, 1866, IV: 500]. Бу шаҳар ҳозирги Марғинон ўрнида жойлашган бўлиб 2000 йиллик тарихга эга.

Марҳала (مرحلة) – «ўтиш», яъни ўрта асрларда карвоннинг бир кунда босиб ўтиши мумкин бўлган масофага айтилган [Гиргас 1881: 292]. 1 *марҳала* карвоннинг қандай ҳудуддан юришига қараб 3 дан 5 *фарсах*гача бўлган масофани ташкил қилган. Агарда 1 *марҳала*ни 6-7 км деб ҳисобланса, 1 *марҳала* 20-35 кмни ташкил қилган.

Масхарин (مسحارين) – Ушрусанада шаҳарлари бўлмаган рустоклардан. Истахрий матнларида – A10 да *محسار*, A11 да *مسحارين*, Ф1 да *مسا*, Ф2 да *مسحار*, Ф3 да *مسحار*, Ф8 да *سمنده* шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда Масхо (مسخا) [Ибн Ҳавқал, 2011: 70], Масҳо (مسحا) [Муқаддасий: 265] ва Масчо (مسجا) [Бабур-наме: 14а, 32б, 39б, 97а, 99аб] шаклида қайд этилган.

Бу ном ҳозиргача Мастчоҳ шаклида сақланиб қолган [Смирнова, 1961: 224]. Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Мастчо дарёси ҳавзасида Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари орасида жойлашган. Мастчо ва Фандарё кўшилиш еридан кейин дарё Зарафшон деб аталади. Бу рустоқ шарқдан ғарбга қараб тоғ музликларидан тортиб Оббурдон қишлоғига қадар чўзилган [Негматов, 1957: 47].

Мау дарвозаси (باب الماء) – араб., яъни Сув дарвозаси. Ушдаги бу дарвоза номи Истахрийнинг Ф1 матнида آب шакли ҳам мавжуд.

Машрик (المشرق) – араб., аслида бу сўз «күёшнинг чиқиш ери», яъни «шарқ» маъносини англатади. IX – X асрларда бу атама Араб халифалигининг шарқий қисмига кирувчи барча ерлар, яъни Ироқдан шарқда Син (Кошғар ва Шарқий Туркистон) гача бўлган худудларда жойлашган мамлакатлар ва вилоятлар (Хуросон, Тохаристон, Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона ва х.к.) ўз ичига олган [Ибн Хордадбех: 61-83, 161; Муқаддасий: 260-261].

Маъмун – Марвда 193/808 – 198/813 йилларда Хуросон ноиби сифатида, 198/813 – 202/818 йилларда халифа сифатида ҳукмронлик қилган. 204/819-20 йилдан 218/833 йилгача Бағдодда бўлган.

Меҳроб (محراب) – араб., масжиднинг ички деворига қурилган, Макка жойлашган қибла томонни кўрсатувчи безакли махсус жой. Муслмонлар жамоаси масжидга келганда шу меҳробга қараб намоз ўқиган. Меҳроб масжиднинг энг мўътабар ери ҳисобланади. У ҳақида қаранг: Большаков 1991: 166; Деҳхуда, XIII: 20373.

Мийон Кэш (ميان كاش) – Кеш рустокларидан бири.

Мийон Рузан (ميان روزان) – Истахрий матнларида – A10 да سان و خان, A11 да میان رودان, F2 да ماسان رودان, F3 да ميار و جان, F8 да میان رودان ва جزان шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасий унинг номини Мийонрудийа (الميانرودية) шаклида қайд этган [Муқаддасий: 262]. Бу ном форс тилида дарёлар ораси маъносини билдиради. Бу вилоят туркча номи икки сув ораси бўлган (Бабур-наме: 76, 86, 92, 93), чунки у Норин ва Қорадарё орасида жойлашган [Бартольд, 1965: 491, 531].

Мийонкол (ميانكول) – Истахрий матнларида – A4 да مباركك, A10 да A11 да مباركك, A12 ва F4 да ميايكال, F7 да مسالك шакллари ҳам мавжуд. Мийонкол топонимининг биринчи қисми форсча мийон (ميان) – «ўрта» сўзидан иборат. Унинг иккинчи қисми кол (كال) ҳақида эса аниқ бир фикр айтилмаган. Ўрта Осиё тарихий топонимиясида қайд этилган қадимги ва ўрта эроний тиллар билан боғлиқ бўлган жой номлари таркибида бу сўз учрамайди [Словарь]. Шу билан бирга *кал/қал/гал* топоформанти келиб чиқиши туркий тиллар билан боғлиқ бўлган жой номлари таркибида учрайди. Бу сўз «дарё», «ирмоқ», «сой» маъносини билдиради [Қиямов 1989: 103]. Байканд ва Фарабр орасида иккаласидан 1 *марҳала* масофада жойлашган [Муқаддасий: 343]. Фарабр

темир йўл бекати (Фарабр шаҳри харобалари) дан 30 км шимолда Удойтепа номли катта (23 га) ўрта аср қалъасининг харобалари жойлашган [Пилипко: 186].

Мил (ميل) – минг *зиро* (1 *зиро*– 75 см) ёки 750 м га тенг узунлик ўлчови.

Мила (ميلا) – Хуросондаги бу жой номининг Истахрий матнларидан A11 да **مثله** шакли ҳам мавжуд.

Минбар (منبر) – масжидда жума намозлари вақтида имом хатибнинг ваъз қилиши учун мўлжалланган махсус баланд супа. Минбар мавжудлигининг қайд этилиши жоме масжиди бор деган маънони билдиради. Жоме масжидининг мавжудлиги эса ўз навбатида бу аҳоли масканининг шаҳар тоифасига кириши ҳақида далолат беради. Бу ерда минбар сўзини «шаҳар» деб тушуниш керак.

Минк (مينك) – Ушрусанадаги жой номи бўлиб, асарда шу номдаги русток ҳам қайд этилган.

Минк (مينك) – Истахрий матнларида – A10, A11, Ф2 ва Ф3 да **مسك**, A10 да **حبي**, A11 да **ماحى**, **مينك** ва **مشك** шакллари ҳам мавжуд. Бу рустокнинг номи суғдча *tēn(a)*– «махалла», «қишлоқ» сўзининг- *ak* суффикси ёрдамида ясалган кичрайтириш шакли бўлиши мумкин (Лурье, 2004: 125]. Минк Ушрусанада шаҳарлари бўлмаган рустоклардан. Бу русток Сирдарё ҳавзасида Туркистон тоғ тизмасидан шимолда Фарғона билан чегарадаги Сулукта, Зомбарич ва Хитой қишлоқлари атрофларидаги тоғларда жойлашган бўлиши мумкин. Унинг маъмурий маркази Марсманда шаҳри бўлган [Негматов, 1957: 45, 95-96].

Миршаб (شحنة البلدان) – араб., «шаҳарларнинг миршаблари», яъни шаҳарларда тинчлик ва тартиб сақлалишига масъул бўлган шахслар (комендант).

Мискан (مسكان) – Нақад *ноҳийасининг* бош шаҳри. Муқаддасийга кўра, Навқод ва Мискан ҳар хил шаҳар бўлган [Муқаддасий: 48, 262]. Мискан номи форсча *мис* ва *кон* сўзларидан ясалган бўлса керак. Чунки, Нақад *ноҳийаси* тоғлар орасида жойлашган бўлиб, унда олтин ва кумуш конлари кўп бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 514, 515].

Михражон (مهرجان) – Истахрий матнларида – A3 да **مهرحار** ва **مهرحان**, A9 да **مهرحاد**, A8 ва A9 да **مهربان**, A10 да **مهرحاز**, A11 да **مهرحان** ва **مهرخان** шакллари ҳам мавжуд. Асфаройиндаги шаҳарча [Самъоний, 1996: 669]. Бошқа маълумотларга кўра, Михражон Асфаройиннинг иккинчи номидир [Самъоний, 1980, I: 230; Тахбир, I: 215, 350].

Мовароуннаҳр (ما وراء النهر) – Истахрий матнларидан A11 да **النهر** шакли ҳам мавжуд. Араблар Ўрта Осиёга илк юришлар қилган вақтларда бу ерларга нисбатан икки хил атама ишлатилган: *Мо дунан-наҳр* (ما دون النهر), яъни «дарёнинг пастидаги ерлар», ва *Мо варо 'ан-наҳр* (ما وراء النهر) – «дарёнинг ортидаги ерлар». Унда «дарё» деганда Амударё назарда тутилган. IX асрда *Мо дунан-наҳр* атамаси Хуросондан шарқда, Ҳиндикуш тоғларидан

шимолда ва Амударёдан жанубда жойлашган Жанубий Тохаристон ҳудудларини, *Мо варо 'ан-наҳр* атамаси эса Шимолий Тохаристон ва Суғд ерларини англатган [Балазурий: 408]. X асрда Истахрий ва Ибн Ҳавқал Мовароуннаҳр тушунчасига факат Суғд ва Шимолий Тохаристоннинг бир қисмини киритганлар, лекин тақсимлашда қулай бўлиши учун Жайхун (Амударё) ва Вахшоб (Вахш) дарёларидан жанубда жойлашган Хоразм ва Хутталонни ҳам унинг таркибига киритганлар. X асрда Муқаддасий Мовароуннаҳр ўрнига Хайтал атамасини ишлатиб, унга Жайхун (Амударё) дан шимолдаги ерларни киритган, Хоразм ва Хутталонни эса алоҳида қайд этган [Муқаддасий: 261]. Ҳудудий жиҳатдан эса, IX асрда (Тоҳирийлар даврида) Хуросоннинг давоми сифатида [Баевский, 1980: 85; Ибн Хордадбех: 67-68; Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 97-101], IX – X асрларга келиб (Сомонийлар даврида) – алоҳида маъмурий бирлик сифатида – бу сафар Хуросон унга қарашли бўлган ҳолда [Ибн ал-Асир, VII: 182; IX: 65], XI – XII асрларда (Қорахонийлар даврида) Араб халифалиги таркибидаги Туркистоннинг бир қисми сифатида кўрилган [Кошғарий, III: 164].

Мовароуннаҳрдан Хуросонга кечув– Бағдоддан Мовароуннаҳрға олиб боровчи катта карвон йўлининг Марв – Бухоро қисмида карвонлар Амударёдан кечиб ўтганлар. Амударё эса Хуросон билан Мовароуннаҳрнинг чегараси ҳисобланган. X асрда бу сув кечувининг Хуросон тарафида, яъни Амударёнинг чап қирғоғида Амул шаҳри, Мовароуннаҳр тарафида эса, яъни Амударёнинг ўнг қирғоғида Фарабр шаҳри жойлашган.

Можон (ماجان) – Истахрий матнларида – А3, А8 ва А9 да ماحان, А10 да ماخان, Ф4 да ماچان, Ф6 да ماجان шакллари ҳам мавжуд. Марв шаҳри ва унинг ён атрофини суғорувчи тўрт каналдан бири [Йақут, 1866, IV: 378]. Шаҳар кўчаларидан бири ҳам [Самъоний, 1980, II: 12], шунингдек, Можон канали бошидаги дарвоза ҳам шу ном билан аталган [Самъоний, 1980, I: 356; III: 28]. Бу канал Ғавр қалъа шаҳар харобасининг ғарбидаги жойдан оқиб ўтган [Бартольд, 1965: 138].

Молинрустоқи(رستاق مالن) – Истахрий матнларида – А2 да مالن, А2, А10, Ф4 ва Ф6 да مالف, А3, А8 ва А9 да مالق, А3 да ماكن, А3 ва А9 да ماين, А8 да ماين, А10, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да مان, А11 да مال, Ф4, Ф1 ва Ф6 да مالان, Ф8 да مالند шакллари ҳам мавжуд. Самъонийга кўра, Молин (مالين) – Ҳиротдан икки *фарсах* масофада жойлашган, бир нечта қишлоқлари бўлган *рустоқ*дир. Ҳирот аҳолиси бу жойни Молон (مالان) деб атаганлар [Самъоний, 1980, XI: 100; Йақут, 1866, IV: 397].

Молин (مالن) – Истахрий матнларидан А10 ва А11 да مالی шакли ҳам мавжуд. Ёқутга кўра, Молин (مالين) Жайхун соҳилидаги қишлоқдир.

Молин (مالن) – Ҳиротдан бир кунлик масофада жолашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457].

Моробоз (ماراباذ) – Истахрий матнларида – А3, А8 ва А9 да ماراساد, А4, А10 ва А11 да بارباد, А8 да ماراساو, А8, А9, А10, Ф1 ва Ф6 да ماراباد, А10 да مازاباذ, А10 да بارباد, Ф6 да ماراماذ шакллари ҳам мавжуд. Ғур йўлида Астарбойондан 1 марҳала ва Ҳиротдан 4 марҳала масофада жойлашган қишлоқ [ИбнХавқал, 1967: 457].

Моҳон (ماهان) – Марвдаги бу масжид номининг Истахрий матнларидан – А8 ва А10 да ماهاننى шакли ҳам мавжуд.

ал-Мураббаъа ас-кабира (المربعة الكبيرة) – Нишопурдаги бу бозор номининг Истахрий матнларида – Ф1 ва Ф6 да چهارسوى بزرگ шакли ҳам мавжуд. Сўзма-сўз «Катта тўртбурчак [майдон]» маъносини англатади.

ал-Мураббаъа ас-сагира (المربعة الصغيرة) – Истахрий матнларидан А5 да معمر, Ф6 да эса چهارسوى کوچک шакллари ҳам мавжуд. Сўзма-сўз «Кичик квадрат [майдон]» маъносини англатади.

Мунк (منك) – Истахрий матнларида – А2 да فنل, А2, А3 ва А8 да ميل ва هل, А3 да منبل, А3 ва А8 ва А9 да فنل, А9 да منك, А11 да مل, مند, شم ва مثل, Ф1 да منگ, Ф2 ва Ф3 да شورمنك ва مکه, Ф8 да مشك шакллари ҳам мавжуд. Хутгалондаги шаҳар [Йакут, 1866, II: 402]. Х асрда у Хуросоннинг энг катта шаҳри бўлган. Шаҳарда ҳаёт қушонлар давридан мўғуллар давригача давом этган. Мунк шаҳрининг харобалари Қизилсув дарёсининг юқори оқимидаги Оби Мозор дарёсининг ўнг қирғоғида, ҳозирги Ховалинг қишлоғидан 1 км шимоли-ғарбдаги Хонақо ва Шаҳри Минг қишлоқлари ҳудудида жойлашган [Беленицкий: 128 – 129].

Мурғоб (مرغاب) – Мурғоб дарёсининг бошланадиган ери деб келтирилган бу жой номининг Истахрий матнларидан А8 да مرواب шакли ҳам мавжуд.

Мурғоб дарёси (نهر مرغاب) – Марв Шоҳижон дарёси. Истахрий матнларида – А4 ва А10 да مرعاب, А8 да مراب, А9 да مرواب шакллари ҳам мавжуд. Марв шаҳри ва рустоқларидаги барча ариқлар шу дарёдан сув олган. Бу дарё Бомийон тоғларидан бошланган ва Марвга етиб келгунича Ғаржистон ва Марваруд вилоятларидан оқиб ўтган. Айтилишича, бу дарёнинг номи *мурғи об*, яъни «қушдарёси». Бошқа маълумотларга кўра, Мурғоббу Мавроб, яъни «Марвдарёси»нинг хато шаклидир [Жуковский: 68]. *Мурғ* ёки *марғ* яна «қалин ўрмон» маъносига ҳам эга. Бу дарё ўз номини бугунги кунда ҳам сақлаб қолган ва Мурғоб деб талаффуз қилинади.

Мусаййибийа (المسيبيه) – бу тангаларнинг кўриниши *гитрифий* дирҳамлари билан бир хил бўлган, лекин уларда кумушнинг миқдори яна ҳам кўпроқ бўлиб, унинг нисбати 70 % ни ташкил этган.

Мусо Ризо ўғли Али(153/770 – 203/818) – шиалар 12 имомининг 8-си. У Мадинадан, қоратанли эфиопияликлардан бўлган. Халифа Маъмун унга катта эҳтиромда бўлган, унга ўз кизини эрга берган, ўз меросхўри деб эълон қилган ва унинг исмини динор ва *дирҳам*ларга туширган. У хаттоки Аббосийлар

сулоласининг қора кийимини яшил рангга, Муҳаммад (сав) авлоди рангига ўзгартирган. Али ибн Мусо Тус шахрида вафот этади ва Маъмуннинг отаси Ҳорун ар-Рашид ёнига қўйилади [Зирклий, V: 178].

Мушк (مشك) ёки *миск* (مسك) – араб., ипор, уфор, мускус деб ҳам аталади – ҳайвон ёки ўсимликларнинг ўткир хидли моддаси, атир-упа (парфюмерия) саноатида ишлатилади. Бегруний маълумотида кўра, ҳинд тилида у *кастури* (كستوري) турк тилида *ипор* (اييار), хоразм тилида эса *актбанжал* (اكت بنجل) деб аталган. Мушкнинг турк ва ҳинд навлари бўлган [Бегруни, 1973: 810-811].

Муъаскар (المعسكر) – Нишопурдаги бу жой номининг Истахрий матнларида – A10 да العسكر, Ф1 да لشكرگه, Ф3, Ф4 ва Ф6 да لشكرگاه шакллари ҳам мавжуд. араб., «лагерь», «ҳарбий лагеръ» маъносида. Бу ерда, тахминан, ҳарбий бўлинма уйларга жойлаштирилган бўлса керак.

Муътамид – Аббосийлар сулоласига мансуб халифа, 236/870 – 279/892 йилларда Бағдодда ҳукм сурган.

Муъгасим – Аббосийлар сулоласига мансуб халифа, Ҳорун ар-Рашиднинг Морида исмли самарқандлик турк хотинидан бўлган ўғли, 218/833 – 227/842 йилларда Бағдодда ҳукм сурган.

Муғкада дарвозаси (باب معكده) – Куба шахридаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида A10 ва A11 да معكده шакли ҳам мавжуд. Бу сўз «муғларнинг қароргоҳи» маъносини билдиради.

Муғкан (مغان) – Истахрийнинг A11 матнида معكان шакли мавжуд. Бухородан 5 *фарсах* масофада Байканд йўлидан 3 *фарсах* ўнгда жойлашган қишлоқ.

Муғон йўли қапуғи (درب سكه مغان) – *муғ* деганда, оловга сиғинувчи ўтпарастрлар ёки зардушт динига эътиқод қилган одамлар тушуниланган. Араблар уларни *мажусийлар* деб атаганлар. Бухоро қапуғларидан бири.

Муҳаммад ибн Тоҳир – Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир – Хуросон амирлари бўлган Тоҳирийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори, 239/862 – 248/873 йилларда Нишопурда ҳукм сурган.

Муҳаммадийа (المحمدية) – бу тангаларнинг кўриниши *гитрифий* дирҳамлари билан бир хил бўлган, лекин уларда кумушнинг миқдори кўпроқ бўлиб, унинг нисбати 40 % ни ташкил этган.

Муҳр дарвозаси – қаранг: **Бану Асад дарвозаси**.

Навбаҳор (النوبهار) – Нумижкат шахристонидаги бу мавзе номи «янги ибодатхона» маъносини англатувчи санскритча *nava vihara* сўзларининг форсча шаклидир. Исломга қадар Балхда шу номли буддавий ибодатхона, Самарқандда эса X асрда шу номли дарвоза бўлган.

Навбаҳор дарвозаси (بابالنوبهار) – Истахрий матнларида – A3 ва A8 да نوبهار, A10 да نوبهاد, A11 да نوبهار шакллари ҳам мавжуд. Бу дарвоза исломдан аввалги Навбаҳор номли ибодатхона исми билан аталган. Бу ибодатхона

Балх шаҳрининг ташқарисида, жанубий томонида бўлган. XVII асрда Балх шаҳристониининг жанубий дарвозалари *Хожса Султон Аҳмад Хизравийа* номи ва Навбахор номи билан ҳам аталган [Ахмедов: 25]. Балх қуҳандизининг жанубий дарвозалари ҳам шундай аталган бўлиши мумкин.

Навбахор дарвозаси (باب النوبهار) – Самарқанддаги Навбахор дарвозаси шаҳарнинг ғарбий томонига қараган, манбаларда Боб ал-Ҳадид (باب الحديد) – «Темир дарвоза» деб ҳам аталган.

Навбахор қапуғи (درب النوبهار) – Нумижкат рабадидаги қапуғлардан бири.

Навдиз (نودز) – бу шаҳар номи Истахрийнинг A11 матнида *نودن* шакли ҳам мавжуд. Бу топоним суғдча *нау* «янги» ва *диз* «қалъа» сўзларидан ясалган деб тахмин қилинган эди [Бартольд, 1963: 121]. Лекин суғдча *диз* атамаси ўрта асрларда Тохаристон топонимиясида умуман учрамайди, унинг ўрнига эса шу маънони билдирувчи «қалъа» ва «ҳисор» атамалари ишлатилган. Муқаддасий Кувадийонда 4 та шаҳар ҳақида маълумот келтирган, лекин улар орасида Навдиз номли шаҳарни қайд этмаган. У қайд этган шаҳарлар ичида Бурам (بورم) номли шаҳарнинг номи диққатга сазовордир. Бу шаҳар узоқ ерда жойлашган, кенг майдонни эгаллаган, ҳавоси тоза бўлган, унда сувлар сероб, ноз-неъматлар кўп ва арзончилик бўлган [Муқаддасий: 290]. Бурам номининг араб хатидаги ёзилиши Навдиз номининг ёзилишига ўхшайди. Эҳтимол Истахрий матнида қайд этилган шаҳарнинг номи Навдиз эмас, Бурамдир.

Навканда ариғи (نهر نوکنده) – Истахрий матнларида – A2 да *بيکند*, A2, A3, A9 ва F4 да *برکنده*, A3 да *بنکند*, A9 да *دکنده*, A11 да *بوکنده*, *بوکده* ва *نوکیده* шакллари ҳам мавжуд. Навканда номи суғдча *пw* – «янги» ва *kntk* – «арик» сўзларидан ясалган бўлиб, «янги арик» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 104]. Бухоро шаҳри ичидаги ариқларнинг қолдиқ сувлари йиғиладиган шаҳар ташқарисидаги ариқ.

Навқад Қурайш (نوقد قريش) – Кешдаги бу шаҳар номининг биринчи қисми суғдча *пaw* – «янги» ва *kaθ* – «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 252]. Бу номнинг иккинчи қисми қурайш сўзидан иборатлиги шуни кўрсатадики, ўрта асрларда унда қурайш қабиласига мансуб бўлган араблар яшаган.

Нажжар Жафар (نجار جفر) – Бухородаги бу рустоқ номи Ибн Ҳавқалда Нажар Хитфар (نجار ختفر) деб келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 44].

Нажжар Жафар ариғи (نهر نجار جفر) – Бухородаги бу ариқ номи Истахрийнинг A9 матнида *نحار صص* шакли ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Нажар Хитфар (نجار ختفر) [Ибн Ҳавқал, 2011: 45]. XVII аср ҳужжатларида Хутфари кухна ариғи қайд этилган. Бухоро вилоятида Нажар Хитфар номли рустоқ ҳам бўлган.

Нажжарийа дарвозаси (باب النجارية) – Насафдаги бу дарвозанинги номини матннинг бошқа нусхаларидагидек Баб ал-Бухарийа (باب البخارية) деб ҳам ўқиш мумкин. Бу дарвоза Шулуқтепа қалъа деворининг шимоли-ғарбий

қисмида жойлашган бўлиб, ундан Бухоро йўлига чиқилган.

Нажжарийа ноҳияси (ناحية النجارية) – Насафдаги бу ноҳия номининг Истахрий матнларида – Ф1 да نجاري, Ф2 ва Ф3 да بخارى шакллари ҳам мавжуд. Бу ноҳия шу номдаги шаҳар дарвозаси олдида бўлгани англашилади.

Нажм (نجم) – Истахрий матнларида – А8 да نجم, А11 ва А12 да محم, А12 да مجم, Ф2 да بحم, Ф8 да بنحم шакллари ҳам мавжуд. Фарғона водийсидаги ноҳия, Косондан шимоли-шарқ томонда 1 кунлик йўл ёки 1 марҳала масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 524].

Нажакат (نجاكت) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да بحاف, А8, А9 да بحاف, А10 да بحامك, А10 ва А11 да بحاكت, Ф2 да يحاكس, Ф8 да بحاكت шакллари ҳам мавжуд. XV асрга оид бир ҳужжатда унинг номи Ужокат Лабиоб мулки шаклида қайд этилган [Кутбаев: 36]. Бу шаҳарча Турк (Парак) дарёсининг Шош дарёси билан қўшилиш ерида, Банокатдан уч фарсах масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 509, 523]. Бу шаҳарчанинг харобалари Чирчиқ дарёсининг Сирдарёга қуйилиш еридан 1,2 км шарқда, ҳозирги Қолганчирчиқ қишлоғидан 3,5 км жанубдаги Гуишлоқ ёнида жойлашган [Буряков, 1975: 45-47]. XX аср бошларида бу қишлоқ Улжакат деб аталган [Вяткин, 1900: Бартольд, 1963: 227].

Нажрн (نجرنك) – Фарғонадаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А10 да برئل, А11 да برلك, Ф2 да برئل, Ф3 да وئل, Ф8 да برند шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Барнак (برنك) шаклида ҳам келади [Ибн Ҳавқал, 1873: 395; Муқаддасий: 48, 262, 272].

Назар (نظر) – мушоҳада, назарий қараш. *Калом* илмида *назар* деб асосан маълум нарсдан мавҳум нарсага олиб борувчи мушоҳада англашилган ва маънодош сифатида *бахс*, *фикр*, *тафаккур*, *истидлол* сўзлари ишлатилган. Шу боисдан ҳам бу йўналишни *илм ан-назар ва-л-истидлол* деб аталган [Ибрагим, Сагадеев: 185].

Найсабур (نيسابور) – Истахрий матнларида – А3 да نساور, نساور, نساور, نساور, نساور, А4 да نيساپور, نيساپور, А9 да نساور, А10 да نيسابور, А11 да نيشاپور, نيشاپور, نيشاپور, Ф1 ва Ф4 да نيشاپور, Ф6 да اشاپور, Ф8 да نيشابو шакллари ҳам мавжуд. Бу Нишопур (نشاپور) шаҳри номининг арабчалашган шакли. Хуросоннинг жанубида, Қумисдан 9 марҳала, Марвдан 10 марҳала ва Сарахсдан 6 марҳала масофада жойлашган [Йақубий, 1967: 50; Йақут, 1866, IV: 857]. Уни яна, Абаршаҳр ёки Апаршаҳр (ابرشهر) деб ҳам атаганлар [Дашков: 266-267]. Нишопурнинг номларидан яна бири Ироншаҳр (ايران شهر) бўлган [Ибн ал-Фақих, 1967: 199, 213, 321] ёки Эрон-шаҳр (ايرانشهر) [Муқаддасий: 314; Беруни, 1976: 465].

Накалик (نكالك) – Шошдаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А3 да يكالك, А10 да نكالك, А11 да نكالك шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Таколик (تكالك) ёки Накалик (نكالك) [Ибн Ҳавқал, 2011: 73, 251]. Бу

шаҳарчанинг номи эгалик маъносини билдирувчи туркий *-liy* (*-lig*, *-lik*, *-luγ*, *-luq*, *-lug*) аффикси ёрдамида ясалган [ДТС: 656; Камолиддин, 2006: 69, 82]. Унинг биринчи қисмида туркий *teka* – «така» сўзи бўлиши мумкин [ДТС: 550]. У ҳолдабужойноминингмаъноси «такалик», яъни такаларкўпбўлган ер маъносини билдиради.

Накат бозори (سوق ناکت) – Бинкатдаги бу бозор номи фақатгина Истахрий матнларидан А10 дагина мавжуд.

Намозгоҳ (المصلی) – мусулмонларнинг ийд ал-фитр (عيد الفطر) ва ийд ал-адҳо (عيد الاضحی), яъни рамазон ҳайит ва қурбон ҳайит байрамларида жамоат намози ўтказиладиган махсус жой. Араб тилида *мусалло* (المصلی) сўзи дастлаб *масжид* (المسجد) сўзи билан бир маънода ишлатилган. Кейинчалик бу сўз фақат байрам намозлари ўқиладиган ва шаҳардан ташқарида жойлашган масжидларни англатиб, *мусалло-л-ийд* (مصلی العيد), яъни намозгоҳ деб ҳам аталган. Унда ҳар йили мусулмонларнинг байрам кунлари шаҳар аҳолисининг кўпчилиги ҳукмдорлар ва имомлар бошчилигида жамоа бўлиб намоз ўқиш учун чиққанлар. Намозгоҳларни қуриш ва тартибда сақлаш ишларини одатда шаҳар ҳокимияти амалга оширган, бунинг учун махсус вақфлар ажратилган. Намозгоҳларда байрам намозларини ўқиш анъанаси Ўрта Осиёда XX аср бошларигача сақланиб келган. Ундан ташқари ўрта асрларда қабристонлар ва аҳоли масканларидан узоқ жойлашган ерларда ҳам намоз ўқиш учун махсус очик ва ёпиқ жойлар ажратилган бўлиб, улар ҳам *мусалло* (المصلی) – «намозгоҳ» деб аталган [Петрушевский: 88-89; Большаков 1991: 174].

Намузлиғ (نموزلیغ) – Истахрий матнларида – А2 да *بموزلیغ* ва *بموزلیغ*, А3 да *بموزلیغ* ва *بموزلیغ*, А4 да *بموزلیغ*, А9 ва Ф4 да *بموزلیغ*, А10 да *بموزلیغ*, А11 да *بموزلیغ*, А12 да *بموزلیغ* ва *بموزلیغ*, Ф2 да *بموزلیغ*, Ф3 да *بموزلیغ*, Ф8 да *بموزلیغ* ва *بموزلیغ* шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да Фарғона ва Илақ чегарасида жойлашган Йаҳудлиғ (یهودلیغ) номли шаҳарча қайд этилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24a; Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Бу иккала ном эгалик маъносини билдирувчи туркий *-liy* (*-liq*, *-lig*, *-llk*, *-luγ*, *-luq*, *-lug*) аффикси ёрдамида ясадган [Камолиддин, 2006: 69-70, 83]. Уларнинг биринчи қисми *намуд* (نمود) ва *йаҳуд* (یهود) сўзларидан иборат. Қадимги туркий тилда *намуд* сўзи учрамайди. Демак, бу иккала номни йаҳуд деб ўқиш керак. Балки бу шаҳарчада яҳудийлар жамоаси истиқомат қилган бўлиши мумкин. Бу шаҳарча ҳам Илақ ва Шош дарёлари орасида, Тункатдан ғарбда 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Унинг харобалари Ангрен шаҳрининг шимоли-шарқий чеккасида, Абарлиғдан 16 км масофада жойлашган [Буряков, 1974: 41-42; 1975: 127-153].

Насаф (نسف) – Насафнинг доира ва шу номдаги шаҳарининг Истахрий матнларида – А3, Ф1, Ф2, Ф4 ва Ф8 да *نخشب*, А10 да *نسف*, А11 да *نشف* ва *نسف* шакллари ҳам мавжуд. Ўрта асрларда (IX – XII асрлар) Қашқадарё водийсининг ғарбий қисмида жойлашган энг катта шаҳар ва вилоят номи. Исломга қадар

бу ерда жойлашган шаҳар Нахшаб (نخشاب) деб аталган. Насаф номи Нахшаб номининг арабчалаштирилган шаклидир. IX асрда Насаф шаҳри Самарқанд вилоятига қараган [Ибн Хордадбех, 1967: 26], лекин хирож тўлаганда алоҳида бирлик сифатида белгиланган [Ибн Хордадбех, 1967: 38]. Нахшаб шаҳрининг харобалари ҳозирги Қарши ёнида жойлашган бўлиб, Қалъаи Заҳхоки Марон деб аталади [Массон, 1973: 21]. Ислом давридаги Насаф шаҳрининг харобалари Қаршидан 8 км шимоли-ғарбда Қашқадарёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, Шулуқтепа деб аталади. Шаҳар мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган [Лунина: 22-23]. Кебекхон ҳукмронлиги даврида (1309, 1318 – 1321 йиллар) ҳозирги Қарши шаҳри ўрнида ҳукумат саройи қурилгандан кейин шаҳар шу ерда ривожлана бошлаган. Шаҳарнинг номи энди Насаф эмас, Кебекхон қасрининг номи билан Қарши деб атала бошлаган. Қадимги туркий тилда qarsi сўзи «сарой» маъносини билдирган [ДТС: 429].

Наср ибн Аҳмад – Абул Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний, ал-Амир ас-Саъид, 250/864 – 279/892 йилларда Самарқандда ҳукм сурган.

Насронийлар Вазкард ибодатхонаси (عمر للذصاری) – бу ибодатхона ҳозирги Ургут шаҳри атрофларидаги тоғларда жойлашган. Қаранг: **Вазкард**.

Нафақа волийси (والى المعونة) – араб., «нафақа ишлари бошқарувчиси», яъни тижорий бўлмаган ижтимоий зарур фаолият билан шуғулланувчи шахсларга давлат томонидан бериладиган нафақаларни тақсимловчи ва тайинловчи амалдор.

Нашатир (النوشادر) – араб. нашатир. Ўрта асрларда нашатир фақат Сицилия ва Мовароуннаҳрда олинган. Зарафшон дарёси юқори оқими хавзасидаги Рават қишлоғидан 2,5 км шимолда Яғноб дарёсининг ўнг томонидаги Фантоғ (Контоғ) тепасида, дарёдан 1100 м баландликда қадимги нашатир кони жойлашган. Бу ердаги нашатир кони қадимги юнон ва хитой манбаларида ҳам қайд этилган. Нашатир ҳақида қаранг: Каримова: 86-90.

Нашин (نشین) – Истахрий матнларида – A2 да بسر, A3 да سير, A4 да سير, A8 да نسر, A8 ва A9 да سر, A10 да تستر, A11 ва Ф6 да بسن, Ф2 да بشین, Ф3 да بشتن, Ф4 да بشن шакллари ҳам мавжуд. Ғаржистондаги шаҳар. Унинг номи бошқа манбаларда Башин (بشین) [Ибн Хаукал, 2018: 29] Абшин (ابشین) [Мукаддасий: 309], Пишин (پشین) [Беруни, 1976: 467] ва Башир (بشیر) [Йақут, 1866, III: 785] деб ҳам келтирилади.

Наъмар рустоқи (رستاق نعمر) – Самарқанддаги бу рустоқнинг номи нашрларда ҳам тахминан ўқилгани кўрсатиб кетилган. Истахрий матнларида – نعمار, A11 да بسان шакллари ҳам мавжуд.

Нақад (نقاد) – Фарғона водийсидаги ноҳия, уни номи Нуқада (نقاده) [Самъоний, 1912, XIII: 162] ва Навқод (نوقاد) шаклларида ҳам қайд этилган [Мукаддасий: 48, 262]. У Кубадан шарқда 7 *фарсах* масофада тоғларда

жойлашган. Унинг бош шаҳри Нуқад ёки Мискан деб аталган ва унда бошқа шаҳар бўлмаган [Ибн Ҳавқал, 1967: 513-515, 524]. Лекин Муқаддасийга кўра, Навқад ва Мискан икки бир хил шаҳар бўлган [Муқаддасий: 48, 262]. XV асрда Фарғонада Науканд номли шаҳар қайд этилган [Бабур-наме: 72б, 109аб]. Ҳозир ҳам Ўш вилоятида Эски Навкат номли қишлоқ мавжуд бўлиб, унинг жанубий чеккасида сой бўйида ўрта асрларга мансуб харобалар жойлашган [Заднепровский: 156].

Ниса (نسا) – Истахрий матнларидан А4 да *نسا* шакли ҳам мавжуд. Хуросондаги, Тусдан Абивардгача 2 *марҳала*да жойлашган шаҳар [Йақубий, 1967: 50]. Ибн Ҳавқал Ниса (Нисо) борасида куйидаги масофани келтирган – Нишопурдан 6 *марҳала*, Марвдан 10 *марҳала* ва Абиварддан 4 *марҳала* [Ибн Ҳавқал, 1967: 454]. Араблар бу шаҳарни қўлга киритиш учун келганларида унда эркаклар бўлмагани ва аёллар уларга қарши чиққанини эшитиб араблар урушиш учун бошқа сафар келишга қарор қилганлар ва бу шаҳарни *мадинат ан-ниса* (مدينة النساء), яъни «аёллар шаҳри» деб номлаганлар ва шу ном кейинчалик ҳам сақланиб қолган [Самъоний XIII: 95]. Бу ривоятдан, шаҳарнинг асл номи ўрта асрлардаёқ унутилгани маълум бўлади. Кўҳна Нисо (Эски Нисо) ва Таза Ниса (Янги Нисо) қадимий ва ўрта аср Нисо шаҳрининг қолдиқлари ҳисобланади ва Ашхабоддан 18 км шимоли-ғарбда, Бағир қишлоғи чеккасида жойлашган [Массон, 1949: 16-106; Вязьмитина 1949: 147-169].

Ноҳийа (ناحية) – араб., сўзма-сўз «йўналиш», «томон», шунингдек солиқ-бошқарув бирлиги, янада йирикроқ бирлик бўлган *кура* (كوره) ёки *вилаят* (ولاية) – «вилоят», солиқ дафтарларида *амал* (عمل) атамаси билан қайд этилган. Араб манбаларида яна *рустоқ* (رستاق) – форс. *руста* (رستا) – «атроф», «қишлоқ жой», «қишлоқ» маъноларини англатган «қишлоқ доираси», яъни хўжалик жиҳатидан бир яхлит гуруҳни ташкил этган атама ҳам ишлатилган. Бу атама ўз маъносига кўра, *ноҳийа* атамасига мос келади. Ўрта Осиёда мўғуллар босқинидан кейин бу ном ўрнига *туман* (تومان) атамаси қўлланила бошлаган [Бабингер: 906; Деххуда, XIV: 22077].

Нубоғ(نوباغ) – Бухородаги бу қишлоқнинг номи форсчада «амирнинг янги боғи» маъносини билдиради. Истахрий матнларида – А11 да *برفاع الامير*, Ф2 да *برواغ*, Ф3 да *برفاع* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Нубағ ал-Амир (*نوباغ الامير*) [Ибн Ҳавқал, 2011: 46].

Нужкат (نوجكت) – Истахрий матнларида – А10 да *بوحك*, А12 да *بوحكت*, Ф4 да *نوحك*, Ф7 да *بوحكت* шакллари ҳам мавжуд. Ушрусанада ҳам шу номли шаҳар бўлган. Суғд тилидаги ҳужжатларда бу шаҳар *nwcknd* шаклида қайд этилган бўлиб, унинг номи суғдча *nw(c)* – «янги» ва *knd* – «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 51, 62, 91, 99]. Бинкатдан 1 *фарсах* масофада, Тункат йўлида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Бу шаҳар ҳозирги Тошкент

шахридан жанубда, Чирчиқ дарёсидан 0,5 км масофада жойлашган Хонобод харобалари ўрнида бўлган деб тахмин қилинган [Массон, 1953: 41-42; Буряков, 1975: 69-72].

Нужкат (نوجکت) – суғд манбаларида унинг номи *nwcknd* - 'k шаклида қайд этилган [Лурье, 2004: 51, 62, 91, 99, 191]. Истахрий матнларида – A2 да بوحکت, A2 ва A3 да بوحکت, A3 да بوحکت, A4 ва Ф4 да بوحکت, A8 ва A9 да بوسلت, A9 да بوحکت, A10 да بوحلت, A11 да بوحکت, Ф2 ва Ф3 да بومحکت, Ф4 да بومحکت, Ф8 да لوحکت шакллари ҳам мавжуд. Чоч вилоятида ҳам шу номли шаҳар бўлган [Муқаддасий: 264; Худуд ал-Олам, 1970: 118]. Ушрусананинг Нужкат шаҳри ҳозирги Муғал ва Баҳмал қишлоқлари атрофларида жойлашган [Негматов, 1957: 40].

Нужкат дарвозаси (باب نوجکت) – Бунжикат рабадининг бу дарвозаси номи асар матнларида – A8 ва A9 да نوحلت, A10 да برحلت, A11 да بحت, Ф2 ва Ф3 да انحکت, Ф8 да لوحکت шакллари ҳам мавжуд.

Нужкат дарвозаси (باب نوجکت) – Исбижаб дарвозаларидан бири. Истахрий матнларида – Ф2 да بوحک, Ф3 да بوجک, Ф8 да نوجکت шакллари ҳам мавжуд. Ушрусана пойтахти Бунжикат рабадининг дарвозаларидан бири ҳам шу ном билан аталган. Чоч вилоятида ҳам шу номли шаҳар, Сирдарёнинг куйи оқими ҳавзасида эса Деҳ-и Нужикат (ده نوجيکت) номли қишлоқ бўлган [Муқаддасий: 263]. Эҳтимол, Исфижаб вилоятида ҳам шу номли шаҳарча бўлгандир, ёки бу дарвоза Шош вилоятидаги шаҳарга нисбат қилиб номланган бўлиши ҳам мумкин.

Нузвар (نوزوار) – Истахрий матнларида – A8 да نوزدوار, A9 да نعرروار, A11 да بودوان, A11 да نوزوان, Ф2 да بوران, Ф3 да يوزاق, Ф8 да لورحان ва زمخشير ва نوخاش шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг чап соҳилида Урганчдан жануби-шарқда жойлашган шаҳар. Унинг харобалари Булдумсоз деб аталади.

Нукат (نوکت) – Истахрий матнларида – A2, A8 ва A9 да بوکت, A3 да توکت, A3 да بوکت, A4 да بونک, A8 ва A9 да بولت, A10 да برکت ва بوکت, A11 да بوکت, A12 да بوکت ва بوکت, Ф2 да نومکت, Ф2 да بوکت, Ф3 да دىکت, Ф3 ва Ф8 да لومکت, Ф4 да بوکت, Ф4 да بوکت, Ф8 да بوکت шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи суғдча *nw* – «янги» ва *knd* – «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 99]. «Худуд ал-Олам»га кўра. Бинкатдан 4 *фарсах*, Тункатдан 4 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. XV аср ҳужжатларида Шош вилоятида Наукат (نوکت) номли қишлоқ қайд этилган [СД: 268, 269]. Бу қишлоқ Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, Чирчиқ дарёсининг қуйилиш еридан юқорироқдаги Унжикент қишлоғидан шимолда жойлашган [Вяткин, 1900]. Унинг харобалари ҳозирги Тўйтепа шаҳрининг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган бўлиб, Улкан Тўйтепа деб аталади. Бу ерда мавжуд бўлган шаҳар уч қисмдан иборат бўлиб, 150 га майдонни эгаллаган [Массон, 1953: 45-54; Буряков, 1975: 106-109]. Балки шунинг учун ҳам бу улкан шаҳар «Худуд ал-Олам»да «Илоқнинг бош шаҳри» деб аталгандир.

Нумижкат (نمجکت) – Истахрий матнларида –A9 да بومحکب, A10 да بومحکب, A11 да بومحکث, Ф1 да بومجکت, Ф2 да نومحکث ва Ф8 да بخارا шакллари ҳам мавжуд. Бухоро номи манбаларда VI асрдан бошлаб қайд этилган. Ундан олдинги паҳлавий манбаларда бу шаҳар Навакметан деб аталган. Нумижкат шу қадимги номнинг бузилган арабча шакли бўлиши мумкин.

Нур дарвозаси (باب نور) – Нумижкат шахристонидаги бу дарвоза Истахрий матнларида – A2 ва A3 да بون, A8 да بون, A10 да A11 да بور, Ф2 ва Ф3 да ورو, Ф4 да درد, Ф8 да نو шакллари ҳам мавжуд.

Нуқан (نوقان) –Истахрий матнларида – A8 да النوقان, A10 ва A11 да النوقان, Ф2 да نوموان, Ф3 ва Ф6 да نموقان шакллари ҳам мавжуд. Туснинг икки шаҳаридан бири [Тахбир: I: 523, 547, 551, 567, 594; Тахбир II: 90, 96, 239, 339; Самъоний, 1996: 178, 243, 435, 1174, 1208, 1234, 1268]. У тепаликлар орасида жойлашган шаҳарча [Худуд ал-Олам, 1970: 103].

Нуғкат (نغکت) – Илақдаги бу шаҳарнинг Истахрий матнларида – Ф2 да بوبک, Ф8 да بوکت шакллари ҳам мавжуд.

Нух ибн Асад ибн Сомон – Сомонхудоётнинг набираси, дастлаб Марвда бўлажак халифа Маъмуннинг хизматида бўлган, 204/819 йилда Тоҳирийлар тасарруфидага Самарқанд ҳукмдори этиб тайинланган. У ҳақида қаранг: Гардизи: 62; Самъоний, 1980, VII: 13; Ибн ал-Асир, VII: 110.

Озарбайжон дарёси (نهر اذربيجان) – бу дарё номининг Истахрий матнларида – A1 да اذربيجان, A2 да اذربيجان, A3 да اذربيجان, A8 ва A9 да ادربحان, Ф4 да ادربحان, Ф6 да ارنجان, Ф7 да اردنجان шакллари ҳам мавжуд. ИбнХавқалдаАзриджан (اذريجان) шаклидакелган [Ибн Хаукал, 2018: 23].

Ол Абу Сож – қаранг: **Абу Сож оиласи**.

Олтин (الذهب) – бу сўз қадимги сурёний *дахба* (dahba) – «олтин» сўзидан олинган. «Худуд ал-Олам»га кўра, Фарғона тоғларидан олтин, кумуш, мис, кўрғошин, аммиак, симоб, чироғсанг, феруза тоши ва магнит тоши олинган [Худуд ал-Олам, 1970: 116]. Берунийга кўра, Фарғонадаги бир тоғдан қитрон, битум, нефт, чироғсанг номли қора мум, нашатир, купорос, темир, мис, кўрғошин, симоб, кумуш, олтин ва феруза олинган [Беруни, 1973: 520]. Олтин конлари асосан 3 ерда – Ахсикат яқинидаги Косонсой водийси, Нақад тоғлари (Қуба яқинида) ва Юқори Насйа, умуман Сух водийсида тўпланган [Массон, 1953а: 27].

Орка Самажан (سامجن ما وراء) – яъни, дарё ортида жойлашган русток. Самажан сўзи суғд тилида «қора кўл» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 205, 229]. Бухородаги бу русток номининг Истахрий матнларида – A11 да سامحنماوراء, Ф2 ва Ф3 да سامجرماوراءالنهر шакллари ҳам мавжуд.

Оташхона (*байт нар* – بيت نار) – сўзма-сўз «олов уйи». Бу ерда *оташқадэ* (آتشگاه) ёки *оташгоҳ* (آتشگاه) – «зардуштийлар ибодатхонаси» назарда тутилган [Деххуда, I: 70-71; IV: 5145].

Оҳак (النورة) – бадандаги тук ва юнглари йўқотиш учун ишлатиладиган модда.

Оҳанин (أهينين) – бу кон Шош ва Илақ иқлимнинг умумий чегараси сифатида келтирилган бўлиб, бу маълумот Истахрий матнларидан фақатгина Ф1 да учради.

Панждех (پنج ديه) – Марвруздаги бу шаҳарнинг номи Истахрий матнларидан фақат Ф8 да мавжуд.

Пастки Самажан (سامجن ما دون) – яъни, дарёдан жанубда жойлашган Бухородаги рустоқ. Истахрий матнларида – А11 да سامجن مادون, Ф2 ва Ф3 да سامجر ما دون шакллари ҳам мавжуд.

Писта (الفسق) – хандон писта дарахти, меваси ёнғоқ шаклида бўлади, 300 йилгача яшайди. Бу дарахтнинг 20 дан ортиқ тури бўлиб, асосан жанубий минтақаларда кенг тарқалган. Ўрта Осиёнинг тоғли ва тоғолди минтақаларида унинг совуққа чидамли турлари ёввойи ҳолда кўп ўсади. Уни яна *ван-и кузконий* (ون كزكانىي) – «Гузгон вани» деб ҳам атаганлар [Беруни, 1973: 677-678].

Рабод (ربض) ёки *ал-мадина ал-харижа* (المدينة الخارجة) – яъни, «ташқи шаҳар» деб аталувчи шаҳарнинг чекка қисми. Ташқи шаҳарда асосан савдо ва ҳунармандчилик марказлари, бозорлар ва карвонсаройлар жойлашган [Деххуда, VIII: 11896; Рашид1995: 348-349; Куртиной 1970: 61-64]. Ҳозирги ўзбек талида бу араб атамаси «рабод» шаклида қабул қилинган. Лекин биз ишимизнинг манбашунослик хусусиятидан келиб чиқиб, матнда ва изоҳларда бу сўзни бошқа араб атамалари сингари ўзининг асл ҳолидаги кўринишида келтирдик.

Рабах ариғи (نهر رباح) – Бухородаги бу ариқ номи Истахрийнинг А11 матнида ماح шаклида келган.

Рабах қасри (قصر رباح) – араб., бу сўз «фойда», «даромад» маъносини билдиради. Бухородаги бу қаср номи Истахрийнинг А11 матнида باج шакли ҳам мавжуд.

Рабинжан рустоқи, қаранг – Арбинжан.

Работ (رباط) – араб., «отларни боғлайдиган ер» (ربط) – «боғламоқ» феълидан). Илк ислом даврида арабларнинг халифалик чегараларида душманларга қарши қурилган мустаҳкамланган таянч манзиллари шундай аталган. Уларда ғайридинларга қарши урушлар олиб борган *муробитлар* ёки ғозийлар, яъни ислом дини учун муқаддас кураш олиб борувчи жангчилар яшаган. Дастлаб (VII – VIII асрларда) работлар мусулмонларнинг чегара ерларидаги араб аскарларининг отлари турадиган истеҳкомлари бўлган [Самъоний, 1980, VI: 70]. Кейинчалик (IX – X асрларда) кўчманчи турклар ислом динини қабул қилганларидан кейин ҳарбий ҳаракатлар бошқа худудларда олиб борилди, аввал қурилган работларнинг биноларини эса одамлар карвонсарой сифатида

ишлата бошладилар. Айрим работларнинг бинолари хонақоҳлар сифатида ишлатилиб, уларда турли суфий тариқатларига мансуб зоҳидлар қўним топган [Акимушкин: 198]. Шунинг учун ўрта асрларда қурилган карвонсаройлар ҳам кўпинча «работ» деб аталган. Работлар, одатда, хусусий мулк сифатида айрим шахслар ёки диний ташкилотлар томонидан ажратилган маблағларга қурилган. Чунки бундай ишга пул тикиш кўп фойда келтирган. Шунинг учун уни очиш учун хатто ҳокимиятдан махсус рухсат олиш талаб этилган. Қурилган работлар атрофларида кейинчалик қишлоқлар вужудга келиб, уларнинг аҳолиси келиб кетувчи карвонларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланган. Бу айниқса чўл ва даштларда жойлашган работларга хос булган ҳол эди [Оразов: 93]. Хусусий работлар, одатда, уларни қурдирган шахсларнинг исмлари билан аталган. Бу ҳақида қаранг: Чабби: 510-524; Деҳхуда, VIII: 11883-11885.

Равас (راوس) – Истахрий матнларида – А11 да رواس, Ф1 да خرמיسن, Ф2 да جرمش, Ф3 да حرمش шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Заваш (زاوش) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 45]. XII асрда Бухоро вилоятида Зуш (زوش) номли қишлоқ қайд этилган, у Нур (ҳозирги Нурота) ёнида жойлашган [Самъоний, 1980, VI: 323].

Равомиз (روامز) – Хуросондаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А2 ва А3 да دواسر шакли ҳам мавжуд. Бошқаманбаларда эслабўтилмаган.

Радиҳан ариғи (نهر ريحان) – Бунжикатдаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – А10 да رديحى, А11 да روبحن, Ф1 да رويجن, Ф1 ва Ф2 да روحى, Ф8 да درعى шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Руйжан (رويجن) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 69]. Бу ариқнинг номи Рубжан бўлса, у суғдча *rwr* – «терим», «термоқ» ва *jan* – «сой», «арик» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 131, 132, 225].

Разиқ канали (نهر الرزيق) – Истахрий матнларида – А8 ва А9 да الرزيق, А10 да محره, Ф1 да زريق, Ф3 да دريق, Ф6 да دريق шакллари ҳам мавжуд. Марв ва унинг атрофларини суғорувчи тўрт каналдан бири. Маълумотларга кўра, Разиқ бу шу канални қазилишини бошқарган кишининг номига қўйилган бўлиши керак [Самъоний, 1980, I: 105].

Разила (رزيله) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 да رزيله, А2 ва А3 да بروعود, А9 да برعود, А10 да حرخان, А11 да رديبن, Ф2 да ريدبن, Ф3 да رنديبن, Ф6 да رين шакллари ҳам мавжуд. Нишопурнинг тўртдан бир қисмининг бири [Ибн Руста, 1967: 171]. Унинг узунлиги 15 *фарсах*ни ташкил этган ва кўплаб қишлоқларга эга бўлган. Айтишларича, унда 500 дан ортиқ қишлоқлар мавжуд бўлган [Самъоний, 1980, VI: 212; Тахбир II: 114].

Рай (الرى) – Мидиядаги қадимий Рага шаҳри, ўрта асрларда Жибал вилоятининг асосий шаҳарларидан бири бўлган. Илк аббосий халифалар замонида бу ерда отаси Мансур замонасида бир муддат яшаган халифа Муҳаммад ал-Маҳдий номига нисбат берилиб Муҳаммадийа деб ҳам аталган

[Йақубий, 1967: 48]. Шаҳар 1220 йилда мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Унинг харобалари Техрондан жануби-шарқда тахминан 8 км масофада жойлашган.

Рай девори (سور الری) – Истахрий матнларидан Ф6 да ارای шакли ҳам мавжуд. Ўз вақтида Страбон ҳам эслаб ўтган ва Бутун Марв воҳасини барча атроф ҳудудлари билан қамраб олган қадимий девор [Бартольд, 1965: 138]. Каспий денгизининг ғарбий соҳилида Дарбанд билан денгиз орасида шу номдаги *ноҳийа* бўлган [Деххуда, VIII: 12450].

Раманд (رامند) – Бухородаги бу русток номи Истахрий матнларида – А11 да عرفند, Ф2 ва Ф3 да غرقيد шакллари ҳам мавжуд.

Рамисинийа қапуғи (درب راميثيه) – Бухородаги бу қапуғ номининг Истахрий матнларида – А2 ва А3 да راميتيه, А10 да المرديشه, А11 да افشه, Ф3 да امسح, Ф7 да امينه, Ф8 да رامينه шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Ромитана (رامثنه) шаклида келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 41].

Рашиджақ дарвозаси (باب راشديجاق) – Бинкатдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – А10 да راشدجاق, А11 да راشدجاق, Ф3 да راشد جاق, Ф8 да راشد шакллари ҳам мавжуд. Бу дарвозанинг номи туркий jaq – «томон», «ёқ» [Лурье, 2004: 224] ёки кичрайтириш маъносини билдирувчи туркий – čiq (-čiq, čaq) ёки jiq (-jiq, -jaq) аффикси ёрдамида ясалган [ДТС: 650-651; Камолитдин, 2006: 71]. Бу аффикс ҳозирги жой номлари таркибида ҳам кўп учрайди [Савина: 168-169].

Раъс ал-қантара (راس القنطرة) – араб., «Кўприк боши». Истахрий матнларида – Ф1 ва Ф8 да سر پل шакллари ҳам мавжуд. Шуллиуктепа харобаларидаги (Насаф) бозор майдонидан шимоли-шарқ тарафдаги Самарқанд дарвозаси томон катта кўча ўтган. Бу кўчанинг бир қисми дарё устида қурилган катта кўприк устидан ўтган. Бу кўприк ёнида Қашқадарёнинг тик кирғоғидан 100 м масофада иккита катта бинонинг қолдиқлари топилган [Массон, 1973: 47]. Эҳтимол, бу икки бино ҳукумат саройи ва шаҳар қамоқхонасининг қолдиқларидир. У ҳақида айнан ана шу ер Истахрий матнида Раъс ал-қантара, яъни «Кўприк боши» деб аталган.

Раъс ал-қантара дарвозаси (باب رأسالقنطرة) – Нишопурдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – А9 да راس القنطرة, Ф1, Ф4 ва Ф6 да در پول, Ф6 да سر پول шакллари ҳам мавжуд. Сўзма-сўз «Кўприк боши» маъносини англатади. Нишопурдаги квартал шундай аталади [Йакут, 1866, IV: 191]. Шунингдек, *Қўҳандиз* дарвозаларидан бири ҳам шундай аталади. Бу атама Яқин Шарқда боғловчи кўприклар ва ирригацион қурилма маъносида ишлатилган. Бу атама топонимияда ҳам кенг ишлатилади. Унингфорсиймуқобили *Сар-ул* Пулдир.

Раъс ал-майдон (راس الميدان) – Марвдаги бу маҳалла номининг Истахрий матнларида – Ф1 да سر ميدان, Ф3 да محلت ميدان, Ф6 да محلت ميدان шакллари ҳам мавжуд. Сўзма-сўз «Майдон боши» маъносини англатади.

Раъс аш-шобой (راس الشبابى) – Марвдаги бу маҳалла номининг Истахрий матнларида – A5 да راس الشيبى, A8 да راس الشباب, A10 да راس سابى, Ф2 да سر سابى, Ф6 да سر شای шакллари ҳам мавжуд. Марв вилоятидаги бир қишлоқ ҳам шу ном билан аталган [Йакут, 1866, III: 225].

Раъс Тақ(راس التاق) – араб., «Арк боши» маънони билдиради. Самарқанддаги бу мавзе номининг Истахрий матнларида – A4 да باب طاق, Ф1 да سر طاق, Ф3 да در طاق, Ф8 да سرطاق шакллари ҳам мавжуд.

Раҳбат (رحبة) – Балхдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – A2 ва A8 да زحنه, A3 ва Ф8 да رخنه, A9 да رحنه, A10 да وحه шакллари ҳам мавжуд.

Раҳана (رحانه) – Ахсикатдаги бу дарвоза номи Истахрий матнларида – A11 да الرهاف, Ф1 да رحابه, Ф2 ва Ф3 да رحامه шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Боб Раҳоба (باب رهابه) деб аталган [Ибн Ҳавқал, 2011: 79].

Рив қапуғи (درب ريو) – Бухородаги бу қапуғ номининг Истахрий матнларида – A2, A3 ва A9 да ديو, A10 да ابو, A11 да ريق, Ф1 да حديق, Ф8 да ريو шакллари мавжуд.

Ривдад (ريودد) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да ريردد, A11 да الدبوردد, Ф2 ва Ф3 да ريو шакллари ҳам мавжуд. Исломдан олдин у Маймуғ туманининг маъмурий маркази, араблар истилосидан кейин эса Суғд *ихшид*ларининг қароргоҳи бўлган [Муқаддасий: 279]. Самарқанддан 1 *фарсах* масофада жойлашган қишлоқ [Самъоний, 1980, VI: 209]. Унинг харобалари Самарқанддан 6 км масофада Раванак қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Тали Барзу деб аталади. Археологик тадқиқотларга кўра, унда ҳаёт II – VIII асрларда давом этган [Ставиский, 1967: 27]. Унинг номи суғдча *гуу* ва *дабсўз*ларидан ясалган бўлиб, «Рив [худоси] берган [ер]» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 211, 222].

Ривдад дарвозаси (باب ريودد) – Истахрий матнларида – A11 да ريرود, A12 да ديودر, Ф2 ва Ф3 да ديودد, Ф2, Ф3 ва Ф4 да ديوردد, Ф8 да ريرود шакллари ҳам мавжуд. Самарқанддаги Ривдад дарвозаси, рабад деворининг жануби-шарқий қисмида жойлашган.

Рикдашт (ريكدشت) – Истахрий матнларида – A2 да ريكد ва ريكد, A3 да ريكو ва ريكند, A4 да ريكردش, A8 да ريلد ва ريلد, A9 да ريلند, A11 да ريكدست, A12 да ريكا ва ريك, Ф2 ва Ф4 да ريكدست, Ф7 да ريك دشت, Ф8 да ريكр шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Рикар (ريكر) шаклида келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 86]. «Худуд ал-Олам»да Ниҳом дарёси бўйида жойлашган Дикар (ديكر) номли шаҳарча қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 114]. Бу шаҳарча Регар ва Даштиноват дарёлари ўртасида жойлашган бўлиб, ҳозир ҳам Регар деб аталади.

Рикистон (الريكستان) – Истахрий матнларида – A2 ва A9 да ريكستان, A11 да ريكستان шакллари ҳам мавжуд. Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухородаги Регистон майдонида қадимдан подшоҳларнинг саройлари жойлашган [Наршахий, 1966: 30]. Самарқандда ҳам шу номли майдон бўлган.

Рикистон ариги (نهر ريکستان) – Бухородаги бу арик номининг Истахрийнинг А8 ва А9 матнларида ديکستان шакли ҳам мавжуд.

Римажан ариги (نهر ريماجن) – Бунжикатдаги бу арик номининг Истахрий матнларида – А10 да ريماجر, А11 да ريماحس, Ф1 да ريمجان, Ф2 да ريماجن, Ф3 да ريماحن, Ф8 да ريمحان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Йаможан (ريماجن) деб келтирилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 69]. Бу икки номнинг иккинчиси суғдча *rut* – «лой», «лойка» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 133].

Риштон (ريشتان) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8, А9, А12, Ф1, Ф2 ва Ф4 да رستاق, А4 да رشاف, А10 да رستان, А10 ва А11 да رسان, А11 да رنبه, А11 ва Ф8 да رشتان, Ф8 да رعشان шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Ришдон (ريشدان) шаклида ҳам қайд этилган [Бабур-наме: 30]. Фарғона водийсидаги *ноҳийа* ва шаҳар, Сухдан 1 *марҳала*, Зандарамисдан 1 *марҳала*, дарёдан ҳам тахминан 1 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 512, 516, 524]. Риштон номи кадимги эроний *räšta* – «тўри», «ўнг» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 201]. Риштон сўзининг номи ҳозиргача сақланиб қолган. Унинг харобалари ҳозирги Риштон қишлоғи ҳудудидаги Соҳиби Худоё кабрисони ўрнида жойлашган [Горбунова: 85]. У ҳақида яна қаранг: Идрисий, 1974: 707; Бартольд, 1965: 214, 531, 534.

Рован (راوان) – Истахрий матнларида – А11 да روان, Ф2 да راو, Ф3 ва Ф6 да راور шакллари ҳам мавжуд. Йаҳйо ибн Бармакка қарашли бўлган Тохаристондаги катта бўлмаган шаҳар [Самъоний, 1980, VI: 58]. Бу шаҳарнинг аниқ жойлашган ўрнини аниқлаш қийин. Турли манбаларда Тохаристон шаҳарлари санаб ўтилган ўринда Рован Архан ва Толақон орасида [Йақубий, 1967: 58; Ибн Ҳавқал, 1967: 447], Искимиш ва Архан [Муқаддасий: 50, 296] ёки Валволиж ва Толақон орасида санаб ўтилган [Беруни, 1976: 467]. Шулардан келиб чиқиб ўрта аср Ровани Амударёнинг юқори оқими ҳавзасидаги Қундуз, Хазрати Имом ва Талақон қишлоғи орасида жойлашган деб тахмин қилиш мумкин. Бугунги кунда бу ҳудуд чўл ҳудуди ҳисобланиб, унинг орасида Қундуздан шимоли-шарқида жойлашган Куҳи Анбор тоғли воҳаси ажралиб туради. Айнан мана шу тоғли ҳудуд ўрта асрларда машҳур бўлган «Равон рустоки» бўлиши мумкин. Батафсил маълумот учун қаранг: Камалиддинов, 1996: 305; Деххуда, VIII: 11800.

Розик работи (رباط رازيك) – Истахрий матнларида – А4 да اريك, А10 да رباط اوبك, А11 да رباط داريل, А12 да دارنك, Ф2 да اربك, Ф3 да ازبك, Ф7 да ازبك шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Ибн Ҳавқалда Работ Доранк (رباط دارنك) шаклида ҳам қайд этилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 84]. Унинг харобалари Сайроб қишлоғидан 24 км жанубда Шеробод дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Амирқўнди деб аталади [Аннаев, 1988: 492].

Розкан (راكان) – Истахрий матнларида – А2, А3, А4, А8, А9 ва А10 да الركان, А11 да الرلكان, Ф1 да رادكان, Ф6 да رايكان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалга

кўра, Райкон (رایکان) – Туснинг юқори қисмидаги шаҳарча [Самъоний, 1980, VI: 37; Самъони, 1996: 567; Худуд ал-Олам, 1970: 103].

Ромисана (الرامیثنه) – бу қишлоқ бошқа манбаларда Ромисан (رامیثن) ёки Армисана (ارمیثنه) [Самъоний, 1980, VI: 53] ва Райомисан (ریامیثن) [Муқаддасий: 282] деб келтирилган. Наршахийга кўра, Ромсин (رامیثین) қишлоғида бухорхудоотларнинг саройи ва оташпарастрларнинг ибодатхонаси бўлган [Наршахий, 1966: 23]. Бугунги кунда Ромитан деб аталади.

Ромисана ариғи(نهر الرامیثنه) – Бухородаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – A11 да الرامیثنه, Ф2 ва Ф3 да رامیثنه шакллари ҳам мавжуд.

Рошт (الراشت) – Истахрий матнларида – A10 да راست, A11 да داست, Ф2 да راسب шаклларда ҳам келган. Бошқа манбаларда унинг номи Зошт (زاشت) [Худуд ал-Олам, 1970: 120] ва Жошт (جاشت) шаклларида ҳам келтирилган [Беруни, 1976: 471]. Вахш дарёсининг юқори оқимида, Араб халифалигининг турклар билан чегарасида жойлашган вилоят [Йақубий, 1967: 290]. Унинг худудидан *харлухлар* мамлакатаида бошланувчи Вахшоб дарёси оқиб ўтган [Ибн Руста, 1967: 92]. IX асрда у Хуросоннинг шарқда ғайридин турклар чегарасидаги энг чекка шаҳри бўлиб, карвон йўлидан четда жойлашган, йўлдан унеча фақат пиёда етиб бориш мумкин бўлган [Ибн Хордадбех, 1967: 34]. Рошт вилояти XV асрдан бошлаб Қоратегин деб аталган, Рошт шаҳри эса ҳозирги Гарм шаҳри ўрнида жойлашган [Бартольд, 1963: 120-121]. Рошт қалъаси эса Гарм вилоятидаги Ҳисорак қишлоғидан 1,5 км масофада Ясман ва Оби Кабуд дарёлари қўшилиб Сурхоб (Вахш) дарёсига қуйилиш ери яқинидаги ўрта аср қалъасидир [Кисляков 1954: 47 – 49].

Рошт қалъаси (قلعة الراشت) – бу ерда Рошт (راشت) вилоятининг ташқи чегарасида жойлашган мудофаа қалъаси назарда тутилган. VIII аср охирида ал-Фазл ибн Йахйо ал-Бармакий Роштда турклар чегарасида катта мудофаа девори қурдириб, унда мустаҳкам дарвоза ўрнатган эди [Ибн Хордадбех, 1967: 34; Ибн ал-Фақих, 1967: 325]. Будеворикки тоғорасидан Роштводийсигакириладиган тор ерда қурилган эди. Бу ердаги мудофаа деворидан бошлаб 27 кунлик йўл масофада Сирдарёгача баланд тоғлар давом этган. Ўрта асрларда бу табиий тўсиқ вазифасини ўтовчи тоғларда 3 та қалъа қурилган. Шу қалъаларнинг бири Рошт қалъаси эди. Манбалардаги маълумотларга кўра, Вашжирддан Рошт шаҳригача бўлган масофа 4 кунлик йўл [Ibn Khordodhbeh: 34], Рошт қалъасигача бўлган масофа эса 3 кунлик йўлни ташкил этган [Ибн Ҳавқал, 1967: 519]. Демак, Рошт шаҳридан Рошт қалъасигача бўлган масофа 1 кунлик йўлни ташкил этган.

Руаб (رؤب) – Истахрий матнларида – A2, A3, A8, A9 ва Ф4 да روا, A4 да رورا, A10, Ф6 ва Ф7 да وروا, A11 да رواس, Ф2 ва Ф3 да روا шакллари ҳам мавжуд. Тохаристонинг жанубида жойлашган катта бўлмаган шаҳар. X аср араб манбаларида бу жой номи Руб (روب) шаклларида эслаб ўтилган

[Мукаддасий: 49, 296]. Бу шаҳар номини ўрта аср форс *ru*, *rui* ёки *rud* – «жез», «бронза» [ПРС, I: 744] ва худди шу маънодаги суғдча *rwd* (*rōd*) [Ғариб: 344 (#8561)] ва янги форсчаруй (*روي*) ва *рубин* (*روبين*) – «жез билан аралашган қалай» [Баевский, 1984: 209; Деххуда, VIII: 12419] маъносини англатади. Ўрта аср Руби бугунги Руй қишлоғи ўрнида, Хайбақдан жанубда, унинг ярим йўли билан Мадр орасида, бўлган. Ибн Ҳавқалга кўра, Симинжон ва Мадр ораси 2 *марҳалани* ёки 2 кунлик йўлни ташкил этган [Ибн Ҳавқал, 1967: 457].

Руд рустоқи (*رستاق رود*) – Кешдаги бу рустоқ номи Истахрийнинг Ф1 матнида *رود* шаклида келган. Ибн Ҳавқал матнида Руд рустоқи (*رستاق رود*) деб келтирилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 66].

Рустоқ (*رستاق*), форсча *русто* (*روستا*) – «қишлоқ», «туман» сўзининг арабча шакли. Араб тилида унинг ўрнига ноҳия (*ناحية*) атамаси ҳам ишлатилган. Ўрта асрларда бу икки атама маъмурий бирлик сифатида ҳам ишлатилган бўлиб, шаҳардан ташқарида жойлашган деҳқончилик ерлари ва ер эгаларининг мулкларини билдирган. Бир рустоқнинг катталиги тахминан бир туманга яқин бўлган ерни ташкил этган. Одатда ҳар бир рустоқнинг маъмурий маркази бўлиб, унда шу ерларнинг эгалари истиқомат қилганлар.

Рустоқ Банк (*رستاق بنك*) – Истахрий матнларида – А2 да *رستان بنك*, А3 ва А9 да *رستان بنك*, А4 да *رستاق منك*, А8 да *رستان نسل* ва *رستاق نسل*, А10 да *رستاق منك* ва *رستاق منك*, А11 да *رستاق منك* ва *رستاق منك*, Ф2 да *رستاق مکه*, Ф2 ва Ф3 да *رستاق منك*, Ф8 да *رستانى نيك*, *رستانى مشك* ва *رستاق نيك* шакллари ҳам мавжуд. Хутталондаги шаҳар. Унинг номи яна Рустоқ Бик (*رستاقبيک*) [Ибн Хауқал, 2018: 33], Банк (*بنک*) [Мукаддасий: 49], Руста Бик (*رستا بيک*) [Худуд ал-Олам, 1970: 119], Рустабик (*روستا بيک*) [Йақубий, 1967: 58] деб ҳам келтирилган. Ибн Хордадбехга кўра, бу шаҳар Хутталон деб аталган ва Довуд ибн ал-Аббоснинг жияни Ҳорис ибн Асад мулки бўлган [Ибн Хордадбех: 139-140]. «Худуд ал-Олам» маълумотида кўра, шаҳарга нисбатан эмас, балки Нучоро шаҳри, яъни Бадахшонгача кенгайиб борган Андижарағга нисбатан айtilган [Худуд ал-Олам, 1970: 119]. XVII асрда Тохаристонда Рустоқ (*رستاق*) номли вилоят ва шаҳар тилга олинган [Махмуд ибн Вали: 47]. Бу шаҳар ўз номини бизнинг кунга қадар сақлаб қолган бўлиб Шимолий Афғонистонда жойлашган. Багафсил маълумот учун қаранг: Камалиддинов, 1996: 200-202; Деххуда, VIII: 12372.

Рухна дарвозаси (*باب رخنة*) – Бухородаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – Ф2 ва Ф3 да *رحبه*, Ф7 да *رحبه*, А8 да *رظه*, А10 да А11 да *رحبه* шакллари ҳам мавжуд.

Рўян (*الفوة*) – араб., рўян ёки марена, бўйи 1 м гача бўлган кўп йиллик ўсимлик. Унинг илдизидан қадимдан қизил бўёқ олинган. Шунинг учун у *фувват ас-саббогин* (*فوة الصباغين*) – «бўёқчилар рўяни» деб ҳам аталган. Унинг қадимги юнонча номи *эритрадон*, илмий адабиётда қабул қилинган лотинча

номи эса *Rubia tinctorum* L. Бу ўсимликнинг бир нечта навлари бўлган. Улардан бири *қубодий* (القبادي) деб аталган [Беруни, 1973: 690].

Сабат (ساباط) – Самарқанддан 20 *фарсах* масофада Шош йўлида жойлашган [Самъоний, 1980, VII: 1; V: 307]. У билан Зомин орасидаги масофа 2 ёки 3 *фарсах* бўлган [Ибн Хордадбех, 1967: 207]. Унинг номи арабча «усти ёпик йўл» ёки суғдча – «чап томон» маъносини билдириши мумкин [Лурье, 2004: 47]. Унинг харобалари Эски Сават қишлоғидан 3 ёки 4 км жануби-ғарбда Хўжамушкентсой бўйида жойлашган бўлиб, Култепа деб аталади [Грицина, 1992: 29-32]. Сабот шаҳрига қаршли рустокни Шаҳристонсой суви билан таъминлаган [Негматов, 1957: 85].

Сабам тоғи (جبل سابام) – Истахрий матнларида – A10 да سانلع, A11 да سانلع, Ф1 да سافلغ, Ф8 да لسامع шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Софлиғ (سافلغ) ёки Соблиғ (سابلغ) [Ибн Ҳавқал, 2011: 74, 261]. Маҳмуд Кошғарий асарида Соблиқ Қайос (سابلغ قياس) номли шаҳар қайд этилган [Кошғарий, III: 187]. Бу тоғнинг номи эгалик маъносини билдирувчи *-liy* аффикси ва қадимги туркий *sap* – «соп» ёки *sap-* «бирлаштирмақ» сўзидан ясалган [ДТС: 485, 656; Камолиддин, 2006: 69-70]. Бу ном ҳозирги Ғазалкент шаҳри яқинида Чирчиқ дарёсининг ўнг томонидаги тоғларда жойлашган Соёлиқ қишлоғининг номида сақланган, унинг атрофидаги тоғлар ҳам шундай аталган бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, демак, бу ном қадимги туркий *saj* – «тошлоқ ер», «даштлик текислик» сўзидан ясалган бўлади [ДТС: 481]. Бу эса Қалас дашти (برية القلاص) ҳақидаги маълумотга мос келади.

Сабзавор (سبزوار) – Истахрий матнларида – A2, A3, A8 ва A9 да سانوار ва ساروار, A10 да سازوان, A11, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф6 да ساروان, Ф6 да سان بيش шакллари ҳам мавжуд. Нишопурдан Хусрав-Кирдга кетаверишда охиригисидан 2 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 456].

Сабид Маша (سبید ماشه) – Истахрий матнларида – Ф1 да اسپدماشه. A11 да سبید ماشه шакллари ҳам мавжуд. XII асрда Бухоро вилоятида Сабизмун ёки Субазмун (سبذمون) номли қишлоқ қайд этилган [Самъоний, 1980, VII: 79]. Сапид Моша (*sapes-masa*) суғдчада «оқ уй» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 148].

Сабидон (سبیدان) – Карухдаги бу маҳалла номининг Истахрий матнларида – A3 да بسیدان, A8 да ميب دان, A9 да سپیدان, A10 да سبیدان шакллари ҳам мавжуд. Бу номни Сапидан (سپیدان) шаклида ўқиш тўғри бўлса керак. Форсдаги машҳур қалъа Сангунон (سنگوان) ҳам шундай номланган [Деххуда, IX: 13446].

Сабран (صبران) – Истахрий матнларида – A2 да صسراف, A3 да صسراو, A4 да صرار, A8 ва A9 да صراق, A10 ва Ф4 да صران, A11 да صرار, A12 да صيران, Ф1 да سدق, Ф2 ва Ф3 да میدان, Ф8 да طبران шакллари ҳам мавжуд. Шавғардан 1 *марҳала* кейин Бараб йўлидаги шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 524]. Унинг номи Сахрон (صهران) [Худуд ал-Олам, 1970: 119] ва Саврон (سوران) шаклида ҳам

келтирилган. Бу шаҳарнинг харобалари Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг чап қирғоғида ҳозирги Савран қишлоғидан 15 км масофада жойлашган бўлиб, Майрамтепа деб аталади. Мўғуллар давридан кейин шаҳар ҳозирги Саврон қишлоғи ўрнига кўчган [Байпаков, 1986: 27].

Сабур (سابور) – Истахрий матнларида – А2 да بساور, А3, А8 ва А12 да نيسابور шаклларида ҳам мавжуд. Уни Жундисобур ёки Бишовур деб ҳам атаганлар [Самъоний, 1980, VII: 4]. Форс вилоятидаги шаҳарча, Козарун яқинида жойлашган.

Савадар (السوادار) – Ибн Ҳавқалда Шовдор (الشوادار) [Ибн Ҳавқал, 2011: 61]. Самарқанддан 4 *фарсах* жанубдаги тоғларда жойлашган русток ёки ноҳия. XVI аср хужжатларида Самарқанд вилоятида Шовдор (شوادار) номли ариқ ва туман қайд этилган [СД: 179-191, 271-273, 342, 347, 357]. Бу тоғлар Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлаган Мастчодан Самарқанд жанубидаги Шаҳрисабз тоғларига қадар чўзилган. Бу тоғларнинг номи суғдча š'w – «қора» ва dāg – «балаңдлик», «нотекис ер» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 138-139].

Савадар тоғлари (جبال السوادار) – Истахрий матнларида – А8 да ساودان, А9 да ساودان, А11 да السلو, А11, Ф2 ва Ф3 да ساروان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Зобаж (الزابع) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 48]. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги тоғлар бўлса керак.

Савсақан рустоқи (رستاق سوسقان) – Хуросондаги бу русток номининг Истахрий матнлари А2, А3, А8 ва А9 да سوسان шакли ҳам мавжуд.

Савсанда (سوسنده) – Истахрий матнларида – А3 да سرسنه ва سوسنه, А10 да سرسنده, А11 да مسوسنده, Ф1 да سوسنده بليس, Ф4 да سلفسدا بليس, Ф7 да سليسده بليس шакллари ҳам мавжуд. Бу ном қадимги юнон манбаларида қайд этилган Александрополис шаҳри номининг бузилган шаклидир. Эҳтимол, Искандар Зулқарнайн асос солган шаҳарлардан бири Зоминда жойлашган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 161, 162].

Садур (سدور) – Бухоро – Хоразм йўлидаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А2 ва А3 да سدود ва سدور, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф7 да سدون, Ф8 да سدوزيك шакллари ҳам мавжуд.

Сакаванд (سكاوند) – Истахрий матнларида – А4 да سكاوند, А8 да سكاوند, А10 да سكارند, Ф3 да سڪنره шакллари ҳам мавжуд. Бомийон вилоятидаги Сақованд (سقاوند) номли шаҳар [Муқаддасий: 50]. «Худуд ал-Олам»да Сакаванд тоғ этагидаги кичик шаҳар деб айtilган [Худуд ал-Олам, 1970: 111]. Беруний Сакавандни Лахукар *рустоқидаги қалъа деб* айтади [Беруни, 1976: 469]. Байҳақий Сакаванд қалъаси ва водийсини эслаб ўтади [Байҳақи: 206, 339, 343, 653]. Яна қара: Деҳхуда, XI: 13690.

Сакакат (سكاكت) – Истахрий матнларида – А2 да سكاكف, بلنكاك ва سكاك, А3 да سكانف ва سكاكت, А4 да سكاكث, А8 ва А9 да سكالف, А10 да سكالب, А11 да سكاكث, А12 да اسكالت ва سكالنت, Ф8 да سكاك ва سكاكб шакллари ҳам

мавжуд. Бошқа манбаларда унинг номи Шовакат (شاوكت) [Муқаддасий: 49, 265, 342; Самъоний, 1980, VII: 275] ва Ш.кокаб (شكاكب) шаклларида қайд этилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 246; Худуд ал-Олам, 1970: 118]. Муғ тоғидан топилган суғд хужжатларида бу шаҳар š’wktsh шаклида қайд этилган [Лурье, 2004: 92]. Ушрусанада ҳам Шовакат (شاوكت) номли қишлоқ бўлган. Сакакат номи суғдча səkā «юқори» ва kaθ – «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан [Лурье, 2004: 45, 99], Шовакат номи эса суғдча š’w – «қора» ва kaθ – «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 55, 100]. Сакакат номининг биринчи қисми туркий сақо – «тоғ этаги» сўзидан ясалган бўлиши ҳам мумкин [Кошғарий, III: 246]. Илақ йўлида, Бинкатдан 7 *фарсах*, Тункатдан 1 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Унинг харобалари Тўйтепадан жануби-шарқда, Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғидаги Уваит қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Уваиттепа деб аталади [Массон, 1955: 58-59; Буряков, 1975: 109].

Сакалканд (سكالکند) – Истахрий матнларида – А4 да شكالکند, А10 да سكالکند, Ф6 да سكالکند шакллари ҳам мавжуд. Сакалканднинг аниқ жойлашган ўрни борасида манбаларда маълумотлар йўқ. Ибн Ҳавқал ихтиёрида бўлган Х асрга оид қадимий харитада бу шаҳар Андароб ва Хулм орасида ўтказилган тўғри чизиқнинг «ўнг томонида», яъни жануби-ғарбий қисмига жойлаштирилган [Ибн Ҳавқал, 1967: 428]. «Худуд ал-Олам» маълумотларига кўра, тоғлар орасида жойлашган, ерга ишлов бериш ривожланган, бироқ аҳолиси камбағал бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 109]. Муқаддасийга кўра, унда бу шаҳар номи Искалканд (اسكالکند) шаклида келган, у кичик, бироқ кўплаб неъматларга эга тоза шаҳар бўлган [Муқаддасий: 296, 303]. В. Минорский эса, уни Сурхоб дарёсида, Барфақа жанубидаги Искар ёки Искан шаҳри деб тахмин қилади. У «Барфақ» номини Сакалканднинг иккинчи номи «Фарфоза»га ўхшатади [Худуд ал-Олам, 1970: 338-340]. Умуман олганда бу шаҳар Кундуз ва Мадр ёки Ру орасида, яъни Хулм дарёси водийсида ёки унга туташ тоғларда жойлашган деб тахмин қилинади. Бу ҳақида батафсил қаранг: Камалиддинов, 1996: 321; Деххуда, IX: 13694.

Сакандара (سکندرہ) – Истахрий матнларида – А2, А3 ва А9 да سکرده, А8 да بسکرده, А3 да سلندرہ, А10 да سکندرہ, А11 да الاسکندرة, Ф1 да سکندرہ, Ф1 ва Ф6 да اسکندرہ шакллари ҳам мавжуд. Хутгалдаги шаҳар. Унинг номи яна Искандара ёки Аскандара (اسکندرہ) шаклида ҳам учрайди [Муқаддасий: 291]. Бу жойни Александр Македонский билан боғлашга уринишлар бўлган [Беленицкий: 109; Дьяконов: 148]. Фикримизча, Сакандара ёки Аскандара Александр Македонский билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Жой номи *сакан* ва *дара* сўзларидан ташкил топган. Топонимнинг иккинчи қисми маҳаллий тилларда «дара», «тоғводийси» маъноларини англатади. Батафсил маълумот учун қаранг: Камалиддинов, 1996: 204-205.

Сакандижак дарвозаси (باب سڪنديجاق) – Истахрий матнларида – A11 да *سڪنديجاق*, Ф8 да *سڪرڪاو* шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасий бу дарвозани Дарб Сандижо (درب سنديجا) атайди [Муқаддасий: 276]. Бу дарвозанинг номи ҳам кичрайтириш маъносини билдирувчи туркий –*çiq* (-*çiq*, -*çaq*) ёки – *jiq* (-*juq*, *jaq*) аффикси ёрдамида ясалган.

Сакикажан ариғи (نهر سڪيڪن) – Ушбу санадаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – A10 да *سئلحر*, A11 да *سڪنكن*, Ф1 да *ستينكن*, Ф2 да *اسڪنكر*, Ф3 да *اسكنكجر*, Ф8 да *سلسكى* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Санкжан (سنكجن) деб келтирилган. Бу ариқнинг номи суғдча *s'nk* – «тош» ва *-jan* – «сой», «ариқ» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 131, 132, 225].

Сакимишт (سڪيمشت) – Истахрий матнларида – A2, A8, A9 ва Ф3 да *سڪيمست*, A3 да *سڪمس*, A10 да *سلمسب*, A11 ва Ф4 да *سمكيمست*, Ф6 да *سمى* шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Искимишт (اسكيمشت) шаклида ҳам келтириладиган Сакимишт номи XVIII асрда Ишкамиш (اشكمش) шаклида талаффуз қилинган [Та'рих-и Бадахшан: 396]. Ишкамиш ўзининг қадимий номини бугунги кунда ҳам сақлаб қолган ва Оқсарой дарёсига қуйиладиган ирмоқлардан бирининг юқори оқимида, яъни Қундуздан 190 км жануби-шарқда, Қундуздарё бўйида жойлашган [Ахмедов: 55].

Сакрак дарвозаси (باب سكرك) – Бинкатдаги бу дарвозанинг номи араб. сакр (سكر) – «тўғон» сўзининг кичрайтириш шакли бўлиши мумкин. Истахрийнинг форсий Ф3 матнида *شكرك* шакли мавжуд.

Сакукан ариғи (نهر سڪوكان) – Ғур – Ҳирот орасидаги Салага оқадиган бу ариқ номининг Истахрий матнларида – Ф4 да *يسكوكان*, Ф6 да *سڪنوكان*, Ф7 да *سڪنوكان* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Шакукон (شكوكان) [Ибн Хауқал, 2018: 23]. Унинг номи *сакук* (سكوك) – «тешиги тор кудук» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Деххуда, IX: 13696].

Сала (سله) – Ғур – Ҳирот орасидаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – A8 ва A9 да *سله*, Ф1 да *زيرين*, Ф4 ва Ф6 да *زيرين*, Ф7 да *ورين* шакллари ҳам мавжуд. Бу рустоқ номи *харман* (خرمان), яъни «хирмон» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Деххуда, 14317; ПРС, I: 549].

Салот (سلات) – Истахрий матнларида – A2 да *سلاب*, A3, Ф2 ва Ф3 да *سلاب*, A11 да *سلاب* ва *شلاب*, A12 да *شلاث* ва *شيلاث*, Ф4 *سلار*, Ф8 да *سيلاد*, *سلات* ва *سيلاب* шакллари ҳам мавжуд. М.де Гве танқидий матнида ҳам Салот (سلات) келтирилган [Ибн Ҳавқал, 1873: 395]. Ибн Ҳавқалда Ашт (اشت) дейилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 80]. Муқаддасийга кўра, Ашт шаҳри Воғизийя вилоятида жойлашган [Муқаддасий: 48, 262]. Фарғона водийсидаги ноҳия ва шаҳар. Ашт қишлоғи ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, шу номли туман марказидир. У Хўжанддан 150 км шарқда, Ашт даштининг чеккасидаги Қорамозор тоғларида жойлашган [Негматов, 1982: 56, 72].

Самар рустоки (رستاق سامر) – Кешдаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А10 да اسماین, Ф1 да اسماین шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал матнида Росмоин деб ўқилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 67].

Самарқанд ад-дохил дарвозаси (درب سمرقند الداخل) – Бухородаги бу дарвоза номининг Истахрийдаги Ф1 матнида Самарқанд қапуғи (درب سمرقند) шакли мавжуд. Нумижкат рабади дарбларидан бири.

Самарқанд дарвозаси (باب سمرقند) – бу дарвоза Шуллуқтапа қалъа деворининг шимоли-шарқий томонида жойлашган бўлиб, ундан Жом довони орқали Самарқандга олиб борувчи йўлга чиқилган.

Самарқанд девори – бу ерда Самарқанд шаҳрини, унинг атрофларидаги маҳаллалари, боғлари ва далалари билан ўраб турган ташқи девор назарда тутилган.

Самарқанд жоме масжиди (المسجد الجامع) – Бухоро дарвозасидан жанубда жойлашган бўлиб, X асрда шаҳардаги энг катта ва энг чиройли бино ҳисобланган. XI асрда уни Тамғочхон Иброҳим таъмирлаб, унинг эгаллаган майдонини яна ҳам кенгайтирган.

Самарқанд рабади девори – Самарқанд рабадини ўраб турувчи ташқи девор. У 134/751-52 йилда Абу Муслим томонидан қурилган бўлиб [Табарий, 1901, III: 80], унинг айланаси 90 минг қулочни ташкил этган. Бу девор 459 та кўрғон (*жавсақ*) ни ўраб турган, унинг ичидаги умумий майдон 13000200 *жарибни* ташкил этган. Унинг баландлиги 15 *қулоч* (*зиро*), эни эса 7 қулоч бўлган. Унда 360 бурж, уларнинг ҳар бири орасида эса 250 тадан туйнук бўлган [Насафий: 224-225, № 565]. Бу ташқи деворнинг қолдиқлари баъзи ерларда ҳозир ҳам сақланиб қолган бўлиб, Девори Қиёмат деб аталади. «Қандийа»да келтирилган маълумотга кўра, Самарқанд шаҳрининг деворларини Абу Нуъмон исмли бир амир қурдирган, Абу Муслим эса фақат дарвозалар, туйнуқлар ва буржларни қурган [Кандия: 242]. Лекин тахмин қилинишича, бу девор исломдан олдин ҳам мавжуд бўлган, араблар даврида у қайта тикланган, Абу Муслим эса қўшимча қурилиш ишлари олиб бориб, уни яна ҳам мустаҳкамлаган [Беленицкий, Бентович, Большаков: 156, 222]. Самарқанд шаҳрининг рабадини ўраб турган ташқи деворнинг умумий узунлиги айланасига 12 *фарсахни* ташкил этган.

Самарқанд Суғди (سغد سمرقند) – Истахрий матнларида – А10 да صغد, А11 да سعد سمرقند, Ф2 ва Ф3 да سغد وسمرقند, Ф6 да سعد وسمرقند шакллари ҳам мавжуд. Бу ерда Самарқанд ва Бухороорасида жойлашган кичик бир туман назарда тутилган.

Самарқанд тоғлари (جبال سمرقند) – Самарқанд ва Кеш орасида жойлашган Тянь-Шань тоғ тизмасининг ғарбий қисмига кирувчи Зарафшон тоғ тизмасидир.

Самарқанд шахристон девори – бу ерда Самарқанднинг Афросиёб харобалари ҳудудида жойлашган қуҳандизи (ички қалъа) ва шахристони (ички шаҳар) мудофаа деворлари назарда тутилган. Ички шаҳар девори тахминан 217 га майдонни ўраб турган.

Саммур (السمور) – суvasар (рус. соболь) мўйнали сув ҳайвони.

Самсирак (سامسیرك) – Истахрий матнларида – А4 да سامسكس, А10 да ساموسوكت, А12 да سرك, Ф2 да رساميسك, Ф3 да رسيامسيك, Ф4 да ساميك, Ф8 да ساموسوكت шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарча фақат шу ерда қайд этилган, Шош ва Илак шаҳарларининг умумий руйхатида эса қайд этилмаган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Бошқа манбаларда бу шаҳарчанинг номи Сом сарак (سام سرك) [Муқаддасий: 49, 265] ва Сом Сайрак (سامى سيرك) шаклида қайд этилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24a; Худуд ал-Олам, 1970: 117]. «Бобурнома»да Самсирак Оҳангарон қишлоқларидан бири сифатида қайд этилган [Бабур-наме: 114-116]. Унинг номи суғдча sām – «қора» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 205]. Унинг харобалари Пскент шаҳридан жануби-ғарбдаги Бўка қишлоғида жойлашган [Массон, 1953: 115-117; Буряков, 1975: 173]. Демак, Бўка қишлоғи XVI асргача Самсирак деб аталган.

Санабоз (سناباذ) – Истахрий матнларида – А3 да سانار, А8 ва А9 да سناد, А10 да سناباد, А11 да سناداد шакллари ҳам мавжуд. Ибн Хордадбехга кўра, унинг номи Мусаққаб (المنقب) деб келтирилган, бу қишлоқ Нуқондан 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Хордадбех: 63; Қудам: 202]. Ибн Рустага кўра, унинг номи Бардаъдир (بردع) [Ибн Руста, 1967: 172]. Санабоз қишлоғи бугунги Эроннинг шимоли-шарқида, Манкада шаҳрининг ўрнида жойлашган [Бартольд, 1971: 114, 116]. Яна қара: Деххуда, IX: 13771.

Сандосанкрустоқи (رستاق سنداسنك) – Истахрий матнларида – А2, А3 ва А8 да سنداسنك, А9 да سندا, А10 да اسنداسر, Ф1 да سنداسنگ, Ф2 да سنداسنك, Ф3, Ф6 ва Ф7 да سپيداسنك шакллари ҳам мавжуд. Бу қишлоқнинг номида *санг* (سنگ) «тош» сўзини кўриш мумкин [ПРС, II: 61].

Санжарфағн рустоқи (رستاق سنجر فغن) – Самарқанддаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А2 да سحرين, А3 да سحرعد, А8 ва А9 да سنحريين, А11 да سحر فوق, سحر فعرو ва سحر فعرو, Ф2 да بخر, Ф3 да بحر, Ф2 ва Ф3 да سحر, Ф4 да بحر, Ф7 да بيخرو шакллари ҳам мавжуд. Санжарфағн санскрит, *sangharama* – «буддавий ибодатхона» ва суғд. βγп – «ибодатхона» сўзларидан ясалган. Бу номнинг биринчи қисмида форс. *sangar* – «хандақ», «тўсиқ» сўзи бўлиши ҳам мумкин [Лурье, 2004: 41, 215]. Кейинги асрларда бу қадимги ном Занжирбоғ шаклига айланган [Вяткин, 1902: 38; Смирнова, 1971: 99].

Санжон дарвоза (باب سنجان) – Марв *шахристонидagi* бу дарвоза номининг Истахрий матнларидан А2, А3, А8 ва А9 да سنجار шакли ҳам мавжуд.

Санкан (سنكان) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да سكان, А2 ва А3 да سكان, А11 да سكال, Ф2 да بژكان, Ф3 да ترمان, Ф4 да سرکان, Ф1 да سنگان, Ф6

да برکان, Ф8 да سمنگان шакллари ҳам мавжуд. Нишопур вилоятидаги шаҳарча [Муқаддасий: 351, 352]

С.а.н.ф.р.ъ. (ساورع) – бу, Кеш рустоқи сифатида А11 матнида келган сўзни асарнинг бошқа матнларида келган рустоқ номларидан қай бирига мос тушишини аниқлашнинг иложи бўлмади.

Санъо (صنعاء) – қадимги Яман давлатининг пойтахти. Ҳозир ҳам шу ном билан аталади.

Сарақараса дарвозаси (باب سراكراهه) – Исбижаб дарвозаси номининг Истахрий матнларида – А11 да برآكداسه, Ф1 да سراكراهه, Ф2 ва Ф3 да سكرانه, Ф8 да سكرانه шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Шокрона дарвозаси (باب شاكرانة) ёки Шокрона дарвозаси (باب شاكرانة) [Муқаддасий: 273] деб ҳам келтирилган.

Сарахс (سرخس) – Истахрий матнларидан Ф6 да سرخس шакли ҳам мавжуд. Нишопурдан 40 *фарсах* [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 319] ёки 6 *марҳала*, Толақондан 4 *марҳала* [Йақубий, 1967: 50, 56], Марвдан 5 *марҳала* ёки 30 *фарсах* [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 319] ва Ҳиротдан 5 *марҳала* жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 454], Хуросоннинг Нишопур ва Марв орасидаги қадимий ва ўрта аср шаҳри [Деххуда, IX: 13581]. Чўлда мавжуд бўлган катта карвон йўлида жойлашган шаҳар [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 104], Самъоний маълумотига кўра, Сарахс ёки Сурхас шаҳри Сиёвуш отаси афсонавий ҳукмдор Кай-Ковус томонидан барпо этилган ва Искандар Зулқарнайн унинг қурилишини давом эттирган ва Сарахс шаҳристонини қурган [Самъоний, 1980, VII: 69; Йақут, 1866, III: 71-72]. Сарахс харобалари Кеш Оға овули яқинида, Эрон билан чегара яқинида жойлашган [Оразов: 5-7].

Сари Ширир дарвозаси (باب سار شيرين) – Нишопурдаги бу дарвозанинг Истахрий матнларида – А9 да سير شيرين, А10 да سر سسرلس, А11 да سر سير шакллари ҳам мавжуд. Нишопур дарвозаси.

Сарин ариғи (نهر سارين) – Истахрий матнларида – А10 да سارين, А11 да سارين, Ф2 да بيارين, Ф8 да سارى шакллари ҳам мавжуд. Бу иккала ном буддавий суғдча *s'r (sry)* – «бош», «тепа» ёки *sar* – «томон», «йўналиш» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 84, 225]. Бунжикат шаҳрини сув билан таъминлаб турган бу дарё ҳозир Ўратепадарё деб аталади. Бу дарё Туркистон тоғ тизмасидан бошланиб, Ховаст (Ховас) чўлигача оқиб борган [Негматов, 1957: 84]. Бухоро вилоятида ҳам шу номли қишлоқ бўлган [Чехович, 1965: 151 (495)].

Сарманжан (سرمنجن) – Истахрий матнларида – А10 да سرمنجن, А11 да سرمنجر, А4 да حرمفان, А11 да حرمفان, Ф2 да حرمنكان, Ф3 да جرميكان, Ф7 да حرميكان, Ф8 да هر مكان шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳар Термиздан 1 *марҳала* ёки 6 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Хордабех, 1967: 33; Ибн Ҳавқал, 1967: 518]. Манбаларда Чармангон (چرمنگان) [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 114], Сарманкан (سرمنكان) [Йақубий, 1967: 289], ҳамда Сарманжи (سرمنجي),

шунингдек Жарминқан (جرمنقان), Жарминқан (جرمنکان) шаклларида ҳам қайд этилган. Жарминқан (Чармангон) номи Сарманжан (Сарманжи) номининг маҳаллий тилдаги шакли бўлган [Самъоний, 1980, VIII: 57; Йакут, 1866, III: 383]. Бу маълумотдан маълум бўладики, Термиз вилоятида бир йўлда кетма-кет жойлашган Жарминқан/Жарминқан ва Сарманжи шаҳарлари мавжуд бўлган. Лекин юқорида Сарманжи Термиз вилоятидаги иккита шаҳарлардан бири сифатида қайд этилган. Демак, бу ном юқорида зикр этилган Жарминқан/Жарминқан ёки Сарманқан/Сарманжан шаҳар номларининг бир кўриниши бўлиши мумкин. Бошқа манбаларда унинг бундай шакли учрамайди. Лекин Самъонийга кўра, бу шаҳардан чиққан одамлар Сарманжиний (الصمرنجینی) нисбаси билан машҳур бўлганлар [Самъоний, 1980, VIII: 57]. Ҳозирги Термиздан Минор қишлоғигача бўлган амалдаги масофа 50 км ни ташкил этади. Бу эса манбаларда кўрсатилган 1 *марҳала* ёки 6 *фарсах*дан кўпроқдир. Эҳтимол, карвонлар Чармангон (Жарминхан/ Жарминқан/ Сарманқан/ Сарманжан) шаҳрига етгунча йўлда яна бир ерда, яъни унга қаршли ерларнинг чегарасида тўхтаб ўтганлар. Бу шаҳарнинг ўз ноҳийаси бўлганлиги ҳақида Самъоний айтиб ўтган эди [Самъоний, 1980, VIII: 57]. Бу шаҳар харобалари ҳозирги Жарқўрғондан 3-4 км жануби-ғарбдаги Минор қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Култепа деб аталади [Бартольд, 1963: 123].

Сарой дарвозаси (باب سراى) – Ҳиротдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – A10 да سواى ва حشك, Ф4, Ф1 ва Ф6 да بلخ шакллари ҳам мавжуд.

Сарой Осим (سراى عاصم) – Истахрий матнларидан Ф6 да سواى عاصم шакли ҳам мавжуд. Тохаристондаги шаҳар [Муқаддасий: 49, 296]. Бу топонимнинг биринчи қисми форсча бўлиб, ўзбек тилида ҳам «сарой» маъносини англатади. Иккинчи қисми – бу араб тилидаги атоқли отдир. Шундан келиб чиқиб бу ерларнинг эгаси бўлган Осим исмли бирор арабнинг саройи бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Бу жойнинг аниқ ўрни манбаларда келтирилмаган. Ибн Ҳавқалдаги қадимий харитада Сарой Осим шаҳри «ўнг» томонда кўрсатилган, яъни Андароб ва Хулм шаҳарлари орасида ўтказилган чизикнинг жануби-ғарбида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 428]. Тохаристон шаҳарлари рўйхатида Сарой Осим Руаб ва Хаст орасида ёки рўйхат охирида келтирилади. Шундан унинг Бағландан жануби-ғарбда ва Андаробдан ғарбда жойлашгани маълум бўлади.

Сафардиз (سافردز) – Истахрий матнларида – A2, A3, A12 ва Ф8 да سافرز, A4 да سامرون, A8 ва A9 да سافردن, A8 ва A9 да سافردق, A10, Ф1, Ф2 ва Ф4 да سافرون, A11 да سافرون ва سافرون, Ф2 ва Ф3 да سافرون, Ф8 да ساورزن шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг чап соҳилида жойлашган шаҳар.

Сафири Ком ариғи (نهر سافرى كام) – Истахрий матнларида – A8 ва A9 да كام سافوى, A11 да سافرى كام, Ф3 да كافرى كام шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал матнида Шофири Ком (شافرى كام) [Ибн Ҳавқал, 2011: 45]. Наршахийшнинг

«Бухоро тарихи»да келтирилган ривоятга кўра, бу арикни Эрондан қочиб келган шаҳаншоҳнинг Шопур исмли ўғли қаздирган [Наршахий, 1966: 34-35]. Бухоро вилоятидаги бир туман, ҳозир ҳам Шофиркон деб аталади.

Саффарин (الصفارين) – араб., *саффар* сўзининг кўплик шакли – «мисгар» маъносини билдиради. Самарқанддаги бу жой номининг Истахрийдаги форсча Ф1 матнида *رويگيران* шакли мавжуд.

Сахар рустоқи (رستاق سخر) – Бухородаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А11 да *سحر*, Ф2 ва Ф3 да *دروفن* шакли ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда – Сатижан (*ستجن*) [Ибн Ҳавқал, 2011: 44].

Саъд работи (رباط سعد) – Самарқанддаги бу работ номининг Истахрий матнларида – А12, Ф2, Ф3 Ф4 ва Ф8 да *سغد* шакллари ҳам мавжуд.

Сақолиба (الصقالبة) – араб., «славянлар». Араб халифалигида славян қулларининг баҳоси энг қиммат бўлиб, уларнинг қавмини англатувчи сақлаб (*صقلاب*) – «славян» сўзи «қул» маъносиди ҳам ишлатилган. Славян қуллари асосан аслзодаларнинг шахсий хизматкорлари сифатида ишлатилган.

Сағавар водийси – Нишопурдаги бу арик номининг Истахрий матнларида – А3 да *سغادر*, А4 да *سعاوه*, А5 да *شغاود*, А10 да *سعاود*, А11 да *سعلور*, Ф2 да *سعا*, Ф3 ва Ф4 да *سقا* шакллари ҳам мавжуд.

Сағанийон (الصغانيان) – Сурхондарё водийсида жойлашган тарихий вилоят. Ўрта асрларда Чағонруд (Сурхондарё) водийсида жойлашган Чағонийон (*چغانيان*) вилояти номининг арабча шакли [Беруни, 1973: 130; Самъоний, 1980, VIII: 68; Йақут, 1866, III: 393]. Шимолда унинг ҳудудлари Бойсун тоғлари, жанубда Амударёгача чўзилган. Ғарбда у Термиз вилояти, шарқда эса Хутталон вилояти билан чегарадош бўлган [Балазурий: 407; Ибн Ҳавқал, 1967: 455, 460, 477, 518, 519; Муқаддасий: 49, 268, 283, 313, 332, 346]. Манбаларда унинг номи Чағонийон (*چغانيان*) [Худуд ал-Олам, 1970: 114; Низами: 67, 68] ва Жағонийон (*جغانيان*) [Йақут, 1866, II: 88]. Ўрта асрларда унинг бош шаҳри ҳам шу ном билан аталган бўлиб, Термиздан 4 *марҳала* [Йақубий, 1967: 292] ёки 24 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Хордадбех, 1967: 33]. X асрда у Термиздан катта бўлса ҳам, аҳолиси ундан камроқ бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 477]. Шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашган, оқар сувлари кўп, ҳавоси ёқимли бўлган. Унда турли хил ноз-неъматлар кўп бўлган, лекин унинг аҳолиси камбағал яшаган [Худуд ал-Олам, 1970: 114]. Чағонийон шаҳрининг харобалари ҳозирги Денов шаҳридан 6 км жануби-шарқда Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш ерида жойлашган бўлиб, Будроч деб аталади [Пугаченкова: 59-60].

Сағанийон дарёси (نهر الصغانيان) – Истахрий матнларида – А10 да *الصغايان* ва *لاصغايان*, А10 ва А11 да *الصغايان*, А11 да *الصغايان* ва *الصغايان*, Ф1, Ф4 ва Ф8 да *چغانيان* шакллари ҳам мавжуд. Ўрта асрларда Чағонийон вилоятидан оқиб ўтиб, Тармид (Термиз) шаҳри ёнида Жайхун дарёсига қуйилувчи дарё

Чағонруд (جغان رود) деб аталган [Худуд ал-Олам, 1970: 71]. Ҳозир бу дарё Сурхондарё деб аталади.

Сағарж (سغرج) – Истахрий матнларида – А5 да سغرج, А11 да ساعر шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Соғарж тоғлари (ساغر ج) [Ибн Ҳавқал, 2011: 65] эслаб ўтилган. Иштихандан 5 *фарсах* масофада Соғарж (ساغر ج) ёки Соғарж (صاغر ج) номли катта қишлоқ ҳам бор [Самъоний, 1980, VII: 9; VIII: 10]. У XVI аср ҳужжатларида ҳам қайд этилган [СД: 379, 380, 383; Иванов: 320]. «Бобурнома»да бу ном Соғариж (ساغر ج) ёки Соғаричи (ساغر جي) шаклида берилган [Бабур-наме: 146]. Суғд ҳужжатларида *šwrc* (*улу*) шаклида [Лурье, 2004: 60].

Сибоъийлар (السباعية) – Бану Сибоъ уруғига мансуб араблар ва уларнинг мавлолари, яъни ҳимояси остидагилар. XI асрда Самарқандда Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Сибоъ ибн ан-Надр ибн Масъад ибн Бужайр ал-Бақрий ас-Самарқандий исмли бир муҳаддис яшаган [Самъоний, 1980, VII: 22]. У айнан шу Сибоъ уруғига мансуб самарқандлик Бақр ибн Воил арабларидан бири бўлган.

Сигир емиши (اكل البقر) – қаранг: **Кавхавара**.

Сижистон (سجستان) – Истахрий матнларида – А4 да سجستان, А8 да سجستان, А9 ва А10 да سجستان, А10 да سخستان, Ф1, Ф3 ва Ф8 да سيستان, Ф6 да سيستا. А10 да سخسان шакллари ҳам мавжуд. Хилманд дарёсининг қуйи оқимида, Хуросон ва Балужистондан жанубда жойлашган Систан (سستان) вилоятининг арабча номланишидир. Пахлавий тилида Немроч (*Nemroc*) деб номланган бу вилоят ўрта форсий тилида «жануб» маъносини англатган [Маркварт: 16-22]. Араб манбаларида бу ном Нимруз (*نيمروز*) [Ибн Руста, 1967: 103; Йақут, 1866, IV: 870], форсий манбаларда эса – Нимруз (*نيمروز*) ёки Нимруз (*نيم روى*) шаклларида келган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 31a; Гардизи: 17, 89, 106; Та’рих-и Систан: 64]. Бугунги кунда унинг худуди Эроннинг шарқида ва Афғонистоннинг ғарбида жойлашган.

Сийаҳжирд (سياهجرد) – Истахрий матнларида – А3 да سياه حرد, А9 да سناه حرد, А10 да شاه حزد, Ф4 да سياه كرد, Ф6 да سياه كوه шакллари ҳам мавжуд. Балхдан 5 *фарсах* ва Термиз йўлида Амударё қирғоғидан 7 *фарсах* масофада жойлашган катта қишлоқ [Ибн Хордадбех: 66]. Ундан то Амударёгача сувсиз чўл ястаниб ётади [Кудам: 211]. Ҳозир ҳам Балх харобаларидан шимоли-шарқда Сийаҳжирд номли қишлоқ мавжуд. Ўрта асрлардаги Сийаҳжирд шаҳрининг харобалари ундан 15 км шимолда жойлашган. Бу шаҳар баландликда жойлашган бўлиб, атрофдаги ерларни назорат қилиш ва Балх воҳасини шимол томондан мудофаа қилиш вазифасини бажарган [Бартольд, 1963: 126].

Сийовушон (سياوشان) – Ҳиротдаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А2, А8 ва А9 да سیاوشان, А3 да ساوشان, А10 да йўк, Ф1 да سیاوشان, Ф6 да سیاوشان шакллари ҳам мавжуд. Бу рустоқнинг номи эрон эпоси қаҳрамони Сийовуш билан боғлиқ бўлса керак.

Сикка дарвозаси (باب سكة) – Бинкат рабадидаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – А11 да سهله, Ф1 ва Ф8 да كوى سهله шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Сиккат Саҳл дарвозаси (باب سكة سهله), яъни Саҳл кўчаси дарвозаси дейилган.

Сиккат Маъқал дарвозаси (باب سكة معقل) – Нишопур шаҳристонидаги бу дарвозанинг Истахрий матнларида – А8 да معقل, А10 да معقل, Ф6 да كو معقل шакллари ҳам мавжуд. Сўзма-сўз «Маъқал кўчасидаги дарвоза» маъносини англатади.

Сиккат Хоқон дарвозаси (باب سكة خاقان) – яъни Хоқон кўчаси дарвозаси. Бинкат рабадидаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларидан Ф1 ва Ф8 да كوى خاقان шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Сиккат Хоқон (درب سكة خاقان) шаклида қайд этган [Муқаддасий: 276]. Бу дарвозанинг номи шундан далолат берадики, бир вақтлар унинг ёнида жойлашган маҳаллада турк хоқонига тегишли иморатлар, эҳтимол унинг қасри жойлашган.

Симинжон (سمنجان) – Истахрий матнларида – А2 да سمنجان, А3 да سمنجار, А3, А8 ва А9 да سمنجان, А3 ва А9 да سمنجان, А4 да سمنجار, А8 да سمنجان, А9 да سمنجان, А10 да سمنجان, А11 да سمنجان, Ф1 да سمنگان, Ф2 да سبيجان, Ф3 да سمنجان, Ф4 да سمنجان, Ф6 да سمنجان, سمنجان ва مياصبان, Ф8 да سمنگان шакллари ҳам мавжуд. Дарё водийсида тоғлар орасида, Балхдан 4 марҳала, Бағландан 2 марҳала, Хулмдан 2 кун ва Андаробдан 5 кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457; Муқаддасий: 49, 296, 303, 346]. Бошқа манбаларда бу шаҳар номи Симингон (سمنگان) [Худудал-Олам, 1970: 108], Саманкан (سمنكان) ёки Саманган (سمنگان) [Беруни, 1976: 467; Байхаки: 130, 210, 331] шаклларда ҳам келган. Бу шаҳар номи X аср Сомонийлар тангаларида Симинжон (سمنجان), Саманқон (سمنقان) ва Самалқон (سملقان) шаклларда ҳам келган [Замбаур: 150]. XVI асрдан бошлаб бу шаҳар Ҳайбақ (هيبق) ёки Айбақ (ايبق) деб атала бошлаган [Хофиз-и Таниш II: 162, 278; Ахмедов: 50]. Ҳайбақ Хулм дарёсининг энг кенг бўлган ерида жойлашган [Бартольд, 1963: 117; 1971: 49-50].

Симоб (الزيبق) – юқорида ҳам айтилган эдики, Мовароуннаҳрда [шундай] олтин, кумуш ва симоб конлари борки, барча ислом мамлакатларидаги бирорга кон бойлик ва мўл-кўлликда уларга тенг кела олмайди [Ибн Ҳавқал, 1967: 464]. Берунийга кўра, *зибақ*, яъни *зайбақ* атамаси арабча *завуқ* сўзидан ясалган бўлиб, «безовчи», «шакл берувчи» маъносини билдиради. Сурёний тилда *зиваг*, хинд тилида *бораж*, форс тилида *симоб* деб аталган [Беруни, 1973: 516]. Симоб сўзи форс тилида «кумуш сув» маъносини билдирган. Бу маъдан учувчанлиги туфайли «руҳлар» гуруҳига киритилган бўлиб, Уторид (Меркурий) сайёрасига нисбат қилинган. Қадимги форс тилида симобга нисбатан *жива* сўзи ҳам ишлатилган. Сурёний тилидаги *зиваг* ва араб тилидаги *завуқ*, (*зайбақ*) шу сўздан келиб чиққан [Каримова: 90-

94]. Сўхва Исфара орасидагидовонларданбириҳозиргачаСимобдебаталади. ҚадимгисимобконларинингизлариЎшдантортиб то ХўжаБақирғонсойгачабўлганкенгхудуддаҳозирҳам кўплабучрайди [Массон, 1955: 29].

Син дарвозаси (باب الصين) – араб., Хитой дарвозаси. Самарқанддаги бу дарвоза шаҳарнинг шимоли-шарқий томонига қараган. Бу йўлдан карвонлар Шош ва Фарғона орқали Хитойга борган. Истахрийнинг форсча Ф1 матнида چین шакли мавжуд.

Синаваб ариғи(نهر السناواب) – Истахрий матнларида – А3 да ساواب, А8 ва Ф2 да ساواب, А11 да السوات, Ф3 ва Ф7 да سوات шакллари ҳам мавжуд. Бу ариқнинг номи Сийоҳоб (سياه اب) бўлса керак. XVI аср хужжатларида Самарқанд вилоятидаги бир нечта ариқлар шу ном билан аталган [СД: кўрсаткичлар].

Синам (سنام) – Истахрий матнларида А12 да دسام ва داشام, Ф8 да بشام шакллари мавжуд. Бу русток номи Ибн Ҳавқал матнидаги Кешда мавжуд рустоклардан Харуда, Сурруда ва Санкарда шаклларида бирортаси бўлиши мумкин [Ибн Ҳавқал, 2011: 67]. Лекин у бу номларга араб ёзувида ҳам шаклан ўхшамайди.

Синам (سنام) – Истахрий матнларида – А12 да دسام, Ф1 да سيام, Ф8 да بشام шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Сийом (سيام) шаклида келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 66]. Бу тоғининг номи Сом (سام) деб ҳам келтирилган [Наршахий, 1966: 62]. VIII асрда бу тоғларда арабларга қарши кўзғолон кўтарган Муқанна қалъаси жойлашган бўлиб, 50 мингга яқин одамни сиғдира олган бу қалъанинг ичида булоқ оқиб ўтган [Наршахий, 1966: 62; Ибн ал-Асир, VI: 17-18]. Маҳмуд ибн Валийнинг маълумотига кўра, Насаф билан Сағанийон орасидаги тоғлар Сийом деб аталган. Бу тоғлар жуда баланд бўлиб, уларнинг тепасидаги қор ёзда ҳам эримаган ва ҳаво тоза бўлганда улар 40 *фарсах* масофада жойлашган Балхдан ҳам кўриниб турган [Маҳмуд ибн Вали: 94]. Ҳозирги вақтда Шаҳрисабздан шарқда жойлашган тоғлар Сином деб аталади.

Синд (السند) ёки Синдийа (السندية) – Истахрий матнларида – А1, А8, А9, Ф2 ва Ф3 سفينه, А5 да سغديه, А10 да السفه ва الصغده, А11 да السفينه ва السفينه, Ф4 да سقينه ва Ф8 да سف و لين шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда Ибн Ҳавқалда Шикнийа (الشقنية) ёки Шикнон (شقنان) [Ибн Хордадбех, 1967: 37], форс тилидаги манбаларда эса Шуғнон (شغنان) шаклида қайд этилган [Фирдоуси, V: 150; VII: 286]. Помир тоғлари этагида Панж водийси ва унинг ирмоқларида жойлашган вилоят. Бу вилоятнинг номи ҳозир ҳам маҳаллий аҳолининг талаффузида Шуғнон деб аталади.

Синж (سنج) – Истахрий матнларида – А2 ва А10 да سنج, А3 да سخ, А8 ва А9 да سح, А9 да شح, А10 да بح, Ф2 ва Ф3 да سنج, Ф4 да سخ, Ф6 да سسح, Ф8 да سنگ шакллари ҳам мавжуд. Марвдан бир *фарсах* масофада, Сарахс йўли

билан Марваруз йўли орасида жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 456]. Синжнинг аниқ жойлашган ўрни ҳанузгача аниқланмаган.

Сиришк (سرشك) – Хуросондаги тоғда жойлашган оташхона номининг Истахрий матнларида – А3 да سرسك, А8 да سرمنل, А9 да سرسل, А10 да سربك, Ф1 ва Ф6 да سرسكه шакллари ҳам мавжуд. Сиришк номи билан Сижистон ва Форсдаги қишлоқлар ҳам аталган.

Сифона (سيفانه) – Истахрий матнларида – А11 да اسفانه, А4 да سنده, А8 ва А9 да سقانه, Ф2 да سفانه, Ф3 ва Ф7 да مغانه, Ф4 да سغانه шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда – Сифойа (سفاه) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 84]. X асрда Бухоро вилоятида Сафна ёки Суфна (سفنه) номли қишлоқ қайд этилган [Наршахий, 1966: 16, 20]. Бу номларнинг ҳаммаси бир ер номининг турли шакллари бўлиши мумкин. Сифойа ёнида Жайхун дарёсида Моҳикаброн (ماهيكبران) номли сув кечуви жойлашган бўлиб, у Бухоро вилоятига қарашли бўлган [Муқаддасий: 292]. Сифойа (Сайфона, Сафна) қишлоғининг харобалари Амударё бўйидаги Қўшқалъа ёнида жойлашган бўлиб, Тупроқ Қўрғон деб аталади [Адылов: 20].

Сифона чўли (مفازة سيفانه) – Хуросондаги бу чўл номининг Истахрий матнларида – А2, А3 ва А8 да سكانه, А4 да йўк, А9 да سكانه, А10 ва А11 да سقايه, Ф4 да سغانه, Ф7 да مغانه шакллари ҳам мавжуд.

Сомхаш (سام خاش) – Байканддаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – А10 да شام خاش, А11 да سام حاس, А12 ва Ф1 да سام كاس, Ф8 да سامجاس шакллари ҳам мавжуд. Наршахий маълумотида кўра, бу кўл Боргини Фарох (باركين), Сомжан, Қоракўл (قرا كول) ёки Денгиз (دنكز) номлари билан аталган [Наршахий, 1966: 25].

Сомонийлар (آل سامان) – яъни, Сомон оиласи – Мовароуннаҳр ва Хуросонда *амир* унвони билан ҳукмронлик қилган сулола (жами 12 ҳукмдор). Бухорода 204/819 – 395/1005 йилларда ҳукмронлик қилишган [Босворт 1971: 145-147; Фрай: 136-161]. Сомонийлар ҳақида батафсил қаранг: Камалиддин, 2012.

Сон (سان) – Истахрий матнларида – А2, А3, А9 ва А10 да مرسان, А3 да سار, А8 да سنان, А8 ва А9 да سنان, А9 да بيسان, А10 да ساد, А10 ва А11 да سار шакллари ҳам мавжуд. Уни яна, Асон ва Самоъқан (اسان و صماقن) деб ҳам аташган [Йақубий, 1967: 57]. Самъоний маълумотида кўра, Сон тоғ этагида жойлашган Балхдаги қишлоқлардан биридир [Самъоний, 1980, VII: 18]. Соннинг ўрта асрлардаги номи бугун ҳам сақланиб қолган ва бу номда Сари Пулдан 60 км жанубда жойлашган шаҳар (Сон ва Чорук) мавжуд. Батафсил маълумот учун қаранг: Камалиддинов, 1996: 370-371.

Субаникат (سبانيكت) – Истахрий матнларида – А10 да رسانك, А11 да سانك ва سامت, Ф1 ва Ф2 да رساييكت, Ф2 да سايكت ва سكت, Ф3 да سانيكنت ва سامكت, Ф8 да سناسكت ва سانای كت шакллари ҳам мавжуд. Канжида (كنجذه) туманининг бош шаҳри [Ибн Ҳавқал, 1967: 510]. Қуйида ва бошқа манбаларда унинг

номи Усбаникат (اسبانيكث) [Ибн Ҳавқал, 1967: 523; Самъоний, 1980, I: 209], Арсубаникат (ارسببانيكث) [Муқаддасий: 48, 263] ва Соникат (سانيكث) деб ҳам келтирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 118]. Исбижабдан 1 катта *марҳалада* [Самъоний, 1980, I: 209] ёки 2 *марҳала* масофада Бараб йўлидаги [Ибн Ҳавқал, 1967: 523] кўрам, тоза ва мустаҳкам шаҳарча (мадина), унинг жоме масжиди ва иморатлари рабадда жойлашган [Муқаддасий: 273]. Унинг номи суғдча *ʻsr* – «от» ёки (*ʻ*)*spʻnc* – «меҳмонхона», «карвонсарой» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 100]. Бу шаҳарча Арис дарёсининг ҳавзасидаги Жувонтепа ёки Шўртепа харобалари ўрнида жойлашган [Байпаков, 1977: 84-85]. Арсубаникат номининг бош қисми (арсу-) ҳозирги Арис дарёсининг номи билан бир бўлиши мумкин [Байпаков, 1986: 24]. Охирги тадқиқотларга кўра, бу шаҳар Бодом ва Арис дарёларининг қўшилиш еридаги Шўртепа (Караспантепа) харобалари ўрнида жойлашган [Байтанаев: 65, 71-73].

Сувайқа (السويقه) – бу кўприк номи Истахрийнинг матнларида – A11 да *الشريعه*, Ф1 да *بازارك*, Ф8 да *پل بازارچه* шакллари ҳам мавжуд.

Сувсар (الاوربار) – йирткичлар туркумига мансуб муйнали хайвон. Лотинча илмий номи *Mustelidae*, русча номи – соболь.

Суйдак (سويدك) – бу номнинг ҳам келиб чиқиши маълум эмас. Бу қишлоқ Ушрусанадаги Минк рустоқида бўлган деб тахмин қилинади. Бу русток Сирдарё ҳавзасида Туркистон тоғ тизмасидан шимолда Фарғона билан чегарадаги Сулукта, Зомбарич ва Хитой қишлоғи атрофларидаги тоғларда жойлашган бўлиши мумкин [Негматов, 1957: 45-46; Беленицкий, Бентович, Большаков: 190].

Сулумак (سلومك) – Истахрий матнларида – A2, A3 ва A8 да *سلومل* A2 ва A3 да *سكومل*, A10 да *سلوما*, A10 ва A11 да *سومل*, Ф2 да *سلونك*, Ф3 да *سلونك*, Ф6 да *سلوتل*, Ф8 да *سلومه* шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да Салумиз (*سلومذ*) деб келтирилган [Худуд ал-Олам, 1930: 196]. Санакондан икки кунлик ва Завуондан бир кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 455].

Сунаж (سونج) – Истахрий матнларида – A4 да *سوح*, A8 ва A11 да *سوح*, A10 да *سوم* ва *بلح*, A11 да *سرح* ва *سوح*, A12 да *سوخ*, Ф4 да *سوخ*, Ф7 да *نسوخ* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Субах (*سوبخ*) дейилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 66]. Бу шаҳар Насаф – Термиз йўлида Насафдан 6 *фарсах* масофада жойлашган [Самъоний, 1980, VII: 185]. Унинг харобалари Ғузордан 8 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, Ўликтепа деб аталади [Массон, 1975: 55; Лунина: 27].

Сунбукжан (سنبکجن) – Истахрий матнларида – A11 да *سسکجن*, Ф1 да *ستينکجن*, Ф2 да *سسکر*, Ф3 да *سبيجر* ва *مصكى* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда С.тин.к.жан (*ستينکجن*) дейилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 69]. Бу ариқнинг номи суғдча *sn/sb* – «юксақларга кўтарилмоқ» сўзидан ясалган бўлиши мумкин.

Агар бу ном Сунбукжан шаклида бўлса, у суғдча *swnpk* – «тешик», «тешилган» ва *-jan* – «сой», «арик» сўзларидан ясалган бўлиб, «қояларни тешиб ўтган ғор ичидаги сой» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 131, 133].

Суркада дарвозаси (باب سوركده) – Бинкатдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – A10 да كره, A11 да سور كره, Ф1 да كده, Ф8 да سوركه шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Дарб Суркада (درب سوركده) шаклида ҳам келтирилган [Муқаддасий: 276]. Бу ном арабча сур (سور) – «шаҳар девори» ва форсча када (كده) – «уй» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 224].

Сурмин (سورمين) – Истахрий матнларида – A11 да سورمين, Ф8 да شورمين шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Шурмин (شورمين) [Ибн Хауқал, 2018: 29]. Ғаржистондаги шаҳар [Йакут, 1866, III: 785; Беруни, 1976: 467]. Абшин билан Сурмин ораси 4 *марҳалани* ташкил этган [Муқаддасий: 348]. «Худуд ал-Олам»да Сурмин Ҳирот вилоятига киритилган [Худуд ал-Олам, 1970: 105].

Суруза (سوروده) – Истахрий матнларида – A10 да A11 да سروده, Ф1 да سوروده шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Сурруда (سور روده) [Ибн Ҳавқал, 2011: 67].

Сусқан (السوسقان) – Истахрий матнларида – A10 да السوسقان, Ф2 да سوسقان, Ф3 да سومعان, Ф6 да سوققان, Ф6 да سومسقتان шакллари ҳам мавжуд. Харақдан 1 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457]. Бу шаҳар Вакил-бозордан ғарбда, Мардан шарқда жойлаштирилади [Массон, 1978: 176-177].

Сусонрустоқи (رستاق سوسان) – Хуросондаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – A3 да سوساق, Ф4 да ميرستان, Ф6 да ميرسان, Ф7 да سيرشيان шакллари ҳам мавжуд. Бутопонимнинг келиб чиқиши *сус* (سوس) – «узунбурунлилар» (ҳашарот) сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [ПРС, II: 69].

Сутканд (سكند) – Истахрий матнларида – A11 да سکند ва سكد, Ф2 да سيكند ва بيسكيد, Ф3 да سکند ва بيسکند, Ф8 да ستیکند ва سوماح шаклларда ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда бу шаҳарнинг номи Бисканд (بيسکند) шаклида келтирилган [Ибн Ҳавқал, 1873: 390 – 392]. Сутканд номи туркий *süt* – «сут» ёки *swt* – «турк» ва суғдча *kand* – «шаҳар» сўзларидан ясалган [ДТС: 290; Лурье, 2004: 103, 105-106, 193]. Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг чап қирғоғида жойлашган шаҳар.

Сутуркат (ستوركت) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да اسوركت, A4 ва A12 да ستوركت, A10 да اسورکک ва اسورک, A11 да اسورکت ва سورکت, Ф2 да سورکت, Ф3 да استورکت, Ф8 да استروکت шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда унинг номи Уштуркат (اشتورکت) [Муқаддасий: 49, 264, 276], Шутуркат (شطورکت) [Ибн Хордадбех, 1967: 27] ва Штуркат (شتورکت) шаклларида ҳам учрайди. У Бинкатдан 3 *фарсах*, Банокатдан эса 5 *фарсах* [Ибн Ҳавқал, 1967: 522] ёки 4 *фарсах* масофада Турк (Чирчиқ) дарёси бўйида жойлашган [Ибн Хордадбех, 1967: 27]. Унинг номи суғдча «туя шаҳар» маъносини англатади [Лурье, 2004: 100]. Бу шаҳарчанинг харобалари Тошкент шаҳридан жанубда Пахта темир

йўл бекати яқинида, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида Киршовул қишлоғи қаршисида жойлашган бўлиб, Эски Тошкент деб аталади [Буряков, 1975: 51-52].

Сух(سوخ) – Истахрий матнларида – A2 да بسوخ, A2, A3, A8 ва A9 да سرح ва سرح, A3, A4 ва A11 да بسوح, A8, A9, Ф1 ва Ф4 да سوخ, A10 да السوح, سوح ва سوخ, A11 да بسوح, A11 ва Ф2 да سرح, A11 да سوح, A12 да بسوج, Ф3 да سرخ, Ф8 да بسوح ва بسوح шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Суж (سوج) шаклида ҳам қайд этилган [Ибн Ҳавқал, 1873: 395, 397-398, 406; Йақут, 1866, III: 183]. Унинг номини авест. *savahī* – «шарқ» сўзи билан боғлаш мумкин эди, лекин Сўх Фарғона водийсининг энг жанубида жойлашган [Лурье, 2004: 79]. Фарғона вилоятида ҳозир ҳам Сўх номли қишлоқ ва дарё мавжуд. Сўх дарёси Сирдарёнинг чап томондан қуйилувчи ирмоғи бўлиб, Ҳоканд (Кўкон) шаҳридан оқиб ўтган. Сух қалъаси ҳозирги Кўкон шаҳридан 25 км жанубда Сўх дарёсининг ўнг қирғоғида Сарикўрғон қишлоғининг ғарбий чеккасидаги Муғтепа харобалари ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Бартольд, 1965: 214; Шигин: 192]. Лекин бу қалъада VIII асрдан кейин ҳаёт давом этмаган. Сарикўрғон қишлоғидан ғарбдаги Рапқонмозор қишлоғи ёнида IX – XIII асрларга мансуб шаҳар харобалари топилган бўлиб, Сух қалъаси шу ерда жойлашган бўлиши мумкин [Горбунова: 85-87].

Сухашин дарвозаси(باب سوخشين) – Истахрий матнларида – A3 да سوخشين, A11 да بسوحس, Ф1 да سرخس, Ф8 да سر حسين шакллари ҳам мавжуд. Бу ном суғдча *suxsc*сўзи ва *-ēn* суффиксидан ясалган бўлиб «ёндирилган» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 222]. Бу дарвоза Самарқанд рабад деворининг шимолий қисмида жойлашган.

Сухта дарвозаси (باب سوخته) – араб.-форс., сўзма-сўз «Ёқилган дарвоза». Нишопурдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларидан A10 да سوحبه шакли ҳам мавжуд.

Суғд (السغد) – кенг маънода Суғд мамлақати. Исломдан олдин унинг таркибига Самарқанддан ташқари Бухоро, Насаф ва Кеш вилоятлари, шунингдек Панжикент шаҳри ҳам кирган – Зарафшон ва Қашқадарё водийларини эгаллаган катта вилоят эди. Лекин X аср араб манбаларида Суғд деганда Самарқанд билан Бухоро орасида жойлашган кичик бир туман тушунилган. У яна Суғд Самарқанд (سغد سمرقند) – яъни Самарқанд Суғди деб ҳам аталган. Илмий адабиётда Суғд вилоятини тўртга бўлиб ўрганиш қабул қилинган: Шимолий Суғд (Самарқанд вилояти), Ғарбий Суғд (Бухоро вилояти), Жанубий Суғд (Қашқадарё вилояти) ва Шарқий Суғд (Панжикент вилояти). X асрда Суғд деганда асосан Самарқанд ва Бухоро ўртасида жойлашган кичик бир туман тушунилган.

Суғд водийси – қаранг: **Суғд дарёси**.

Суғд дарёси (وادی السغد) – бу Зарафшон дарёсининг арабча номи. Ўрта аср араб манбаларида у Наҳр ас-Суғд (نهرالسغد), яъни «ас-Суғд дарёси», унинг айрим қисмлари эса Сомжан (سامجن), Фаровуз (فراوز), Харомком (حرامكام), Харқанруд (خرقان رود) ва бошқа номлар билан аталган [Ибн Ҳавқал, 1967: 495]. Наршахий уни Руди Мосаф (رود ماسف) деб қайд этган [Наршахий, 1966: 15]. Форс талидаги манбаларда бу дарё Кухак (كوهك) деб ҳам аталган. Манбаларда Зарафшон (زارافشان) номи XVIII асрдан бошлаб ишлатила бошлаган бўлиб, бу ном (zar-afsan) «олтин сочмалар» маъносини билдиради [Деххуда, III: 4560]. Йаъкубий (IX аср) га кўра, Самарқанд дарёси турклар мамлакатидан оқиб чиқиб Носаф (ناسف) деб ҳам аталган [Йакубий, 1967: 293]. Тахмин қилинишича, бу ном дарёнинг қадимги Номик (نامق) номининг бир шаклидир [Трамбле: 121]. Қадимги юнон манбаларида эса бу дарё *Политимет* – «жуда ҳам мўътабар» шаклида қайд этилган бўлиб, бу ном унинг маҳаллий Номик номининг таржимасидир. Номик номи қад. эрон, нам – «ибодат қилмоқ» сўзидан ясалган бўлиб, «мўътабар [дарё]» маъносини билдиради. Бу сўз (*Nâm-ik ёки Nam-ic*) Бухоро шаҳрининг эски номи Нумижкатнинг биринчи қисмида мавжуд [Лурье, 2004: 61]. Бу дарёнинг қадимги туркча номи ҳам бўлган. Юнон сайёҳчиси В.Вататзи томонидан 1750 йилда чизилган Ўрта Осиё харитасида Зарафшон дарёси *Carasui* деб аталган, унинг қуйи оқимида эса *Caracol* номли шаҳар қайд этилган [Камолиддин, 2005: 40-41]. Демак, у вақтда Зарафшон дарёси кўпроқ Қорасув номи билан машхур бўлган, унинг қуйи оқимида эса Қорақўл номли шаҳар бўлган. Ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган Қорақўл номи илк бор X асрда қайд этилган бўлиб, Бухоро вилоятидаги Байканд шаҳри яқинида шу номли қўл бўлган [Наршахий, 1966: 25]. Бу ном Птолемей харитасида *Characharta* шаклида қайд этилган. Демак Қорақўл номи милодий I – II асрларда ҳам мавжуд бўлган. Эҳтимол Қорақўлга қуйилувчи Зарафшон дарёси ҳам дастлаб Қорасув деб аталгандир. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда ҳам Зарафшон номи дарёнинг фақат қуйи оқимига нисбатан ишлатилади, унинг юқори ва қуйи қисмлари эса Қорадарё деб аталади. Қорақўл Қорасув ва Қорадарё номларининг асосида туркий «қора» сўзи мавжуд. Дарёнинг Самарқанддан қуйироқда ажралиб чиқувчи ва яна унга қуйилувчи кичикроқ қисми Оқдарё деб аталади. Зарафшон дарёсининг турли тарихий номлари ҳақида қаранг: Мухамеджанов: 52-67.

Суғд тили (لسان السغد) – Бухоро воҳасида суғд тилининг маҳаллий шеваси бўлиб, Самарқанд, Нахшаб ва Кеш шеваларидан бироз фарқ қилган [Исхаков, 2008: 102-107].

Табаристон (طبرستان) – Истахрий матнларидан A8 да طبرستان шакли ҳам мавжуд. Каспий денгизининг жанубий соҳилларидаги, Элбурс тоғларидан шимолда, Жилон билан Хуросон орасида, соҳилдан 3 *фарсах* масофада жойлашган вилоят. Ғарбда, у Жилон ва Дайлам билан, шарқда Журжон билан

чегарадош бўлган. Унинг ҳудудидан Тежен дарёси оқиб ўтган. XII асрдан бошлаб бу ўлка Мозандарон деб номлана бошлаган (مازندران). Табаристоннинг бош шаҳри Амул (أمل) бўлган [Самъоний, 1980, I: 106].

Табарон (طابران) – Истахрий матнларида – А3, А8, Ф2, Ф3 ва А9 да الطابران, Ф4 ва А6 да الطايران, А10 да الطابراں, А11 да الطابران, Ф6 да طيران шакллари ҳам мавжуд. Тус шаҳарларидан бири [Самъоний, 1980, VIII: 167; Самъоний, 1996: 567, 739, 818, 899, 909, 1321, 1441, 1572; Тахбир, I: 244; II: 26, 121, 205]. Ибн Ҳавқалда Табаран (طبران) [Ибн Хаукал, 2018: 16], «Ҳудуд ал-Олам»да Таварон (طوران) шаклларида келтирилган [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 103]. Ўрта аср Тобарони Нишопурдан шарқда бугунги Тус қишлоғи яқинига жойлаштирилган.

Табархун (الطبرخون) – Фарғонадаги ўсимлик. Ибн Ҳавқал асарининг бошқа нусхасида бу сўз тархун (الطرخون) шаклида келтирилган. Бу ерда тархун (шеролчин) назарда тутилган бўлса керак. Берунийга кўра, тархун (طرخون) – эстрагон, яъни шувоқ ёки ёвшан бўлиб, сабзавотнинг бир туридир [Беруний, 1973: 614]. Тархун – бўйи 40-80 см келадиган кўп йиллик доривор ўт бўлиб, тоғ ён бағирларида, юмшоқ ва тошли қояликларда ўсади. Унинг лотинча ботаник номи Artemisia dracunculus. Унинг номи қад. юнонча drakon сўзидан ясалган [Каримова: 221]. Лекин бу ерда шу номли дарахт бўлиши ҳам мумкин.

Табас(طبس) – Қухистондаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А2 да الطبسين, А3 да الطسين, А8 ва А9 да الطسين шакллари ҳам мавжуд.

Табас Масинон(طبس مسينان) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да مسار, А3 ва А4 да طيس مسان, А4 да طيس مسان, А8 да طيس مسنان, А8 ва А9 да طيس مسنان, Ф6 да طيسين مريان, Ф8 да طيس шакллари ҳам мавжуд. Қухистон Қойинидан икки кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 458]. Араблар уни Хуросонда биринчи қўлга киритган шаҳар бўлгани учун «Хуросон дарвозаси» деб аташган [Самъоний, 1980, VIII: 209]. У тоғлар билан чўл орасида жойлашган эди. Бу ёқимли жой эди [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 103].

Табасайн (الطبسين) – Истахрий матнларида – А3 да الطبس ва الطبسس, А4 да الطبسس, А8, А9, А10 ва А11 да الطسين, А9 да طيس مسنان, А10 да طيس مسنان, А11 да العليين ва طيس مسنار, Ф6 да طيس, Ф8 да طيس ва طيس كريت шакллари ҳам мавжуд. Араб. «Икки Табас» маъносида. Чўлда, Хуросоннинг жанубида, Нишопур, Исбаҳон ва Кирмон орасида жойлашган доира номи [Самъоний, 1980, VIII: 209]. Араблар унинг номини шундай аташларига «Хуросон дарвозаси» (باب خراسان) ҳисобланган икки қалъаси – Табас (طبس) ва Курин (كرين), борлиги сабаб бўлган. Бу шаҳар Йазд ва Машҳад шаҳарлари орасида жойлашган Гулшан номли жой ўрнида бўлган. Унинг ёнидаги чўл эса, Дашти Кавир деб номланади. Батафсил маълумот учун қаранг: Бартольд, 1971: 141-142; Колесников, 1981: 127, 133, 142-143, 145, 164; Деххуда, X: 15356-15358, 15360.

Тававис (الطواويس) – араб., «товус» сўзининг кўплик шакли. Истахрий матнларида – А10 да طواويس, Ф3 да طوامين шакллари ҳам мавжуд. Бухоро вилоятидаги шаҳар. Унинг харобалари Бўстон қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Шаҳри Вайрон деб аталади.

Тавак (توك) – Фарғонадаги бу жой номи Истахрийнинг фақат Ф8 матнида келган.

Таван (تون) – Қуҳистондаги бу шаҳар номи Истахрий матнларидан Ф8 да мавжуд.

Тайақан (الطايقان) – Истахрий матнларида – А3 да طايقان, الطايقان, الطائفان, الطائفان, А4 да الطايقان, А4, А5 ва А11 да الطالقان, А8, А9 ва Ф3 да الطابعان, А10 да الطالقان ва الطائكان, А11 да الطايكان, Ф6 да طايقان ва تيه, Ф8 да طالقان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Тайакон (الطايكان), Амударёнинг юқори оқими ҳавзасидаги, унинг чап қирғоғида, Варволиздан икки кунлик ва Базахшондан етти кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457]. Унинг номи, яна Толакон (الطالقان), Торакон (طاركان) [Йақубий, 1967: 58], Торақон (الطارقان) [Қудам: 243]. Сомонийлар даври зарбхоналарда босилган тангаларда Тайақан (طايقان) шаклида ёзилган [Замбаур: 169]. Тайақан номи Арман манбаларида Италаккан шаклида келган. Тахмин қилинишича, бу топонимнинг биринчи қисми *И-та* ёки *Е-да* – ўзларини шундай номлаган эфталларнинг хитойча берилиши бўлиши мумкин [Маршак: 63-64]. Самъоний маълумотларига кўра, араблар босқини даврида Тайақан Раминкан (رمنكن) аталган [Самъоний, 1980, VIII: 185]. Уни Қуйи Тохаристондан фарқлаш учун «Юқори Тохаристон» деб ҳам аташган [Ибн Хордадбех: 67; Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 321-322, 325]. Шаҳар ўзининг қадимий номини Талихан шаклида сақлаб қолган. У шу номдаги Амударёга қуйиладиган Қундуздарёга қўшиладиган ариқнинг қирғоғида жойлашган [Бартольд, 1971: 51]. XX аср бошида ундан шимол томонда Кўҳна Таликан номли қишлоқ бўлган ва у ўрта аср Тайақани бўлиши мумкин [Қушкеки: 58-64].

Тамахус (طماخس) – Фарғонадаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А11 да طماحسن, Ф1 да طماحسن, Ф8 да طماحسن шакли мавжуд. Унинг номи Тамохуш (طماخش) шаклида ҳам қайд этилган [Ибн Ҳавқал, 1873: 595; Идрисий, 1974: 707]. Бу шаҳарча тоғ ёнбағрида жойлашган [Худуд ал-Олам, 1970: 116].

Тамлийат (تمليات) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8, А9, А11, Ф3 да تمليات, А4 да تمليات, А10 да йўқ, Ф2 да تمليات, Ф4 да تمليات, Ф6 да تمليات шакллари ҳам мавжуд. Вашжирд йўлида жойлашган Хутталон вилоятига қарашли шаҳар ва рустоқ [Ибн Руста, 1967: 92; Муқаддасий: 49, 290; Беруни, 1976: 468; Йақут, 1866, II: 402], у Вахшоб дарёсидаги Ҳажар кўпригидан 4 *фарсах* масофада Мунк томонда жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 518]. X асрда у жуда чиройли ва гуллаб яшнаган шаҳар бўлган, унинг аҳолиси эса урушга

мойил бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 120]. Тамлийат шахрининг харобалари Пули Сангин дарасидаги собиқ Тутковул қишлоғидан шимолда жойлашган деб тахмин қилинган эди. Ҳозир бу ерлар Нурек сув омборининг тагида қолиб кетган [Юркевич 1964: 114-124; Пьянков 1979: 78]. Лекин бу харобалар бор йўғи 2,5 га ни эгаллаган. Ундан ташқари улар Пули Сангин кўпригидан атиги 9 км масофада жойлашган. Бу эса манбаларда кўрсатилган масофа (4 *фарсах*) га тўғри келмайди. Бу кўрсаткич ҳам унинг шаҳар эмас, собиқ кўчманчиларнинг бир қишлоғи бўлганидан далолат беради. Демак, Тамлийат шахрининг харобалари бу ерда эмас, балки бошқа ерда бўлиши керак. Тутковултепа харобаларидан 3 км шарқда ўрта асрларга мансуб Сой Сайёд номли харобалар жойлашган эди. Лекин уни ҳам шаҳар харобалари деб бўлмайди. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов, 1996: 196.

Танакан ариғи (نهر تنکان) – Бухородаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – А11 да سكان, Ф1 да يتگان, Ф2 да بينکان, Ф3 да مکان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал матнида бу дарё номи Навканда (نوکنده) деб аталган [Ибн Ҳавқал, 2011: 46].

Тараз (الطراز) – Истахрий матнларида – А4 да حلوان, А10, Ф3 ва Ф6 да طوران, А11 да الطراز, طرار, الطرار ва الاطرار, Ф2 да توان шаклларда ҳам келтирилган. Бошқа манбаларда унинг номи Тироз (طراز) [Кошғарий, I: 66, 124, 148, 347; III: 420] ва Т.пор (طرار) шаклларида ҳам қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 119]. Маҳмуд Кошғарийга кўра, бу номли икки шаҳар бўлган, бири Улуғ Талос (الغ تلاس), иккинчиси эса Кэми Талос (كمي تلاس) деб аталган [Кошғарий, I: 347]. Турклар уни яна Алтун Арғу улуш (*altun Arγu uluṣ*), Арғу Талас (*Arγu uluṣ*), Талас улуш (*Talasalulṣ*) [ДТС: 40; Кляшторный: 131], Атлук (اتلق) [Кошғарий, I: 124] ва Ўанги деб ҳам атаганлар [Хайдар: 458]. Исфижаб вилоятида турклар чегарасидаги шаҳар [Самъоний, 1980, VIII: 222]. Туркий тилдаги манбаларда эса (Талас تلسل) ёки Талос (تلاس) шаклида келтирилган. Тараз/Талос номининг келиб чиқиши қадимги туркий тил билан боғлиқ [Мусаев: 192]. Ўрта Осиёнинг шимолий қисмида, Етгисув вилоятида жойлашган шаҳар. Бу шаҳарнинг харобалари Жанубий Қозоғистондаги ҳозирги Тароз шаҳри ёнида жойлашган [Бернштам, 1941: 26; Сенигова: 8].

Таранжубин (الترنجبين) – Беруний унинг номини таранжубин (طرنجبين) шаклида берган. У яна *талангубин* (طلنكبين), яъни *ангубин ат-талл* (انكبين الطل) – «қиров асали», сурёний тилда эса *дибшо де талло* (ديشاد طلا) ва *дибшо базо* (دبشابزا) деб аталган [Беруни, 1973: 615]. Бу «янтоқ шакар» деб аталган шакарсимон ширин модда бўлиб, у иссиқ кунларда янтоқ ўсимлиги устида пайдо бўлади. Унинг араб манбаларида учрайдиган бу ном форс тилидаги *тарангубин* сўзининг арабча шаклидир [Каримова: 173]. Ушрусанадаги Зомин шаҳридан ҳам талқонланган шакарга (السكر المدقوق) ўхшаш *таранжубин* олинган [Самъоний, 1980, VI: 225].

Тасъар (تسعر) – Истахрий матнларида – A11 да تسعر, Ф1 да بسفر, Ф2 да لسفن, Ф3 да لسفر, Ф8 да بيست шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Басфар ёки Басафар (يسفر) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 80]. Фарғона водийсидаги ноҳийа ва шаҳар.

Тахористон (طخارستان) – қаранг: **Тохаристон**.

Таҳмурас – Эрон Пешдодийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори. Маълумотларга кўра, бу сулола асосчиси Хушангдан кейин 600 ёки 1000 йил ҳукмронлик қилган. Тахмин қилинишича, бу иккала шахс Евроосиё чўллари афсоналаридан келиб чиққан.

Таҳуна ариғи (نهر الطاحونه) – араб., бу сўз «тегирмон» маъносини билдиради. Бухородаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – A8 ва A9 да طاغونه, Ф1 да آسيا шакллари ҳам мавжуд. X асрда Самарқандда ҳам шу номли маҳалла бўлиб, унда машҳур Самарқанд қоғозини ишлаб чиқарувчи хунарамандларнинг тегирмонлари жойлашган.

Темир (حديد) – ўрта асрларда темирнинг ҳаммаси бўлиб 57 та номи ва рамзлари бўлган. Уни Мирриҳ сайёрасига нисбат қилиб *мирриҳ* деб ҳам атаганлар. Унинг лотинча номи Ferrum [Каримова: 136-139]. Юқорида ҳам айtilган эдики, Мовароуннаҳрда темир маъдани аҳолининг ўз эҳтиёжларидан ортиқ миқдорда бўлиб, уларнинг тижоратида асосий ўрин тутган [Ибн Ҳавқал, 1967: 464]. 211/826 – 212/827 йилларда Мовароуннаҳр турклари Хуросон амири Абдуллоҳ ибн Тоҳир ғазнасига 1500 бўлак темир топширганлар [Ибн Хордадбех, 1967: 38]. Фарғона водийсида темир Конигут номли конда, Чотқол ва Курама тоғларининг жануби-ғарбий ёнбағирларида қазиб чиқарилган. Ундан ташқари, темир Фарғонага кўшни Ушрусанадаги Минк ва Марсманда ёнидаги конлардан келтирилган. Бу ерда унга ишлов берилиб, сўнг ундан маҳсулотлар ишлаб чиқарилган [Массон, 1955: 22, 28-29].

Термиз (الترمذ) – Истахрий матнларида – A8 ва A9 да الترمذ, A11 ва Ф6 да الترمذ шакллари ҳам мавжуд. Жайхун деб ҳам аталадиган Балх дарёсининг, яъни Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида унинг ўнг қирғоғида жойлашган шаҳарнинг арабча номи [Самъоний, 1980, III: 44; Йақут, 1866, I: 843]. IX асрда Термиз дарёдан ғарбда жойлашган бўлса ҳам Хуросон таркибига кирган эди [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 322, 324]. Ўрта асрлардаги Термиз шаҳрининг харобалари ҳозирги Термиз шаҳридан 8 км ғарбда Амударёнинг баланд қирғоғида жойлашган бўлиб, Эски Термиз деб аталади [Массон, 1940: 88-95]. Шаҳарнинг деворлар ичидаги қисми 500 га, шаҳар чеккасидаги маҳаллалар ва боғлар билан эса тахминан 1000 га майдонни эгаллаган [Пидаев: 93].

Тешик тахта – бу каби сув тақсимотида ишлатиладиган қурилмалар Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам мавжуд бўлган. Зарафшон водийсида бундай қурилмаларни *кунда*, Шарқий Фарғонада – *лабигардон*, Жиззах воҳаси ва Ғарбий Фарғонада – *кубур* деб атаганлар.

Тизон (تيزان) – Хуросондаги бу русток номининг Истахрий матнларида – А2 да *ميران*, А3 да *موان*, А8 ва А9 да *ميران* шакллари ҳам мавжуд. Бу сўзнинг келиб чиқиши *tiz* (تيز) – «тезкор»; «ўткир», «зукко» номлитопонимдан келиб чиққан бўлишимумкин [ПРС, I: 415].

Тин (طين) – араб., «лой», яъни пахса демақдир.

Тоифи майиз (الزيباطائف) – сўзма-сўз «Тоиф майизи», яъни Арабистоннинг Тоифдаги узум навидан қилинган майиз.

Толақон (الطالقان) – Истахрий матнларида – А3 ва А8 да *الطالقان*, А8 да *الطامعان*, А9 да *الطالقان* шакллари ҳам мавжуд. Фарйобдан 3 *марҳала* [Ибн Ҳавқал, 1967: 458; Ёакут, 1866, III: 491] ёки Марваруздан 24 *фарсах* [Ибн Хордабех: 66] масофада жойлашган Хуросондаги шаҳар ва доира номи [Ибн Руста, 1967: 105; Кудам: 243]. Уни яна Хуросон Толақони (*طالقان خراسان*) деб ҳам аташган [Самъоний, 1980, VIII: 175]. Маҳмуд ибн Валий маълумотига кўра, унинг замонасида (XVII а.) Майманани (*ميمنه*) қадимги Толақон деб ҳисоблашган экан [Маҳмуд ибн Вали: 59]. В.В.Бартольд фикрига кўра, ўрта асрлардаги Толақон Мурғоб дарёсининг юқори оқимидаги Қалаи Валий водийсининг жанубида жойлашган Каурмах қалъаси ёки Тахти Хотун қалъасида жойлашган бўлган [Бартольд, 1965: 255; 1971: 62].

Тохаристон (طخارستان) – Истахрий матнларида – А3 да *طخارستان*, А3 ва А9 да *طخارسан* ва *طхирсан*, А3, А10 ва А11 да *طخарستان*, А4 да *طхирستان*, *طхирستان* ва *طхирستان*, А4 ва Ф8 да *طхарستان*, А8 да *طхирсан*, А11 да *طхирستان* ва *طхирستان*, Ф1 ва Ф4 да *تхарستان*, Ф6 да *بحارستان*, *بحارستان*, *بحارستان* ва *بحارستان* шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг ўрта ва юқори оқими ҳавзасидаги ўрта аср ўлкаси. Тохаристон топоними қадимий этноним *тухар* – милодий II асрда Буюк Қушонлар давлатини ташкил қилган *юэчжи* қабилалар конфедерациясининг ядроси бўлган кўчманчи халқнинг ўзини ўзи номлашидир. Манбаларда бу жой номи Тухаристон (*طخارستان*) [Ибн Хауқал, 2018: 34], Тухаристон (*تخارستان*) [Худуд ал-‘Алем, 1930: 6б, 9а, 20б-21б, 22б] ва Тухайристон (*طхирستان*) [Ибн Руста, 1967: 93, 105] шаклларида ҳам келади. Балазурий бир ўриндагина уни Тухаро (*طخارا*) шаклида келтиради [Балазурий: 408], Самъоний унинг ўқилишини Тахарустон (*طхарустан*) шаклида беради [Самъоний, 1980, VIII: 220]. Суғд манбаларида бу вилоят номи *'tyw'r'k* (*tuxār*) ёки *twhr* (*tuxar*) шаклида берилади [Ғариб: 72 (1819), 212 (5329)]. Ўрта асрларда Тохаристон топоними кенг ва тор маънода ишлатилган. Ўрта аср манбаларида яна «Юқори Тохаристон» (*طخارستان الاعلى*) тушунчаси ҳам бўлган. Унда Шуғнон ва Базахшон вилоятлари бўлган Жайхун дарёсининг юқори оқими тушуниланган [Самъоний, 1980, VIII: 220; Ёакут, 1866, III: 518]. «Қуйи Тохаристон» (*طخارستان الصفلا*) Қуйи Хулм ва Симинжон шаҳарларини ўз ичига олган [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 322], Тохаристон ўлкаси мўғуллар давригача тўлиқ тилга олинган, шунингдек

унинг Тохаристон номи кечки ўрта асрлар манбаларида ҳам учрайди. Батафсил қаранг: Камолиддинов, 1996: 73-255.

Тоҳирийа (الطاهرية) – бу шаҳарнинг номи арабча Тоҳир (طاهر) исмидан ясалган. Истахрийнинг А10 матнда الطاهره шакли ҳам мавжуд. Унинг номи Хуросон амирлари бўлган Тоҳирийлар сулоласи билан боғлиқ бўлиши мумкин. У ҳақида яна қаранг: Бартольд, 1963: 197.

Тоҳирийлар (الطاهرية) – Тоҳирийлар сулоласи 205/821 – 259/873 йилларда Хуросонда ноиб бўлиб ҳукмронлик қилишган.

Туббат (التبت) – Истахрий матнларида – А10 да التبت, А11 да تبт шакллари ҳам мавжуд. Илк ўрта асрларда Тибет тоғларида жойлашган кудратли Тибет давлатининг арабча номи. Ҳозирда Тибет Хитой жанубий ғарбидаги унинг таркибига кирувчи мухтор маъмурий бирлик.

Туббаъ (تبع) – қадимги Йаман подшоҳларининг сулолавий исми.

Туккат (تكت) – Истахрий матнларида – А2, А8, А9 ва А10 да تكت, А2, А3 ва А4 да تكت, А11 да تكت, А12 да تكت, Ф2, Ф3 ва Ф4 да تكت, Ф4 да تكت, Ф8 да تكت шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи туркий *tutuq* – «вилоят ҳукмдори» ҳарбий лавозими ва унвонидан [ДГС: 593] ясалган бўлиб, унинг тўлиқ номи Тутуққатдир. Муғ тоғидан топилган суғдий ҳужжатда ва Қора Балосоғун суғдий битигида бу унвон *twttwk* шаклида қайд этилган [Лурье, 2004: 100, 207]. Шош дарёси ва Илақ дарёси орасида, Дахкат ва Кухисим орасида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Унинг харобалари Тункатдан 12 км масофада, Кулота қишлоғининг жанубий чеккасида жойлашган бўлиб 30 га майдонни эгаллаган. Унинг атрофларида бир нечта мис конлари бўлган [Массон, 1953: 93-96; Буряков, 1975: 158-170].

Тумажкат (تومجكت) – Истахрий матнларида – А1 да تومجكت, А8 ва А9 да تومجكت, А11 да تومجكت, Ф2 ва Ф3 да تومجكت, Ф8 да تومجكت шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Намижкат تومجكت деб келтиради [Ибн Ҳавқал, 2011: 48]. Бухоро девор ичидаги шаҳар. XII асрда унда масжид ва катта бозор бўлган [Самъоний, 1980, II: 304].

Тункат (تونكت) – Истахрий матнларида – Тункат шаҳар (Илоқ) А2 ва А3 да تونكت ва تونكت, А3 да تونكت, А4 да تونكت, А4 ва А11 да تونكت, А8 да تونكت, А10 да تونكت ва تونكت, А11 да تونكت ва تونكت, А12 ва Ф8 да تونكت ва تونكت, А12 да تونكت, Ф1 да تونكت, Ф2 да تونكت, Ф2 ва Ф3 да تونكت, Ф3 да تونكت, Ф7 да تونكت, Ф8 да تونكت ва تونكت шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда унинг номи Тун кат (تونكت) [Беруни, 1976: 471] ва Тункати Бухорнон (تونكت بخارنان) шаклида қайд этилган. Илақ вилоятининг бош шаҳри (قصبه). Бинкатдан Тункатгача масофа 8 фарсахни ташкил этган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Бошқа ерда эса Илақнинг бош шаҳри (قصبه) деб Нукат (نونكت) кўрсатилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24a; Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Унинг номи қад. эрон. *tavan* – «қодир бўлмоқ» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 100]. Лекин унинг номи қадимги

туркий *tun* – «биринчи», «тўнғич» сўзидан ясалган деса ҳақиқатга тўғрирок келади [ДТС: 586]. Чунки Маҳмуд Кошғарий маълумотига кўра, Тошканд (تاشكند) шаҳри баъзан Тунканд (تونكند) деб ҳам аталган [Кошғарий, III: 164]. Бу шаҳар ҳозирги Олмалиқдан 15 км шимоли-шарқда Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида Ургаз сойининг унга қуйилиш еридаги Саржайлақ қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, унинг харобалари Имлоқ деб аталади [Массон, 1953: 70-71, 85-92; Буряков, 1975: 110-112].

Турк (الترك) – илк ўрта асрларда (VI–VIII аа.) бу атама фақат этник халқларга нисбатан эмас, балки араблар ва форслардан шимолда ва шаҳарда яшовчи деярли барча халқлар, яъни эфталитлар, суғдлар, хоразмликлар, бохтарлар ва ҳатто тибетлар, ҳиндлар ва хитойларга нисбатан ҳам ишлатилган [Масъудий, 1967: 64]. Демак, бу атама фақат этник маънога эмас, балки сиёсий маънога эга бўлиб, Турк хоқонлиги ҳудудларида яшовчи барча халқларга нисбатан ишлатилган. Буни Истахрийнинг форсий Ф1 матнида Туркистон (ترکستان) деб келиши ҳам қувватлайди. Аслида эса дастлаб фақат Турк хоқонлигига асос солган Ашина қабиласи «турк» деб аталган, кейинчалик эса бу атама этносиёсий маънога эга бўлиб, турклар ҳокимияти остида бирлашган, келиб чиқиши ҳар хил бўлган турли қабилалар ва халқларга нисбатан ишлатила бошлаган [Кононов 1949: 40-47; Толстов, 1938: 81; Благова 1972: 95]. Ислом тарихчилари *турк* атамасини ислом атамасига қарама-қарши бўлган тушунча сифатида билганлар. Шунинг учун улар бутун Машриқ ерларини иккига: «Ислом мамлакати» (مملكة الاسلام) ва «Турклар мамлакати»га (بلاد الترك) бўлганлар [Ибн ал-Асир, XII: 167]. Шу билан бирга араблар ва форслар асл туркларни бошқа халқлардан жуда яхши ажратганлар. IX асрга келиб араблар ва форслар туркларнинг *ғуз*, *харлух* (*халлух*), *тағазғуз*, *туркаш*, *кимок* [Йақубий, 1967: 295; Ибн Хордадбех: 65-66], X асрда эса яна *йағмо*, *қифчоқ*, *бажнақ*, *тухси*, *халаж*, *хирхиз*, *чигил* каби қабилаларини ва уларнинг яшаш ҳудудларини билганлар [Худуд ал-Олам, 1970: 94-101]. Шуни ҳам айтиш керакки, «турк» атамаси, шунингдек туркий тилли қабила ва халқларнинг номлари асосан кўчманчи қабилаларга нисбатан ишлатилган. Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда қадимдан шаҳарлар ва қишлоқларда ўтроқ ҳаёт тарзи олиб борган ва уруғларга бўлинмаган туркий тилли аҳоли эса ўзларининг турар жойи, яъни қишлоқ, шаҳар ёки вилоят номи билан аталганлар. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2005: 251-241.

Турк дарёси(نهر ترك) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да برک-وا نزل, А4 да نرك, А12 да تيزك, Ф1 да برک, Ф8 да بيرک ва سيرک шакллари ҳам мавжуд. Ж. Крамерс танқидий матнида бу дарёнинг номи Наҳр Барак (نهر برک) шаклида келтирилган [Ибн Ҳавқал, 1967: 509]. Бу дарёнинг асл номи Парак (Фарак) бўлган. Лекин бир қатор манбаларда бу дарёнинг номи Наҳр Турк (نهر ترك), яъни «Турк дарёси» шаклида келтирилган [Ибн Ҳавқал, 1967:

388, 404-405; Ибн Хордадбех, 1967: 27, 178; Қудама: 204; Масъудий, 1967: 65, 67]. Ҳозир бу дарё Чирчиқ деб аталади. Муғ тоғидан топилган суғдий хужжатларда бу дарёнинг номи ё *ʿyrčyuk* ёки с (*ʿ*)*δrcyuk* шаклида қайд этилган [СДГМ, 1962: 87]. «Манас» достонида бу дарёнинг номи Чайирчиқ [Қораев 1980: 24-25], «Бобурнома»да эса Чир (*چير*) шаклида қайд этилган [Бабур-наме: 8б, 13б, 17а, 22б]. Чирчиқ номи суғд тилида «қуйи» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 63]. Лекин бу ном туркий *чадир/чайир* – «яйлов» сўзи билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин [Мурзаев, 1980: 85]. Унинг иккинчи қисми эса кичрайтириш маъносини билдирувчи туркий –*çiq* (-*çuq*, -*çaq*) аффиксидан иборат [ДТС: 650-651].

Турк қуллари (*رفيق الاتراك*) – турк қуллари Хоразмдан Бағдод ва Араб халифалигининг бошқа шаҳарларига сотиш учун олиб кетилган. Турк қуллари асосан ҳарбий хизматга жалб қилинган. Шунингдек аслзодаларнинг шахсий хизматкорлари сифатида ишлатилган.

Турклар мамлакати (*بلد الترك*) – Истахрий матнларида – А3 да *السل*, Ф1 ва Ф8 да *تركستان*, Ф3 да *تركان* шакллари ҳам мавжуд. Туркистон (*تركستان*) номи-нинг арабчалашган шакли. Бу топоним Турк (*الترك*) ёки Турклар ери (*ارض الترك*) шаклларида ҳам учрайди [Ибн ал-Факих, 1967: 322, 327]. Бу ерда «Хутталгача чўзилган турклар мамлакати» деганда Амударёнинг юқори оқими назарда тутилган. Ўрта аср манбаларида Амударёнинг юқори оқими Туркистоннинг бир қисми сифатида қаралган. Себеос маълумотига кўра, (VII а.), Вехрот (Амударё) дарёси Туркистон мамлакатидан бошланган [Тер-Мкртичян 1979: 60-61]. Пахлавий манбаларида эса Туркистон вилоятининг Амударёнинг юқори ва ўрта оқими билан бирга Ҳиндикуш тоғларидаги Афғонистоннинг бир қисмини бирлаштирган Тохаристон Бақтриясига жойлаштирилган [Бобоёров 2004: 41-42]. Демак, Амударёнинг юқори оқими ҳавзаси Хатлон ва Ваххан билан бирга яхлит «турклар мамлакати» назарда тутилган. Бу ерлар араблар боққини даврида Турк хоқонлиги таркибида бўлган.

Туршиз (*ترشيز*) – Истахрий матнларида – А2, А3 ва Ф4 да *برشيز*, А3 да *بوسر* ва *بورشيز*, А8 ва А9 да *برشزر*, А10 да *بوسزر*, А11 да *برلش*, Ф3 да *برسير*, А8 ва А9 да *برسر*, А10 да *برسير*, А11 да *برسن* шакллари ҳам мавжуд. Нишопурдан 4 *марҳала*да, Кундурдан бир кунлик масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 456]. Самъонийга кўра, Турайсис (*طريثيث*) [Самъоний, 1980, VIII: 238]. Ёкутга кўра, Туршиз (*طرشيز*), шунингдек Турсис (*طريثيث*), Туршиш (*ترشيش*) ва Туршош (*ترشاش*). Берунийда Турсис (*طريثيث*) ва Туршиш (*طرشيش*) ўқилиши берилади [Беруни, 1976: 465]. Туршиз Нишопурдан жанубда бугунги Кондор кишлоғи яқинида жойлашган деб ҳисобланади. Колесников, 1981: 130, 137; Деххуда, IV: 4818.

Тус (*طوس*) – Истахрий матнларидан Ф6 да *طور* шакли ҳам мавжуд. Каспий денгизидан жанубда Хуросоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шу номли

вилоят ва шаҳар. Бу вилоятнинг бош шаҳри харобалари Эроннинг шимоли-шаркида, Машҳад шаҳридан шимоли-ғарбда 25 км масофада жойлашган. Машҳад *шиғалик* имоми Али ибн Мусо ар-Ризо мақбараси яқинида кўплаб зиёратчилар ҳисобига пайдо бўлган. Бу ерда ҳали ҳам Тус номли кичик шаҳарча мавжуд, унда эса XI асрда яшаб ўтган машҳур Абул Қосим Фирдавсий мақбараси мавжуд.

Тухайристон (طخیرستان) қаранг: **Тохаристон**.

Туяларнинг урғочилари (*Бахотий* – البخاتی) – *бухт* (بخت) сўзининг кўпликдаги шакли – урғочи туянинг бир тури. *Бухт* – икки ўрқачли туянинг тури [Ягелло: 217].

Тўтиёвакупорос (الزاج) – Беруний ҳам Буттамда купорос конлари борлигини қайд этган [Бируни, 1963: 186]. Беруний *зож* (زاج) сўзини купорос маъносида [Бируни, 1963: 237], тўтиё (توتیا) сўзини эса «рух» (цинк) маъносида ишлатган [Бируни, 1963: 243-244].

Тўғон боши – қаранг: **Варағсар**.

Убайдуллоҳ дарвозаси (باب عبید الله) – Кешдаги бу дарвоза номи матнда Боб ал-Ҳадид дарвозасидан кейин санаб ўтилган. Демак, у ички шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган дейиш мумкин.

Убулла дарёси (نهر الابلہ) – Ироқдаги кичик бир дарёнинг номи. Истахрийнинг форсча Ф8 матнида *ایله* келган.

Убуқар (اوبوقار) – Бухородаги бу қишлоқ номи Истахрийнинг А11 матнида *و-ووان* шакли мавжуд. Ибн Ҳавқалда Ривакон (ریوقان) келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 45]. Марв вилоятида ҳам шу Ривакон номли қишлоқ бўлган [Самъоний, 1980, VI: 211]. Бу ном суғдча *гуw* – «бой» сўзидан ясалган, у эса бир худонинг фахрий исми бўлган [Лурье, 2004: 211].

Ужайф ибн Анбаса – IX асрда Бағдодда Аббосий халифалар саройида катта лавозимларни эгаллаган суғдлик туркий деҳқонлардан бири. Унинг асли Иштихондан бўлиб, у ерда бир қанча бозорлар, қишлоқлар ва экинзорлар унга қарашли бўлган [Ibn NaukaI: 300].

Ужна (اوجنه) – Сух ва Авал орасидаги бу жой номи Истахрийнинг А12 матнида *اوخبه* шакли мавжуд. Бошқа манбаларда бу қишлоқ ҳақида маълумот йўқ.

Узканд (اوزکند) – Истахрий матнларида – А11 да *اورکند*, Ф1 да *اوزگند* шакллари ҳам мавжуд. Фарғона водийсининг энг шарқий чеккасидаги шаҳар. Унинг номи Узжанд (اوزجند) [Кошғарий, III: 164; Йакут, 1866, I: 404] ёки Йўзканд (یوزکند) шаклида ҳам қайд этилган [Қудам: 208; Сиасет-наме: 135, 155; Самъоний, 1980, VIII: 438; V: 49; Йакут, 1866, IV: 1043]. Фарғона ва турклар чегарасидаги шаҳар. Унинг ёнидан икки дарё оқиб ўтган: улардан бири, Т.боғ.р (تباعر) Тибетдан, иккинчиси эса, Барсхон (برسخان), Халлух мамлакатидан оқиб келади [Худуд ал-Олам, 1970: 116]. Бу икки дарёнинг қўшилишидан Узканд дарёси

ҳосил бўлиб, у Узканд шаҳар ёнидан оқиб ўган [Худуд ал-Олам, 1970: 72]. Бу шаҳарнинг номи туркий *uz* – «ўз» ва *kand* – «шаҳар» сўзларидан ясалган бўлиб, «Ўзимизнинг шаҳар» маъносини билдиради. Унинг номи қадимги туркий *üz* – «тоғ дараси», «довон» сўзи [ДТС: 620; Лурье, 2003: 199; Лурье, 2004: 103] ёки уз (йуз) этноними билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин [Камолиддин, 2006: 85]. Унинг таркибидаги *uz(öz)* сўзи қадимги туркий *öküz/ögüz* – «дарё» сўзининг қисқа шакли бўлиши ҳам мумкин [ДТС: 382]. Узканд шаҳрининг харобалари бугунги Ўш вилоятидаги Ўзган туман марказининг ёнида Қорадарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган [Бернштам, 1950: 46]. Ўрта асрларда Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида ҳам Узканд номли шаҳар бўлган.

Умар ибн Лайс – қаранг: **Амр ибн Лайс**.

Ураст (اورست) – Истахрий матнларида – А10 да *اوشت*, А11 да *اورست*, Ф8 да *اوست* шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»га кўра, Ураст шаҳри ёнидан Уш дарёси оқиб ўтган [Худуд ал-Олам, 1970: 72, 116]. Ураст номи қадимги юнон манбаларида қайд этилган аристей қабиласининг номи билан боғлиқ бўлса керак [Бартольд, 1965: 528]. Фарғона водийсида Ураст номли рустоқ ҳам бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 513-514]. Ҳозир бу дарё Оқбўра деб аталади [Бартольд, 1963: 216; 1965: 212].

Уруш майдони (دور الحرب) – араб., «уруш майдони», IX – X асрларда ислом тарихчилари бутун Машриқ ерларини иккига: «ислом мамлакати» (مملكة الاسلام) ва «дар ал-ҳарб» (دار الحرب), яъни *уруш мамлакати* ёки *дор ал-куфр* (دار الكفر), яъни *кофирлармамлакатига* бўлганлар [Ибн Ҳавқал, 1967: 511, 513].

Усбаникат (اسبانيكث) – қаранг: **Субаникат**.

Устуркат (استوركت) – қаранг: **Сутуркат**.

Уш (اوش) – Қубадан 10 *фарсах*, Ахсикатдан 20 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Хордадбех, 1967: 30; Қудам: 208]. Истахрий матнларида – А2 да *اوسن*, А10 да *اوس*, А11 да *اوس* ва *اوس* шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарнинг номи туркий уч/уш этноними ёки енисей тилларидаги *ус/уш/ош* – «девор», «қисилган ер», «шаҳар» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Мурзаев, 1984: 423]. Бу шаҳар ҳозирги Ўш шаҳри ўрнида жойлашган.

Уш дарёси (نهر اوش) – Истахрий матнларида – А5 да *اسان*, Ф1 да *اورست* шакллари ҳам мавжуд. У ҳақида қаранг: **Ураст**.

Ушбинғу (اشبينغو) – Истахрий матнларида – А2 да *اسنعوا*, А2 ва А3 да *اسنعوا*, А4 ва Ф4 да *اسبغو*, А10 да *اسبغوا* ва *اسبغوا*, А11 да *اسبغوا*, А12 да *اسبغوا* ва *اسبغوا*, Ф2 да *اسبغو*, Ф8 да *اسبغوا* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Устбайғу (استيبغو) бўлиб, Турк дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлининг ғарбий томонида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Бу шаҳарнинг номи туркий *ust* – «уст» ва *bayu/yabu* – «йабғу» сўзларидан ясалган [Камолиддин, 2006: 82]. У Чирчик ва Ангрен дарёлари орасида жойлашган.

Ушбурақан (شبورقان) – қаранг: **Шабурақан**.

Ушдаги назоратчилари бўлган тоғ: XV асрда бу тоғ Барокўх деб аталган, Бобур унинг устига бир иморат қурдирган (Бабур-наме: 30). Бу ерда Тахти Сулаймон номли мақбара бўлиб, ривоятга кўра, унда Сулаймон пайгамбарнинг издошлари дафн этилган [Махмуд ибн Вали: 19].

Ушрусана (اشروسنه) – Истахрий матнларида – A10 да اشروسنه, اشروسنه, اشروسنه, اشروسنه, A10, A11 ва Ф8 да اشروسنه, A11 да اشروسنه, A11, Ф1 ва Ф8 да اشروسنه, Ф1 да اشروسنه, Ф1, Ф2 ва Ф3 да اشروسنه, Ф2 ва Ф3 да اشروسنه шакллари ҳам мавжуд. Манбаларда унинг номи Ушрусана (اشروسنه) [Самъоний, 1980, I: 232], Сурушана (سروشنه) [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 327; Ҳудад ал-Олам, 1970: 115], Сутрушана (ستروشنه) ва Шурусана (شروسنه) [Ибн Хордадбех, 1967: 169] шаклларида ҳам қайд этилган. Самарқанддан шимоли-шарқда, Шошдан жанубда ва Фарғона водийсидан жануби-ғарбда жойлашган тарихий маданий вилоят. Бу вилоятнинг номи буддавий худолардан бирини англатувчи санскритча *suturśana* сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Грицина, 2000: 38]. Уйғур ёзувида ёзилган буддавий мазмундаги бир қўлёзмада *Sutrasan* номли шаҳар қайд этилган бўлиб, унинг номи санскритча *sudarśana* сўзидан ясалган [ДТС: 515]. Бу тарихий вилоят ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, шунингдек, Тожикистоннинг Ўратепа вилоятининг ерларини ўз ичига олган.

Уштурж (اشترج) – Жузжондаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – A2 да اشترج, A3 да اشترج, A3 ва A8 да اشترج, A4 да اشترج, A8 да اشترج, A9 да اشترج, A10 да اشترج, A11 да اشترج, Ф1 ва Ф6 да اشترج, Ф8 да اشترج шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Уштулж (اشتلج) ёки Уштурж (اشترج) кўриниши ҳам бўлган [Беруни, 1976: 466]. Марв вилоятининг юқорисида Уштурж Боло (اشترج بالا) – Юқори Уштурж ҳам бўлган [Самъоний, 1980, I: 267].

Факнан рустоқи (رستاق فکنان) – Истахрий матнларида – A5 да فکنان, A10 да فکنان, Ф1 да فکنان, Ф2 да فکنان, Ф3 да فکنان. A11 да فکنان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал асарида Фанкон (فکنان) деб келтирилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 69]. Бу рустоқнинг номи суғдча *fra-kana* – «ковламоқ», «қазимоқ» феълидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 69]. Бу рустоқ ҳозирги Жиззах атрофларида жойлашган. Унинг маъмурий маркази Дизак (ديزك) деб аталган. Бу рустоқ Қарачатоғ тоғларидан оқиб чикувчи Санзар дарёсининг сувидан фойдаланган [Негматов, 1957: 38, 85; Грицина, 2000: 150].

Фамсобод (فمساباد) – Хоразм шаҳарларидан бири сифатида зикр этилган бу ном Истахрий матнларидан фақатгина A10 да учрайди.

Фанак (الفنك) – тулкининг бир тури.

Фанак дарвозаси (باب فنك) – Истахрий матнларида – A11 да فنك, A12 да فنك, Ф4 да فنك шакллари ҳам мавжуд. Фанак дарвозаси, рабад деворининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Самарқанд деворидан ярим *фарсах* масофада Фанак номли қишлоқ бўлган [Самъоний, 1980, IX: 337]. Фанак дарвозаси Оқмачит қишлоғи ёнида, Фанак қишлоғи эса Ишратхона мақбараси

ва Хожа Абди Дарун мозори оралиғида жойлашган [Беленицкий, Бентович, Большаков: 226].

Фара (فره) – Хуросондаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А4 да فره, Ф6 да فره шакллари ҳам мавжуд.

Фараб (فاراب) – Форйоб, яъни Порйоба, *Порйоб* сўзи қадимги эроний рага – «[дарё] бўйи» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 147]. Бухородаги жой.

Фарабр (فابّر) – бу Бухорода, девор ташқарисидаги рустокнинг номи Истахрийнинг Ф2 матнида فرين шаклида келган.

Фарабр (فابّر) – Истахрий матнларида – А9 да فرس, А10 да فرس ва فرس, А10 ва А11 да فرين, А11 да فرين ва فنور, Ф2 да رين, Ф3 да فرين, Ф8 да فرب шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда унинг номи Барабр (بربر) [Беруни, 1976: 470] ва Афирабр (افربر) шаклларида ҳам қайд этилган [Йакут, 1866, III: 867]. Марв – Бухоро катта карвон йўлида Амударёнинг ўнг қирғоғида, Амул қаршисида жойлашган шаҳар. X асрда Фарабр Бухоро вилоятига қарашли бўлган ва Мовароуннахрнинг Хуросон чегарасидаги энг биринчи шаҳри бўлган. Фараб номи Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, дарё ва ариқларнинг бўйларида жойлашган ерларга нисбатан ишлатилади [Массон, 1966: 163-164]. Фарабр номи суғдча рагуар – «суғорилган ерлар» ёки қад. эрон. рага-ар – «дарёнинг нариги томони» [Лурье, 2001: 23; Лурье, 2004: 48, 147], Фаровуз номи эса суғдча *pr'wuz* ёки хўтан. *parawuz* – «оқмоқ», «оқиб келмоқ» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 44]. Фарабр шаҳри XIII аср бошларида Чингизхон томонидан харобага айлантирилгандан кейин кичик бир қишлоққа айланган. Лекин XIV асрда ҳам Фарабрда тангалар зарб этилган [Замбаур: 183]. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги Чоржўй вилоятига қарашли Битик амлокида Фараб номи қишлоқ қайд этилган [НПБЭ: 133]. Ўрта асрлардаги Фарабр шаҳрининг харобалари ҳозирги Фараб темир йўл бекатидан 10 км ва Амударёнинг ўнг қирғоғидан 1 км масофада жойлашган бўлиб, Қуйиқалъа деб аталади. Шаҳар тахминан 80 га майдонни эгаллаган, мудофаа деворлари билан ўралган ва 4 та дарвозаси бўлган. Харобаларнинг шимолий қисмида 40 та эшиги бўлган катта бир бинонинг қолдиқлари топилган. Эҳтимол, бу Фарабрнинг машҳур работларидан бирининг харобаларидир [Массон, 1966: 167-177].

Фарава (فراوة) – Истахрий матнларида – А3 да فواوه, А4, Ф2 ва Ф4 да فواره, А11 да فراره. Ф3 ва Ф6 да فواره шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да унинг номи Фаров (فراو) шаклида келган ва Журжон вилоятига қарашли бўлган. Насо, Дихистон ва Хоразм орасида жойлашган машҳур *работ* [Йакут, 1866, III: 866]. Бу *работ* Хуросон ва Дихистон чегарасида, чўл чеккасида жойлашган ва сузларга қарши чегара қўрғони бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 80, 128]. Уни, яъни Афрова (افروة) деб ҳам аташган [Муқаддасий: 27, 320]. Унга Копеттоғ этагидаги Қизил Арвотдан (Қизил работ) шимоли-ғарбда жойлашган Парав номи шаҳарчаси тўғри келади [Массон, 1949: 54].

Фарана (فرانه) – бу қишлоқнинг номи қадимги эроний *para* – «қаршисидаги» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 244]. Истахрий матнларида – А9 ва Ф2 да قرابه, А11 да فرابه шакллари ҳам мавжуд.

Фаранкат (فرنكت) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да فريلث, А2 ва А3 да قريكت, А8 да فريلث, А9 да قريكت, А10 да فركب ва بركب, А11 да فريكت, Ф4 да قريكت, Ф7 да مرنكت, Ф8 да فيعكت шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Фаранкад (فرنكد) шаклида ҳам келган [Муқаддасий: 264]. Бу шаҳарча Бинкатдан 4 *фарсах*, Жабғукатдан эса 2 *фарсах* масофада [Ибн Ҳавқал, 1967: 522], Бағйукат ва Абардкат ёнида жойлашган [Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Унинг номи суғдча *farān* – «шуҳрат» ва *kaθ* – «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 44, 97]. Ривоятга кўра, бу қишлоқни Самарқанд *ихшиди* Ғурак (710 – 738 йилларда ҳукм сурган) ўзининг Афарун исмли акаси учун қурдирган [Кандия: 241]. Бу шаҳарча ҳозирги Паркент шаҳри ўрнида жойлашган бўлиб, унинг харобалари Ишкўрғон деб аталади [Массон, 1953: 38; Бартольд, 1963: 232; Бурыков, 1975: 99-104].

Фарахша (فرخشه) – бу қишлоқ номи Истахрий матнларида – А10 да فرحسد, А11 да فرحسه ва برحسه, Ф8 да برخشيه шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда Барахша (برخشه) [Ибн Ҳавқал, 2011: 45], Фарахша (فرخشى) ёки Афрахшо (افرخشى) [Самъоний, 1980, IX: 265] шаклларида ҳам учрайди. Наршахий маълумотига кўра, Варахша (ورخشه) қишлоғи Раҷфандун (رجفندون) деб ҳам аталган [Наршахий, 1966: 24].

Фарахша ариғи (نهر فرخشه) – Истахрий матнларида – А11 да رخسه, Ф1 да فرخشنه, Ф2 да برحسبه, Ф3 да دحه шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Наҳр Барахша (نهر برخشه) деб келтирилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 45]. Наршахийнинг «Бухоро тарихи»да Бухоро вилоятидаги ариқлар орасида бундай номли ариқ қайд этилмаган. Эҳтимол унинг бошқа номи ҳам бўлса керак.

Фарвон (فروان) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да فروار, А3, А9 ва А11 да فروان, А4 да فروان, А8 ва Ф2 да قروان, А10 да فرواب ва فروان, Ф6 да فروان, Ф8 да قرنين шакллари ҳам мавжуд. Тохаристоннинг чекка шарқида, Андаробдан Ҳиндикушга кетаверишда Ғорбанд ва Панжхир дарёларининг бирлашган ерида, Хулмдан 13 *марҳала* ва Банжхирдан *марҳала*да жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 457]. Унинг номи яна Барвон (بروان), яъни Парвон шаклида ҳам учрайди. Фарвон ёки Парвон XX аср бошидаёқ ўзининг қадимий номи билан машҳур бўлган, кейин Жабал ас-Сираж деб ўзгарган [Бартольд, 1971: 50, 217].

Фариғун, Ибн Фариғун – Жузжонда ҳукмронлигига X асрда Ғазнавийлар томонидан барҳам берилган Фариғунийлар сулоласининг номи Истахрийнинг матнларида – А2 да قريغور, А3 ва А9 да قريغون, Ф4 ва Ф6 да افرغون шакллари ҳам мавжуд.

Фарйоб (الفریاب) – Истахрий матнларида – A2 да القاریان, A2 ва A3 да الطالقان, A3 да القاریان, A4 да قاریان, A9 да قاریار, A8 ва A9 да العاریان, A8 ва A9 ва A10 да العاریاب, A10 да قاریاب, Ф1 да قاریاب шакллари ҳам мавжуд. Марваруддан 3 марҳала ва Толақондан 4 марҳала масофада жойлашган Хуросондаги шаҳар ва доира. Ундан Балхгача 6 марҳала ёки 6 кун, Жузжонагача, яъни Анборгача 5 марҳала [Йакубий, 1967: 57]. Унинг номи, манбаларда, яна Борйоб (باریاب) ёки Порйоб (پاریاب), шунингдек Фирйоб (فیریاب) ёки Фарйоб (فریاب) [Йакут, 1866, III: 888, 930; Самъоний, 1980, IX: 223, 290] деб ҳам келтирилган. Фарйоб сўзининг келиб чиқиши “суғориладиган ер” (ўрта форс *pari* – «ўсимлик» ва *ab* «сув») [Агаджанов: 100] маъносини англатувчи фараб (فرب) сўзи билан боғлиқ [Махмуд ибн Вали: 63]. Ҳозирги пайтда Афғонистон шимолидаги вилоят Фарйоб номини олган. Маймана шимолидаги Давлатобод шаҳри унинг маъмурий маркази ҳисобланади. Ўрта аср Фарйоб шаҳри харобалари Давлатобод жанубидаги Хайробод қишлоғи яқинида жойлашган [Бартольд, 1971: 58]. Бошқа фикрга кўра, у Давлатободдан узок бўлмаган Салуртепа харобалари ўрнида бўлган [Ахмедов: 41].

Фарқирд (فرکرد) – Истахрий матнларида – A2 ва A8 да فرکرد, A3 да فزکرد, A3, A8 ва A9 да حوکرده, A5 да برکرد, A10 да йўқ, A9 да فرکرد, Ф2 да فوکرد, Ф4 да نوکرد шакллари ҳам мавжуд. Ҳирот вилояти Бушанждан 2 кунлик масофада жойлашган қишлоқ [Ибн Ҳавқал, 1967: 457].

Фарқирда – қаранг: **Фарқирд**.

Фаррухшиз дарвозаси (باب فرخشید) – Истахрий матнларида – A3 да فرخشد, A11 да وحشد ва فرحسد, A12 да قصراسد, Ф3 да یوحسند, Ф2 ва Ф3 да فحد, Ф4 да فنحنید, Ф7 да فوکند, Ф8 да فرحسک шакллари ҳам мавжуд. Фаррухшиз дарвозаси, *рабад* деворининг жанубий қисмида жойлашган. Самарқанддан жанубда бўлган бу қишлоқ Фаррухшод (فرخشاذ) деб ҳам аталган [Табарий, 1881, II: 1540]. Унинг номи ўрта форс тилида *Farraxu šād* – «Фаррух шод» ёки «Фаррухнинг шодлиги» деган маънони билдиради [Лурье, 2004: 49, 180, 222]. Бу номнинг иккинчи қисми *ixšid* – «ихшид» унвони бўлиши ҳам мумкин [СГСФ 1973: 226 (26)]. Бу дарвозадан Кеш йўлидаги Фаррухшиз номли қишлоққа борилган.

Фарсах (فرسخ) – форс. *фарсанг* (فرسنگ) – қад. эр. *fraθaha*, пахл. *frasang* – ўрта аср масофа ўлчов бирлиги. У ҳар жойда ва ҳар даврда турлича бўлган. Хуросонда *фарсах* арабларнинг 3 милига ёки 12 минг *зиро*, тахминан 6-7 км га тенг бўлган. Бир тирсакнинг катталиги 49, 875 дан 54, 04 см гача бўлган. 1 *фарсах* 7 минг қадамга (*хутва*) ҳам тенг бўлган [Йакут, 1866, I: 38-39]. Кечки ўрта асрларда *фарсах* атамаси ўрнига кўпроқ *санг*, *тош* ва *йигоч* атамаларикўлланилган. XIX асрда 2 хил *фарсах* фарқланган: шаръий *фарсах* – 12 минг қадам ёки *газ* (8,5 км), ва қиска (3/4) *фарсах* – 9 минг қадам (5,6 км) [Хинц, Давидович: 72].

Фархан дарвозаси (باب الفرخان) – Бинкатнинг бу дарвозаси номи Дарб ал-Фархан (درب فرخان) шаклида ҳам келтирилган [Муқаддасий: 276]. Балки бу дарвоза номини Фархор (فرخار) шаклида ўқиш керакдир. У ҳолда у суғдча «буддавий ибодатхона» сўзидан ясалган бўлади [Лурье, 2004: 224].

Фархан дарвозаси (باب فرخان) – Истахрий матнларида – A11 да فرحان ва فرحان, Ф1 да فرخاز шакллари ҳам мавжуд. Исбижаб шаҳристонидagi бу дарвоза Фархоз (فرخاد) шаклида келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 76].

Фарғар (فارغر) – Истахрий матнларида – A2, A3 ва A8 да باقعر, A2 ва A3 да بازعر, A4 ва A10 да بافعه, A9 да باتعر ва ضازعر, A11 да باقعر, فارعن ва فارعن, Ф4 да فارغى, Ф8 да فازقر шакллари ҳам мавжуд. Фарғар дарёси қирғоғида, Андижарағдан 1 кунлик масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 518] Хутталондаги шаҳар [Муқаддасий: 49, 290]. Унинг номи яна Борғар (بارغر) ва Барғар ёки Парғар (پرغر)[Худудал-Олам, 1970: 119; Беруни, 1976: 468], кейинги ўрта аср манбаларида эса – Фархар (فرخار) ва Фархор (فرخار) шаклларида келган [Махмуд ибн Вали: 64; Та’рих-и Бадахшан: 7б, 16а]. Ибн Руста Борғар (بارغر) деб Ваххоб дарёсидан жанубда жойлашган Юқори Тоҳаристон *рустоқини айтади* [Ибн Руста, 1967: 93]. Илк форс луғатларида Фархор (فرخار) маъбуд номи, Фомир (فامير) яқинидаги, ундан кўплаб гўзал қизлар олиб келинган Туркистондаги шаҳар шаклида келтирилади [Баевский, 1980: 88]. Бу шаҳар ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Қизилсув дарёсининг Панж дарёсига қуйилиш ерида жойлашган [Гулямова, 1976: 155-163].

Фарғар дарёси (نهر فارغر) – Истахрий матнларида – A2 ва A3 да مرعد, A8 да مرعر, A10 да فارعى, A11 да فارعن ва وارعن, Ф1 да فارغى, Ф2 ва Ф3 да فارغى, Ф8 да فارغو шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Борғар ёки Порғар (بارغر) шаклида ҳам қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 71]. Амударёнинг юқори оқимидаги дарё. В.В. Бартольд фикрича, ҳозир бу дарё Қизилсув (Кичик Сурхоб) деб аталади [Бартольд, 1965: 319]. Охирги тадқиқотларга кўра, Амударёдан сув олиб Қизилсувга қуйилувчи ариқ Порғар, Қизилсув эса Ахшувоб деб аталган [Мухитдинов: 189-197]. «Худуд ал-Олам»га кўра, Буттамон орқасидан 60 *фарсах* масофадаги тоғдан бир дарё бошланиб, жануб томонга оққан, у Мунк ва Хулбук шаҳарларигача оқиб бориб, Порғар ёнида Жайхунга қуйилган [Худуд ал-Олам, 1970: 71]. Бу ерда ҳам Кўлоб (Порғар) дарёси назарда тутилган. Бу дарё Яхсув ва Қизилсув дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов, 1996: 197-198.

Фарғидад рустоқи (رستاق فرغيدد) – Бухородаги бу рустоқнинг Истахрий матнларида – A11 да فرعد, Ф2 ва Ф3 да فرغانه шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Ибн Ҳавқал асарида Барғизар (برغيزر) деб келтирилган. Бу номнинг таркибида суғдча βαγυ – «тўғон» сўзи мавжуд [Лурье, 2004: 138].

Фарғона (فرغانة) – Истахрий матнларидан A8 ва A10 да فرعانه шакли ҳам мавжуд. Мовароуннаҳрдаги тарихий-маданий ўлка. Жайхун ва Сайхун

дарёлари ва Шош ортидаги вилоят [Самъоний, 1980, IX: 274]. У Машрикнинг энг чеккасида, қуёшнинг чиқиш томонида жойлашган бўлиб, жуда ҳам бой вилоят бўлган. X асрда унда минбарли, яъни жоме масжиди мавжуд бўлган, 40 та катта-кичик шаҳарлар бор эди [Муқаддасий: 262]. Унда тоғлар, текисликлар, оқар сувлар ва шаҳарлар жуда кўп. Фарғона – Туркистон дарвозаси бўлган. Бу ерга турк *гулом*лари жуда кўп олиб келинади. Унинг тоғларида олтин, кумуш, мис, кўрғошин (سرب) нашатир (аммиак), симоб, чирроғ [санг], пой *захр* тоши (безоар), магнит тоши ва доривор ўсимликлар кўп. У ердан табархун (طبرخون) ва ажиб дорилар тайёрлаш учун ишлатиладиган гиёҳлар олинади. Фарғона подшоҳлари илгари мустақил хукмдорлар (араб. ملوك اطراف) бўлиб, деҳқон деб аталганлар [Худуд ал-Олам, 1970: 115-116].

Фашидиза (فشيديزه) – Истахрий матнларида – A2 да *فسردنده*, A3, Ф2 ва Ф3 да *فسرده*, A9 да *فسودندره*, A10 да *فسردره*, A11 да *فبيس دره*, A12 да *فسوده* шакллари ҳам мавжуд. Бухоро Намижкат шахристони ариқларидан бири. Самъоний Бухоро вилоятида Фашидиза номли қишлоқ қайд этган [Самъоний, 1980, IX: 309]. Бу ариқ ва қишлоқ номининг таркибида суғдча диза – «қалъа» сўзи бор. Демак, бу қишлоқда қалъа мавжуд бўлган.

Фақиҳ (فقيه), кўп. *фуқаҳа* (فقهاء) – сўзма-сўз «билимли», «мусулмон ҳуқуқини билувчи» мусулмон шариати ҳукмлари билимдони, *фиқҳ* (الفقه) билимдони.

Фағар ариғи (نهر فغار) – Истахрий матнларида – Ф2 да *سعر*, Ф3 да *سغر*, Ф6 да *شعرکه* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Сабғар (سبغر) [Ибн Хауқал, 2018: 23], Муқаддасий Санафғар (سنفغر) [Муқаддасий: 330] деб келтирилган. Бу топонимнинг келиб чиқиши туркча *сунқур* (سنقر) «овчи лочин» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Деххуда, IX: 13793; ПРС, II: 61]. Бу қадимий ариқ Тажан дарёсидан Туркменистондаги Сарахс қишлоғидан 2 км шарқда, Кичик овул атрофидан, Эроннинг шундоққина чегарасидан очилган [Оразов: 5-7].

Фағаскун қапуғи (درب فغاسکون) – Нумижкат рабадидаги қапуғлардан бири. Истахрий матнларида – A10 да *بعاسکون*, A11 да *معاشکون*, A12 да *بعاسکور*, Ф8 да *بغاشکور* шакллари мавжуд. Истахрий матнида Дарб Бағошкур (درب بغاشکور) деб келтирилган [Ибн Ҳавқал, 2011: 41].

Фағкат дарвозаси (باب فغکت) – Бинкатдаги бу дарвоза номи Истахрий матнларида – A10 да *فوعکب*, A11 да *فوعکه*, Ф1 да *فرغد*, Ф2 ва Ф3 да *وغکت*, Ф8 да *مدیحکت* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал матнида Фарғад дарвозаси (باب فرغد) [Ибн Ҳавқал, 2011: 74], Муқаддасийда эса Дарб Фарағкад (درب فرغد) шаклида қайд этилган [Муқаддасий: 276]. Унинг номи суғдча *faryad* – «дарахтлар орти» маъносини билдириши мумкин [Лурье, 2004: 225].

Феруза тоши (فیروزج) – унинг номи қадимги форсча *пируза* – «ғалаба» сўзидан келиб чиққан. Уни яна *ҳажсар ал-ғалаба*, яъни «ғалаба тоши», *ҳажсар ал-жоҳ*, яъни «мансаб тоши» ёки *ҳажсар ал-ъайн*, яъни «кўз тоши» деб

ҳам атаганлар. Европада эса бу тош turquoise – «туркий тош» номи билан машҳур бўлган [Беруни, 1973: 460, 520; Каримова: 102 – 104]. Юқорида ҳам Фарғонанинг феруза тоши, нашатири ва кўмир ўрнига ёндириладиган тошлари ҳақида айтиб ўтилган эди. У ҳақида яна қаранг: Массон, 1953: 31.

Фирад рустоки (رستاق فيرد) – Хуросондаги бу русток номининг Истахрий матнларида – А8 да *فيرو*, Ф1 да Пушанг *پوشنگ* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Бусанжа (*بوسنج*) [Ибн Хауқал, 2018: 23].

Фирузобоз дарвозаси (بابفيروزاباد) – Истахрий матнларида – А8 ва А9 да *فيروزاباد*, А9 да *فروز اساد*, А10 да *فيرد اباد*, Ф1 да *پيروزاباد*, Ф6 да *بيروز اباد* шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасийда – Боб Файруз (*فيروز*) [a1-Moqaddasi: 307] деб келтирилган. Бу Ҳирот яқинидаги суфийлар *хонақоси* бўлган жой номидир [Йақут, 1866, III: 928].

Фомир (فامير) – Истахрий матнларида – А4 да *قايين*, А12 да *فغام*, Ф2 да *فايز* шаклларда ҳам мавжуд. Фомир ўрта асрларда Вахшоб (Вахш) дарёсининг Помир-Олой тоғларидан бошланган ерида жойлашган вилоят. Унинг номи Ўрта аср манбаларида Бомир (*بامير*) шаклида ҳам келтирилган [Йақубий, 1967: 290]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларига кўра, Фомир (*فامير*) – Туркистондаги Фархор (*فرخار*) шаҳри ёнида жойлашган шаҳар, унинг яқинида бир дашт бўлиб, унда кўп мушк ўсган [Баевский, 1980: 88]. Бу ерда Фомир/Бомир, яъни Помир номи остида Помир-Олой тоғларидаги Олой баланд текислиги (плато) назарда тутилган.

Форжак дарвозаси (باب فارجك) – Бухородаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – А2, А3 ва А12 да *فارجل*, А10 да *مازحاب*, Ф2 ва Ф3 да *مارحمل*, А8 да *مارحمل* шакллари ҳам мавжуд.

Форс (فارس) – ўрта форс тилидаги *Pars* сўзининг арабчалашган шакли (қад. грек. *Persis* ёки *Persida*) – Эроннинг жануби-ғарбий қисми, Форс кўрфазининг соҳилида жойлашган вилоят.

Форсмамлакати (مملكة فارس) – бу ерда Сосонийлар мамлакати назарда тутилган.

Форс чўли (مفازة فارس) – Истахрий матнларида – А9 да *فارس*, Ф1 да *پارس*, Ф6 да *بارس* ва *بارس* шакллари ҳам мавжуд. Бу ерда Эрон ҳудудидаги Копеттоғ ва Элбурс тоғларининг жанубида жойлашган чўл назарда тутилган. Унга узунлиги 70 *фарсах* бўлган Хуросон ва Сижистон чўли туташган [Кудам: 49]. Хуросон ва Форс чўли шарқда Мукрон вилояти ва Сижистоннинг бир қисми билан, ғарбда Кумис, Рай, Кум ва Кошон билан, шимолда Хуросон ва Сижистоннинг бир қисми билан, жанубда Кирмон ва Форс вилоятлари ва Исбаҳон билан чегарадош бўлган.

Хаваканд (خوакند) – Истахрий матнларида – А10 да *خوакند*, А11 да *خوакند* ва *خوакند*, Ф1 да *خوакند*, Ф8 да *خوакند* шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Хоканд

(خواقند) шаклида ҳам қайд этилган [Самъоний, 1980, V: 200; Ыақут, 1866, II: 487]. Фарғона водийсидаги ноҳия ва шаҳар, Хужандадан 2 катта *марҳала*, Ахсикатдан 1 катта *марҳала*, дарёдан эса 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 513, 516, 524]. У билан Сух орасидаги масофа 1 кунни ташкил этган [Истахрий, 1973а: 32]. Хитой манбаларида унинг номи Хохан шаклида келтирилган [Бичурин, II: 312]. XV асрда ҳам Хоканд алоҳида орчин (туман) сифатида қайд этилган [Бабур-наме: 51, 119]. Ўрта асрларда зарб этилган тангаларда унинг номи Хуканд (خوقند) шаклида келтирилган [Замбаур: 113]. Халқ ривоятига кўра, унинг номи хук «тўнғиз» ва канд «шаҳар» сўзларидан ясалган [Бартольд, 1965: 462]. Бу шаҳарнинг номи ху(р) – «куёш» ёки ху(ш) – «яхши», «ёқимли» ва канд/ қанд – «шаҳар» сўзларидан ясалган бўлиши ҳам мумкин [Мухамеджанов: 65-67]. Бошқа фикрга кўра, унинг номи туркий хур – «қир» сўзлари билан боғлиқ бўлган [Бабубеков 1987: 102-103]. Яна бир фикрга кўра, бу шаҳарнинг номи суғдча *хw'k* – «савдо» сўзидан ясалган [Лурье, 2001: 23; Лурье, 2004: 103]. У ҳақида яна қаранг: Идрисий, 1974: 707; Бартольд, 1965: 214-215, 462-466, 531-532.

Хавора (خواره) – Истахрийнинг форсий Ф8 матнида *جار* шакли ҳам мавжуд. Чоч дарёсининг бўйидаги шаҳар, у Хоразмдан 10 *манзил*, Поробдан эса 20 *манзил* масофада жойлашган [Худуд ал-Олам, 1970: 122]. Унинг номи буддавий суғдча *хw'ru* – «пастлик» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 40, 57]. Хоразмда Ғовхора (غلوخواره) номли ариқ бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 479]. Бу шаҳар Қўрқут-ота темир йўл бекати яқинидаги харобалар ўрнида жойлашган бўлиши мумкин [Байпаков, 1977: 91; 1986: 28].

Хавсаф (خوسف) – Қуҳистондаги бу шаҳар номи Истахрий матнларидан фақат Ф8 да мавжуд.

Хазар (الخرز) – Каспий денгизининг шимолида яшаган туркий тилли халқ. X асрда хазарларнинг ҳукмдорлари яҳудий динига эътиқод қилган.

Хазар (الخرز) – Каспий денгизидан шимолда жойлашган хазарлар мамлакатаи.

Хазар (خزار) – бу рустоқ номи Ибн Ҳавқал матнидаги Кишда мавжуд рустоқлардан Харуда, Сурруда ва Санкарда шаклларида бирортаси бўлиши мумкин [Ибн Ҳавқал, 2011: 67]. Лекин у бу номларга араб ёзувида ҳам шаклан ўхшамайди.

Хазар денгизи (بحر الخزر) – Истахрий матнларида – А3 да *الحرر*. А4 да *الحرز*, А9 ва А10 да *الحرز* ва *حزر*, А11 да *الحذر* шакллари ҳам мавжуд. Каспий денгизининг арабча номи. У ўз вақтида «ал-Боб ва ал-Абвоб денгизи», «Хуросон денгизи», «Журжон денгизи», «Табаристон денгизи», «Дайлам денгизи», «Жилон денгизи», «Қазвин денгизи», «Ширвон денгизи», «Баку денгизи» ва бошқа номлар билан аталган [Масъудий, 1961 I: 262-263]. Ибн ал-Фақиҳ уни Хуросон хазар денгизи (بحر الخراسانى الخزرى) [Ибн ал-Фақиҳ, 1967: 271, 324].

Турклар уни «Ғузлар денгизи» ёки «Булғорлар денгизи» деб атаганлар [Кошгарий, I: 66]. Каспий денгизининг жами 70 га яқин номи маълум.

Хазлаж турклари ўлкаси (харлух – (خرلخ). Истахрий матнларида – A10 да *الحجليه* ва *الخليه*, A11 да *الحرلحه*, *الچكليه*, Ф8 да *چگل* шакллари ҳам мавжуд. Араб. ал-харлухийя (*الخرليية*) – туркий харлух қабилаларининг арабча номи [Девон 1967: 396]. Форс тилидаги манбаларда бу ном Халлух (*خلخ*) шаклида ҳам учрайди [Худуд ал-Олам, 1970: 97]. X асрда бу ном остида Қарлуқ хоқонлигининг ерлари назарда тутилган. IX аср бошларига қадар Фарғонадан Тарбанд (Ўтрор) гача бўлган ҳудудлар, яъни Сирдарёнинг юқори ва ўрта оқими ҳавзасида жойлашган деярли барча ерлар қарлуқларга қарашли бўлган [Ибн Хордадбех: 66; Михайлова: 17-19]. X асрда Шош вилоятидаги Бисканд шаҳрининг аҳолисини қарлуқлар ташкил этган [Ибн Ҳавқал, 1967: 591]. IX – X асрларда қарлуқлар Еттисув вилояти, шунингдек, Фарғонадан Исфижабгача бўлган ерларга эгалик қилганлар. X асрда Еттисув шаҳарлари «Халлухлар мамлакатининг дарвозаси» деб аталган [Худуд ал-Олам, 1970: 119]. Бу ерлардаги аҳолининг кўпчилик қисмини хазлажлар ва қарлуқлар ташкил этган [Ибн Хордадбех: 65; ал-Идриси: 55-55]. Халлухлар мамлакатида Тараз, Атлах, Кулан, Ақ-Ракар, Банжуқ, Барсхон ва Жамгар номли шаҳарлар, шунингдек, Атлалиғ, Кукйол, Мирки, Тузун Булағ, Тунал, Уж ва Улуғ номли қишлоқлар қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 97-98].

Хайлам (خيلاّم) – Истахрий матнларида – A11 да *حلال* ва *حلال*, Ф3 ва Ф8 да *ختلام*, A8 да *حلام* шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Хатлом (*ختلام*) [Худуд ал-Олам, 1970: 73, 116] ва Хайрлом (*خيرلام*) [Муқаддасий: 48, 262, 271]. Мийон Рuzан вилоятининг бош шаҳри [Ибн Ҳавқал, 1967: 514]. Лекин бу шаҳарнинг номи Хайлом шаҳрининг маҳаллий ҳукмдори Хайр ибн Абул Хайр билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Хайр ибн Абул Хайр – Хайлом шаҳрининг маҳаллий ҳукмдори.

Хайсор (خيسار) – Истахрий матнларида – A2 да *حساب*, A2 ва A3 да *حيسان* ва *حيسان*, A3, A8 ва Ф6 да *حسان*, A3 ва Ф6 да *حسان*, A4 да *حسان*, A9 ва A10 да *حسان*, Ф2 да *خيتار* ва *حسان* шакллари ҳам мавжуд. Ғур йўлида Бошондан 1 *марҳала* масофада, Ҳиротдан 2 *марҳала*да жойлашган қишлоқ [Ибн Ҳавқал, 1967: 457].

Халаж (خلج) – турк, *халач*, ўғуз тармоғидаги туркий қабилалардан бири. *Халачлар* Амударё худудида қайд этиб ўтилган туркий номларнинг энг қадимийсидир. X асрда Тохаристондаги *халач* ва *канжина* қабилаларини эфталийларнинг авлодлари деб ҳисоблар эдилар (*ал-хайтал*) [Хоразмий: 119]. Қадимги туркий этноним *халач* Керки (Туркменистон) шаҳридан узок бўлмаган жойда мавжуд бўлган Халач шаҳри ва Ўзбекистоннинг жанубидаги Деновдан узокда бўлмаган Халчаён шаҳарчаси номида сақланиб қолган. *Халачлар*нинг авлодлари деб *хилжи* ёки *гилзай* номли афғон қабилалари ҳисобланади [Кудрявцев: 176-177].

Халижан (خلجان) – Истахрий матнларида – А9 да خلیجار, А10 да خلیحان шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг Орол денгизига қуйилишидаги ер.

Хама ариғи (نهر خامه) – Бухородаги бу ариқнинг номи суғдча х’т(’к) – «хом» сўздан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 227]. XIV аср вақф хужжатларида Хома (خامه) номли ариқ (наҳр, жуй) қайд этилган [Чехович, 1965: 120-121, 143-144].

Харак (خرق) – Истахрий матнларида – А3 да جرق, А8 ва А9 да حرق, А10 да حوق, Ф1 да خره шакллари ҳам мавжуд. Марвдан тахминан 3 *фарсах* масофада Сарахс ва Обивард йўли орасида жойлашган шаҳар [Ibn Naukal: 457]. Бу аҳоли масканининг жойлашган ўрни аниқ эмас.

Харашкат (خرشکت) – Истахрий матнларида – А2 да حوسنکت, А2 ва А3 да حرسنک, А3 да حوسنکت, А4 ва Ф4 да حرسنکت, А8 да حوسنلت, А9 да حوسنلت, А10 да حوسنک, А10 ва Ф3 да حرسک, А11 да حرسنکت ва حرسکت, Ф2 да خرستیکت, Ф4 да حوسکت, Ф8 да حرسکت шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да эса Харсанкат (حرسنکت) шаклида ҳам келтирилган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24б; Худуд ал-Олам, 1970: 118]. Шош дарёси бўйидаги Банокатдан 1 *фарсах*, Бинкатдан эса 9 *фарсах* масофада жойлашган. X асрда Шош вилоятида катталиги бўйича Бинкатдан кейин иккинчи шаҳар бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 510, 522]. Бу шаҳарнинг номи суғдча –*xrš* «тортмоқ» ва –*kaθ* «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 101]. Бу шаҳарнинг харобалари Тошкент вилояти Оққўрғон туманида Чирчиқ дарёсининг Сирдарёга қуйилиш еридан 8 км шарқ томонда жойлашган бўлиб, Канка деб аталади. Шаҳар уч қисмдан иборат бўлиб, 150 га яқин майдонни эгаллаган. Араблар босқинига қадар бу шаҳар бутун Чоч воҳасининг пойтахти бўлган [Массон, 1953: 110-112, 114; Буряков, 1975: 31-39].

Харжанкат (خرجانکت) – Истахрий матнларида – А2 да حرجابکت ва خوкаکت, А3 да حرجابکت ва خوкаکت, А4 да حرجابکت, А8 ва А9 да حرجابلت ва خوкаکت, А10 да حرکالت, А11 ва А12 да حرکاکت, Ф2 да هرجابکت ва حومابکت, Ф3 да حرجابکت, Ф4 да حومانکت ва حرجابکت, Ф7 да حرکات, Ф8 да حرجابکت шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасийда Хужокат (خجاکت) ва Харҳакат (حرحکت) шаклида қайд этилган [Муқаддасий: 49, 265]. Бу шаҳарча Хатункатдан 7 *фарсах*, Баркушдан 4 *фарсах* шарқ томонда жойлашган деб кўрсатилган [Ибн Ҳавқал, 1967: 525]. Бу шаҳарчанинг харобалари Хожикент шаҳри ёнида Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Хожикент-Бозорбоши деб аталади [Буряков, 1975: 79-82].

Харкирд (خرکرد) – Истахрий матнларида – А3, А8 ва А9 да حوکرده ва حوکرد, А4 да حرکرده, А10 да حرکره ва حردکرد, Ф2 да حرکرد, Ф3 да خسروکرد, Ф4 да خروکرد, Ф8 да خرگرد ва کرد шакллари ҳам мавжуд. Фаркирддан 2 кунлик, Зузандан 1 кунлик йўлда жойлашган қишлоқ [Ибн Ҳавқал, 1967: 457].

Харкирда (خرکرده) – қаранг: **Харкирд**.

Хармисан(خرميشن) – Бухородаги бу жойни Самъоний ҳам қайд этган [Самъоний, 1980, V: 95]. Унинг номи суғдча *xwr* – «қуёш» ва *tēθan* – «қишлоқ» сўзларидан ясалган [Лурье, 2004: 116, 210].

Харуза ариғи (نهرخروذه) – Китобдан шимолда оқиб ўтган дарё. Бу дарё номининг иккинчи қисми суғдча *rōδ* (*rwt*) – «дарё» сўзидан иборат [Лурье, 2004: 224].

Харған Руз ариғи (خرغان رود) – Истахрий матнларида – А8 ва А9 да *خرغان رود*, А11 да *جرعان دوز*, Ф2 да *جرعان*, Ф3 да *جرغان* шакллари ҳам мавжуд. Бухоро рустокларидан бири Харғана (*خرغانه*) деб аталган. Харған ёки Харғана номи қадимги юноча «қўрғон», «ҳарбий қароргоҳ» маъносидаги сўздан ясалган [Лурье, 2004: 171-172]. Бошқа фикрга кўра, Харған ёки Харқан номи суғдча *x(y) r* – «олға юрмоқ» ёки туркий *qoruyžin* – «қўрғошин» сўзининг [Кошғарий, I: 460] суғдча шакли бўлган *x* (*a*) *γy-zirn* сўзидан ясалган [Трамбле: 132].

Харғанкат (خرغانكت) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да *جرعانكت*, А4 да *دعانب*, А10 да *دعانب*, А11 да *جرعانكت*, А11 да *جرعانب*, А11 да *جرعانكت*, Ф2 да *جرعانكت*, Ф2 ва Ф3 да *جرغانكت*, Ф2, Ф3 ва Ф4 да *دعانب*, Ф8 да *جرغامكت* шакллари мавжуд. Карминийадан 1 *фарсах* масофада дарё бўйида жойлашган қишлоқ.

Харқана (خرقانه) – Истахрий матнларида – А10 да *خرقانه*, А10 да *خرقانه*, А10 ва А11 да *حرقانه*, А11 да *حرقانه* ва *حرقانه*, А11 да *حروانه*, А11 да *حرقانه*, Ф1 ва Ф2 да *حرقانه*, Ф3 да *حرقانه*, Ф8 да *فرغانه*, Ф8 да *خرقانه* шакллари ҳам мавжуд. Самарқанддан 8 *фарсах* масофада Харқан (*خرقان*) қишлоғи ва ундаги шу номли работ қайд этилган [Самъоний, 1980, V: 88]. Бу икки жой номи аслида бир бўлса керак. Бу ном қадимги юнонча «қўналға», «истехком», «манзилгоҳ» маъносидаги сўздан ясалган [Лурье, 2004: 171-173]. Бошқа фикрга кўра, Харқан номи суғдча *x(y) r* – «олға юрмоқ» ёки қадимги туркий *qoruyžin* – «қўрғошин» сўзи [Кошғарий, I: 460] нинг суғдча шакли бўлган *x(a) rγ-zirn* сўзидан ясалган [Трамбле: 132]. Ўрта Осиёда у ўрта асрларда бу қадимги сўз ёрдамида ясалган бир қанча жой номлари мавжуд эди. Ушрусанадаги Хармана шахрининг харобалари ҳозирги Жиззах шаҳридан жануби-ғарбдаги Ғаллаорол темир йўл бекати ёнида жойлашган [Беленицкий, Бентович, Большаков: 190; Грицина, 2000: 150]. Харқана номли рустоқ шимолдаги Қарачатоғ ва жанубдаги Годун ва Оқтоғ тоғлари орасидан оқиб ўтувчи Санзар дарёси водийсининг ўрта қисмида жойлашган [Негматов, 1957: 39, 85].

Хаскат дарвозаси (باب خاسكت) – Истахрий матнларида – А10 да *حامكب*, А11 да *حاسكت*, Ф1 да *خاشكت*, Ф2 да *حاركب*, Ф8 да *حامكت* шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Боб Хошкат (*باب خاشكت*) [Ибн Ҳавқал, 2011: 74], Муқаддасий бу дарвозанинг номини Дарб Хаскат (*درب خاسكت*) шаклида қайд этган [Муқаддасий: 276]. Бу дарвозанинг номи Банокат (Шохруҳия) яқинида Сирдарё бўйида жойлашган Хош (*خاش*) ёки Хошкат (*خاشكت*) шаҳарчасининг номи билан боғлиқ бўлган.

Хаст (خست) – Истахрий матнларида – А3, А4, А8, А9, А10 ва А11 да حسب, Ф2 да خوست, Ф3, Ф4 ва Ф6 да حسب шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда унинг номи Хаст (خاست) ёки Хуст (خوست) кўринишида, шунингдек Хошт (خاشت) ва Хушт (خوشت) ёки Хавошт (خواشت) шаклларида ҳам келади. Тохаристондаги катта бўлмаган шаҳар. Ўрта аср Хаст номи шу кунга қадар ўз номини сақлаб қолди. XX аср бошларида Фарғона билан бирга яхлит доирани ташкил қилган эди [Кушкеки: 34-39].

Хатаъ кўчаси (سكة ختع) – Истахрий матнларида – А11 да راس سكه, А12 да جمع шакли ҳам мавжуд. Намижкат шахристонидаги кўча номи. Хатаъ сўзининг маъноси аниқ эмас. Таркибида айн ҳарфининг мавжудлигига қараганда, бу арабча сўз бўлиши мумкин, лекин араб тилида бундай ўзакли сўз йўқ.

Хатункат (خاتونکت) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да حانوبکت, А2 ва А3 да حدرنکت, А2 ва А3 да حدونکف, А4 да حانوبکک ва حانورکک, А8 ва А9 да حانوبلث, А11 ва А12 да حانوبکت, Ф2 да خابورکت, Ф2 ва Ф4 да حانورکک, Ф7 да حانرکت, Ф8 да جانومکت шакллари ҳам мавжуд. Бинкатдан 2 *фарсах* масофада Қалас даштидаги мудофаа девори тарафида жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Унинг номи аёлларнинг юксак туркий унвони бўлган *qatun/xatun* – «хотун», «бека», «малика» ва суғдча *kaθ* – «шаҳар», «қишлоқ» сўзларидан ясалган [ДТС: 436, 637; Смирнова, 1971: 65; Лурье, 2004: 101, 192, 206]. Унинг харобалари Тошкент шаҳридан шимоли-шарқда, Тўқайтепа харобаларидан шимолда жойлашган бўлиб, Оқота деб аталади. Хуллас, бу икки харобалар, яъни Оқота ва Тўқайтепанинг бири Жабғукат, иккинчиси Хатункат эканлиги аниқ [Буряков, 1975: 74-75].

Хаш (خاش) – Истахрий матнларида – А2, А12 ва А4 да حاس, А2, А3 ва А9 да حاسن, А3 да حابن, А10 да خاش ва خاسب, А11 ва Ф8 да حاش, А12 да خاس, Ф2 да جانين, Ф2, Ф3 ва Ф4 да خاص ва جنين шакллари ҳам мавжуд. Муқаддасийда унинг номи Хас (خاس) шаклида қайд этилган [Муқаддасий: 49, 265]. Шош дарёси ва Илак дарёси орасида, Фаржанд ва Дахкат орасида жойлашган минбар [Ибн Ҳавқал, 1967: 525]. Унинг атрофларида экинзорлар кўп, лекин аҳолиси сийрак бўлган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 24a; Ҳудуд ал-Олам, 1970: 117]. XV аср хужжатида Шоҳрухийа туманида жойлашган Хаскат (خاسکت) номли мавзе қайд этилган [СД: 268]. «Бобурнома»га кўра, Хас (خاص) шаҳарчаси Хўжанд дарёси бўйида жойлашган бўлиб, унинг ёнида сув кечуви бўлган [Бабур-наме: 114]. Бу шаҳарчанинг номи суғдча *xwāš/xāš/xās* – «сув ҳавзаси», «ариқ» ёки кад. эрон. *hu-vaštra* – «яхши ўтли ер», «тоғ ёнбағри» сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 46, 150]. Бу шаҳарча Жанбулоқ темир йўл бекатидан 10 км ғарбдаги Чанакбулоқ ёнидаги шаҳар харобалари [Массон, 1953: 38-39] ёки Жумабозор қишлоғидаги Далварзинтепа харобалари ўрнида жойлашган [Буряков, 1975: 173-175].

Хашт (خشت) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8, А9, А10 да حسب, А4, Ф4 ва Ф6 да حست, Ф8 да چشت шакллари ҳам мавжуд. Ҳиротдан 7 марҳалада Ҳирот вилоятининг Ғур билан чегарасида жойлашган қишлоқ [Ибн Ҳавқал, 1967: 457]. Хашт ёки Хишт топоними бутун Ўрта Шарқ минтақасида кенг тарқалган [Деххуда, VII: 9805-9808]. Барча ҳолатларда бу ном *хишт* (خشت) – ҳам ғишт маъноси билан боғлиқ [ПРС, I: 553].

Хива (خيوة) – Истахрий матнларида – А2, А3, А10 ва Ф2 да حره, А4 да كيوة, А8, А9, Ф2, Ф3 ва Ф7 да حسره, А11 да حيوه, Ф3 да حره, Ф4 да حسرح шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг чап соҳилида Урганчдан 26 км жанубда жойлашган қадимги қалъа. Қадимги шаҳар Ичанқалъа ўрнида бўлган [Мадаминов: 73-76].

Хизз (الخز) – Ибн Ҳавқалда “Далак” – муйнали хайвон.

Хирож (خراج) – Араб халифалиги даврида давлат ерларидан олинадиган солиқ тури. Дастлаб бу атама фатҳ этилган мамлакатлар аҳолисидан олинадиган ҳар қандай солиқни англатган бўлиб, *жизйя* (جزية) атамаси билан бир маънода ишлатилган. Олинадиган хирожнинг миқдори ҳосилнинг 1/5 қисмини ташкил этган, баъзан эса 2/5 қисмигача кўтарилган. *Хирож* мол билан ҳам, пул билан ҳам олинган. Мол билан олинувчи *хирож* ҳосил терими вақтида, пул билан олинувчи *хирож* эса йил давомида ҳар 5 ойда, баъзан эса ҳар ойда олинган. Илк ислом даврида Араб халифалигининг турли мамлакатларидаги ҳар хил тоифадаги ерлардан *хирож* олиш қоидаларига бағишланган махсус асарлар ёзилган [Кудам: 1889]. Шариат қонунларига кўра, давлат ерларида ишловчи барча ер эгалари ва деҳқонлардан *хирож* олиниши мажбурий бўлган. Бу ерлардан келган даромадлар давлат хазинасини тўлдириш, ҳарбийлар, амалдорлар ва хизматчиларга маош тўлаш, шунингдек Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларига нафақа бағишлашга ишлатилган [Петрушевский: 160; Большаков 1991: 273-274]. Бу ҳақида қаранг: Деххуда, VII: 9627-9629; Subhan 1978: 1030-1056.

Хирхиз (خرخيز) – Истахрий матнларида – А10 ва А11 да حرحر шакли ҳам мавжуд. Тянь-Шан тоғларида яшовчи қирғиз қабилаларига қарашли ерларнинг арабча номи. Хирхиз мамлақати шарқда Хитой, жанубда Тағазғуз ва қисман Халлух, ғарбда қисман Кимак, шимолда эса одам яшамайдиган ерлар билан чегарадош бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 96]. Ўрта аср форс изоҳли луғатларига кўра, Хирхиз (خرخيز) – Туркистондаги вилоят бўлиб, у ердан мушк олинади. Уларнинг одамлари эпчил, юзлари эса чиройли бўлган [Баевский, 1980: 89]. Маҳмуд Кошғарий бу қабиланинг номини *қирқиз* (قرقز) шаклида қайд этган [Кошғарий, I: 426].

Хирхиз (خيرخيز) – *қирқиз* (قرقز) қабилалари, яъни қирғизлар [ДТС: 446; Кошғарий, I: 426]. Уларнинг ерлари Тараздан икки ойлик ва *тағазғуз*лардан бир ойлик масофада бўлган [Мақдисий V: 65]. Хирхизлар ҳақида батафсил маълумот учун қаранг: Караев, 1968: 29-49; Караев, 1973: 30-35.

Ховас (خاوس) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да جاوس, А5 да خاوس, А8, А10 ва А11 да حاوس, А11 да حاوس, Ф3 да حوين, Ф8 да خواوس шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарнинг алоҳида тумани бўлиб, у Самарқанддан юқорида [Самъоний, 1980, V: 33], Зоминдан 6 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Хордадбех, 1967: 204]. Бу шаҳарнинг харобалари Сирдарё вилоятидаги Янгиер шаҳридан жануброқда Хаваст темир йўл бекати ёнида жойлашган бўлиб, Эски Хаваст деб аталади [Бартольд, 1963: 223; Грицина, 1992: 25].

Холид ибн Аҳмад ибн Ҳаммо – Ибн Хавқал уни «Бухоро амири» деб атади. Бироқ, «Бухоро тарихи»да Наршахий бундай ҳукмдорни эслаб ўтмаган. В.В. Бартольд фикрига кўра, у Муҳаммад ибн Тоҳир (хукмронлиги 248/862 – 259/873 йй.) замондоши бўлган [Бартольд, 1966: 185, прим. 89].

Хон Равон (خان روان) – Хуросондаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А2 ва А3 да حان ران, А3 да حان روان, А5 да خان وار, А8 ва А9 да حان ران, А10 да حان روان ва حان روان, А11 да خان داور, Ф2 ва Ф4 да حان داون, Ф3 да حان داون, Ф4 да خاوران, Ф6 да خساوران, جان وداون ва جاوران, Ф8 да خان ريوند шакллари ҳам мавжуд. Бу топонимнинг биринчи компоненти жойнинг карвонсарой бўлганига далолат қилмоқда. Равон номига, яна Тохаристондаги доира ҳам эга бўлган. Ибн Ҳавқал маълумотига кўра, бу шаҳар Нишопурдан бир марҳала, Миҳражондан икки кунлик масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 456].

Хоразм (خوارزم) – Истахрийнинг А10 матнида حواررم ва حوارم шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг куйи оқими ҳавзасида Орол денгизи ёнида жойлашган вилоят. Қадимда Хоразм ҳудудида катта ва кучли давлат бўлиб, илм-фанда у Катта Хоразм номи билан юритилади. Унинг чегаралари жанубда Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган. Хоразм номи илк бор «Авеста» да, Беҳистундаги Доро I нинг катибаларида, шунингдек, қадимги юнон манбаларида учрайди. Ўрта аср араб ва форс манбаларида унинг номи Хоразм (خوارزم) шаклида келтирилган. Бу номнинг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар айтилган. Унинг биринчи қисми қад. эрон. *xwr* – «куёш» сўзидан ясалган. Унинг иккинчи қисми қадимги хоразмий *zm* (*zym*) – «ер» сўзидан иборат [Толстов, 1938: 80-81]. Бошқа фикрга кўра, Хоразм номининг келиб чиқиши Шарқий Урал ерларида тарқалган самодий тиллар билан боғлиқ бўлиб, «тошлоқ ер» маъносини англатади [Яйленко: 133]. Яна бир фикрга кўра, бу ном *хуар* ва *ас*, ёки *хорзум* (*херзем*) этнонимлари билан боғлиқ бўлиши мумкин [Еремеев: 139]. Хоразм воҳасининг илк аҳолиси ҳақидаги ривоятлар милoddан аввалги II минг йилликда Ўрта Осиёга ҳинд-орий қабилаларининг кириб келиши ҳақидаги маълумотлар билан мос келади [Мэллори 1997: 61-82].

Хоразм кўли (بحيرة خوارزم) – Хоразм кўли, яъни Орол денгизи. Бу кўл Бухайра (بحيرة) [Ибн Руста, 1967: 92] ёки Бухайрат Курдан (بحيرة كردن), яъни Кардар кўли [Ибн Хордадбех, 1967: 173], ва Баҳр аш-Шош (بحر الشاش),

яъни Шош денгизи деб ҳам аталган [Minorsky 1937: 148]. У ҳақида қаранг: Бартольд, 1965: 331-333. «Авеста»да Орол денгизи Ворукаша (*vourkaša*) денгизи ёки Чаечаста кўли деб қайд этилган [Авеста: 24, 32, 44, 119, 120; Ходжаева: 93-98]. Чаечаста номи об-угор тилларидаги *šač* – «сув» сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Яйленко: 133]. VI – VIII асрларга мансуб хитой манбаларида Орол денгизи Жэн-хай «Тузли кўл» деб аталган. Иссиқкўл ҳам хитой манбаларининг баъзиларида Суй йе шуй – «Шўр сувли кўл» [Бичурин, III: 50-51]. X асрда Ўрта Осиёдаги яна бир кўл Бий Тузун Арж ёки Тузкўл деб аталган [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 98]. XVIII аср бошларида Англияда чизилган Ўрта Осиё харитасида Орол денгизи Salt water Lake – «Шўр сувли кўл» деб аталган [Молл: харита]. Бу кўлнинг суви ҳақиқатда ҳам шўр бўлган. Айрим маълумотларга кўра, унинг тубида Хазар, яъни Каспий денгизи билан боғланган ер ости сув йўли мавжуд бўлган [Идрисий, 1974: 699]. Эҳтимол, Орол денгизи қадимда Тузли кўл деб ҳам аталган, хитойча Жэн-хай номи эса айнан шу номдан таржима қилингандир. Бу кўлнинг ҳозирги номи қадимги туркий тилдаги *oral* – «орол» сўзидан ясалган [ДТС: 50; Мусаев: 192].

Худайнкат (خنيكات) – Истахрий матнларида – А2 да *حدنتك*, А2 ва А3 да *حربك*, А3 да *حدنتك*, А4 ва А10 да *حدسك*, А8, А9, Ф2 да *حدسلت*, А11 да *حدينك* ва *حدسك*, А12 да *حدبيكات*, Ф2 ва Ф3 да *سك*, Ф3 да *حدمكب*, Ф4 да *سك* ва *بنك*, Ф7 да *حدينك*, Ф8 да *حدينك* ва *بيك* шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарчанинг номи туркий ва суғдий *хидайн* – «хотун», «бека» ва *kaθ* – «қишлоқ», «шаҳар» сўзларидан ясалган [Лурье, 2003: 198; 2004: 101, 207]. У Шош дарёси бўйидаги Банокатдан 2 *фарсах*, Бинкатдан 8 *фарсах* масофада Харашкат ва Устуркат орасида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522-523]. Бу шаҳарчанинг харобалари ҳозирги Окқўрғон қишлоғи ёнида Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғи яқинида жойлашган [Бурыков, 1975: 39-42].

Худайсар (خديسر) – Истахрий матнларида – А5 да *خوديسر*, А10 да *حدبس*, А11 да *حدبس*, Ф1 да *خديس*, Ф3 да *خديش*, Ф8 да *حدسير* шакллари ҳам мавжуд. Унинг номидаги *хид* қадимги эроний *ханда* – «қалпоқ» (дубулға) ва кейинчалик «қир», «тепалик» маъносини билдирган сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 151]. Самарқанд томонда жойлашган қишлоқ [Самъоний, 1980, V: 61].

Худиманкан (خديمينكن) – Истахрий матнларида – А2 да *حدمنكين*, А2, А8 ва Ф2 да *حدمكن*, А9, Ф2 ва Ф3 да *حدمكر*, А9 ва Ф3 да *حدمكن*, А10 да *حدمكن*, А11 да *حدمكن*, *حدمكنه* ва *حدمسكن*, Ф1 да *بيكند*, Ф8 да *حدمكن* ва *نمكت* шакллари ҳам мавжуд. Карминийадан 2 *фарсах* масофада жойлашган қишлоқ [Самъоний, 1980, V: 61].

Хужада (خجاده) – Истахрий матнларида – А2 ва А4 да *حجاره*, А10 да *حجاده*, Ф2 ва Ф3 да *حجازه*, Ф3 да *حجار* шакллари ҳам мавжуд. X асрда унда қалъа ва жоме масжиди бўлган [Муқаддасий: 267]. Унинг номи Хужодак (*خجادك*)

шаклида ҳам қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1970: 112]. Бухородан 3 *фарсах* масофада Байканд йўлидан 1 *фарсах*да жойлашган кишлоқ.

Хужан (خوجان) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да حرحان, А8 да حرجان, А9 да حرجان, А10 да زمدين, А11 да حرجاك, Ф2, Ф3 ва Ф6 да كركان, Ф4 да حرحان шакллари ҳам мавжуд. Нишопурнинг Устуво (استوا) ноҳийасидаги бош шаҳар.

Хужанда (خجنده) – Истахрий матнларида – А10 да ححنده, А11 да خحنده, Ф1 да خجند, Ф1 ва Ф8 да خوجند шакллари ҳам мавжуд. Муғ тоғидан топилган хужжатда (А-9) унинг номи *kwc 'nth* шаклида қайд этилган. Бу ном суғдча хи-с – «ёқимли», «яхши» ва қадимги эроний *anta* – «чекка», «чегара» сўзларидан ясалган [Смирнова, 1970: 16; Лурье, 2004: 232]. Сайхун дарёси бўйида жойлашган катта шаҳар. Бу шаҳар Ушрусанадаги Собот шаҳридан 10 *фарсах* масофада Фарғона йўлида жойлашган [Ибн Хордадбех, 1967: 29]. Хитой манбаларида унинг номи Гюй-чжан-ти шаклида қайд этилган [Бичурин, II: 313]. Бу шаҳар ҳозирги Хужанд шаҳри ўрнида бўлган [Бартольд, 1963: 221]. Тахмин қилинишича, Искандар Зулқарнайн скифларга қарши қурдирган Александрия Эсхата номли мудрофаа қалъаси Хужанд ўрнида бўлган [Негматов, 1980: 276; 1986: 6; Пьянков 1986: 78-79; Беляева, 1986: 91-95].

Хужистон (خجستان) – Хужистон Истахрий матнларида – А3 ва А9 да ححسان, А8 да ححسان, Ф6 да خچار шакллари ҳам мавжуд. Ҳирот тоғларидаги кишлоқ.

Хузон (خوزان) – Истахрий матнларидан – А2, А3, А8, А9, Ф4 ва Ф6 да حوران шакли ҳам мавжуд. Марвдан Марваруз йўлида 38 *фарсах*да жойлашган кишлоқ [Ибн Хордадбех: 66].

Хузор (خزار) – Истахрий матнларида – А10 да حوان, А10 да حوران, А11 да حوران, А12 да خززر шакллари ҳам мавжуд. Ҳозирги Ғузурдарё ҳавзасида жойлашган рустоқ.

Хулм (خلم) – Тохаристондаги бу шаҳар номининг Истахрий матнларида – А9 да حلم, А10 да بلخ шакллари ҳам мавжуд. Балхдан шарқ томонда икки кунлик [Ибн Ҳавқал, 1967: 457] ёки 2 *марҳала* [Муқаддасий: 346] ёки 11 *фарсах*да [Кудам: 212; Самъоний, 1980, V: 164] ва Жайхун дарёсидан 6 *фарсах* жанубда [Махмуд ибн Вали: 42], чегарасида, тоғлар этагида жойлашган шаҳар [Худуд ал-Олам, 1970: 108]. Ўрта аср Хулм шаҳарчасининг ўрни Тошқўрғондан шимолда, уч инглиз милясидаги тоғ дарасидан бошланадиган еридан узоқ бўлмаган жойда жойлашган [Бартольд, 1971: 49]. XVI асрдан бошлаб у Хайбақ (خييق) ёки Айбақ (اييق) деб атала бошлаган. Хайбақ Хулм дарёси водийсидаги энг кенг ерида жойлашган.

Хумрак (خمرك) – Истахрий матнларида – А2, А3, Ф2, Ф3, Ф4 ва Ф8 да حمرل, А4 да حمرك, А10 да خمرك, А11, Ф4 ва Ф8 да حمرك, А12 да حمرك, А9 ва А12 да حموك, Ф3 да حيرك, Ф4 ва Ф7 да حمول шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»да унинг номи Х.м.б.рак (خميرك) шаклида қайд этилган [Худуд ал-Олам, 1930: 24а; Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Барак ва Илақ дарёлари орасида,

Плох йўлининг ғарбий томонида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. XV аср ҳужжатида Оҳангарон дарёси бўйида Хурмак (خرمک) номли ерлар қайд этилган [СД: 298]. Унинг номи суғдча *xrwmt*, *xwrt* – «тупрок» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 57]. Бу шаҳарча Ангрендан шимолда, йўлдан ғарбда [Бартольд, 1963: 231], ҳозирги Бўка қишлоғидан тахминан 15 км масофада дарёнинг бўшида жойлашган [Буряков, 1975: 177].

Хур (خور) – Истахрий матнларида – А2 да *حور* ва *حوز*, А2, А3 ва А8 да *حوار*, А3 да *حور* ва *جور*, А4, А8, А9, А10 ва А11 да *حور*, А9 да *حرو*, Ф1 да *حون*, Ф4 да *جون* шакллари ҳам мавжуд. Қойиндан бир кунлик масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 458] Қухистондаги шаҳарлардан бири [Мукаддасий: 301]. Шаҳар чўл чеккасида жойлашган эди [Худуд ал-Олам, 1970: 103].

Хуросон (خراسان) – Истахрий матнларида – А4 да *حراسان*, Ф6 да *خران* ва *خرايان* шакллари ҳам мавжуд. Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган тарихий вилоят. Унинг номи паҳлавий талида *xwtāsān* – «қуёшнинг чиқиш ери», «шарқ» маъносини билдиради. Сосонийлар даврида Хуросон Эроннинг шимоли-шарқидаги алоҳида маъмурий бирлик (*kust*) ни ташкил этган бўлиб, унда Бахл (Балх), Хоразм, Марв. Харе(в) (Хирот), Гушан(г), Тос (Тус), Нев Шахпур (Нишопур), Кайен, Дахистон, Комиш каби шаҳар ва вилоятлар бўлган [Маркварт: 8-12]. Маъмурий жиҳатдан Хуросон 4 қисм (ربع) га бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирида *марзбон* (مرزبان) лар ҳукмронлик қилган. Улардан бири Марв ва унинг вилояти, иккинчиси Балх ва Тохаристон, учинчиси Хирот, Бушанж, Бодғис ва Сижистон, тўртинчиси эса Мовароуннаҳр бўлган [Ибн Хордадбех: 61]. IX асрда Фарғоний «Хуросон» тушунчасига бутун Ўрта Осиё ерлари, шу жумладан Еттисув ва Талас водийсини ҳам киритган эди [Калинина 1988: 131]. Бу ҳақида қаранг: Ўакут, 1866, II: 409-415; Деххуда, VII: 9634-9635; Bosworth 1986: 55-59.

Хуросонабоз (خراسان آباد) – Ҳиротдаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А4 да *حراسان اباد*, А8, А9 ва Ф1 да *خراسان اباد*, А10 да *حراسان اباد* шакллари ҳам мавжуд. Бошқа манбаларда бу ном эслаб ўтилмаган.

Хуршоб дарёси (نهر خرشاب) – Истахрий матнларида – А10 да *حوشاب*, Ф1 да *خياب* шакллари ҳам мавжуд. «Худуд ал-Олам»га кўра, Хурсоб (خرساب) дарёси Буттамоннинг орқасидаги тоғнинг шимолий тарафидан бошланиб, Хурсоб номли шаҳар ёнида Узганд дарёсига қуйилади [Худуд ал-‘Алем, 1930: 9б, 24а]. Бу дарё ҳозир ҳам Қуршоб деб аталади [Бартольд, 1965: 212]. «Худуд ал-Олам»да Фарғона шаҳарларининг тавсифидан кейин Хушқоб (خشکاب) номли шаҳарча ҳам қайд этилган, унинг экинзорлари кўп бўлса ҳам, аҳолиси камбағал бўлган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 25а].

Хусравжирд (خسرو جرد) – қаранг: **Хусравкирд**.

Хусравкирд (خسرو كرد) – Истахрий матнларида – А3, А8, А9 ва А11 да *حسرو حرد*, А10 да *حسرو حرد*, А11 да *خس وکرد*, Ф1 да *خسروگرد* шакллари ҳам

мавжуд. У Нишопурдан тўрт кунлик масофада ва Сабзавордан 2 *фарсах* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 456]. Самъонийга кўра, Хусравжирд (خسروجرد) [Самъоний, 1980, V: 116]. Хусрав Жирдни яна Шаташкар (شتشكر) ёки Саташкар (ستشكر) деб ҳам аташган [Самъоний, 1996: 152, 372, 641, 688, 1048, 1470, 1562, 1906].

Хуст (خوست) – Истахрий матнларида – А2 ва А10 да *حوست*, А3, А8 ва А9 да *حوسب*, А11 да *خوسب*, Ф8 да *خوسف*. А11 да *حوشب* шакллари ҳам мавжуд. Кухистон Хуридан икки *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 458].

Хуттал (الختل) – Истахрий матнларида – А3 ва А11 да *الجبل* ва *جبل*, А4 да *الحتل*, А8 да *الخبال*, А8 ва А9 да *جبل*, А9 ва А10 да *الجبيل*, А10 да *الحتل* ва *الحبل*, А11 да *الحش*, А11 да *الحيل*, Ф1 ва Ф4 да *كوهستان*, Ф1 ва Ф8 да *ختلان*, Ф2 да *جبال* ва *كوهستان*, Ф2 ва Ф3 да *كوه*, Ф3 да *خيлян*, Ф6 да *كوه*, *كره* ва *حتل* Ф8 да *ختلان* шакллари ҳам мавжуд. Ўрта аср манбаларида унинг номи Хутталон (*ختلان*) ва Хатлон (*ختلان*) шаклларида ҳам келтирилган [Самъоний, 1980, V: 44; Ўақут, 1866, II: 402]. Муғ тоғидан топилган суғдча ҳужжатларнинг бирида бу вилоятнинг номи Хуттулстан ёки Хуттурстан шаклида қайд этилган [Смирнова, 1969: 214]. Хитой манбаларига кўра, VII асрда Ку-туло (Хутталон) вилоятининг бош шаҳри Се-чу-кян деб аталган [Бичурин, II: 326]. XVII асрдан кейин «Хутталон» номи муомаладан чиқиб, унинг ўрнига «Кўлоб» номи ишлатила бошлаган [Махмуд ибн Вали: 38]. Ривоятга кўра, ҳозирги Кўлоб шаҳрининг атрофларида қадимда ботқоқлар ва харобалар кўп бўлган. Кўлоб яқинида Қизилсув дарёсининг чап қирғоғида Манзаратепа (Маразтепа) номли шаҳар харобалари жойлашган [Гулямова, 1975: 218]. Эҳтимол, илк ўрта асрлардаги Хутталон шаҳри айнан шу Кўлоб шаҳрининг ўрнида жойлашган, унинг атрофларидаги 1000 та булоқ эса кейинчалик ботқоқликларга айланган. Амударёдан шимолда унинг юқори оқими ҳавзасида Помир-Олой тоғлари этакларида жойлашган тарихий вилоят. Бу вилоят ҳозирги Тожикистон ҳудудидаги Кўлоб вилояти таркибига кирувчи Хатлон тумани ўрнида жойлашган [Беленицкий: 109-127].

Хушк дарвозаси (بابخشك) – Ҳиротдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – А3, А8 ва А9 да *حسك*, Ф6 да *ختك* шакллари ҳам мавжуд. *Хушк* (*خشك*) сўзи форс. «курук», «қуриб қолган», «беҳосил» маъноларини англатади [Ягелло: 578; ПРС, I: 554]. Сижистондаги доиралардан бири ҳам Хушшак (*خشك*) деб аталган [Ўақубий, 1967: 52]. Бу дарвозанинг номи шунга нисбатан қўйилган бўлиши ҳам мумкин.

Хушкруд (خشك رود) – Истахрий матнларида – А10 да *خشك روز*, Ф1 да *خشك رود* шакллари ҳам мавжуд. Бу дарёнинг номи Кашкруд номининг форслашган шакли бўлиб, «курук ўзан» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 147]. Бу дарё ҳозир Қизилсув ёки Яккабоғдарё деб аталади.

Хушмисан (خشمين) – Хоразм шаҳарларидан бўлган бу шаҳар номи Истахрийнинг А8 ва А9 матнларида حمين шакли ҳам мавжуд.

Чодир – Ибн Ҳавқал матнида ҳам, «Худуд ал-Олам»да ҳам форсча خرگاه – «енгил уй», «ўтов» сўзи ишлатилган. Ҳадисларда ўтов тушунчаси қантуро (بنو قنطورا) ислом дини қабул қилган кўчманчи турклар бану қантуро (بنو قنطورا) – «ўтов аҳли» сўзлари орқали ифодаланган [Самъоний, 1980, III: 43]. Бу маълумотлардан аён бўладики, X асрда ислом динини фақат шаҳар турклари эмас, балки кўчманчи турклар ҳам қабул қилганлар.

Шабахш (شابخش) – Бухородаги бу рустоқ номининг таркибида суғдча хāš (خاش) х“āš (خواش) – «ўтлоқ ер», «тоғ ёнбағри» сўзи мавжуд. Истахрий матнларида – А8 ва А9 да سباحس, А11 да ساحس, Ф2 ва Ф3 да مباحس шакллари ҳам мавжуд.

Шабурақан (شبورقان) – Истахрий матнларида – А2 да سبورقان, А3 да سورقان, А3 ва А10 да سورقان ва سورقان, А4 да سعور, А5 да اشبورقان, А8 да سبورقان ва شورقان, А8 ва А9 да سورقان, А8, А9 ва А11 да اسبورقان, А9 да سورقان ва شورقان, А9 ва А11 да سورقان, А10 да سعورقان, А10 ва А11 да سورقان ва شورقان, А11 да سورقان, Ф1 да شورقان, Ф6 да شورقان, Ф8 да شبرغان ва شورغان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Ушбурақан (شبورقان) номланиб, Марвдан Балхга кетаверишда Балхдан 3 марҳала ва Фарйобдан 4 марҳала масофада [ИбнҲавқал, 1967: 458] ёки Фарйобдан 18 фарсах ва Балхдан 18 фарсах масофада жойлашган [Ибн Хордадбех: 66]. БошқаманбалардаунингномиАшфурқон (اشفورقان), Шуфурқон (شفورقان), Шабурқон (شبورقان), Сапурқон (سپورقان) вабошқ. ЎртаасрларШабурақаннингқолдиқлариАфғонистондагизамонавийШибиргоншаҳринингшимоли-ғарбий чеккасида жойлашган Боло-Хисоршаҳарчасиҳисобланади [Борнс: 319]. Батафсил қаранг: Бартольд, 1971: 58.

Шавакат (شاوكت) – Истахрий матнларида – А4 да شاركت, А10, Ф2 ва Ф8 да ساوكت, А11 да ساوكت, Ф3 да بنادكت шакллари ҳам мавжуд. Бу шаҳарча тахминан ҳозирги Нау ва Куркат қишлоқлари орасида жойлашган. Унинг атрофида жойлашган катта рустоқ эса Оксув (Тагояксой) нинг қуйи оқими ҳавзаси, ғарбда Бекобод, Куркат ва Қизил қишлоқлари, шарқда Дихмай ва Хитойреза қишлоқлари, жанубда Қизил қишлоғи атрофлари, шимолда эса Сирдарё бўйигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Бу рустоқ аҳолиси Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларидан оқиб келувчи Исфанасойнинг сувидан фойдаланган [Негматов, 1957: 41-43, 83].

Шавгар (شاوغر) – Истахрий матнларида – А2, А3 ва А12 да ساوغر, А4 да ساوا, А10 да ساوغر, Ф2, Ф3 ва Ф8 да ساوغر, Ф4 да ساوغر шаклларда ҳам келтирилган. Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасидаги шаҳар. Унинг номи суғдча saw – «қора» ва уаг – «тоғ» сўзларидан ясалган бўлиб, қоратоғ маъносини англатади. Бу ерларда жойлашган тоғлар ҳозир ҳам Қоратоғ деб аталади. Унинг номи суғдча šāw – «қора» ва уаг – «тоғ» сўзларидан ясалган [Лурье,

2004: 46, 51, 121]. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Туркистон шаҳридан 8 км жануби-шарқда жойлашган бўлиб, Чуйтепа деб аталади [Байпаков, 1977: 87]. Бу шаҳар ҳозирги Қоратоғ номли тоғ ёнбағрида жойлашган, бу эса Шавғар номининг туркча таржимасидир. Демак, бу шаҳарнинг туркча номи ҳам Қоратоғ бўлиши мумкин [Мурзаев, 1984: 259]. XII асрдан кейин Шавғар туманининг маркази ҳозирги Туркистон ўрнида жойлашган Йаси шаҳрига кўчган [Бартольд, 1965: 225].

Шакарда ад-Доҳила рустоқи (رستاق شکرده الداخلة) – Истахрий матнларида – A10 да سکرده الداخلة, A11 да سنکرده الداخلة, Ф1 да منکورہ درونی шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи манбаларда Санк Карда (سنک کرده) [Ибн Ҳавқал, 2011: 67], Муқаддасийда Санкарда (سنکرده) [Муқаддасий: 49] деб келтирилган, «тошдан қурилган» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 179, 203]. Бу рустоқ ҳозирги Қизилсув ёки Сангардак дарёсининг водийсида жойлашган [Бартольд, 1963: 124, 189].

Шакарда ал-Хорижа рустоқи (رستاق شکرده الخارجہ) – Кешдаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – A11 да سنکرده الخارجہ, Ф1 да منکورہ بیرونی шакллари ҳам мавжуд.

Шалжи (شلجی) – Истахрий матнларида – A11 да شلجی, A11, Ф2 ва Ф3 да بلی, Ф8 да شلجی шакллари ҳам мавжуд. Самъоний маълумотига кўра, Шалж (شلج) ёки Шалжикат (شلجیکت) Тараз яқинида жойлашган шаҳарга ўхшаш бир қишлоқ бўлган [Самъоний, 1980, VII: 377]. X асрда Шалжи савдо маркази бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 119]. Бу шаҳарчанинг харобалари Талас дарёсининг бўйидаги Киров қишлоғидан шарқда жойлашган бўлиб, Садиркўрғон деб аталади. Ўрта асрларда бу ердаги тоғларда бой қумуш конлари фаолият кўрсатган [Бернштам, 1963: 115].

Шаст Банд дарвозаси (باب شستبند) – Истахрий матнларида – A2 да نسب هن, A3 да ست هن, A8 да بسب نهن, A9 да بست هن, A10 да بسب, A11 да بلسب من, Ф8 да شصت من шакллари ҳам мавжуд. «Олтмуш банд» маъносида. Ибн Ҳавқалда Баб аш-Шастманд (باب الشستمند) келган [Ибн Хауқал, 2018: 34]. XVI асрда Балх вилоятида 18 ариқ бўлиб, уларнинг суғорадиган ҳудудида 220 қишлоқ бўлган. Бу ариқларнинг барчаси Балхоб дарёсининг тоғ дарасидан чиқиб келган жойида мавжуд бўлган Банди Амир тўғонининг яқинида дарёдан ажралган [Салахетдинова 1970: 224].

Шаҳар – Ўрта асрларда (IX – XIII аср бош.) Эрон ва Ўрта Осиё шаҳарлари исломдан аввалги замонлардаёқ шаклланган уч қисмдан иборат бўлган. Манбаларда бу қисмлар турлича номланади. Шаҳарнинг марказий, нисбатан қадимийроқ қисми араб манбаларида қуҳандиз (القهندز) ёки қалъа (القلعة) деб аталган. Бу ерда одатда ҳукмдор қасри (قصر), бошқарув идоралари дар ал-имара (دار العمارة) ва зиндон (السجن) жойлашган. Уни шаҳристон –мадина

(المدينة) ёки *ал-мадина ад-дохила* (المدينة الداخلة), яъни «ички шаҳар» ўраб турган бўлиб уни яна *ҳисн* (الحصن) деб ҳам атаганлар. Бу ерда *маҳаллалар* (محلة), *жоме масжид* (مسجد الجامع) ва *бозорлар* (سوق) жойлашган. Шаҳарнинг учинчи, нисбатан кейин шаклланган қисми *рабад* (الربض), ёки *ташқи шаҳар* (المدينة الخارجة) деб аталган ва унда савдо-хунармандчилик кварталлар ва ер эгаларининг саройлари жойлашган. Форсий манбаларда шаҳарнинг бу қисмлари: *қухандиз* (كهندز), *шаҳристан* (شهرستان) ёки *ҳисор* (حصار) ва *русто* (رستا) деб аталган. Бу ҳақида батафсил маълумот учун қаранг: Беленицкий, Бентович, Большаков: 14-47; Воронина: 84-104.

Шаҳристон (المدينة) – «ички шаҳар» (ал-мадина ал-дохила) ва «шаҳристон» деб ҳам аталган. Шаҳарнинг мустаҳкам қалъа деворлари билан ўралган ички қисми. Ички шаҳарда қалъа, аҳоли яшайдиган маҳаллалар ва жоме масжиди жойлашган.

Шаҳристон (المدينة) – Бинкат мадинаси ёки шаҳристони учбурчак шаклда бўлиб, Чорсу бозори ва майдони, Кўкалдош мадрасаси, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, Хадра майдони, Тахтапул, Навоий ва Лабзак кўчаларини ўз ичига олувчи девор билан ўралган 15 га майдонни эгаллаган [Массон, 1954: 110; Буряков, 1975: 68].

Шикит (شكت) – Истахрий матнларида – А8 да *بونك*, А9 да *بونكت*, Ф2 да *سك*, Ф8 да *ويكت* шакллари ҳам мавжуд. Ахсикатдан 9 *фарсах* масофада жойлашган (Ибн Ҳавқал, 1967: 524). Катта шаҳарча, унда ёнғоқзорлар жуда кўп. Жоме масжиди бозорда жойлашган [Муқаддасий: 271].

Шир Бомийон (شير باميان) – Бомийондаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А3 да *شير باميان*, А8 да *سير باميان*, А9 да *شير باميان*, А10 да *سير* *النامان*, А11 да *سر ناسان* шакллари ҳам мавжуд.

Шом (الشام) – Оссуриянинг арабча номи. Бугунги кунда Сурия, Ливан, Исроил, Фаластин, Иордания ва Туркиянинг бир қисмини қамраб олган [Йақут, 1866, III: 239-244].

Шош (الشاش) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да *السوس*, А10 да *يساتين*, А11 да *الشاس*, *السوس* ва *الشاس*, Ф1 ва Ф3 да *چاچ*, Ф1 ва Ф4 да *جاج*, Ф4 да *بساتين*, Ф6 да *سوس*, Ф7 да *نشامين* шакллари ҳам мавжуд. Чирчиқ водийсида жойлашган Чоч тарихий маданий вилоятининг арабча номи. Шош вилоятининг маъмурий маркази Х асрда Бинкат деб аталган. Х асрда Шошнинг таркибига маъмурий жиҳатдан Оҳангарон водийсида жойлашган Илақ (ايلاق) вилояти ҳам кирган, лекин унинг ўз ҳукмдори бўлган. Исломога қадар Сирдарё водийсининг ўрта ва қуйи қисмидаги шаҳарлар ҳам Чоч (Шош) таркибига кирган.

Шош дарёси (نهر الشاش) – Илк ўрта асрларда аш-Шош вилоятининг ҳудудлари анча кенг бўлиб, шимолда Етгисув, шунингдек Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзасидаги ерларни ўз ичига олган. Шунинг учун бу

ерлардан оқиб ўтган Сирдарё Наҳр аш-Шош, яъни «Шош дарёси» деб ҳам аталган.

Шош девори (حائط الشاش) – бу девор Абдуллоҳ ибн Хумайд девори (حائط عبد الله بن حميد) деб ҳам аталган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523]. Бу девор шарқда Сойлиқ (Соблик) тоғларидан ғарбда Сирдарёгача чўзилган. XIX аср охирида бу деворнинг ғарбий қисмининг Бўзсув ариғидан Яллама қишлоғигача чўзилган бир нечта қолдиқлари қайд этилган эди [Буряков, 1975: 73; 1982: 141-142]. 1958 – 1962 йилларда юборилган махсус археологик экспедиция бу деворнинг сақланиб қолган қолдиқларини ўрганиб чиқиб, Ибн Ҳавқал маълумотларининг тўғрилигини тасдиқлади. Кампирдувол деб аталувчи бу девор Чирчиқ дарёсининг ҳар икки қирғоқ томонидаги қадимги суғорилган обод ерларни ўраб турган. Деворнинг умумий узунлиги тахминан 37 км ни ташкил этган. Девор харобаларининг эни 12-16 м, баландлиги эса 1-2 мни ташкил этади [Муҳамедов 1964: 41-45]. Лекин Ю.Ф. Буряков фикрига кўра, бу девор анча шимолроқда, ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги даштларда жойлашган [Буряков, 1982: 142].

Шош яйловлари (مراعى الشاش) – «Худуд ал-Олам»га кўра, Исбижаб ва Сирдарё бўйларида, Исбижаб, Чочнинг бир қисми, Пороб ва Канжида (کنجده) ни ўз ичига олувчи яйлов (کيا خوار) жойлашган. Унда ислом динини қабул қилган туркларнинг мингта ўтовлари жойлашган [Худуд ал-Олам, 1970: 119].

Шуман (شومان) – Истахрий матнларида – A9 да سرمان, A10 да سومان, A11 да سومان шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Сумон шаклида ҳам қайд этилган [Фирдоуси, VIII: 158, 186]. Сағанийон ва Хуттал орасида Вашжирддан 4 *фарсах* [Ибн Хордадбех, 1967: 34; Қудама: 211] ёки 2 *марҳала* [Ибн Ҳавқал, 1967: 519]. Сағанийондан эса 12 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Гардизи: 73]. Исломдан олдин Шуман Тохаристон йабғуларига қарашли алоҳида вилоят бўлиб, унинг маҳаллий подшоҳига кўшни Охарун (آخرون) шаҳри ҳам тобе бўлган [Табарий, 1881, II: 1144, 1179-1181; Баладзурий: 417, 419]. Шуман ислом мамлакатининг чегарасида жойлашган, унинг аҳолиси кучли бўлиб, султонга итоат этмаганлар [Самъоний, 1980, VII: 412; Йақут, 1866, III: 337]. XV – XVII асрларда Шуман шаҳри Ҳисори Шодмон деб аталган бўлиб, у Ҳисор беклигининг маъмурий маркази бўлган. Унинг номидаги Шодмон сўзи Шуман номининг бузилган шаклидир. Бир фикрга кўра, ўрта асрларда Шуман шаҳри Варзоб дарёси бўйида, ҳозирги Душанбе шаҳрида жойлашган Шишихона харобалари ўрнида бўлган [Ғоибов: 32]. Қоратоғ, Ширкент ва Регар дарёлари ҳавзаларида жойлашган бу ерлар ҳозир Тожикистоннинг Ҳисор ва Регар туманлари таркибига киради.

Юқори Насйя (نسيا العليا) – Истахрий матнларида – A10 да نسا العليا ва نسا العليا, A11 да يسبا العليا, Ф1 да نسيای زيرين, Ф2 да بسيا, Ф3 да بستنا, Ф8 да نسيا, ■ نسيا ва نسا шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Басба (بسبة) шаклида ҳам

келтирилган [Йакут, 1866, I: 611]. Муқаддасий Фарғонада ан-Нисоийя (النسائية) номли вилоятни қайд этган [Муқаддасий: 262]. Бу ноҳия Сўх ва Исфара дарёларининг ҳавзасида жойлашган [Горбунова: 87].

Юқори Фаравар (فراور العليا) – Бухородаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А11 ва Ф3 да فروان العليا шакли ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Фаровуз (فراوز) [Ибн Ҳавқал, 2011: 45]. Фарабр шаҳрининг номи ҳам у билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Юқори Фаравар ариғи (نهر فراور العليا) – Истахрий матнларида – А11 да فراوى العليا, Ф2 да قزوان العليا, Ф3 да فروان العليا шакллари ҳам мавжуд. Бу ариқ номи Ибн Ҳавқал ва Наршахийда Юқори Фаровуз (فراوز العليا) деб келтирилган – [Наршахий, 1966: 35; Ибн Ҳавқал, 2011: 45].

Юқори Харғана рустоқи (خرغانه العليا) – Бухородаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А8 ва А9 да خوعانه, А11 да حرعانه العليا, Ф2 да جرغانه, Ф3 да حرعانه шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Ғарқанд (غرقتند) – суғдча γr – «тоғ» ва γr 'y – «лой» сўзларидан ясалган, яъни «Тоғдаги шаҳар» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 102, 106, 121].

Ўрта Буттам (البتم الاوسط) – қаранг: **Буттам ноҳияси**.

Қазвин (قزوین) – Жибал вилоятининг шимолида, Рай ва Занжанадан 27 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар. XII асрда у Исфаҳон вилоятига қарашли бўлган ва Боб ал-Жаннат (باب الجنة) – «Жаннат эшиги» деб ҳам аталган [Самъоний, 1980, X: 136-137]. Шаҳар катта карвон йўлидан четда ва Дайламдан ажратиб турувчи тоғ этагида жойлашган эди. Қазвиннинг форсий номи Кашвин (كشوين) – «кўриқланадиган чегара» бўлган. Ривоятларга кўра, Қазвин номи Афросиёб кизининг исми Қаз билан боғлиқ экан [Кошғарий, III: 163]. Шарқий Туркистонда Қаз суви (قاز سوى) номли дарё эслаб ўтилган [Кошғарий, III: 165], Қазвин мўғуллар вайрон қилгунига қадар гуллаган шаҳар бўлган.

Қайй (قى) – Самарқанд вилоятидаги бир рустоқ ҳам Қайй (قى) деб аталган. Ибн Ҳавқалда Фай (فى) [Ибн Ҳавқал, 2011: 59]. Қайй (قى) номли қишлоқ Иштихан ва Кушонийа орасида жойлашган [Самъоний, 1980, IX: 230]. Қайй ариғи ҳозир Пай ёки Нарпай деб аталади. Самарқанд вилоятида Нарпай номли туман ҳам бор. Нарпай номи арабча Баҳр Фай номининг қисқа шаклидир. Бу ариқ Каттакўрғондан тахминан 10 км юқорида Қорадарёдан сув олади. Ундан шимолроқда Зарафшондан сув олувчи бошқа бир ариқ эса Пай ариқ деб аталади.

Қалас дашти (برية القلاص) – Маҳмуд Кошғарийга кўра, Тухси ва Жикил мамлакатлари Қайос (قياس) деб аталган бўлиб, унда 3 та қалъа бўлган. Улардан бири Соблиғ Қайос (سابلغ قياس), иккинчиси Урунг Қайос (ارنك قياس), учинчиси эса Қаро Қайос (قرا قياس) деб аталган [Кошғарий, III: 187]. Тошкент (Шош) билан Чимкент (Сайрам) орасидаги ерлар ҳозир ҳам асосан яйловли даштлардан

иборат. Бу даштнинг номи шу кунгача Келес шаклида сақланиб колган бўлиб, хозир Тошкент туманида жойлашган шаҳарча шу ном билан аталади.

Қантар ат-Такин дарвозаси (باب قنطرة تكتين) – Нишопур шахристонидаги дарвоза номининг Истахрий матнларида – А3, А6, А7, А8 ва А9 да *درمنكين*, А5 да *درمكين*, А10 да *درسلس*, А11 да *ورمكين*, Ф3 да *مكين*, Ф1 да *تكتين*, Ф6 да *بولتكتين* шакллари ҳам мавжуд. «Такин хонадони кўприги дарвозаси».

Қануз (درب) – араб., «йўл», «кўча», «ташқи дарвоза».

Қасаба (قسبة) – араб., «шаҳар», яъни бош шаҳар, пойтахт маъносини билдирувчи сўз.

Қатрон (زفت) – араб., смола, қатрон. Игнабаргли дарахтлардан олинадиган елим. Унинг 3 хили бўлган – денгиз *қатрони*, куруклик *қатрони* ва тоғ *қатрони*. *Қатрон* хўл ва курук бўлиб, унинг ёғи даволаш учун ишлатилган [Беруни, 1973: 500-501, 520, 682; Каримова: 205].

Қафиз (القفيز) – араб., ўрта асрларда ишлатилган тахминий ҳажм ўлчов бири.

Қаражун (قراجون) – Истахрий матнларида – А10 да А11 да *فراحون*, Ф1 да *قراجون*, Ф8 да *فراخور* шакллари ҳам мавжуд. Бу номнинг биринчи қисми туркий қаро (قرا) – «қора» сўздан иборатлигидан унинг иккинчи қисми ҳам туркий сўз бўлиши мумкин. Қарожун Байканд ўрнида ёки унинг атрофларида жойлашган бўлиши мумкин.

Қарийа Бараткин (قرية براتكين) – Истахрий матнларида – А10 да *اراملن*, А11 да *برانكن*, Ф1 да *ديه براتكين*, Ф2 да *ديه ارباكين*, Ф3 да *ديه اراكن*, Ф8 да *برانكين* шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг ўнг соҳилида Қўнғиротдан 10 км шимолда жойлашган. Унинг харобалари Қизқалъа ёки Қуюққалъа бўлиши мумкин.

Қаринайн (القرينين) – Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да *الفرسى*, А2, А8 ва А9 да *الفرسن*, А2, А10 ва А11 да *العرسن*, А3 ва А4 да *الفرس*, А8 да *القرينن*, А9 да *غرینن* ва *فرعسن*, Ф3 да *فریقین*, Ф2 ва Ф3 да *فریقس*, Ф2 да *العرسى*, А10 да *الرعسن*, Ф4 да *فرعسن*, Ф6 да *یقین* шакллари ҳам мавжуд. Марв дарёсининг қирғоғида, Марвдан 4 *марҳала*да жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 456]. Бу чегара аҳоли маскани Имом Бобо қишлоғи ўрнида, Мурғобнинг чап қирғоғида, Сари-Яздан 30 км жанубда баланд қояда жойлашган деб ҳисобланади.

Қасри Дехқон дарвозаси (باب قصر الدهقان) – Бинкатдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – Ф1 ва Ф8 да *كشك خاقان* шакли мавжуд.

Қассарин ариғи (نهر القصارين) – араб., «Тозаловчилар дарёси» маъносини билдиради. Истахрий матнларида – А2 да *فصاسن*, А3 да *فصاسن*, Ф7 да *قصابان*, Ф8 да *گازران*, А10 ва Ф1 да *قصارين*, А11 да *النحاربه* шакллари ҳам мавжуд. Бу Китобдан жанубда оқиб ўтувчи Оксув дарёсининг арабча номидир [Бартольд, 1963: 188].

Қассобин дарвозаси (باب القصابين) – араб., яъни «Қассоблар дарвозаси». Истахрий матнларида – А5 ва А10 да قصابين, Ф1 да قصابان шакллари ҳам мавжуд. Бу дарвозанинг номини Боб ал-Қассорин (باب القصارين) – «Тозаловчилар дарвозаси» деб ҳам ўқиш мумкин. Кешнинг жанубий дарвозаси ёнидан оқиб ўтган дарё Наҳр ал-қассорин (نهر القصارين) деб аталган. Шунга кўра, бу дарвоза Кешнинг жанубида жойлашган деб тахмин қилиш мумкин [Бартольд, 1963: 188].

Қатвандиза (قطوان دزه) – Муқаддасийга кўра, Қатвандиза (قطوان دزه) Ушрусанага, Қатвона (قطوانة) эса Самарқанд вилоятига қарашли бўлган [Муқаддасий: 49]. Самъонийга кўра, Қатвон ёки Қатавон (قطوان) Самарқанддан 5 *фарсах* масофада жойлашган катта қишлоқ бўлган [Самъоний, 1980, V: 33, 298; VII: 163; X: 196]. Қатвон қишлоғи Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол темир йўл бекати атрофларида жойлашган. Қатвон чўли эса Самарқанддан шимолда Тошкўприк ва Янгиқўрғон темир йўл бекатлари орасидаги Булунғур даштидир [Бартольд, 1963: 177, 389].

Қибоб дарвозаси (بابالقياب) – Истахрий матнларида – А8 ва А10 да القباب, А9 да القباب, Ф4 ва Ф6 да عتاب шакллари ҳам мавжуд. «Қуббалар дарвозаси». *Қибоб* (قياب) сўзи «миноралар», «қуббалар» маъноларини англатади. Нишопурда Ироқ йўлида Қибоб (القياب) аталадиган квартал бўлган. Самарқандда ҳам шу номдаги квартал бўлган [Самъоний, 1980, X: 40]. Ироқ ва Мисрда қишлоқ, Нажд ва Озарбайжонда – алоҳида жой бўлган [Йақут, 1866, IV: 25; Деҳхуда, XI: 17422].

Қойин (قاين) – Истахрий матнларида – А4 да قاين, А8 ва А9 да قان, А10 да قان, Ф11 да قاتر ва قانر, Ф6 да فرمومان шакллари ҳам мавжуд. Қухистоннинг бош (*қасаба*) шаҳри. Табасдан узоқ бўлмаган, Нишопур билан Исбаҳон орасида [Йақут, 1866, IV: 22], Нишопурдан 9 *марҳала*, Ҳиротдан 8 *марҳала* ва Завзандан 3 *марҳала* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 454, 458]. Пахлавий манбаларида Хуросон вилояти (*kust*) шаҳарлари орасида Қойин ҳам эслаб ўтилган [Маркварт: 8-12].

Қомат (قامة) – одам бўйига тенг узунлик ўлчами, тахминан 1,88 метр.

Қора кийим (المسودة) – араб., «қора кийимликлар», Ўрта Осиёдаги бир диний ҳаракат тарафдорлари, улар қора рангли кийимлар кийиб юрганлар. Абу Муслим бошчилигида Хуросондаги Аббосийлар ҳаракати тарафдорлари ҳам қора рангли кийимлар кийганлар. VIII асрда Ўрта Осиёда Муқанна бошчилигида кўтарилган бошқа бир диний ҳаракат тарафдорлари эса *мубаййада* (المبيضة) – «оқ кийимликлар» деб аталганлар.

Қора мум (جراغسنگ) – форс., тошпахта, ёки қора мум деб аталувчи нефт, араб тилида у ҳажар ал-фатила (حجر الفتيلة) деб аталган [Беруни, 1973: 520]. М. Массонга кўра, бу атама асбестга нисбатан ишлатилган [Массон, 1934: 54,

91-92]. Бу тошга ёғ суртилса, у чўғга ўхшаб ёнган. Унинг ҳажми камайганда, уни оловга ташласа, у яна ўз ҳолига қайтар эди. Ўрта асрларда ундан тош дастурхонлар ишлаб чиқарилган, агар у кир бўлса, уни оловда ёндиришар ва унинг кирлари кетиб, яна тоза бўлар эди [Муқаддасий: 303]. Ёниш хусусиятига эга бўлган бу тош сўнгги аср манбаларида ҳам қайд этилган [Самъоний, 1980, II: 115; Ўакут, 1866, I: 529; Маҳмуд ибн Вали: 25]. Бадахшонда бу тош XX аср бошларида ҳам маълум бўлиб, Гумай ва Дарвоз тоғларидан олинган. Бу ердаги Қалъаи Вамар қишлоғидан қуйироқда жойлашган бир тоғ Фатила-санг, яъни «фатила тоши» деб аталган. Одамлар бу тошни фитил сифатида ишлатганлар, бу тошлардан биттаси бир йилга етар эди [Кушкеки: 197]. У ҳақида яна қаранг: Массон, 1953: 50-51; Каримова: 108-109.

Қуба (قبا) – Ахсикатдан 10 *фарсах* [Ибн Хордадбех, 1967: 30; Қудам: 208] ва Андижондан 4 *ийғоч* масофада жойлашган шаҳар [Бабур-наме: 166]. Қуба бош шаҳардан кўра, каттарок, кенгроқ, чиройлироқ, ободонроқ ва кўркамроқ шаҳардир [Муқаддасий: 272]. «Худуд ал-Олам»га кўра, Қуба Фарғона вилоятидаги энг катта ва ривожланган шаҳар бўлган. Унинг ёнидан Қуба номли дарё оқиб ўтган [Худуд ал-Олам, 1970: 116]. Бу шаҳарнинг номи туркий *қуба* этноними билан боғлиқ бўлиб, бунга ўхшаш жой номлари Ўрта Осиё, Кавказ ва Дашти Қипчок худудларида кенг тарқалган [Гусейнзаде 1971: 119-125]. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Фарғона вилоятидаги Қуба қишлоғи ўрнида жойлашган [Бартольд, 1963: 215]. Археологик маълумотларга кўра, бу шаҳар антик даврда вужудга келиб, мўғуллар истилоси даврида ёқиб юборилган, XIV асрдан кейин эса қишлоққа айланган [Ахраров 1973: 58-65].

Қуба дарёси (نهر قبا) – «Худуд ал-Олам»га кўра, Қуба дарёси Буттамон орқасидаги тоғнинг шимолий тарафидан бошланиб, Қуба шаҳридан ўтади ва Узганд дарёсига қуйилади [Худуд ал-‘Алем, 1930: 96]. Истахрийнинг А10 матнида *قبا* шакли ҳам мавжуд. Ҳозир Қуба қишлоғи ёнидан оқиб ўтувчи дарё Қорасув деб аталади [Бартольд, 1963: 216; Бартольд, 1965: 212-213].

Қубазийон (القواديان) – Истахрий матнларида – А3, А8 ва А9 да *العوادان*, А10 да *الغاروبان*, А11 да *القواديان* шакллари ҳам мавжуд. Хуттал вилояти таркибига Вахш билан бирга кирган ўрта аср тарихий-маданий вилоят ва шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 321]. Унинг номи Қубазийон (*قباديان* ёки *القباديان*) [Ўақубий, 1967: 58; 467; Самъоний, 1980, X: 42; Ўакут, 1866, IV: 26], шунингдек Қубадийон (*القواديان*) [Табарий, 1881, II: 1492; Ибн Руста, 1967: 93] ёки Қубадийон (*قواديان*) [Муқаддасий: 289; Худуд ал-Олам, 1970: 71; Самъоний, 1980, X: 42; Ўакут, 1866, IV: 196], кейинги давр манбаларида Қубадийон (*قباديان*) [Байхаки: 158, 385, 540; Бабур-наме: 144, 406; Маҳмуд ибн Вали: 66] деб келтирилган. Қубадийон вилоятининг шу номдаги бош шаҳри Термиздан 2 *марҳала* ва Сағанийондан 3 *марҳала* масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 519]. Қубазийон тарихий-маданий вилояти Амударёнинг юқори оқимида, Кофирниҳон дарёсининг

водийсида, унга сувнинг ўнг томон қуйилишида жойлашган. Ғарб томондан уни Боботоғ тоғлари, шарқдан Оқтоғ тоғлари ўраб туради. Кофирниҳонга қуйиладиган сувлардан бирининг номи Роумит деб аталади. Бу ўрта асрдаги Ромил номининг ўзгарган шаклидир. Бугунги кунда ушбу вилоят ҳудудида Тожикистон Қўрғонтепа вилоятининг Кабодийон тумани жойлашган (аввалги Шаартуз). Ўрта аср Қувазийонининг қолдиқлари Шаартуздан 10 км шимолда, Кофирниҳон дарёсидан 1,5 км ғарбда жойлашган Қизилтепа ёки Қизилқалъа ҳисобланади [Дьяконов, 1954: 267-268].

Қуйи Насйа (نسای السفلی) – Истахрий матнларида – A10 да نسا السفلی ва نسا السفلی, A11 да بسبا السفلی ва نسا العليا, Ф8 да نسا زير шакллари ҳам мавжуд. Бу икки ноҳия текислик ва яйловлардан иборат бўлиб, улар орасида тоғлар йўқ [Ибн Ҳавқал, 1967: 514]. У иккиси Рудон ноҳиясига туташган [Идрисий, 1974: 707]. Бу ноҳия Шоҳимардон, Исфайрам ва Аравон сойларининг ҳавзасида жойлашган [Горбунова: 87].

Қуйи Фаравар (فراور السفلی) – бу ариқ номи Истахрий матнларида – A11 да فراور السفلی, Ф2 да فراذن السفلی, Ф3 да فروان السفلی шакллари ҳам мавжуд. Унинг Фаровуз (الفراوز) шакли ҳам мавжуд [Ибн Ҳавқал, 2011: 45; Наршахий, 1966: 35]. Бухоро вилоятидаги рустоқлардан бири ҳам шу ном билан аталган.

Қуйи Харғана (خرغانه) – бу ном Истахрий матнларида – A11 да حرعاه السفلی, Ф2 да فرانہ, Ф3 да فروان шаклларида ҳам мавжуд. Харғана номи қадимги юнонча «кўрғон», «ҳарбий қароргоҳ» маъносидаги сўздан ясалган [Лурье, 2004: 71]. Бошқа фикрга кўра, Харған ёки Харқан номи суғдча х(у)г — «олға юрмок» ёки туркий *qoruyžin* — «кўрғошин» сўзининг [Кошғарий, I: 460] суғдча шакли бўлган х(а) гү-zirn сўзидан ясалган [Трамбле: 132].

Қумис (قومس) – Истахрий матнларида – A4 да قومس, A10 да قومس, Ф1 да قومش шакллари ҳам мавжуд. Бистом ва Симнон орасидаги Қумиш (قومش) ноҳиясининг арабчалаштирилган кўриниши [Самъоний, 1980, X: 261]. Қумис маъмурий жиҳатдан бошида Жибалга, кейин Рай ва Журжон билан бирга Хуросон ноибига қарашли бўлган [Ибн ал-Факих, 1967: 209, 309].

Қутайба ибн Муслим – машҳур араб лашкарбошиси, Хуросон амири, 86/705 – 96/715 йилларда Марвда ҳукм сурган.

Қухандиз ёки Қалъа (قهنذ) – форсча куҳандиз (كهندز) ёки кандиз (كندز) – «қалъа» сўзининг арабча шакли. Араб тилида бу атама қалъа (القلعة) ва Ҳисор (الحصار) шаклларида ҳам учрайди. Ўрта асрларда бу атама ҳоким қароргоҳи ва унинг девонлари жойлашган шаҳарнинг ички қалъасига нисбатан ишлатилган. Ўрта асрларда Шарқнинг деярли барча йирик шаҳарлари уч қисмдан иборат бўлган: ички қалъа (кўрғон, куҳандиз, арк, ҳисор), ички шаҳар (шаҳристон ёки ал-мадина ал-доҳила) ва ташқи шаҳар (рабад ёки ал-мадина ал-хорижа). Кўпчилик шаҳарларнинг фақат ички қисмлари, айрим йирик шаҳарларнинг

эса уччала қисми ҳам мустаҳкам қалъа деворлари билан ўралган. Ички қалъада одатда ҳукмдорнинг саройи ва маъмурий бинолар, ички шаҳарда – аҳоли яшайдиган маҳаллалар ва жоме масжидлари, ташқи шаҳарда эса савдо ва хунармандчилик марказлари, бозорлар ва карвонсаройлар жойлашган. Бу ҳақда қаранг: Учи-Миранда: 467; Деҳхуда, VI: 9094-9099; XI: 17679-17680; XII: 17826, 18625, 18792. Ўрта Осиёдаги шаҳарларнинг таркибий қисмлари ҳақида қаранг: Беленицкий, Бентович, Большаков: 14-47; Воронина: 84-104.

Қуҳандиз (قهنذز) – у Бинкат қалъаси шаҳристонининг шимолий қисмини, Эски шаҳарда собиқ «Спартак» стадионидан шимолдаги Регистон ва Жангоб ариқлари, Ҳамза (ҳозирги Зарқайнар) кўчасидан Эски Жўва ва Абдулла Қодирий истироҳат боғининг шимолий дарвозасигача бўлган ҳудуддаги алоҳида девор билан ўралган тахминан 1 га майдонни эгаллаган [Массон, 1954: 110; Филанович: 155].

Қуҳандиз дарвозаси (باب قهنذز) – Нумижкат шаҳристонидаги дарвозалардан бири.

Қуҳистон (قوهستان) – Истахрий матнларида – А3 да قوهسان, А4 да فوهستان, А10 да فوهستان, Ф1 ва Ф6 да قهستان шакллари ҳам мавжуд. Форс чўли яқинида Хуросоннинг жанубий қисмида, Нишопур ва Ҳирот орасида жойлашган Қухистан (كوهستان) тоғли ўлкасининг арабчалашган шакли [Истахри, 1368: 215-216]. Унинг номи яна Қуҳистон (قهستان) шаклида ҳам учрайди [Қудам: 35, 243]. Самъоний маълумотларига кўра, бу ном том маънода тоғларни англатади. Тоғли Қуҳистон ўлкаси Ҳирот, Ироқ, Ҳамазон, Буружирд ва бошқа қўшни ўлкалар билан туташ бўлган [Самъоний, 1980, X: 264; Йақут, 1866, IV: 205-206]. Бундан ташқари ўрта асрларда Жибал, Кирмон, Ҳамадон ва Нахованд вилоятларида ҳам шу номда *рустоқ*лар мавжуд бўлган [Ибнал-Факих, 1967: 263; Ибн Руста, 1967: 105; Муқаддасий: 481]. Қуҳистон (كوهستان) номи Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзаси ва Базахшон тоғларига нисбатан ҳам айтилган [Та'рих-иБадахшан: 118a, 124a, 125a].

Қўрғошин нов (نهر من رصاص) – араб., «Қўрғошин ариқ». Форсчада бу ариқ Жуйи Арзиз (جوارزیز) деб аталган [Бартольд, 1965: 274-276]. Самарқанддаги энг обод мавзе.

Ғадавад дарвозаси (باب غداود) – Истахрий матнларида – А8, А9 ва А11 да عداود шакллари ҳам мавжуд. Бу ном суғдча *γadā* «ёғоч» ва γδ – «ер» сўзларидан ясалган бўлиб, «ёғочли ер» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 128, 222, 225]. Ғадавад дарвозаси, рабад деворининг ғарбий қисмида жойлашган. Шаҳар деворидан 1 *фарсах* масофада Ғудовад (غداود) номли маҳалла жойлашган [Самъоний, 1980, IX: 129].

Ғадранак (غدرانك) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да عدوانكر, А4 да عدرانك, А8 ва А9 да عدواكر, А11 да بحدراصل, А12 да بمدزانك ва غدوانك, Ф2 да عدوال, Ф4 да بمدد دالك ва عروال, Ф7 да عد دالك, Ф8 да اداديك шакллари ҳам

мавжуд. Муқаддасий асарида бу ном Намадвонак (نمدوانك) [Муқаддасий: 48, 264], «Худуд ал-Олам»да бу шаҳарнинг номи Б.ғуронк (بغورانك) шаклида келтирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 117]. Бу ном қад. эрон. *grda-* – «уй» ёки форсча *yard* – «ёзги уй» сўзларидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье, 2004: 71]. Турк дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлидан шарқ томонда Кадак ва Кабарна ёнида жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522].

Ғазак (غزك) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да *عزك* ва *عرل*, А8, А9 ва Ф8 да *عزل*, А10 да *اعرك*, А10, А11 ва А12 да *عرك*, А12 да *عرق*, Ф2, Ф4 ва Ф7 да *غزل* ва *غرل*, Ф4 ва Ф7 да *غرل* шакллари ҳам мавжуд. Турк дарёси ва Илақ дарёси орасида, Илақ йўлидан шарқ томонда жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 522]. Эҳтимол, бу ном таркибида ғуз (*غز*) этноними иштирок этган бўлиши ҳам мумкин.

Ғазак (غزق) – Истахрий матнларида – А2, А3, А4, А10, А11, Ф1 ва Ф2 да *عرق*, А10 да *غرق*, А11 да *عدو*, Ф8 да *غرود* ва *عرفت* шакллари ҳам мавжуд. Бу қишлоқ Хўжанддан 40 км масофада Босмандисой водийсидаги Ғазан Дарак қишлоғи ўрнида жойлашган [Бартольд, 1963а: 173].

Ғазкард (غزکرد) – Истахрий матнларида – А10 да А11 да *عركرد*, Ф2 да *عرگرو*, Ф3 да *عركر*, Ф8 да *عركرد* шакллари ҳам мавжуд. Шош дарёси ва Илақ дарёси орасида Ғарканд (*غرکنده*) ёки Ғарканд (*غرکند*) номли шаҳарча бўлган [Ибн Ҳавқал, 1967: 507]. Унинг номи Ғаржанд (*غرچند*) шаклида қайд этилган [Ибн Ҳавқал, 1967: 523; Муқаддасий: 264]. Бу ернинг номи туркий *уwз-* ғуз этноними ва суғдча *-kird* – «асос солди» сўзидан ясалган [Лурье, 2004: 179]. Шош билан Исбижаб орасида Ғаркард номли ер ҳам қайд этилган [Ибн Хордадбех, 1967: 27]. Бу ер Келес дарёсининг юқори оқими ва унинг ирмоқлари ҳавзасида жойлашган. Ҳозирги Чимкент шаҳридан 40 км жанубда Қазқурт (Қазғурт) номли тоғ жойлашган бўлиб, Тошкент воҳасидан Испижобга олиб борувчи қадимий карвон йўли шу ердан ўтган. Ғазкирд шаҳарчаси шу ердаги Отбулоқ қишлоғининг ўрнида жойлашган [Байпаков, 1986: 24; Байтанаев: 75, 91].

Ғазна (غزنة) – Истахрий матнларида – А4 да *الغزنه* ва *غزنه*, А4 ва А8 да *عزنه*, А10 ва Ф6 да *عرنه*, А11 да *عزنة*, А11 ва Ф2 да *غرنه*, Ф1 да *غزنين*, Ф1 ва Ф4 да *غزنى*, Ф3 да *غرنه*, Ф6 да *غرنين* шакллари ҳам мавжуд. Тохаристоннинг жануби, Ҳиндикуш тоғларидаги ўрта аср шаҳри. Манбаларда X асргача тилга олинмаган. XII асрда Ғазна Ҳинд мамлақати бошланиш еридаги шаҳар деб аталади [Самъоний, 1980, IX: 142]. Унинг номи яна Ғазнин (*غزنين*) шаклида ҳам тилга олинади [Муқаддасий: 296; Худуд ал-‘Алем, 1930: 6б, 16а, 22аб; Сиасет-наме: 48, 74, 119]. Ғазна ёки Жазна (*جزنة*) шакли Ғазнин номининг арабчалашган шакли деб айtilган [Йакут, 1866, III: 798]. «Худуд ал-Олам» маълумотида кўра, Ғазнин тоғ этагида жойлашган ва ўта ёқимли жой бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 111]. Ғазнидан Бомийонгача 4 *марҳала*, Мултонгача

[Лурье, 2004: 121]. Бухоро вилоятида ҳам Ғарқанд (غرکند), Ғарқанд (غرقند) ёки Ғаржанд (غرچند) номли қишлоқ бўлган.

Ғаржистон (غرچستان) – ҳақида қаранг: **Ғарж аш-Шор**.

Ғашаж қапуғи (درب غشج) – Бухородаги бу қапуғнинг Истахрий матнларида – А10 да عشج, А11 да عشج, Ф2 да غسج, Ф3 да غنك, Ф7 да غج шакллари ҳам мавжуд. Матнда Жу-[и] Ғашаж (جو غشج) номли ариқ ҳам қайд этилган.

Ғитрифий (الغطريفية) – Наршахий маълумотида кўра, бу тангани Хуросон амири Ғитриф ибн ал-Ато ал-Киндий 185/801 йилда зарб эта бошлаган [Наршахий, 1966: 37]. Лекин Ғитриф ибн ал-Ато ал-Киндий Хуросонда 175/791 – 176/792 йилларда ҳукм сурган. Бу танга Бухорода исломдан олдин муомалада бўлган бухор-худот тангаларининг шаклида зарб этилган, фақат унинг таркибига кумуш ўрнига бошқа маъданлар кўпроқ қўшилган. Натижада унинг ранги оқ эмас, қорамтир бўлган. Лекин бу дирҳамларнинг қиймати кумуш дирҳамларга тенг, айрим ҳолларда эса улардан ҳам юқори бўлган [Бируни, 1963: 229-230].

Ғубар (غوبار) – Истахрий матнларида – А2 عور, А2, А3, А8 ва А9 да عرفان, А3 ва А12 да عوبار, А11, Ф2 ва Ф3 да عربان, А12 да هوبان, Ф7 да غربان шакллари ҳам мавжуд. Суғд водийсидаги бу жой номининг келиб чиқиши аниқ эмас.

Ғубзин дарвозаси (باب غبزين) – Истахрий матнларида – А8 да عودين, А10 да عويدين, А11 да عويد, Ф1 ва Ф7 да غزنين, Ф8 да غويدش шакллари ҳам мавжуд. Бу дарвоза Шуллиуктепа қалъа деворининг жануби-ғарбий томонида жойлашган бўлиб, ундан Калиф йўлида жойлашган Ғубзин қишлоғига олиб борувчи йўлга чиқилган.

Ғубон (غوبان) – Ҳиротдаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – А2, А3 ва А9 да عوبان, А8 да عونان, А10 да بانب, Ф2 да Ф3 да عربان, Ф4 ва Ф6 да عربان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Ғутон (غوتان) келган [Ибн Хауқал, 2018: 23]. Бу топоним *гут* (گت/غوٹ/غوت) этноними билан боғлиқ бўлиши мумкин [Деххуда, XI: 16844, 16869; XII: 18967].

Ғуз (الغزية) – Истахрий матнларида – А10 да عربه, А11 да الغره, Ф2 ва Ф3 да غزنين, Ф6 да غرين шакллари ҳам мавжуд. Араб тилидаги манбалар ғуз (غز), форс тилидаги манбаларда эса ғуз (غز) шаклида ҳам учрайди. Туркий ўғуз қабилаларининг арабча номи [Девон 1967: 393]. IX – X асрларда Исфижабдан Каспий денгизигача бўлган Сирдарё хавзаси ва Орол денгизи атрофидаги ерлар ғузларга қарашли бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 100-101]. Буларга қарашли шаҳарлар ва қалъалар кўп бўлиб [Идрисий: 220-222; Ибн Хордадбех: 66]. У ердаги Сабран шаҳри ҳам ғузларнинг тўпланадиган ери бўлган, Хаворанинг подшоҳи Жанд яқинидаги Хавора шаҳрида яшаган [Идрисий: 55]. Булар ҳақида қаранг: Девон 1967: 393-394; Голден: 205-211; Толстов, 1947: 55-102.

Ғузия (غزية) – қаранг: **Ғуз**.

Ғузлар чўли(مفاز هالغزاية) – Истахрий матнларида – A2, A3 ва Ф4 да غزنة, A8 да غزه, A9 да عزه, A10 да العربه, A11 да الغربيه, Ф8 да غزان, Ф6 да غرنه шакллари ҳам мавжуд. Форсий манбаларда – *би-йабан-и гуз* (بيبان غوز) – «ғузлар чўли» келган [Худуд ал-‘Алем, 1930: 186]. Бошқа манбаларда Хазар денгизи яқинида жойлашган (яъни, Каспий денгизи) турк *гузлар* чўли эслаб ўтилади (بوادى الغزاية من الترك) [Масъудий, 1967: 60]. Ибн Ҳавқал Марвдан Хоразмга кетаверишда Сифойа (سيفايه) чўлини эслаб ўтган [ИбнҲавқал, 1967: 456]. Бу ерда эса, Копеттоғ тоғларидан шимолда, Каспий денгизининг шарқий соҳиллари ва Амударёгача бўлган Қорақум чўл қумлари назарда тутилган.

Ғузлар ери (أرض الغزاية) – қаранг: Ғуз.

Ғузлар мамлақати (مملكة الغزاية) – қаранг: Ғуз.

Ғулом (غلام) – сўзма-сўз. «бола», «йигит», «хизматкор». Ўрта асрларда бу сўз арабча *абд* (عبد) сўзига синоним тарзида ишлатилган ва ҳукмдор гвардиясида қўлланилган.

Ғур (غور) – Истахрий матнларида – A3 да غوز, A4 да العور, A5 да جرياب, A10 да بحراب, A11 да لحراب, Ф2 ва Ф3 да خرناب, Ф6 да عسور шакллари ҳам мавжуд. Форслар уни Ғуристон (غورستان) деб ҳам атаганлар. Самъоний маълумотига кўра, Ғур – Хуросондаги Ҳирот яқинидаги тоғли ўлка [Самъоний, 1980, IX: 190]. Ёқутга кўра, Ғур – Ҳирот ва Ғазна орасидаги тоғлар ва вилоят. Бу кенг ва ёввойи ўлкадир. Шу билан бирга, унда машҳур Фирузқоҳ (فيروزكوه) номли машҳур қалъа бўлиб, ҳукмдорлари унда яшаган. Ундан Сом (سام) сулоласи бошланган [Йақут, 1866, III: 823]. Ҳиндикуш тоғларининг ғарбий, Афғонистоннинг марказий, Фарахруд, Ҳарируд ва Мурғобнинг юқори қисмидаги тоғли ўлка.

Ғусмон (غوسمان) – Ҳиротдаги бу ариқ номининг Истахрий матнларида – A3 да غرسمان, A10 да غوسحان, Ф1 да عوسجان шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқалда Ғусжон (غوسجان) [Ибн Хауқал, 2018: 23].

Ғута (الغوطة) – Суриядаги воҳанинг номи.

Ҳавадҳан рустоқи (رستاق حاودحان) – Кешдаги бу рустоқ номининг Истахрий матнларида – A11 да حاورحران رود, Ф1 да خروذه шакллари ҳам мавжуд. Бу рустоқ Ибн Ҳавқал матнидаги Харуда рустоқи (خروذه) бўлиши мумкин [Ибн Ҳавқал, 2011: 67].

Ҳадди Ширван қапуғи (درب حد شيرون) – Бухородаги бу қапуғ номининг Истахрий матнларида – A2, A3 ва A12 да حدسرون, A10 да حد اسرونه, A11 да حد سرون, Ф2 да سرون, Ф3 да سرور, Ф7 حدسرور шакллари ҳам мавжуд. Ибн Ҳавқал матнида Дарб Жадсарун (درب حدسرون) шаклида келган [Ибн Ҳавқал, 2011: 41].

Ҳадид дарвозаси (باب الحديد) – араб., бу ном «Темир дарвоза» маъносини билдиради. Истахрий матнларида – A5, A10 да حديد, Ф1 да اهنين шакллари ҳам мавжуд. Агар Боб Убайдулложануб томонда, Боб ал-Мадина ад-Доҳила эса ғарб томонда жойлашган бўлса, унда ички шаҳар дарвозалари матнда

соатнинг ҳаракати бўйлаб санаб ўтилган бўлади. Шунга кўра, Боб ал-Ҳадид Кеш шахристонининг шимол томонида жойлашган деб тахмин қилиш мумкин.

Ҳадид дарвозаси (باب الحديد) – араб., «Темир дарвоза» демакдир. Бу ер Шошдан 2 мил масофада жойлашган [Ибн Хордадбех: 64]. Истахрийнинг форсий Ф1 матнида آهنين шакли мавжуд. Шимолий Тохаристон билан Суғд чегарасидаги тоғларда ҳам шу номли ер бўлиб, унинг форсча номи Дари Оҳанин (در آهنين) яъни «Темир дарвоза» [Йақубий, 1967: 290; Табарий, 1881, II: 1229], ёки Дараи Оҳанин (دره آهنين) яъни «Темир дара» бўлган [Байхаки: 572]. Бу ер жанубий Қозоғистон ҳудудидаги Сароғоч қишлоғидан 5 км шимолда жойлашган тоғ дараси бўлиб, ҳозир Дарбоза деб аталади [Байтанаев: 86].

Ҳадид дарвозаси(باب الحديد) – араб., бу ном «Темир дарвоза» маъносини англатади. Истахрий матнларида – А4 да حسرین, Ф8 да آهنين шакллари ҳам мавжуд. Суғд ва Тохаристон чегарасидаги тоғ дарасида жойлашган қалъа ва мудофаа иншооти. Унинг форсча номи Дари Оҳанин (در آهنين) [Йақубий, 1967: 290], Дараи Оҳанин (دره آهنين) [Байхаки: 572] ёки Дарбанди Оҳанин (در بند آهنين) бўлган [Бартольд, 1965: 431]. Қадимги туркий битикларда *temir qariy* – «Темир дарвоза» VI асрда турклар етиб борган энг чекка ер сифатида қайд этилган [ДТС: 420, 551]. Темир дарвоза (*те-мин-гуань*) хитой манбаларида ҳам қайд этилган бўлиб, унинг бундай аталишининг сабаби бу ердаги тоғлар темир рангида бўлган. VII асрда бу ерда «олтин кулфли қалъа» ва ибодатхона бўлган [Бичурин, II: 316]. Ўрта асрларда бу дарвоза Қахлаға (قخلغه) номи билан ҳам аталган [Шомий: 55]. Шундай қилиб, бу ернинг арабча, форсча. хитойча ва туркча номлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир маънони билдирган. Хитой манбаларида бу ер «туркларнинг ўтиш жойи» [Тугушева: 7]. Демак, бу ернинг хитойча, шунингдек арабча ва форсча номлари қадимги туркий номдан таржима қилинган. Темир дарвоза деб Бойсун тоғларидаги узунлиги 3 км бўлган Бузғалахона номи тор тоғ дараси аталган. Бу ердан қадимги вақтлардан бошлаб Бактрия-Тохаристондан Суғдга олиб борувчи карвон йўли ўтган. Темир дарвоза бу икки мамлакатнинг чегарасида жойлашган. Шунинг учун у қадимдан катта иктисодий, ҳарбий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган [Бартольд, 1965: 451]. Қадимги юнон манбаларида қайд этилган Хориён ёки Сисимитра қалъаси шу ерда жойлашган [Ртвеладзе, 1990: 11]. Ўрта асрларда бу ном шунингдек Дарбанд қишлоғи билан Бузғолахона дарасигача бўлган катта масофада жойлашган табиий ва сунъий мудофаа иншоотлари тизимига нисбатан ҳам қўлланилган [Ртвеладзе, 1986: 34]. Дарбанд қишлоғидан ғарбда XVI асрга мансуб катта карвонсаройнинг қолдиқлари мавжуд. Тахмин қилинишича, бу карвонсарой XI – XII асрларга мансуб работнинг ўрнида қурилган [Аршавская: 23]. Ибн Ҳавқал қайд этган Термиз йўлидаги карвонлар тўхтаб ўтадиган Боб ал-Ҳадид айнан шу работ бўлса керак.

Ҳадид дарвозаси (بابالحديد) – Балхдаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – А3 ва А11 да الحدид шакли ҳам мавжуд. «Темир дарвоза» маъносини англатади.

Ҳадид дарвозаси (باب الحديد) – Бинкатнинг бу дарвозаси Истахрий матнларида – Ф1 да گميد, Ф2 ва Ф3 да آهنين, Ф8 да نو шаклларида келган. Ибн Ҳавқалда Жунбад (باب الجنيد) [Ибн Ҳавқал, 2011: 73], Муқаддасий матнида Боб ал-Жунайд باب الجنيد (ёки الجنيد) шаклида келтирилган [Муқаддасий: 276]. Бу дарвозанинг номи форсча *гумбад* (گمبد) сўзининг арабча шакли [Лурье, 2004: 224] ёки Жунайд исмли шахс билан боғлиқ бўлиши мумкин. 111/729 – 116/754 йилларда Жунайд ибн Абдурахмон ал-Муррий исмли Хуросон амири бўлган.

Ҳадид дарвозаси (باب الحديد) – Намижкат рабади бозоридаги бу дарвоза Истахрийнинг Ф1 матнида آهنين шаклида келган.

Ҳадид дарвозаси (باب الحديد) – яъни темир дарвоза. Бинкатнинг биринчи рабад дарвозаси Истахрийнинг форсий матнларида – Ф1 да آهنين, Ф8 да نو шакллари ҳам мавжуд.

Ҳадиса қишлоғи (القرية الحديثة) – бу қишлоқ Истахрийнинг форсий Ф8 матнида نو шакли ҳам мавжуд. Абул-Фида матнида ал-Қарийа ал-Жадида (القرية الجديدة) деб келтирилган [Абул Фида: 62, 488]. Яъни, «Янги қишлоқ» маъносини билдиради. Унинг форсча номи Дех-и Нав (ده نو) бўлиб, бу ном ҳам «Янги қишлоқ» демакдир [Худуд ал-Олам, 1970: 122; Бартольд, 1973: 44]. Унинг номи Дехи Нужикат (ده نوجيكت) [Муқаддасий: 263], Жадис (جديس) [Масъудий, 1961 I: 212] шаклида ҳам қайд этилган бўлиб, ундаги Нужикат сўзи суғдчада «Янги қишлоқ» маъносини билдиради [Лурье, 2004: 51, 99, 191]. Бу қишлоқнинг туркча номи Йангикент (ينكي كنت) бўлган [Рашид ад-дин, I: 198-200], Йанғикент (ينغي كنت) бўлган [Абул Фида: 62, 488]. Жувайний асарида унинг номи Шаҳркент (شهر كنت) шаклида келтирилган [Джувейни: 485]. XV асрда Ўтрор шаҳри ҳам Янги деб аталган [Бабур-наме: 29]. Бу қишлоқ Сирдарёнинг Орол денгизига қуйилиш ери яқинида Казалинскдан 15 км жануби-ғарбдаги Жанқалъа яқинида жойлашган Жанкент харобалари ўрнида бўлган [Бартольд, 1965: 228; Байпаков, 1977: 90].

Ҳажар кўприги (قنطرة الحجر) – араб., «Тош кўприк». Хутталон ва Вашжирд чегарасида Вахш дарёси устига тошдан қурилган кўприк [Ибн Руста, 1967: 92]. Истахрийнинг форсча Ф1 ва Ф8 матнларида سنگين шаклида берилган. Бу ерда ҳозир ҳам кўприк мавжуд бўлиб, Пули Сангин (Тош кўприк) деб аталади. Бу кўприк Нуртоғ ва Хўжаи Қур тоғлари орасидан оқиб ўтган Вахш дарёсининг ораси 20 кадамни ташкил этган энг тор ерида қурилган [Минаев: 24; Бартольд, 1963: 119].

Ҳазорасб (هزاراسب) – Истахрий матнларида – А10 да هواراست, А11 да هزاراسب ва هزاراست, Ф1 да هزاراسب, Ф2 да هوراسب, Ф3 да هزاراست ва هزارسب, Ф8 да هزار اسف ва هزاراسف шакллари ҳам мавжуд. Амударёнинг чап соҳилидаги

шаҳар. Ҳозир ҳам Ҳазорасп деб аталади. Сўнгги асрларда Хива хонлигининг иккинчи пойтахти бўлган. Ҳазорасп ёнидаги қадимги шаҳар харобалари Дев Солган деб аталади [Мадаминов: 77-79].

Ҳайдар ибн Ковус Афшин – Ушрусананинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорларининг охирги вакили, Аббосий халифаларининг лашкарбошиси. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда у ал-Афшин ал-Акбар (الافشين الاكبر), яъни «энг катта Афшин» деб аталган. Юқорида Афшин Дизак шаҳри яқинида қурдирган Худайсар номли работ қайд этилган эди. Эҳтимол, ал-Афшин ал-Акбар қалъаси (حصن) шу работнинг ўзидир. Табарийнинг асарида Самарқанд ва Хужанд атрофларида жойлашган Водий ал-Афшин (وادي الافشين) – «Афшин водийси» номли ер ҳам қайд этилган [Табарий, 1881, II: 1485].

Ҳалавард (هلاورد) – Истахрий матнларида – A10 да هلاورد, Ф8 да هلاورد, Ҳ8 да هلاورد шакллари ҳам мавжуд. Вахшоб дарёсининг ҳавзасида жойлашган Вахш вилоятининг бош шаҳри [Муқаддасий: 49; Идрисий, 1974: 487-488; Ёакут, 1866, II: 402], Арҳан сув кечувидан 2 марҳала ва Лаваканддан 1 марҳала масофада жойлашган [Ибн Ҳавқал, 1967: 518]. IX асрда Вахш ва Ҳалавард шаҳарлари Ҳошим ибн Баничур (243/857-58 йилда вафот этган) исми туркий ҳукмдорга қарашли бўлган [Ўакубий, 1967: 291]. X асрда унинг атрофларида боғлар ва унумли ерлар кўп [Муқаддасий: 291], унга қарашли рустоқларда ҳам деҳқончилик ривожланган, аҳолиси эса урушга мойил ва камон отишда жуда моҳир бўлган [Худуд ал-Олам, 1970: 120]. Ўрта асрлардаги Ҳалавард шаҳри ҳозирги Кўрғонтепа ўрнида жойлашган деб тахмин қилинган эди [Бартольд, 1963: 119]. Охирги маълумотларга кўра, исломдан олдинги Ҳалавард шаҳри ҳозирги Румий (собик Колхозобод) шаҳрининг ғарбий чеккасида Вахш дарёси қирғоғидаги Кофирқалъа харобалари ўрнида жойлашган [Соловьев: 145-155].

Ҳамдайн работи (رباط حمدین) – яъни, Ҳамдайн работи томонга қараган дарвоза. Бинкатдаги бу работ номининг Истахрий матнларида – A10 да احمد, A11 да رباط حریر, Ф8 да رباط محمدی шакллари ҳам мавжуд. Унинг номи Дарб Работ Аҳмад (درب رباط احمد) шаклида ҳам келтирилган [Муқаддасий: 276].

Ҳамдуна кўприги (قنطرة حمدونه) – юқорида Дор Ҳамдуна, яъни Ҳамдуна уйи ёки қасри қайд этилган эди. Бухоро шаҳристонидаги кўприк.

Ҳорун ар-Рашид – Аббосийлар сулоласининг 5-халифаси, 170/786 – 193/809 йилларда Бағдодда ҳукмронлик қилган.

Ҳассон кўприги (قنطرة حسان) – Бухородаги бу дарвоза номининг Истахрий матнларида – A10 да قنطرة حراسان, A11 да قنطرة حسان – шакллари ҳам мавжуд.

Ҳафтдех (هفت ده) – Истахрийнинг A11 матнида هفده шакли мавжуд. XV асрда бу ерлар ва унинг атрофларидаги тоғлар Ўаттиканд деб аталган бўлиб [Бабур-наме: 32] бу туркий ном ҳам «Етти қишлоқ» маъносини билдиради. Юқоридаги ном XV аср манбасида қайд этилган бўлса ҳам, илк ўрта асрларда мавжуд бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳафтдех номи эса унинг форсча

таржимаси бўлиши мумкин. Бу ерда жойлашган икки шаҳардан бирининг номи Астийоканд (استياكند) [Ибн Ҳавқал, 1967: 514]. Бу шаҳарнинг номи Йаттиканд (يتيكند) шаклида ҳам ўқиш мумкин [Камолиддин, 2006: 86]. «Ҳудуд ал-Олам»да Бушт (بشت), К.л.с.кон (كلسكان), Йуканд (يوكند), Кукат (كوكت) ва Хушқоб (خشكاب) номли бир-бирига яқин жойлашган шаҳарчалар қайд этилган [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 117]. Улардан бири Буканд (بوكد) шаклида қайд этилган [Муқаддасий: 262]. В. Минорский фикрича, бу 5 та шаҳарча Ҳафтдеҳ вилоятидаги 7 та қишлоқларнинг 5 тасини ташкил этган. Қолган иккитаси эса С.лот (Ш.лот) ва Бисканд (Астийоканд) шаҳарларидир [Ҳудуд ал-Олам, 1970: 356].

Ҳимйарий (الحميارية) – ҳимйарий тили, араб тилидан олдин қадимги Йаманда ишлатилган ўлик тил.

Ҳинд (الهند) – Истахрийнинг форсий Ф6 матнида ҳам هندوستان дейилган. Араб халифалигидан шарқда жойлашган Ҳиндистон мамлакатининг арабча номи [Йақут, 1866, I: 595; II: 946; III: 166; IV: 312]. Форс тилидаги манбаларда унинг номи Ҳиндустон (هندستان) шаклида қайд этилган [Наршахий, 1966: 22]. Ҳиндистоннинг араблар томонидан босиб олинган ва ислом дини тарқалган қисми Синд деб аталган.

Ҳиндувон дарвозаси (باب هندوان) – сўзма-сўз «Ҳиндлар дарвозаси». XVII асрда Балх қухандизи Ҳиндувон деб аталган. Шаҳристон қалъа деворларининг шарқий томонида Ишкабанд дарвозаси бўлган ва у Ҳиндон деб ҳам аталган [Ахмедов: 27]. Ҳиндувон номи қадимда Балхда, унинг қухандизида ва атроф қишлоқларидан бирида ҳиндлар жамоаси яшаганидан далолат беради. Ҳиндувон қишлоқ номи мўғуллардан кейинги манбаларида ҳам эслаб ўтилган ва ўз номини бизнинг кунгача сақлаб қолган [Барнабади: 122, 211].

Ҳира (حيره) – Хоразмдаги бу жой номи борасида маълумот топилмади. У Истахрий матнларидан фақат Ф8 матнида мавжуд.

Ҳирот (هراه) – Истахрий матнларида – Ф1 да هراه ва هری, Ф2 да هرا, Ф6 да هراه, هوى, بىرى, هواه, مرو ва بوشنج шакллари ҳам мавжуд. Хуросоннинг энг чекка шарқий томонида, Нишопурдан 80 *фарсах*, ёки 10 *марҳала* масофада жойлашган Ҳари (هري) шаҳар номининг арабчалашган шакли [Ибн ал-Фақих, 1967: 208]. Ўртафорс манбаларида унинг номи Харев шаклида келтирилади [Дашков: 270-271]. Бугунги кунда Ҳирот шаҳри Афғонистон худудида жойлашган.

Ҳос (حاس) – Хоразмдаги бу шаҳар номи Истахрийнинг фақатгина А10 матнида мавжуд.

Ҳошимжирд (هاشم جرد) – Истахрий матнларида – А10 да هاسم حدود, А11 да هاسم كرد ва الريدكهاسم حدود, Ф1 да حاشمگرد ва گرد шакллари ҳам мавжуд. Термиздан Боб ал-Ҳадидга олиб борувчи йўлда жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 517]. Юқорида Ҳошимжирд Амударё ҳавзасида жойлашган шаҳарлар қаторида Термиздан кейин ва Фарабрдан олдин қайд этилган [Ибн

Ҳавқал, 1967: 460]. «Худуд ал-Олам»га кўра, Ҳошимкирт (هاشمكرت) да қўй ва мол қўп етиштирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 114]. Бошқа манбаларда бу шаҳар қайд этилмаган. Унинг жойлашган ери ҳақида бир нечта фикрлар мавжуд: Ангор яқинидаги Каптархона номли ер атрофларида [Аршавская, Ртвеладзе, Ҳакимов: 42], ёки Термиздан 30 км шимолда жойлашган Қулоқлитепа ҳаробалари ўрнида [Раҳманов 1990: 40]. Ҳошимжирд (Ҳошимгирд) шаҳри ҳозирги Шеробод атрофларида жойлашган деган фикр тўғрироқ бўлса керак [Беленицкий, Бентович, Большаков: 179]. Чунки бу шаҳар ҳар томонлама жуда муҳим ерда – Шеробод дарёсининг тоғлардан чиқиш ерида дарё сувининг ариқларга тақсимланиш тизимининг энг бошида жойлашган. Шерободдан 7 км жануби-ғарбда Каттепа номли шаҳар ҳаробалари жойлашган бўлиб, ўрта асрларда у Термиз вилоятидаги энг йирик шаҳар бўлган [Ртвеладзе, 1992: 42-44]. Буерда VII – VIII асрларга оид арабча ёзувли сопол парчалари топилган [Аннаев, 1979: 48]. Бу шаҳарнинг номи Вахш ва Ҳалавард шаҳарларининг туркий ҳукмдори Ҳошим ибн Баничур (245/857-58 йилда вафот этган) исми билан боғлиқ бўлиши мумкин [Бартольд, 1963: 123]. Бизнингча, унинг номи Аббосийлар, Алавийлар ва Муҳаммад пайғамбарнинг умумий аждоди Ҳошим ибн ал-Аббос исми билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳақида қаранг: Камалиддин, 2004: 50-54.

Ҳулбук (هلبك) – Истахрий матнларида – А3, А9, Ф2 ва Ф3 да هلبك, А4 да هلبك, А8 да هلبك, А8 ва Ф1 да هلبك, А11 да هلبك, Ф4 да هلبك, Ф6 да هلبك, Ф8 да هلبك шакллари ҳам мавжуд. Хутталон вилоятининг бош шаҳри [Йакут, 1866, II: 402]. Хитой манбаларида у Ко-ло-кян номида эслаб ўтилган. «Худуд ал-Олам»да Ҳулмук (هلمك) шаклида келтирилган [Худуд ал-Олам, 1970: 119]. Ҳулбук Румий шаҳридан шимоли-ғарб томонда 7 км масофада жойлашган Курбон-Шоҳид кишлоғидаги Хишттепа ўрнида бўлган деб ҳисобланади [Гулямова, 1961: 158; 1969: 52]. Батафсил маълумот учун қаранг: Бартольд, 1963: 118-119, 363; 1963а: 186; 1965: 319, шунингдек: Камалиддинов, 1996: 191-192; Деххуда, XIV: 20789.

Ҳулбук дарё (نهر هلبك) – қаранг: **Ахшувуо дарё**.

Ҳумайд қудуғи (بئر حميد) – Шошдаги бу жойнинг номи Истахрий матнларида – А10 да بق حند, А11 да بنو حميد шакллари ҳам мавжуд.

Ҳурмуз Фарра (هرمزفره) – Истахрий матнларида – А2 ва А3 да نهـر مرفوه, А3 ва А9 да هرمرفره, А3 ва А10 да هرمر فره, А4 ва А10 да قره, А8 ва А9 да هر مرفوه, А9 да مرمـر فوه, А10 да هرمرفيه, А11 да هرمرفره ва هومن فره, Ф2 да هرمزفره, Ф3 да هرمزفوه, Ф6 да مرمز فره ва مرمز مزه шакллари ҳам мавжуд. Кушмайҳан қаршисида, ундан 1 *фарсах* ва Марвдан Хоразм йўлида 1 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар [Ибн Ҳавқал, 1967: 456]. Ҳурмуз-Фаррани Байрам Алидан 30 км шимолда жойлашган замонавий Улу Кишман шаҳарчаси деб ҳисобланади. [Массон, 1966: 36].

Хурмуз Фарра ариғи (نهر هرمزفره) – Марв шаҳри ва унинг атрофини сув билан таъминловчи тўрт каналдан бири [Бартольд, 1965: 138]. Бу канал Сарахс йўналишида шаҳарнинг бир чеккаси ва атрофларини суғориб оққан [Мукаддасий: 331]. Мовароуннаҳр йўналишида чўл чеккасидаги қишлоқ ҳам шу ном билан аталган. Ибн Ҳавқал асарида Наҳр ал-мулук (نهر الملوك) дейилган [Ибн Хауқал, 2018: 18].

Хурмузфарра – қаранг: **Хурмуз Фарра**.

Хусайн ибн Тоҳир – бу ерда Тоҳир ибн ал-Хусайн Зул-Йаминайн (205/775-76 йилгача халифа Маъмурнинг Хуросондаги ҳарбий қўмондони, 205/821 – 207/822 йилларда Марвда ҳукмронлик қилган Тоҳирийларнинг биринчи ҳукмдори) назарда тутилган бўлиши керак

Хусайн қабристони (مقابر الحسين) – Нишопурдаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А3 да الحسين, А1, А8 ва А9 да الحسينيون, А11 да معمره шакллари ҳам мавжуд.

Хусайн қудуғи (بئر الحسين) – Шошдаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А4, Ф4 ва Ф1 да شق, А10 да بفق الحسر, А11 да بنى الحسن шакллари ҳам мавжуд.

Хусайн майдони (ميدان الحسين) – Нишопурдаги бу жой номининг Истахрий матнларида – А2, А3, А8 ва А9 да الحسى, А3, А8 ва А9 да الحسنين шакллари ҳам мавжуд.

Хуфра дарвозаси (باب حفره) – Нумижкат шаҳристонининг бу дарвозаси номи Истахрий матнларида – А10 да А11 да حفره, Ф4 ва Ф1 да كنده шакллари ҳам мавжуд.

